

67.99 (2)2
Г23

Ш. К. Гатаулин

СОЛИҚЛАР
ВА СОЛИҚҚА
ТОРТИШ

Тошкент -- 1996



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚҰМИТАСИ

Ш. Гатаулин

СОЛИҚЛАР
Хозирнинг 14
ВА СОЛИҚҚА ТОРТИШ

УҚУВ ҚУЛЛАНМАСИ



Тошкент
1996

Уқув қўлланмасида жаҳондаги тажрибани ҳисобга олиб, Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсати, солиқ тизими ва унинг амал қилиш воситалари курси мунтазам баён этилган. Китобда ҳозирги босқичда мустақил давлат томонидан ишлаб чиқиляётган ва амалга ошириляётган солиқ сиёсатининг моҳияти, тарихий жиҳатлари, илмий негизлари, сабаблари ва мақсадлари очиб берилган.

Қўлланма солиққа тортиш субъектлари бўлмиш солиқ тўловчилардан тортиб солиқ идораларининг мутахассислари ва раҳбарлари, уқув юрларининг муаллимлари, талабалари, уқувчилари ва тингловчиларигача бўлган кенг доирага мўлжалланган.

Китоб муаллифи уқув қўлланмасини тайёрлаш ва нашр этишда кўмак ва ёрдам берган Давлат солиқ қўмитасининг мутахассислари ва ходимларига, ҳудудий солиқ бошқармаларининг, бир қанча шаҳар ва туман солиқ инспекцияларининг, шунингдек бошқа ташкилотларнинг раҳбарларига, жумладан, иқтисод фанлари номзоди Ж.Ҳ.Абдуллаев, С.А.Алимбоев, О.Э.Аҳмедов, Р.Н.Аҳмедов, В.Д.Ардатов, Ш.М.Валиевларга, иқтисод фанлари номзоди Э.Ф.Гадоевга, иқтисод фанлари номзоди В.Ю.Галкинга, ҳуқуқшунослик фанлари номзоди М.Я. Куроловга, Т.Р.Мирзаевга, иқтисод фанлари номзоди М.М.Перперга, Ш.Х.Сагторовга, С.А.Тахтин ва бошқаларга астойдил миннатдорчилик ва ташаккур изҳор этади.

Мазкур китобдаги III бобнинг 1-параграфи юридик фанлар номзоди А.А.Ли, VII бобнинг 2-4-параграфлари юридик фанлар номзоди В.Н.Стасько, VIII боб Л.Б.Хван қаламига мансуб. Иқтисодий, молиявий ва юридик атамалар қисқача лугати иқтисод фанлари доктори, профессор Ҳ.С.Собиров таҳририда тайёрланган.

Тошкент,
Давлат солиқ қўмитаси,
1996 йил.

КИРИШ

Тўқсонинчи йиллар - суверен давлатимиз мустақилликка эришган ва қарор топа бошлаган давр Ўзбекистон Республикаси иқтисодийнинг муттасил ислоҳ қилиш даври ҳам булганлиги билан алоҳида ажралиб туради.

Маъмуриятчилик-буйруқбозлик тизимидан бозор муносабатларига утилиши туфайли хўжалик турмушида, бошқарув шакллари ва усулларида чуқур ўзгаришлар рўй берди, хўжалик фаолиятига таъсир этишининг давлат воситаларини тубдан янгилаш, қатъий режаларни иқтисодий воситалар - кредит ресурсларига, божларга, солиқларга фоиз ставкалари билан алмаштириш топшириқларини бажариш зарур бўлиб қолди.

Солиқлар - мана шундай таъсир утказишининг муҳим қуроллари билан биридир. Шу қуроallar ёрдамида давлат ижтимоий эҳтиёжларни қондириш учун воситалар туплайди, тадбиркорликнинг устивор турларини рағбатлантиради, энг зарур ижтимоий муаммоларни ҳал қилади. Шу сабабли кечагина мутахассислар тор доирасинигина қизиқтириб келган солиқлар иқтисодийдаги туб ўзгаришлар муносабати билан ҳамманинг эътиборини узига тортаётганлигига ажабланмаса ҳам бўлади.

Замонавий солиқ тизими жаҳон цивилизацияси узок давр мобайнидаги тараққиётининг маҳсулидир. Солиқларнинг пайдо бўлиши аввало давлатчиликнинг қарор топиши билан боғлиқдир. Миср, Афина, Румо каби энг қадимий давлатларнинг ёзма манбалари уша даврларда ҳам турли солиқлар ва ҳар хил туловлар кенг миқёсда расм булганлигидан далолат беради.

Ўзбекистон тарихида ҳам солиққа тортишга оид далиллар кўп. Араблар истилоси замонларидаёқ аҳolidан “жузья”, “хирож”, “вазифа”, “закот” ва шу каби солиқлар ундирила бошлаган.

Темур ва шайбонийлар даврларида бу солиқлар анча такомиллаштирилди, солиқ сиёсати хўжалик фаолиятини рағбатлантиришга, меҳнат унумдорлигини ошириш ва маҳсулот ҳажмини кўпайтиришдан манфаатдорликни кўчайтиришга қаратилди.

Феодал тарқоқлик шароитида бу солиқлар тобора кўпайиб, уларни ундириш усуллари шафқатсиз тус олиб борди. Солиқчилар истаганча бедодлик қилдилар, шу тариқа солиқлар ўзининг иқтисодий вазифасини аста-секин йўқотиб, шахсий бойлик орттириш қуролига айлана бошлади. Пухта уйланмаган солиқ турларининг кўпайиши ва уларнинг ундириб олиниши аҳоли кенг табақаларининг турмуш даражаси ёмонлашувига ва ижтимоий норозиликларга олиб борди.

Жамият ривожлана борган сайин солиқ тизими ҳам ривожланди. Солиқларнинг давлат ҳокимиятини таъминлаш молиявий қуроли, иқтисодий ва ижтимоий масалаларни тартибга солиш воситаси сифатидаги роли товар-пул муносабатлари ривожланиши билан тобора кучая борди.

Бироқ 1917 йилдан кейин, айниқса 1930 йилги солиқ ислохотидан сунг, бошқарувдаги буйруқбозлик-маъмуриятчилик ва тақсимотчилик усуллари шароитида солиққа тортишни бошқаришнинг моҳияти маҳсулот ишлаб чиқарувчиларнинг даромадларини маъмурий йул билан давлат бюджетига ажратишдан иборат бўлиб қолди. Корхоналарнинг уз айланма маблағларини купайтириши, ишлаб чиқаришни ривожлантириши ва шу каби эҳтиёжлари маъмурий-режали тарзда тақсимлаш орқали таъминланадиган бўлиб қолди. Солиқ тизимининг ривожланиш тамойили дунёнинг маданий мамлакатларидаги тамойлига зид келадиган тескари томонга йуналтирилди. Давлат бозор қонунарига хилоф равишда иш тутиб, зарар кўрувчи корхоналарни қўллаб-қувватлаш ва фойда кўрувчи корхоналарнинг даромадини тўла-тўғис тартиб олиш орқали ишлаб чиқариш рентабеллигини оширишга қизиқишни мутлақо тугатиб юборди. Солиқлар эса капитализмдан сарқит бўлиб қолган ва имкони борича тезрооқ йўқотилиши керак бўлган муқаррар илат деб курсатилди.

Ҳолбуки, ҳар қандай давлатда маориф, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот, атроф муҳитни муҳофаза қилиш, мудофаа ва ҳуқуқ-тартибот соҳасидаги ҳукумат дастурлари давлат бюджети ҳисобидан пул билан таъминланади, бюджетнинг даромад қисми эса асосан солиқлар орқали ҳосил қилинади.

Давлат иифокорлар ва уқитувчиларга, олимлар ва аскарларга иш ҳақи тўлаш, янги тиббий ва уқув муассасалари, театрлар, кутубхоналар ва шу кабилар қуриш ҳамда ишлаб турганларини таъмирлаш учун куп миқдордаги пулга муҳтож бўлади. Йул ва куприклар, электр станциялар ва газ қуврлари қуриш, бошқа иқтисодий лойиҳаларни амалга ошириш учун ҳам давлатга пул керак бўлади. Шундай қилиб, давлат уз вазифаларини давлат бюджетида жамланадиган етарли миқдордаги маблағсиз амалга ошира олмайди.

Яқин утмишда “солиқ саҳроси”га ухшаш бўлган Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритгач, ҳар қандай суверен давлатнинг энг муҳим хусусиятларидан бири бўлган солиқларни, бошқарув тизимини аста-секин ўзлаштирмоқда ва уз тизимини вужудга келтирмоқда. Бозор муносабатларига утиш шароитида республика Президенти И.А.Каримов солиқ тизимига принципиал ёндошувларни таърифлаб берди. Янги Конституция қабул қилиниши муноса-

бати билан И.А.Каримов бундай деди: “Республикада эндигина шаклланаётган солиқ тизимига кўпроқ эътибор берилиши ва такомиллаштирилиши лозим. Солиқлар давлат бюджети ва маҳаллий бюджетларни тўлдиришининг асосий манбаи эканлиги ҳаммамизга равшан. Солиқлар ҳужалик фаолиятининг барча соҳаларини қамраб олиши билан бирга ҳар бир тармоққа, корхонага алоҳида ёндошувни таъминлаши лозим.

Биз солиқларни режалари равишда ошириб бориш давлат ва жамиятга фойда келтирмаслигини тўла-тўқис англаб олишимиз керак, деб ўйлайман. Бундан ташқари, солиқлар даромадларнинг бир қисмини қамраб олади, улар халқ ҳужалигига ва аҳолига зарур бўлган яхшироқ маҳсулот ва товарларни кўпроқ ишлаб чиқаришга интилувчи ташилотлар ҳамда фуқароларни ҳар жиҳатдан рағбатлантириши керак”. Бир неча йил давомида солиқлар иккинчи даражали иқтисодий воситадан давлатнинг жамият иқтисодий турмушига, корхоналар, ташилотлар ва фуқароларнинг ҳужалик юртиши феъл-атворига таъсир утказишининг қудратли омилига айланди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурда 1991 йил 12 августда Бош давлат солиқ бошқармасининг тузилиши ёш давлатнинг солиқ тизимини шакллантиришда жуда муҳим рол ўйнади. 1994 йилда тузилган Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси эса мазкур бошқарманинг ҳуқуқий вориси бўлди.

Давлатнинг солиқ сиёсатини амалга оширишда асосий мавқени эгаллаган солиқ идоралари солиқ қонунларига риоя қилиниши устидан назоратни таъминламоқдалар, жуда катта тушунтириш ишларини амалга оширмоқдалар.

Солиқ идоралари ташикл этилган пайтдан буен утган тўрт йил мобайнида давлат бюджетининг даромад қисмини ўзлуксиз тўлдиришни таъминлайдиган мунтазам тизимга айланди.

Бироқ, солиқ тизимида эришилган ютуқлар билан бир қаторда бир қанча масалалар ҳамон ҳал бўлмай турибди. Солиқ идоралари ходимлари ва солиқ тўловчиларга таълим бериш ва уларни тайёрлашнинг умумдавлат тизими кўнгилдагидек даражага кўтарилган эмас, солиқ соҳасида аҳолини саводли қилиш борасида камчилик бор. Махсус услубий ишланмаларнинг йўқлиги, илмий ва ўқув адабиётларининг етишмаслиги бу жараёнга тўсқинлик қилмоқда.

Китобхонларга хавола этилаётган мазкур ўқув қўлланмаси бу муаммони қисман ҳал этади. У солиқ идораларининг ходими бўлишга эндигина тайёргарлик кўраётганларга ҳам, солиқ ишининг алифбосини ўзлаштириб олганлар, ҳам фойдали бўлади. Унда давлат ижтимоий-иқтисодий сиёсатининг қуроли бўлган солиқларнинг ус-

лубий жиҳатлари кўриб чиқилади, солиқ механизмининг унсурлари таҳлил этилади. Муаллиф назарий таҳлил билан чекланмасдан, республиканинг энг муҳим солиқларини ижро этишга оид амалий тавсия ҳам беради.

Қўлланмада солиқ идоралари фаолиятининг юридик жиҳатлари очиб берилади. Солиқ хизмати тизими ва таркиби, унинг ваколатлари, давлат бошқаруви ва назоратининг бошқа субъектлари, иқтисодий муассасалар билан ўзаро муносабатлари амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ равишда баён этилади. Амалдаги қонунларга риоя этилмаганлиги учун солиқ идоралари ходимлари ва солиқ тўловчиларнинг масъулиятига махсус боб бағишланган.

Солиқ тизимининг фаолияти билан боғлиқ бўлган жамики хил-ма-хил масалаларни бир қўлланмада баён этиб беришнинг иложи йўқ, албатта. Солиқ идоралари ходимларига молиявий иқтисодий билим берадиган, уларни хизматга ва махсус ишларга тайёрлайдиган ўқув-услубий адабиётлар нашр этиши, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари, умумий таълим мактаблари учун дарсликлар ишлаб чиқиш зарурати бор. Қонунга буйсунадиган, диёнатли солиқ тўловчини тарбиялаш, ўз фуқаролик вазифаларига ҳурмат билан қараш ҳислатини шакллантириш - муҳим давлат вазифасидир, шу сабабли, Давлат солиқ кумитаси ўқув, ўқув-услубий ва меъёрий ҳужжатларни тайёрлаб, нашр этишни режаслаштириб қўйган. Китобхонга тақдим этилаётган қўлланма - мана шундай нашрлар туркумининг қалдирғочи, холос. Ундан кузатиш мақсад давлатнинг юксак солиқ маданиятини вужудга келтиришдан иборат. Қўлланмадан амалда фойдаланилиши, мутахассислар ва солиқ тўловчиларнинг, ўқув юртлари муаллимлари ва тингловчиларининг мулоҳаза ва таклифлари кейинги нашрларда уни такомиллаштириш соҳасидаги ишни амалга ошириш ва чуқурлаштириш учун асос бўлиши шўхбасиз.

“Солиқ - уни туловчилар учун
қуллик эмас, эркинлик аломатидир”
(А.Смит. 1789 й.)

І БОБ

СОЛИҚҚА ТОРТИШНИНГ МАКРО- ВА МИКРОИҚТИСОДИЙ ЖИХАТЛАРИ

§1. Ўзбекистон Республикасининг бюджет тизими

Халқ манфаатларига мос бўлиб тушадиган мустақил иқтисодий сиёсат ҳар қандай давлатнинг эркин ривожланишида мажбурий шарт ҳисобланади. Айнан шундай сиёсатни изчиллик билан амалга ошира бориш, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов таъкидлаб ўтганидек, давлатчилигимизнинг мустақиллиги қарор топиши ва янада тараққий этишида ҳал қилувчи омилдир. Жамият ҳар бир аъзосининг манфаатларини қондиришга мўлжалланган бозор иқтисодиётини қуриш бу сиёсатнинг ўзагини ташкил этади. Бозор муносабатларига ўтиш билан боғлиқ туб ўзгаришлар, ўтказилаётган ислохотларнинг узоқ давом этадиган ва мураккаб жараёнлари иқтисодиётни барқарорлаштириш юзасидан чоралар кўришни талаб қилади. Бунда молиявий муносабатлар ғоят муҳим ўрин тутади.

Собиқ СССР таркибида бўлган барча республикалар ҳузилиб кетган иқтисодий тангликда қолдилар. Бирданига бошланган пулнинг қдарсизланиши, бир вақтлар ягона бўлиб келган молия ва пул-кредит тизимларининг барбод бўлганлиги, илгари қарор топган хўжалик алоқаларининг чок-чокидан сўкилиб кетиши натижасида Ўзбекистон иқтисодиёти оғир аҳволга тушиб қолди. Ана шундай шароитда мамлакатнинг молиявий аҳволини соғломлаштириш чора-тадбирлари биринчи даражали аҳамият касб этади. Молия сиёсати иқтисодий сиёсатнинг таркибий қисми бўлиб, молияни ташкил этиш ҳамда ундан фойдаланиш давлат ўз функция ва вазифаларини амалга оширишида кўрадиган чоралари мажмуига киради. Бундай сиёсат молия ресурсларини сафарбар қилиш шакллари ва усуллари тизимини, уларни тақсимлашда, молия қонунларида, давлат даромадлари ва харажатлари таркибида ўз ифодасини топади. Бозор муносабатларига ўтиш ту-

файли фойда, солиқлар, акциялар, дивидендлар, ижтимоий сугурта, инвестиция фондлари ва ҳоказо тушунчалар пайдо бўлди ҳамда кенг қўлланилмоқда. Ҳозирги ижтимоий-иқтисодий формация амал қилаётган молия муносабатларининг йиғиндиси, тор маънода эса, давлатнинг молия муассасалари тизими молия тизимини ташкил этади.

Давлат молияси ана шу тизимнинг муҳим унсури бўлиб қо-лмоқда. Бироқ ўз иқтисодий моҳиятига кўра - бу ижтимоий маҳсулотни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш жараёнида пайдо бўладиган пул муносабатлари давлат ихтиёрига келиб тушадиган, ижтимоий таъминот, мудофаа, бошқарув эҳтиёжлари учун фойдаланиладиган пул ресурсларини шакллантириш билан боғлиқ жамият бойлигининг бир қисмидир. Бу соҳада пул муносабатларининг субъектлари давлат, корхоналар, бирлашмалар, ташкилотлар, муассасалар ва фуқаролар ҳисобланади.

Молия тизимининг асосини давлат бюджети ташкил этади. У бир томондан, ресурсларнинг ҳал қилувчи қисминини ўзида жамлайди, иккинчи томондан эса барча молия бўғинлари ва муассасаларининг ўзаро алоқадорлигини таъминлайди, уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириб боради.

Бюджет иқтисодиётга, ишлаб чиқариш жараёнига, ҳужалик ҳаётига давлат томонидан таъсир ўтказиш воситасидир, у давлат истеъмолчининг молиявий асоси сифатида намоён бўлади ҳамда давлат томонидан ижтимоий манёврлаш учун фойдаланилади.

Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети пул ресурсларининг марказлашган фондлари бўлиб, улар асосан солиқлар ёрдамида жамланади ҳамда давлат томонидан ўз функция ва вазифаларини амалга ошириш учун фойдаланилади. Давлат бюджети қонун кучига эга бўлиб, республика Олий Мажлисида тасдиқланади.

Бюджетнинг даромад ва харажатлари таркибида давлатнинг ички ва таниқи сиёсати мужассамланади, иқтисодий ва ижтимоий жараёнлар, ишлаб чиқаришнинг танлаб олинган усулига хос бўлган зиддиятлар ўз ифодасини топади.

Бюджетнинг бош функцияси давлат яшаб туришига моддий шароит яратиш, ишлаб чиқариш муносабатларини, тақрор ишлаб чиқаришни таъминлаш учун миллий даромадни қайта тақсимлашдан иборатдир.

Ўзбекистон Республикасининг бюджет тизими давлат бюджети амал қилишининг ташкилий шаклидир. Бундай тизим давлатнинг иқтисодий сиёсатини амалга оширишда асосий дастаклардан бири ҳисобланади.

² **Бюджет тизими** - республика (давлат) барча бюджетларининг жамламаси. у давлатнинг сиёсий ва иқтисодий тизимларига,

республиканинг маъмурий бўлинишига асосланади. Бюджет тизимининг ижтимоий-иқтисодий ва ташкилий тамойиллари, тузилиши, унда бирлашиб кетадиган бюджетларнинг ўзаро алоқадорлигини республика **бюджет қурилмасини** белгилайди.

Ўзбекистон Республикасининг бюджет тизими икки бугиндан иборат:

- Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети:

- Қорақалпоғистон Республикасининг давлат бюджети, республика вилоятлари, Тошкент шаҳри, туманлар ва шаҳарларнинг бюджетлари.

Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджетига давлат ижтимоий суғурта бюджети ҳам киради, у касаба уюшмалари томонидан шакллантирилади ва фойдаланилади.

Ўзбекистон Республикасининг бюджети >бир бутундир. Бу гапнинг маъноси шуки, бюджет тизимининг барча бўғинлари - давлатнинг ягона давлат бюджетига кирувчи Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, республика туманлари ва шаҳарлари бюджетлари яхлит тарзда бирикиб кетади. Бюджетнинг бир бутунлиги Ўзбекистон Республикаси иқтисодий тизимининг яхлитлиги билан белгиланади. Бюджет тизими республиканинг бутун хулудида амалда бўлган давлат даромадлари ягона тизимига ҳамда умуман республика, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлар ва шаҳарларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга йуналтириладиган давлат харажатларининг бир хиллигига асосланади.

Ташкилий жиҳатдан бюджетнинг бир бутунлиги бюджетни истиқболли белгиланган услубияти ва уюштирилишининг ягоналигини кафолатлайди.

Республика (давлат) бюджетининг бир бутунлиги туфайли ягона марказлашган фонд пул ресурсларини ўз тасарруфига олади. Бу фонд бюджет тизимининг қандайдир фақат битта бугини сифатида тақдим этилиши мумкин эмас ва у Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетига бирлашадиган барча бюджетларнинг йиғиндиси қуринишида намоён бўлади.

Республика бюджет тизимининг яхлит ва бир бутунлиги ташкилий жиҳатдан мустақамлаб қўйилган. Қонун ҳужжатларида кузда тутилганидек, қўйи бюджетларнинг ҳар бири юқори бугин таркибига киради.

Ўзбекистон Республикасининг бюджет тизимида **умумреспублика бюджети** етакчи бўғиндир. У умумдавлат ресурсларининг бир қисми бевосита давлат ҳокимиятининг ижро этувчи ва фармойиш берувчи олий органи - Ўзбекистон Республикаси ҳукуматида марказлашувини таъминлайди. Марказлашган ресурслар

умумдавлат аҳамиятига молик бўлган, умуман олганда жамият манфаатларини ифодалайдиган тадбирларни (халқ хўжалиги аҳамиятидаги қурилишларни, энг муҳим ижтимоий тадбирларни, мудофаа, бошқарув, давлатнинг ташқи иқтисодий алоқалари, давлатнинг моддий ва молиявий захираларини) маблағ билан таъминлашга ишлатилади. Умумреспублика бюджети орқали миллий даромадни Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳрига тақсимлаш ва қайта тақсимлаш жараёни изга солиб турилади. Давлат умумреспублика бюджетидан давлат бюджетининг бу бугини ижроси юзасидан республикадаги ҳамма ишларни мувофиқлаштириш учун фойдаланади.

Қорақалпоғистон Республикасининг давлат бюджети пул маблағларини республиканинг тегишли давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари амалга оширадиган ижтимоий-иқтисодий ривожланиш тадбирларини молиялаштириш учун марказлаштиради.

↳ **Маҳаллий бюджетлар** Ўзбекистон Республикаси бюджет тизимининг муҳим таркибий қисмини ташкил этади. Улар давлат ҳокимиятининг ҳар бир маҳаллий органи ўз фаолиятини амалга ошириши учун унинг ихтиёрида аниқ молиявий база яратади. Маҳаллий бюджетлар тизими маҳаллий талаб-эҳтиёжларни тулароқ ҳисобга олиш ҳамда давлат томонидан марказлашган тартибда амалга ошириладиган тадбирлар билан туғри чоғиштириб бориш имконини беради, маҳаллий ҳокимият органлари маҳаллий бюджет даромадларининг қунайиши ва ресурсларнинг тежамкорлик билан сарфланиши туғрисида тинмай гамхўрлик қилади, чунки жойларда иқтисодиёт ва маданиятнинг юксалиш суръатлари туғридан-туғри маҳаллий хўжалик захираларини сафарбар қилиш, маблағларни тежаб ишлатиш борасидаги ишларни ташкил этиш билан боғлиқ бўлади, бу эса ўз навбатида умуман Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетининг муваффақиятли бажарилишига ёрдам беради. Маҳаллий бюджетлардан уй-жой-коммунал хўжалиги ва ободонлаштириш, маориф ва соғлиқни сақлаш муассасалари (мактаблар, касалхоналар, мактабгача тарбия муассасалари ва бошқалар), ижтимоий таъминот соҳасидаги тадбирлар маблағ билан таъминланади.

Давлат бюджети пул муносабатларидан иборат бўлиб, бундай муносабатлар миллий даромад, хусусий ва миллий бойликни қайта тақсимлаш жараёнида давлат ҳамда корхоналар, ташкилотлар, муассасалар ва аҳоли ўртасида келиб чиқади. Давлат бюджетининг моҳияти энг аввал унинг тақсимлаш ва назорат қилиш функциялари орқали намоён бўлади. Бюджетнинг ўзи объектив бўлгани каби давлат бюджети функциялари ҳам объективдир. Бироқ унга хос бўлган хусусиятлар бюджет механизмида ўз аксини топади. Бундай механизм муайян иқтисодий-ижтимоий

вазифаларни ҳал этишга қаратилган аниқ йўналишни ифода этади ҳамда давлатнинг бюджет сийсатини амалга оширишда таъсир курсатувчи восита ҳисобланади.

Давлат бюджети даромадлар ва харажатларнинг баланси шаклида тузилади ҳамда мамлакат бюджет фондини ҳосил қилиш манбалари ва ундан фойдаланиш йўналишларини ифода этади. Шунинг учун ҳам турли-туман алоқаларни ўзида акс эттирадиган бюджет курсаткичлари аниқ мақсадли бўлиши фаол умумдавлат молия назоратини ўрнатиш учун асос яратиб беради. Давлат бюджети курсаткичлари жамият иқтисодий ва ижтимоий ҳаётининг ҳақиқий манзарасини тавдалантириши, амалдаги маълумотлар истиқболга белгиланганидан четга чиқаётгани ҳақида огоҳлантириши ва тезда зарур ечимлар топишни талаб қилиши мумкин.

Бозор муносабатларига ўтиш билан бюджет механизми, аввало бюджетни прогнозлаш усуллари ва усуллар мажмуи ҳам тубдан ўзгармоқда. Бюджетни шакллантиришнинг маъмурий-буйруқбозлик усуллари ўрнига иқтисодий усуллар пайдо бўлмоқда. Шунингдек, давлат бюджетининг иқтисодиёт ва ижтимоий соҳани ривожлантиришга, бюджет маблағларидан фойдаланишни йўналтиришга давлат томонидан таъсир ўтказиш воситаси сифатидаги вазифаси ҳам ўзгармоқда. Халқ ҳўжалиги тармоқларини марказлашган тартибда маблағ билан таъминлаш ва миллий даромадни қайта тақсимлаш ўрнига давлат бюджетни изга солиб туриш орқали халқ ҳўжалигининг тузилиши ҳамда тармоқларнинг мутаносиблигини ўзгартириши мумкин бўлмоқда. Ҳўжалик ҳолатини рағбатлантиришга, ишдаги фаолликни ошириш ва рақобат муҳитини вужудга келтиришга бюджет дастакларининг таъсири кучаймоқда.

Бюджетнинг даромад ва харажат қисмлари мустақил мезонлардир. Уларнинг ҳар бири ўзига хос белгиларга эга. Масалан, даромадлар давлат фаолиятининг молия базаси бўлиб хизмат қилади, харажатлар эса умумдавлат талаб-эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилади.

Давлат бюджетини шакллантириш жараёнида муайян пул муомаласи пайдо бўладики, корхоналар, ташкилотлар ва аҳоли тўлайдиган солиқлар ҳамда солиққа кирмайдиган турли қуринишдаги туловлар ана шундай муомала шакли сифатида юзага келади. Бюджет даромадлари маълум даражада ҳўжалик юритиш тизимлари ва усулларига, шунингдек жамиятда ҳал этилаётган вазифаларга боғлиқ бўлади. Масалан, ҳўжалик юритишнинг маъмурий-буйруқбозлик усуллари шароитида, яъни деярли барча ишлаб чиқариш воситалари давлат қўлида бўлганида турли-туман туловларни бюджет ҳисобига ундириш тизими қаттиқ марказлашган эди ва амалда фойда бутунлай тортиб олинарди.

Иқтисодиёт бозор муносабатларига утиши билан бюджетнинг даромад тушумларини солиқлар ва солиққа кирмайдиган тўловлар ёрдамида сафарбар қилишга эҳтиёж туғилди, давлатнинг корхоналар, ташкилотлар ва аҳоли билан бюджетни шакллантириш пайтидаги ўзаро муносабатлари иқтисодий қонунлар асосида изга солина бошлади.

Давлат бюджети иқтисодиёт ва ижтимоий соҳанинг ривожланишига давлат томонидан таъсир ўтказишнинг муҳим воситаси бўлиб қоларкан, жамият ҳаётига бюджет таъсирининг шакл ва усулларини ҳам ўзгартирмоқда. Жамиятнинг иқтисодий ва ижтимоий тараққиёти бюджет маблағларини йўналтиришга боғлиқдир. Бюджет харажатлари аниқ кўринишларининг бутун рангбаранглиги муайян хусусиятларига қараб табақалаштирилади: такрор ишлаб чиқариш жараёнида уларнинг вазифаси, ижтимоий йўналиши, ишлаб чиқариш тармоқлари ва фаолият турлари, қайси мақсадга қаратилгани ҳисобга олинади. Бюджет харажатлари ижтимоий йўналиши буйича гуруҳларга бўлинишига мувофиқ туртга: халқ хўжалиги, ижтимоий соҳа, мудофаа ва бошқарувга тақсимлаб чиқилади. Хўжалик юритишнинг бозор усулларига утиш билан бюджет маблағларини тақсимлашдаги устивор йўналишлар ҳам ўзгаради, давлатнинг ижтимоий функцияси кучаяди. Ўзбекистон мустақил деб эълон қилинганидан кейин ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти йўли, яъни жамият аъзоларининг муҳтож табақаларини ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтириш йўли танланди. Ижтимоий соҳа тармоқлари - халқ маорифи, маданият, тиббий хизмат, жисмоний тарбия ва спортига бюджет маблағларидан кўпроқ ажратилмоқда. Табиатни муҳофаза қилиш ва экологик вазиятни яхшилашга кетадиган харажатларни маблағ билан таъминлаш ҳам шунга киради. Бозор муносабатлари мустаҳкамланиши ва кенгайиб бориши баробарида моддий ишлаб чиқариш тармоқларини маблағ билан таъминлаш учун ажратиладиган харажатлар салмоғи камая боради. Ваҳоланки, дастлабки босқичда бундай улуш маълум вақтгача катта бўлиб туриши мумкин, чунки иқтисодий ҳолатини енгиш учун давлат томонидан бу соҳага анча-мунча маблағ сарфлаш талаб этилади.

Иқтисодиётнинг бозор муносабатларига утиши бюджетнинг ижтимоий йўналтирилган харажатларини кўпайтириш, фуқароларнинг ижтимоий ҳимоя қилинишини кучайтириш ҳамда кенг қўламли ижтимоий дастурларни уларни маблағ билан таъминлаш манбалари билан оқилона уйғунлаштириб боришни тақозо этади.

Давлатнинг ижтимоий соҳани ривожлантиришга йўналтирилган харажатлари пировард натижада фақат ижтимоий эмас, балки иқтисодий аҳамиятга ҳам эга бўлади, чунки жамиятнинг

иқтисодий салоҳиятини оширишга ёрдам беради. таъкидлаб ўтиш керакки, бозор иқтисодиёти шароитида бюджетдан маблағ сарфлашдан бутунлай воз кечишнинг иложи йўқ, чунки иқтисодиётнинг давлат сектори сақланиб туради, у эса давлат инвестиция дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишни, капитал сарфларнинг тармоқ ва ҳудудий тузилишларини изга солиб туришни талаб этади. Аниқ мақсадли бюджет кредитлари кўринишида тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ҳам сақланиб туради. Бундан ташқари, давлат мулкчилигининг муқобил шаклларидаги корхоналарнинг акцияларини сотиб олиши ва эгалик қилиши ҳам мумкин. Давлат бюджети маблағларининг бир қисми мамлакатнинг мудофаа қобилиятини қўллаб-қувватлаш соҳасидаги тадбирларни молиялаштиришга ҳам йўналтирилади. Бу эса мамлакат иқтисодиётининг ривожланиш даражасига, унинг молиявий имкониятлари ва халқаро вазиятга боғлиқ.

Бюджет харажатларининг каттагина қисми фаолият кўрсатишнинг ўзига ҳос соҳаси бўлмиш бошқарувга тўғри келади.

Давлат бюджетининг харажатлари ва даромадлари бир-бири билан ўзаро боғлиқдир, улар бир-бирига таъсир этиб туради, бир-бирини мувофиқлаштириб бориши лозим. Бюджет харажатлари келиб тушадиган бюджет даромадларининг ҳажмларига қараб қаттиқ чекланади. Даромадлар эса давлатнинг иқтисодий салоҳияти билан белгиланади. Шунинг учун ҳам бюджет харажатларининг муддат ва ҳажмларини келиб тушадиган даромадларнинг муддат ва ҳажмларига мувофиқ қилиб белгилаш жуда муҳимдир. Айни пайтда, таъкидлаб ўтиш жоизки, бюджет маблағларидан фойдаланишда зиддиятли ҳоллар ҳам бўлиб туради, масалан, фан ва техникани ривожлантиришга ажратиладиган маблағлар кўпайтирилса, орадан анча муддат ўтганидан кейингина бюджетнинг даромад базаси кенгайган ҳолда қопланиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетининг даромадлари асосан солиқлардан ҳосил бўлади. Республика бюджет тизимининг таркибий қисми саналмиш солиқ тизими давлатда ундирилдиган солиқлар йиғиндисидан, шунингдек уларнинг тузилиш шакллари ва усулларида иборат. У давлатнинг харажатлари каттагина қисмини молия маблағлари билан таъминлашга даъват этилган ҳамда такрор ишлаб чиқариш жараёни ва ижтимоий муносабатлар соҳасига таъсир ўтказишда иқтисодий усуллари амалга ошириш учун фойдаланилади. Солиқ тизимининг қурилиши жамият барча ижтимоий қатламлари, аввало ижтимоий маънода бир қадар ночор табақаларнинг манфаатларига бўйсундирилган бўлиб, у республика аҳолисининг турмуш даражасида зарур мувозанат сақланиб туришини таъминлашни кўзда тутади.

§2. Солиқларнинг таърифи

Солиқларнинг энг оддий таърифи мана бундай. Солиқлар аҳолидан, корхоналар ва хўжалик юритувчи бошқа субъектлардан давлат (марказий ва маҳаллий ҳокимият органлари) томонидан ундирниб олинадиган мажбурий туловлардир. Солиқ ўз моҳият-эътиборига кўра ижтимоий маҳсулотнинг (ички ялпи маҳсулотнинг - ИЯМ) бир қисми бўлиб, солиқ туловчи бундан бирон-бир фойда кўриш-кўрмаслигидан қатъий назар, ўз маблағларидан давлат ҳисобига мажбурий ажратмалар кўринишида акс этади.

Солиқларнинг моҳиятини тушунишга ёрдам берувчи учта тавсифни келтириб утайлик:

1. Солиқ туловчи пулнинг у ёки бу суммасини давлатга тулар экан, бунинг эвазига бевосита бирон-бир товар ёхуд хизмат олмайди. Алоҳида олинган солиқ туловчи томонидан туланган солиқ миқдори билан у истеъмол қиладиган ижтимоий неъматлар ўртасида туғридан-туғри боғлиқлик мавжуд бўлмайди. Худди ана шу хусусиятига кўра солиқ нархдан (товар ёки хизматларни ихтиёрий истеъмол қилганлиги учун туланадиган ҳақ сифатида) рухсатнома (лицензия)лар ва воситачилик йиғимларидан фарқ қилади, чунки булар мажбурий ёки ихтиёрий туловлар ҳисобланса-да, бироқ ҳаммавақт ҳукумат томонидан кўрсатилган хизматдан муайян фойда (наф) кўрилиши билан боғлиқдир.

Давлатга туланадиган солиқлар билан унинг эвазига олинadиган иқтисодий ва ижтимоий неъматлар ўртасида бевосита, ҳар бир кишининг кузи илғайдиган боғлиқликнинг йўқлиги солиқ туловчилар солиққа тортишни юк сифатида баҳолашлари учун сабаб бўлади, ваҳоланки, улар солиқлар ҳисобидан қилинадиган давлат харажатларининг йўналишни маъқуллашлари ҳам мумкин.

Алоҳида олинган солиқ туловчи одатда жамият ва ўзининг кўрган фойдаси ёки манфаатини тулаган солиқлари билан солиштириб ўтирмайди. Бу шунга олиб келадикки, оқибатда фуқароларнинг бир қисми солиқлар тулашдан бўйин товлашга, ўз даромадларини яширишга уринади. Давлат ўз фуқароларидан йиғиб олган солиқларни самарали ва ошкора тарзда ишлатса ҳамда фуқароларнинг аксарият қисми давлатнинг иқтисодий, ижтимоий ва бошқа дастурларини ўз маблағлари ҳисобидан пул билан таъминлашга рози бўлгандагина юксак солиқ ахлоқи таъминлари тантана қилади.

2. Солиқлар мажбурий туловлар ҳисобланади. Солиқларнинг тула ва ўз вақтида туланиши учун жавобгарлик солиқ туловчилар зиммасига юкланган бўлса-да, улар ихтиёрий эмас, мажбурий

равишда тулайдилар, давлат солиқ тулашдан буйин товлаганларни қаттиқ жазолайди.

3. Давлат фойдасига солиқ тулаш орқали даромаднинг аввалдан белгилаб қуйилган, энг муҳими, қонуний тартибда кузда тутилган қисми ундириб олинади.

Кўпгина давлатларнинг, жумладан, Ўзбекистоннинг ҳам қонунларида солиқларни белгилаш ва уларнинг ҳажмларини аниқлашга фақат олий қонун чиқарувчи ҳокимият ёки унинг томонидан ваколат берилган органлар ҳаққидирлар, деб мустаҳкамлаб қуйилган. Ўзининг хоҳиш-истагига қараб янги солиқлар белгилаш ёки уларнинг ҳажмларини аниқлашга ҳеч кимнинг ҳаққи йуқ. Туловларнинг қонуний, очиқ-ойдин хусусиятта эга булиши солиқларнинг бош тавсифидир.

§3. Солиқларнинг функциялари

Солиқларнинг асосли функцияси **фискал** (лотинча *fiscus* сўзидан келиб чиққан бўлиб, газна деган маънони англатади) хусусиятга эга эканлигидир. Бу ўринда функциянинг моҳияти шундан иборатки, солиқлар ёрдамида давлатнинг молия ресурслари ҳосил қилинади ҳамда давлат фаолият кўрсатиши учун моддий шароит яратилади, ҳозирги вазиятда эса бутун бозор ҳўжалиги тизими ишлаб туриши учун моддий имконият вужудга келтирилади. Солиқлар орқали корхоналар ва фуқаролар даромадининг бир булагини давлат апиаратини, мамлакат мудофаасини, ноиншлаб чиқариш соҳасининг умуман ўз даромадлари манбаига эга бўлмаган қисмини (кўпгина маданият муассасалари, жумладан, кутубхоналар, архивлар ва бошқалар) ёки лозим даражада ривожланишни таъминлаш учун ўзининг маблағи етишмайдиган тармоқларни (фундаментал фан, театрлар, музейлар, кўплаб ўқув юртлари ва ҳоказо) сақлаб туриш мақсадида ундириб олиш жараёни рўй беради.

Фискал функция давлатнинг иқтисодийётга аралашуви учун объектив шарт-шароит вужудга келтиради.

Бюджет даромадларини таъминлаш солиқ тизими вазифаларидан биттаси, холос. Солиқ тизими ана шу вазифани ҳал этар экан, жамғарма ва ишлаб чиқаришнинг ўсиш жараёнларига тўсқинлик қилмаслиги, ижтимоий адолатни бузмаслиги, халқ ҳўжалиги тузилишида бузилишлар ва четта чиқишлар содир бўлишга йўл қўймаслиги, бозор жараёнига путур етказмаслиги зарур.

Солиқларнинг яна бир муҳим функцияси **иқтисодий** (изга солиб турадиган) вазифани адо этишидир. Давлат солиқлар орқали ишлаб чиқариш шароитларини, товарлар ва хизматларнинг

сотилишини изга солиб боради, иқтисодий фаолият учун муайян “солиқ иқлими” яратади. Солиқлар ўзининг иқтисодий функцияси орқали такрор ишлаб чиқаришга таъсир кўрсатади, унинг ўсиш суръатларини рағбатлантиради ёки пасайтиради, маблағ тупланишини тезлаштиради ёки секинлаштиради, аҳолининг тулов қобилияти талабини кенгайтиради ёки камайтиради.

Соф рақобатли бозор муносабатлари шароитида ишлаб чиқариш амалда солиқлар таъсиридан холи бўлур эди. Ишлаб чиқариш кучларининг барқ уриб ривожланиши ва фан-техника тараққиёти солиқларнинг иқтисодий функцияси аҳамиятини янги босқичга кутарди. Бироқ марказлашган режалаштириш тизимида давлат иқтисодиётни изга солиб туриш учун маъмурий чоралар билан таъсир кўрсатарди, шунинг натижасида солиқларнинг иқтисодий дастак сифатидаги аҳамияти қолмади.

Бозор муносабатларининг шаклланиши ва ривожланиши шароитида айнан солиқлар давлатнинг иқтисодиётга таъсир утказишида асосий воситалардан бири бўлиб қолмоқда. Давлат солиқларнинг иқтисодий функцияси орқали халқ ҳужалигининг ривожланишини рағбатлантиради, шунинг баробарида унинг фискал функцияси учун базани кенгайтиради. Оқилона ташкил этилган давлат солиқ сиёсати солиқларнинг иқтисодий функцияси орқали ишлаб чиқаришни рағбатлантирар, ривожлантирар экан, фискал функциясини кенгайтиради, бу билан солиқ юкини кўпайтирмасдан туриб, давлатнинг ўзи фаолият кўрсатиши ва яшashi учун объектив шарт-шароит таъмин этилади.

Солиқларнинг изга солиб турувчи сифатидаги функциясининг аҳамияти бозор шароитида ўсиб боради, бу даврда тадбиркорларни маъмурий қарам қилиш усуллари йўқ бўлиб кетади ёки жуда оз ҳолда қолади, корхоналар фаолиятини фармойишлар, курсатмалар ва буйруқлар ёрдамида идора қилиш ҳуқуқига эга бўлган “юқори ташкилот” тушунчасининг ўзи аста-секин йўқола боради. Бироқ иқтисодий фаолликни изга солиб туриш, унинг ривожланишини жамият учун мақбул бўлган йўналишда рағбатлантириш зарурати сақланиб қолади.


Рақобатли бозорлар ҳужалик юритишда нотенг шароит бўлиши сабабли мустақил равишда, ташқаридан аралашувчиз ресурсларнинг самарали тақсимланишини, ишлаб чиқариш салоҳиятини бир текис жойлаштиришни таъминлашга, фан ва техникани узоқ муддатли ривожлантириш, атроф муҳитни муҳофаза қилиш йўналишларини ишлаб чиқишга қодир эмас. Солиққа тортиш ёрдамида бозор механизмлари ҳаракатини тўғрилаб туриш ана шу муаммоларни ҳал этишга имкон беради. Бинобарин, товар ишлаб чиқариш ёки уни истеъмол қилиш қандайдир учинчи -

ишлаб чиқаришда ёки истеъмолда қатнашмаган томоннинг ўрнини тўлдириб булмайдиган харажатларга тушишга олиб келган ҳолатлар ҳам маълум. Бундай ҳолатлар “ташқи харажатлар” ёки “беҳуда харажатлар” деб ҳам юритилади.

Агар нефть ҳайдаш заводи ҳавони булғаса, у ҳолда аҳоли ташқи харажатларга тушади, бунинг учун эса ҳеч қандай товон пули туланмайди.

Давлат маҳсулот бирлигига тўғри келадиган ташқи харажатга ухшаш алоҳида солиқ жорий этар экан, ҳукумат номидан қоида бузган фирма зиммасига шундай харажатларни юклайди, акс ҳолда фирма бу пулни тежаб қолган бўларди.

Мисол тариқасида ташқи харажатлар тузилиши ундан олинadиган самарани ҳамда солиқлар ёрдамида тўғрилашни қараб чиқайлик.



1-расм. Солиқларнинг корхона харажатларига таъсири:

P - товар нархи; Q - товар миқдори;

S - корхона харажатлари; S_1 - реал харажатлар;

D - товарга талаб; T - товарга солиқ.

Беҳуда харажатлар таҳлил қилинганда, шу нарса маълум бўладики, фирманинг бир қадар кам харажатлари ҳақиқий харажатларни ифода этмайди: P_1 корхона атроф муҳитни ифлослантириш билан вужудга келтирган барча харажатларни акс эттирмайди, унинг таклифи эса S га мосдир; Q_1 маҳсулотининг мувозанатли ҳажми унинг Q_2 мақбул ҳажмидан куп.

Маҳсулот бирлигига тўғри келадиган T га тенг булган алоҳида солиқ фирма харажатларини ошириб юборади ҳамда S таклифларини S_1 га эгри қилиб қўяди. Натижада Q_1 маҳсулотининг мувозанатли миқдори шу қадар қисқарадики, Q_2 маҳсулотининг мақбул миқдори билан тенглашиб қолади. Шундай қилиб, мазкур маҳсулотга ҳаддан ташқари ресурс ажратишга урин қолмайди.

Ташқи омилларга, яқка тартибдаги харажатларни ижтимоий харажатларга нисбатан камайтиришга тузатиш киритиш мақсадидаги солиқларни ундириш солиққа тортишнинг яна бир муҳим вазифаси деб қарамоқ лозим. Бозор мувозанатининг бузилиши амалдаги иш жараёнларида, яъни амалий фаоллик даражаси каттароқ тебранишида, иқтисодиётнинг ресурслар тула банд бўладиган ҳолатга эришишга қодир эмаслигида ёки ўсиш салоҳиятини юксак даражада амалга ошира олмаслигида яққаол намоён бўлади.

Иқтисодиётнинг барқарорлашуви, ресурсларнинг тула банд бўлиши ҳамда ўсишнинг энг юқори даражасига эришиш солиққа тортишнинг мустақил вазифалари сифатида амал қилади.

Ҳатто бутун бозор тизими самарали фаолият курсатиб турган бўлса ҳам, иқтисодиёт сектори ёки минтақанинг етарли даражада ривожланмаганлигини бозор механизмининг бузилиши деб ҳисоблаш мумкин. Шундай экан, солиққа тортишнинг вазифаси бозор механизмидаги бундай узилишларга барҳам беришдан иборатдир. Масалан, экспортнинг самараси паст бўлганда уз товарларини хорижга чиқарадиган корхоналар учун солиқларда қўшимча имтиёзлар жорий этилади. Солиқ ставкаларини, имтиёзлар ва жарималарни усталик билан қўлланиш, бир солиқни жорий этиб, иккинчисини бекор қилиш орқали давлат муайян тармоқлар ва ишлаб чиқаришларнинг жадал ривожланиши учун шароит яратади, жамият учун муҳим бўлган муаммоларнинг ҳал этилишига қумаклашади. Айтайлик, Ўзбекистонда ҳозирги пайтда қишлоқ хўжалигини қайта қуриш энг долзарб масала бўлиб турибди. Шу муносабат билан республикадаги деҳқон хўжаликлари, қишлоқ хўжалиги кооперативлари ва корхоналари кўпгина солиқлардан озод қилинган.

Солиқ тизимининг техника тараққиётига, ишлаб чиқаришнинг тузилишини илғор технологиялар асосида қайта қуришга курсатадиган таъсири жуда катта аҳамиятга эга. Бундай қайта қуришнинг энг муҳим йўналишлари қуйидагилар бўлиши керак: эскирган асосий фондларни зудлик билан ҳисобдан чиқариш, солинаётган солиқдан (ёки солиқ суммасининг ўзидан) илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ҳамда жорий этиш ишлари учун кетган харажатларни чегириб ташлаш, ниҳоят, илмий изланишларни, янги йўналишларда таваккал қилиб ишлаётган (венчур) фирмалар фаолиятини рағбатлантирадиган солиққа тортиш шакллари қўлланиш.

Солиққа тортиш тизими орқали техника тараққиётини рағбатлантириш усуллариининг таъсири бир хил эмас. Масалан, эскирган ускуналарни зудлик билан рўйхатдан чиқариш солиққа тортиш базасини қисқартириш имкониятини яратиш ҳисобига

аввало анъанавий маблағ талаб қиладиган тармоқларда куч-гайратларни фаоллаштиришга ёрдам беради, саноат ва бутун халқ хужалиги тармоқларини маълум консервацияга олиб келади. Бунинг аксича, илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларига бевосита кетган харажатларни чегириб ташлаш ва имтиёзлар бериш илм-фан ютуқларида баракали фойдаланадиган энг илғор тармоқларнинг ривожланишига йўл очади.

Жаҳон тажрибаси кўрсатишича, майда таваккалчи фирмалар ишлаб чиқариш техникаси соҳасидаги илғор гоёлар ва янгиликларни жорий этишни тезлаштирувчилик вазифасини ўтайди. Ҳозирги замоннинг ривожланган мамлакатлари солиқ тизими турли имтиёзлар - солиққа тортиш базасидан илмий тадқиқотлар ва конструкторлик изланишларига кетган харажатларни чегириб ташлаш, маблағнинг қўпайишидан даромадларни солиққа тортиш иайтида имтиёзлар бериш, шу йўл билан узоқ муддатли қимматбаҳо қоғозларни жойлаштириш орқали маблағларни жалб қилишга имконият туғдириш, ниҳоят, корпорацияларнинг даромадларини солиққа тортишда илғор усулларни қўлланиш воситаси билан илм-фан ютуқларидан фойдаланувчи кичик фирмалар фаолиятини рағбатлантиради.

Корпорацияларнинг рентабеллигидан қатъи назар, даромаднинг мутлақ миқдорига боғлиқ равишда амалга ошириладиган даромадларни солиққа тортишнинг илғор усули майда бизнес фаолиятини рағбатлантириш маъносини англатади, бундай бизнес ҳозирги замон иқтисодиётида гоёт муҳим ва ҳар томонлама вазифани бажаради; у илмий ишланмалар ва янгиликларнинг жорий этилишида асосий манба, ишчи кучига бўлган талабдаги туркумий пасайишлар ва тебранишларни тўғрилаб турадиган бандлик манбаи сифатида хизмат қилади, ниҳоят, майда бизнес соғлом рақобатни доимий равишда қўллаб-қувватлайди, майда бизнес ривожланишининг у ёки бу соҳаси якка ҳокимлик (монопольлик) қилиши йўлига тўсиқ қўяди. Таваккалчи венчур фирмаларга кредитлар бериш қулайлиги шундаки, у олимлар ва ихтирочиларнинг мустақиллигини қўллаб-қувватлайди, фан соҳаси учун жуда хос бўлган ҳамда ўсиб боргани (туғрироғи - ғовлаб боргани) сари ижодий фикрда турғунлик ва инқироз туғдирадиган бюрократик тузилмаларнинг шаклланиш йўлига тўғаноқ бўлади.

Солиқ имтиёзлари ва чегиришлар орқали фан-техника тараққиётини рағбатлантириш тизимлари қанчалик мураккаб бўлмасин, бу тизимлардан бирортаси ҳам мукамал эмас, улардан бирортаси ҳам тўсиқлардан холи бўлган мутлақ рағбатлантирувчи таъсир кўрсата олмайди.

Солиққа тортиш тизими мураккаблигининг ўзиёқ суиистеъмолликларга, солиқлардан бўйин товлашга йўл очади, шунинг

учун ҳам ҳозирги замон ривожланган мамлакатларининг солиқ сиёсатида иккита муқобил йўналиш туқнашаяпти. Биринчиси - солиқларни табақалаштириш, кундан-кун имтиёзлар ва умумий солиқ ставкалари анча юқори бўлганда солиққа тортиладиган даромаддан чегиришни жорий этиш.

Иккинчиси - имтиёзлар, чегиришлар, ундиришлардан аста-секин воз кечиш. Бу йўналиш солиқ базасини кенгайтиради ҳамда солиққа тортишда умумий ставкани пасайтириш имконини беради.

Биринчи йўналиш такрор ишлаб чиқариш ва фан-техника тараққиёти жараёнига аниқ мақсадни кузлаб таъсир этишдан келиб чиқади. Иккинчи йўналиш эса иқтисодийётнинг барча соҳаларида эркин тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун мумкин қадар қулай шароит яратишга интилади.

Шундай қилиб, давлат солиқлар, имтиёзлар, жазо чоралари (санкциялар) ёрдамида техника тараққиётини, иш ўринлари сонининг кўпайишини, ишлаб чиқаришни кенгайтиришга капитал маблағ сарфлашни ва ҳоказоларни рағбатлантиради. Солиқлар воситасида техника тараққиётини рағбатлантириш аввало шунда намоён бўладики, бунда даромаднинг техникавий қайта қуролланиш, реконструкция, товарлар, озиқ-овқат ва бир қатор бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун ускуналар ишлаб чиқаришни кўпайтиришга йўналтирилган қисми солиқдан озод қилинади.

Солиққа тортиш унумли фаолиятни рағбатлантириш, унумсиз фаолиятни тўхтатиш учун даромадлар манбаига таъсир ўтказиш йўли билан корхоналарнинг иқтисодий фаолияти самарадорлигини ошириши мумкин. Масалан, ватан саноатини чет эллик рақобатчилардан ҳимоя қилиш учун импорт товарларга солиқ жорий этиш усулидан фойдаланилади, бу билан хорижга кўп маблағ чиқиб кетишининг олди олинади, мамлакат ичкарисидаги ишлаб чиқариш рағбатлантирилади. Айни пайтда экспорт товарлар солиқдан озод қилиниши четта маҳсулот чиқариш имкониятлари кенгайиши учун қўшимча маблағлардан фойдаланишга шароит яратиб беради.

Ижтимоий харажатларни (атроф муҳитни ифлослантириш, аҳоли соғлиғига хавф тугдириш ва ҳоказо) кўпайтираётган фирмаларнинг маҳсулотларига қўшимча солиқларнинг жорий этилиши тез-тез уларнинг фаолияти тўхтаб қолишига олиб келади, табиатни муҳофаза қилиш ва меҳнат шароитини яхшилаш чораларини кўриш заруратини тугдиради.

Солиқлар ишлаб чиқаришнинг муайян тармоқларини ҳимоя қилиш учун ундириладиган пайтлар ҳам бўлади (масалан, импорт газламага солиқ солиниши уни харидор олиши мумкин бўлган нархдан қимматлаштириб юборади).

Жамият нуқтаи назаридан мақсадга мувофиқ бўлмаган фаолиятни чеклаш учун ҳам солиқлардан фойдаланилади. Масалан, спиртли ичимликлар ва сигареталарга солиқлар фақат бюджетни тўлдириш учун эмас, балки бундай маҳсулотларни истеъмол қилишни чеклаш учун солинади.

Келтирилган мисоллар хўжалик фаолигининг бир турини рағбатлантириш ва иккинчи турини чеклаш, чет эллик ишлаб-чиқарувчилар билан рақобатчилик даражасини бошқариш ва ҳоказолар йулидан фойдаланиб, солиқлар ёрдамида қандай қилиб аҳоли, корхона ва ташкилотларнинг иқтисодий фаолиятини изга солиб туриш мумкинлигини кўрсатади.

Солиқларнинг кейинги функцияси **қайта тақсимлаш** вазифасини бажаришидир. Давлат солиқлар ёрдамида корхоналар ва тадбиркорлар фойдаси, аҳоли даромади бир қисмини қайта тақсимлайди, бунда олинган солиқ ишлаб чиқаришга ва ижтимоий тармоқларга кўмаклашувчи соҳаларни, яъни инфраструктурани ривожлантиришга, харажатлар узоқ муддат ўтганидан кейин қопланадиган маблағ ва фондталаб тармоқларни инвестициялашга йўналтирилади. Бюджетдан каттагина маблағ қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ривожлантиришга сарфланади, чунки бу тармоқ оқсаб қолгудек бўлса, бутун иқтисодиётнинг ҳолатига ва аҳоли турмушига оғриқли таъсир этади.

Солиқ тизимининг қайта тақсимлаш функцияси яққол кўришиб турган ижтимоий аҳамиятга эгадир. Тегинли тарзда тузилган солиқ тизими бозор иқтисодиётига ижтимоий йўналиш беришга имкон туғдиради. Масалан, Германия, Швеция ва бир қатор мамлакатларда худди шундай қилинган.

Умумжаҳон тажрибасида солиққа тортишнинг прогрессив ставкалари жорий этилганини, ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқаролар солиқлардан тўла ёки қисман озод қилинганлигини кўрамиз. Худди шундай ёндашув Ўзбекистон Республикасининг “Фуқаролардан олинадиган даромад солиғи тўғрисида”ги қонунда ҳам ифодасини топган. Айтайлик, солиққа тортиладиган даромад аниқланаётганида солиққа тортилмайдиган минимум миқдоридаги даромад қўшилмайди, айти пайтда ортиқча даромадлар солиққа юқори прогрессив ставкалар бўйича тортилади.

Солиққа тортишнинг тақсимлаш функцияси ресурсларни самарали жойлаштиришга қаратилган иқтисодий функция билан қарама-қарши келиб қолиши мумкин. Масалан, аҳолининг бой табақаси учун катта солиқ ставкалари белгилаш бойликни кўпайтиришга рағбатни анча пасайтириб юбориши, ресурсларни жойлаштиришда катта нуқсонларга йўл қўйилиши ҳамда улардан фойдаланиш самарадорлиги тушиб кетиши ҳам эҳтимолдан холи эмас. Шу нарса маълумки, АҚШда муайян давр мобайнида бой-

лар даромадидан катта улуш ундириб олиш даромадларни тақсимлашга ўзига хос Робин Гуд таъсирини кўрсатди.

Баъзи иқтисодчилар ўйлашларича, солиққа тортишнинг рағбатлантириш функцияси устиворликка эга бўлиши, солиқ сиёсати шакллантирилаётганда куч-гайратни ресурслар самарали жойланишини таъминлашга жамлаш, тақсимлаш вазифасини эса давлат йули билан ижтимоий эҳтиёжларни қондириш ва бошқа ижтимоий-иқтисодий тадбирлар учун ажратилган бюджет маблағлари ёрдамида ҳал қилиш керак.

Шундай қилиб, қурамизки, купгина солиқлар макродаражада ресурсларнинг қайта жойлаштирилишига олиб келади, бунда товар ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар солиқларни ҳам нархга қўшиб юборишга мажбур бўладилар. Бундай ҳолатда товар нархи соф бозор муносабатлари шароитида шаклланадиган қийматдан чекина бошлайди.

Ишлаб чиқаришга эга бўлган товар (хизматлар) ишлаб чиқарувчилар ҳамда истеъмол қилувчилар ўз ресурсларини ҳақиқий қийматдан ажралиб қолган нархлардан келиб чиққан ҳолда жойлаштириш ҳақида қарор қабул қиладиларки, бундай жойлаштириш жараёнида бузилишларга йўл қўйилиши мумкин.

Шу муносабат билан ресурсларни (молия капитали, ишлаб чиқариш воситалари, билим, одам капитали) жойлаштиришда энг кам бузилишларга олиб келадиган ҳамда уларни қайта жойлаштириш жуда оз таъсир кўрсатадиган солиқларни жорий этиш фоят муҳим аҳамият касб этади.

Солиқларнинг функцияларини кўрсатиб утилган тарзда гуруҳлаш ва чегаралаш шартли бўлиб, шунинг учун ҳам мунозарали характерга эга, чунки солиқларнинг барча функциялари бири-бири билан қўшилиб кетади, айти пайтда бир йўла амалга ошади. Бундай ҳолат улар ўртасида қарама-қаршилиқлар келтириб чиқаради. Масалан, агар давлат кейинчалик бюджет орқали иқтисодиёт ва ижтимоий соҳани ривожлантиришга таъсир кўрсатиш мақсадида иложи борича кўпроқ молия ресурсларини ўз қўлида жамлашга интилса, у ҳолда солиқларни оширади ҳамда бу билан солиқларнинг фискал функциясидан фаол фойдаланади. Бироқ давлат томонидан даромаднинг қанчалик кўп қисми солиқ сифатида ундириб олинса, даромад (фойда) топишга қаратилган ишчанлик фаолиятига рағбат шунчалик камая боради. Ҳаддан ташқари юқори солиқлар тадбиркорларнинг фаоллигини пасайтириб юборади, натижада ўз-ўзидан уларнинг даромади тобора камайиб, бюджетга солиқ тулов сифатида келиб тушадиган маблағлар ҳам қисқаради.

Шундай қилиб, давлат, бир томондан, эркин иқтисодий фаолиятни ривожлантиришга тўсқинлик қилмайдиган, иккинчи то-

мондан эса бюджетга мумкин қадар кўп маблағ келиб тушишини таъминлайдиган солиққа тортиш ставкалари белгилашдан манфаатдордир.

Солиққа тортишнинг мақбул ставкаларини танлашни муайян қарамлик кўринишида тасаввур қилиш мумкин. 70-йилларнинг охири - 80-йилларнинг бошида АҚШда федерал солиқларни камайтириш зарурлигини асослаб берган Америка иқтисодчисининг номи билан у Лаффер эгри чизиғи деган таъриф олди.

Солиқларнинг функцияларини қисқача кўриб чиқиш кўйидаги хулосага келиш имконини беради: бозор иқтисодиётида солиқ молия ресурсларини жамлаш, хўжалик фаолиятини изга солиб туриш ва даромадларни ижтимоий аҳамиятга молик мақсадларга қайта тақсимлаш юзасидан муҳим вазифаларни бажаради. Пухта ишлаб чиқилган, аниқ амал қиладиган солиқ тизимсиз ижтимоий йўналишдаги самарали бозор иқтисодиёти бўлиши мумкин эмас.

§4. Солиққа тортиш тамойиллари

Солиқларнинг функциялари билан танишув солиқ тизимига кўйиладиган талабларни чуқурроқ тушунишга имкон беради.

Солиққа тортишнинг тўртта асосий тамойилини кўриб чиқайлик. Бу тамойиллар бир вақтлар Адам Смит (1723-1790 йиллар) томонидан таърифлаб берилган эди.

1. Давлат фуқаролари давлат харажатларини қоплашда ўзлари ҳукумат муҳофазасида фойдаланаётган даромадларига мувофиқ тарзда қатнашишлари лозим.

2. Ҳар бир одам тулайдиган солиқ аниқ белгилаб кўйилган бўлиши керак, бунда ўзбошимчалик кетмайди. Солиқ миқдори, туланадиган вақти ва тартиби уни туловчига ҳам, бошқа ҳар қандай одамга ҳам бирдай аниқ ва маълум бўлиши зарур.

3. Ҳар бир солиқ туловчига ҳар жиҳатдан қулай бўлган вақтда ва тартибда ундирилиши керак.

4. Ҳар бир солиқ шундай тарзда тузилиши керакки, бунда солиқ туловчининг ҳамёнидан кетадиган пул давлат бюджетига келиб тушадиган маблағга нисбатан ортиқ бўлишига мумкин қадар йўл кўйилмасин.

Ҳозирги шароитта татбиқан олганда, солиққа тортиш самарали тизимининг кўйидаги тамойилларини таърифлаб ўтиш мумкин:

1. **Етарлилик тамойили.** Мазкур тамойилга мувофиқ солиққа тортиш даражаси шундай бўлиши лозимки, у давлат интилаётган халқ хўжалиги самарадорлигига эришишни кафолатлай олсин. Солиққа тортиш тизими иқтисодиёт, ижтимоий ҳимоя, мудофаа

қобилияти ва бошқа соҳалардаги давлат сиёсатини амалга ошириш учун зарур бўлган молия ресурслари тўпланишини таъминласин. Шунинг ҳам таъкидлаб ўтиш лозимки, солиқ ставкалари ўзича олганда солиқ юки кўрсаткичи ҳисобланмайди, чунки солиқ тўловчи солиқ тўлар экан, давлат томонидан бепул хизматлардан баҳраманд бўлгани ҳолда айтиш мумкин, ҳақиқатан ҳам ҳар бир хизматнинг баъзи харажатларини қисқартиради. Масалан, давлат умумий фойдаланиш йулларининг ҳолати яхши сақланишини таъминлаш билан солиқ тўловчининг транспорт харажатларини камайтиради, бепул маориф, соғлиқни сақлашни таъминлаш билан ёлланма ходимларнинг харажатларини қисқартиради, демак, иш ҳақи харажатларини ҳам камайтирган бўлади. Шундай қилиб, тўланган солиқларнинг фақат хизматлар кўринишидаги талаб этилмаган бир қисмигина солиқ юки кўрсаткичи ҳисобланади. Хулоса қилиб айтиш мумкинки, етарлилик тамойили солиқ сиёсатини белгилаётганда уни давлатнинг қабул қилинган ижтимоий-иқтисодий сиёсати билан қатъий равишда уйғунлаштиришни тақозо этади.

2. Тадбиркорлик ва инвестицияларни рағбатлантириш. Солиқ тизими ҳужалик юритувчи субъектларни, жумладан, чет эл субъектларини, ишлаб чиқаришни ривожлантириш, ускуналар ва замонавий технологиялар сотиб олиш учун маблағ йўналтиришни, яъни капитал жамғариш ва шу йул билан технологияларни такомиллаштириш, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш лозим.

Солиқ тизими ресурсларнинг самарали тақсимланишига тўсқинлик қилмаслиги ҳамда ҳужаликни мустақил юритиш омилларини чеклаб қўймаслиги лозим. Агар солиқлар катта бўлгани учун тадбиркорларнинг ишлаб чиқаришни кенгайтиришдан, бошқа турдаги иқтисодий фаолият кўрсатишдан манфаатдорлигига путур етказса, мамлакат халқ ҳужалиги пасита қараб кетиши ҳавфи туғилади. Солиқлар миқдори ҳаддан ташқари катта қилиб белгиланса, ишлаб чиқариш ҳажмлари камайиб кетади, бу жараён захиралар, банклардаги пул маблағларининг баракаси учини, илгари тўпланган маблағларнинг ейилиб кетишига олиб келади.

Солиққа тортиш, агар у, биринчидан, ишчи кучини ишлаб чиқариш учун талаб қилинадиган даражада сақлаб туришга зарур бўлган истеъмолнинг минимал ҳажмларига салбий таъсир этса, иккинчидан, меҳнатга нисбатан иқтисодий ва моддий рағбатларнинг ҳаракат доирасини торайтириб қўйса, учинчидан, жамғарма миқдорини камайтирса ва маблағнинг тўпланиш жараёнини секинлаштирса, ишлаб чиқариш имкониятларини ёмонлаштириб юбориши мумкин.

Солиққа тортишнинг кейинги икки салбий омилни батафсил кўриб чиқайлик. Моддий рағбатлантиришларга нисбатан

солиққа тортишнинг нохуш таъсир этиши иш ҳақи тизимида салбий аломатлар пайдо бўлишида кўзга ташланади.

Юқори даражада табақалаштирилган солиқ ставкаларининг қўлланилиши натижасида ходим томонидан ана шу моддий рағбатни қабул қилишдаги оддийлик ва мақбуллик кўлами торайиб қолади.

Солиққа тортиш базаси ва унинг ҳажмларини нотўғри белгилаш ходимларнинг малака оширишга, рационализаторлик ва ихтирочилик фаолияти билан шуғулланишга ва бошқа соҳаларга бўлган интилишига салбий таъсир этади, боиси - меҳнатга туланидиган ҳақ миқдори, ҳақиқий меҳнат харажатларининг мураккаблиги ва хусусияти ўзгариши бефарқ бўлиб қолади.

Солиққа тортишнинг иқтисодий омилларга таъсири икки хил кўринишда бўлади ҳамда қиёсий оқибат ва даромад оқибати шаклида ифодаланади.

Қиёсий оқибат меҳнат натижалари, жамғариш, инвестициялаш, янги ғояларни жорий этиш ва ишлаб чиқариш фаолиятининг бошқа хил кўринишлари билан шуғулланиш учун нисбатан камроқ даражада рағбатлантиришда намоён бўлади. Прогрессив (ошиб борувчи) солиққа тортишда бундай оқибатнинг рағбатлантиришга зид таъсири айниқса, яққол ифодаланади.

Даромад оқибати - солиқ тулаш туфайли даромад ҳажмларининг камайиб кетишидир. Даромад оқибати солиқ туловчига бир қатор ҳолларда кўпроқ истеъмолнинг аввалги даражасини сақлаб қолиш учун ишлашга омил вазифасини ўтайди. Бироқ бундай аҳвол кўпроқ пул ишлашга интилиш ходимларнинг солиғига, оиласидаги вазиятга, бўш вақти ва бошқа жиҳатларга таъсир кўрсатмагунча сақланиб туради.

Дунёдаги бир қатор мамлакатларда капиталдан келган даромад ва истеъмолга қараб солиққа тортишни кўзда тутган солиқ ислохоти ўтказилмоқда. Солиққа тортишнинг салбий таъсирини силлиқлаш мақсадида ишчи кучини таклиф этиш соҳасида иш ҳақи кўринишидаги даромадлардан олинадиган солиқларнинг энг юқори қилиб белгиланган ставкалари пасайтирилмоқда. Жамғариш ва инвестициялашга солиқларнинг таъсир этиши борасида ҳам муайян ютуқларга эришилди.

Амалиёт кўрсатишича, фойзалар ва дивидендлар кўринишидаги даромадларни солиққа тортишни кўпайтириш ҳисобига маблағга солинадиган солиқларни қисқартириш келажақда истеъмолнинг нисбатан қимматлашиб кетиши, деган гапдир, шунинг учун ҳам одатда маблағ жамғариш даражасининг пасайишига олиб келади.

Даромад солиқлари алоҳида шахслар қўлидаги маблағ миқдорининг камайиши орқали жамғаришга таъсир ўтказиши, бунинг натижасида жорий истеъмол ва жамғарма камайд.

Солиқларнинг таъсири инвестициялар таркибида ҳам яққол сезилади. Турли қуринишдаги активлар учун жорий этилган ҳар хил солиқ тартиблари инвестиция имкониятлари ва сармоядорларнинг портфели таркибида сезилиб қолади. Солиқ тизимидаги камчилик ва нуқсонлар иқтисодий ўсиш суръатларининг пасайиб кетишига олиб келиши мумкин, бу ҳол пировард натижада давлат бюджетининг ўзига ҳам таъсир этмай қолмайди.

Солиққа тортишдаги оғирликни капиталдан шахсий жамғаришга олиб ўтишнинг умумий таъсирини бир хил маънода баҳолаш қийин, жамгарманинг умумий ҳажми учун келиб чиқадиган оқибатлар солиқ тушумларининг ҳукумат томонидан ишлатилиши хусусиятига боғлиқ бўлади.

Агар ёшиқ иқтисодиёт шароитида солиқ тизими уй ҳужалиқларидаги жамғармалар даражасининг пасайиб кетишига олиб келган бўлса, у ҳолда бир текис фоиз ставкаси ошган, бу эса инвестиция капиталига талабнинг камайиши таъсир кўрсатган бўлади. Очiq турдаги иқтисодиётда эса жамғармалардан олинган даромад солиқлари инвестицияларга чекланган даражада таъсир қилади, чунки бунда чет элдан капиталнинг кўпроқ оқиб келиш имконияти бор, бинобарин, хорижлик сармоядор жаҳон бозорида устун ҳисобланган ставкани мулжаллайди. Бироқ бундай ҳолатда капиталга бўлган мулкчилик ўрнидан қўзғалади.

Бунга мисол тариқасида Япониядан капиталнинг АҚШга оқиб ўтганлигини кўрсатиш мумкин, АҚШда капиталдан фойдаланганлик учун фоиз ставкаси паст бўлган. Айни пайтда АҚШда резидентлар жамғармаларини солиққа тортиш ставкаси Япониядагига қараганда юқори эди.

Бинобарин, солиқ сиёсати ўз-ўзидан, агар у давлатнинг молия-пул сиёсати бошқа унсурларидан айри ҳолда амалга оширилса, такрор ишлаб чиқариш жараёнларига рағбатлантирувчи таъсир ўтказмаслиги ҳам мумкин.

3. Солиққа тортишнинг адолатлилик тамойили. Адолат тамойилларига мувофиқ солиқлар жамият томонидан оқилона ва адолатли деб тан олинган умумий объектив қондаларга биноан белгиланиши лозим.

Горизонтал ва вертикал адолатни бир-биридан фарқлайдилар. Горизонтал адолат тамойили даромад олишнинг турли шароитларида солиқ туловчиларга нисбатан солиққа тортишнинг тахминан тенг шартларини қўлланишни кўзда тутати.

Вертикал адолат деганда, ҳужалик юритишнинг бир мунча оғир шароитларида ишлаётган субъектлар учун солиққа тортишнинг бир қадар юмшоқроқ шартларини, енгил даромад олиш имкониятига эга бўлган субъектлар учун эса оғирроқ шартларини қўлланиш тушунилади. Солиқларнинг иқтисодий функциясини

базариш доирасида иккинчи тамойил бузилиши мумкин. Масалан, халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқаришни рағбатлантириш мақсадида уларни ишлаб чиқариш бўйича солиққа тортишда бир қадар юмшоқроқ шарҳлар ёки бунинг аксича вино-ароқ ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилишни чеклаш учун улардан олинадиган акциз солиқларнинг юқори ставкалари белгиланган ҳоллар ҳам бўлади.

Ижтимоий адолат тамойилини амалга оширишга турлича ёндашувлар бўлиши мумкин. Агар солиқларни тупланган солиқлар ҳисобидан рўёбга чиқариладиган давлат дастурларидан кейинчалик фойда кўрадиган одамлар тўласа, у ҳолда адолатли деб ҳисобланади. Айтайлик, транспорт воситаларига солиқлардан тушадиган маблағни давлат катта йўлларни таъмирлашга, ёки қуришга сарфласа, бундан солиқ тўловчиларнинг ўзлари - автомобиль эгалари наф кўради. Бироқ бундай ёндашувни кенг миқёсларда амалга оширишнинг иложи бўлмайди. Ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, маорифни ривожлантириш, атрофмуҳитни қуриқлашдан аниқ равишда ким кўпроқ фойда қуришини қандай қилиб ҳисоблаб чиқиш мумкин? Ҳатто бепул соғлиқни сақлаш дастурларидан асосан кўп болали оилалар, кекса ва ночор фуқаролар фойдаланишлари аниқлаб чиқилган тақдирда ҳам ана шу мақсадлар учун махсус солиқларни айнан уларнинг ўзидан ундиришни талаб қилиш адолатдан бўладими?

Амалиётда бошқача ёндашув бир мунча кенгроқ қўлланилади, унга кўра тўлов қобилияти тамойили асос қилиб олинади: солиқ тўловчининг даромади қанчалик юқори бўлса, ундан шунча кўп миқдорда солиқ ундирилади. Бу гапнинг маъноси шуки, бадавлат одамлар бепул мактаб маорифи, миллий муҳофаа, соғлиқни сақлаш ва бошқа соҳалар учун бир қадар юксак иқтисодий масъулиятни ҳис этишлари лозим, чунки улар камбағалларга нисбатан кўпроқ тўлашга қодирдирлар. Бой одамлар бепул давлат дастурларидан фойдаланадиларми, агар фойдалансалар, қай даражада - бунинг аҳамияти йўқ. Аслини олганда, ўзига туқ кишилар таълим бериш ва хизмат кўрсатиш яхшироқ йўлга қўйилган мактаб ва шифохоналарни танлайдилар.

Бундай тўлов қобилияти концепцияси АҚШ солиқ сиёсатида кенг тарқалган.

Бироқ амалиётда солиққа тортишнинг мазкур концепцияси тез-тез жиддий қийинчиликларга дуч келиб туради. Йилига 100 минг доллар даромад оладиган киши йилига 10 минг доллар даромад оладиган кишига нисбатан кўпроқ солиқ тўлашга қодир, деган фикрга қўшилиш мумкин. Бироқ бунда биринчи киши иккинчисига қараганда айнан неча баравар кўп солиқ тўлаш имкониятига эга, деган масала ноаниқдир. Бадавлат одам

Ушнинг даромадидан Уша ҳиссани ва мутлақ катта суммани тўлайдими ёки солиқ сифатида умуман кўпроқ ҳиссани тўлайдими? Афсуски, аниқ бир одамнинг солиқ тўлаш имкониятларини ўлчанг учун илмий асосланган қандайдир усуллар йўқ. Амалиётда бунга жавоб, тақлифлар ва тахминлар эмпирик йўл билан ёки ҳукуматнинг даромадларга бўлган жорий эҳтиёжлари, сиёсий қарани асосида пайдо бўлади.

Ўзбекистонда солиққа тортишдаги адолат тамойили маълум даражада тўлов қобилияти концепцияси асосига қурилади ҳамда даромаднинг солиққа тортилмайдиган минимум миқдордаги қисмини даромад солиғидан озод қилиш ва солиқ ставкаларининг ошиб боровчи шкаласини қўлланиш ёрдамида амалга оширилади.

Солиққа тортишдаги адолат тамойили баъзи ҳолларда тақсимотдаги ижтимоий адолат тамойили кўринишида намоён бўлади. Шунинг таъкидлаб ўтиш ўринлики, бу тамойилни даромадларни тенг равишда тақсимлаш, бараварлаштириш деб тушунмаслик керак. Қонун олдида тенгликка риоя этилиши, ижтимоий мумтозликка, ирқ ва динга муносибликка асосланган имтиёзларнинг бекор қилиниши, инсон асосий ҳуқуқларга бирдай эга бўлиши каби тенглик тамойиллар бўлиб, улар Ўзбекистон Республикаси Конституциясида муҳрлаб қўйилган ва бу тамойилларга қадриятларнинг ижтимоий тизимида қатъий амал қилмоқ лозим. Моддий тенглик, яъни даромадлар, мулк, истеъмол соҳасидаги тенглик ҳақида гап кетадиган бўлса, айтиш керакки, бундай тенгликка эришиб бўлмайди. Давлат ва жамият барча фуқаролар дуруст ҳаёт кечиришлари учун зарур ишарт-шароит яратиб беришлари керак, албатта, солиққа тортиш тизими эса истиқболга мулжалланган режада аҳолининг фаровонлигини умумий ошириш орқали жамият қўни қатламларининг аҳволи изчил равишда яхшиланиб боришига қўмаклашмоғи зарур.

4. Оддийлик ва холислик. Бу тамойил солиққа тортиш базасини аниқлашда, солиқларни ҳисоблаб чиқишда оддийлик бўлишини, тақдим этиладиган ҳисоботларнинг мазмунини соддалантиришни, шунингдек солиқларнинг энг муҳим турлари бўйича ягона ставкалар белгилашни, бериладиган имтиёзларни иложи борича камайтиришни кўзда тутати. Бу ўринда назарда тутиладиган нарса шуки, солиқларнинг иқтисодий функцияси доирасида бериладиган имтиёзлар яқка тартибдаги хусусиятга эга бўлмаслиги, балки муайян фаолият турларини рағбатлантиришга, солиқ тўловчиларнинг мулкчилик шакли ва қайси идорага мансублигидан қатъий назар, маълум турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқаришни кўнайтиришига қаратилмоғи лозим. Баъзи соҳаларда пайдо бўладиган давлат томонидан қўллаб-қувватлашга эҳтиёжни қондиришни бюджет-кредит сиёсати орқали амалга ошириш мақсадга

мувофиқдир. Бунинг сабаби шуки, солиқ имтиёзларининг ҳаддан ташқари қўплиги қонунларни мураккаблаштириб юборади, тушунишни қийинлаштиради ҳамда турлича талқин қилишларга олиб келади, бу ҳол пировард натижада солиқ тўловчиларнинг солиқларга нисбатан муносабатларига салбий таъсир қилади. Шу билан бирга аниқ қилиб белгиланган имтиёзлар солиқ юкани бошқа солиқ тўловчилар зиммасига ўтказиб, ижтимоий адолатсизлик рўй беришига олиб келади.

5. Бошқаришга қулайлик. Самарали солиқ тизимига қўйиладиган муҳим талаблардан бири бошқарувга қулай бўлишидир. Солиқларни ундириб олишда самарадорликка эришиш кўп ҳолларда солиқларнинг солиқ тўловчиларга яхши тушунарли бўлишига боғлиқ.

Айрим мамлакатларда солиққа тортишнинг ниҳоятда мураккаб тартиби амал қилади, айтайлик, шкала ва ставкалар тури, солиқлар рўйхати, уларни тўлаш қоидалари ва тартиблари ҳаддан ташқари кўп. Бунинг устига улар солиқ тушумларининг қўпайишига ҳеч қандай ёрдам бермайди ҳамда солиқларнинг рағбатлантирувчи функцияси бажарилишида роль ўйнамайди.

Маъмурий бошқарувчилик билан солиққа тортиш тамойилларини рўйбга чиқаришга қаратилган мақсадга эришиш ўртасида мувозанат сақланиб қолиши ниҳоятда муҳимдир. Мураккаб тузилган чораларнинг самараси кам бўлади, уларни амалга оширишдаги муваффақият кўндан-кўн ахборот тўплаш ва ундан фойдаланишга боғлиқ. Солиқ хизмати ва “Солиқ ахлоқи”нинг ривожланганлик даражасини ҳам ҳисобга олиш керак.

6. Солиқларни йиғиш жараёнини имкон қадар азонлаштириш. Мазкур тамойил давлат томонидан ва солиқ тўловчилар томонидан солиқларни йиғиш учун кетадиган харажатларни мумкин қадар камайтиришни кўзда тутати. Бунинг учун республикамизда солиққа тортиш тартибини такомиллаштириш билан бир қаторда солиқларни мақбуллаштириш, компьютер технологиялари, солиқ ахборотларининг тўғрилигини бевосита назорат қилиш усуллари қўлланиш орқали солиқ тўловчиларнинг харажатларини камайтириш мақсадида давлат ҳисобидан сақланадиган сервис-марказлар, солиққа тортиш масалалари ҳусусида солиқ органлари томонидан бепул маслаҳатхоналар ташкил этилган.

7. Солиқ ставкаларини қиёслаш. Солиқ ставкалари бошқа давлатлардаги ҳудди шундай солиқларнинг ставкалари билан қиёсланиши, яъни минтақанинг ўзига хос хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда бошқа мамлакатлар билан тенг бўлган ҳужалик фаолияти шарт-шароитлари вужудга келтирилиши лозим. Агар қаттиқ шартлар белгилаб қўйилгудек бўлса, бу ҳол республика иқтисодиётига инвестицияларни жалб қилишни мушкуллаштириб юборади, аксинча, енгил шароит яратилса, мамлакат бюджетига салбий таъсир қилади.

§5. Солиқ юкининг тақсимланиши


Солиққа тортишнинг оқилона тузилмасини яратиш солиқларнинг ҳаракат соҳасини баҳолаш билан чамбарчас боғлиқдир. Ҳаракат соҳаси ҳақиқатда солиқлар юкини зиммасида кутариладиган хужалик юритиш субъектларига (шахслар ёки корхоналарга) тааллуқли бўлади.

Шарғли равишда олинган битта мисол келтирайлик. Олма бозоридаги талаб ва таклиф ҳажмларининг боғлиқлиги туғрисида маълумотлар бор (1-жадвал ва 2-расм). Товар нархи қанча юқори (1-устун) бўлса, уни сотиб олишга тайёр харидорлар шунча кам (2-устун) ва уни етиштирувчилар эса қупроқ таклиф қиладилар (3-устун). Бозор мувозанати (A нуқтаси) талаб (D) ва таклиф (S) эгри чизиқлари кесишган нуқтада тухтайтиди. Талаб ва таклифнинг тенг келишини таъминлайдиган бир хил нарх бизнинг мисолимизда килограмм 10 сумни ташкил этади. Сотиладиган олманинг мувозанатли ҳажми 1000 килограммга тенг.

Давлат олманинг сотилишига билвосита солиқ белгиллаган, деб тахмин қилайлик. Етиштирувчи сотилган ҳар килограмм олма учун 2 сум солиқ тулаши керак. Мувозанат баҳоси ва ишлаб чиқаришнинг мувозанатли ҳажми қай тарзда ўзгаради? Мазкур ҳолатда талабнинг эгри чизигига ҳеч нима бўлмайди: олма етиштирувчи солиқ тулайими-йўқми - харидорга барибир. У фақат товарнинг нархига қараб иш кўради. Бинобарин, бозор таклифининг эгри чизиги ўз хусусиятини ўзгартиради. Етиштирувчи сотган ҳар килограмм олмаси учун 2 сум кам олгани сабабли таклифнинг эгри чизиги чапга қараб силжийди (4-устун ва St эгри чизиги). 10 сумлик нарх етиштирувчига (солиқ чиқариб ташлангач) ҳар килограммга 8 сумдан соф тушум беради. Солиқ солинимасидан аввал ҳар килограмм учун 8 сум нарх бозорга фақат 600 килограмм олма олиб чиқилганида фойдали бўлишини таъминлар эди. Бинобарин, янги вазиятда нарх 10 сум бўлганда таклифнинг катталиги 600 килограммни ташкил этади. Айнан шу йул билан нархларнинг, бошқа вариантлардаги таклифнинг катталигини ҳам ҳисоблаб чиқиш мумкин (4-устун). Мувозанатнинг янги баҳоси (мувозанат нуқтаси B), биз жадвал ва графикда курганимиздек, 10 сумдан 11 сумга кўтарилади, олмаларни сотишдаги мувозанат ҳажми эса 1000 килограммдан 800 килограммга қадар камаяди.

1 кг нархи, сум	бозор талаби, кг	бозор таклифи 1, кг	бозор таклифи 2, кг
1	2	3	4
12	600	1400	1000
11	800	1200	800
10	1000	1000	600
9	1200	800	400
8	1300	600	200

1-жадвал



2-расм. Олма бозори мисолида солиқни тақсимлаш: Q - товар миқдори, P - товар нархи; D - талаб; S - солиқ солинмасдан аввалги таклиф; St - солиқ солингандан кейинги таклиф; A ва B - мувозанат нархлари.

Солиқни ким тўлайди? Уни етиштирувчи ҳам, истеъмолчи ҳам тўлайди. Етиштирувчи янги вазиятда ҳар килограмм олма учун 10 сум урнига 9 сум олади (11 сумдан солиқ миқдори айриб ташланади), харидор эса бир килограмм олма учун 10 сум урнига 11 сум тўлайди. Бунда маҳсулот етиштириш ва истеъмол ҳажмлари 200 килограмм қисқарди. Солиқ тушумларининг умумий миқдори 1600 сумга тенг. Сотилган 800 килограмм олманинг ҳар килограммига икки сумдан (2-расмдаги BEFGC тўғри тўртбурчаги). Бунда сотувчилар ҳам, харидорлар ҳам 800 сумдан ютқаздилар (BEFH ва CHFG тўғри тўртбурчақлари). Бизнинг мисолимизда солиқ юки улар ўртасида баравар тақсимланади.

Бизга аниқ бўлдики, солиқ юки ҳам ишлаб чиқарувчилар, ҳам истеъмолчилар зиммасига тушади. Бироқ йўқотиш ҳажми одатда бир хил бўлмайди (юқорида келтириб ўтилган ҳисоб-китоблар фақат бизнинг шартли мисолимизга хос). Солиқ юкининг хусусияти бозор талаби ва бозор таклифининг эгилювчанлигига боғлиқ бўлади.

Талабнинг эгилювчанлиги харидорнинг таклиф килинаётган товарни сотиш шартларига боғлиқ равишда (энг аввало нархига қараб) сотиб олишга тайёрлиги даражасини кўрсатади. Харидорлар келишувга қанчалик кўп интилсалар, талаб шунчалик кам эгилювчан бўлади. Талаб эгилювчан бўлмаса, сотувчилар солиқ юкини харидорлар зиммасига осонгина ўтказиб юбордилар.

СОЛИҚҚА ТОРТИШНИНГ МАКРО- ВА МИКРОИҚТИСОДИЙ ЖИҲАТЛАРИ

Турли товарларга талаб турли эгилувчанликка эга булади. Мана, баъзи товарларнинг нархи буйича (талабнинг катталиги нархларнинг ўзгаришига боғлиқлигини курсатувчи) эгилувчанлик коэффициентларига мисоллар: картошка - 0,3, шакар - 0,3, сигареталар - 0,5, мол гушти - 1, мебель - 1,2, автомобиллар - 2,1 (Коэффициент қанча юқори бўлса, талаб ҳам шунчалик эгилувчан булади). Талабнинг нарх эгилувчанлиги асосий омилларига қуйидагилар киради:


1. Ўрнини босувчи товарларнинг мавжуд бўлиши. Агар бозорда бир-бирининг ўрнини босувчи товарлар қанча куп бўлса, талаб ҳам шунча эгилувчан булади: харидорда қиммат товарларнинг ўрнига арзонроғини сотиб олиш имконияти туғилади. Лекин бозорда бир-бирининг ўрнини босадиган неъматлар мавжуд бўлмаса, харидор белгилаб қўйилган нархга кўнишга мажбур. Бундай ҳолатда талаб эгилувчан бўлмайди.

2. Товарга кетган харажатларнинг харидор бюджетдаги улуши. Неъматлар қиймати харидор бюджетда қанчалик катта ўрин тутса, унга талабнинг эгилувчанлиги шунчалик юқори булади. Агар қаламнинг нархи 10 фоиз кўтарилса, унга талаб сезиларли даражада пасаймаслиги мумкин: қаламнинг нархи шу қадар кичикки, харидор бу товар нархи ошганини пайқамаслиги ҳам мумкин. Лекин автомобилнинг нархи 10 фоиз ошса (бошқа тенг шартлар қаторида), талаб анча-мунча камайиб кетиши аниқ; нархнинг мутлақ ўсиши харидорнинг “ҳамёни” учун ҳаддан зиёд катта булади.

3. Товарнинг фойдалилик даражаси. Кундалик эҳтиёж товарларига талаб одатда эгилувчан бўлмайди; зийнат буюмларига талаб эса эгилувчандир. Масалан, нон, гугурт, тузга талаб анъанавий эгилувчан саналмайди. Аксинча, қимматбаҳо, кўнгилочар ва шу каби бошқа буюмларга талаб бир мунча эгилувчан булади.

4. Вақт омили. Харид қилиш хусусидаги қарорга келиш учун муддат қанча куп бўлса, талаб ҳам шу қадар эгилувчан тус олади. Харидорлар янги нархга мослашишлари учун вақт керак: уларнинг диди ва истеъмол технологияси аста-секин ўзгариб боради. Масалан, қимматлашган мол гушти ўрнига маълум муддат мобайнида емиш сифатида балиқ ва паррандалардан фойдаланилади. Мана, бошқа мисол: 70-йилларда ғарб давлатларида нефть нархи кўтарилиши сабабли эски технологияларни энергияни тежайдиган янги технологияларга алмаштириш жараёни бир неча йил давом этди, оқибат-натижада нефть маҳсулотларига бўлган талаб кескин камайиб кетди.

Эгри солиқнинг эгилувчан талабли бозордаги оқибатлари 3 (а)-расмда, эгилмайдиган талабли бозордаги оқибатлари эса 3 (б)-расмда курсатилган.



3-расм. Солиқ юкининг эгилувчан талабли ва эгилмайдиган талабли бозорларда тақсимланиши.


Кўриниб турибдики, товарга талаб қанчалик кам эгилувчан бўлса (доирадан каттароқ D эгри чизик), солиқнинг катта қисми истеъмолчилар зиммасига тушади, чунки бозордаги нарх кескин кўтарилади. Бунинг аксича, харидорлар қимматлашган товарларни олишдан осонгина воз кечсалар (D қиялама чизиги), нарх деярли кўтарилмайди ва зарарни сотувчиларнинг ўзлари қоплашга мажбурдирлар.

Таклифнинг эгилувчанлиги сотиш шароити ўзгарганда таклиф этилаётган товарларнинг миқдорини сотувчиларнинг кўпайтириш ёки камайтириш имкониятларини белгилаб беради. Сотувчилар келишувга қанчалик кўп иштилсалар, бозор таклифи шунчалик кам эгилувчан бўлади. Таклиф эгилувчан бўлмаганида солиқ юкини маълум даражада ишлаб чиқарувчилар ўз зиммаларига олишга "рози" бўладилар.

Таклифлар эгилувчанлигининг асосий омили товар сотиш шароити ўзгаришига муносабат билдириш учун ишлаб чиқарувчи ихтиёрида мавжуд бўлган вақт миқдоридир. Иқтисодиётнинг тармоқлари ўртасида ресурсларни (ишчи кучи, ускуналар, хом ашё) қайта тақсимлаш маълум муддатни талаб этади. Бинобарин, тадбиркорлар ихтиёридаги вақт қанча кўп бўлса, улар ишлаб чиқаришнинг тузилишини ўзгарган бозор шароитига мослаштириш учун шунчалик катта имкониятга эга бўладилар ҳамда таклифнинг эгилувчанлиги ҳам ортади.

4-расмда эгилувчан таклифли вазиятда (4 (а)-расм) билвосита солиқ жорий этилганда ишлаб чиқарувчилар маҳсулот тайёрлаш ҳажмини осонгина қисқартириб, шу ҳисобдан бозорда нархни кўтаришлари кўрсатилган. Бундай ҳолатда солиқ юкининг катта

қисми харидор зиммасига тушади. Аксинча, таклиф эгилувчан бўлмаганида (4 (б)-расм) ишлаб чиқарувчилар маҳсулот тайёрлаш ҳажмини кескин даражада қисқартира олмайдилар ва бозорда нарх деярли ўзгармайди. Бундай ҳолатда солиқ тўловларининг асосий қисмини тадбиркорларнинг ўзлари қўшлайдилар.



4-расм. Таклифлар эгилувчан (а) ва ноэгилювчан (б) бўлган вазиятда солиқ юкининг тақсимланиши.

Шундай қилиб, кураимизки, солиқ нархнинг ўсиши орқали истеъмолчи зиммасига ўтиши мумкин, бироқ фойдадан чиқариш ҳисобига қўшласа ҳам бўлади. Солиқ истеъмолчи зиммасига ўтказиладими, яъни солиқнинг жорий этилиши (ёки оширилиши) нарх даражасига таъсир қиладими ёки йўқми, бундай ҳолат аниқ тарзда олинган бозорнинг ўзига хос хусусиятларига, бозор талаби ва бозор таклифига боғлиқдир. Агар товарга талаб барқарор бўлса, яъни ноэгилювчан ёки кам эгилувчан (энг аввало бундай ҳолат кундалик эҳтиёж товарлари учун хос) вазиятларда солиқларни истеъмолчи зиммасига маҳсулот нархини кўтариш йўли билан ўтказиши мумкин. Борди-ю, талаб эгилувчан бўлса, нархни кўтаришга интилиш товар ҳажмининг, шунга тегишли равишда ишлаб чиқариш, фойда ва солиқ тушумлари ҳажмининг камайиб кетишига олиб келади. Бинобарин, талабнинг эгилувчанлиги солиққа тортишни тартибга солиб турувчи ва чеклайдиган омилдир.

Солиқ сиёсатини ўтказишда аввало, ишлаб чиқариш ресурсларининг тўлиқ бўлмаган ўзаро бир-бирининг ўрнини босиши билан боғлиқ таклиф эгилувчанлигини ҳам ҳисобга олиш зарур.

Маблағни фаолиятнинг бир соҳасидан олиб иккинчи соҳасига сарфлаш ҳамма вақт ҳам осон кечавермайди. Шунингдек, меҳнат


таклифи ҳам ноэгилувчандир. Реал иш ҳақининг оширилиши меҳнатга булган талабни қисқартириши мумкин, аммо унинг пасайиши одатда бундай таклифни камайтирмайди. Шунинг учун ҳам иш ҳақиға солинадиган солиқлар иш берувчилар зиммасига утиши мумкин ҳамда одатда ёлланма ходимнинг даромадидан бевосита ушлаб қолинади.

Ниҳоят, яна битта мулоҳаза. 1-жадвал ва 2-расмдаги рақамли мисолларга қайтайлик. Юзаки қараганда, солиқ жорий этишдан жамият ҳеч нарса йўқотмайдигандек туюлади, чунки бюджетга келиб тушадиган солиқ суммаси (1600 сум) ижтимоий-фойдали мақсадларга сарф этилади. Лекин чуқурроқ таҳлил шуни кўрсатадики, билвосита солиқ жорий этилиши оқибатида мазкур товарни ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш, 200 килограмм миқдорида камайган. Ана шу 200 килограмм олмани етиштирмаслик билан боғлиқ фаровонликнинг ёмонлашуви ABC учбурчаги майдонига тенг.

Шундай қилиб, биз “ортиқча солиқ юки” деган тушунчага етиб келдик. Ортиқча солиқ юки жамиятнинг солиққа тортилдиган товарни ишлаб чиқариш ва истеъмол қилишни уларнинг мақбул даражасидан қисқартириш оқибатида кўрган зарари ҳажмидир. Бу қоидадан келиб чиқадиган хулоса шуки, давлат иқтисодиётни ҳаддан ташқари катта солиқлар билан қийнаб қўйма-слик учун ўзининг қайта тақсимлаш сиёсатини ҳақиқий “зарур минимум” билан чеклаши лозим. Нега деганда, даромадларни қайта тақсимлаш, биз аниқлаганимиздек, жамият учун муайян йўқотишларга сабаб бўлади.

§6. Солиқ сиёсатининг макроиқтисодий самараси

Солиқ ставкаларининг узгартирилиши бевосита талаблар йиғиндисига таъсир қилади. Истеъмолнинг ҳам, инвестицияларнинг ҳам ҳажми солиқларнинг катта-кичиклигига боғлиқ бўлади. Тахмин қилайлик: бюджетга солиқ тушуми камайиб, давлат харажатлари аввалгича қолди. Бундай ҳолат истеъмол ва инвестиция харажатларининг ўсишини рағбатлантиради. Натижада давлатнинг барча харажатлари катталлашиб кетади ҳамда AD йиғма талабнинг эгри чизиғи унга қараб силжийди (5 (а)-расмда ADt). Йиғма талабнинг ўсиши реал ялпи миллий маҳсулот (V) ва нархларнинг умумий даражаси ўсишига олиб келади. Бюджетга солиқлар тушумининг купайиши натижасида эса бунга тескари булган жараёнлар рўй беради: йиғма талаб, реал ялпи маҳсулот ҳажми ва нархларнинг умумий даражаси пасаяди (қаранг: 5.6-расмлар).



а) солиқларнинг қисқариши

б) солиқларнинг ўсиши

5-расм. Расмда рамзий чизиқлар билан қуйидагилар ифодаланган: V - реал ялпи миллий маҳсулотнинг ҳажми, P - нархларнинг умумий даражаси, AD - йиғма талабнинг эгри чизиғи; AS - йиғма таклифнинг эгри чизиғи.

Юқорида келтирилганлардан иқтисодчилар бюджет камомадини ўстиришнинг жуда оддий усули ижтимоий фаровонлик эканини аниқлаганлар, деган хулоса чиқариш мумкинми? Солиқлар камайтирилса (ёки давлат харажатлари купайтирилса) бас, иқтисодий юксалишга эришилади! Бироқ бу унчалик осон иш эмас.

Биринчидан, йиғма талаб қанчалик купайгани билан у иқтисодий ишлаб чиқариш имкониятлари (мавжуд ресурслар ва технологияларнинг шартли миқдори ва сифати) доирасидан ташқарига “суриб қўйишга” қодир бўлмайди. Ишлаб чиқариш имкониятлари чегарасига яқинлашганда йиғма талабнинг ўсиши асосан реал ишлаб чиқаришнинг эмас, балки нархларнинг кўтарилиши ҳисобига рўй беради (AS эгри чизиғи янада тиккароқ бўлиб қолади). Бинобарин, рағбатлантирувчи солиқ-бюджет сиёсати иқтисодий пасайиш вазиятида бўлгандагина чинакам ижобий самара беради. Иккинчидан, солиқ сиёсати ўтказилаётганда қисиб чиқариш деб аталадиган вазият билан туқнашув рўй беради. Тахмин қилайлик: давлат харажатлари ўзгармай турган шароитда солиқ тушумлари камайди (ёки аксинча, давлат харажатлари купайиб, солиқ тушумлари эса аввалги даражасида қолди). Давлат харажатлари ва даромадлари ўртасидаги фарқнинг ортишини (бюджет камомадининг ўсишини) давлат қарзлар ҳисобига қоплашга мажбур. Масалан, у давлат облигациялари чиқариши мумкин, бу облигацияларнинг сотилиши молия бозори маблағларидан фойдаланиш имконини


беради. Бундай саъй-ҳаракат молия бозорида миллий жамғармалар таклифи камайишига олиб келади. Натижада фоиз ставкалари кутарилади ва хусусий инвестициялар ҳажми тушиб кетади. Биз курган ҳолатда солиқларнинг камайиши туфайли келиб чиққан бюджет камомадининг ўсиши хусусий инвестицияларни “суриб чиқаради”ки, бунинг натижаси улароқ, йиғма талаб даражаси ўзгармай қолади. Бинобарин, қисқа муддат ичида суриб чиқариш самараси амал қилмайди ёки сезилмайдиган даражада руй беради: молия бозори такомиллашмагани (корхоналар капитал маблағ сарфлаш учун пул оладиган кредит ҳақидаги битимлар илгари тузиб қўйилгани сабабли инвестициялар ва жамғармалар узоқ истиқболдагина тенглашади.

Учинчидан, солиқ сиёсатининг самарадорлиги соф экспорт самараси билан чекланади. Биз аниқлаганимиздек, солиқларнинг камайтирилиши миллий жамғармалар миқдорини кичрайтиради ҳамда ички фоиз ставкаларини катталаштиради. Бундай вазият оқибатда фақат ички (миллий) инвестицияларнинг қисқаришигагина эмас, балки мамлакатга чет эл капиталининг оқиб кириши тезлашишига ҳам олиб келади. Мазкур ҳолатда хориж инвестициялари ўсиб бораётган ички фоизли ставкалар билан рағбатлантирилади. Чет эл капиталининг оқиб келиши ватан валютасига талабни оширади. Натижада валюта курси кутарилади, соф экспорт миқдори (экспорт билан импорт орасидаги фарқ) қисқаради. Гап шундаки, валюта курси кутарилганида ватан товарлари жаҳон бозорида анча қимматлашади, хориж товарлари эса ички бозорда арзонлашади. Шундай қилиб, солиқларни камайтириш туфайли жамият харажатларининг кенгайиб кетиши экспортнинг қисқариши ва импортнинг ўсиши билан боғлиқ йиғма талабнинг пасайиши ҳисобидан қисман текисланади. Бундай самара қайд этилган валюта курслари шароитида амал қилмайди: солиқлар камайтирилганида валюта курси аввалги даражасида қолади ҳамда соф экспорт тегишли равишда ўзгармайди.

Юқорида айтиб утилганлардан чиқадиган хулоса: рағбатлантирувчи солиқ сиёсати фақат қисқа муддатли туркумий тебранишлар оқибати булган иқтисодий пасайиш шароитида, фақат қайд этилган валюта курслари пайтида сезиларли макроиқтисодий самара беради. Вақтнинг узоқ оралиқларида эса у таъсирли булмади.

Энди солиқларни қисқартириш оқибатларини AS йиғма таклифнинг эгри чизиғига моделлаштирайлик. Мазкур тадбирнинг самараси шундан иборат: бунда AS эгри чизиғи уннга қараб силжийди - солиқларнинг пасайтирилиши харажатларнинг қисқ-

аришини (бу ҳолат тадбиркорларни ишлаб чиқаришни кенгайтиришга рағбатлантиради) ҳамда “соф” иш ҳақининг ўсишини (бу ҳолат эса ёлланма ходимларни меҳнат таклифини кўпайтиришга рағбатлантиради) англади. Бунда (солиқларнинг камайтирилиши оқибатида) йиғма талаб одатда йиғма таклифга нисбатан кўпроқ ўсиб боради. Шунинг учун ҳам ишлаб чиқаришнинг кенгайиши билан бир қаторда нархларнинг умумий даражаси кўтарилиши кузатилади (қаранг: 6-расм).



6-расм.

Бироқ йиғма таклиф даражасининг ўзгариши узоқ давом этадиган мураккаб жараён дур. AD эгри чизигидан фарқли равишда, AS эгри чизигини реал воқеликда “силжитиш” қийин иш. Шунинг учун ҳам макроиқтисодий барқарорлик мақсадига эришиш учун давлат энг аввало йиғма таклифга эмас, балки йиғма талабга таъсир курсатишга интилади. Бунинг устига, ҳозирги замон иқтисодчиларининг аксарияти ҳисоблашича,

макроиқтисодий беқарорлик (иқтисодий туркумлар) асосан йиғма талаб беқарорлигининг оқибатидир.

Тахмин қилайлик: иқтисодий йиғма талабнинг салбий ўзгариши таъсири туфайли пасайиш жараёнини бошдан кечирмоқда. Бундай ҳолатда давлат жамиятнинг йиғма харажатларини солиқларни камайтириш (ва/ёки) давлат харажатларини кенгайтириш) воситасида рағбатлантиришга интилади. Агар ҳукумат иқтисодиётнинг “зуриқиши”дан хавотирланса ёки пулнинг қадрсизланиш суръатларини секинлаштиришни истаса, у ҳолда ўзининг молия сиёсатини қаттиқ олиб бориши: солиқларни ошириши ва давлат харажатларини қисқартириши лозим булади.

II БОБ

ЎЗБЕКИСТОНДА СОЛИҚЛАР ТАРИХИ

*“Бу дунёда улим билан солиқдан
булак ҳеч нарсага қатъий
ишониб бўлмайди”.*

(Бенжамин Франклин, 1789)

Солиқ давлат даромадининг асосий шаклидир. Солиқ воситаси ана шу соф молиявий вазифасидан ташқари ижтимоий ишлаб чиқаришга, унинг динамикаси ва таркибига, фан-техника тараққиёти ривожига иқтисодий таъсир ўтказиш мақсадида ҳам қўлланилади.

Давлат пайдо бўлиши билан олиқ-солиқлар жамиятдаги иқтисодий муносабатларнинг зарурий бўғинига айланган. Давлат тузилиш шакллари ривожланиши билан бир вақтда солиқ тизими ҳам доимо ўзгариб турган.

Солиққа тортишнинг ибтидоий шакли - қурбонлик қилишдир. У мутлақо кўнгилли асосдагина амалга ошмаган, албатта. Қурбонлик қилиш ёзилмаган қонун эди ва шу тариқа у мажбурий тулов ёки йиғим шаклини ола борган. Йиғимнинг фоиз ставкаси муайян даражада қатъий белгилаб қўйилганди. Қурбоннинг сураларидан бирида (“Ўлжалар сура”сида) ўлжаларни тақсимлаш меъёрлари кўзда тутилган эди: уларнинг бешдан бир қисми: “Ўлжа қилиб олган нарсангиз Оллоҳ учун, пайғамбар учун ва у зотнинг қариндош-уруғи, етимлар, мискинлар ва мусофирлар учундир” (41-оят). Ўлжанинг бешдан тўрт қисми эса (“ўлжа келтирувчи”) қўшинга, бундан пиёда жангчига бир улуш, отлиққа эса - уч улуш тегиши керак эди.¹

Ўрта Осиё ҳудудида қабилаларнинг дастлабки сиёсий иттифоқлари мелоддан аввалги биринчи минг йилликда тузилган эди. Бақтрия (Жанубий Ўзбекистон), Сўғд (Зарафшон ва Қашқадарё водийлари), Хоразмнинг деҳқончилик воҳаларида синфий

¹ Ўзбекистон халқлари тарихи. С.П.Толстов таҳрири остида. Тошкент ЎзССР ФА нашриёти, 1 том, 1950, 164-165 б.

жамият таркиб тошган, Оролбўйи ва Хоразмда эса мелоддан аввалги VIII асрдан кулдорлик давлат тузумлари юзага келган эди.

Давлатни сақлаб туриш учун эҳтиёт манбалар зарур эдики, улар пул ва маҳсулот тарзида солиқ ундириш, мажбуриятларни бажартириш каби манбалардан олинар эди. Жон солиғи ва ер солиғи асосий солиқ ҳисобланарди.

Мелоддан аввалги биринчи минг йиллик ўрталарида Ўрта Осиё Аҳмонийлар салтанати - Эрон давлати таркибига кирди, бу сулола ҳукмронлиги икки асрдан кўпроқ вақт давом этди. Ўрта Осиё халқларининг Эронга тобеълиги ҳар йили улпон йиғиш ва ҳарбий лашкарлар етказиб беришдангина иборат эди. Сак ва каспий қабилалари эллик талант (бир талант 25 килограмм 248 грамм соф олпинга тенг эди), парфия, хоразмий, сўғд, арси қабилалари эса - уч юз талант миқдорига солиқ тулашар эди. Мунтазам равишда тулаб бориладиган солиқ-улпонлардан ташқари, сув беришни тўхтатиб қўйиш борасидаги таҳдидлардан чўчиган халқ аҳомонийларнинг шаҳаншоҳларига яна қўшимча солиқлар ҳам тулар эди. Қадимийнинг буюқ тарихчиси Херодот бундай ёзган эди:

“Уларда сув бўлмаса, хотинларини олиб, Эронга боришади ва шоҳ саройи дарвозаси ёнида туриб олиб, дод-вой кутаришади, шунда шоҳ арздорларнинг сувга жуда муҳтож эканликларига амин бўлиб, уларнинг водийларига сув элтувчи туғон дарвозаларини очишни буюради. Уларнинг ери сувга обдон тўйгач, туғон дарвозалари яна ёпиб қўйилади. Шу билан бирга, шоҳ сувга ғоят эҳтиёжманд бўлган бошқа фуқаролар учун ҳам туғон дарвозаларини очиш юзасидан фармон беради. Мен эшитган ҳикояларга кўра, шоҳ оддий солиқдан ташқари, сув туғонларини очганлиги учун ҳам кўплаб маблағ йиғиб олади”.¹

Македониялик Искандар аҳомонийлар сулоласини тор-мор қилгач, Ўрта Осиё унинг империяси таркибига кирди ва энди юнонча андозага кўра солиқ тулай бошлади. Қадимги Юнонистоннинг солиқ тизими даромад солиғи билан ихтиёрий хайр-эҳсонлар қоришмасидан иборат эди. Даромад солиқлари даромадларнинг 1/10 ёки 1/20 қисми миқдорига олиниб, маблағларни ижтимоий мақсадлар йўлида бир ерга жамлаб ишлатиш имконини берар эди. Юнонлар шахрининг кенгаши (ёки халқ йиғини) булажак йирик чиқимлар қилиниши арафасида даромадлардан фойз ажратмаларни белгилар эди. Бироқ, кўпинча бундай бевосита солиққа тортиш ҳолларига жиддий қаршилик кўрсатиларди. Масалан, Афинада эркин фуқаро бевосита солиқларни туламаслиги керак, у ихтиёрий равишда хайр-эҳсон қилиш билангина чегараланиши зарур, деб ҳисобланарди.

¹ Ҳидоятлов Г.А. Менинг жонажон тарихим. Т. “Ўқитувчи” 1990. 26-27 б.

Искандар Ўрта Осиёда Аҳомонийлар тузган давлат идора тузилмасини асосан сақлаб қолди. Ҳар вилоятга маҳаллий зодагонлар орасидан чиққан ноиб фармонбардорлик қиларди. Махсус солиқ идораси бўлмаса-да, ўлпон тизими мавжуд эди. Ўлпончилар солиқ туловчилардан хазина билан тузилган шартномада келишилганидан кўпроқ миқдорда ўлпон тулпар ва кўп маблағни ўзига олиб қолар эди. Ўлпончи солиқ (боқиманда)ни тулаш учун катта фоиз эвазига қарзга пул берар ва шу тариқа икки барабар кўп пул ишлаб олар эди. Агар бирон-бир киши пулни қайтармаса, уни қул қилиб сотиб юборишлари мумкин эди.¹

Искандар ўлиmidан ва унинг империяси қулаганидан сўнг Ўрта Осиёда бир неча мустақил давлатлар юзага келди, улар орасида энг қудратлилари Юнон-Бақтрия подшолиги ва Парфия давлати эди. Милoddан кейинги II асрдан то VI асргача бу ҳудудлар аҳолиси кўчманчи қабилалар - юсчжилар, эфталитлар ҳужумига дучор бўлди. Уларда солиқ тизими қандай бўлган - бу ҳақда жуда кам биламиз.

Ҳозирги Ўрта Осиё ҳудудида яшаган халқлар янги истилочилар - араблар билан ҳам тўқнашди. Араблар бу ерда 651 йилда пайдо бўлишди.

Арабларда давлат хазинасини тулдиришнинг ҳар томонлама ишланган манбан “закот” - хайр-эҳсон эҳтиёжлари учун туланадиган солиқ эди. Солиқ туловчи ўз даромади ёки мол-мулкнинг бир қисмини камбағаллар, етим-есирлар, мусофирларга хайр-эҳсон қиларди. Ижтимоий тангликни юмшатиш, қандайдир тенглик ўрнатиш мақсадида “закот” бериларди. Аста-секин “закот” ўрнини “садақа”, эзгу ният қилиб бериладиган эҳсон эгаллади.

Қадимги тарихчилар солиқларни ифодалаш учун уч атама, яъни “вазифа”, “жузя” ва “хирож”дан бирини ишлатади, “Вазифа” - “ўлпон”, кўплиги “вазоиф” - “ўлпонлар”, “жузя” ва “хирож” эса (иккови бир маънода) - “жон солиғи” ва “ер солиғи” демакдир. VIII аср ўрталаридан бошлаб “жузя” дейилганда - жон солиғи, “хирож” дейилганда - ер солиғи англашларди.²

“Хирож” турли шаклларда олинарди: “Мисаха” - экинзор бирлигидан қатъий белгиланган меъёрларда, “мукота” - қатъий суммада, “мукосама” - ҳосилнинг муайян улуши миқдоринда ундирилларди. Ўрта Осиёда “мукосама” солиғи меъёри ҳосилнинг учдан бир қисмига тенг эди.

¹ Налоги. Д.Г.Черник таҳрири остида. Москва. “Финанси и экономика”. 1955, 4-5 бет.

² Ўзбекистон халқлари тарихи. С.П.Толетов таҳрири остида. Тошкент. ЎзССР ФА нашриёти. 1 том. 1950 й. 164-165 б.

“Хирож” Наврӯз байрамида йиғиб олинарди.

“Жузя” солиғини мусулмон бўлмаган (эркин эркак) кишилар туларди. Аёллар, болалар, қариялар, камбағал роҳиблар ва қўллар жузя тулашдан халос этилганди. Солиқ миқдори шартнома бўйича белгиланарди. “Жузя” солиғини ҳисоблашда кишиларнинг солиқ тулашга қодирлик даражаси ҳисобга олинар, ўлпон - пул ва маҳсулот тарзида ундирилар, маҳсулот ҳисобига шароб ёки ундирилган ҳайвон гуштини топшириш тақиқланган эди.

Чорвадорлардан маҳсулот тарзида (мол туёғига қараб), ҳунар ва савдо аҳлидан муайян даромад ҳисобидан (агар у солиқ солинмайдиган энг кам миқдордан ортиқ бўлса) солиқ олинарди. Фойдали қазилмалардан фойдаланганлик учун қурилган даромаддан, бевосита меросхури бўлмаган мерос мулкдан ҳам солиқ туланарди. Меҳнат мажбуриятлари - ариқ қазини ва тозалаш, янги йўл очини ва эскиларини тuzатиши, қуриқ қуриши, шаҳар ва қалъа деворларини тиклаш ва мустақамлаш каби ишлар ҳам бажариларди.

“Жузя” ва “хирож” туловчи ер эгалари бўйнига муҳр осиб қўйиларди. Абу Юсуф Ёқубнинг “Китоб ал-хирож” асарида муаллиф халифа Хорун ар-Рашидга шундай мурожаат қилади: “Ўзингга тегишлисидан ташқари, уларни (солиқ туловчиларни) токи ишини битирмагунча, жон бошига солиқ йиғини чоғида муҳрлагин, кейин муҳрларини бузаверасан, Усмон ибн Хунайф ҳам улар билан худди шундай муомала қилганди”¹.

Араб халифалигининг солиқ тизимини Ўрта Осиёга татбиқ этган киши Мовароуннаҳр (арабча ибора - “дарёнинг нарёғи” дегани) фотиҳи Қутайба ибн Муслим эди. Самарқанд ҳукмдори Гурек “тинчлик” сулҳига биноан, йилига 2.200.000 драхма пул тулаш, эҳромлардаги жаъми бойликларни, бут-санамларнинг безакларини топшириш мажбуриятини зиммасига олганди.²

Араблар аҳолини ўз динларига жалб этиш мақсадида исломни янги қабул қилган кишиларга ҳар турли имтиёзлар бера бошлашди, яъни улардан “хирож” ва “жузя” олинмасди. Аммо, ноиблар бу қоидага қатъий амал қилмасди, чунки солиқлардан озод қилиш даромад камайиб кетишига сабаб буларди.

Халифа Умар II (717-720 йиллар) маҳаллий аҳолига холис муносабатда бўлиш сиёсатини қўлаб, Хуросон ноиб Ал-Жарроҳдан исломга утганларни “хирож” ва “жузя” солиқларидан озод этишни талаб қилади. Ал-Жарроҳ бу талабга расман бўйсун-

¹ Ўша жойда, 175 б.

² Ўша жойда, 163 б.

са-да, исломга энди ўтган кишиларга қўшимча шарт қўяди - улардан хатна қилдиришларини талаб этади.

Хуросон ноиб Ашрос ибн Абдуллоҳ ас-Суломий (727-729 йиллар) қисқа бир муддат ичида бир-бирига зид икки хил сиёсат қўлайди. Унинг дастлабки қадамлари Хуросон ва Мовароуннаҳр деҳқон аҳолиси томонидан хуш қабул қилинади. У исломга янги ўтган кишилардан “жузя” ва “хирож” олмаслигини эълон этади. У араблар ҳокимиятининг кучи - исломда, исломни қабул қилганлар истилочиларга қаршилик кўрсатмай қўяди, деб ҳисобларди. Ашрос аҳолини “исломлаштириш” сиёсатини яхшироқ ўтказиш мақсадида сўғдлар ҳузурига икки тарғиботчи - ас-Саид Солиҳ ибн Тариф ва Робия ибн Омранни юборади. Ас-Саид Самарқандда шаҳар ва унинг атрофидаги қасабалар аҳолиси олдида ваъзхонлик қилиб, Оллоҳни таниган кишиларни “жузя”дан халос қилишга ваъда берди. Бу тадбирлари унга қўл келди, кунгина сўғдлар мусулмон бўлди.

Сўғд зодагонлари эса Ашрос сиёсатига қаршилик қилди, зотан, фуқароларни “хирождан” озод қилиш мавжуд тузум илдиизига болга урарди. Гурек хатто, Ашросга хат йўллаб, сенинг қароринг “хирож”нинг ўзига барҳам беришга сабаб бўлди, чунки энди “хирож” олинадиган одамнинг ўзи қолмади, деб огоҳлантирди.

Ашрос тез орада Гурек ҳақ эканлигига амин бўлди, чунки хирождан воз кечиш оқибатида хазина тушумлари жуда камайиб кетди. Шунда у “Арабнинг кучи - исломда” деган шиорнинг ўрнига: “Арабнинг кучи - хирожда”, деган шиорни олға сурди. У бир вақтлар Ал-Жарроҳ таклиф этган чорани, яъни хатна қилинган янги мусулмонларнигина “жузя”дан озод қилиш чорасини қўлай бошлади.

Сўғд ва Бухорода норозилик кучайиб, қўзғолонга сабаб бўлди. Етти минг сўғд Самарқанд яқинидаги қасабага йиғилиб, арабларга буйсунмаяжакларини эълон этишди. Юқорида тилга олинган икки тарғиботчи араб ҳам уларга қўшилди. Сўғдлар мадад сўраб, туркларга мурожаат қилишди. Ҳамма жойда халқ ғалаёнлари авж олди.¹

Ашроснинг омадсиз солиқ сиёсати оқибатида арабларга қарши кучли ҳаракат бошланди. Мовароуннаҳр беш йил араблар ҳукмронлигидан халос бўлиб яшади, аммо улка фақат IX аср охирига келиб, мустақилликка эришди.

Сомонийлар сулоласининг вакили, Бухоро ҳукмдори Исмоил ибн Аҳмад (892-907 йиллар) марказий ҳокимиятни мустаҳкамлаб,

¹ Уша жойда, 169-171 б.

кучли қўшин тузди ҳамда ўз ворислари учун мамлакатни бошқарув ишларига бутун диққатни жамлаш имконини яратди. Деҳқончилик, кончилик ва ҳунармандлик ривожланди, карвон савдосининг қўлами кенгайди, солиқ сиёсати яхши ташкил этилди - булар ҳаммаси туфайли мамлакат ислом оламида энг илгор давлатлардан бирига айланди.

IX-X асрларда Мовароуннаҳрда ер солиғи миқдори ерга ким эгалик қилишига боғлиқ эди. Ер уч тоифага бўлинганди. Биринчи тоифа “мулки султоний” ёки “мамоликаи султоний” деб аталиб, бундай ерлар хўжайини султоннинг ўзи эди. Девон амалдорлари бу ерларни ўз назоратлари остига олган эдилар, кейинчалик бу ерлар “мулки девоний”, деб атала бошлади. Мазкур тоифадаги ер захиралари бепоён бўлиб, улар сирасига деҳқонлар жамоа-жамоа бўлиб яшаган шароитда аксарият деҳқонлар оmmasига тегишли ерлар кирарди. Иккинчи тоифа - “мулк” ерлар ҳукмрон сулоланинг айрим намояндалари, қадимий деҳқон зодагонлари, олдий бой деҳқонлар, саидлар (Муҳаммад пайғамбар авлодига мансуб кишилар), олий мусулмон руҳонийлар, турк сарақўшин вакиллари ва савдогарларга қарашли ерлардан иборат эди. Сунити тоифа - вақф ерлари масжид, мадраса, хонақо, мақбара каби ислом дини муассасаларига муваққат ёки доимий фойдаланиш учун бериб қўйилган эди.

“Хирож” мана шу ҳамма уч тоифага мансуб ерлардан олинарди. Бу солиқлар “мулки хирож” деб номланган, аммо олий мусулмон руҳонийларга аввало, саидларга тегишли ерлар тўлиқ ёки қисман хирождан озод этилган эди. Ан-Насафий ас-Самарқандийнинг “Ал-қанд фи тарихи Самарқанд” асарини қисқартирилган нашрида шундай дейилган: “Имомлар, шайхлар ва саидлар солиқдан озод қилинади. Шунин билки, “қалб кишилари” бесаранжомлиги подшоликни емиради. Нажиб зотларни қора авомга тенглашгирма. Нажиблар қалби Оллоҳ ёди билан банддур - бул сабабдин боқий ва фоний дунёда шоҳлар ва райият номи эзгудир. Шоҳ номи шон-шарафга чулғонган эса, райият номи ҳам шон-шарафга чулғонур, зотан алар аллема-ю саидларга мурувват курсатур”.¹ “Мулк” ерларнинг бир қисмидан ҳам “хирож” олинмас эди.

Ер эгаларининг ўзлари катта хўжалик барпо қилмас, ўз дала-даларида қўл деҳқонларга экин эктирар эди. Йирик ер эгалари ўз ерларини майда булақларга бўлиб, ерга муҳтож чоракорларга ижарага беришарди. Ижарачи корандалар ҳиссаси ҳосилнинг 1/3 улушидан то 1/12 улушигача тўғри келарди, бу эса ер эгасидан уруглик ва иш қўроллари олиш-олмаслигига боғлиқ эди. Маса-

¹ Ўша жойда, 234 бет.

лан, агар ер эгаси ҳосилнинг 1/4 қисмини олса, шу олган қисмидан, ҳосилнинг 3/4 қисмини олган ер эгаси эса мана шу олган ҳосилдан “хирож” тулаши шарт эди. Ҳар қандай шароитда ҳам, давлат ўзига тегишли ҳамма нарсани тулиқ ундириб оларди.¹

Араб халифалигининг ҳукмронлигига барҳам берилиши билан деҳқонлар аҳволида ўзгариш содир бўлди. Деҳқон аҳли энди “муҳрлаб” қўйилмайдиган бўлди. Маҳсулот тарзидаги мажбуриятлар бир мунча енгиллаштирилди. Абул Аббос Абдуллоҳ (830-844 йиллар) амалдорлардан деҳқонлар манфаатини муҳофаза қилишни талаб қиларди, зотан, “Оллоҳ улар қўли билан бизларни боқади, улар тили билан бизларни қутлайди ва уларни ранжитмасликни буюради”,² дерди.

Аммо, феодал бошбошдоқликлар ва галаёнлар ҳукмдорларни “хирож” солигини ва маҳсулот тарзидаги мажбуриятларни кўпайтиришга мажбур этди. Сомонийлар ҳукмронлиги бора-бора аҳоли орасидаги мавқени йўқота бошлади. X аср бошига келиб Мовароуннаҳрни Қорахонийлар эгаллади. Тожик сулоласи туркий сулола билан алмашинди. Марказлашган давлат тузуми ўрнига мамлакатни вилоятларга бўлиб бошқариш усули таъсис этилди. Барча ерлар хонликка қарашли ерларга айланди, деҳқонлар йирик ер эгалари сифатида тарих сахнасидан тушиб қолди.

XI асрдан бошлаб, Ўрта Осиёда шартли ерга эгаллик - “иқто” кенг ёйилди. Ер муайян муддатга совға қилиниб, “иқтодор” фойдасига маълум бир даромаднинг тулиқ ёки бир қисми тегадиган бўлди. “Иқто” эгалари махсус фармон билан белгиланган тартибдагина деҳқонлардан солиқ ундира оларди. Солиқлар миқдори “иқто” ер совға қилинганидан аввал қанча бўлса, шунча бўлиши шарт эди. Нафақат ерни, тегирмон, ҳаммом, бозордаги дўкон ва бошқа нарсалардан тушадиган солиқ ёки даромадни ҳам “иқто” тарзида бериш мумкин бўлган.³

Сомонийлар даврида давлат даромадлари ва харажатларини бошқариб турувчи олий молия амалдори, яъни муставфий девони марказий идора тизимида катта ўрин эгаллаган эди. Қорахонийлар замонида ҳам муставфий лавозими ўз аҳамиятини сақлаб қолди.

1221 йилда Ўрта Осиё ҳудудига мўғуллар ҳокимияти ўрнатилди. Янги ҳукмдорлар олдида босиб олинган ерларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш йўллариини белгилаб олиш вазифаси кўндаланг бўлиб турарди. Мўғул зодагонлари орасида бу масалада ягона бир фикр йўқ эди. Ўтроқ ҳаётга қарши бўлганлар барча ерларни -

¹ Ўша жойда, 236 б.

² Ўша жойда, 235 б.

³ Ўша жойда, 289-292 б.

яйловга, шаҳарларни эса харобага айлантириш керак, деган таклиф билан чиқди. Бошқаларининг тавсиялари талончилик ва вайронгарчиликка барҳам бериш, ҳунармандлик, савдо-сотиқ ва деҳқончилик ишларига ҳомийлик қилишдан, солиқ ва мажбурий бажариладиган ишларнинг ҳажмини аниқ белгилаб қўйишдан иборат эди. Кейингилар фикри устун келди. Улар қурулғойда таклиф қилган тадбирлар Ўрта Осиё ҳудудида амалга оширила бошланди. Икки хил солиқ - “калан” (ер солиғи) ва “қўпчур” (кучманчилардан олинадиган солиқ) олиш белгилаб қўйилди. “Калан” солиғини ҳосилнинг 10 фоизи, “қўпчур”ни пода туёғининг 1 фоизи миқдориди олиш қўзда тутилган эди. Бу борада талай фармонлар чиқарилганига қарамай, амалда бунинг тескараси содир бўлди. Муғулларда йирик маданий феодал марказларни бошқариш тажрибаси йўқ эди. Уларнинг маъмурий девонлари ҳам бўлмаган эди. Дастлабки ун йилликлар мобайнида мамлакатни бошқариш усули уларни умуман қизиқтирмас эди. Чингизхон ва унинг қариндош-уруғлари босиб олинган мамлакатлардан ўлпон ва солиқлар хазинага мунтазам равишда тушиб туришни тўғрисидагина қайғура эди. Улар учун деҳқончилик маҳсулотлари, ҳунармандлик буюмлари ва пуллар тўхтовсиз келиб турса бўлгани эди.

Шу сабабли ҳам муғуллар Ўрта Осиёда босиб олган вилоятларни бошқариш ишига мусулмон савдогарларини жалб эта бошлашди. Мовароуннаҳр ўлкаси бой савдо хонадонининг пешвоси, ўз даврининг энг бадавлат кишиларидан бири бўлмиш Маҳмуд Яловочга ижарага берилди. У хон хазинасига муайян муддат тўплаб бериладиган ўлпонни олдиндан ўз ёнидан тўлаб юборишга ҳам қодир одам эди. Ўзи эса бунинг эвазига аҳолидан ўлпон тўлаш ва бошқа маҳсулот тарзидаги мажбуриятлар бажарилишини талаб қилиш ҳуқуқини олганди. Бу ўлпонларнинг муайян фоизи Маҳмуд Яловочнинг ўзига тегар эди.

Йил сайин деҳқонлар ва ҳунармандлар аҳволи оғирлаша борди, ер эгалари ер солиғини тўлашдан ташқари, турли хил мажбуриятлар ва хизматларни бажаришар, ҳунармандларга ҳам, айниқса кўролсозларга маҳсулот тарзидаги мажбуриятларни ҳам бажартиришарди, қилган меҳнатлари эвазига эса уларга оз миқдорда озиқ-овқат улашиб бериларди. Шаҳзодалар ва хонларнинг хотинлари феодаллар ва савдогарларни ёрликлар ва пайсалар (олгин, кумуш ёки бириндан ишлапган алоҳида лавҳа) билан сийлашардики, бу нарсалар уларга деҳқон ва ҳунармандлардан турли-туман хизмат ва мажбуриятлар бажарилишини талаб қилиш ҳуқуқини берарди. Масалан, шу лавҳани кўрсатган сайёҳга маҳаллий аҳоли озиқ-овқат, бошпана, отига ем-хашак ва ҳоказолар беришга мажбур эди.¹

¹ Ушга жойда. 326-328 б.

Мовароуннаҳрни муғуллар истило қилганидан ўн етти йил ўтгач, Бухорода ҳаддан ортиқ солиқлар, ўлпонлар ва мажбуриятларга, шунингдек буларни ундириш чоғида қилинган суиистеъмолларга қарши қўзғолон кутарилди. Қўзғолончиларга Маҳмуд Торобий бошчилик қилди. Улар солиқ йиғувчиларни айниқса ёмон кўришарди. Қўзғолон бостирилди, аммо ҳукмдорлар ўз молиявий сиёсатларини ўзгартиришга мажбур бўлишди. Мангухон Мовароуннаҳрда содир бўлган тартибсизлик ва суиистеъмолларга тааллуқли ёрлик чиқарди: “Зуравонлик ва жабр-зулм жуда кучайиб кетди, хусусан, айниқса, деҳқонлар ҳар хил кўшлаб қийинчилик, жазо, жарима ва оғир солиқлар юки остида эзилиб, ҳаддан ортиқ мушкул аҳволга тушиб қолдики, улар оладиган фойда тулайдиган солиқларнинг ярмига ҳам етмайди, шу боис у (Мангухон) буюрди: оддий ва аслзода савдогарлар, шунингдек давлат хизматчилари ўзларига тобеъ кишиларга нисбатан мурувват ва раҳм-шафқат билан муомала қилсин”.¹

Мангухон жабр-зулм ва суиистеъмоллар муғулларга қарши ҳаракатларнинг кучайишига сабаб бўлганини англади, шу боис у тобеъ халқлар учун белгиланган солиқларни юмшатишни таклиф этди. Салтанатнинг жаъми (ўтроқ ва кўчманчи) аҳолиси даромади ва бойлигига мутаносиб равишда солиқ ва ўлпон тулаши шарт қилиб қўйилди. Солиқ ҳар йили ундирилиши лозим эди. Бой одамлар йилига 10 динар, камбағаллар - 1 динар солиқ туларди. Чорва солиғи ҳар юз бош молдан бир бош мол ҳисобидан олинарди, юздан кам бўлса, солиқ ундирилмасди. Мусулмон, насроний ва ўтпарастларнинг руҳонийлари, шунингдек кексалик ёшига етиб, ишга лаёқатсиз бўлганлар солиқ туламасди.

Торобий қўзғолонидан сўнг Маҳмуд Яловоч лавозимидан бўшатилиб, Мовароуннаҳрдан четлаштирилди. Ўлка ижарадори ва ноиби этиб Маҳмуд Яловочнинг ўғли Маъсудбек тайинланди, у мазкур лавозимда 51 йил турди, муғулларга ўз вақтида солиқ ва ўлпонлар тулаттирди. Бунинг эвазига муғуллар Мовароуннаҳрни бошқариш ишларига аралашмайдиган бўлди.

Ўрта Осиёни муғуллар зулмидан озод қилган зот Амир Темур (1336-1405 йиллар) бўлди. Ярим аср мобайнида у Кашмирдан Ўрта денгизга, Орол денгизидан Форс қўлтиғига қадар ястанган ерларда улкан империя тузди. Юришлар ва истилоларни амалга ошириш учун Амир Темурга молиявий эҳтиёт манбалари зарур эди. Қўлга туширилган (“мусодара этилган”) бойликлар, ўзига

¹ Ўша жойда, 328 б.

тегишли даромадлар, ёрдамчи тузилмалар ва солиқ пуллари шундай манба хизматини ўтади.

Амир Темур даврида ер солиғи (у “хирож”, “мол” каби турли ном билан аталарди), жон солиғи (“жузя”), салт ҳайвонлар етказиб бериш мажбурияти (“улоқ”) ва баъзи бир фавқуллода солиқлар (“оворизот”) кабилар асосий солиқ ҳисобланарди. Амир Темур молиявий ва солиқ қонунларини тузар экан, салафлари ҳамда замондошлари - “Ҳилоя” муаллифи, ислом фақиҳи Марғиноний, XII асрнинг машҳур фақиҳи, Салжуқийлар сулоласининг биринчи вазири Низомулмулк ва XIV аср машҳур олими Ибн Халдун тажрибаларини қўлланди. Амир Темур ўзи фатҳ этган мамлакатлардаги солиқ тизимлари билан ҳам пухта танишиб чиқди.

Амир Темур солиқ сиёсатининг асосий тамойили унинг фарзандларига сиёсий васияти бўлмиш “Темур тузуқлари”да ифодаланган: “Амр этдимки, райиятдан мол-хирож йиғишда уларни оғир аҳволга солиб қўйишдан ёки мамлакатни қашшоқликка тушириб қўйишдан сақланиш керак. Негаки, райиятни хонавайрон қилиш (давлат) хазинасининг камбағаллашишига олиб келади. Хазинанинг камайиб қолиши эса сипоҳнинг тарқалиб кетишига сабаб бўлади. Сипоҳнинг тарқоқлиги, ўз навбатида, салтанатнинг кучсизланишига олиб боради”.¹

Амир Темур фикрича, қонунларни ишлаб чиқишда, аввало, эл манфаатларини ҳисобга олиш, унинг солиқ тўлашга қодирлигини, ҳар бир якка ҳўжалик бадавлатлик даражасини асос қилиб олиш зарур.

Солиқларни ҳисоблаш қоидалари ҳам ишлаб чиқилган эди: “Яна амр қилдимки, хирожни экиндан олинган ҳосилга ва ернинг унумдорлигига қараб йиғсинлар. Чунончи, доим узлуксиз равишда кориз, булоқ ва дарё суви билан суғориладиган экин ерларини ҳисобга олсинлар ва ундай ерлардан олинган ҳосилдан икки ҳиссасини райиятта, бир ҳиссасини олий саркорлик (салтанат хазинаси) учун олсинлар... Лалмикор ерларни эса, жарибларга бўлсинлар, ҳисобга олинган бу ерлардан (солиқ олишда) учдан бир ва тўртдан бир қоидасига амал қилсинлар”². Қуриб турганимиздек, солиқ меъёрлари суғориладиган ёки лалмикор ерларнинг унумдорлигига қараб тоифаларга бўлинган.

Янги ерлар ўзлаштиришни рағбатлантириш мақсадида солиқ имтиёзлари ҳам белгиланган: “Яна амр этдимки, кимки бирон саҳрони обод қилса, ёки кориз қурса, ё бирон боғ кукартирса ёхуд бирон хароб бўлиб ётган ерни обод қилса, биринчи йили

¹ Темур тузуқлари, “Чўлпон” Тошкент, 1991, 98 б.

² Ўша жойда, 99 б.

ундан ҳеч нарса олмасинлар, иккинчи йили райият ўз розилиги билан берганини олсинлар, учинчи йили (эса олиқ-солиқ) қонун-қондасига мувофиқ хирож йиғилсин”.¹

Маҳсулот тарзидаги солиқни солиқ пули билан алмаштириб туриш мумкин бўлган: “Агар райият руйхатта олинган ерларидан бериладиган солиқни нақд ақча билан тулашга рози бўлса, нақд ақча миқдорини саркорнинг ҳиссаси ҳисобланган ғалланинг мазкур даврдаги нархига мувофиқ белгиласинлар”.²

Айрим жойларда расман белгиланган солиқлар билан бирга амру фармон билан белгиланмаган қуйидаги солиқ ва йиғимлар ҳам бўлган: “молу жиҳот” - ер солиғининг бир тури; “бегор” - маҳсулот тарзидаги солиқлар - улар орқали озиқ-овқат (улуфа) мусодара этилган; “ихрожат” - саройларнинг харажатларини таъминлаш мақсадида йиғиладиган йиғим; “бож” - савдогарлар чегарадан ўтаётган пайтда олинадиган божхона йиғими; “сари шумор” - жон солиғи; “хона шумор” - ҳар бир уйдан ундириладиган солиқ; “қўналға” - элчилар, амалдорлар, чопарларни текинга меҳмон қилиш; “пилон пули” - ноибларни меҳмон қилиш мақсадида йиғиладиган йиғим; “пешкаш” - юқори мартабали амалдорларга бериладиган совға учун йиғим.

Амир Темур умрининг поёнида солиқ борасида бутун дунё учун ягона солиқ тизимини жорий этиб бўлмаслигига ишонч ҳосил қилди. Албатта, комил мусулмон Амир Темур шариат қонун-қондаларига сўзсиз риоя этарди.

Араб ва Қоғқозорти мамлакатларида, Ҳиндистон ҳамда Мовароуннаҳрда солиқ тизими Амир Темур ўрнатган қонунларга биноан таркиб топди. Аммо, солиққа тортишнинг тарихан шаклланган ўз тизими амалда бўлган мамлакатларда аввалги солиқларни сақлаб қолди. Европа мамлакатлари ва Россия шундай мамлакатлар сирасига кирарди: “Агар ерлик фуқаро азалдан бериб келган хирож миқдорига рози бўлса, уларнинг розилиги билан иш кўрсинлар, акс ҳолда (хирожни) тузукка мувофиқ йиғсинлар”.³

Амир Темур солиқ идоралари ишини ташкил этишга ҳам аҳамият берган. Сарҳад, вилоят ва мамлакатларнинг бир қисми уларнинг собиқ эгалари бўлмиш машҳур амирларга, Амир Темурнинг ўғиллари ва невараларига суюрғол тарзида бўлиб берилган эди.

¹ Ўша жойда 99 б

² Ўша жойда, 98 б

³ Ўша жойда, 98 б.

- суюрғол доимий эгалик қилиш ва бошқариш учун мерос қилиб берилган ер-сув, мол-мулк бўлиб, уларнинг соҳиблари шу ерда яшовчи аҳолидан давлат солиқлари ва ўлпонлари ундириш ҳуқуқига эга бўлган. Мазкур солиқ ва ўлпонлар деярли бутунлай ёки қисман суюрғол ерлар эгаси фойдасига ўтказилган.

Бошқа вилоятлар эса “тиюл” ёки “тархон” воситасида бошқарилган. Айрим кишилар алоҳида хизматлари учун ҳоким этиб тайинланиб, уларга ўлпон йиғиш ва харажатларни ҳисоб-китоб қилиш ҳуқуқи бериб қўйилган. “Суюрғол”дан фарқли ўлароқ, “тархон” буйича ерлар мулк тарзида бутунлай бериб қўйилмасди. Ҳар уч йилда бир марта тафтиш ўтказиларди: “Қайси амирга тиюл берилар экан, уни уч йилгача ўз ҳолига қўйсинлар. Уч йил ўтгандан сўнг уни текшириб кўрсинлар. Агар мамлакат обод, райият рози экан, шу ҳолича қолдирсинлар. Агар аҳвол бунга хилоф равишда бўлса, уя вилоятни холисига ўтказиб, уч йилгача уша жогирдорга улўфа берилмасин”.¹ Бу ерда: холис - давлат ихтиёрида бўлган ва барча солиқлардан озод этилган ер-сув; жогирдор - инъом этилган ер-сув (тиюл) эгаси, улўфа - маош, демакдир).

Тиюл қилиб берилган ҳар бир мамлакатта иккитадан вазир тайинланган. Бир вилоятдан йиғилган молларни ёзиб, райият аҳволини текшириб турганки, жогирдор фуқарога жабр-зулм етказиб, уларнинг ҳолини ҳароб этмасин”. У вилоятдан йиғилган бутун мол-ашёларни кирим дафтарига ёзиб бориш лозим бўлган. Иккинчи вазир эса даромаднинг харж этилган қисмини чиқим дафтарига қайд этиб турган.

Амир Темур фармойишига биноан, солиқ ундириш усуллари раҳм-шафқатта асосланган бўлиши керак: “Амр қилдимки, ҳосил пишиб етилмасдан бурун райиятдан молу жиҳот олинмасин. Ҳосил етилгач, ҳосилни уч бўлиб олсинлар. Агар райият солиқ тўловчи юбормасдан, солиқни ўзи желтириб берса, у ҳолда у ерга солиқ тўловчи юбормасинлар. Агарда олиқ-солиқ олувчини юборишга мажбур бўлсалар, улар солиқларни буйруқ бериш ва яхши сўз билан олсинлар, калтак, арқон ишлатиб, ишни уриш-сўқишгача олиб бормасинлар. Уларни банд этиб, занжир билан кишанламасинлар... Яна буюрдимки, хирожни райиятдан калтаклаш ва савалаш йўли билан эмас, балки огоҳлантириш, кўрқитиш ва тушунтириш йўли билан ундирсинлар. Қайси ҳоким ҳукмининг таъсири чўп ва калтаклаш таъсиридан камроқ бўлса, ундай ҳоким ҳукумат юргизишга яроқсиздур”.²

Ҳазинага тушган солиқ ва йиғим пуллари рўйхатга олинган, бу ишни вазири аъзам қароргоҳида уринлашган махсус “умар

¹ Ўша жойда, 72 б.

² Ўша жойда, 99, 72 б.

котиб” бажарган. Баъзан ҳисоб-китоб ишлари бир неча кун мобайнида кеча-кундуз давом этган. Маблаглар Куксаройда жамланиб, суғориш иншоотларини қуриш, савдо-сотиқни ривожлантириш, шаҳарларни обод қилиш, илм-фан, техника ва маданиятни қўллаб-қувватлаш учун сарфланган.

Темур вафотидан сўнг унинг салтанатиемирилди. Давлатнинг айрим қисмлари уртасида иқтисодий алоқаларнинг, ягона ички бозорнинг мавжуд эмаслиги, ҳудуднинг асосий қисмида натурал хужаликнинг устун туриши, корхоналарнинг сийсий ҳокимият ва мустақилликка интилиши буни олдиндан белгилаб қўйган эди. Қарийб юз йил давом этган узаро низомлар даври бошланди.

Темур даврида булгани каби Темурийлар замонида ҳам суюрғоллар улашиш тажрибаси кенг ёйилган эди. Олий ҳокимият вакиллари - Шоҳруҳ, Улугбек, Абдусайд, Султон Хусайн ҳамда вилоятларни бошқарган шахзодалар ерларни мерос тарзида эгалик қилиш учун бериб қўйишарди. Абдуразоқ Самарқандий ёзишича, Шоҳруҳ 1413 йилда Хоразмни Темурийлар давлати таркибига қайтаргани учун Шоҳмаликни тақдирлаб, унга Хоразмни топширган. Шоҳруҳ суюрғол тарзида Фарғонани Султон Аҳмадга, Тус, Машҳад, Абивард, Нисо ва бошқа туманларни ўз ичига олган Хуросондек катта бир вилоятни ўғли Бойсунқурга, Қобул, Ғазна ва Қандаҳорни жияни Пир Муҳаммаднинг ўғли Мирза Қайду Баҳодир, кейинчалик эса ўғли Суюрғатмиш қўлига топширган.

Темурийлар даврида ҳам тархон - солиқ тулашдан озод қилинган ер-сув ва мулк улашиш тажрибаси аввалгидек кенг тарқалганди. Фақат тархон ёрлиғи мол-мулк, жумладан, ерга эгалик қилган шахсагина берилган. Мазкур ёрлиқ шу тархон учун тегишли солиқ ўлпон тулашдан ва мажбуриятларни бажаришдан озод этарди.

Тархон ёрлиғи хон, султон ёки амир томонидан ҳар қандай, хатто майда ер эгасига ҳам сийлов тарзида берилиши мумкин эди. Ёрлиқ берилгандан кейин ҳам деҳқонлар илгаригидек барча мажбуриятларни бажаришар, барча солиқларни тулашар, фақат буларни энди давлат хазинасига эмас, балки тархонликни ўз қўлига олган заминдорнинг хусусий хазинасига тулашар эди. Ундан ташқари, тархон ёрлигининг эгаси, яъни “тархон” булган шахс ўзи содир қилган тўққиз ножа иши учун масбулиятдан халос бўлиш ҳуқуқини оларди, фақат унинг бор шундай иш қилса, бундан буён жазоланаверар эди.

Амалда солиқ қандай ундирилгани ҳақида Мовароуннахрнинг энг йирик ер эгаси Хожа Аҳрор ҳақида битилган “Маноқибн Хожи Аҳрор” китоби маълумот беради. Хожа Аҳрор барча ерларни муайян бўлакларга бўлиб, ҳар бирига биттадан ишончли бошқарувчи тайин этган, бошқарувчилар деҳқонлардан солиқ ва ўлпон ундириш билан шуғулланишган... Султон Аҳмад хазинаси-

га Хожа Аҳрор фақат “ушра”, яъни ҳосилнинг ўндан бир қисми - 80 минг ман (1 ман 8 пудга тенг эди) дон миқдорига солиқ туларди.¹

Улуғбек асосий халқ оммасининг аҳволини яхшилаш мақсадида, ер солиғини энг кам даражада белгилади. Бу тадбир, шубҳасиз, деҳқон аҳоли фаровонлигини оширди. Аммо, Улуғбек камайган тушум ўрнини ҳунар ва савдо аҳлидан олинадиган “тамға” йиғимини кўпайтириш ҳисобидан қоилашга мажбур бўлди.

Мазкур чора ҳунарманд ва савдогарлар, шунингдек руҳонийлар орасида норозилик келпириб чиқарди, руҳонийлар тамға солиғининг оширилишидан Улуғбекнинг “бетавфиқ”лигини, шариатга қарши “жиноят”ини исботловчи асосий далил сифатида фойдаланишга уринди. Улуғбекнинг ўғли Абдуллатиф ўз вилоятида тамгани бекор қилди. Улуғбекнинг ўғлига қарши юриш қилишдан бошқа иложи қолмади. Улуғбек Абдуллатифдан енгиллиб, Самарқандга қочди, аммо шаҳар доруғаси унинг юзига дарвозани ёпиб қўйди. Ота ўғлидан мурувват кутиб, таслим бўлди. 1449 йилда Улуғбек разилонга ўлдирилди.²

XVI аср бошидан бошлаб, Мовароуннаҳрда Шайбонийларнинг янги феодал сулоласи қарор топти, у салкам юз йил мамлакатни бошқарди. Темурий аслзодалар ва уларга алоқадор олий руҳонийлар ҳамда заминдорлар синфи йўқ қилинди, уларнинг ер-сув майдонлари, кўчмас мулки ва бошқа бойликлари ўзбек кўчманчи феодал зодагонлар қўлига ўтди. Аммо, шайбонийлар давлатининг ижтимоий тuzumi Темурийлар давлатига хос хусусиятларни сақлаб қолди. Аввалгидек, айрим кишиларга маълум вақт давомида ўз фойдасига давлат ер солиғини ундириш ҳуқуқи бериларди. Бундай солиқ пули илгари давлат хазинасига тушарди. XVI асрдан бошлаб Бухорода бундай шартли инъом форсча “танҳо” атамаси билан ифодаланадиган бўлди.

Шартли инъомлар билан бир қаторда давлат олдида алоҳида хизматлари билан ўзини кўрсатган айрим кишилар ва катта дин арбобларига хонлар томонидан ерларни тула эгалик қилиш учун бериб қўйиш таомили ҳам амалда бўлди. Шу тариқа инъом этилган ерлар ҳар қандай олиқ-солиқлардан озод қилиниб, “мулки хурри холис” (давлат мажбуриятларидан ҳоли мулк), деб аталарди. Шайбонийлар кенг миқёсда суюрғол ва танҳо улашиб, ўзбек

¹ Ўзбекистон халқлари тарихи, С.П.Толстов таҳрири остида. ЎзССР ФА нашриёти, 1 том. 1950 й, 387 б.

² Г.А.Ҳидоятлов. Менинг жонажон тарихим, Тошкент, “Ўқитувчи”, 1990 й. 185-189 б.

қабилла бошлиқлари - бойлар ва султонлар орасида ўзларига ижтимоий таянч ҳозирлар эди.

Шайбонийлар давлатида солиқ, ўлпон ва мажбуриятлар тизими анча мураккаб эди. Расман улар туқсон турда бўлиб, асосий солиқ - хирож ҳисобланарди. Экинзорларнинг 30-40 фоизига хирож солинарди. Давлат идоралари, кўшин ва хон саройи учун зарур харажат ва таъминот "ихрожат" ҳисобидан қилинарди, шунингдек боғлар, полизлар, бедазорлар солиққа тортиларди. Давлат девони пулга ғоят муҳтож бўлиб қолган кезларда фавқулодда солиқлар соларди. Ўзаро уруш йилларида ўлпон ундириш кучаярди. Баъзан солиқлар бир неча йил олдин ундирилари, оғир йилларда хазинани тўлдириш учун эса марҳумлардан ўлпон йиғилиб, бутун аҳолига жузя (гайридинлардан жон бошига ундириладиган солиқ) солинарди.

Аҳоли солиқ ва ўлпонлар тулашдан ташқари, зўрлик билан ишлашга мажбур қилинарди. "Ясоқ" деб аталган ишлар - ариқзовурлар, қалъа ҳандақлари қазини, йўл қуриши, ўтин, сомон, шох-шабба йиғини қабиллар айниқса оғир меҳнат саналарди. Бундай қурилиш ишларига турли жойлардан ўн минглаб кишилар ҳайдаб олиб келинар, улар ишга ўз меҳнат қуролилари билан келишга мажбур эди, озиқ-овқат ҳам ўзлари ҳисобидан буларди. Одамлар ҳеч бир ҳақ олмай ишлашарди. Қурилишлар неча йиллаб давом этиб, шу барча вақт мобайнида деҳқонлар муайян миқдорда кунбай ишлаб беришга мажбур эди.¹

Амир Темурнинг ҳарбий-феодал империясидан фарқли ўлароқ Шайбонийлар давлатининг ижтимоий-сиёсий ва социал тузилмасини ҳарбий-бюрократик феодализм, деб аташ мумкин. Амалдорлар давлатда жуда катта сиёсий ва ижтимоий роль ўйнай бошлади. Хон ва феодалларнинг саройларида молния, солиқ йиғини, ҳужжат тўлдириш каби ишларни бошқарадиган кўплаб янги лавозимлар пайдо бўлди. Жаъми амалдорлар феодаллар синфининг бир қисмига айланди. Бу мураккаб ижтимоий тизимда солиқ йиғувчилар алоҳида муҳим роль ўйнардик, улар солиқларни ўзбошимча ошириш ёки камайтириш имконига эга бўлиб, заминдорларнинг даромади ҳам солиқчиларга боғлиқ эди. Баъзан солиқчилар ер майдонлари ва ҳунармандларнинг устахоналарини ижарага олишар эди.

Қонуний ва қонунсиз, мунтазам ва муваққат солиқлар чекланмаган миқдорда олингани мамлакатни ҳалокат ёқасига кел-

¹ Ўзбекистон халқлари тарихи С.В.Бахрушин таҳрири остида. ЎзССР ФА нашриёти, 2 том. 1947 й, 44-45 б.

тириб, аҳолини хонавайрон қила бошлади. Деярли барча вилоятларда камбағаллик ва харобазорлик кўзга ташланарди.

XVII-XVIII асрнинг биринчи ярмида Урта Осиёдаги марказий давлат уч мустақил давлатга, яъни Бухоро амирлиги, Хива хонлиги ва Қўқон хонлигига бўлиниб кетди. Улар XVIII аср охири ва XIX аср бошларида шаклланиб бўлди. XVI аср бошидаёқ юзага келган Хива хонлиги тангликни бошидан кечирарди. Солиқларнинг асосий оғирлиги деҳқонлар, шаҳар аҳолиси ва қўчманчилар (асосан туркман қабилалари) елкасига тушарди. Туркманлар экин майдонларидан - ҳосилнинг ва чорванинг ўндан бир қисмини солиқ, ўн минглаб қўйларини “хон қозонига” ўлпон сифатида тулашарди. Одоқли-хизр қабиласи хонга хос навкар, яъни сара қўшин етказиб берарди. Нафақат хон, балки хон хонадони айрим намояндалари фойдасига ҳам ўлпон ундириларди. Туркманлар кўпинча қўзғолон кўтариб, муайян даражада вақтинча мустақил бўлиб олишарди.

XVI аср бошида, Суфийёнхон замонида Болхон тоғ этакларида яшовчи эрсари қабиласи қирқ нафар хон солиқчисини улдиради. Суфийёнхон эрсорига ва уларга қўшилган хурӯсон солорларига қарши юриш бошлайди. Туркманлар одам оёғи етмайдиган сувсиз саҳрога қочишади, аммо, тез орада таслим бўлишади. Улдирилган ҳар бир солиқчи учун минг бош қўй товон тулашлари шарт эди. Кейинчалик бу товон ҳақи бир неча авлод давомида тулаб келинган доимий солиққа айланади. Бироқ, қўчманчилар ҳам буш келишмайди, улар карвонларни талаб, тўе “сулҳ тузиш” учун ўлпон олишарди.¹

XVII асрда Хива хонларининг хазинасига махсус хазинадорлар мутасаддилик қиларди. Арбоблар (“маҳалла оқсоқол”лари) қўйи маъмурий девонини ташкил этарди. Қишлоқларда эса ер эгалари зиммасига узларига тобе аҳоли ҳисобидан шу яқин-атрофдан ўтиб кетаётган элчиларни таъминлаш вазифаси юкланган эди. Ҳар бир шаҳзоданинг ўз мулозимлари, ўз девони - оталиқлари, ясовуллари, хазинадорлари, бож йиғувчи ходимлари бўлган.

Иқтисодиётдаги танг аҳвол хон хазинасини ҳам қақшатарди. Абулғозихон ҳақида: “мулозимларини сийлай деса - ҳеч вақоси йўқ, Хива шаҳрида одамлар шу даражада харобки, хон кимдан солиқ ундиришни ҳам билмайди”, дейишар экан.²

Бухоро хонлигида аҳвол бир мунча дуруст эди. Унинг молиявий тизими бутун мусулмон Шарқи араблар истилосидан бери

¹ Ўша жойда. 69 б.

² Ўша жойда. 101 б.

яхши ўзлаштириб олган тизимга, яъни хирож (ҳосилнинг бешдан бир қисмидан то учдан бир қисмигача бўлган миқдорда ер солиғи) ва ушра (ҳосилнинг ундан бир қисми миқдорда ер солиғи) ундиришга асосланган эди. Хунар аҳлининг ҳар бири “ўз санъати ва дидига яраша” ясаган буюмларидан байрам кунлари хонга пешкаш қиларди, фавкулудда ҳолларда эса дукон солиғи олинарди.

XVII асрда Бухоро амирлигида солиқ йиғиш ишларини девонбеги (молия вазири) идора қилар, унинг ўзи солиқлар рўйхати (“дафтар”) тузарди. Молия амалдорлари эса девонбеги қўл остида кадастр (рўйхат), молиявий ҳисобот тузиш ва хон саройи моддий қисми билан шуғулланарди. Меҳнат мажбуриятларига қандай риоя этилаётганини текшириш “арбоб” зиммасига юклатилган эди. 1633-1634 йилларда Имомқулихон шу усулни ишга солиб, Қўшқўрғонда янги ариқ қазиттирадики, замондошлари фикрича, бу иш - хон марҳамати эмас, балки халқ кулфати бўлган эди. Арбоб хирож тўплаш, суғориш ишларини назорат қилишга ҳам мутасадди эди. Аммо ерларнинг кўпчилик қисми заминдорлар қўлида бўлганлиги сабабли давлат солиқларининг жуда оз қисмигина хон хазинасига тушарди. Убайдуллахон (1702-1711 й.) зодагонлар кучини заифлаштириш мақсадида уларнинг ер мулкларига тажовуз қилади, яъни у заминдорлардан “мулк” ва “танҳо” ерларни тортиб олгач, ўз сарой аъёнларига инъом этмоқчи бўлади. Аммо у хожалардан буларнинг мерос ерларини тортиб олиб, қудратли дарвешлар тариқатининг мададидан маҳрум бўлади ва 1711 йилда уюштирилган фитна оқибатида ўлдирилади.¹

1747 йилда қозоқ султони Қайи Хива хони деб эълон этилади. У ўзбек қабила оқсуяқларининг сардори бўлган ута кучли Хурозбек оталиқни лавозимидан четлаштиради, кўплаб душманларини қатл эттиради. Бироқ ўз салафи Нурали фавкулудда оғир солиқни жорий этгани туфайли халқ қўзғолон кўтариб, солиқчиларни ўлдиради. Қайи эса даштга қочади.²

XIX аср биринчи ярмида хусусий ер-сувдан олинадиган ер солиқлари Бухоро амири хазинасига энг кўп даромад келтирарди, улар ичида энг муҳими илгаригидек хирож эди. Хирож солиғига тортиладиган ерлар (замини-хирожи) хонлик деҳқонларига тегишли ер майдонларининг кўпчилик қисмини ташкил этарди. Белгилаб қўйилган миқдордаги пул маблағи билан ва муайян

¹ Ўша жойда, 99 б.

² Ўша жойда, 80 б.

ер майдонидан олинадиган маълум миқдордаги дон билан (хирож-вазифа) ёки ҳосилнинг $1/5$, $1/6$, $1/8$ қисми миқдорида ўриб олинган донга мутаносиб равишда (хирож-мукосама) хирож олинарди. Солиқ тулови сифатида олинадиган дон миқдори эса синов тарзида янчилган донга қараб белгиланарди.

Солиқ йиғиш ишлари билан амлоқдор шуғулланарди. Ҳосил деярли етилмай деб қолган пайтда амлоқдор ўз одамлари билан ғаллазорга келарди. Уни бу ерда қишлоқ оқсоқоли ҳамда деҳқонлар кутиб оларди. Амлоқдор ҳосил чуғини чамалаб, далада неча таноб (Бухорода бир таноб - 2,5 минг кв.метрга тенг эди) ер борлигини ва ундан қанча ботмон донга солиқ солиш лозимлигини белгиларди. Ботмон турлича оғирлик бирлигини ифодаласа-да, Бухоро ва Самарқанд шаҳарларида ва буларга яқин туманларда бир ботмон - олти пудга тенг эди. Ер эгалари амлоқдор билан баҳсга киришиб, оқсоқол ва ўз яқинларини гувоҳ қилиб, ўтган йили қанча солиқ тулашгани туғрисидаги маълумотларни далил қилиб келтиришарди. Пировард оқибатда ҳар иккала ботмон солиқ миқдорини тахминий рақамлар билан белгилаш борасида узаро бир битимга келишар, амлоқдор эса отдан тушмай, туланидиган солиқ миқдорини дафтарига ёзиб қўярди. Амлоқдор бир неча кун давомида далаларни айланиб чиқиб, уйига қайтар, экинзорга қараб олинадиган солиқларни бир-бир ҳисоблаб чиқиб, уларни ўз муҳри билан муҳрлаб, ҳисоб-китобларни қишлоқларга жунатар эди. Деҳқонлар мазкур ҳисоб-китобларни олганларидан кейингина ҳосил уримига киришар эди.

Хирождан ташқари бошқа солиқлар ҳам олинарди. Кафсан - амлоқдорларни таъминлаш учун белгиланган алоҳида солиқ бўлиб, у ҳар ўн ботмон дондан ярим пуд дон ва ҳар 10 ботмон пахтадан 15 фунт пахта миқдорида олинарди. Кафсанин-доруға (оддий тилда - кафсан-дарға) - доруға (туман ҳоқими) фойдасига ундириладиган солиқ, муштак (муштдек) - амин ва солиқ йиғувчилар, оқсоқоллар фойдасига ҳамда донни хирож ҳисобига топширилишини кузатишда қатнашувчи бошқа қуйи лавозимдаги маъмурлар фойдасига олинадиган солиқ ҳисобланарди. Муштак ҳар бир хўжаликдан доннинг бир сикими ёки дон ва жўхорининг чорак (қарийб 2 кг) қиймати миқдорида ундирилди.

Ҳосил янчилик, ғарамлаб қўйилгач, деҳқонлар унинг бир қисмини сотиши мумкин эди. Маҳаллий қозилар бундай пайтларда бозорда дон нархи қанча эканлигини зийраклик билан кузатиб боришарди. Бозор нархлари деҳқон тўлаган солиқдан юқори бўлса, орадаги тафовутни қоплаш учун қўшимча равишда солиқ йиғиларди.

Деҳқонларга ота-боболаридан мерос бўлиб, ҳақли равишда улар фойдаланадиган, эгаллик қиладиган ва ихтиёрида бўлган амлок (замини амлок)дан ёки давлат ерлари (замини давлат)дан “амлок” деб аталадиган солиқ ундирилган (“Амлок” - арабча сўз, “қучмас мулк” маъносига келади). Амлок солиғи миқдори хирож миқдоридан кўп эди, чунки хирож шариат бўйича суғориш учун ишлатиладиган сув ҳақидангина иборат бўлган, амлок ерлардан олинадиган солиқ таркибига эса сув ҳақи билан бирга ер ҳақи ҳам кирган. Бухорода амлок солиғи ғалла ва пахтанинг ҳар 10 ботмонидан 3 ботмони миқдорида олинган; уч ботмон сомондан - 15 танга, ҳар таноб бедадан - 20 танга, ҳар таноб узумдан - 30 танга амлок солиғи ундирилган. (XIX аср охирида Бухоро ва Қўқон тангасининг қиймати салкам 20 кумуш тийин эди). Амалда эса суғориладиган сув ҳамда йиғиб олинган ҳосил миқдорига қараб белгиланган қонидан четга чиқиш ҳоллари жуда кўп буларди.

Даромаднинг ундан бир қисми миқдоридagi энг кам солиқ сайидлар, хожалар ва мирларнинг ботмон ерларидан олиниб, улар замини-ушри, мулкиушри ва ушрия деб аталарди. Хонлар ёки амирлар берган ёрликларга биноан, солиқларнинг ҳар қандай турларидан озод қилинган хусусий ерлар (“мулки-хурри-холис ёки “мулки-хурри”) ҳам бор эди. Вақф ерлар (“мулки-вақф”) ҳам солиққа тортилмасди.

Аммо қишлоқдаги кўпчилик деҳқон аҳоли қонуний ер солиғи, яъни хирож ёки амлокдан ташқари боғ ёки полиз майдонларининг ҳар бир танобидан алоҳида солиқ (таноб пули) ва бедазорлардан алоҳида солиқ (алаф пули) тўларди. Бу икки солиқ кўпинча умумий бир атама - “танобона” ёки “таноб пули” (таноб йиғими), деб аталган ва улар миқдори мазкур ерларнинг бозор бўладиган жойларга яқин-узюқлигига қараб белгиланган.

XIX аср 50-йилларига келиб солиқлар тизимига ўзгаришлар киритилди. Зарафшонда бир неча деҳқон жамоалари Амир Насруллога мурожаат қилиб, уйларидан узюқда уринлашган полизлардан танобона олишни камайтиришни илтимос қилди. Амир бу илтимосни қондирди. Полизлардан алоҳида солиқ-қўш пули олина бошланди. Қўш пули муайян (48-50 таноб) экинзорни ҳайдаш имконини берадиган омонча қўшиладиган бир жуфт иш

ҳайвони (қўш) миқдорига қараб белгиланарди. Бироқ кейинчалик бу солиқ бошқа солиқларга қўшимча равишда барча ер эгаларидан, улар полизкорлик билан шуғулланиши ёки шуғулланмаслигидан қатъи назар, олинадиган бўлди.

“Зако́т” - энг муҳим солиқ бўлиб, уни тулаш ҳар бир мусулмон бажариши лозим бўлган беш асосий фарз сирасига кирарди. Мазкур мулк солиғини ундириш учун махсус амалдорлар гуруҳи тузилар ва “зако́т” ундириладиган жойлар аниқ белгилаб қўйиларди. “Зако́т” солиққа тортиладиган нарса қийматининг қирқдан бир қисми ёки 2,5 фоизи миқдорига олинарди. Бундай йиғимларда товарлар ва товар сотиб олиш учун савдогарлар олиб келган пуллардан олинадиган солиқ - асосий даромад манбаи эди. Савдогар товарларини бир жойдан иккинчи жойга олиб ўтишига қараб, “зако́т” ҳам бир неча марта ундирилар эди. Шу боис “зако́т” ўзига хос ички бож туловига айланиб, савдогарларни танг аҳволга солар, истеъмолчиларга жуда малол келар, аммо солиқ ундирувчилар учун у қўрқитиб, пул шилиб олиш манбаи эди.

Кўчманчи ва чорвадор аҳоли яшайдиган туманларда “зако́т” моллардан пул ёки маҳсулот тарзида (беш бош туядан бир қўй ёки бир совлиқ, қирқ бош совлиқдан бир совлиқ ёки бир эчки) олинарди. Ундан ташқари, маҳаллий вилоят ҳукмдори - бек, ҳоким ёки мирлар фойдасига “зако́ти чакана” солинарди. “Зако́ти чакана” шариятда кўзда тутилмаган солиқ бўлиб, у молларининг туёғи “зако́ти” ундириладиган миқдордан камроқ бўлган кишилардан олинарди.

Иш ҳайвонидан “яксара” деб аталган алоҳида йиғим ҳам мавжуд эди, қўш от ёки қўш ҳўкиз сонига қараб бир ботмон бугдой миқдорига олинарди. Кимнинг бир бош иш ҳайвони бўлса, у ярим ботмон бугдой берарди, бу солиқ “ним сара” деб аталарди. Узоқ туманларда сув тегирмонлари ва обжувозлар қишлоқ хўжалиги учун қай даражада муҳимлигига, тузилишига ва даромад беришига қараб, миқдори ўзгариб турадиган пул ёки маҳсулот тарзида туланадиган солиққа тортиларди.¹

Россия билан уруш йиллари Амир Музаффар “амниона” (“содиқ фуқаролик”) деб аталадиган ва бой-бадавлат шаҳарликларнинг товарлари ва мулки қийматининг 1,5 фоизи миқдорини ташкил этадиган махсус солиқни жорий этди. Вақт ўтиши билан аминона доимий солиққа айланиб, амирлик емирилган пайт (1920 й.)гача амалда бўлди.²

¹ Ўша жойда. 159-160 б.

² Ўша жойда, 159 б.

Зако́т ва аминонадан ташқари, ундириладиган даллоллик йиғими (даллоли) ва махсус божлар ҳам савдо-сотиқ йиғимлари сирасига кирарди. Бир вилоятдан иккинчисига олиб утилган товар ва умуман юклардан бож олинарди. Товар дастлаб олиб чиқилган манзилдан узоқ масофага олиб борилгани сайин ундан олиннадиган зако́т билан бирга қиймати ҳам анча орта борарди.

Товарлар дарёдан олиб утилгани учун - “сув пули”, бозор жойга олиб келингани учун “пули тахта жой” каби солиқлар ундириларди.

Деҳқон аҳоли зиммасига суғориш каналларини тузатиш, тозалаш, сувни назорат қилиб турадиган барча хизматчиларни таъминлаш мажбурияти юкланган эди. Мазкур хизматчиларни таъминлаш учун зарур ижтимоий ҳаражатлар дон-дун, пул билан тўланиб, қайси ерда жойлашганига боғлиқ эди.

Бухоро амирлигининг молиявий соҳасига, асосан мол-мулк солиғига оид ишларга қушбеги поён мутасаддилик қиларди. Идораси арк этагида жойлангани учун уни “қуйи қушбеги” деб аташарди, ўзи ҳам шу ерда истиқомат қиларди. У давлатдаги барча солиқ йиғувчилар сардори бўлгани учун “зако́тчи калон” (олий солиқ йиғувчи), деб ҳам аталарди. Девонбеги унвонига эга бўлган ҳамда вазифаларига қўра Оврўпога хос молия министрига маълум даражада ўхшаш мазкур амалдор энг катта вилоятларнинг ҳукмдорлари ҳузурда ишлайдиган барча девонбегиларнинг бошлиғи эди. Ҳар бир вилоят бўйича солиқ-ўлпонларга оид дафтарларда қайд қилинган маълумотлар сир саналиб, фақат амир, қушбеги ва девонбегини ундан хабардор эди.

XIX аср биринчи ярмида Қўқон хонлигининг солиқ тизими Бухоро амирлиги солиқ тизимига ўхшаш эди. Бу ерда ҳам дон экинларидан хирож, боғ, узумзор, поллиз, техник экин ерларидан “танобона” (таноб ўлпони), товарлар, мол-мулк ва ҳайвонлардан зако́т ундириларди. Шахсан хонга тегишли қишлоқлардан “хослик” солиғи олинар, бу солиқ солиқчи амалдорга эмас, балки бевосита хоннинг ўзига ёки бирон-бир сарой аъённи боқиш учун алоҳида буйруқ бўйича тўланарди.

Оддий солиқлардан ташқари, хонлар янги-янги солиқларни ҳам жорий этишарди. Айниқса, Худоёрхон бундай солиқларни уйлаб чиқаришга уста эди. У сунъий равишда ўтказилган, мева бермайдиган дарахтлардан, аҳоли ёқилғи сифатида ишлатадиган ёввойи ут-уланлардан, пойтахтта олиб келинган сомон гарамидан, тоғ урмонларидан куйдирилган қўмирдан солиқ оларди. Худоёрхон хазинадаги камчиликни турли-туман мол-мулкни мусодара ва чайқовчилик қилиш билан тўлдиради.¹

¹ Ўша жойда. 161 б.

Бу вақтларда Хива хонлигида халқ фаровонлигининг энг муҳим манбаи ва хон хазинасининг даромадга оид асосий моддаси ўтроқ ва кўчманчи аҳоли қўлидаги шудгор ерлар эди. Хазина ёки давлат (“подшолик”)га қарашли ерларда яшовчи деҳқонлар форсча “дахяк” ёки арабча “ушр” (ундан бир қисм) деб аталадиган ўлпонни чархпалак ёрдамида суғориладиган ерларда етиштирилган ҳосилнинг бешдан бири миқдорида тулар эдилар.

Хусусий ерлардан олинadиган ўлпон миқдори ер қайси тоифага киритилганига қараб белгиланарди. Ёрлиқли хусусий ерлар (ёрлиқ мулклар), яъни хон ёрлигини олган бирон-бир шахсга хазинага қарашли ерлар ҳисобидан мулк қилиб берилган ерлар ҳамда оддий хусусий ерлар (мулклар) пул билан туланadиган “салхит” (ёки “салхут”) деб аталмиш солиққа тортиларди. “Адай мулк” (оддий тилда - “атай мулк”)дан ер солиғи эмас, ҳовли солиғи ундирилар, у ўз мулккий мавқеига биноан, туловчилардан қайси тоифага мансублигига қараб олиниб, даромад солиғи хусусиятларига эга эди. Вақф ерларини ижарага олган кишилар аҳволи жуда оғир эди, улар хазинага салхит ва ўз вақф идорасига дахяк тулашга мажбур эди. Сайидлар, хожалар, шайхлар ва мансабдор шахсларга қарашли ерлар хоннинг махсус ёрлиқларига кўра ўлпон тулашдан озод қилинар, бундай шахслар туркий-форсий тилда “ёрлиқдор” деб аталарди. Навкарларга тегишли ерлар ҳам ўлпонлардан озод эди.

Товарга оид битимлар учун ўлпонлар - закот ва тарози йиғимлари жорий этилганди. Хонликдаги савдо марказлари (Урганч, Хонқа, Хива, Гургон)даги савдогарлар бундан ташқари ҳар йили “бой пули” (яъни бойлардан олинadиган солиқ) тулашарди, унинг миқдори ўзбошимчилик билан белгиланарди. Хон савдо шаҳарларига ёрлиқлар юбориб уларга биноан, ҳар бир савдогар хон хазинасига талаб қилинадиган маълум бир маблағни қарз тарзида беришга мажбур эдики, одатда бу қарз ҳеч қачон қайтарилмас эди. Бу каби ўзига хос қарзлар ҳар йили икки-уч марта олинарди.

Қозоқ ва қорақалпоқ кўчманчи ва чорвачилардан эса хон ҳукумати жаъми моллар туёғининг қирқдан бири миқдорида мол закоти ундирарди. Бундан ташқари, Амударёнинг унг қирғоғида чорвадорлардан “торқуб”, яъни подалар туқайдан утган пайтда истеъмол қиладиган ўсимлик барғлари учун мажбурий йиғим олинарди. Туқайдан утган ҳар бир пода учун биттадан қуй ундирларди.

Хива хонлигида ўлпон йиғини ишларига ҳокимлар, уларнинг ноиблари (уринбосарлари) ёки маҳаллий қозилар масъул эди. Улар ҳузурида божмонлар (божхона божларини йиғувчи ходим-

лар) ва закот йиғувчилар, туманларда эса хазинага қарашли ерлар мавжуд бўлса - мушрифлар (натура билан туланидиган ўлпон йиғувчилар, Бухоро амлоқдорларига ўхшаш) хизмат қиларди. Қишлоқларда маъмурий-миршаблик тартиботига оид барча ишлар оқсоқоллар қўлида бўлиб, аҳолидан ўлпон йиғувчилар ҳам шулар эди. Хонликнинг маъмурий ва молиявий-солиқ идоралари муайян маош олмасди, шу бож ўлпон, айниқса дахяк ундириши пайтида суинстеъмоллар жуда кўп бўларди.¹

XIX аср 50-йилларидан бошлаб Россия Ўрта Осиёни босиб ола бошлади. 60-70 йилларда Ўрта Осиё ҳудудида Туркистон генерал-губернаторлиги тузилди. Бухоро амирлиги Россия протекторати, Хива хони эса унинг васалли деб тан олинди. Ўрта Осиё капиталистик тараққиёт йўлига утиб, жаҳон товар айирбошлаш жараёнига тортила бошланди. Унинг ҳудудида тузилган давлат тузилмалари молиявий сиёсатида капитализмга қадар мавжуд бўлган муносабатлар капиталистик муносабатлар билан омукта бўлиб кетди.

Россияга қўшиб олинганига қадар Ўрта Осиёда давлат хазиналари хонларнинг хазиналаридан алоҳида ажратиб қўйилмаганди. Россияда давлат молияси ижтимоий муассаса бўлгани сабабли, бюджет ва унинг ижроси ҳақидаги ҳисобот Давлат назорат органлари томонидан текширилиб, текшириш натижалари ҳамманинг маълумоти учун ҳар йил эълон қилинарди. 1868 йилда Туркистонда чор ҳукумати молия қўмитасини тузиб, давлат даромадлари ва харажатлари ҳақидаги низомни ишлаб чиқди. 1869 йилда Туркистон хазина палатаси таъсис этилиб, у давлат даромад ва харажатлари рўйхатини тузар ва улар ижроси туғрисида йиллик ҳисоботлар эълон қилар эди. Туркистон генерал-губернаторлигининг даромад ва харажатлари Россия империяси рўйхатига киритилган бўлиб, хазинанинг солиқ назоратчилари ва идоралари жойларда Туркистон хазина палатасига бўйсунар эди.

Туркистон генерал-губернаторлигининг даромадлари 1869 йилда 1884200 сўмни ташкил этиб, бунда барча даромадларнинг 60,5 фоизи солиқлар ҳиссасига туғри келарди. (52,3 фоизи бевосита ва 8,2 фоизи билвосита).²

Ўрта Осиёда асрлар мобайнида аста-секин таркиб топган тизим-қишлоқ ҳўжалигининг солиқ тизими ҳам ўзгара борди. Аввал чор ҳукумати деҳқонлардан солиқ олишни камайтирди,

1 Ўша жойда, 160-161 б.

2 Собиров Х.Р. Из истории государственных финансов Узбекистана. Т. "Фан" нашриёти. 1966 й. 15-16 б

лекин ерларни солиққа тортишнинг хирож ва таноб тизимини сақлаб қолди. Солиқларни мутлақо пул билан тўлаш тартиби жорий этилди, давлат фойдасига маҳсулот тарзидаги мажбуриятлар ҳамда майда қўшимча йиғимлар (сувостии, тарози, бозорда туз ва кумир йиғими, шунингдек ҳунармандлик муассасаларидан олинадиган йиғим кабилар) бекор қилинди. Солиқ ундириш ишлари сайлаб қўйиладиган қишлоқ идораларига топширилди.

1886 йилда Туркистон ўлкасини идора қилиш тўғрисида янги Низом жорий қилинди, унда ерга оид муносабатларда қатор тадбирлар ўтказиш кўзда тутилган эди: барча ерлар (вақф ерларидан ташқари) хазинага тегишлидир, деб эълон қилинди ва илгари ким ерни ишлаган бўлса, ер ушанга жамоа-ҳовли тартибида фойдаланиш учун топширилди, барча ерлар солиққа тортилди. Айни вақтда, таноб ва хирож тизими ўрнига “оклад тизими” (қатъий белгиланган окладлар бўйича солиққа тортиш тизими) жорий этилдики, у пул муносабатлари анча кучайган ва нарх беқарор бўлиб турган пайтда тушум кўпайиши ва барқарорлигини таъминлаши зарур бўлиб, тизимнинг ўзи арзон ва самарали эди. Солиқ оклади олти йил муддатга белгилаб қўйилди. Уни ҳисоблаб чиқиш учун ўртача ялпи даромад белгиланди. Солиқ миқдори ўртача ялпи даромаднинг ўн фоизини ташкил этарди. Ўртача ялпи даромадни белгилашда қўйидагилар эътиборга олинарди: ҳақиқатан экин экиладиган ер майдони, ўртача ҳосил, шу хулудда кейинги ўн йил мобайнида етиштирилган асосий маҳсулотларнинг ўртача маҳаллий миқдори. Ерларнинг сув билан таъминланиш даражаси ҳисобга олинмасди.¹

Америка навидаги пахта етиштиришни кўпайтириш учун пахтазорлар имтиёзли солиққа тортилди. Бундай ерларга буғдой, беда, жўхори экилган ерлар билан тенг миқдорда солиқ солинарди. Пахта экилган бир десятина (салкам бир гектар) ердан олинадиган ялпи даромад бошқа экинлар берадиган даромаддан 4-5 барабар кўп бўлгани сабабли, пахтага солиқ имтиёзлари деҳқонларнинг пахта етиштиришга қизиқишини кучайтирди.

Чор ҳукумати 1867 йилда кўчманчи аҳоли учун ўтов йиғими жорий этди, унга биноан ҳар бир ўтовдан 2 сўм 75 тийин ундирилди, 1882 йилга келиб у 4 сўмга етди.

Божхона йиғимлари ҳам сметада муҳим ўрин эгалларди (27 фонздан 29,3 фонзгача).

Туркистонда 1865 йилда савдо-сотик қилиш ва касибчилик билан шуғулланиш ҳуқуқини олиш учун бож тўлаш ҳақидаги

¹ Уша жойда. 24-25 б.

умумРоссия низоми жорий қилинди, булар закот ўрнини эгаллади. Аммо генерал-губернаторлик сметасида косибчиликка оид солиқ салмоғи жуда оз - 1913 йилда 4,3 фоиз эди.

Деҳқонлар ва кучманчилардан “земство” йиғими ундирилиб, булар “земство” бюджетлари даромадини тулдирарди. Бу йиғими утроқ аҳоли ҳовлиси ва кучманчи аҳоли ўтовидан олинарди. 1885 йилда ҳар бир ўтовдан 1 сўм 50 тийин, ҳовлидан эса ер солиғининг учдан бир қисми миқдорида солиқ ундирилган эди. Туркистон земство йиғимларида ер, ўрмон ва шаҳар мол-мулкидан олинadиган йиғимлар асосий ўринни эгалларди. Шаҳарларда квартира солиғи, касалхона йиғими ва ит эгалари йиғими жорий қилинди.¹

1914 йил 12 ноябрь қонунига биноан, темир йул ва бандаргоҳларда ҳар пуд пахтадан 2 сўм 50 тийин миқдорида алоҳида муваққат солиқ олиш белгиланди. 1915 йил январидан бошлаб эса маҳаллий аҳоли ҳарбий мажбуриятни бажариш ўрнига, ҳарбий солиққа тортилди. Бу солиқ жаъми бевосита солиқ турларининг 21 фоизи миқдорида олинарди.

Биринчи жаҳон уруши йилларида пуллик йиғимлар армия учун товарларни мусодара қилиш ва молларни сафарбар этиш кабилар билан тулдирилди. 1917 йил февралдан бошлаб Керенский муваққат ҳукумати солиқ олишни янада кулайтирди. Иқтисодиёт ҳалоқат ёқасига келиб қолди. Генерал-губернаторлик харажати 99 млн. сўм булгани ҳолда даромади 33,4 млн. сўмни ташкил этганди.²

1918 йилдан бошлаб Туркистон республикасида солиқ ишларини марказлаштириш, ягона солиқ сиёсатини ўтказиш ҳамда маҳаллий солиқ соҳасидаги “ҳаваскорлик”ка барҳам бериш юзасидан тadbирлар ўтказилди. 1919 йил ноябрь ўрталарида Туркистон республикаси солиқ тизимини қайта куриб чиқиш бўйича махсус комиссия тузилиб, республика ҳукумати ўз таклифларини ўртага қўйди ва 1920 йилда қатор декретлар эълон қилинди. Асосий косибчилик солиғини олиш ва унинг миқдори ҳақида; хусусий ва ҳисобот бермайдиган савдо-саноат корхоналари айланма маблағини 5 фоизли солиққа тортиш ҳақида; давлат ихтиёрига олинган саноатнинг маҳсулотлари ва буюмларидан давлат фойдасига устама олишни бекор қилиш ҳақида декретлар чиқарилди.³

¹ Ўша жойда, 24-25 б.

² Ўша жойда, 29-31 б.

³ Ўша жойда, 91-92 б.

Лекин ҳарбий коммунизм солиқ тизимининг аҳамиятини йуққа чиқарди. 1921 йил 9 февралда РСФСР Молия халқ комиссарлиги бутун РСФСР ҳудудида ҳар қандай солиқ олишни тўхтатиш ҳақида қўрсатма берди. Туркистон республикаси эса автономия ҳуқуқи билан РСФСР таркибига кирарди.

1921 йил март ойида янги иқтисодий сиёсат (НЭП) эълон қилиниши туфайли янги солиқ тизими ишлаб чиқилди. Бу тизим таркибига қишлоқ хўжалиги, хўнаромандлик, даромад-мулк ва рента солиқлари, тамга йиғимлари, меросий ва бошқа божлар (бевосита солиқлар), акцизлар ва божхона солиғи (билвосита солиқлар) киритилди.

Туркистон республикасида РСФСРда эълон қилинган солиқлар ҳақидаги барча декретлар кучга кирди, аммо уларни маҳаллий шароитга татбиқ этишда уларга аниқликлар киритилди. Масалан, умумфуқаро солиғини ундиришда унинг ставкалари Фарғона ва Еттисув вилоятларидаги деҳқон хўжаликлари учун 50 фоиз қисқартирилди, маҳаллий хотин-қизлар солиқдан озод этилди.

Бухоро ва Хоразм Совет Халқ Республикалари солиқ тизимлари Туркистон республикасидаги солиқ тизимига яқин қилиб тузилди. 1923 йилда Бухоро ҳуқумати патент ва тенгчилик йиғимларидан иборат хўнаромандлик солиғини жорий этди. Патент йиғими ставкалари 2 олтин сўмдан 200 олтин сўмгача, тенгчилик йиғимлари - 0,5 фоиздан 6 фоизгача тоифаларга бўлинди, зебзийнат буюмлар 12 фоизлик ставка бўйича солиққа тортилди. Патент йиғими ставкалари сотиладиган буюм ва унинг хусусиятига боғлиқ эди, ошхоналар ва чойхоналар - ходимлар сонига қараб, кооперативлар - аъзолар сонига қараб солиққа тортиларди. Ставкалар айрим туманлар бўйича табақалаштирилмаган бўлиб, корхона даромадига мос келмас, улардан тахминий солиқ олинарди.

1924 йилда Бухоро Республикасида акциз тўғрисида Низом жорий этилди. 1924-25 йилда шаҳар аҳолисидан даромад солиғи олиш лойиҳаси тузилди. 1922 йил 15 август декрети билан тамга йиғими ҳақидаги Устав кучга кирди.

1924 йилда Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси ташкил топди. 1924-25 йилда унинг даромадида солиқ солмоғи 67,5 фоиз, 1927-28 йилда - 76,6 фоиз бўлди. Солиқ манбалари ичида энг йириги қосибчилик солиғи бўлиб, республика бюджетига барча даромадларининг 25-31 фоизини ташкил этарди. 1924-25 йилда айрим даромад манбалари бўйича тушумлар қуйидагича бўлди: қишлоқ хўжалик солиғи - 570 минг сўм, қосибчилик со-

лиғи - 840 минг сўм, даромад солиғи - 170 минг сўм, маҳаллий солиқлар ва йигимлар - 140 минг сўм.¹

20-йиллар охирида косибчилик, даромад солиғи, қишлоқ хўжалиғи солиғи ва бошқа солиқлар шаҳарларда хусусий секторга, қишлоқларда бой-бадавлат қатламларга қарши курашда қўлланила бошланди. Шу тариқа уч десятина (салкам уч гектар) ер майдони бўлган солиқ тўловчиларнинг 90 фоизга яқини қишлоқ хўжалиғи солиғининг 47,5 фоизини, солиқ тўловчиларнинг 11 фоизини ташкил қилган бой қатламлар 50 фоиздан кўпроғини туларди.²

Кейинчалик Ўзбекистон молия тизими умумжаҳоний тараққиёт жараёнига зид йўналишдаги эволюцияни бошидан кечирди. Энди солиқлардан корхоналар қўрган фойдани тўртиб олишнинг маъмурий услубларига ва молиявий ресурсларни мамлакат бюджети орқали тақсимлаш услубларига ўтилди.

90-йилларнинг боши Ўзбекистон Республикаси янги солиқ тизимининг туғилиш ва шаклланиш даври бўлди.

¹ Уша жойда, 169 б.

² Уша жойда, 171 б.

III БОБ

СОЛИҚ ТИЗИМИ: УМУМИЙ ТУШУНЧАЛАР ВА АТАМАЛАР

§1. Солиқ элементлари

Солиқ тизими, юқорида қайд қилинганидек, давлатда ундириладиган солиқларнинг, шунингдек уларнинг қурилиши шакллари ва усулларининг йиғиндисидан иборатдир.

Бундай йиғинди моҳиятининг очиб берилиши солиқ унсурлари ва солиқ ихтисослари тушунчалари билан чамбарчас боғлиқдир.

Солиқ солиқларнинг қурилиши ва уларни ундиришнинг ташкил қилиниши давлатнинг қонунчилик ҳужжатлари орқали белгиланадиган тамойиллари бўлиб, уларнинг ижтимоий-иқтисодий моҳиятини акс эттиради.

Улар қуйидагилардан иборат:

Солиққа тортиш субъекти (солиқ тўловчи). Солиққа тортиш субъекти (солиқ тўловчи) қонунга кура солиқларни тўлаш мажбурияти юкланган юридик ёки жисмоний шахсдир. ИЯМни ишлаб чиқаришнинг асосий иштирокчилари солиққа тортишнинг асосий субъектлари ҳисобланади:

ёланган ходимлар;

ҳўжалик юритувчи субъектлар;

сармоя эгалари.

Солиқ субъекти ҳамиша ҳам реал солиқ тўловчиси бўлавермайди. Солиқ юкни солиққа тортиш субъектидан бошқа шахс зиммасига юклаш имконияти мавжудлиги муносабати билан солиқнинг соҳиби деган тушунча ҳам борки, бу тушунча солиққа тортишнинг бутун юкни ўз зиммасига олган, яъни амалда солиқни тўловчи шахсни англатади.

Масалан, акциз солиғига тортиладиган товарларнинг истеъмолчилари солиқнинг соҳиблари ҳисобланадилар. Маълумки, акция акциз солиғига тортиладиган товарнинг нархига қўшилади,

лекин ундан ажралиб турмайди. Агар харидор товарни яна қайта сотмасдан, уни истеъмол қилса, у акциянинг туланган суммасини ўзига яна қайтариб ола олмайди. Шундай қилиб, охириги истеъмолчи акциянинг соҳибни ҳисобланади.

Аксияга тортиладиган товарни ишлаб чиқарадиган ва сотадиган юридик шахслар акциянинг субъектлари ҳисобланади. Улар аслида солиқни йиғувчилар ҳисобланади, чунки акция суммасини ҳисоблаш ва уни бюджетга утказиш уларнинг вазифасига киради.

Ҳуқуқнинг биринчи навбатда шахс билан давлатнинг сиёсий-ҳуқуқий муносабатлари ҳисобга олинадиган бошқа тармоқларидан фарқли равишда солиқ ҳуқуқида солиқ субъектининг давлат билан иқтисодий алоқалари асосий роль ўйнайди. Солиқ тўловчи билан давлатнинг иқтисодий муносабатлари доимий бўладиган жойи, яъни резидентлик тамойилига кўра белгиланади, бу тамойилга биноан солиқ субъектлари, одатда, икки тоифага бўлинади:

муайян давлатда доимий бўлиш жойига эга шахслар резидентлар ва бу давлатда доимий бўлиш жойига эга бўлмаган, балки фақат вақтинчалик бўлиш жойига эга шахслар норезидентлар.

Агар жисмоний шахс у ёки бу давлатда солиқ туланидиган йилда 6 ойдан кўпроқ яшаса ёки у ерда “ўзининг ҳаётини ёки амалий манфаатларининг маркази”га эга бўлса ёхуд ушбу давлатнинг ички қонунчилигига кўра белгиланган бошқача мезонга мувофиқ келса мазкур давлатнинг резиденти сифатида қаралади. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг қонунларига биноан республика ҳудудида тақвимий йилда 183 кундан ортиқ муддат яшайдиган фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар республикада доимий бўлиш жойига эга шахслар ҳисобланади.

Юридик шахслар учун резидентлик мавқеи, одатда, уларнинг ташкил топган, рўйхатдан ўтган, “бошқарув маркази”нинг жойлашган жойи ва бошқа айрим мезонлар асосида белгиланади. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 1993 йил 5 апрелдаги 32/22-сонли йуриқномасига мувофиқ, агар хорижий юридик шахслар республика ҳудудидаги доимий ваколатхоналари ёки бошқа тузилмавий бўлинмалари орқали тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишадиган бўлса, улар даромад солиғи резидентлари ҳисобланадилар.

Мазкур мамлакатнинг резидентлари деб эътироф этилган шахслар учун солиқ режими “чекланмаган солиқ масъулияти” тамойили асосида белгиланади, унга кўра бундай шахслар барча манбалар, шу жумладан хориждаги манбалардан олинган ҳамма даромадлари буйича ушбу давлатда унинг қонунлари асосида солиққа тортилиши лозим бўлади.

Мазкур давлатнинг норезидентлари учун, аксинча, “чекланган солиқ масъулияти” мавжудки, унга биноан бундай шахслар

фақат ушбу мамлакатдаги манбалардан олинадиган даромадлари бўйича солиқларни тулаши шарт. Ўзбекистоннинг амалдаги қонуналарига мувофиқ республикада доимий бўлиш жойига эга бўлмаган жисмоний шахслар, хорижий юридик шахслар мабодо республика ҳудудидаги доимий ваколатхоналари орқали бажариладиган фаолиятга боғлиқ бўлмаган даромад олмайдиган бўлса, улар учун ана шундай солиқ режими белгиланган.

Турли мамлакатлар қўллайдиган резидент мезонларининг бири-бирига мос келмаслиги айни бир шахснинг бир неча мамлакатлар томонидан бирданига резидент деб эътироф қилинишига, яъни иккиёқлама солиқ солинишига олиб келиши мумкин.

Халқаро ҳуқуқда иккиёқлама солиқ солинишини таъқиқлайдиган умумий қондалар йўқ. Мунозарали вазиятларнинг ҳал этилиши миллий қонунларнинг меъёрлари ва қондалари асосида (масалан, Ўзбекистон Республикасининг “Корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлардан олинадиган солиқлар тўғрисида”ги Қонунининг тегишли моддаси) ёки солиқ битимларининг қондалари асосида (халқаро иккиёқлама солиқ солинишини бартараф қилиш ҳақидаги конвенция) амалга оширилади.

Солиқ объекти ва манбаи. Солиқ объекти деганда солиқ туловчининг солиқ ҳисобланадиган ва солиққа тортиш учун асос бўлиб хизмат қиладиган даромади ёки мол-мулки тушунилади. Фуқаролар оладиган иш ҳақи ва бошқа даромадлар, корхоналар даромади (фойдаси), маҳсулотни сотишдан, ишларни бажаришдан ва хизматлар курсатишдан тушган айланмалар, ер, қимматли қозғалар билан операциялар, юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулки, транспорт воситалари ва қонунда белгиланган бошқа объектлар солиқ объектилари ҳисобланади.

Бошқа тушунчалар, шу жумладан солиққа тортиш предмети, солиқ базаси ва шу кабилар “солиқ объекти” тушунчаси билан чамбарчас боғлиқдир. Ҳар бир солиқ тўғрисидаги қонунда қандай вазиятлар мавжуд бўлганида солиқни тулаш мажбуриятининг вужудга келиши мажбурий тартибда курсатилади. Муайян даромад, фойданинг олинishi, ерга, мол-мулкка эгаллик ва шу кабилар, яъни солиққа тортиш объектининг мавжудлиги ана шундай асос (фактик ҳол) бўлиб хизмат қилиши мумкин. Ана шунинг ҳисобга олган ҳолда, солиққа тортиш объекти деганда “субъектнинг солиқни тулаш мажбуриятини юзага келтирадиган юридик фактлар (хатти-ҳаракатлар, ҳодисалар, ҳолатлар)ни”¹ тушуниш лозим бўлади.

“Солиқ объекти” тушунчаси ўз аҳамиятига ва мазмунига қўра айни солиқнинг ундирилишини асослайдиган фактик (юридик эмас) тусдаги аломатларни ифодалайдиган “солиққа тортиш предмети” атамасига яқин туради.

Маҳсулотни сотиш бўйича айланишнинг амалга оширилиши,

даромаднинг олиниши, ерга, муайян мол-мулкка мулкчилик ҳуқуқи, қимматли қоғозларнинг олди-соттиси буйича битимларнинг амалга оширилиши ва шу қабилар юридик нуқтаи назардан солиқ объекти ҳисобланади. Масалан, айти транспорт воситасининг ўзи эмас (у солиққа тортиш предмети), балки шундай воситаларга мулкчилик ҳуқуқи транспорт воситалари эгаларидан олинadиган солиқ объекти ҳисобланади. Бошқа моддий предметлар, шу жумладан ер, юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулки ва бошқаларга ҳам ана шундай қоида тааллуқлидир.

Солиққа тортиш предметининг ўзи ўз-ўзидан солиқларга оид ҳуқуқий муносабатларни пайдо қилмайди. Субъектнинг солиққа тортиш предметига нисбатан муайян ҳолати бундай муносабатларни вужудга келтиради. Мазкур ҳолда бу солиққа тортиш предметини мулкчилик ҳуқуқи деб ҳисобламоқ керак.

“Солиқ объекти” тушунчаси билан “солиққа тортиш предмети” тушунчасини аниқ чегаралаб қўйиш зарурлиги шу билан изоҳланадiki, қонун чиқарувчининг солиқларга оид ҳуқуқий муносабатларнинг вужудга келишини боғлайдиган айти шу моддий предметни белгилаш лозим.

Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний шахсларнинг мол-мулкidan олинadиган солиқлар туғрисида”ги Қонунига кўра жисмоний шахсларнинг мулки бўлган турар жойлар, квартиралар, боғдорчилик ва узумчилик ширкатлари аъзоларининг боғ-ҳовлисидаги уйчалари, гаражлар ва бошқа иморатлар, бинолар ва иншоотлар солиққа тортилиши лозим бўлади. Қонун иморатлар, бинолар ва иншоотлар деганда нима тушунилишини белгилаб бермайди; амалда бу турли хилда талқин қилишларни келтириб чиқаради ва солиқ туловчининг ҳуқуқлари камситилишига олиб келиши мумкин.

Солиққа тортиш предметининг аниқ таърифини Франциянинг иморатлардан олинadиган солиқ туғрисидаги қонунда кўриш мумкин. Ушбу қонунга биноан иморат деганда ҳар доим айти бир жойда турадиган ҳар қандай иншоот тушуниладики, бунда бинонинг қандай материалдан қурилганидан қатъи назар, унинг пой-девори бетондан ёки гипсдан ишланган бўлиши лозим бўлади.

Солиққа тортиш объекти билан солиққа тортиш предмети ўртасидаги тафовутни даромаднинг солиққа тортилишида ҳам кўриш мумкин, лекин бундаги тафовут мол-мулк солиқларидаги сингари аниқ ифодаланган даражада бўлмайди. Даромад миллий ва хорижий валютада, мол-мулк, текин хизматлар ва шу қабилар сифатида олиниши мумкин. Бундай шакллар солиқ ҳақидаги қонунда ҳамиша ҳам акс эттирилавермайди ва шу сабабли солиққа тортишдан бўйин товлаш учун турли ғайриқонуний йўллардан фойдаланилади. Масалан, нафақат пулли ёки натурал шакл-

даги тушумларни, шу билан бирга пул ёки мол-мулкнинг берилиши билан боғлиқ бўлмаган имтиёзлар, енгилликларни ҳам даромад деб ҳисоблаш мумкин.

Қатор мамлакатларда билвосита туловлар, имтиёзлар, товонлар ва енгилликларнинг шахсий даромадлар таркибидаги улуши жуда каттадир. Масалан, АҚШда компанияларнинг раҳбарлик таркиби ва оддий ходимларига рағбатлантириш ҳақларининг учдан бир қисмига яқини айни шундай шаклларда берилади. Солиққа тортиш предметларининг айримлари ҳисобга олинмаслиги даромадлар каттагина қисмининг солиққа тортишдан четда қолиб кетишига олиб келади.

Солиққа тортиш объектини солиқ манбаидан ажрата билиш керак.

Солиқ манбаи бу субъект солиқ тулайдиган даромад, жуда кам ҳолларда мол-мулкдир. Айрим солиқлар бўйича, масалан, корхоналарнинг даромадлари (фойдаси)дан олинadиган солиқ бўйича объект ва манба бир хил бўлади.

Солиқ манбаининг танланиши қатъий чекланган. Солиқ туғрисидаги қонунда солиқлар туланиши учун асос бўладиган иккита манба назарда тутилади. Агар даромад олишга ёрдам берadиган сармоя солиқ манбаи сифатида белгиланадиган бўлса, унда сармоя аста-секин тугаши мумкин ва, табиийки, даромад ундириш имконияти ҳам соб бўлиши мумкин. Шу сабабли сармоя эмас, балки даромад солиқ манбаи бўлиши керак. Сармоясиз даромаднинг олинishi ҳам мумкин эмас, яъни солиқнинг ҳар икки манбаи ҳам йўқолади.

Солиққа тортиш бирлиги. Солиққа тортиш бирлиги деганда солиқ объектининг улчов бирлиги (даромаднинг пулдаги бирлиги, ер майдонининг бирлиги ва ҳоказо) тушунилади. Эҳтимол бўлган солиққа тортиш birlikларидан униси ёки бунисининг танланиши қулайлик, шунингдек анъаналардан келиб чиқиб белгиланади. Масалан, бензинга акциз солиғи солинганида литр, галюн, баррель ва шу кабилар, ерга солиқ солишда мамлакатда қабул қилинган улчов birlikлари (акр, гектар, сотка, квадрат метр) солиққа тортиш бирлиги сифатида қўлланилиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси солиқ қонунларида ер солиғи учун солиққа тортиш бирлиги сифатида гектар (ва квадрат метр) қўлланилган. Пул воситасида солиққа тортишда миллий пул бирлиги солиққа тортиш бирлиги бўлади.

Солиқларнинг ставкалари. Солиқларнинг ставкалари даромад (фойда, мол-мулк) нинг бюджетта солиқ сифатида ўтказилиши лозим бўлган муайян улушидир. Улар, одатда, даромад(мол-мулк)-нинг суммасига нисбатан фоизларда белгиланади. Бошқача таъ-

риф бериш ҳам мумкин: солиқ ставкаси бу солиққа тортиладиган бирликка солиқ миқдоридир. Масалан, транспорт воситалари эгаларидан олинadиган солиқ ставкаси бу моторнинг от кучларидаги ёки киловаттлардаги қувват бирлиги учун тулов суммасидир.

Солиқ ставкалари қонун билан белгиланади ва, одатда, объектларнинг ҳар бир тоифаси учун узоқ муддатта мустаҳкамлаб қўйилади. Агар ундириладиган солиқларнинг миқдорлари иқтисодиётнинг ривожланишига нисбатан давлатнинг иқтисодий стратегиясининг мақсадлари ва вазифаларига мувофиқ келмаса, унда солиқ ставкаларининг миқдори қонунчилик тартибида қайта қўриб чиқиши мумкин. Уларнинг ўзгартирилиши ошириш томонига (агар ҳукумат давлат хазинасига маблағларнинг келиб тушишини кўпайтиришни ва корхоналар ҳамда аҳолидан қўшимча маблағларни ундириб олишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган бўлса) ва камайитириш томонига (агар талабни кенгайтиришга ва иқтисодий фаолликни оширишга қарор қилинган бўлса) амалга оширилиши мумкин.

Дунёдаги ҳамма мамлакатларда солиқ ставкаларининг миқдори доимий мунозаралар, сиёсий партиялар ва ҳукуматларнинг сайлов олдидан бўладиган қаттиқ курашининг объекти бўлади, чунки уларнинг ўзгартирилиши шахсий даромадларга ва корхоналарнинг молиявий активларига бевосита таъсир курсатади, аҳолининг барча қатламларининг ҳаётий манфаатларига тааллуқлидир.

Жаҳоннинг кўпгина мамлакатларидаги сингари Ўзбекистонда ҳам солиқ ставкаларининг миқдорлари олий қонун чиқарувчи орган Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси томонидан белгиланади. Ҳар йили навбатдаги молиявий йил учун бюджет тасдиқланганида солиқ ставкаларининг миқдорлари аниқлаштирилади. Жамиятдаги иқтисодий жараёнларни оператив бошқариб туриш мақсадида бундай ҳуқуқлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ёки вакиллик ҳокимиятининг маҳаллий органларининг ваколатига берилиши ҳам мумкин.⁴

Солиқ ставкаси билан солиққа тортиш объекти ўртасидаги боғлиқликнинг тусига қараб солиқларни қатъий, пропорционал, прогрессив ва регрессив солиқларга ажратишади. Солиқ ставкаси солиққа тортиладиган объектнинг бирлигига нисбатан пул ифодасида (специфик ставка деб аталadиган) ёки фоизларда (адвалер ставка деб аталadиган) белгиланиши мумкин.

Қатъий ставкалар абсолют суммада белгиланади ва одатда солиқ туловчининг мол-мулкининг айрим турларини (ер, уй, қимматли қоғозлар ва ҳоказо) солиққа тортишда қўланилади. Ер солиғи бўйича белгиланган ставкалар (1 гектар ёки квадрат метр ер участкаси учун, табиий бойликлардан фойдаланганлик учун солиқнинг абсолют суммаси ва бошқалар) қатъий ставкаларга мисол бўла олади.

Солиқнинг фоизли ставкалари пропорционал (қатъий), прогрессив ва регрессив турларга бўлинади. Пропорционал солиқда объектнинг миқдори ўзгарганида солиқ суммаси ҳам пропорционал равишда ўзгаради. Прогрессив солиқ даромадларнинг ўсишига қараб солиққа тортиладиган фоизнинг ҳам ўсиши билан характерланади. Регрессив солиқда бирмунча юқори даромадлар оладиган солиқ туловчилар ўз даромадларидан анча паст фоиз тулашади.

Ушбу солиқ турлари ўртасидаги фарқни тушунтириш учун иккита солиқ туловчини олайлик. Улардан бири бир йилда 1000 сўм ишлаб топади, бошқаси эса 100000 сўм. Агар уларнинг биринчиси 100 сўм, иккинчиси 10000 сўм туласа, бу мутаносиб солиқ тизими бўлади. (Уларнинг ҳар бири 10% дан тулайди). Агар уларнинг биринчиси 50 (5%), иккинчиси эса 20000 (20%) сўм туласа, прогрессив солиқ тизими, агар биринчиси 100 (10%), иккинчиси эса 5000 (5%) сўм туласа, регрессив солиқ тизими ҳисобланади.

Пропорционал ставкалар юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулкини солиққа тортишда белгиланади. Масалан, корхоналарнинг мол-мулкидан олинадиган солиқ ставкаси 2% қилиб белгиланган, ушбу солиқ объекти қиймати (мол-мулк қиймати)нинг миқдоридан қатъи назар бу миқдор ўзгармайди. Масалан, корхона мол-мулкининг йил бошидаги қиймати 10 млн. сўм бўлиб, йил охирида 15 млн. сўмгача ўшган бўлса, ушбу мол-мулк учун солиқ ставкаси ўзгаринсиз қолади ва бирдек 2% ни ташкил этади.

Регрессив ставкалар бўлганида даромадларнинг ўсиши билан ставкалар миқдорининг қисқариши юз беради, бундай ставкалар кенг қўлланилмайди. Улар асосан қазиб олувчи тармоқларда қўлланилади, бунда объектнинг ишлаб чиқарилишига қараб солиқ ставкаси камай боради.

Товар нархига устама ҳақдан иборат бўлган билвосита солиқлар (акцизлар, қўшилган қиймат солиғи ва ҳоказо) иқтисодий нуқтаи назардан олганда регрессив солиқлар ҳисобланади. Бир хилдаги товарнинг харидорлари билвосита солиқларнинг бир хилдаги суммасини тулайдилар, лекин бу солиқларнинг турли харидорларнинг даромадларидаги улуши бир хил бўлмайди; катта улуш кам миқдорда даромад оладиган шахслар зиммасига, кам улуш эса кўпроқ даромад оладиган шахслар зиммасига туғри келади. Шунингдек, мол-мулкка эгалликдан олинадиган даромадлар органида солиқнинг улуши камайдиган мол-мулкларга оид солиқлар ҳам регрессив солиқлар ҳисобланади.

Солиқлар юки бойлар учун оғирроқ бўладиган прогрессив солиқ тизими уларнинг даромадларининг бир қисмини бироз камбағалроқ шахслар фойдасига қайта тақсимлайди.¹

Ривожланган бозор иқтисодиётига эга давлатларнинг молиявий сиёсати прогрессиянинг икки турини: оддий ва мураккаб турлари-

ни ишлаб чиққан. Оддий прогрессияда солиқнинг орттирилган ставкаси солиққа тортиладиган барча объекта нисбатан қўлланилади, мураккаб прогрессияда эса солиққа тортиш объекти (масалан, даромад) қисмлар (босқичлар) га бўлинади, уларнинг ҳар бири ўз ставкаси бўйича солиққа тортилади, яъни орттирилган ставкалар бутун объекта нисбатан эмас, балки бундан олдинги босқичдан ортган қисмга нисбатан қўлланилади. Демак, оддий прогрессияда солиқ ставкаси даромаднинг бутун суммаси ва бошқа солиқ объектлари учун даромаднинг ва бошқа солиққа тортиш объектларининг купайишига қараб ўсиб боради. Қишлоқ хўжалик корхоналарининг фойдасидан олинадиган солиқ ставкалари оддий прогрессив ставкаларга мисол бўла олади. Рентабеллик 40% га ортганида солиқ ставкаси 3% дан 20% гача ошади, бунда 20% лик ставка фойданинг ҳамма суммасига нисбатан қўлланилади.

Мураккаб прогрессияда даромадлар қисмлар (разрядлар) га бўлинадик, уларнинг ҳар бири ўз ставкаси бўйича солиққа тортилади. Орттирилган ставкалар солиққа тортиладиган базанинг умумий миқдорига эмас, балки бундан олдинги разряддан ортиқ бўлган миқдорга амал қилади. Мураккаб прогрессия куп жиҳатдан солиқ туловчиларнинг манфаатларини ҳисобга олади, шунинг учун у кўпроқ тарқалган.

Масалан, жисмоний шахслардан даромад солигини олинганда айни шундай мураккаб прогрессия қўлланилади.

Мураккаб прогрессия прогрессиянинг бошқа турларига нисбатан солиққа тортишнинг кўпроқ раван бўлишини таъминлайди, бунда у солиқ босқичлари (разрядлар) нинг сонига ва ставка ўсиб боришининг аста-секинлигига бевосита боғлиқ бўлади. Айрим ҳолларда солиқлар туғрисидаги қонушларга биноан аралаш ставкалар ҳам белгиланади: даромадларнинг бир қисми учун пропорционал, бошқа қисми учун прогрессив ставкалар. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солигининг ставкалари ана шундай ставкаларга мисол бўлиши мумкин. Масалан, энг кам иш ҳақи миқдорининг 2 баробаридан ошмайдиган даромадлар 15% лик ставка бўйича солиққа тортилади, бу даражадан ортиқ бўлган даромадлар учун ставкалар даромад миқдорининг ўсиб боришига қараб орта боради.

Ўртача йиллик ставка бу умумий солиқнинг солиққа тортиладиган даромад миқдорига нисбатидир. У солиқ туловчининг зиммасидаги амалдаги солиқ юқини тавсифлаши мумкин.)

Солиқ базаси. Ҳисобланадиган солиқларнинг ҳажми нафақат солиқ ставкаларининг миқдорига, шу билан бирга солиқ ставкаси қўлланиладиган объектнинг миқдорига ҳам боғлиқ бўлади. Солиқ базаси солиққа тортилиши лозим бўлган даромад ёки мол-мулкнинг солиқ ставкаси қўлланиладиган даромад суммасини қайд қиладиган миқдоридир.

Агар солиқ ставкасининг миқдори қатъий мустаҳкамлаб қўйилган бўлса, солиқ базасининг миқдори қонунчилик солиққа тортилиши лозим бўлган даромад (фойда) дан амалга оширишни рухсат этадиган чегирмаларга боғлиқ равишда ўзгариб туриши мумкин. Солиқ базасини солиқ туловчиларнинг мазкур тоифасига тақдим этиладиган солиқ имтиёзларига мувофиқ равишда камайтиришга рухсат қилинади.

Солиқ имтиёзлари. Солиқ имтиёзлари амалдаги қонунларга мувофиқ равишда солиқлардан тулиқ ёки қисман озод қилишдир (скидкалар, чегириб ташлашлар ва ҳоказо).

Солиқ имтиёзларининг тақдим этилиши ишлаб чиқаришнинг замонавий тармоқларини ривожлантиришни рағбатлантиришнинг жаҳон амалиётида энг кўп тарқалган усулларидан биридир. Давлат томонидан тартибга солишнинг бошқа усуллари билан бир қаторда солиқлардан тулиқ ёки қисман озод қилиш тadbиркорликни муомала соҳасидан моддий ишлаб чиқариш соҳасига ўтказишга ёрдам беради ва шу йўл орқали иқтисодийда прогрессив тузилмавий ўзгартиришларга эришилади.

Бизнинг республикада амал қилаётган солиқ қонунчилиги жаҳон амалиётида тупланган ижобий тажрибани кенг миқёсда қўлламоқда, солиқ имтиёзлари тadbиркорлик фаолияти учун рағбатлантирувчи омил бўлиб қолди, бунда айни бозор муносабатларига ўтиш босқичида давлат учун фойдали бўлган йўналишларда шундай қилинмоқда. Масалан, фаолияти муҳим ижтимоий, иқтисодий ва экологик муаммоларнинг ҳал қилинишига ёрдам берадиган самарали ишлаётган корхоналарга имтиёзлар тақдим этилиши орқали солиқ меъёрларининг рағбатлантирувчи аҳамиятига эришни Ўзбекистон Республикасининг “Корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлардан олинадиган солиқлар тўғрисида”ги Қонунига биноан корхоналар фаолиятини солиқлар орқали тартибга солишнинг асосий тамойиллари қаторида кўрсатилган.

Қонун чиқарувчи солиқ имтиёзларини белгилаш билан кўпинча ягона умумий мақсадни солиқ субъектининг солиқлар соҳасидаги мажбуриятлари миқдорини қисқартиришни назарда тутди. Баъзан бошқа мақсад - туловнинг муддатини кейинга қолдириш ёки бўлиб-бўлиб ташлаш ҳам қўйиладики, бу солиқ кредити деб аталади. Солиқ имтиёзлари ўз тусига кўра жиддий фарқ қилиши сабабли улар солиқ тузилишининг муайян унсурини ўзгартиришга қаратилган бўлиши мумкин; шунинг ҳисобга олган ҳолда имтиёзларнинг ҳар хил турлари мавжуд бўлиб, солиққа тортилмайдиган минимум, чегирмалар, скидкалар ва солиқ кредитлари ана шундай турлар ҳисобланади.

Солиққа тортилмайдиган минимум солиққа тортиш объектининг солиққа тортишдан тулиқ озод қилинган энг кам қисми

муҳим солиқ имтиёзи ҳисобланади. Жисмоний шахсларнинг иш ҳақи ва бошқа даромадларининг қонунчиликда белгиланган миқдорда даромад солиғига тортилмайдиган энг кам миқдори ана шундай солиқ имтиёзига мисол бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Солиқ имтиёзи сифатидаги чегириб ташлашлар у ёки бошқа солиқнинг айрим объектларини солиққа тортишдан холи қилишга йуналтирилгандир.

“Корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлардан олинадиган солиқлар тўғрисида”ги Қонун корхоналарнинг даромади ёки фойдасидан олинадиган солиққа нисбатан ана шундай чегириб ташлашларнинг анчагина сонини назарда тутлади. Бундай чегириб ташлашларнинг моҳияти шундаки, солиқ тўловчиларнинг фаолиятнинг муайян туридан олинган даромади ёки фойдаси солиқдан тўла озод қилинади. Масалан, даромад (фойда) нинг қуйидаги турлари солиқдан озод қилинади: аҳолига матбуот тарқатиш бўйича курсатиладиган хизматдан олинадиган; архив ҳужжатларини илмий-техникавий ишлаш, таъмирлаш, муқовалаш ва улардан фойдаланиш бўйича аҳолининг пуллик хизматларини бажаришдан олинадиган, иш юритишни такомиллаштириш бўйича курсатиладиган хизматлар, умумий фойдаланишдаги автомобиль йулларини таъмирлаш ва тутиб туриш бўйича ишларни амалга оширишдан олинган ва бошқа даромадлар.

Шуниси қизиқарлики, республиканинг амалдаги солиқ қонунчилигида чегириб ташлашлар нафақат солиққа тортишнинг айрим объектларига нисбатан, шу билан бирга у ёки бошқа солиқларнинг айрим субъектларига нисбатан ҳам қўлланилади. Амалдаги солиқ қонунларига мувофиқ протез-ортопедия буюмларини ишлаб чиқаришга, ногиронларга протез қўйиш бўйича хизматлар курсатишга ихтисослашган корхоналар, даволаш муассасалари қошидаги даволаш-ишлаб чиқариш устахоналари ва яна бошқа айрим корхоналар сингари субъектлар даромад (фойда) солиғидан озод қилинадилар.

“Ўзбекистон Республикаси фуқароларидан, ажнабий фуқаролардан ва фуқаролиги бўлмаган шахслардан олинадиган даромад солиғи тўғрисида”ги Қонунда ҳам солиқ имтиёзлари сифатида жиддий чегириб ташлашлар назарда тутилган. Масалан, болалиқдан ногиронларга бериладиган нафақалар, кўп болали ва ёлғиз оналарга давлат нафақалари, муддатли ҳарбий хизматдаги ҳарбий хизматчиларнинг фарзандларига бериладиган нафақалар, давлат заёмларининг облигациялари ва лотереяларга чиққан ютуқлар ва шу кабилар даромад солиғи олинадиган даромадга қўшилмайди.

Жисмоний шахсларнинг мол-мулкидан олинадиган солиқ бўйича чегириб ташлашлар фақат айрим солиқ субъектларини солиққа тортишдан озод қилишда ифодаланади, мазкур солиқ объектларига бун-

дай чегириб ташлашлар тааллуқли бўлмайди. Масалан, Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига сазовор бўлган шахслар, уч даражали Шўҳрат ордени билан мукофотланганлар, “Қаҳрамон она” унвонини олган оналар ва ун ва ундан кўп болани туғиб, вояга етказган оналар ва бошқалар мол-мулкка доир барча солиқлардан озод қилинадилар. Пенсиялар, I ва II гуруҳ ногиронлар ва бошқалар иморат, бино ва иншоот учун солиқ тулашдан озод қилинадилар.

Солиқ имтиёзининг куриб чиқилаётган тури қатор билвосита солиқларга ҳам тааллуқли бўлади. Масалан, шаҳар ва йўловчилар транспортининг (таксидан ташқари) хизматлари, шунингдек шаҳар атрофида йўловчиларни темир йўл, автомобиль ва дарё транспортда ташиш бўйича курсатиладиган хизматлар; суғурта ва қайта суғурталаш бўйича операциялар, шу жумладан воситачилар ва суғурта агентлари курсатадиган ушбу операциялар билан боғлиқ хизматлар ва бошқа қатор хизматлар ва операциялар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинади.

Чегириб ташлашлар доимий асосда ёки чекланган муддатта берилиши мумкин. Масалан, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш, халқ истеъмол молларини, қурилиш материалларини ишлаб чиқариш соҳасидаги фаолиятни амалга оширадиган деҳқон (фермер) хўжаликлари ва хусусий корхоналар ташкил топган (руйхатдан ўтган) вақтидан бошлаб дастлабки икки йил давомида даромад солиғини тулашдан озод қилинадилар. Икки йилдан сўнг улар умумий асосларда солиқларни тулай бошлайдилар. Солиқ имтиёзларининг куриб чиқилаётган тури фуқаролардан олинadиган даромад солиғи тўғрисидаги Қонунда ҳам ўз аксини топган. Жумладан, деҳқон хўжаликларининг аъзолари деҳқон хўжалиги ташкил топган йилдан бошлаб икки йил мобайнида олинadиган даромад туридан қатъи назар, ушбу хўжаликдан оладиган даромадлари бўйича даромад солиғидан тулиқ озод қилинадилар.

Скидкалар солиқ ёки солиқ базасининг миқдорини қисқартирadиган имтиёзлардир. Масалан, янги ташкил қилинган корхоналар (биржалар, тайёрлов, улгуржи ва таъминот-сотиш, воситачилик ва савдо-тижорат корхоналаридан ташқари) ташкил топган (руйхатдан ўтган) пайтидан бошлаб биринчи йил давомида белгиланган ставканинг 25%, иккинчи йили 50% миқдорида солиқ тулайдилар, бу, табиийки, даромадлар (фойда) дан туланадиган солиқнинг абсолют суммасини камайтиради.

Солиқ туловчининг солиққа тортилиши лозим бўлган даромади (фойдаси) нинг унинг жамият ва давлат томонидан рағбатлангирладиган мақсадлар: хайрия жамғармаларига, соғлиқни сақлаш, халқ маорифи ва маданият муассасаларига пул ўтказишлар, табиатни муҳофаза қилиш тадбирлари учун харажатлар ва бошқаларга сар-

флаган маблағлари суммасига камайтирилиши ҳуқуқига эгалши солиқ қонунларига мувофиқ бериладиган солиқ имтиёзининг кўриб чиқиладиган турига мисол бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Солиқ кредити деганда солиқ ставкаси ёки мोजनाдан олинadиган солиқ суммасининг камайтирилишига оид имтиёзларни тушуниш лозим. Яшн солиқ деб аталадиган мोजनाдан олинadиган солиқ солиқ базасига кирадиган солиққа тортиш бирликлари сонининг солиқ ставкаси (ставкалари) га кўпайтирилишидан чиқадиган натижадан иборатдир. Солиқ қонунларида қўлланиладиган “кредит” тушунчаси қайтариладиган ва фойдаланганлик учун ҳақ (фонизлар) туланадиган кредитни англамайди. Бундай хусусиятлар, масалан, банк кредитига хосдир, бундай кредитнинг аломатлари (муддатлик, қайтарилиш, ҳақ туланиши) солиқ кредитининг фақат бир турига инвестицияли солиқ кредитига тегишлидир.

Солиқ кредитининг ҳар хил турлари мавжуд бўлиб, уларнинг кўпчилиги қайтарилмайдиган ва ҳақ туланмайдигандир. Уларни бериш шартларига қараб улар шартли равишда қайтариладиган ва текин бўлиши мумкин. Қайд қилинганидек, янгидан ташкил қилинган корхоналарга даромад (фойда) солигини уларнинг муайян давр мобайнида фаолиятни амалга ошириш шarti билан амалдаги ставкаларга қараганда пасайтирилган ставкалар бўйича тулаш ҳуқуқи берилadi. Қўйилган шарт бузилгани ҳолда солиқ корхонанинг бутун фаолият даври учун тўлиқ миқдорда ҳисобланади. Жумладан, қонунда корхона фаолияти уч йиллик муддат ўтмасидан олдин тугатиладиган бўлса, солиқ суммасининг тўлиқ миқдорда ҳисобланиши белгилаб қўйилган.

Солиқ кредити солиқни тулаш муддатининг узайтирилиши ёки бўлиб-бўлиб ташланиши, илгари туланган солиқнинг (солиқнинг бир қисмининг) қайтарилиши, олдин туланган солиқнинг (солиқнинг бир қисмининг) натурал ижро сифатида ҳисобга олиниши (мақсадли солиқ кредити) хилида берилиши мумкин.

Бюджетга солиқ тушумларининг камайиши нафақат расмий солиқ имтиёзлари ҳисобига, шу билан бирга солиқларни тулашдан тўғридан-тўғри бўйин товлаш натижасида ҳам рўй бериши мумкин. Бундай интилиш йирик ва кичик бизнес учун ҳам характерлидир. Бироқ агар йирик компаниялар солиқлар сифатида туланадиган суммаларни қисқартириш мақсадида норасмий усуллар (даромаднинг камайтириб кўрсатилиши, “қўшалoқ бухгалтериянинг” юритилиши) билан бир қаторда расмий усуллардан ҳам фойдаланишга интилса, кичик фирмаларга нолегал усуллардан фойдаланиш тенденцияси хосдир.

“Махфий иқтисодиёт” деб аталадиган кичик ва ўрта корхоналар анчагина қисмининг тадбиркорлик фаолияти фактини яшириши давлат учун жиддий муаммо ҳисобланади. Кўпинча қўшлаб

амалий операциялар рўйхатдан ўтказилмайди, демак солиқнинг анчагина қисми туланмайди. Айрим баҳолашларга қараганда, масалан, бундай ҳол Италия учун қўшилган қиймат солиғининг 3/1 қисмига яқинини ташкил этади; бу мамлакатда қорхоналарга сарфланган сармоядан олинадиган даромадларнинг қарийб 70% солиққа тортиш билан қамраб олинган.

Солиқни ҳисоблаш тартиби. Солиқ тўғрисидаги қонундаги солиқни ҳисоблаш тартиби сингари унсурсиз солиқ туловчининг солиқ борасидаги мажбуриятисиз охиригача аниқланиши мумкин эмас. Солиқни ҳисоблаш у ёки бошқа солиққа тортиш объекти бўйича бюджетта ўтказилиши лозим бўлган солиқнинг аниқ суммасини белгилаш деганидир. Амалдаги қонунларда белгилаб қўйилган солиқни ҳисоблаш тартиби, биринчидан, солиқ суммасини ҳисоблаши лозим бўлган шахсни белгилайди, иккинчидан, солиқни ҳисоблашнинг у ёки бошқа тизимини аниқлаб беради.

Солиқ суммасини ҳисоблаш вазифаси қонунчиликка қўра бевосита солиқ туловчининг узига ёки учинчи шахсга (“фискал ҳисоб-китоб”) юклаб қўйилиши мумкин. Масалан, қорхоналарнинг даромадлари (фойдаси)дан олинадиган солиқ бўйича солиқ суммаси солиқ туловчи томонидан бухгалтерлик ҳисоби ва ҳисоботи маълумотлари асосида мустақил равишда белгиланади.

Солиқнинг айрим турлари бўйича унинг суммасини ҳисоблаш вазифаси солиқ идорасига юклатилади; жумладан, Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний шахсларнинг мол-мулкидан олинадиган солиқлар тўғрисида”ги Қонунининг 5-моддасида шундай тартиб назарда тутилган. Солиқ идоралари жисмоний шахсларнинг мол-мулкни солиққа тортиш учун зарур маълумотларни тушлаши ва 1 мартдан кечиктирмасдан солиқ туловчига солиқни тулаш ҳақидаги хабарномани топшириши шарт.

Солиқларнинг айрим турларини ҳисоблаш вазифаси солиқ туловчига ва солиқ идорасига юклатилади. Масалан, “Ер солиғи тўғрисида”ги Қонуннинг 5-моддасига мувофиқ бу солиқ юридик шахслар томонидан мустақил равишда ҳар йилнинг 1 январидаги ҳолат бўйича ҳисоблаб чиқилиши; 1 февралдан кечиктирмасдан ер участкаси жойлашган жойдаги солиқ идорасига ер солиғининг туланганлиги тўғрисидаги ҳисоб-китоблар тақдим этилиши лозим. Мазкур Қонуннинг 6-моддасига мувофиқ жисмоний шахслар учун ер солиғининг ҳисобланиши солиқ идоралари томонидан амалга оширилади; 1 апрелгача бўлган муддатда фуқаронинг тулайдиган солиғи ҳисобланиши ва солиқнинг туланганлиги тўғрисидаги хабарнома тақдим этилиши лозим.

Солиқни ҳисоблаш вазифаси учинчи шахсга ҳам юклатилиши мумкин ва у қонуннинг таъсирига биноан фискал агент ҳисобланади. Фуқаролардан олинадиган даромад солиғи тўғрисидаги қону-

нга мувофиқ бундай вазифа иш берувчига юклатилади. Жумладан, қонун пулик ва натура шаклидаги иш ҳақидан ва бошқа даромадлардан олинadиган даромад солиғининг ана шундай туловларни амалга оширадиган корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар томонидан ҳисобланиши ва ушлаб қоллинишини назарда тутати. Улар солиқларнинг туғри ва ўз вақтида ҳисобланиши, ушлаб қоллиниши ва бюджетга ўтказилишини таъминлаши шарт.

Солиқ туловчилар томонидан мустақил равишда ёки солиқ идоралари томонидан ҳисоблаб чиқиладиган солиқларнинг туланиши буйича ҳуқуқий муносабатлар айрим ўзига хос хусусиятларга эга. Масалан, ҳуқуқий муносабатларнинг биринчи гуруҳи қонун солиқнинг туланиши буйича мажбуриятларни боғлиқ қилиб қўядиган қўйидагича шарт-шароитларда вужудга келади, 1) солиққа тортиш объектининг мавжудлиги; 2) ҳисоб-китобларни тақдим қилиш ва солиқни тулаш муддатларининг келиши. Ҳуқуқий муносабатларнинг бошқа гуруҳининг вужудга келиши учун кўрсатилган ушбу иккита шарт-шароит етарли бўлмайди, уларга учинчи шарт: солиқ туловчига ҳужжатнинг, масалан, солиқ миқдорини белгилаб берадиган тулов хабарномасининг тўлдирилиши ва топширилиши ҳам қўшилади.

Шуни назарда тутиш керакки, бундай ҳужжатнинг тўлдирилишининг ўзи солиқ борасидаги ҳуқуқий муносабатларни юзага келтирмайди, бу фақат русум-қоида бўлиб, шахсга солиқни тулаш буйича мажбуриятларни юклаш учун асос бўлиб хизмат қила олмайди. Фақат барча учта шарт-шароитнинг йиғиндиси (солиққа тортиш объектининг мавжудлиги, ҳисоб-китобларни тақдим қилиш ва солиқни тулаш муддатларининг келиши, шунингдек солиқ идорасининг тулов хабарномасини ёки шунга ўхшаган бошқа ҳужжатни тўлдирилиши ва солиқ туловчига топширилиши) солиқ идораси ҳисоблаб чиққан солиқни тулаш мажбуриятини юзага келтиради.

Яна шуни ҳам қайд қиламизки, солиқлар соҳасидаги ҳуқуқий муносабатларнинг мазкур гуруҳида кўрсатиб ўтилган шарт-шароитлар бир хилда вужудга келмайди. Масалан, солиқни тулаш муддати келгунига қадар солиққа тортиш объектининг бўлмаслиги ҳатто солиқ идорасининг хабарномаси мавжуд бўлганида ҳам солиққа доир мажбуриятни ҳосил қилмайди. Шу билан бирга биринчи иккита шарт-шароит мавжуд бўлиб, учинчиси бўлмаганида солиқ туловчининг солиқни тулашга доир мажбурияти қонунда белгиланган муддат мобайнида сақланиб қолади. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний шахсларнинг мол-мулкидан олинadиган солиқлар туғрисида”ги Қонунининг 5-моддасига мувофиқ мазкур солиқни тулашга ўз вақтида жалб қилинмаган шахслар кўпи билан бундан олдинги уч йил учун шу солиқни тулайдилар.

Қонунчиликда солиқни ҳисоблашнинг турли тизимлари, кўпинча жамловчи ва жамламайдиган тизимлари қўлланилади. Жамланмайдиган тизимда солиқ тўловчининг ҳар бир олан тўлови илгари олинган даромадларини ҳисобга олмасдан алоҳида тарзда солиққа тортилиши мумкин. Бундай тизим 90-йилларгача фуқаролардан даромад солиғини олишда қўлланилган: солиқ суммаси бундан олдинги ойдаги берилган тўловларни ва ушбу тўловлар учун ушлаб қўлинган солиқни ҳисобга олмасдан ҳар бир ой учун алоҳида тарзда белгиланадиган ставкалардан келиб чиқиб ҳисобланарди.

Солиқни ҳисоблашнинг бундай тизими ўзининг афзалликлари ва камчиликларига эга. Бу тизимнинг солиқ тўловчининг даромадларининг, улар тўланган манбаларнинг мураккаб ҳисоб-китоб қилинишини, масалан, ўз ходимларининг даромадларидан даромад солиғини ҳисоблайдиган корхонанинг бундай ҳисоб-китоблар қилишини талаб этмаслиги унинг афзалликларига киради. Бундай тизимнинг солиқ тўловчи учун жиддий ноқулайликлар туғдириши унинг камчиликларига киради, чунки бунда йилнинг натижаларига кўра даромаднинг мураккаб тарзда қайта ҳисоб-китоб қилинишини талаб этадиган вазият вужудга келади, сабаби қўшимча равишда катта суммадаги солиқни тўлаш зарурияти пайдо бўлиб қолиши мумкин.

Жамловчи тизимда солиқнинг ҳисобланиши ўсиб боровчи якунга биноан амалга оширилади. Бундай тизим йилнинг аниқ санасигача олинган даромад суммасини, шунингдек солиқ тўловчининг шу муддатгача тўлаган солиқларининг умумий суммасини белгилаш имкониятини беради. Шунинг учун фақат бир манбадан даромад оладиган солиқ тўловчи йилнинг охирига бориб даромадининг қайта ҳисоб-китоб қилиниши ва қўшимча солиқ тўлаш заруриятидан озод бўлади.

Солиқни ҳисоблашнинг жамловчи тизими, масалан, фуқаролардан даромад солиғини олишда қўлланилади. Илова ҳисобварағи ҳар бир даромадни тўлаш пайтидаги тўловлар манбаси муайян солиқ тўловчи учун йил бошидан бери бундай тўловларнинг умумий суммасини белгилаб беради. Солиқ даромадларнинг умумий суммасидан ўсиб боровчи якун бўйича ҳисоблаб чиқилган скидкаларни ҳисобга олган ҳолда ҳисобланади. Бунда муайян давр учун ҳисоб-китоб қилинган солиқ суммаси ушбу солиқдан илгари ушлаб қўлинган солиқ суммасига камайтирилади. Буни бир ходимнинг 1995 йилнинг март ойидаги даромад солиғини ҳисоблаш мисолида изоҳлаб бериш мумкин. Биринчи навбатда йил бошидан бери олинган, масалан, 2100 сўмдан иборат бўлган (январь 600 сўм, февраль 650 сўм, март 850 сўм) ялпи даромад аниқланади. Бу суммадан скидкалар, мазкур ҳолда январь март ойларида 500 сўмни ташкил этадиган солиққа тортилмайдиган минимум (январь 100, февраль 100, март 300 сўм) чиқариб ташланади. Шуни

ҳисобга олган ҳолда 3 ой учун ушиб борувчи яқунга кура солиққа тортиладиган даромад 1600 сўмдан иборат бўлади (2100-500). Ушбу суммадан белгиланган ставка бўйича ҳисобланадиган солиқ 330 сўм бўлади (700 x 15 + 900 x 25). Январь ва февраль учун илгари ушлаб қолинган солиқ суммаси 227, 5 сўм. Мазкур ходимнинг март ойидаги даромадларидан ушланиши лозим бўлган солиқ суммаси 102, 5 сўмга тенг (330-227,5).

Солиқни ҳисоблашнинг жамловчи тизими субъект туловлар манбаининг ходимга туланган туловларни ва ушланган суммаларни аниқ ҳисобга олиб боришини тақозо этади. Акс ҳолда бу солиқнинг ортиқча суммаларининг ушланишига ёки бундай суммаларнинг тулиқ ушланмаслигига олиб келиши мумкин.

Шуни қайд қилиш керакки, солиқни ҳисоблашнинг бундай тизими муайян солиқ туловчи учун ноқулайликлар туғдиради. Мабодо у айрим сабабларга кура тулов қайдномасида субъект туловлар манбаининг, масалан, август ойи учун ҳисоблаган ва ушлаб қолган солиқ суммаси нотўғри деган қарорга келса, унинг барча маълумотларни жалб қилган ҳолда анча мураккаб ҳисобкитобларни амалга оширишига тўғри келади.

Жамланмайдиган тизимда жиддий қийинчиликлар учрамайди. Бир давр учун солиқ суммасини ҳисоблаш учун ушбу давр учун ҳисобланган даромад миқдорини ва солиқ ставкасини билиш кифоя. Бироқ бунда йил давомида даромадлар нотекис бўлганида солиқларнинг ортиқча туланишига доир муаммо пайдо бўлади, бундай ҳол мавсумий ишларда ишлайдиганлар, шунингдек қалам ҳақи оладиган ижодий ходимларга айниқса тааллуқли бўлади.

Қонунчиликда солиқни ҳисоблашга оид куриб чиқилаётган тизимларнинг қўшиб олиб борилиши назарда тутилиши мумкин. Одатда, бундай қўшиб олиб бориш солиқ туловчи бир неча манбалардан даромадлар оладиган ва унинг ялпи даромадини мунгазам равишда ҳисоблаб бориш мумкин бўлмаган ҳолларда қўлланилади. Масалан, асосий иш жойидаги даромадлардан солиқнинг ҳисобланиши жамловчи тизим бўйича, бошқа ишларни бажарганлик учун олган даромадлардан солиқнинг ҳисобланиши жамланмайдиган тизим бўйича амалга оширилади. Ҳамма манбалардан олинган ялпи даромад фақат йил охирида аниқланади, бу даромаддан туланиши лозим бўлган солиқнинг жами суммаси жамлаб чиқилади.

Солиқни ундириш усуллари. Солиқ амалиётида солиқларни ундиришнинг уч усули мавжуд: 1) кадастрли; 2) даромад эгасининг уни манбадан олгунигача; 3) даромад эгасининг даромадини олганидан сўнг (декларация бўйича).

Биринчи усул бевосита реал солиқларни ҳисоблаш учун фойдаланиладиган объектлар (ер, иморатлар ва шу кабилар) нинг баҳоси

ва ўртача даромадлилиги тўғрисидаги маълумотларга эга бўлган кадастр ёки реестрдан фойдаланилишини тақозо этади.

Олий белгиларига кўра таснифланадиган объектнинг тавсифномаси кадастрнинг қурилишига асос бўлади. Масалан, ер кадастрини тузишда турли туманлардаги айна бир хилдаги ер участкалари сифати, жойлашган жойи, фойдаланилиши ва бошқа белгиларига кўра гуруҳланади. Ҳар бир гуруҳ учун майдон бирлигининг қатор йиллар учун ўртача даромадлилиги белгиланади. Бошқа ҳамма ер участкалари майдон бирлигидан солиқ ставкаси белгиланган у ёки бошқа тоифага тенглаштирилади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 13 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 1995 йилги давлат бюджетининг асосий кўрсаткичлари тўғрисида”ги 600-сонли қарорига биноан Тошкент шаҳрида, шунингдек бошқа шаҳарлар ва посёлкаларда жойлашган ер участкаларига эгаллик қилиш ва улардан фойдаланиш учун ер солиғининг ставкалари ер участкаси жойлашган зоналарга қараб табақалаштирилади (Тошкент шаҳри бўйича 14 та зона, бошқа шаҳарлар ва посёлкалар бўйича 4 тадан зоналар ажратилган). Фуқаролардан қишлоқ жойларда жойлашган ер участкаларига эгаллик қилиш ва улардан фойдаланганлик учун ундириладиган ер солиғининг ставкалари бундай зонанинг суғориладиган ёки лалми ер эканлигига боғлиқ қилиб қўйилган. Ўз навбатида, бундай ставкалар аҳоли пунктларидаги ва шундай пунктлардан ташқаридаги ер участкалари бўйича табақалаштирилади.

Солиқни тулашнинг кадастрли усулининг ўзига хос хусусияти сифатида шунини ажратиш керакки, солиқнинг туланиши пайти даромаднинг олинishi пайти билан асло боғлиқ бўлмайди, чунки бундай усулда мол-мулк унинг тахмин қилинадиган даромадлилигининг ташқи белгилари асосида баҳоланади.

Объектнинг ана шундай белгиларга асосланадиган ўртача даромадлилиги унинг ҳақиқий даромадлилигидан жиддий фарқланиши мумкин, шунинг учун бундай усул кўп жиҳатдан тарихийлик тусига эга бўлиши мумкинки, ундан солиқ аппарати унча ривожланмаган ҳолатда қўлланилади.

Иккинчи усулда солиқни солиқ субъектига даромадни туладиган юридик шахс ҳисоблайди ва ушлаб қолади. Ишчининг иш ҳақидан, хизматчининг маошидан даромад солиғи шу тариқа ундирилади. Солиқ корхонада ходимнинг даромадни олишигача ушлаб қолинади, бу солиқни тулашдан бўйин товлашни истисно қилади, чунки бухгалтерия солиқ солинадиган даромадни ва солиқ суммасини аниқ ҳисоб-китоб қилиб чиқади.

Солиқнинг даромад манбаида туланиши шунини англатадики, солиқ уни декларациялар бўйича тулашдаги сингари солиқ идораси томонидан ҳисобланиб, ушлаб қолинмайди, балки уни

субъектлар жисмоний шахс фойдасига тўловни амалга оширадиган тўлов манбалари (корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, бошқа иш берувчилар) ҳисоблайдилар ва ушлаб қоладилар.

Солиқнинг даромад манбаида туланиши усулининг бошқа бир ўзига хос хусусияти шундан иборатки, бунда, одатда, солиқ туланадиган ийитгача даромад олинган бўлади, декларацияли усулда эса бундай изчиллик ўзгарган бўлади.

Солиқнинг даромад манбаида туланиши усулида муайян солиқ тўловчи даромаднинг бир қисмини солиқни субъектлар тўлов манбалари ушлаб қолган тарзда олади. Бундай солиқ тўловчи учун солиқ тулашнинг бу усули солиқнинг автоматик тарзда ушлаб қолиниши ҳисобланади. Бундай усулда ушлаб қолинган солиқлар шунингдек бунақ солиқлари ҳам дейилади, чунки бунда солиққа тортиладиган даромаднинг олинishiга нисбатан солиқ олдинроқ туланади. Масалан, иш ҳақи тулайдиган корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар мазкур ойга (агар иш ҳақи ойда икки марта туланадиган бўлса, ойнинг иккинчи ярми учун) иш ҳақини олиш учун маблағларни олишга ҳужжатларни тақдим қилиш билан бир пайтда банк муассасаларига ходимларнинг иш ҳақидан ушлаб қолинган даромад солиғи суммаларининг бюджет даромадига ўтказилиши тўғрисидаги тўлов топшириқномасини ҳам тақдим этадилар.

Учинчи усул солиқ тўловчиларнинг солиқ идораларига декларацияларни, яъни уларнинг оладиган даромадлари ва ўзларига тегишли бўлган солиқ имтиёзлари ҳақидаги расмий баёнотни беришини назарда тутати. Солиқ идоралари солиқ декларацияси ва амалдаги солиққа тортиш ставкалари асосида туланиши лозим бўлган солиқ миқдорини назорат қиладилар. Солиқ декларацияси асосида, одатда, тadbиркорлик фаолиятдан, деҳқон (фермер) ҳужалигини юритишдан олинadиган даромадлар, шунингдек интеллектуал фаолият билан шуғуланadиган шахслар (фан, адабиёт, санъат асарларининг муаллифлари, кашфиётлар, ихтиролар муаллифлари, саноат намуналарининг яратувчилари ва ҳоказо) даромадлари солиққа тортилади.

Солиққа тортишнинг декларацияли усули шахсий солиқларнинг ривожланиши билан пайдо бўлган ва жаҳоннинг ҳамма мамлакатларида кенг тарқалган. Солиқ тулашнинг бундай усули 1995 йилнинг 1 январидан бошлаб йил давомида асосий иш жойидан ташқарида даромадлар оладиган барча фуқаролар учун белгилаб қўйилган.

Декларация солиқ тўловчининг яшаш жойидаги солиқ идорасига йиллик ялпи даромад, шунингдек ушбу даромаддан туланган солиқлар суммасини кўрсатган ҳолда берилади.

Солиқ тулашнинг декларацияли усули, гарчи у қонунларда бевосита кўрсатилмаган бўлса-да, корхоналарнинг даромади(-фойдаси)дан олинadиган солиққа ҳам тегишли бўлади. Корхоналар даромадларидан олинadиган солиқлар тўғрисидаги қонунга

кўра солиқ тўловчининг солиқ идорасига тақдим этиши керак бўлган бундай солиқнинг ҳисоб-китоби ўз моҳиятига биноан худди шундай декларация ҳисобланади.

Солиқ тўловчининг декларацияси солиқ тўловчининг ўзи ҳисоблаган солиқ суммаси қайд қилинадиган ҳужжатдир. Декларацияга киритиладиган маълумотлар солиқ идорасининг ходими томонидан ҳақиқий маълумотлар билан солиштириб курилади. Бундай маълумотлардаги тафовутлар ё солиқнинг ортиқча тўланган суммасини қайтариш учун, ёки қонунларда назарда тутилган қарзлар, пенялар ва жарималарни ундириш учун асос ҳисобланади.

Кўпчилик ҳолларда декларациянинг берилиши айти техника ҳаракат ҳисобланади, шунинг учун солиқ тўловчи унга солиқ идорасининг солиқни тўлаш ҳақидаги хабарномани беришини кутмасдан тўланиши лозим бўлган солиқ суммасини белгиланган муддатда бюджетга ўтказиши лозим.

Солиқни тўлаш муддатлари. Солиқ тўловчиларнинг бюджетга солиқ тўловларини ўтказиши лозим бўлган аниқ тақвимий саналар қонунларда белгилаб қўйилади. У ёки бу солиқни тўлашнинг аниқ муддатлари кўп жиҳатдан уни тўлаш усулига боғлиқ бўлади.

Декларация бўйича солиқ тўлашда уни тўлаш муддати, одатда, даромадни олиш вақти билан боғлиқ қилиб қўйилади. Шу муносабат билан кўпинча қонунда бюджетга оралиқ (бунак) тўловларининг ўтказилиши мажбурияти белгиланади. Масалан, йил чораги мобайнида даромад (фойда) солиғини тўловчилар йилнинг шу чораги учун олинган мўлжалланаётган фойдадан ва белгиланган ставкадан келиб чиқиб жорий йил чораги биринчи ойининг 5 кунигача солиқ идораларига белгиланган шаклда тақдим этиладиган маълумотномалар асосида бюджетга солиқнинг бунак тўловларини ўтказишлари зарур.

Даромад (фойда) солиғининг бунак тўловлари солиқ тўловчилар томонидан ҳар ойнинг 10 ва 25 кундан кечиктирмасдан корхонанинг даромади (фойдаси) дан йил чораги учун олинган солиқ суммасининг олтидан бир қисми миқдоридан турли ҳиссаларда амалга оширилиши лозим, бунда куриб чиқилаётган солиқнинг унча катта бўлмаган суммасини тўлайдиган тўловчининг илтимосига биноан унга йил чораги учун тўланадиган солиқнинг учдан бир қисми миқдоридан ҳар ойнинг 20 кунда бир марта тўлаш муддати белгиланиши мумкин.

Фуқароларнинг оладиган даромадлари, масалан, деҳқон (фермер) ҳужалигини юритишдан ва тадбиркорлик фаолиятидан олинган даромадлар учун ҳам бунак тўловлари белгиланган. Жумладан, деҳқон ҳужалиги таркибига кирадиган фуқаролар йил давомида қишлоқ ҳужалик маҳсулотларини сотишдан олинган тушум тушган ойдан кейинги ойнинг 10 кунигача бўлган муддат-

да ойлик тушумнинг 10% миқдоридаги даромад солиғини мустақил равишда бюджетга тулашлари лозим. Йил тугаши билан деҳқон ҳужалиги солиқ идорасига унинг аъзоларидан ҳар бирига туланиши лозим бўлган даромад суммаси кўрсатилган декларацияни топширади. Солиқ идораси бундай декларацияни олганидан сўнг деҳқон ҳужалигининг ҳар бир аъзосининг амалда олинган даромадни ва ҳужалик аъзолари оладиган даромадларга пропорционал тарзда белгиланадиган солиқнинг бунақ туловлари суммасини ҳисоб-китоб қилиб чиқади.

Солиқнинг даромад манбасида туланишида тулов муддатлари ходимларга иш ҳақи туланадиган муддатлар билан боғлиқ қилиб қўйилади. Юқорида қайд қилинганидек, даромад манбаи иш ҳақини тулашга маблағлар олиш учун бериладиган ҳужжат билан бир қаторда банкка ходимларнинг иш ҳақидан туланиши лозим бўлган солиқ суммасини бюджетга ўтказиш туғрисидаги тулов топшириқномасини ҳам тақдим этади.

Кадастрли усулда солиқнинг ҳисобланиши солиққа тортиш объектининг ташқи белгилари, олиниши мулжалланаётган даромадлилик асосида амалга оширилиши ва солиқни тулаш муддати купинча даромад олинган пайт билан боғлиқ эмаслиги сабабли бундай солиқларни тулаш учун уларни бюджетга ўтказишнинг қайд қилинган муддатлари белгиланади. Масалан, жисмоний шахсларнинг мол-мулкидан олинадиган солиқ тенг ҳиссаларда икки муддатда 15 июлда ва 15 декабрда, фуқаролардан олинадиган ер солиғи йилда бир марта 1 ноябрғача, юридик шахслардан олинадиган ер солиғи эса йилнинг ҳар чорагида тенг ҳиссаларда 15 февралда, 15 майда, 15 августда ва 15 ноябрда туланади.

Солиқни тулаш муддатлари қонунчиликда бюджетга солиқларнинг бир текисда келиб тушишини таъминлайдиган тарзда белгиланади, маълумки, иқтисодий ва ижтимоий тусдаги энг муҳим тадбирлар бюджетдан маблағ билан таъминланади. Солиқни тулашнинг белгиланган муддатларини бузганлик учун молиявий санкциялар назарда тутилган. Масалан, солиқларнинг ўз вақтида туланмаган суммалари учун бугун қарздорлик даврига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун (шу жумладан тулов куни учун ҳам) қарз суммасининг 0, 2% миқдорида пеня ҳисобланади.

§2. Солиқларнинг таснифланиши

Солиқларнинг таснифланиши солиқларнинг ундирилиши усуллари, қўлланиладиган ставкаларнинг, солиқ имтиёзларининг туси ва шу кабиларга қараб гуруҳланишидир.

Солиқларнинг турлари буйича таснифланишига бир неча белгилар асос бўлади. Асосий гуруҳлар бевосита ва билвосита солиқ-

лардир. Бундай гуруҳланиш солиққа тортиш объектига, туловчи билан давлатнинг ўзаро муносабатларига боғлиқ бўлади. Бевосита солиқлар туғридан-туғри даромадга ва мол-мулкка белгиланади (солиққа тортишнинг бевосита шакли). Товарнинг баҳосида туланадиган ёки тарифга киритиладиган товарлар ва хизматлардан олинадиган солиқлар билвосита солиқларга киради. Товар ва хизматларнинг эгаси уларни сотишда солиқ суммаларини олиб, уларни давлатга ўтказиши (солиққа тортишнинг билвосита шакли).

Даромадлар оладиган (мол-мулкка ва шу қабиларга эгаллик қиладиган) ҳужалик юритувчи субъект бевосита солиқларнинг пировард туловчиси ҳисобланади, нархларга устамалар орқали солиқ юки юклаб қўйиладиган товарнинг истеъмолчиси эса билвосита солиқларнинг пировард туловчиси ҳисобланади.

Амалиётда нафақат билвосита солиқлар, шу билан бирга бевосита солиқларни ҳам истеъмолчилар зиммасига ўтказиши имконияти мавжуддир. Масалан, корпорациялар тулайдиган солиқлар юки инфляция даврида кўпинча нарх-навони ошириб юбориш орқали истеъмолчилар зиммасига юклаб қўйилади.

Бевосита солиққа тортишда маблағларнинг сафарбар қилиниши янги қийматни тақсимлаш пайтида бошланади. Давлат даромад барпо қилинган пайтдаёқ унинг бир ҳиссасига ўз ҳуқуқларини даъво қилади.

Солиқ туловчининг даромади (иш ҳақи, фойда, фоизлар ва ҳоказо) ва унинг мол-мулкнинг (ер, уйлар, қимматли қоғозлар ва ҳоказо) қиймати бевосита солиқлар объекти бўлади. Солиққа тортишнинг бу шакли билвосита солиқларга нисбатан бирмунча прогрессивдир, чунки у солиқ туловчининг даромадлигини, оилавий аҳволини ҳисобга олади; солиқ даромадни олиш босқичида ундирилади. Бундан ташқари, бевосита солиққа тортишда солиқ туловчи ўз солиғининг суммасини аниқ билади.

Тарихий жиҳатдан олганда бевосита солиқлар XVIII асрда ва XIX асрнинг биринчи ярмида шаклланди; улар фақат XX асрда кенг оммалашди.

Бевосита солиқлар реал ва шахсий солиқларга бўлинади.

Реал солиқлар солиқ туловчининг мол-мулкнинг айрим турларидан (ер, уйлардан) кадастр асосида ундирилади, туловчининг ҳақиқий даромадлигини эмас, балки ўртача даромадлигини ҳисобга олади. Солиққа тортиш объектига қараб қўйидагилар реал солиқларга киради: ерга оид, уй-жойларга доир, ҳунар-қасбга тегишли, қимматли қоғозлардан олинадиган солиқлар. Реал солиқлар ташқи белгиларга асосланади, солиққа тортиш мол-мулкнинг кадастр бўйича аниқланадиган ўртача даромадлиги бўйича амалга оширилади. Ўз моҳиятига кўра бундай солиқлар регрессив тусга эгадир.

Ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиши, давлат фаолиятининг кенгайиши шахсий солиқларга ўтилишини тақозо этди, чунки реал солиқлар фискал жиҳатдан ҳам, ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ҳам фойдали бўлмай қолди. Реал солиққа тортишнинг айрим унсурлари, одатда, маҳаллий солиқлар тизимида (шахсий солиқларга тортиладиган қимматли қоғозлардан олинadиган солиқдан ташқари) асосан саноат жиҳатдан тараққий этган мамлакатларда сақланиб қолган. Шахсий солиқлар равнақ топмоқда. Булар даромадлар манбаида ёки декларация бўйича ундириладиган жисмоний ва юридик шахсларнинг даромадлари ва мол-мулкдан олинadиган солиқлардир. Реал солиқдан фарқли равишда шахсий солиққа тортишда объект (даромад, мол-мулк) ҳар бир туловчи учун якка тартибда ҳисоблаб чиқилади, унинг молиявий аҳволи (ойла сони, қарздорлик ва ҳоказо) эътиборга олинади. Ривожланган мамлакатларда солиққа тортиш объектига қараб шахсий солиқларнинг қуйидаги турларини фарқлашади: даромад солиғи, пуллик сармоялардан тушадиган даромадлардан олинadиган солиқ, сармоянинг ўсишидан олинadиган солиқ, корпорациянинг фойдасидан олинadиган солиқ, меросдан ва совға қилишда олинadиган солиқ, мол-мулкдан олинadиган солиқ, жон бошига олинadиган солиқ ва ҳоказо.

Билвосита солиқлар баҳога ёки тарифга устама сифатида белгиланadиган товарлар ва хизматлардан олинadиган солиқлардир. Билвосита солиққа тортишда давлат товар ёки хизматларнинг сотилиши пайтида ушбу қийматнинг бир қисмига ўз ҳуқуқларини даъво қилиш билан аслида янги қийматнинг тақсимланишининг иштирокчиси бўлиб қолади. Билвосита солиқлар бевосита солиқлардан фарқли равишда туловчининг даромади ёки мол-мулки билан бевосита боғлиқ бўлмайди. Товарлар, одатда, шахсий истеъмол товарлари, шунингдек хизмат курсатиш соҳасининг (сартарошхоналар, ҳаммомлар, кимёвий тозаланг хизматлари) пуллик айланмаси, томоша курсатадиган ва транспорт қорхоналарининг патталари ва шу кабилар солиққа тортиш объекти бўлади. Билвосита солиқларга тортиладиган товарлар ва хизматлар сони мунтазам кенгайиб бормоқда.

Харидор-истеъмолчи билвосита солиқнинг туловчиси бўлади. Товарнинг соҳиби ёки хизматлар курсатадиган шахс аслида солиқни йиғувчи ҳисобланади. Билвосита солиқларнинг анчагина қисми мулкдор томонидан товарнинг ёки хизматларнинг нархига қўшилади. Давлат қорхоналари ва монополиялар солиқнинг бутун суммасига нархларни ошириш бўйича жуда катта имкониятларга эгадир. Тармоқ ичидаги рақобат юксак бўлганида ва талаб барқарор бўлмаган ҳолда солиқнинг муайян ҳиссаси товарнинг ишлаб чиқарувчиси ва сотувчи томонидан туланади. Билвосита солиқларнинг асосий туловчиси пировард оқибатда истеъмолчилар бўладилар.

Билвосита солиқлар даромадлиликни, оилавий аҳволни ҳисобга олмайди. Ҳамма фуқаролар ўз даромадларининг миқдоридан қатъи назар, бундай солиқларни тўлайдилар, чунки билвосита солиқларга тортиладиган турмуш учун зарур бўлган товарларни истеъмол қилишади ва хизматлардан фойдаланишади.

Билвосита солиқларнинг ставкалари қатъий (товар ўлчамининг бирлигига) ва фоизли (товарнинг нархига муайян ҳиссада) бўлади. Фоизли ставкалар давлат учун кўпроқ фойдалидир, чунки нархлар ошганида солиқ тушумлари ҳам кўпаяди. Солиқ ставкаларининг оширилиши уларнинг товарларнинг нархидаги ҳиссасининг орттишига олиб келади.

Билвосита солиқлар акцизларни, давлатнинг фискал монополияларини ва божхона бождларини ўз ичига олади.

Акцизлар ундирилиш усулига қараб яқка тартибдаги (пивога, шакарга, бензинга ва ҳоказо) ва универсал (қўшилган қиймат солиғи ва бошқалар) турларга бўлинади.

Улар асосан хўжалик актларидан ва айланмалардан, молиявий операциялардан келиб чиқади.

Билвосита солиқларнинг **божхона бождлари** каби тури хусусида батафсил тўхталамиз. Божхона бождлари импорт, экспорт ва транзит товарларга солинадиган, давлат бюджети даромадига келиб тушадиган билвосита солиқлардир. Ривожланган бозор иқтисодидега эга мамлакатларда мамлакатга олиб кириладиган товарларга импорт божхона бождлари кўпроқ урин тутати.

Божхона бождлари божхона тарифида назарда тутилган ставкалар бўйича ундирилади, бундай тариф олиб кириладиган хорижий ёки олиб чиқиладиган миллий товарлар рўйхатини ўз ичига олади, унда товарларни солиққа тортиш бирликлари ва бож ставкалари кўрсатилади. Божхона бождларини ундиришда специфик, адвалер ва аралаш ставкалар қўлланилади.

Одатда ставкалар товар қийматининг бир қисми (адвалер божхона бож) сифатида, кам ҳолларда товар ўлчамининг бирлигидан қатъий суммада (специфик божхона бож) белгиланади. Хомашё, озиқ-овқатлар адвалер ставкалари бўйича, тайёр маҳсулотлар специфик ставкалар бўйича солиққа тортилади. Айрим мамлакатларда ҳар иккала ставка ҳам қўшиб олиб борилади. Одатда божхона тарифида бир хил товарнинг ўзига бир неча ставкалар (икки устунли, уч устунли тарифлар) назарда тутилади: паст, энг юқори ва имтиёзли ставкалар. Паст ставкалар хомашё ва айрим бошқа товарларга; энг юқори ставкалар ишлаб чиқариш саноатининг тайёр маҳсулотларига, шунингдек қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг кўпгина турларига; имтиёзли ставкалар айрим товарларга ёки ҳукуматлараро битимлар асосида айрим мамлакатларга нисбатан қўлланилади.

Мақсадга қараб божхона божлари бюджет даромадларининг маблағлари сифатидаги фискал божларга; ички бозорни хорижий товарларнинг босиб киришидан ҳимоя қиладиган протекцион ва юксак даражадаги протекцион божларга; мамлакат ичкарида паст баҳоларда сотиладиган импорт товарларга нисбатан қўлланиладиган антидемпинг (протекцион божларнинг бир тури) божлар; шартномага кўра муайян товарга ёки бутун импортга белгиладиган преференциал божлар ва бошқаларга бўлинади.

Божхона божлари фискал, иқтисодий ва сиёсий аҳамият касб этади. Кўпгина давлатларнинг бюджетларида божларнинг келиб тушишининг пасайиши қайд қилинмоқда. Ҳозирда Бельгия, Дания, Канада, Швециянинг давлат бюджетларидаги солиқ даромадларида божларнинг улуши 5% дан камни, АҚШ, Франция, Германия, Италияда эса 2% дан камни ташкил этади. Сармоянинг бошланғич жамланиши ва эркин рақобат даври учун хос бўлган божларнинг протекцион аҳамияти божхона илгирчиликларининг таркиб топиши натижасида ҳозирги ривожланган давлатларнинг иқтисодий сиёсатида бирмунча сусаймоқда. Уз бозорларини ҳимоя қилиш учун акцизлар ва, биринчи навбатда, олиб кириладиган хорижий товарлардан олинадиган божларга қўшимча равишда ундириладиган қўшилган қиймат солиғи қўлланилади.

Божхона божлари сиёсий мақсадларда ҳам қўлланилади. Қандайдир бир давлат унга маъқул бўлмайдиган сиёсат юритадиган мамлакатлардан келтириладиган товарларга божхона божларини белгилаши мумкин.

Давлатнинг ижтимоий вазифалари кенгайиши муносабати билан ижтимоий суғурга жамгармасига бадаллар анча оммаланиб кетди. Уз моҳиятига кўра бундай бадаллар мақсадли солиқлар ҳисобланади, чунки улар тўғридан-тўғри мақсадли кўзлайди.

Бевосита, билвосита солиқларни, шунингдек ижтимоий суғурга жамгармасига бадалларни ҳам турларга бўлиш мумкин.

Солиқларнинг айрим турларининг нисбати жамиятнинг ривожланишига қараб ўзгарди. XIX асрда ва XX аср бошида ундирилишининг соддалиги билан ажралиб турадиган билвосита солиқлар асосий аҳамият касб этган эди. 20-йиллардан бошлаб кўпгина мамлакатларда бевосита солиқлар кўпроқ аҳамият касб эта бошлади. Иккинчи жаҳон урушидан сўнг ривожланган мамлакатларнинг солиқ тизимида бевосита солиқлар алоҳида аҳамиятга эга бўлиб қолди, даромад солиғи ва корпорацияларнинг фойдасидан олинадиган солиқ улар ичида асосий урин тутарди.

Солиқни белгилайдиган ва унинг суммасини тасарруф этадиган органнинг турига қараб солиқлар давлат ва маҳаллий солиқларга бўлинади.

Давлат солиқлари ҳукумат томонидан мамлакатнинг миллий қонунчилиги асосида ундирилади ва давлат бюджетига йўналтирилади. Уларга даромад солиғи, даромадлардан олинadиган солиқ, қўшилган қиймат солиғи, божхона божлари ва бошқалар киради.

Маҳаллий солиқлар маҳаллий бошқарув органлари томонидан ўз ҳудудида ундирилади ва маҳаллий бюджетларга тушади. Маҳаллий ҳокимият органлари асосан якка тартибдаги акцизларни, купгина ўзига хос турларга эга бўлган мол-мулклардан олинadиган солиқни белгилайдилар.

Қатор мамлакатларда давлат солиқлари маҳаллий бошқарув органлари томонидан ундирилади ва давлат хазинасига ўтказилади. Масалан, Германияда иш ҳақидан даромад солиғи ўлкаларнинг ҳукуматлари томонидан йиғилади ва унинг муайян қисми федерацияга ўтказилади.

Давлатлараро солиқларнинг алоҳида тури пайдо бўлди, масалан, Европа Иттифоқи мамлакатларида амал қиладиган импорт қишлоқ хўжалик маҳсулотларига солиқ бунга мисол бўлади, бу солиқдан олинган маблағлар Европа Иттифоқининг бюджетига тушади.

Фойдаланиш турига қараб солиқлар умумий ва махсус (мақсадли) солиқларга фарқланади. Умумий солиқлар ўз хусусиятларини йўқотади ва давлатнинг ягона кассасига келиб тушади, улар умумдавлат тадбирлари учун мўлжаллангандир. Махсус (мақсадли) солиқлар қатъий белгилаб қўйилган мақсадга эга. Масалан, Ўзбекистонда даромад солиғи ва қўшилган қиймат солиғи умумий солиқлар ҳисобланади, ҳудудларни тозалаш учун олинadиган йўл солиғи эса махсус солиқдир.

IV БОБ

ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАРНИНГ СОЛИҚ ТИЗИМЛАРИ ВА ХАЛҚАРО СОЛИҚ МУНОСАБАТЛАРИ

Кўпгина мамлакатлар учун жамиятнинг иқтисодий ҳаётига давлат таъсирининг кучайиши характерлидир. Кўплаб ривожланган мамлакатларнинг иқтисодиётини “аралаш иқтисодиёт” сифатида тавсифлаш мумкин, унда эркин тadbиркорлик иқтисодий жараёнларнинг давлат томонидан фаол тартибга солиб турилиш шароитида тараққий этади.

Солиқ сиёсати ва тadbиркорлик фаолиятига молиявий таъсир курсатиш давлат томонидан тартибга солишнинг асосий воситасидир. Жаҳон амалиётида амалий фаолиятнинг таназзули, иқтисодиётнинг турғунлик ҳолати даврларида, нисбатан барқарор ривожланиш даврида ва “улкан сакрашлар” нойтларида солиқ сиёсатидан фойдаланиш юзасидан тажриба тушланган.

Марказлаштирилган тарзда режалаштириладиган иқтисодиётга эга Ўзбекистон ривожланган мамлакатларнинг солиққа тортиш тизимидаги афзалликлардан фойдаланган ҳолда солиқ тизimini шакллантиришнинг соддалаштирилган усуллари ташлашдек ноёб имкониятга эгадир.

Истиқболда мамлакатнинг давлат бюджети даромадларида ... (корхоналар даромадларидан олинадиган солиқ...) ва жисмоний шахсларнинг иш ҳақидан олинадиган даромад солиғи, корпорациялар даромадларидан олинадиган солиқ, қўшилган қиймат солиғи энг кўп салмоққа эга бўлиши сабабли мазкур бобда хорижий мамлакатлар амалиётида айни шундай солиқларнинг қўлланилиши масаласи кўриб чиқилади.

§1. Жаҳоннинг ривожланган мамлакатларидаги солиқ тизими модели

Ривожланган мамлакатларнинг солиқ тизимлари кўпгина умумий хусусиятларга эга ва айни пайтда бир-биридан фарқ ҳам

қилади. Уларни шартли равишда бир неча турларга бўлиш мумкин: америкача модель (АҚШники), японча, европача моделлар, “ноандазавий” ва “мослашган” деб аталадиган моделлар.

Қуйидагиларни барча моделларнинг умумий белгилари сифатида кўрсатиш мумкин:

ривожланган қонунчилик базаси, вужудга келадиган мунозаралар, вазифалар ва вазиятларни ҳал этишнинг ҳуқуқий ва иқтисодий воситалари, механизмлари ва усуллари;

солиқ органлари ташкил этилишининг юксак даражаси (техника воситалари билан жиҳозланганлик; юқори иш ҳақи; замонавий алоқа воситалари, полиграфия базаси; жамоатчилик, оммавий ахборот воситалари билан алоқа);

солиқ идораларининг солиқ тўловчилар олдида ишончга ва юксак обрўга эгаллиги;

вазирликлар ва идоралар вазифаларининг аниқ чегаралаб қўйилганлиги ва улар ишида бир-бирини такрорлашнинг йўқлиги;

ҳукуматнинг вакили бўлган ва унинг номидан иш олиб борадиган солиқ агентининг (инспекторнинг) катта аҳамиятта ва обрўга эгаллиги;

кадрларни таҳлил этиш, урганиш, олдиндан белгилаш, ўқитиш, солиқ тўловчилар (жамоатчилик) билан алоқалар бўйича институтларнинг мавжудлиги;

солиққа тортиш тизимини ташкил қилиш ва ривожлантириш назарияси ва амалиётининг юксак даражада ўзаро боғлиқлиги, қабул қилинадиган қарорларнинг илмий асосланганлиги;

солиқ идораларининг айниқса ахборот билан алмашиниш соҳасида молия органлари ва банк тизими билан чамбарчас боғлиқлиги.

Шу билан бирга бу моделларнинг ҳар бири уларнинг тафовутларини белгилаб берадиган ўз белгиларига эга.

Америкача модель қуйидаги белгилари билан тавсифланади:

бутун солиқ тизимининг солиқ тўловчиларнинг тушуниши учун мураккаблиги (шу сабабли мамлакатда 50 мингдан ортиқ мустақил хусусий солиқ маслаҳатчилари иш олиб боради);

мамлакатнинг солиқ тизимида жуда катта бошқарув ва ижрочилик аппаратининг мавжудлиги;

солиқ органлари умумий тузилишининг мамлакат миқёсида қатъий марказлаштирилишининг йўқлиги, мамлакат солиқ идораларининг уч даражали федерал, штат ва шаҳар (баъзан айрим графликлар даражасидаги туман) даражаларининг ҳар бир вакилининг тулиқ муҳторлиги ва мустақиллиги;

нақд пул билан ишлайдиган кичик бизнеснинг (лотокдан савдо қилувчилар, кўчадаги савдо ва хизматлар, шуларга ўхшаган

фаолият турлари) даромадларини назорат қилишнинг самарали усуллари йўқлиги;

ноқонуний даромад манбалари (уз даромадларини яширувчилар ва солиқларни тулашдан бўйин товловчилар) туғрисида хабар берувчи кўнгилли “ахборотчилар”нинг (бундай шахслар баъзан солиқдан яширилган сумманинг 10% игача рағбатлантириш ҳақи оладилар) кенг тармоғининг мавжудлиги.

Солиқ тизимининг **японча моделининг** асосий белгиларига қуйидагилар киради:

битта ҳукумат муассасаси Япония Молия вазирлиги назорати остидаги ягона, анча қатъий марказлашган молиявий, солиқ, банк, божхона тизимлари;

жуда юксак ватанпарварлик ва мамлакатга, вазирликка, меҳнат битимини имзолаган компанияга, фирмага, муассасага (японияликларнинг меҳнат битимларининг кўпчилиги умрбод амал қилади) содиқлик ҳисси, натижада кадрлар қўнимсизлигининг йўқлиги, шу жумладан солиқ органлари тизимида ҳам;

қуйидан то энг юқоригача бўлган бошқарув аппарати ўртасидаги ўзаро муносабатларда субординация принципига қатъий риоя қилиниши; олис истиқбол учун олдиндан белгиланган кўрсаткичларнинг тузилиши (масалан, японлар 20 йилдан сўнг 2015 йилга бориб японияликнинг ўртача ёши тахминан 50 ёшга тенг бўлишидан хавотирланишмоқда, бу пенсионерлар сонининг ҳаддан ташқари ошиб кетишини ва солиқ туловчилар сонининг камайишини аңглатади).

Европача модель қуйидагича белгилари билан фарқланади:

Европадаги мамлакатлар ўртасида иқтисодий бирлашишга доимий интилиш;

солиқ фаолиятининг бир хиллаштирилган шакллари: ягона андазалар, ёндашувлар, галқин қилишлар, солиқ декларацияларининг шакллари, иш принциплари.

“Ноандазавий” (“мослашган”) моделлар, одатда, айрим кичик ҳудудли (ёки оролларда жойланган) давлатларда, эркин иқтисодий зонага эга (офшор зонали) давлатларда ва қатор бошқа давлатларда (масалан: Кипр, Люксембург, Сейшель ороллари, Мальдив ороллари) амал қилади. Улар учун турли солиқ имтиёзлари ва енгилликлари, “солиқ таътиллари” деб аталадиган зоналар характерлидир.

§2. Хорижий мамлакатларда шахсий даромад солиғи

Ҳар бир давлатнинг солиқ тизими қанчалик ноёб бўлмасин, унда ҳамisha иккита асосий таркибий қисм корпоратив ва якка тартибдаги шахсга доир қисмлар мавжуд бўлади.

Аҳоли тўлайдиган солиқлар ўртасида амалда дунёдаги ҳамма мамлакатларда мавжуд бўлган шахсий даромад солиғи (ШДС) энг кўп тарқалган солиқ ҳисобланади. ШДС бу алоҳида шахс (уй хўжалиғи ва уюшмаган фирма) нинг солиққа тортилиши лозим бўлган даромадига солинадиган солиқдир. У давлат даромадларининг энг муҳим манбаларидан бири; ривожланган мамлакатларда солиқ тушумларининг қарийб 30% унинг ҳиссасига тўғри келади.

ШДСни VIII асрнинг охирида пайдо бўлган деб тахмин қилиш мумкин. Буюк Британияда даромад солиғи 1798 йилда қабул қилинган ёрдам ва бадаллар тўғрисидаги қонун билан жорий этилган. Францияда бевосита солиққа тортиш тизими Француз инқилобидан сўнг таркиб топган. 1830 ва 1870 йиллардаги ислохотлар жараёнида бу тизим ҳозирги вақтдаги даромадларни солиққа тортиш шакли сифатида раванқ топди. АҚШда даромад солиқлари фақат 1913 йилда жорий этилди.

ШДСни ундириш тизимида кейинги йигирма йил ичида қуйидаги ўзгаришлар юз берди:

1. Умумий кўрсаткичлар (ернинг қиймати, турмуш даражаси, бойлик ва ҳоказо) ўрнига алоҳида солиқ тўловчининг амалда олган даромади солиққа тортиладиган база бўлиб қолди.

2. Даромад тоифаларининг (иш ҳақи, ижара ҳақи, олинган фоизлар ва ҳоказо) алоҳида тарзда солиққа тортилиши яъни даромадни солиққа тортиш шакли билан алмашди (Англия-Америка мамлакатлари гуруҳида).

3. Солиқни ўз-ўзининг ҳисоблашига ўтиш амалга оширилмоқда.

Кўрсатилган ўзгаришлар иқтисодиётдаги тузилмавий ўзгаришлар ва ижтимоий қарашлардаги ўзгаришлар эвазига содир бўлди.

Бошқа солиқларнинг ундирилишига нисбатан ШДСнинг ундирилишининг адолатлилигини, унинг тақсимотдаги нотекисликни бирмунча силлиқлаштириш қобилиятини, давлат даромадларининг манбаи сифатидаги қайишқоқлигини, нархларга оид ўзаро нисбатлардаги янглишишларга жуда кам таъсир қилишини ва бошқаларни одатда ШДСнинг афзалликлари қаторида кўрсатилади.

Солиқ тўловчи. Кўпгина давлатларда уларнинг ўз фуқаролари ва давлатнинг миллий ҳудудида доимий (ёки вақтинча) турган ва қонунга биноан рухсат қилинган фаолиятни амалга оширувчи бошқа шахслар даромад солиғининг тўловчилари деб эътироф қилинади.

Масалан, Миср Республикасида даромад солиғи тўғрисидаги 1991 йил 10 сентябрдаги қонунга мувофиқ мамлакатда кейинги 5 ёки ундан кўп йил давомида доимий турадиган, шунингдек уларнинг доимий яшаш жойининг қаердалиги Мисрдами ёки хориждами эканлигидан қатъи назар, шу давлатдаги манбалардан даромадлар оладиган шахслар солиққа тортиш субъектлари ҳисобланади.

Люксембургнинг қонунларига биноан даромад солиғи солиққа тортишда ҳисобга олинмаган доимий яшаш жойига эга ёки шу мамлакатда оддий бўлиш жойига эга ёхуд у ерда солиққа тортиладиган даромад оладиган яқка тартибдаги шахслар томонидан туланади.

Франция қонунларига биноан қуйидаги субъектлар резидентлар ёки бу мамлакатда доимий яшовчи шахслар ҳисобланади: а) турар жойга эга ёки мамлакат уларнинг асосий бўлиш жойи эканлигини исботловчи шахслар; б) касбий ҳақ туланадиган ёки ҳақ туланмайдиган фаолиятни амалга оширувчилар; в) ўзларининг тижорат манфаатларини амалга оширувчилар.

Италияда резидент (яъни доимий яшовчи) мавқеига эга бўлиш учун миллий ҳудудда ҳар бир тақвимий йилда 6 ойдан ортиқ муддат мобайнида яшаш зарур. Бундан ташқари, бу мамлакат гарчи унинг ҳудудида белгиланган муддат мобайнида яшаманган бўлса-да, шу ҳудудда “ўзининг ҳаётий ёки амалий манфаатлари маркази”га эга бўлган шахсларни ҳам резидентлар сифатида қуриб чиқади.

Ҳиндистонда хорижликлар мабодо бу давлатда 180 кундан ортиқ муддат мобайнида яшаган бўлса ва мустақил даромад манбаларига эга бўлса, даромад солиғига тортиладилар.

АҚШда ҳатто бу мамлакатнинг собиқ фуқароларига ҳам миллий солиқларни тулаш мажбурияти юкланиши мумкин; бундай фараз қилиш шахснинг Америка фуқаролигини йўқотганидан сўнг ҳам 10 йил давомида ўз кучини сақлаб қолади.

Солиққа тортиш объекти. Дунёдаги кўпгина мамлакатларда жисмоний шахслардан олинмаган даромад солиғига нисбатан жисмоний шахснинг молиявий йилда пуллик ва натурал шаклда олган яши даромади солиққа тортиш объекти ҳисобланади. Молиявий (солиқ) йил кўпинча тақвимий йил билан тенг бўлади, лекин ундан фарқ қилиши ҳам мумкин, бироқ барибир у 12 ойдан иборат бўлади. Ана шундай умумий ёндашувдан бошқача ёндашишлар унчалик кўп эмас ва улар тасодифий тусга эга. Масалан, Швейцарияда ёлланиш бўйича ишловчи шахслар ва иш берувчилар учун бундан олдинги икки йил давомида олинган ўртача даромад солиқ базаси бўлиб хизмат қилади.

Солиққа тортиладиган база тушунчаси иш ҳақини, асосий маошдан бошқа турли туловларни (мукофотлар ва ҳоказо), тadbиркорлик фаолиятидан олинган даромадларни (...ОЭСР... нинг солиқ экспертлари қабул қилган атамага мувофиқ “ишлаб топилган даромад”), пенсиялар, дивидендлар, фоизлар, роялти ва даромадларнинг бошқа турларини ўз ичига олади.

Солиқ туловининг аниқ суммасини белгилашда фақат “ўзгартирилган” деб аталадиган, қонунларда назарда тутилган чегирмалар суммасига камайтирилган ялпи даромаддан иборат бўлган даромад ҳисобга олинади. Бундай чегирмалар орасида иш ҳақининг солиққа тортилмайдиган энг кам миқдори муҳим ўрин тутади. Бундан ташқари, солиқ базасидан болаларни боқиб учун туланидиган алиментлар (Австрия, Германия, Швейцария ва бошқаларда), ишсизлик буйича нафақалар (Ирландия, Испания, Португалия, Австрияда), суғурта бадаллари (Дания, Япония, Испаниядан ташқари жаҳондаги куп мамлакатларда), турли бир марталик бериладиган туловлар ва нафақалар (Канада, Швеция, Финляндия, Буюк Британияда) чиқариб ташланиши мумкин; Финляндия ва Грецияда солиққа тортиш мақсадларида банк ҳисобварақлари буйича фоизлар ялпи даромаддан чиқариб ташланади, Австрия, Финляндия ва Туркияда эса давлатнинг қимматли қоғозлари буйича фоизлар бундай даромад таркибидан чиқарилади.

АҚШдаги солиққа тортиладиган даромадни белгилаш схемаси қизиқарлидир, унда даромад солиғининг миқдорини ҳисоблагунча даромадларнинг уч турини: ялпи даромад, ўзгартирилган ялпи даромад ва солиққа тортиладиган даромад миқдорини аниқлаш зарур. Америка қонунларига кўра иш ҳақи, маош, пуллик совғалар, мукофотлар ялпи даромадга киради. Пуллик бўлмаган шаклда олинган даромадлар уларнинг олинган пайтдаги ҳақиқий бозор қиймати буйича баҳоланиши лозим. Банклардаги ва бошқа молли муассасаларидаги омонатларга ҳисобланадиган фоизлар, хусусий корпорациялар ёки давлат органлари томонидан чиқарилган облигациялар ҳам солиққа тортилади. Шунингдек дивидендлар ҳам солиқ базасига киритилади, акциялар сифатида олинган дивидендлар бундан мустаснодир.

Якка тартибдаги касбий ва тadbиркорлик фаолиятидан олинган даромад солиққа тортилади. Солиққа тортиш объектини аниқлашда инвестиция аҳамиятига эга мулкларни (акциялар, облигациялар ва бошқаларни) сотишдан ёки алмаштиришдан қурилган фойда ёки зарарлар ҳисобга олинishi лозим. Ишсизлик буйича нафақалар ҳам солиққа тортилади.

Даромаднинг ҳосил бўлган миқдори энди ўзгартириб чиқилади. Бу миқдордан якка тартибдаги пенсия таъминоти учун йўналтирилган сумма чиқариб ташланиши мумкин, агар бундай сумма оила

ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАРНИНГ СОЛИҚ ТИЗИМЛАРИ ВА ХАЛҚАРО СОЛИҚ МУНОСАБАТЛАРИ

учун 50 минг доллар, якка тартибдаги декларацияларни тулдирадиган эр ва хотин учун 10 минг доллар ва айрим солиқ тўловчилар учун 35 минг долларгача бўлган миқдорни ташкил этса, у даромаддан чиқариб ташланади. Агар солиқ тўловчи талбиркорлик фаолиятдан даромад оладиган бўлса ва қандайдир иш берувчилар томонидан олиб бориладиган суғурта режасининг субъекти бўлмаса, унда саломатликни суғурта қилиш учун кетадиган харажатларнинг 25% солиққа тортиш негизидан чиқариб ташланади.

Даромад солиғининг ҳисоб-китоби андазавий энг кам иш ҳақи миқдорини ҳисобдан чиқариб ташлашдан бошланади. Бир-галикдаги декларацияни тулдирадиган эр ва хотин учун бу уларнинг ҳар бирига 5450 долларни; никоҳда бўлмаган солиқ тўловчи учун 3250 долларни, oilанинг хужайини учун 4750 долларни ташкил этади. 65 ёшдан катта бўлган шахслар ва кўрлар учун солиқ солинмайдиган энг кам миқдор орта боради. Андазавий энг кам миқдордан ташқари даромад шахсий чегирмалар (2050 доллар) ҳисобига ҳам ўзгартирилади.

Солиққа тортиладиган даромаддан ўзгартирилган ялпи даромаднинг 7, 5% миқдоридаги тиббий харажатлар, боқимандага тиббий хизмат курсатиш харажатлари ҳам чиқариб ташланиши мумкин. Тиббий хизмат курсатиш билан боғлиқ транспорт харажатлари ҳам ҳисобга олинади. Ҳисоб-китоб ёки ҳақиқий харажатлар бўйича, ёки бир миля учун 9 цент ҳисобидан келиб чиқиб амалга оширилади. Тиббий ёрдам курсатиш муносабати билан уйдан ташқарида ўтказилган ҳар бир тун учун 50 доллар ҳисобдан чиқариб ташланиши керак бўлади.

Штатларнинг солиқлари ва маҳаллий солиқлар сифатида туланган суммалар, кўчмас мулк учун туланган солиқлар солиққа тортиладиган даромад таркибидан чиқариб ташланади. Бундай даромад миқдори уй харид қилиш учун олинган 1 млн. долларгача (алоҳида декларациялар тулдирадиган эр ва хотин учун 500 минг долларгача) бўлган кредитлар учун туланадиган фоизлар миқдорига ҳам камайтирилиши мумкин.

Инвестиция аҳамиятига эга кредитлар учун туланадиган фоизлар 1 минг долларгача (алоҳида декларациялар тулдирадиган эр ва oilа аъзолари учун 500 долларгача) бўлган миқдорни ташкил этса, солиқ солинадиган даромаддан чиқариб ташланиши мумкин, лекин бундай фоизлар ушбу суммаларнинг 10% дан ортигини ташкил этса, мазкур қонда тааллуқли бўлмайди. Шахсий мақсаддаги кредитлар (автомобиллар учун, истеъмол кредити) бўйича фоизлар улар миқдорининг 10% игача ҳисобдан чиқариб ташланиши мумкин. Хайр-эҳсон харажатлари ўзгартирилган ялпи даромаднинг 50% игача бўлган миқдорда солиқ солинадиган даромаддан чиқариб ташланиши лозим бўлади. Бироқ шу

миқдордан ортиқ бўлган хайр-эҳсонлар суммаси кейинги беш йил давомида даромаддан чиқариб ташланиши мумкин.

Табиий офатлардан қурилган зарарлар ва ўғирланган мол-мулк солиққа тортилмайди. Бундай зарарлар суғуртадан олинган суммалар миқдорига камайтирилиши лозим. Даромаднинг 10% идан ортиқ бўлган зарарларгина ҳисобдан чиқарилади.

Касбий фаолият билан боғлиқ харажатлар (иш жойига бор-гунча транспорт харажатлари, малака ошириш ва ҳоказо) бўйича чегирмалар назарда тутилган.

Бундан ташқари, қонунчилик солиқ кредитлари ва скидкаларнинг табақалаштирилган тизимини белгилайди; улар солиқ солинадиган даромад миқдорини камайтиради ва фақат уларни олиш пайтида ҳисобга олинishi мумкин. Боқимандалар учун уларга хизмат курсатилишига ҳақ тулаш билан боғлиқ 30% миқдордаги харажатларга кредит назарда тутилган. 65 ёшдан ошган кишилар ва ногиронлар учун 750 доллар, якка тартибдаги солиқ тўловчилар учун оила бошлиғига 1125 доллар миқдорда кредит берилади. Солиқ кредити шунингдек хорижий давлатга солиқлар сифатида туланган суммалар учун ҳам берилиши мумкин.

Тадбиркорликка оид солиқ кредити ҳам мавжуд бўлиб, у инвестиция кредитини, иш ҳақи учун кредитни ва бошқаларни уз ичига олади.

Японияда уртача иш ҳақи оладиган кишининг даромадларининг 30% дан купроги даромад солиғига тортилишдан озод қилинади. Бу мамлакатда иш ҳақининг солиқ солинмайдиган энг кам миқдори анча юқори даражани ташкил этади. Саломатлик учун сарфланган маблағлардан солиқ ундирилмайди. Оила аъзолари купчиликни ташкил қилувчи кишилар учун қўшимча солиқ имтиёзлари мавжуд.

Францияда даромадларнинг умумий миқдори қонунда махсус белгилаб қўйилган харажатлар миқдорига камайтирилади. Масалан, овқатланиш учун мақсадли нафақа; муайян ижтимоий гуруҳларга: кекса кишиларга, ногиронларга ва шу кабиларга айрим имтиёзлар берилган.

Францияда кучмас мулк, қимматли қоғозлар ва бошқа кучар мулк билан операциялардан олинган даромадларни солиққа тортишнинг алоҳида қоидалари мавжуд. Масалан, кучмас мулкни юқори баҳога сотиш натижасида олинган фойда сотиш амалга ошган йилда солиқ солиниши лозим бўлган даромадга киритилади, лекин асосий турар жойни, шунингдек камида 32 йил мулк бўлиб турган турар жойни сотишдан олинган даромадлар солиқдан озод қилинади, бундай ҳолларда шу мулкнинг сотувчининг мулкида бўлган муддатига боғлиқ тарзда белгиланадиган солиқларнинг ҳар хил ставкалари қўлланилади.

Энг юқори ставка муддат икки йилгача бўлганида қўлланил-

ади, сўнгра у муайян шкалага кўра 0 гача қисқара боради (муддатга қараб).

Қимматли қоғозлар, шу жумладан акционерлик ҳуқуқларига сертификатлар билан операциялардан олинган фойда, агар бундай операциялардан ҳар йили олинадиган даромадлар 307, 6 минг франкдан ошадиган бўлса, 16% лик ставка бўйича солиққа тортилади.

Қимматли қоғозлардан бошқача бўлган кўчар мулк билан операциялардан олинадиган фойда 20 минг франкдан ортиқ суммадаги битимнинг натижасида ҳосил бўладиган ҳолларда солиққа тортилади.

Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг ставкалари ва уни тулаш тартиби. Даромад солиғини ҳисоблаш учун ҳозирги пайтда хорихда солиқлар соҳасида амал қиладиган қонунлар прогрессив фойзли ставкаларни белгилайди, бундай ставка солиққа тортиладиган объектга нисбатан солиқнинг ҳиссасидан иборат бўлиб, у солиқ тўловчининг даромади миқдорининг ошиб боришига қараб кўтарила боради. Бундай ставкалар солиқ ҳуқуқининг муҳим қоидаларидан бири бўлган адолатли тарзда солиққа тортиш тамойилини бирмунча тўлиқ ҳолда ифодалайди.

Қатор мамлакатларда нисбатан унча юқори бўлмаган бошланғич ставка (10% атрофида) қўлланилади. Энг юқори ставка анчагина баланд бўлиши мумкин ва 90% гача ҳам бориб қолади. Айрим солиқ тизимларида энг паст ва энг юқори ставкалар табақалаштирилган ставкалар қатори амал қиладики, у жойларда аҳолининг юқори даромадлар оладиган гуруҳлари бирмунча юқори ставкалар бўйича солиққа тортилади.

Солиқнинг бундай тури прогрессивлигини баҳолаш анча қийин, чунки бунинг учун шахсий имтиёзлар миқдорини, у ёки бошқа мамлакатдаги ставкалар тузилишини ҳисобга олиш зарур бўлади. Францияда даромад солиғининг прогрессивлиги шундаки, у ерда даромад суммаси турли қисмларга бўлинади ва уларнинг ҳар бирига ўзининг солиқ ставкаси қўлланилади, бундай ставкалар 0 дан 56, 8% ўзгариб туриши мумкин. Ҳар йили бу қисмларнинг миқдорлари ўзгариб туради, бунда улар нарх-навога қараб индекслаштирилади.

АҚШда бундай солиқнинг уч ставкаси мавжуд: пастки 15%, ўртача 28% ва юқоригиси 33%. Бундан ташқари, даромад солиғи кўп жиҳатдан муайян шахсларга қараб табақалаштириб чиқилган; биргаликдаги солиқ декларациясини тўлдирадиган эр ва хотин учун ставка нисбатан паст даражани ташкил этади. Кейинги ўринларни оила бошлиғи ва яқка тартибдаги тўловчилар учун ставкалар эгаллаган, солиқларни алоҳида тарзда тўлайдиган эр ва хотин учун ставкалар энг юқори бўлиши мумкин.

Японияда давлатнинг жисмоний шахслардан оладиган даромад

ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАРНИНГ СОЛИҚ ТИЗИМЛАРИ ВА ХАЛҚАРО СОЛИҚ МУНОСАБАТЛАРИ

солиғи беш ставкага 10, 20, 30, 40 ва 50 % га эга булган прогрессив шкала буйича ундирилади, префектураларга оид даромад солиғи учта ставка 5, 10 ва 15 % лик ставкалар буйича туланади.

Купгина мамлакатларнинг солиқ амалиётида даромад солиғини ундиришнинг икки тизими шедуляр ва умумий тизимлар маълум. Ҳар иккиси ҳам XIXXX асрлар оралиғида таркиб тошди.

Шедуляр тизим даромаднинг унинг олинмиш манбага қараб қисмларга (шедулларга) бўлинишини тақозо қилади, бу қисмларнинг ҳар бири алоҳида ставка буйича солиққа тортилади. Турли хил даромадлар ягона шедуляр солиғига (бундай ҳолда даромад солиғи тўғрисидаги умумий қонун амал қилади) ёки мустақил тарздаги шедуляр солиқларига тортилиши мумкин; кейинги ҳолда солиқ туловчиға амалда бир пайтнинг ўзида бир неча турдаги даромад солиқларини тулаш вазифаси юкланади, бундай солиқлар сони унинг даромадларининг хилма-хиллиғига бевосита боғлиқ қилиб қўйилади.

Шедуляр солиғининг ватани Англиядир, шу сабабли мазкур тизимни қўшинча аҳолининг даромадларини солиққа тортишнинг Британия модели деб ҳам аташади, бироқ Буюк Британиянинг ўзи 1973 йилдан бошлаб бу тизимни қўлламай қўйган. Шедуляр тизим уни қўланишнинг нисбатан соддалиғи ва солиқ туловчиларга тушунарлилиғи туфайли мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайдиган ривожланаётган мамлакатларда кенг тарқалган, бунда ушбу тизимдан нафақат Британиянинг собиқ мустамлакаларида, шу билан бирга Осиё, Африка ва Лотин Америкасидаги француз тили амал қиладиган давлатларда ҳам фойдаланилади.

Масалан, Непалнинг 1963 йилдаги даромад солиғи тўғрисидаги қонунини 9 шедулни назарда тутати ва бундай даромадларни олиш манбаларини санаб кўрсатади: 1) савдо-сотиқ; 2) иш ҳақи; 3) касбий фаолият; 4) пуллик ёки реал инвестиция; 5) деҳқончилик; 6) уйлар ва ер ижараси; 7) суғурта фаолияти; 8) касб сифатидаги воситачилик; 9) бошқа манбалар.

Ҳиндистонда шунга ўхшаган қонун 1961 йилда қабул қилинган; даромад солиғи икки гуруҳга тулашган 11 та қисмдан иборат булган шедуляр тизими буйича ҳисобланади. “Ишлаб топилган даромадлар” деб аталадиган биринчи гуруҳни иш ҳақи, тadbиркорлик ва бошқа касбий фаолиятдан олиннадиган даромадлар, иккинчи гуруҳни қимматли қоғозлар учун дивидендлар ва фонзлар ва бошқалар (ишлаб топилмаган даромадлар, деб аталадиган гуруҳ) ташкил этади.

Ирландия, Люксембург ва бошқа айрим давлатлар ҳам шундай тизимга амал қилади. Ирландиянинг солиқ қонунларига мувофиқ солиққа тортиладиган даромад 4 топфага бўлинади: С ҳар қандай давлат даромадларидан туланадиган фонзлар; D қандайдир бошқача схема буйича солиққа тортилмайдиган ва солиқларни тулашдан озод қилинмайдиган мулкчиликдан, касб-хунарлардан олинган ва

бошқа даромадлар; Е бандликдан, шу жумладан пенсиялардан олинган даромад; F тақсимотлардан олинган даромад.

Умумий тизимда солиқ даромадларнинг манбаларидан қатъи назар, уларнинг жами йиғиндисидан олинади, яъни мазкур модель солиқ базасининг бўлинишини назарда тутмайди. Солиққа тортишнинг умумий усуллари кўпгина ривожланган мамлакатлар томонидан қўлланилади. Масалан, Буюк Британияда ҳамма манбалардан олинган даромаднинг рухсат қилинган чегирмалар чиқариб ташланган умумий миқдори даромад солиғини (Income tax) ҳисоблаш учун асос ҳисобланади. Бельгияда бундай солиқ келиб чиқиши ва табиатидан қатъи назар, “соф” даромаддан ундирилади. Даниянинг қонунарига кўра даромад солиғи одатда солиққа тортиладиган даромад, шу жумладан хориждаги манбалардан олинган даромад базасида ҳисоблаб чиқилади. Франциянинг солиқ кодексига мазкур солиқнинг ҳар йили йил бошида утган молжавий йил якуналарига кўра декларация қилинадиган даромаддан ундирилиши назарда тутилган, бунда нафақат мунтазам тусдаги жорий даромадлар, шу билан бирга, масалан, мулкчилик ҳуқуқларини беришда олинган бир марталик даромадлар ҳам ҳисобга олинади.

Айрим давлатларда аралаш тизим қўлланилади, унда айрим даромадлар мустақил тарзда солиққа тортилади, уларнинг бир қисми эса умумий суммага бирлаштирилади. Масалан, Жазоирда даромад солиғи ҳамма даромадлардан олинган солиқ сифатида амал қилади. Яқка тартибдаги даромад солиғи бундай солиқни туловчилар томонидан ҳар йили тулдириладиган ва бундан олдинги молжавий йилда олинган даромадлар ҳақидаги маълумотларни уз ичига оладиган солиқ декларацияларни асосида ҳисобланади ва ундирилади.

Айрим мамлакатларда солиқ туловчи ўзи тулаши лозим бўлган солиқ суммасини белгиланган шаклга кўра мустақил равишда ҳисоб-китоб қилади, бунда илгари бунақ тарзида туланган солиқ бадалларини ҳисобдан чиқариб ташлайди. Бундай қонда, жумладан, Американинг солиқ қонунарида мавжуд. Францияда ва бошқа айрим давлатларда солиқ миқдори солиқ туловчиларга махсус билдиришномаларни юбориш орқали маълум қилинади.

АҚШда амал қиладиган даромадлар туғрисидаги декларацияларни бериш тартибини бироз батафсилроқ кўриб чиқамиз. Бу мамлакатдаги барча жисмоний шахслар улар солиқларни тулаши ёки туламаслигидан қатъи назар, ҳар йили солиқ декларацияларини тақдим этишга мажбурдирлар, фақат қонунга кўра бундай ҳужжатларни тақдим қилишдан озод этилган кишиларгина бундан мустасно. Ҳар бир солиқ туловчига федерал идентификацион (бир хиллаштирилган) рақам берилади (унинг ижтимоий ва тиббий суғуртага оид варақасида ҳам, ҳайдовчилик гувоҳномасида ҳам шундай рақам қўйилган бўлади). Федерал ҳукумат, штатлар ҳукуматлари ва маҳаллий ҳокимият органлари даромадлари

туғрисида маълумот бериши керак бўлган солиқ субъектига солиқ декларациясининг андазавий шаклини юборишади. Солиқларни тулаш графиги билан бирга ушбу ҳар йиллик шакллар солиқ органлари учун солиққа тортиладиган даромад ҳақидаги батафсил маълумотлар манбаи ҳисобланади.

Бундай молиявий ахборотнинг нозик туста эгалити сабабли солиқ декларациясида курсатиладиган маълумотларнинг махфийлигига (ёпиқлигига) роя этишга тегишли қатъий қонунлар амал қилади. Декларацияларни бериш муддатлари йил тулаганидан сунг 2, 5 7 ой давомидаги муҳлат орасида белгиланади, лекин солиқнинг асосий суммаси солиқ декларацияси бериладиган пайтга қадар туланиши лозим. Солиқ туловчи солиқни тулаш муддатини 6 ойгача бўлган муҳлатгача узайтириш учун рухсат олиши ҳам мумкин.

Одатда солиқ декларациялари солиқ идораларига почта орқали юборилади. АҚШнинг ички даромадлар хизмати декларацияларни замонавий электрон техника (электрон почта) ёрдамида етказиш буйича синовлар ўтказишни бошлади. Декларациялар солиқ туловчилар томонидан имзоланиши лозим. Имзо қуйилганда декларация “ҳақиқий, туғри ва тулиқ” деган ёзув ёзиб қуйилади; бунда декларацияни имзолаган шахс маълум қилинаётган маълумотлар учун тула-туқис жавобгар бўлади, акс ҳолда унинг “ёлгон гувоҳлик” учун жарима тулашига туғри келади, чунки бундай ҳаракат АҚШда жиноят ҳисобланади. Агар солиқ декларацияси бошқа шахс томонидан тайёрланган бўлса, унинг аризаси билан алоҳида имзоси талаб қилинади.

АҚШдаги даромад солиғи туғрисидаги қонунлар дунёдаги энг динамик қонунлардандир, унга тез-тез тузатишлар ва қўшимчалар киритиб турилади; айниқса, бундай солиқни туловчиларнинг айрим гуруҳларини солиққа тортиш ставкалари, уни ундириш тартиби ва шарт-шароитлари нисбатан тез ўзгариб туради.

Жисмоний шахсларнинг даромадларини солиққа тортиш тизими қўллаб хорижий мамлакатларда бу солиқнинг ставкаларини пасайтирган ҳолда солиқ базасини кенгайтириш ва ставкалар шкаласини қуришдаги прогрессия йўналиши томонга қараб ривож топмоқда. Бундай тенденция, бир томондан, аҳолининг меҳнат фаоллигини ошириш ва турли даромад даражаларига эга фискал субъектларнинг янада адолатли тарзда солиққа тортилишини таъминлаш зарурлиги, иккинчи томондан солиқларни тулашдан буйин товлашга қарши курашнинг кучайиши билан боғлиқдир.

§3. Иш ҳақидан ундириладиган солиқ

Иш ҳақи жамғармасидан ундириладиган солиқ мажбурий тартибдаги суғурта қилиш режасига мувофиқ туланадиган суғурта

бадалига, масалан, қариликни суғурта қилиш, текин тиббий ёрдамга оид давлат дастури ва бошқаларга ўхшайди. Бундай солиқлар иш берувчидан ва ёлланма ходимдан ялпи иш ҳақининг қонунларда белгиланган муайян даражасигача миқдоридаги қайд қилинган фоиз сифатида ундирилади.

Иш ҳақидан олинадиган солиқ бошқа солиқлардан фарқли равишда одатда аниқ мақсадлар учун ундирилади, унинг туланиши эса муайян неъматларни олиш ҳуқуқини беради.

Мақсадлилиқ тамойили ушбу солиқ асосида олинадиган даромадларни сиёсий ниятлар ёки давлат бюджетда ресурсларнинг етишмаслиги сабабли маблағлар янада зарурроқ дастурларни маблағ билан таъминлаш учун қирқиб ташланадиган ҳолларда бўладиганидек қонунчилик жараёнларининг барқарор бўлмаслиги кўринишларидан ҳимоя қилади.

ШДСдан фарқли равишда иш ҳақидан олинадиган солиқ кўпчилиқ мамлакатларда имтиёзлар ва скидкаларга эга эмас.

Купгина мамлакатларда солиқнинг қайд қилинган суммалар сифатидаги ставкаларидан адвалор ставкаларига ўтилиши амалга оширилган. Иш ҳақидан олинадиган солиқ маблағларнинг ижтимоий суғурта дастурларига мақсадли йуналтирилишига мувофиқ равишда ягона ставка бўйича ундирилади.

Ставкаларнинг прогрессив шкаласи фақат Буюк Британияда қўлланилади.

Умуман олганда иш ҳақидан олинадиган солиқ регрессив тусга эга. Масалан, 1989 йилда АҚШда иш ҳақидан олинадиган солиқ ставкаси иш ҳақи шаклидаги даромадларнинг дастлабки 48 минг долларига нисбатан 7, 51% ни ташкил этган эди. Агар 48 минг доллар оладиган ходим иш ҳақидан 3604, 8 доллар тулаши лозим бўлса, 96 минг доллар оладиган ходим ҳам 3604, 8 доллар тулаши керак бўлади, бу унинг даромадининг 3, 76% ини ташкил этади. Мабодо иккинчи ходим яна бошқа шаклдаги 48 минг долларлик даромад (дивидендлар, фоизлар, рента) оладиган бўлса, унинг иш ҳақидан тулайдиган солиғи 3604, 8 доллардан иборат бўлади, яъни умумий даромад 144000 доллардан 2, 5% тулайди.

Солиққа тортиш базаси сифатида кўпроқ фақат меҳнатта ҳақ тулашининг айрим турларигина қўлланилмоқда.

§4. Компанияларнинг солиққа тортилиши

Жаҳоннинг ривожланган мамлакатларида компаниялар ва корпорацияларнинг солиққа тортилиши бир неча шаклларга эга: пуллик сармоялардан олинадиган даромадларга солиқ, нефть қазиб олишдан тушган даромадларга солиқ, тақсимланмаган фойдадан олинадиган солиқ, корпорацияларнинг фойдасидан

олинадиган солиқ, сармоянинг ўсишидан олинадиган солиқ, энг юқори фойдадан олинадиган солиқ, қимматли қоғозлардан олинадиган солиқ ва ҳоказо.

Австрия, Канада, Испания, Францияда пуллик операциялардан тушган даромадлардан олинадиган солиқ мавжуд. Акциялар ва облигациялардан олинадиган дивидендлар, фонзлар, банклардаги омонатлар буйича фонзлар, заёмлар буйича ютуқлар ва бошқа айрим даромадларга шундай солиқ солинади. Солиқ пуллик сармоянинг эгасига даромадни тулашда “манба”да ушлаб қолинади. Солиқ ставкалари пропорционал бўлиб, у мамлакатларга қараб 20% билан 40% орасида тебраниб туради.

Нефть қазиб олишдан тушган даромадларга солиқ қатор ривожланган ва ривожланаётган нефть қазиб олувчи мамлакатларда белгилаб қўйилган. Ривожланаётган мамлакатларда одатда чет мамлакатларга тегишли бўлган нефть қазиб оладиган компанияларнинг даромадлари солиққа тортилади, уларга нисбатан ҳаминша юқори ставкалар қўлланилади. Саноат жиҳатдан ривожланган мамлакатларда, масалан, Норвегияда нефтдан олинадиган даромадларга махсус солиқ (25% лик ставкада) амал қилади. Буюк Британияда нефть қазиб олишдан тушган даромадлардан олинадиган солиқ 1975 йилда Шимолий денгиз ҳудудидаги нефть конлари очилганидан кейин жорий қилинган; нефть қазиб олинадиган ҳар бир район буйича бундай солиқ 45% миқдоридан ундирилади.

Қатор ривожланган давлатларда солиққа тортиш тизимида илгари туланган солиқларнинг қайтарилиши, солиққа доир қарзларнинг ҳисобдан чиқариллиши, туловчиларнинг айрим туруҳларининг солиқдан озод қилиниши назарда тутилади.

Сармоянинг ўсишидан олинадиган солиқ кўпгина саноат жиҳатдан ривожланган мамлакатларда амал қилади. Бундай солиқ жисмоний ва юридик шахсларнинг мол-мулкни турли хилда фойдаланишдан (сотини, алмашини ва ҳоказо) олган даромадларидан ундирилади. АҚШда, Швецияда ва Бельгияда мол-мулкдан фойдаланишдан олинган даромадларга даромад солиғи солинади.

Энг юқори фойдадан олинадиган солиқ бу компаниялар ва корпорацияларнинг фойдасининг буздан олдинги даврда олинган фойдасининг уртача миқдоридан ошадиган қисмидан ундириладиган солиқдир. Бундай солиқ давлат кескин молиявий қийинчиликларни бошдан кечираётган ва айни бир вақтда мононолияларнинг фойдаси катта миқёсда ошиб бораётган пайтда фавқулодда чора сифатида қўлланилади. Қимматли қоғозлардан олинадиган солиқ ривожланган мамлакатларда икки турда қўлланилади: акционерлик компанияларидан **акциялар, облигациялар ва бошқа қимматли қоғозлар эмиссиясида олинадиган солиқ**; ставкалар қимматли қоғозларнинг турларига қараб, айрим

ҳолларда номинал нархига қараб белгиланади; биржадаги битимлардан олинadиган солиқ, бу солиқ мулкчилик ҳуқуқи қимматли қоғозларга ўтганида ундирилади; давлат ва маҳаллий заёмларнинг облигациялари бундай солиққа тортилмайди.

Солиқ тизимларининг самарадорлиги кўп жиҳатдан солиқ базасини, солиқлар ставкаларини ва асосан иқтисодий ва илмий-техникавий ривожланишни рағбатлантиришга йўналтирилган ҳар хил солиқ имтиёзларини ҳисоб-китоб қилиш усулларининг қўллиги билан боғлиқдир. Шу муносабат билан компаниялар ва корпорацияларни солиққа тортишга алоҳида эътибор берилadi, чунки бу нарса ишлаб чиқаришни рағбатлантиришнинг муҳим воситаси сифатида кўриб чиқилади. Давлат солиқ механизmidан фойдаланиш билан иқтисодийнинг турли тармоқларида, ҳар хил миштакларда, айрим корхоналар учун товарлар ва хизматларнинг ишлаб чиқарилишини маблағ билан таъминлаш мақсадида катта ёки сал камроқ даражада қулай шарт-шароитлар яратади.

Кичик ва ўрта фирмаларнинг ривожланишини рағбатлантиришга қаратилган селектив солиқлар орқали тартибга солишга катта аҳамият берилadi. Компания ва корпорацияларнинг фойдасига солиқнинг ҳисобланиши турли солиқ скидкалари ва имтиёзларининг ишлаб чиқилган тизими билан боғлиқдир. Уларнинг рўйхати анчагина катта. Масалан, бевосита амалга оширилган харажатлардан ташқари ҳар хил жамғармаларга ажратмаларни, илмий тадқиқотлар учун чиқимларни, дивидендларни, қарздорлик бўйича фоизларни солиққа тортиш базасидан чиқариб ташлашга рухсат қилинади.

Жадаллаштирилган амортизация компаниялар ва корпорациялар фойдаланадиган энг йирик имтиёздир. Амортизация ажратмалари харажатларнинг бир қисми сифатида солиққа тортилмайди. Одатда, солиқларга оид қонунлар амортизацияга доир ҳисобдан чиқаришларни асосий сармоянинг амалдаги эскирганига нисбатан анча катта миқдорларда амалга оширишга рухсат қилади. Бунга ускуналар қиймати уларнинг хизмат қилишнинг дастлабки йилларида жадаллаштирилган тарзда ҳисобдан чиқариш ёки уларнинг ишлаши бўйича камайтирилган муҳлатларни белгилаш йўли билан эришилади. Натижада амортизация фондининг миқдори ошади ва солиққа тортилиши лозим бўлган фойда миқдори камаяди. Бундай турдаги имтиёзли солиқ режими аввало катта ишлаб чиқариш фондларига эга йирик компаниялар учун фойдалидир.

Амортизация ажратмалари билан бир қаторда турли захира, ҳайрия, пенсия фондлари ҳам солиққа тортишдан озод қилинади. Масалан, АҚШда 1986 йилдаги солиқ ислоҳотида қазиб олувчи тармоқларнинг компанияларига берилadиган ер ости бойликларининг камайиши учун скидка мавжуд эди (даромаднинг муайян қисми солиққа тортишдан чиқариб ташланарди).

ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАРНИНГ СОЛИҚ ТИЗИМЛАРИ ВА ХАЛҚАРО СОЛИҚ МУНОСАБАТЛАРИ

Корпорация солиғини ҳисоблашда ялпи даромаддан чегирмалар ва скидкалардан ташқари 1986 йилгача шунингдек солиқ кредити ҳам қўлланилар эди, у чегирмаларда бевосита солиқ суммасига киритиларди; уларга аввало компанияларга асосий сармояни харид қилиш йилида бериладиган ва янги сармоя сарфлашлар ҳажмининг бир қисми сифатида белгиладиган инвестиция скидкаси кирар эди. АҚШдаги 1986 йилдаги ислоҳот вақтида бундай скидканинг бекор қилингани умумий энг юқори ставканинг 46% дан 34% гача туширилганлиги билан компенсация қилинди.

Компаниялар ва корпорацияларнинг солиқ базасидан илмий-тадқиқотчилик ва тажриба-конструкторлик ишларига харажатлар бутунлай, ускуналарни замонавийлаштиришга харажатлар қисман чиқариб ташланиши мумкин. Унча катта бўлмаган компанияларга, яъни кичик бизнесга махсус имтиёзлар берилди. Масалан, АҚШда йиллик даромади 75 минг долларгача бўлган компанияларга йил давомида қиймати 10 минг долларгача бўлган янги ускунани тўлиқ ҳисобдан чиқариш ҳуқуқи берилди. Кичик бизнес учун АҚШда ва Канадада шунингдек фойда солиғи учун имтиёзли прогрессив ставкалар белгиланган.

Компаниялар ва корпорацияларнинг фойдасидан олинадиган солиқ бу юридик шахсларнинг (акционерлик компаниялари, сўғурта компаниялари, банк монополияларининг) даромадларидан олинадиган солиқдир. Бундай солиқ барча ривожланган мамлакатларда мавжуд ва солиқ декларацияси асосида пропорционал ставкалар бўйича ундирилади, қатор мамлакатларда (АҚШда, Буюк Британияда) у прогрессив белгиларга эга.

Компания ва корпорацияларнинг фойдасидан олинадиган солиқ учун компанияларнинг солиқ қонунларида белгиланган чегирмалар ва скидкалар чиқариб ташланган ялпи фойдасига тенг бўлган солиққа тортиладиган фойдаси солиқ солинадиган объект бўлиб хизмат қилади, чегирмаларга ишлаб чиқариш, тижоратчилик, транспорт харажатлари, қаздорлик бўйича фондлар, зарарлар, реклама, илмий-тадқиқотчилик ва тажриба-конструкторлик ишлари учун чиқимлар кирди.

Компаниялар ва корпорацияларнинг солиққа тортиладиган базаси қуйдаги формула бўйича ҳисоб-китоб қилинади:

$$сб = Дс Хт Сс,$$

бунда Сб солиққа тортиладиган база; Дс сотилдан олинган даромадлар; Хт тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш харажатлари; Сс солиқ скидкалари.

Янги сармоя сарфлашларни амалга ошириш натижасида зарарларнинг бошқа уринга утказилиши тизими солиққа тортиладиган базага таъсир курсатади; купгина фирма ва компанияларнинг инновация фаолиятидан курадиган зарарларини бошқа

уринга ўтказиш йўли билан даромаднинг ўртача даражага туширилиши ўртача олганда 5 йил давомида содир бўлади.

Бундай чора, масалан, бўлғуси даромадлар ҳисобига ҳисобдан чиқарилиши мумкин бўлмаган янги маҳсулотни узлаштириш ва жорий қилишга сармоя сарфлаш учун кетадиган орғиқча харажатларни компенсация қилади.

Солиққа тортиладиган базага, шунингдек, сармойанинг ўсиши ва акционерлик компаниясининг активлари билан операциялардан кўрилган зарарлар ҳам таъсир қилади. Масалан, қатор мамлакатларда мол-мулкнинг сотиш нархининг қолдиқ қийматига нисбатан орғиқ қисмига ҳисобдан чиқариладиган суммани олишдан олдинги даромаднинг солиққа тортилиши сифатида солиқ солинади; айрим мамлакатларда сармойанинг ўсишидан олинадиган умумий даромад оддий (имтиёзли) ставкалар бўйича солиққа тортилади.

Солиқни ундириш усуллари.

1. Мумтоз (классик) усул АҚШда, Голландияда, Жанубий Американинг айрим мамлакатларида энг кўп тарқалган. Солиқ компания, корпорациянинг солиққа тортиладиган ҳамма даромадидан бу даромаднинг тақсимланган ёки тақсимланмаганлигидан қатъи назар ундирилади, сўнгра унинг дивидендлари шахсий даромад солиғига тортилади, бунда акционерлик компанияси унинг акционерларидан алоҳида тарздаги бирлик сифатида кўриб чиқилади.

2. Бирлаштирувчи усул Англияда, Европа Иқтисодий Иттифоқига аъзо бўлган кўпчилик мамлакатларда оммалашгандир. У мумтоз усулда қўлланилиб ундириладиган даромаднинг иккиёқлама солиққа тортилишINI камайтиришдан иборатдир. Бу фирмаларо дивидендларнинг солиққа тортишдан озод қилинишида ифдалланади. Акционерлар акционерлик корхонасининг шериклари сифатида кўриб чиқилади, бунда компаниядан ундириладиган солиқни шахсий даромад солиғи билан бирлаштиришга ҳаракат қилинади.

Кўпинча шериклик тамойилидан фойдаланилади, унга мувофиқ компания, корпорациянинг даромади акционерлар ўртасида улар эгаллик қиладиган акциялар сонига пропорционал равишда тақсимланади. Бироқ даромадларнинг акцияларнинг турли типлари ўртасида тақсимланиши ва бир корпорацияларнинг бошқа корпорациялардаги илтипроси даражаси ҳақидаги масала вужудга келади. Бундай тамойил фақат ёпиқ турдаги компаниялар учун қўлланилади.

Шартли равишда ҳисоблаш усулини бирлаштирувчи усулнинг турларидан бири деб ҳисоблаш мумкин, у акционерларни акционерлик компанияларидан олинадиган дивидендлар ўртасида тақсимлаш мумкин бўлган солиқ билан кредитлашдан иборатдир. Дивидендлар суммаси ушбу солиқни ўз ичига олади ва компаниялар, корпорациялардан олинадиган солиқ уларнинг ҳамма даромадлари (шу жумладан, дивидендлар ҳам) тортиладиган шахсий даромад солиғи ҳисобига кредитланади (қўшилади).

Шундай қилиб, тақсимланмаган фойда компаниялар, корпорациялардан олинadиган солиққа тортилиши лозим бўлади.

Икки ставкали усул бирлаштирувчи усулнинг яна бошқа бир тури бўлиб, унда тақсимланмаган фойда компаниялар, корпорациялардан олинadиган солиққа тортилади, туланadиган дивидендлар эса шахсий даромад солиғига тортилади.

Тула бирлаштириш усули камдан-кам қўлланилади, одатда курама усуллардан фойдаланилади. Масалан, шартли равишда ҳисоблаш фақат компаниялар, корпорациялардан олинadиган солиқнинг бир қисмига нисбатан қўлланилади ёки уларнинг солиғига (шартли тарзда ҳисобланиши лозим бўлган солиғига) қўшимча тарзда фойда солиғи ундирилиши мумкин, бу солиқ учун шартли равишда ҳисоблаш амалга оширилмайди.

Фақат тақсимланмаган фойдага солиқ солиш туридаги бирлаштирувчи усул шундай бир ҳолда (икки ставкали усулдан фойдаланган ҳолда) қўлланилиши мумкинки, унда тақсимланган фойда бирмунча пастроқ ставкага кура солиққа тортилади.

Туланган дивидендларни солиқ солинадиган суммадан чиқариб ташлаш билан ҳисобланган кредит ўртасидаги танлов компаниялар, корпорациялардан олинadиган солиқ бўйича имтиёзга ўхшайди, ҳисобланган кредит эса акционерлар учун имтиёзга ўхшаб кетади. Аслида эса компаниялар, корпорациялар ва акционерларнинг пуллик тушумлари солиқлар туланганидан сўнг бир хил бўлиши ҳам мумкин.

Солиқларни ундиришнинг баён қилинган усулиридан бирдан фойдаланиш унинг аниқ иқтисодий вазиятдаги афзалликлари билан боғлиқдир.

Мумтоз усул техник нуқтаи назардан олганда анча содда, лекин у бир неча камчиликларга, шу жумладан корпорацияда инвестицияларни ва инвестицияларнинг бошқа турларини ва маблағ билан таъминлашнинг бошқа шаклларини (заёмлар ёки акциялар) танлашда, тақсимланмаган фойдадан фойдаланишни ёки уни тушлашни танлашда камчиликларга эга.

Бирлаштирувчи усул солиқ юкининг ўз даромадларига кура аҳолининг турли гуруҳларига тегишли бўлган акционерлар ўртасида адолатли тарзда тақсимланишини, шунингдек кўпроқ солиқ тушумларининг келиб тушиши имкониятини таъминлайди, солиқ ставкаларини тартибга солишда кўпроқ қайишқоқлик кўрсатишга имкон беради.

§5. Қўшилган қиймат солиғи

Қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС) бу Европа Иқтисодий Ҳамжамияти(ЕИҲ)га аъзо бўлган мамлакатларда, шунингдек Швеция,

Австрия ва бошқа айрим саноат жиҳатдан ривожланган мамлакатларда қўлланиладиган товарлар ва хизматлардан олинадиган билвосита солиқдир. Ҳозирги пайтда бундай солиқ жаҳондаги қарийб 40 та мамлакатда қўлланилади.

У биринчи марта Францияда 1954 йилда жорий қилинган. Агар бу солиқ бюджетга мунтазам равишда тушиб турса, у энг самарали фискал воситалардан бири бўлади; Франциядаги барча билвосита солиқларнинг 80% га яқини, Буюк Британия ва Германиядаги шундай солиқларнинг 50% дан ортғи унинг ҳиссасига тўғри келади. Бундан ташқари, ҚҚСдан иқтисодиётни тартибга солиш воситаси сифатида фойдаланилади. Давлат экспортни ҚҚСдан озод қилиш билан уни рағбатлантиради.

Товарни ишлаб чиқариш ва сотишнинг ҳар бир босқичида унга қўшилган қиймат солиқ базаси бўлиб ҳисобланади. Қўшилган қиймат (қийматнинг ўсиши) ҳисобланмалар қўшилган иш ҳақини, амортизацияни, кредит учун фоизни, фойдани ва шу кабиларни ўз ичига олади.

ҚҚСнинг ялпи базаси. ҚҚСнинг ялпи базаси соғлиқни сақлаш, маориф, ижтимоий нафақаларни тулаш, молия, суғурта соҳаларидаги харажатлар, шунингдек ижара ҳақи ва ижара қийматининг шартли нархи истисно қилинган истеъмолчилик харажатларининг умумий суммасига тенгдир.

Солиққа тортиш базасига давлат харидлари ва асосий сармояга инвестицияларни, қишлоқ хўжалик секторининг олиб кириладиган ресурсларини (агар давлатга сотишга ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларига ҚҚС солинмайдиган бўлса) киритиш керак бўлади.

Умуман олганда ҚҚС базаси уй-рўзгор хўжаликларининг умумий истеъмолчилик харажатларининг 70-80% гача бўлган қисmini ўз ичига олади. ҚҚС базасини шундай формула буйича ҳисоблаш мумкин:

$$ҚҚС = ЯИМ + И \text{ Э } X \text{ Ҳ } C + O + O,$$

бунда ЯИМ ялпи ички маҳсулот; И импорт товарлар қиймати; Э экспорт товарлар қиймати; X солиқдан озод қилинган секторлар хизматининг қиймати; Ҳ давлат сектори тулаган иш ҳақи; C асосий сармоянинг таркиб топиши ва хориждаги соф истеъмол; O солиқдан озод қилинган секторларда оранлқ товарлар ва асосий сармоянинг харид қилиниши;

Даромадлар олиш мақсадидаги солиқ базасини кўриб чиқишда давлат сектори амалга оширган харидларга икки бараварлик ҳисобга олишга қараб тузатиш киритиш керак бўлади.

ҚҚСни ҳисоб-китоб қилиш механизми. Ҳар бир фирма счет-фактурада ҚҚСнинг аниқ суммасини кўрсатиш билан хариддор-

дан ҚҚСни ундиради. Бошқа томондан, шу фирманинг ўзи маҳсулот етказиб берувчининг счет-фактурасида кўрсатилган ҚҚСнинг туловчиси ҳисобланади. Бунда ҚҚС бўйича соф қарздорлик харид қилинган товарлар учун счетларда кўрсатилган ҚҚСнинг умумий суммаси уртасидаги тафовутдир.

ҚҚСнинг афзалликлари. Илгари қўлланилган айланмадан олинадиган солиққа нисбатан ҚҚС қатор афзалликларга эга, чунки у:

иқтисодий бетарафлик шакли сифатидаги экспортга солиқларни аниқ белгилаш ва қайтариш имкониятини яратади;

ташқи савдога нисбатан бетараф, товарларни ички ишлаб чиқариш ва сотиш борасида аралашувларни келтириб чиқармайди;

ишлаб чиқаришнинг кўп меҳнат ёки сармоя талаб қиладиган тармоқларига, мулкчилик шаклига таъсир қилмайди;

давлат даромадларининг манбаи сифатида барқарор ва қайишқоқ, ишончли ва тушуниш учун нисбатан енгил солиққа тортиш воситаси.

Бироқ мабодо нархлар давлат томонидан назорат қилинадиган бўлсаю, корхоналар марказнинг директивалари орқали бошқариладиган бўлса, ҚҚСнинг бетарафлик билан боғлиқ бўлган афзалликларига эришиб бўлмайди. Унинг жорий қилинишидан олдин нархлар эркинлаштирилган ва корхоналарга тула мустақиллик берилган бўлиши лозим.

У ёки бошқа мамлакатдаги оқилна ишлаб чиқилган ҚҚС кўйидаги талабларга жавоб бериши керак.

ҚҚСнинг мақсадларини амалга ошириш учун унинг базаси лозим даражада кенг бўлиши ва товарлар ва хизматларнинг имкони борича кўп сонини қамраб олиши зарур.

ҚҚС бизнеснинг шакл ва усуларини танлашга, шунингдек истеъмолчиларнинг товарларни танлашига таъсир қилмаслиги керак, бу солиқ кредитининг қисқа муддатда қайтарилишини, ҚҚС базасининг барча истеъмол товарларига (хом ашё, оралик маҳсулотлар, ишлаб чиқариш мақсадидаги товарларга) тааллуқли бўлишини тақозо этади; солиқ билан нарх уртасидаги нисбат ҚҚСнинг чакана савдо босқичига тегишли бўлиши ҳисобига иложи борича бир хил бўлиши лозим.

ҚҚС пировард мақсад тамойили билан бевосита боғлиқ бўлиши керак. Бу импорт товарларга ҚҚСнинг ички маҳсулотта солиқдан фарқ қилмаслиги кераклигини, экспорт товарларининг ҚҚСга тортилмаслигини билдиради.

ҚҚС солиқ туловчининг тушуниб етиши учун содда ва енгил бўлиши керак.

Солиққа тортиладиган қиймат мумкин бўлган ёки тахмин қилинадиган нархларга эмас, балки товарларни сотишнинг амалдаги нархларига асосланиши лозим. ҚҚСдан озод қилиниш фақат ижтимоий муҳим аҳамиятга эга товарлар турлари билан чекланиши ёки маъмурий мураккабликлар билан боғлиқ бўлиши лозим.

ҚҚСда ягона ёки энг кам табақалаштирилган ставка бўлиши керак.

ҚҚС уни йиғиш учун энг кам харажатлар талаб қилинадиган, бошқаришда содда бўлиши лозим. Майда дукондорлар, хунармандлар ва хизматлар курсатиш соҳасидаги кичик корхоналар ҚҚСга тортилмаслиги зарур.

ҚҚСга тегишли бўлган талаблар осон ижро қилинадиган, бизнес ва савдо-сотиқнинг эркин фаолият курсатишига аралашмайдиган бўлиши керак. Бу солиқнинг ҳақиқий амалий операцияларга ва ҳисоботчилик усулларига мувофиқ бўлиши зарурлигини англатади.

ҚҚСга тортиладиган фирмалар харидорларнинг истеъмолчилар, бошқача ишбилармонлар ёки давлат таъкилотлари бўлиши-бўлмаслигидан қатъи назар улардан ҚҚСни ўзлари ундиришлари зарур.

Декларацияларнинг тулдирилиши ва ҚҚСнинг туланишининг туғрилигининг назорат қилиниши табиий текширишлар ёрдамида эмас, балки асосан ҳисоботларнинг текширилиши ҳисобига амалга оширилиши лозим.

ЕИХга аъзо бўлган мамлакатларда бундай солиқдан миллий билвосита солиққа тортиш тизимини бир хиллаштириш мақсадида ва ЕИХнинг бюджетининг ягона даромад базасини яратиш учун қўлланилади. 1975 йилдаги бюджетнинг бажарилишининг асосий манбаини мамлакатларнинг ҳар бири йиққан солиқнинг 1% миқдоридаги (1986 йилдан бери 1, 4%) ҚҚС тушумлари ташкил этди. ЕИХга аъзо бўлган мамлакатлардаги ставкалар даражасининг бир хил эмаслиги ва имтиёзлар тизимининг турличалиги ҚҚСнинг тулиқ бир хиллаштирилишига тўсқинлик қилапти.

§6. Халқаро солиқ битимлари ва икки ёқлама солиққа тортиш

Халқаро солиқ битимларининг асосий мақсади мазкур битимларни тузган давлатларнинг солиқ юрисдикциясини белгилаш ҳамда даромадлар ва мол-мулкни икки ёқлама солиққа тортишни бартараф этиш ёки энг кам миқдорга келтиришдир.

Умуман олганда халқаро икки ёқлама солиққа тортиш бир солиқ тўловчининг икки (ёки ундан ортиқ) давлатида биргина

давр учун битта объектга нисбатан қиёслама солиқларга тортиш сифатида белгиланиши мумкин. Иккиёқлама солиққа тортиш товарлар ва хизматларни айирбошлашга, сармоялар, технологиялар ва кишилар ҳаракатига ноҳуш таъсир кўрсатади, шу сабабли икки ёқлама солиққа тортиш оқибатида мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий муносабатларни ривожлантириш йўлига қўйиладиган тўсиқларни бартараф этиш зарур.

Икки ёқлама солиққа тортиш икки асосий усул ёрдамида бартараф этилиши мумкин: бир томонлама (мамлакатнинг ички солиқ қонунлари ёрдамида) ва қўп томонлама (икки ва ундан ортиқ давлатлар ўртасида икки ёқлама солиққа тортишга йўл қўймасликка доир шартномалар ёрдамида).

Халқаро икки ёқлама солиққа тортиш қўйидаги ҳолларда юзага келиши мумкин:

а) агар бир неча давлат айлани бир шахсни у олаётган барча даромад бўйича солиққа тортса (бир вақтдаги тўлиқ солиқ мажбурияти);

б) агар шахс бир давлат резиденти (Р) бўлса, шартнома тузаётган бошқа давлатда даромад олса ёки сармоёга эга бўлса ва иккала давлат мазкур даромад ёки сармоё бўйича солиқ ундирса;

в) агар бир неча давлат улардан бирортасининг резиденти бўлмаган, лекин мазкур давлатларда оладиган даромади ёки у ерда эгаллик қиладиган сармоёси бўйича айлани бир шахсни солиққа тортса (бир вақтдаги чекланган солиқ мажбурияти).

а) ҳолатида юзага келадиган икки ёқлама солиққа тортиш муайян мезонлар асосида резидентлик тоифасини аниқлайдиган солиқ битими моддаси ёрдамида б) вазиятига камайтирилиши мумкин.

б) ҳолатида юзага келадиган икки ёқлама солиққа тортиш шартнома тузаётган давлатлар ўртасида солиқ юрисдикциясини тақсимлаш йўли билан бартараф этилиши мумкин. Бундай тақсимлаш манба - давлат солиққа тортиш ҳуқуқидан воз кечини ёки доимий ваколатхона (В) ёхуд резидент-давлат (Р) жойлашган давлат мезони ёрдамида ёки икки давлат ўртасида солиққа тортиш бўйича ҳуқуқларни бўлиш ёрдамида амалга оширилиши мумкин.

Баъзан солиқ битимларида солиққа тортиш ҳуқуқи фақат шартнома тузаётган давлатлардан бирига берилади. Битимда даромад шартнома тузаётган давлатларнинг бирида (М ёки В) солиққа тортилишини кўзда тутиши мумкин, агар бунда солиқ туловчи унинг резиденти бўлса - бундай ҳолда резидент-давлат мазкур шахсни солиқ тўлашдан озод қилади.

Халқаро солиқ битимлари солиқ тўловчи унинг резиденти бўлган давлатнинг икки ёқлама солиққа тортишнинг бартараф этишнинг иккита асосий усулидан фойдаланади.

1. Озод этиш қондаси. Ушбу қондага мувофиқ Р давлати битимга мувофиқ В ёки М давлатида солиққа тортилиши мумкин бўлган даромадни солиққа тортмайди.

2. Кредит қондаси. Ушбу қондадан фойдаланиб, Р давлати солиқ тўловчининг жами даромади асосида резидентдан ундириладиган солиқни ҳисоблайди, бунга В ёки М давлатларида олинган даромад қўшилади. Сўнгра ўз солиғидан бошқа давлатда туланган солиқлар суммасини чиқариб ташлайди.

Мазкур усуллар уртасидаги фарқ шундан иборатки, озод этиш усули даромадга, кредит усули эса солиққа нисбатан қўлланади.

Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ, Ўзбекистондан хорижда олинган фойда (даромад) суммаси Ўзбекистонда солиққа тортиладиган фойданинг умумий суммасига қўшилади ва солиқ миқдорини белгилашда ҳисобга олинади, Ўзбекистон Республикасидан хорижда олинган ва хориждаги корхоналар томонидан бошқа давлатлар қонунларига мувофиқ туланган фойда (даромад) учун солиқ суммаси эса Ўзбекистонда фойда солиғини тўлаш чоғида ҳисобга олинади. Бунда тегишли сумма хорижда олинган фойда (даромад) бўйича Ўзбекистон Республикасида туланиши керак бўлган фойда солиғи суммасидан ошиб кетмаслиги керак.

Давлатнинг хорижий юридик шахс даромадидан солиқ ундириш ҳуқуқи ва, шу тариқа, икки ёқлама солиққа тортишнинг бартараф этиш мумкинлиги туғрисидаги масалани ҳал этиш мазкур шахснинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги фаолияти характерига (шу жумладан фаолият тури ва доимийлигига) боғлиқдир. Фаолият характерини баҳолаш учун доимий муассаса (ваколатхона) конценцияси қўлланилади.

“Доимий муассаса” тушунчаси хорижий юридик шахснинг солиқ мақомини белгилаш учунгина ишлатилади ва ташкилий-ҳуқуқий аҳамиятта эга эмас, фақат мазкур шахснинг бошқа давлат ҳудудидаги фаолиятини таърифлайди. Хорижий юридик шахснинг аккредитация қилинган ёки қилинмагани факти солиққа тортиш мақсадлари учун аҳамиятсиз.

Хорижий юридик шахснинг филиали, ваколатхона офиси ҳам, мазкур шахс фаолияти амалга ошириладиган ҳар қандай жой ҳам доимий муассаса бўлиши мумкин. Фаолият тусига қараб ана шу алоҳида бўлимлар хорижий юридик шахснинг доимий муассасалари сифатида баҳоланишини ёки баҳоланмаслиги мумкин.

Бир вақтнинг ўзида бир неча умумий шартларга амал қилинган ҳолда доимий муассаса пайдо бўлиши мумкин. Уларни куриб чиқиш зарур.

Биринчи шарт - фаолият жойининг мавжудлиги. Бунда хорижий юридик шахс фаолиятида фойдаланилади, улар фақат шу мақсад учун мўлжалланган ёки мўлжалланмаганлигидан қатъи назар, ҳар қандай иморат, восита ёки қурилма тушунилади. Масалан, бозордаги жой ёки божхона омборининг доимий фойдаланиладиган (божхона йиғимлари ва божлари туланидиган товарлар ва ҳоказолар сақлаш учун) майдончаси фаолият жойи бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Фаолият майдонининг доимийлиги кейинги шартдир: агар фаолият жойи вақтинчалик тусда бўлмасагина доимий муассаса мавжуд деб ҳисобланади.

Вақтинча тарзда барпо этилмаган фаолият жойи доимий муассаса деб ҳисобланиши мумкин, ҳатто агар фаолиятнинг алоҳида характери ёки юзага келган ҳолатлар (масалан, муваффақиятсиз инвестициялар) натижасида жуда оз муддат мавжуд бўлган ва режалаштирилган муддатдан аввалроқ тугатилган бўлса ҳам, бунинг аҳамияти йўқ. Агар фаолият жойи вақтинчалик тарзда барпо этилган бўлсаю бундай ҳисоблаш мумкин бўлмаган ҳолатда узоқ ват мавжуд бўлса, у доимий деб, яъни фаолият бошланган пайтидан бошлаб доимий муассаса деб тан олинади.

Фаолият жойини доимий муассаса деб тан олишнинг учинчи шarti шундан иборатки, хорижий юридик шахс мазкур жой орқали фаолият (тулиқ ёки қисман) олиб боради, бу фаолиятнинг доимий, яъни танаффуссиз операцияларда олиб борилиши шарт эмас, лекин ушбу операциялар мунтазам амалга оширилиши керак. Агар ушбу ишлар хорижий юридик шахснинг асосий фаолиятидан жиддий фарқ қилса, тайёрлов ишлари олиб борилган давр эътиборга олинмайди.

Солиққа тортиш мақсадида хорижий юридик шахснинг доимий муассасаси деганда табиий ресурсларни ишлаб чиқиш, контрактларда кўрсатилган ускуналарни қуриш, ўрнатиш, монтаж қилиш, йиғиш, созлаш, уларга қараш, бошқа хизматлар кўрсатиш ва иш олиб бориш билан боғлиқ бюролар, идоралар, агентликлар, бошқа ҳар қандай фаолият жойи, шунингдек ваколат вазифалари юкланган ташкилотлар ва фуқаролар тушунилади.

Идора ва офислар билан бирга қурилиш майдончалари, шунингдек йиғув ва монтаж объектлари доимий муассасаларнинг энг кўп тарқалган тури ҳисобланади. Ҳар бир қурилиш майдон-

часи ишлар бошлангандан бошлаб алоҳида доимий муассаса деб қаралади.

Бироқ, амал қилаётган барча солиқ битимларида одатда белгилаб қўйилганидек, қурилиш майдончаси, йиғув ва монтаж объекти олдиндан белгиланган вақтдан узоқроқ мавжуд бўлган ҳолдагина доимий муассаса деб ҳисобланади. Одатда ушбу муддат 12 ой деб белгиланади, бироқ баъзи солиқ битимларида анча узоқ муддатлар белгилаб қўйилиши мумкин.

Агар хорижий юридик шахс бошқа давлат ҳудудида ўзининг фаолият жойини яратиш ўрнига у ерда мазкур давлат резиденти орқали ўз фаолиятини ташкил этса, доимий муассаса мавжудлигини белгилаш учун буйсунган ёки мустақил агент концепциясидан фойдаланилади, Агар хорижий юридик шахс бошқа давлатда ўзининг оддий тижорат фаолияти доирасида ҳаракат қилувчи ва ўз хизматлари учун тасдиқланадиган брокер, комисионер ёки бошқа мустақил агент орқали ҳаракат қилса, у ана шу давлатда доимий муассасага эга деб қаралмайди. Бунда кўрсатилган тақдирлаш воситачилик тақдирлашининг шаклланган ўртача миқдоридан кам бўлмаслиги керак.

Ўзи вакил бўлган корхонага қарам бўлмаган шахсни белгилаш мазкур шахснинг корхона олдидаги мажбуриятлари диапазони билан боғланган. Масалан, муайян вазифаларни бажарадиган агентнинг тижорат фаолияти муфассал йуриқномалар билан тартибга солинса ёки хорижий юридик шахс томонидан бутунлай назорат қилинса, мазкур агентни мустақил деб бўлмайди. Тадбиркорлик таваккалчилиги учун агент ёки у вакили бўлган шахснинг жавобгарлиги яна бир муҳим меъзондир.

Агар хорижий юридик шахс бошқа давлатдаги тадбиркорлик фаолиятини ташкилот ёки у билан шартнома муносабатлари асосида хорижий юридик шахс манфаатларини бошқа давлатда ҳимоя қиладиган, унинг номидан ҳаракат қиладиган ҳамда контрактлар тузиш ва улар шартларини белгилаш ваколатига эга бўлган жисмоний шахс орқали амалга оширса, агар буйсунувчи агентнинг фаолияти одатда битимлар бўйича доимий ваколатхона тушунчасига кирмайдиган фаолият турлари билан чекланмаса, хорижий юридик шахс доимий муассасага эга деб қаралади. Лекин ҳар қандай буйсунувчи шахс мавжудлиги доимий муассасани ҳосил этади деб ҳисоблаб бўлмайди. Айрим ҳолларда эмас, балки кўп маротаба бошқа давлатда контрактлар тузиш ваколатига эга бўлган шахслар билан чекланиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Буйсунувчи агент концепцияси доимий муассаса мавжудлиги ҳақидаги масалани ҳал этишда муқобил тест ҳисобланади: юқо-

рида куриб чиқилган талабларга мувофиқ келгани учун муайян шахс доимий муассаса ташкил этса, уни буйсунувчи агент деб исботлашга зарурат йўқ.

Солиқ битимларига мувофиқ истисно сифатида қараладиган ва ҳатто агар бундай фаолият доимий жойда амалга оширилса-да, доимий муассаса ҳисобланмайдиган муайян фаолият турлари мавжуд. Бундай фаолият турлари учун қуйидагича муштарак жиҳатлар бор: улар тайёрлов ёки ёрдамчи характер касб этиши, шунингдек биргина хорижий юридик шахс номидан, унинг ҳисоби ва фойдасига амалга оширилиши керак ҳамда фаолиятнинг бу хил турларини солиққа тортиладиган бирон-бир даромад сирасига киритиш қийин бўлади.

Фаолиятнинг бундай турларига, жумладан, бино ва иншоотлардан хорижий юридик шахсга тегишли товарларни сақлаш, намоён қилиш ёки олиб келиш учунгина фойдаланиш; доимий фаолият жойидан фақат хорижий юридик шахс учун реклама фаолияти, ахборот йиғиш ёки тарқатиш, илмий тадқиқотлар ўтказиш ва ҳоказолар мақсадида фойдаланиш киради.

Хорижий юридик шахснинг Ўзбекистон Республикаси қонунларида мувофиқ ташкил этилган шўба компанияси, бундай компаниянинг фаолияти бош компания раҳбарлигида амалга оширилишига қарамай, уз бош компаниясининг доимий муассасаси сифатида қаралмайди. Чунки, солиққа тортиш бобида шўба компания мустақил субъект ва мустақил солиқ тўловчи ҳисобланади. Бир шўба компанияси битта шўба компаниясига қариндош бўлган бошқа компанияга нисбатан амалга оширадиган фаолиятга ҳам шу нарса тааллуқлидир.

Бироқ, бундай шўба компания Ўзбекистон Республикасида бош компаниянинг манфаатларини ҳимоя қилса ва унинг номидан контрактлар тузиш ваколатига эга бўлса, бундай шўба компания бош компаниянинг доимий муассасаси бўлиши мумкин.

Агар хорижий юридик шахс бошқа давлатдаги доимий муассасаси орқали даромад олса, бу даромад ана шу бошқа давлатда солиққа тортилиши керак, лекин ушбу доимий муассаса фаолиятига тааллуқли қисмгина солиққа тортилади. Бунда ҳар бир давлатда, агар доимий ваколатхона алоҳида ва мустақил корхона бўлиб, шундай фаолиятни ана шундай шароитда амалга оширганда ва ўзи доимий муассасаси бўлган шахсдан мулақо мустақил ҳаракат қилганда олиши мумкин бўлган фойда ана шундай доимий ваколатхонага киритилади.

Одатда бу фойда (даромад) бухгалтерия ҳисоби маълумотлари асосида хорижий юридик шахснинг доимий муассаса орқали

фаолияти билан бевосита боғланган маҳсулот (ишлар, хизматлар) сотишдан тушган тушум, бошқа даромад ва харажатлар ўртасидаги тафовут сифатида бевосита усул билан аниқланади.

Доимий муассаса фойдасини белгиланда муассаса сарф-харажатлари ҳисобдан чиқарилишига йўл қўйилади. Бунда ҳужжатлар билан тасдиқланган харажатларни хорижий юридик шахс билан унинг бошқа давлатдаги доимий муассасаси ўртасида асосли тарзда тақсимласа бўлади. Бундай тақсимланадиган харажатларга бошқарув ва умуммаъмурий харажатлар, тадқиқот ва ривожлантириш харажатлари, фоизлар, бошқарув, маслаҳатлар ёки техника ёрдами учун туловлар, доимий муассаса жойлашган давлатда ҳам, исталган бошқа жойда ҳам қилинган харажатлар киради.

Агар бевосита усул асосида доимий муассасанинг фойдасини аниқлаш мумкин бўлмаса, шартли усулдан фойдаланилади. Бунда ана шундай мақсадлар учун қуйидаги кўрсаткичлардан бириндан фойдаланилади:

* Ўзбекистон Республикасидаги фаолият муносабати билан олинган даромаднинг хорижий юридик шахс даромадлари умумий суммасидаги салмоғи;

* Ўзбекистон Республикасидаги фаолият билан банд ходимларнинг хорижий юридик шахс ходимлари умумий миқдоридаги салмоғи;

* Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги фаолият билан боғлиқ харажатларнинг хорижий шахс харажатлари умумий суммасидаги салмоғи.

Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий муассаса орқали фаолият кўрсатаётган хорижий юридик шахснинг олган фойдасини ҳисоблаб чиқаришда умумий фойдани қисмларга ажратишга асосланган тақсимлаш усулидан фойдаланилади.

Бунда жаҳон амалиётида қўлланиладиган, мазкур муассасанинг тушумлари, харажатлари ва таркибига асосланган учта базавий категория ишлатилади, бироқ бирор-бир усулни бошқасидан устун деб ҳисоблаб бўлмайди, чунки, масалан, қимматга тушувчи хом ашёдан товар ишлаб чиқарувчи ёки қиммат турувчи ишчи кучини жалб этувчи корхонада фойда харажатлар билан чамбарчас боғланган бўлади.

Доимий муассасаларни солиққа тортишнинг асосий қоидаларидан бири шундан иборатки, доимий муассасага тааллуқли бўлган фойда, агар ўзгартириш учун етарлича асосли сабаб бўлмаса, ҳар йили биргина усул ёрдамида белгиланиши керак. Бу қоида халқаро солиқ битимларида ҳар доим таъкидланади.

ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАРНИНГ СОЛИҚ ТИЗИМЛАРИ ВА ХАЛҚАРО СОЛИҚ МУНОСАБАТЛАРИ

Агар хорижий юридик шахс Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий муассаса орқали ҳаракат қиляпти деб тан олинмаса, унинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги манбалардан олган даромадларигина солиққа тортилади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган манбалардан даромад оладиган хорижий юридик шахсларнинг тулов манбаи даромадлари солиққа тортилади. Ўзбекистон Республикаси манбаларидан олинган даромадларга, жумладан, қуйидагилар киради: хорижий инвестицияли корхоналарда улушли иштирок этишдан олинган дивидендлар, фоизлар, даромадлар, муаллифлик ҳуқуқлари, лицензиялар, ижара, фрахт ва ҳоказолардан фойдаланишдан олинган даромадлар.

Олдинроқ таъкидланганидек, солиқ соҳасидаги халқаро ҳамкорликнинг асосий мақсадларидан бири икки ёқлама солиққа тортишга йул қўймаслик тўғрисидаги шартномаларни тузиш чоғида, хусусан, шунда ифодаланганики, шартнома тузаётган давлатлар хорижий юридик шахсларнинг бошқа давлат ҳудудида жойлашган доимий муассаса орқали олинган фойдасигина бошқа давлат ҳудудида солиққа тортилишини белгилайди.

У БОБ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОЛИҚ ТИЗИМИ

Ўз тузилиши ва қурилиш қондаларига кўра бизнинг солиқ тизимимиз асосан жаҳон амалиётида умумий қабул қилинган тизимлар билан бир хилдир. Амалда барча замонавий тизимлар хилма хил солиқлар тўпламидан фойдаланади. Улар солиқ ундирмаларининг турли шакларида бўлиб, ўз навбатида даромадлар манбалари ва шаклларига боғлиқдир.

§1. Фойда солиғи

Ўзбекистон Республикаси бозорини солиқ билан боиқаришда ҳали катта тажриба тўилаб улгиргани йўқ. 1991 йилгача унинг давлат бюджети давлат корхоналари фойдасидан ажратиладиган маблағлар ҳисобидан шаклланади, бундай ажратмалар мажбурий ҳисобланади эди (бу ажратмалар баланс фойдасининг 90% гача етарди). Мулкчиликнинг турли шакллари ривожланиши, корхоналар имконияти ошиши, бозор инфраструктураси элементлари ривожланиши билан мажбурий ажратмаларнинг аввалги тизими ҳужалик юритиш самарадорлигини таъминлай олмай қолди, инвестиция дастурларига тўсқинлик қила бошлади, давлат бюджети учун етарли маблағ тўпламади. Бундан ташқари, у мулкчиликнинг муқобил шакллардаги корхоналар бутун бир тоифасини ҳамда бошқа тадбиркорларни қамраб олмас эди. Республика иқтисодий бозор муносабатларига ўтиши билан айна солиқлар ёрдамида тартибга солиш, хусусан фойдадан ажратмалар ўрнига даромад солиғини жорий этиш заруратини пайдо бўлди.

Даромад солигининг афзалликлари билан бирга ўз камчиликлари ҳам бор эди. Ўзбекистон Республикаси рубл минтақасида қолиб турган вақтда даромад солиғи олишга ўтиш пул қадрсизланиши туфайли иш ҳақи ўсишини чеклаш учун мажбурий чора бўлди. Шундай вазиятда ишлаб чиқарувчилар ёмон аҳволда қолди. Маҳсулотга талаб пасайиб, олинадиган тушум ҳажми камайгани ҳолда улар ўз ишлаб чиқаришлари йўналишини ўзгартиришга, фойда олмасалар ҳам жуда катта миқдорда иш ҳақи тулашга мажбур бўлдилар. Натижада кўпгина ҳолларда солиқлар иш ҳақи фондидан ундирилди, бу эса, табиийки, салбий социал-иқтисодий оқибатларга олиб келди.

1995 йил январь ойидан бошлаб солиқларнинг рағбатлантирувчи родини кучайтириш мақсадида республикада фойда солиғи жорий этилди. Бунда асосий ставка 38% бўлгани ҳолда (1996 йил январидан -37%) бир канча камайтирувчи ва кўпайтирувчи коэффициентлар қўлланилади. Шу билан бир қаторда солиқ туловчиларнинг айрим тоифалари учун даромад солиғи ва ялпи даромад солиғи сақлаб қолинди.

Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланадиган, Ўзбекистон Республикаси қонунларига қўра юридик шахс ҳисобланувчи корхона, ташкилот, бирлашмалар (шу жумладан бюджетга қарашли бўлганлар), шунингдек корхона, бирлашма ва ташкилотларнинг юридик шахс бўлмаган, лекин ўз мустақил баланси ва банк муассасаларида ҳисоб-китоб варағи бор филиаллари, ваколатхоналари ва бошқа алоҳида бўлинмалари фойда (даромад) солиғи туловчилардир.

Даромад солигини банклар, суғурта ташкилотлари, видеосалонлар, аукционлар, казинолар, оммавий концерт-томоша чиқишларининг иштирокчилари тўлайдилар.

Агар корхона солиққа бир хилда тортилмайдиган хилма-хил фаолият турлари билан шуғулланса, у ҳисобни алоҳида юритиши ва олинган даромаддан тегишлича солиқ тулаши керак. Ҳисоб алоҳида юритилмаса, корхона тўлайдиган солиқ ставкаларининг энг юқориси ундирилади.

Фойда (даромад) солигини ҳисоблаб чиқишда корхона фаолияти молиявий натижаларини тўғри шакллантириш ҳамда шу фаолият билан боғлиқ харажатлар ҳисобини юритиш муҳим аҳамиятга эга. Бундай ҳисоб юритиш тартиби 1995 йил 1 январда кучга киритилган "Маҳсулот (ишлар, хизматлар) таннархига қўшилладиган ишлаб чиқариш ва маҳсулотни сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида Низом"да баён этилган.

Харажатлар таркиби тўғрисидаги Низом бозор иқтисодиёти талабларини ҳисобга олган ҳолда ва халқаро андозаларга мувофиқ ишлаб чиқилган. У турли манфаатдор фойдаланувчиларни корхоналар фаолияти самарадорлигини баҳолаш, унинг молиявий аҳволи ҳамда ривожланиш истиқболларини аниқлаш, мазкур корxonани инвестициялашдан қўтиладиган молиявий хатарни баҳолаш учун зарур маълумотлар билан таъминлаш имконини беради.

Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотиш учун қилинган харажатлар зарурлигини баҳолаш пайтида давлат билан корхона манфаатлари фарқ қилади. Масалан, солиққа тортиш мақсадида хизмат сафарлари, реклама, маркетинг билан боғлиқ, белгиланган нормалардан ошиб кетган харажатлар ҳисобга олинмайди. Давлат нуқтаи назаридан бундай ёндашув мутлақо асосли: нима учун давлат алоҳида ишлаб чиқариш бўғинлари ресурслардан нооқилона фойдаланиши оқибатида бюджетга тушумларни камайтириши керак? Шундай бўлгач, давлат унинг нуқтаи назаридан нооқилона қилинган харажатларнинг бир қисми корхона (ташкилот, юридик шахс)га солинадиган солиқ базасини камайтирмаслиги лозим экани тўғрисида қарор қабул қилади.

Айни пайтда бу харажатлар корхона нуқтаи назаридан ўз фаолияти молиявий натижаларини баҳолашда ҳам зарур бўлган. У “Харажатлар таркиби тўғрисида Низом”га мувофиқ, молиявий натижаларни аниқлашда барча харажатларни ҳисобга олади. Бироқ фойда ёки даромад солигини ҳисоблаб чиқиш чоғида солиққа доир амалдаги қонунларда барча харажатлар ҳам солиққа тортиладиган базани камайтирмаслиги кўзда тутилган. “Харажатлар таркиби тўғрисида Низом”га кура ҳисоблаб чиқилган фойдани солиққа доир қонунларга мослаш мақсадида 1-3 иловалар қўлланилади. Фойда солигини ҳисоблаш пайтида солиқ солинадиган базадан чиқариб юборилмайдиган харажатлар моддалари “Харажатлар таркиби тўғрисида Низом”нинг 1-иловасида кўрсатилган. 2-иловада кўрсатилаган харажатлар улар қилинган ҳисобот даврида солиқ солинадиган базани камайтирмайди, бироқ кейинчалик ҳисобга олинади.

3-иловада қўшимча равишда харажатлар кўрсатилган бўлиб, улар даромад солигини ҳисоблашда инобатга олинмайди. Мазкур иловаларда кўрсатилган харажатлар фойда ёки даромад солигини ҳисоблаб чиқиш учун базани белгилашда тескари ҳисоб билан корxonанинг амалдаги “Харажатлар таркиби тўғрисида Низом”га мувофиқ ҳисоблаб чиқилган ҳисобот фойдасига қўшилади.

Фойда (даромад) солиғи. “Маҳсулот (ишлар, хизматлар) таннархига қўшиладиган маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида Низом”га мувофиқ ҳисоблаб чиқилган, амалдаги солиқ қонунларига мувофиқ солиқ солинадиган базадан чиқарилмайдиган ва юқоридаги низомнинг 1-3 иловаларида кузда тутилган фойда (ёки фойда солиғи тулангунича қурилган зарар) фойда солиғи тулаш бўйича солиққа тортиш объекти ҳисобланади.

Юқорида таъкидлаганимиздек, 1995 йилда фойда солиғининг умумий ставкаси, фаолият туридан қатъи назар, 38% миқдорда белгиланган. Лекин бу ставка камайтирувчи ва купайтирувчи коэффициентлар таъсирида ўзгариб туриши мумкин. Айни пайтда қишлоқ хўжалиги хусусиятларини ҳисобга олиб ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқаришни рағбатлантириш мақсадида 1995 йилда ҳукумат қишлоқ хўжалиги корхоналаридан ундириладиган фойда солиғининг оддий прогрессив ставкасини белгилади: уларнинг рентабеллиги 40%гача бўлганда 3% миқдорда ва рентабеллик 40% ва ундан юқори бўлганда, 20% миқдорда бўлади.

Масалаи: қишлоқ хўжалиги корхонасининг йиллик баланс фойдаси 450 минг сўмни, сотилган маҳсулот таннархи эса 1000 минг сўмни ташкил этди. Бу ҳолатда рентабеллик даражаси 45% бўлади:

$$450/1000 \times 100\% = 45\%.$$

Демак, мазкур корхона олган фойдага 20%лик ставка бўйича солиқ солинади.

Даромад солиғи туловчи корхоналар учун солиқ ставкаси фаолият турига қараб белгиланган, масалан, саноат бўйича ставка 18%, қишлоқ хўжалиги фаолияти бўйича - 3%, казинолар ва ўйин автоматлари бўйича - 60%. Солиқ солинадиган базани белгилашда ҳам тафовутлар бор. Даромад солиғи тулайдиган корхоналар солиқ базасини белгилашда 1-г иловадан ташқари 3-илловани ҳам ҳисобга оладилар. Бу иловалар амалдаги солиқ қонунларига мосланади.

Фойда солиғига доир иқтисодий вазифалар доирасида солиқ қонунлари бир қанча имтиёзларни беради:

солиқларни тулашдан озод қилиш;

вақтинча озод қилиш;

солиқ ставкасини пасайтириш;

солиққа тортиш базасини белгилашда уни камайтириш.

I. Фойда солиғи тулашдан қуйидагилар озод қилинади:

а) ходимлари умумий сонининг камида 50% ни ногиронлар; ёки камида 75% ни ўрта мактаб ва ҳунар-техника билим юртларининг ўқувчилари ташкил этадиган корхоналар;

б) протез-ортопедия буюмлари ишлаб чиқаришга, ногиронларга протезлаш хизматлари курсатишга ихтисослашган корхоналар;

в) корхоналарнинг тарих ва маданият ёдгорликларини таъмирлаш ҳамда тиклашдан олган фойдаси;

г) даволаш муассасалари ҳузуридаги даволаш-ишлаб чиқариш устаконалари;

д) ногиронларнинг белгиланган тартибда рўйхатга олинган жамоат ташкилотлари, уларнинг муассасалари, ўқув-ишлаб чиқариш корхоналари ва бирлашмалари;

е) Қизил Ярим ой жамияти, Уруш ва меҳнат фахрийлари жамияти, Афғонистон фахрийлари уюшмаси, Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси, “Орол”, “Наврўз”, “Экосан”, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, Улуғбек, Навоий, Ойбек, Қодирий, Ногирон болаларга ёрдам фондлари, Ўзбекистон маданияти уюшмаси, Байналмилалчи жангчилар ва захирадаги жангчилар уюшмаси, белгиланган тартибда рўйхатга олинган бошқа хайрия фондлари ва уюшмалари ҳамда уларнинг бўлимлари, шунингдек ёшлар фондларининг хайрия фаолиятини амалга оширишга йўналтирилган фойдаси;

ж) олий, ўрта махсус ўқув юртлари, ўрта ва ҳунар-техника билим юртлари ҳузурида ёшлар, касаба уюшмаси ташкилотлари ташкил қилган, олган фойдаси талабалар ва ўқувчиларнинг социал-маиший шароитларини яхшилашга йўналтириладиган корхоналар;

з) олган фойдаси қурилишга ва моддий-техника базасини кенгайтиришга, идорага қарашли меҳмонхона хўжалиklarини ривожлантиришга, бозорларни ободонлаштириш ҳамда улардан фойдаланиш харажатларини қоплашга сарфланадиган деҳқон бозорлари;

и) шаҳар йўловчи транспортдан тушадиган фойда (таксилардан ташқари);

к) матбуот нашрларини аҳолига тарқатиш хизматлари курсатишдан олинладиган фойда;

л) умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини таъмирлаш ва сақлаш ишларини бажаришдан олинган фойда;

м) уруш ва меҳнат фахрийлари кенгашлари ҳузурида ташкил этилган, ходимларининг камида 50% пенсия ёшига етган (пенсионерлар бўлган) уруш ва меҳнат фахрийларининг корхоналари, бирлашмалари ва ташкилотлари;

- н) ахлоқ тузатиш-меҳнат муассасаларининг корхоналари;
- о) Қизил Ярим ой Жамияти, “Соғлом авлод учун” халқаро хайрия фондининг корхона ва ташкилотлари асосий фаолиятидан тушган фойда, агар бу маблағлар Жамият ва фондининг хайрияга доир вазифаларини бажариш учун тула-тукис йуналтирилса;
- п) асосий ишлаб чиқариш фаолиятидан фойда оладиган, бу фойдани ижодий уюшмаларнинг устав фаолиятини бажаришга йуналтирадиган ижодий уюшмалар ва уларнинг корхоналари;
- р) архив ҳужжатларига пулли асосда илмий-техникавий ишлов бериш, уларни таъмирлаш, муқовалаш ва фойдаланиш, иш юритишни такомиллаштириш билан боғлиқ хизматлар;
- с) режадаги чиқимларни қоплаш учун бюджетдан олинган дотацияларнинг ўз даромадлари билан таъминланмаган қисми;
- т) Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлигига қарашли почта алоқаси корхоналари;
- у) олинган фойдани ўз маблағларини жамлаш йули билан уй-жой қурилишига, шунингдек яқка тартибда уй-жой қуриш ёки турар жой сотиб олиш учун махсус уй-жой қарз-жамғарма ҳисобварақларига маблағ ўтказиш йули билан ўз ходимларига молиявий ёрдам беришга йуналтирувчи корхона ва ташкилотлар;
- ф) товарлар (ишлар, хизматлар)ни экспорт қилиш ҳажмлари ўсиши ҳисобидан фойда оладиган корхоналар; мазкур имтиёз эркин айирбошланадиган валютада ҳисоблаганда ҳисобот даврида экспорт қилган товарлари (ишлари, хизматлари) ҳажми ўтган йилнинг тегишли давридаги экспорт ҳажмидан ошган корхона ва ташкилотларга берилади;
- х) олган фойдаси ўзининг моддий-техника базасини ривожлантиришга йуналтириладиган бюджетга қарашли соғлиқни сақлаш ва халқ таълими ташкилотлари;
- п) маблағлари таълим муассасаларини молиялаш учун қайтариш шартини қўймасдан ёки бажарилаётган ишлар ва курсатилаётган хизматлар ҳақи сифатида берилган маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органлари, корхоналар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ва хусусий шахслар;
- ч) бюджетдаги илмий-тадқиқот ташкилотлари ўз асосий фаолиятига кўра (1995 йил 28 февралда Молия вазирлигининг N 22 ва ДСҚнинг N 18 хати билан жорий этилган).

II. Қуйидагича олинган фойда солиқ тулашдан вақтинча озод қилинади:

- а) патент эгаси (лицензия берувчи) саноат мулки бўлган объектдан ўз ишлаб чиқаришида фойдаланишдан, шунингдек уларда

лицензиялар сотишдан олган фойда, фойдаланила бошланган вақтдан эътиборан амал қилиш муддати тугагунча: патент бўйича ихтиролар - 5 йил мобайнида; олдиндан бериладиган патент бўйича ихтиролар - 3 йил мобайнида; патент бўйича саноат намунасидаги - 3 йил мобайнида; олдиндан бериладиган патент бўйича саноат намунасидаги - 2 йил мобайнида; гувоҳнома бўйича фойдали модель - 2 йил мобайнида;

б) лицензия эгаси (лицензия шартномаси предметдан фойдаланиш ҳуқуқини олган шахс) саноат мулки объектларидан фойдаланишдан олган фойда, фойдаланиш бошланган санадан эътиборан:

патент бўйича ихтиролар - 5 йил мобайнида; олдиндан бериладиган патент бўйича ихтиролар - 3 йил мобайнида; патент бўйича саноат намунасидаги - 3 йил мобайнида; олдиндан бериладиган патент бўйича саноат намунасидаги - 2 йил мобайнида; гувоҳнома бўйича фойдали модель - 2 йил мобайнида; товар белгиси ёки хизмат курсатиш белгиси - 1 йил мобайнида (лицензия берувчининг маҳсулоти ишлаб чиқарилса).

III. Солиқ ставкасини пасайтириш.

1. Янги ташкил этилган корхоналар (биржалар, тайёрлаш, улгуржи, таъминот-сотиш, воситачилик ва савдо-тижорат корхоналаридан ташқари) ташкил этилган (руйхатдан ўтган) пайтидан бошлаб биринчи йил давомида белгиланган ставканинг 25% ва иккинчи йилда - 50% миқдорда солиқ тўлайдилар;

мазкур имтиёз илгари ишлаб турган корхоналар, уларнинг филиаллари ва таркибий бўлинмалари негизида ташкил этилган корхоналарга, шунингдек корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлар ҳузурида очилган корхоналарга, агар улар корхоналардан ижарага олинган машина-ускуналарда ишласалар, даҳдор эмас; корхона фаолияти уч йиллик муддат тугамасидан туриб тўхтатилса, солиқ суммаси унинг фаолияти тўла ҳажмида ҳисобланади.

2. Ишлаб чиқариши ҳажмида экспорт қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар) камида 30% ни ташкил этувчи корхоналар фойда солиғини амалдагисидан 2 барабар паст ставкада тўлайдилар; мазкур имтиёз ўз товарлари (ишлари, хизматлари)ни эркин айирбошланадиган валютага сотувчи корхона ва ташкилотларга тааллуқлидир.

IV. Солиқ солинадиган фойда қуйидагича камайтирилади:

корхоналар балансида турувчи соғлиқни сақлаш, қариялар ва ногиронлар уйлари, болалар мактабгача тарбия муассасалари, болалар оромгоҳлари, маданият ва спорт объектлари, халқ таълими муассасалари, уй-жой фонди объектларини сақлаш, шунингдек корхоналар юқорида айtilган муассасаларни сақлашда улуш-

ли қатнашиши асосида қиладиган харажатлар юзасидан маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органлари тасдиқлаган меъёрларга мувофиқ қилинадиган харажатлар суммасига;

маданият, халқ таълими, соғлиқни сақлаш, социал таъминот, жисмоний тарбия ва спорт корхоналари муассасалари ва ташкилотлари экология, соғломлаштириш ва бошқа хайрия фондларига (агар бу фондлар юридик шахс сифатида рўйхатдан ўтган бўлса) ўтказган бадаллар суммасига. Лекин бу сумма солиққа тортиладиган фойданинг бир фоизидан ошмаслиги керак; диний ва жамоат ташкилотлари ҳамда бирлашмаларининг (қасаба уюшмалари, сиёсий партиялар ва ҳаракатлардан ташқари), белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган хайрия фондларининг мулки бўлган, корхоналар фойдасидан шу ташкилотлар, жамиятлар, бирлашмалар, уюшмалар ва фондлар устав фаолиятини амалга оширишга йўналтирилувчи ажратмалар суммасига; мулкчилик шаклидан қатъи назар, ҳар қандай корхона ва ташкилотларнинг фойдасидан уй-жой ва социал-маданий қурилишга сарфланаётган маблағларнинг 50% миқдорида; табиатни муҳофаза қилиш тадбирларини ўтказиш харажатларининг 30% миқдорида; болалар учун мўлжалланган, ўқув, илмий ва техник адабиётлар нашр қилишдан олинган фойданинг 20% миқдорида.

Фойда (даромад) солиғини ҳисоблаб чиқиш ва тулаш тартибини кўриб чиқайлик.

Чорак давомида бюджетга бундай туловлари ўтказиб турилади. Бунда солиқ органи жорий чорак биринчи ойининг 5-кунига қадар тақдим этадиган маълумотномалар асосида белгиланган солиқ ставкасига ҳамда тегишли чоракда олинishi кутилаётган фойдага асосланилади. Туловчилар фойда (даромад) солиғи суммасини корхонадаги бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботга қараб, ўзлари олган ва солиқ солинадиган фойда (даромад) асосида йил бошидан бошлаб ўсиб боровчи яқунлар билан, берилган имтиёзлар ва белгиланган солиқ ставкасини ҳисобга олган ҳолда мустақил равишда аниқлайдилар.

Юридик шахслар фойда (даромад) солиғининг ҳисоблаб чиқилган суммаларини бюджетга қуйидаги муддатларда тулайдилар: ойлик ва чораклик солиқ ҳисоб-китоблари бўйича - чораклик бухгалтерия ҳисоботи тақдим этиш учун белгиланган кундан бошлаб 5 кун ичида; йиллик солиқ ҳисоб-китоблари бўйича - йиллик бухгалтерия ҳисоботи тақдим этиш учун белгиланган кундан бошлаб 10 кун ичида.

Солиқ туловчилар бундай туловларини бюджетга чораклик солиқ суммасининг 1/6 қисми миқдорида ойнинг 10 ва 25-кунларидан кечикмай ўтказадилар. Бундай тулови суммаси жуда кам бўлган

корхоналар учун солиқ органи уларнинг ёзма илтимосномасига кура пул тулашнинг бир муддатини - ҳар ойнинг 20-кунини чораклик сумманинг 1/3 қисмини ўтказиш учун белгилаши мумкин. Қишлоқ хўжалиги корхоналари, улар ишининг мавсумли тусда эканлигини ҳисобга олиб, бунақ туловларини ҳар чоракда чоракнинг учинчи ойи 20-кунидан кечиктирмай, олинини кутилаётган йиллик даромад ва белгиланган солиқ ставкаси асосида тулайдилар. Қурилиш, қурилиш-монтаж, ишга тушириш-созлаш, лойиҳа-лаш-қидирув ташкилотлари ҳамда илмий муассасалар бюджетта бунақ туловлари ўтказмайдилар, балки амалда олинган фойда (даромад) асосида солиқ инспекциясига ҳисобот давридан кейинги ойнинг 20-кунидан кечиктирмай ойлик ҳисоб-китобларни тақдим этадилар. Ҳисобот даври тугагач, туловчилар солиқ инспекциясига бухгалтерия ҳисоботлари ва баланслар, шунингдек фойда (даромад) солиғи ҳисоб-китобини топширадилар.

Фойда солиғини ҳисоблаб чиқишга мисол келтирамиз.

1. Фойда солиғи тулангунича бўлган молиявий натижа ("Молиявий натижалар туғрисида ҳисобот" деган 2-шаклнинг 170-сатридан) - 800 минг сўм.

2. а) Солиққа тортиладиган базага кирувчи чиқимлар: "Харажатлар таркиби туғрисида Низом"нинг биринчи иловасига мувофиқ - 150 минг сўм.

3. а) "Харажатлар таркиби туғрисида Низом"нинг 2-иловасига мувофиқ, мазкур ҳисобот даври учун солиққа тортиладиган базадан чиқарилмайдиган харажатлар (26/4 илова ҳисобварағида ҳисобга олинган чиқимлар) - 100 минг сўм.

б) Илгари қилинган, шу ҳисобот даври учун солиққа тортиладиган базадан чиқариб ташланадиган харажатлар (010-балансдан тапқари ҳисобварақ буйича махсус ҳисоб-китоб) - 50 минг сўм.

в) Солиққа тортиладиган базага киритилувчи харажатлар - 50 минг сўм (3а-3б бандлар).

4. Акциялар ва бошқа қимматли қоғозлар буйича дивидендлар (фоизлар), шунингдек бошқа корхоналарнинг фаолиятида улушли иштироки натижасида олинадиган даромадлар - 120 минг сўм.

5. Солиқ солинадиган база (1-банд+2-банд+3в-банд - 4-банд) - 880 минг сўм.

6. Амалдаги солиқ қонунларига мувофиқ солиққа тортиладиган базанинг камайиши (имтиёзларга доир маълумотнома илова қилинади) - 180 минг сўм.

7. Солиқ солинадиган фойда (даромад) (5-банд, 6-банд) - 700 минг сўм.

8. Фойда (даромад) солиғининг белгиланган ставкаси - 38 %.

9. Фойда (даромад) солиғининг қайд этилган ставкаси - 38 %.

10. Бюджетга туланиши керак бўлган фойда (даромад) солиғи суммаси (7-банд* 9-банд/100%) - 266 минг сўм.

11. Дивидендларга солинадиган солиқ ставкаси - 15 %.

12. Олинган дивидендлар бўйича солиқ суммаси (4-банд* 11-банд/100 %) - 18 минг сўм.

13. Бюджетга ўтказиладиган жами сумма (10-банд+12-банд) - 284 минг сўм.

14. Бюджетга ўтказилиши керак - 200 минг сўм.

15. Муддат бўйича қўшимча ўтказилиши керак - 84 минг сўм.

16. Камайтиради.

б) Солиққа тортиладиган базага киритилувчи харажатлар: "Харажатлар таркиби тўғрисида Низом"нинг 3-илловасига кўра, солиққа тортиладиган базага қўшим учун асос бўлувчи кўрсаткич (5-сатрга қаранг).

Давлат солиқ инспекцияларига бюджетга ўтказилиши керак бўлган ва ўтказилган суммалар ҳисобини юритиш учун ҳар бир йилга ишлаб турган корхона ва ташкилотлар бўйича шахсий ҳисобварақлар очилади: ишлаб турганлари бўйича - йил бошидан, янги ташкил этилганлари бўйича - қабул қилинган вақтдан бошлаб.

Давлат солиқ инспекциялари солиқлар ва бюджетга бошқа мажбурий туловлар ҳисобини юритиш учун зарур ҳужжатларни оладилар: банк ҳисобварақларидан кўчирмалар, тулов топшириқ-номаларининг нусхалари ва бюджетга туловлар ўтказилган тўғрисидаги квитанцияларни мазкур маълумотларни тегишли молния органларидан ҳисобварақлар бўйича ўтказиш учун қабул қиладилар. Туловчиларнинг шахсий ҳисобварақларини ҳисоб юритувчи ходимлар тегишли ҳужжатлар олинганидан кейинги кундан кечиктирмай очадилар. Ҳисоб юритувчи назоратчи ҳар ойнинг 10 ва 25-кунларида шахсий ҳисобварақ варақчасига фойда (даромад) солиғи бўйича бўнак туловларини ёзиб қўяди. Келиб тушган туловлар ҳисоби қўйидаги тартибда юритилади: Банк ҳисобварақларидан кўчирма, тулов топшириқномасининг нусхаси ҳамда бюджетга туловлар ўтказилгани тўғрисидаги квитанция асосида ҳисоб юритувчи назоратчи шахсий ҳисобварақ варақчасига солиқ туланганини ёзиб қўяди.

§2. Қўшилган қиймат солиғи

Ўзбекистон Республикасида амал қиладиган солиқлар орасида қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС) муҳим ўрин тутди. Билвосита тусда бўлган бу солиқ бюджет тушумлари орасида жуда катта қиёсий салмоққа эга. Мазкур солиқ 1992 йил январь ойида "Корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлардан ундириладиган

солиқлар тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ жорий этилган эди. Бу, товарларни сотиш, ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатиш жараёнида вужудга келган қиймат асосида олинган соф даромаднинг бир қисмини бюджет даромадига ўтказиш шаклидир.

ҚҚС купгина мамлакатлар, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини ривожлантиришда катта роль ўйнайди. Уни савдода солиққа тортишнинг муваффақиятли чораси деб тан олиш керак. Шу солиқ шарофати билан экспорт солигини аниқ белгилаш ва қайтариш мумкин бўлади. ҚҚС ташқи савдога ва техник усулларга нисбатан нейтрал урин тутати. Бундан ташқари, бизнес юритишнинг шакл ва усуллари ҚҚСга таъсир ўтказмайди. Шу тариқа, ҚҚСни ижобий баҳолаш мумкин, зеро ресурсларни тақсимлаш чоғида бозор воситалари учун танлаш эркинлигини берувчи иқтисодиёт шароитида юқорида айтилган шарҳлар “яхши” солиқнинг муҳим жиҳатлари ҳисобланади.

Юқорида айтилган ижобий томонлардан ташқари, ҚҚС ниҳоятда барқарордир, чунки ставка ўзгариши даромадлар купайиши ёки камайишига сабаб бўлмайди. Бунинг устига, операциялар ўтказиш чоғида ундириладиган оддий солиқ бўлган ҚҚС солиққа тортишнинг ишончли ва нисбатан осон тушуниладиган воситасидир.

Хужалик фаолияти соҳасида барча операцияларга дахлдор солиқ базаси кенлиги туфайли бу база талқини камдан-кам ҳолларда ўзгаради; бу солиқдан четда қолиш ёки бўйин товлаш имконияти анча чекланган.

Шу тариқа ҚҚС товарлар сотиш, ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатиш жараёнида вужудга келган қиймат асосида соф даромаднинг бир қисмини бюджетга ўтказишнинг шакли ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ставкалар бир хил бўлиб, фақат Олий Мажлис томонидан ўзгартирилиши мумкин. Дастлаб ҚҚС ставкasi 30 % эди. Лекин у уч марта пасайтирилди. 1993 йил январь ойида - 25 % гача, бунинг устига бюджетга ўтказилиши керак бўлган солиқнинг 5-6 % ни корхоналар ўз ихтиёрида қолдиришарди. 1994 йил 1 июлдан бошлаб ставка 20 % гача камайтирилиши муносабати билан корхоналар ихтиёрида қолувчи солиқ ставкasi бекор қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида солиқларнинг рағбатлантирувчи ролини кучайтиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида”ги Фармониға мувофиқ ҚҚС ставкasi 18 % гача камайтирилди. 1996 йилидан бошлаб 17 фоизлик ставка бўйича туланмоқда.

Ушбу солиқ тури қуйидагича ҳисобланади:

1. Бюджетга тўланиши керак бўлган ҚҚС сотилган товарлар учун истеъмолчилардан олинган ҚҚС суммаси билан товар етқа-

зиб берувчиларга (хом ашё, ёқилғи, ярим фабрикатлар, иудратчилар, хизмат кўрсатган ташкилотларга) тўланган, ҳисобот даври учун ишлаб чиқариш харажатлари сифатида рўйхатдан чиқарилган сумма орасидаги тафовут сифатида белгиланади.

Харидорлардан олинган ҚҚС суммаси қуйидаги формула буйича ҳисобланади:

$$S_n = \text{ОблОб} \times 17/100, \quad (1)$$

бунда S_n - истеъмолчилардан ундириладиган солиқ суммаси; ОблОб - солиқ солинадиган оборот.

Аниқ белгиланган (шартномавий) нархлар ва тарифлар буйича, шунингдек ҚҚСни ўз ичига олувчи нархлар ва тарифларни қўллаб жўнатилган товарлар (бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар) юзасидан ҚҚС қуйидаги формулада ҳисобланади:

$$S_n = \text{ФЦ} \times 17/117, \quad (2)$$

бунда ФЦ - аниқ белгиланган (шартномавий) нарх.

Кўнилган қиймат солиғи солинадиган оборотни белгилаш учун сотилган товарлар, бажарилган ишлар ва хизматлар қиймати олинади. Бу қиймат:

эркин (бозор) нархлар ва харидлар асосида ҚҚС солиғини қўшмасдан, акцизларни қўшиб,

ҚҚСни ўз ичига олувчи аниқ белгиланган нархлар ва тарифлар асосида ҳисоблаб чиқилади.

Чакана савдо ва умумий овқатланиш корхоналарига, бошқа истеъмолчиларга нисбатан савдо сийловлари қўлланилганда бошқарилувчи нархлар асосида чиқариладиган солиқ солинувчи оборот шу сийловлар суммасига камайтирилиши керак.

Товар (ишлар, хизматлар) айирбошлаш, шунингдек товарлар бепул ёки қисман пул тўлаш асосида берилаётган пайтда солиқ солинадиган оборот эркин (шартномавий) нархларнинг (жумладан акцизларнинг) айирбошлаш пайтида биржадаги котировкаси буйича вужудга келган ўртача даража асосида, уларда давлат томонидан аниқ белгиланган нархлар бўлса, шу нархлар асосида белгиланади.

Корхона доирасида шу корхонанинг ўзида ишлаб чиқарилган, харажатлари ишлаб чиқариш ва муомала чиқимига киритилмайдиган товарлар (ишлар, хизматлар)дан фойдаланилганда, солиқ солинадиган оборотни аниқлаш учун ана шу ёки шунга ўхшаш товарлар (ишлар, хизматлар)нинг улар буйича қўлланиладиган нархлар (тарифлар)га кўра ҳисобланган қиймати, бундай нарх ва тарифлар бўлмаса - амалдаги таннархи асос қилиб олинади.

Агар корхона иш ҳақини ўзи ишлаб чиқарган товарлар билан тўлайдиган бўлса, у ҳолда шу товарлар четга сотиладиган эркин (шартномавий) нархлар (жумладан акциз) асосида белгиланган

товарлар қиймати, давлат томонидан белгиланган нархлардаги товарлар билан тўлайдиган бўлса, шу нархлар солиқ солинадиган оборот бўлади.

Корхона аҳолига, жумладан ўз ходимларига ўзи ишлаб чиқарган товарларни эркин (шартномавий) нархларда, касса орқали ҳисоб-китоб қилиш йўли билан сотса, солиқ солинадиган оборотни ҳисоблаб чиқишда шу нархларга асосланилади.

Импорт қилинган товарлар бўйича (агар Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетига туланган ҚҚС суммаси номаълум ёки йўқ бўлса) товарларни сотиб олиш ва сотиш қиймати ўртасидаги тушум фарқи солиққа тортиш объекти бўлади; бундай ҳолларда Ўзбекистон Республикаси резидентининг ўзи қўшган қиймат солиқ солиш объекти ҳисобланади.

Чет элдан келтирилган хом ашёдан фойдаланувчи корхоналар уни тўлиқ қиймати бўйича ишлаб чиқариш ҳисобига ўтказди-лар. Бунда улар белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси миллий валютасига айлантирилган, ҚҚС суммаси ажратилма-ган ва бюджет билан ҳисоб-китоб қилинмаган ташқи савдо на-рхига асосланадилар. Чет элдан хом ашё сотиб олиш билан боғ-лиқ бошқа харажатлар ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобига киритилади.

Импорт қилинган хом ашё деганда чет элда ишлаб чиқарил-ган, МДҲга аъзо бўлмаган давлатлардан қайта ишлаш учун олин-ган хом ашё тушунилади.

Қайтариб бериладиган идишлар, шу жумладан гаров қиймати белгиланган шиша идишлар баҳоси солиқ солинадиган оборотга қўшилмайди. Фақат тайёрловчи корхона шундай идишларни со-тадиган ҳоллар бундан мустасно.

2. Ишлаб чиқариш цикли узоқ давом этадиган корхоналар (қурилиш, қурилиш-монтаж, таъмирлаш-қурилиш, ишга туши-риш-созлаш, лойиҳалаш-қидирув ва илмий ташкилотлар) учун маҳсулотнинг, бажарилган ва буюртмачи тасдиқлаган ишлар (хизматлар)нинг қиймати солиқ солинадиган оборот ҳисоблана-ди. Бундай маҳсулот ва ишлар (хизматлар) бўйича шартномавий нархлар асосида, улар ишлаб чиқариш, ишларни бажариш (хиз-матлар кўрсатиш) жараёнида юз берган ўзгаришлар, комплек-товчи материаллар нархи, транспорт билан боғлиқ ва бошқа хизматлар тарифлари охиши (пасайиши) ҳисобга олинган ҳолда ҳисоб-китоб ҳужжатлари тўловга тақдим этилган бўлиши керак.

3. Қуйидагиларга солиқ солинмайди:

а) корхонанинг бир таркибий бирлиги шу корхонанинг бошқа таркибий бирлиги саноат-ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун

жунатган маҳсулот, ярим фабрикатлар, бажарган ишлар ва хизматлар бўйича оборотлар (завод ичидаги оборотлар); корхонанинг таркибий бирлиги деганда банкда ўз ҳисоб-китоб варағи бўлмаган ва асосий корхона балансида турадиган таркибий birlikлар тушунилади;

б) кооператив, ширкат (жамият), бошқа турдаги корхона тугатилиши оқибатида улар аъзолари, муассислари ўртасида мулкни тақсимлаш билан боғлиқ оборотлар. Тугатилган корхона мулки бошқа шахсларга сотиладиган ҳолларда бу қоида қўлланилмайди.

4. Бюджетга ҚҚС тулашдан озод қилинган, шунингдек ҚҚС солиғидан озод қилинган маҳсулот ишлаб чиқарувчи, ишлар бажарувчи, хизмат кўрсатувчи корхоналар хом ашё, материаллар, ёқилғи, ўғит, комплектловчи ва бошқа буюмларни сотиб олишда ҚҚС тулайди.

Солиқ имтиёзлари - амалдаги қонунларга кўра солиқлардан тула ёки қисман озод қилиш бўлиб, улар солиқларнинг социал моҳиятини ҳамда йўналишини акс эттиради.

“Корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлардан ундириладиган солиқлар тўғрисида”ги Қонун жорий этилган вақт - 1995 йил май ойига келиб, Ўзбекистонда корхоналар фаолиятининг 28 тури ҚҚСдан озод қилинган эди. Фаолиятнинг ҚҚС ундирилмайдиган турлари рўйхати анча кенгайиб, эндиликда 38 бандни ташкил этмоқда.

Буларга, масалан, шаҳар йўловчи ташиш транспорти, бевосита аҳоли ҳақ тулайдиган курслар, тугараклар, секциялар, студиялар ёки дарслар, пенсиялар ва нафақалар тулаш билан боғлиқ алоқа хизматлари, ногиронлар учун анжомлар ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг маҳсулоти ва бошқалар кириди.

Бюджетга бевосита ҚҚС тулашдан озод қилиш, шунингдек, ишлаб чиқарувчи ҚҚС туланадиган ресурсларни сотиб олиш ва хизматлардан фойдаланиш чоғида қилган харажатлари ўрнини бирон-бир тарзда қоплашни талаб қилиш имкониятидан маҳрум бўлишини билдиради.

Солиқ имтиёзлари бериш Ўзбекистон Олий Мажлиси ваколати ҳисобланади. У республика бюджетини кўриб чиқиш чоғида солиқ имтиёзлари рўйхатини ўзгартириши мумкин.

ҚҚС қандай ҳисобланиши билан боғлиқ айрим мисолларни кўриб чиқайлик.

1-мисол.

Мебель фабрикаси столлар ишлаб чиқариб, уларни сотади. Агар битта стол баҳоси 1000 сўм бўлса, шу стол қийматидан туланадиган ҚҚС

$$10000 \times 17 : 100 = 170 \text{ сўм бўлади.}$$

Агар корхона ҳар бири 1000 сўм турадиган 20 та стол сотган бўлса, уларнинг умумий қиймати

$$1000 \times 20 = 20000 \text{ сўмни ташкил этади.}$$

Демак, 20 та стол учун ҚҚС суммаси

$$20000 \times 17 : 100 = 3400 \text{ сўм бўлади,}$$

яъни харидор 20000 сўм (стол қиймати) ва 3400 сўм ҚҚС, жамми 23400 сўм тўлайди.

Корхона таъминотчиларга улар етказиб берган моддий ресурслар учун тўланган, ишлаб чиқариш харажатларига чиқариб юборилган ҚҚС суммасини чегириб ташлаб, олинган суммани бюджетга ўтказиши.

Ташкилот маҳсулотни бир ойда ҚҚС суммаси билан, бошқа ойлarda эса ҚҚСсиз сотиши мумкин; текширув чоғида шундай ҳолат аниқланса, ундан жарима ундирилади ва амалда кам тўланган сумманинг 0,2 % миқдорида пеня қўшилади.

2 мисол.

Корхона ўз таъминотчиларига ҳам ашё учун 4,0 миллион сўм тўлаган ва бу пулни ишлаб чиқариш харажатларига чиқариб юборган. Бунда бюджет билан ҳисоб-китоблар учун ажратилган ҚҚС суммаси 0,72 миллион сўмни ташкил этган. Истеъмолчилардан эса маҳсулот сотиш натижаларига кура 8,5 миллион сўм ва 1,53 миллион сўмлик ҚҚС қолган. Истеъмолчилардан олинган ва товар етказиб берувчиларга ҳам ашё учун тўланган, маҳсулот ишлаб чиқариш харажатларига чиқариб юборилган ва бюджетга ўтказилиши керак бўлган ҚҚС суммаси орасидаги фарқ 0,81 миллион сўмни ташкил этади:

$$1,53 - 0,72 = 0,81.$$

ҚҚС тўлаш, ҳисоб-китобларни тақдим этиш муддатлари, шунингдек кейинги барча ўзгаришлар ва қўшимчалар ҳам давлат органлари, аниқроғи Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси томонидан белгиланади.

Бюджетга тўланиши керак бўлган ҚҚС суммаларига қараб корхоналар уч тоифага бўлинади:

ҚҚС суммаси ойига 1500 сўмдан кам миқдорни ташкил этадиган корхоналар уни ҳар чоракда бир марта тўлайдилар; бу корхоналар солиқни ҳисобот чорағида кейинги ойнинг 15 кунидан кечикмай тўлашлари лозим; ҳисоб-китоблар эса ҳар ойда тақдим этиб турилади.

Бир ойда тўлайдиган ҚҚС суммаси 1500 сўмдан 5000 сўмгача бўлган корхоналар ҚҚСни навбатдаги ойнинг 15 кунидан кечикмай тўлашлари ва ҚҚС буйича ҳисоб-китобларни топширишлари зарур.

Бир ойда тўлайдиган ҚҚС суммаси 5000 сумдан ошадиган (аввалги ой ҳисоб-китобларига кўра) корхоналар ҚҚС бўйича 3 марта бунақ тўлови ўтказишлари керак. Сўнгги ҳисобот даври учун мулжалдаги ҚҚС суммасининг 1/3 қисми сифатидаги икки бунақ тўлови ҳисобот ойининг 15 ва 25-кунларида, учинчиси - шундан кейинги ойнинг 5-кунида ўтказилади. Туланиши керак бўлган ҚҚСнинг амалда ҳисоблаб чиқилган суммалари тўғрисидаги ҳисоб-китоб тақдим этилганидан кейин корхона тегишли қайта ҳисоблаш ишларини амалга оширади.

Ой охирида солиқ тўловчилар солиқ органларига ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 15-кунидан кечиктирмай, ойлик ҳисоб-китоб топширадилар. Бунда улар ой давомида ишлаб чиқариш (товар жўнатиш, хизматлар кўрсатиш) борасида қилинган амалдаги харажатлар ва олинган натижаларга асосландилар.

Ҳисоблаб чиқилган ва бунақ тўловлари ўз вақтида ўтказилмаган ҳолларда бунақ ёки амалдаги тўловлар муддати тўтаган куннинг эртасидан бошлаб кечикилган ҳар бир кун учун боқиманда суммасининг 0,2 % миқдорига пеня ўндирилади.

Суммалар давлат бюджети даромадининг тегишли ҳисобварағига қачон киритилганидан қатъи назар, кредит муассасаси тўловчининг ҳисобварағидан мазкур суммани чиқарган кун солиқ тўланган кун ҳисобланади.

Агар тўлов муддати тўташи дам олиш (байрам) кунига тўғри келса, пеня дам олиш (байрам)дан кейинги иккинчи иш кунидан бошлаб ёзилади.

Агар, ҳисобот ойдан кейинги ой якунлари бўйича ўн кунлик тўловларни ўтказётган солиқ тўловчининг ҳисоб-китобларига кўра ҳисобот ойи давомида солиқ солинадиган оборот анча кам чиқса, у ҳисобот ойининг 12-кунидан кечиктирмай, бу ҳақда солиқ инспекциясига ёзма равишда хабар бериши зарур.

Бюджетга солиқлар тўғри ва ўз вақтида тўланиши учун бутун жавобгарлик солиқ тўловчилар ва уларнинг ишончли вакиллари зиммасига юклатилади.

Солиқлар тўла-тўқис, тўғри ва ўз вақтида тўланишини солиқ органлари Ўзбекистон Республикаси қонунларига кўра назорат қиладилар.

Барча туманлар солиқ инспекцияларида шахсий ҳисобварақлар варақчаларида ҳар бир тўловчи корхона бўйича ҚҚС тушуми ҳисоби юритилади.

Давлат солиқ назоратчиси корхонада солиқ инспекцияси раҳбарлари белгиланган муддатларда солиқ суммалари тўғри ҳисобланаётганини текшириб туради. Текширув давомида назоратчи “Бюд-

жет билан ҳисоб-китоблар” деган 68-ҳисобварақ “Қушилган қиймаъ солиғи” деган илова ҳисобварағи дебети ва кредитида оборотлар тўғри қайд этилганини аниқлайди. Сотиб олинган хом ашё, материаллар, ёқилғи, товарлар ҳамда ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун фойдаланиладиган бошқа товар-моддий бойликлар учун туланган солиқ суммалари, шунингдек асосий воситалар 68-ҳисобварақ дебетидан ўтказилмаганлигини текшириш зарур.

Оборотлар дебет ва кредит бўйича арифметик жиҳатдан тўғри ҳисоблангани, 68-ҳисобварақ (бошқа ҳисобварақлар билан алоқадорликда), жўнатилган товарлар, бажарилган ишлар, курсатилган хизматлар бўйича қўлланиладиган нархлар (тарифлар) асосида солиқ суммаси тўғри белгилангани текширилади.

Алоҳида товарлар (ишлар, хизматлар) учун ҚҚС бўйича имтиёзлар асосли қўлланилгани синчиклаб текширилади, бунда дебиторлик ва кредиторлик қарзлари ўз вақтида тулангани текширилиши, тўловга лаёқатсизлик сабаблари аниқланиши зарур. Булардан ташқари, солиқ суммаси бюджетга ўз вақтида ўтказилиши, жумладан бунак тўловлари ўтказилиши ҳам текширилади.

Ҳужжатлар асосида текширишдан олдин камерал текширув (корхонага бормасдан олиб бориладиган текширув) ўтказилади. Бундай текширувни солиқ назоратчилари ҳар бир солиқ ҳисоб-китоби бўйича улар олинган вақтда амалга оширадилар.

Давлат бюджети асосан солиқ тушумлари ҳисобидан тулдирилади. ҚҚС - Ўзбекистон Республикаси бюджети даромадининг асосий манбаи. Чунончи фақат ҚҚС бўйича олинадиган тушумларнинг ўзи барча бюджет тушумларининг қарийб 20% ни ташкил этади.

§3. Транспорт воситалари эгаларидан олинадиган солиқ

Транспорт воситаларининг эгалари бўлган корхоналардан ундириладиган солиқларни ҳисоблаб чиқиш ва тулаш тартиби жорий этилган вақтидан бошлаб ўзгармаган. 1988 йилда автомобиль йўлларини қуриш ва таъмирлаш учун корхоналар ва ташкилотларнинг қўшимча маблағларини жалб этиш мақсадида транспорт воситаларининг эгалари бўлган корхоналардан ҳар йили ундириладиган солиқ жорий этилган эди.

Транспорт воситалари деганда автомобиллар, мотоцикллар, мотороллерлар, тракторлар ва бошқа ўзи юрар машина ҳамда механизмларнинг барча турлари, яъни ҳар қандай қурилиш, қишлоқ хўжалик ва бошқа махсус машиналар (экскаваторлар, автокранлар, автоклагичлар ва бошқалар) тушунилади. Занжирли

(гусеничали) машина ва механизмлардан, шунингдек ғалла урадиган, пахта терадиган ва двигателли бошқа махсус комбайнлардан, яъни автомобиль йўлларида фойдаланмайдиган транспорт воситаларидан солиқ олинмайди. Шаҳарларда йўловчи ташиш билан шуғулланувчи умумий фойдаланишдаги автотранспорт корхоналари, шунингдек бевосита автомобиль йўлларида таъмирлаш ва сақлаш билан шуғулланувчи йўл хўжалиги корхона ва ташкилотлари солиқ тўлашдан озод қилинган.

Транспорт воситаларидан ундириладиган солиқ ҳар бир транспорт тури ва русумининг жамми қувватига қараб, тасдиқланган шакл асосида ҳисобланади.

Транспорт воситаларининг эгалари солиқни рўйхатдан ўтиш, қайта рўйхатдан ўтиш вақтида ёки техник куриккача тулайди.

Қўнинча корхоналарда техник куриқдан ўтмайдиган транспорт воситалари, масалан электр каралар ёки фойдаланилмайдиган машина ва механизмлар бўлади; бундай машина ва механизмлар корхоналарнинг асосий воситалари таркибига киради ҳамда корхоналардан мулк солиғи ундиришда улар ҳисобга олинади.

Транспорт воситаларининг эгаларидан олинadиган солиқ маҳаллий бюджетлар даромадига қўшилади, шунинг учун маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органлари солиқ тўлаш муддатларини белгилаш (лекин 1 июлдан кечикмай), шунингдек солиқ тўлаш борасида қўшимча имтиёзлар берин ҳуқуқидан фойдаланадилар.

Солиқ тўғри ҳисоблаб чиқилиши ва ўз вақтида бюджетга ўтказилиши учун жавобгарлик солиқ тўловчилар зиммасига юклатилади, бироқ жойлардаги солиқ органлари транспорт воситаларини рўйхатта олувчи органларда текширувлар ўтказиш орқали бюджет билан ҳисоб-китоблар тўғри ва ўз вақтида амалга ошириладиганини мунтазам равишда назорат қилиб боришлари ҳамда солиқ белгиланган тартибда тўланмаган ҳолларда мазкур суммаларни ундириб олиш чораларини кўришлари шарт.

§4. Ер солиғи

Ўзбекистон Республикасида ерга эгаллик қилиш ва ердан фойдаланиш пулвидир. Ер учун ҳақ йиллик ер солиғи сифатида ундирилади. “Ер солиғи тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ, ерга эгаллик қилувчи ёки ундан фойдаланувчи юридик ва жисмоний шахслар йиллик ер солиғи тўлайдилар. Унинг ҳажми мазкур участка сифатига, қаерда жойлашганига ҳамда сув билан таъминланиш даражасига қараб белгиланади.

Ер солиғи ҳажми ер эгалари ва ердан фойдаланувчиларнинг хўжалик фаолиятига боғлиқ эмас, у ер майдони бирлиги учун

қатъий белгиланган миқдорда тўланади ва ишлаб чиқариш чиқимларига қўшилади. Маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органлари ижарага берган ер учун ижара ҳақи олинади. Унинг ҳажми томонлар келишувига биноан, лекин қонунда белгиланган ер солиғи ставкаларидан паст бўлмаган миқдорда белгиланади.

Ер учун ҳақ тўлашни жорий этишдан мақсад - ердан оқилона фойдаланилишини, у муҳофаза этилиши ва ўзлаштирилишини рағбатлантириш, тупроқ унумдорлигини ошириш, сифати турлича бўлган ерларда хўжалик юритишнинг социал-иқтисодий шарт-шароитларини тенглаштириш, аҳоли истиқомат жойларида инфраструктура ривожланишини таъминлаш, шундай тadbирларни молиялайдиган махсус фондларни вужудга келтиришдир. Ер ресурсларидан фойдаланиш учун ставкаларни республика Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлайди.

“Ер солиғи тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қопунида юридик ва жисмоний шахслар хўжалик фаолияти билан шуғулланадиган ер участкаларидан солиқ ундирилиши белгилаб қўйилган. Ер солиғи тўловчилар - заминдор бўлган, ерга эгалик қилаётган ва ер участкаларидан фойдаланаётган бирлашмалар, корхоналар, ташкилотлар, жамоа ва давлат хўжаликлари, деҳқон хўжаликлари, бошқа қишлоқ хўжалиғи корхоналари, чет эллик юридик шахслар, уларнинг ташкилотлари, бўлимлари ва филиаллари, шу жумладан қўшма корхоналарнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги филиаллари, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг ва бошқа давлатларнинг фуқаролари ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахслар.

Ер солиғи белгиланган тартибда юридик ва жисмоний шахсларга мулк қилиб, эгалик қилиш ёки фойдаланиш ҳуқуқи билан берилган солиқ солинадиган ер майдонларидан, жумладан бино ва иншоотлар турган майдонлардан, шунингдек уларни сақлаш учун зарур ер участкаларидан йиллик ҳисоб асосида ундирилади. Бино ва иншоотларни сақлаш учун зарур ер участкалари, шунингдек санитария-ҳимоя, техник ва бошқа зоналар, агар улар фойдаланиш учун бошқа юридик шахсларга ва фуқароларга берилмаган бўлса, ер солиғи солинадиган майдонлар жумласига киради.

Ер солиғи тўловчилар ҳисоби йуриқномага мувофиқ туманлар ва шаҳарлар инспекцияларида тутилган, солиқ тўловчи берган маълумотлар асосида тулдирилган ер эгалари ва ердан фойдаланувчилар ҳисобини юритиш дафтарларида олиб борилади. Корхоналар, бинолар, иншоотлар қуриш ва бошқа ноқишлоқ хўжалик мақсадларида ердан фойдаланувчи саноат, транспорт, қур-

илиш ва бошқа ноқилшоқ хўжалик корхоналари, муассасалари ҳамда ташкилотлари ердан фойдаланувчилар ҳисобланади. Ер участкаларининг ҳажми туғрисидаги маълумотлар ерга доимий эгалик қилиш ёки ундан фойдаланиш ҳуқуқи учун берилган давлат далолатномалари, шунингдек ер бериш туғрисидаги ҳужжатлар, ер ажратиш лойиҳаси, ер баланси маълумотлари, қурилиш бош лойиҳаси ёки меъморчилик ёхуд ер тузиш хизмати органлари билан биргаликда тузилган бошқа ҳужжатлар билан тасдиқланиши керак. Қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги мақсадлари учун мўлжалланган ерлардаги экин майдонлари ер участкаси маълумотлари, ерни йўқлама қилиш материаллари, экин майдонларини асбоб билан улчаш материаллари, текшириш материаллари билан тасдиқланади.

Саноат, транспорт ҳамда бошқа ноқилшоқ хўжалик корхоналари, муассасалари ва ташкилотларидан ундириладиган ер солиғи ставкаларини ишлаб чиқишда шаҳарлар ва бошқа аҳоли истиқомат жойлари ҳудудини комплекс баҳолаш асос қилиб олинган. Комплекс баҳолашга икки қўрсаткич киритилган: шаҳарлар ва бошқа аҳоли истиқомат жойлари қуриш учун ер ажратиш муносабати билан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришидаги талафотларни компенсациялаш зарурати ҳисобга олинган ернинг иқтисодий баҳоси ҳамда мазкур ер участкалари инфраструктурасининг қиймати.

Ерларни иқтисодий баҳолаш учун суғориладиган қишлоқ хўжалиги экин майдонлари қурилиш объектлари учун ажратилиши муносабати билан уларни компенсациялаш қиймати асос қилиб олинган. Компенсация қийматини белгилашда муайян гупроқ сифатига эга бўлган, қурилиш учун ажратилган ерлар ўрнига шундай хусусиятга эга янги ерларни узлаштириш қонидан фойдаланилган. Шаҳар ва қишлоқ хўжалиги бинолари инфраструктураси қийматини белгилашда муҳандислик коммуникациялари, шаҳар транспорти, шаҳарлардаги умумий социал ва маданий-маиший объектлар, фан ва таълим, jisмоний тарбия ва спорт, дам олиш муассасалари, манзарали экинлар ҳисобга олинган. Маълумки, шаҳар ҳудудининг қиймати марказдан шаҳар чеккасига яқинлашган сайин пасайиб боради. Бунга ҳудуднинг инфраструктура билан таъминланиш даражасигина эмас, айни пайтда айрим участкалар қийматига бошқа омилларнинг таъсири ҳам сабаб бўлади.

Шу тариқа, алоҳида зонадаги ерларни комплекс баҳолашда зонанинг шаҳарни ташкил этувчи роли, транспорт қатнови даражаси, муҳит жозибадорлиги, иқтисодий аҳвол, сейсмик омил, ер

участкаларининг истеъмол қийматини ҳисобга олувчи умумий қабул қилинган бир қанча коэффициентлар қўлланилади.

Юридик шахслар учун ер солиғи ставкаси ер солиғи солиш борасидаги жаҳон тажрибасини ҳисобга олиб белгиланган. Унинг миқдори ер қийматининг қарийб 5%ни ташкил этади. Қишлоқ жойларда бу ставка 15-20% паст.

Ер қиймати унча баланд бўлмаган лалмикор-яйлов зонасида жойлашган корхоналар солиқни 5-10 барабар кам тўлайдилар. Ўзбекистонда шаҳарлар ва шаҳар типидagi посёлкалар ерлари комилекс иқтисодий баҳоланган. Ер солиғи ставкалари шу баҳолаш натижаларига қараб қайта кўриб чиқилади. Қишлоқ хўжалиги корхоналари учун ер солиғи ставкалари, жаҳон амалиётида қабул қилинганидек, ер қиймати асосида белгиланган. Республикада ҳали ернинг бозор қиймати чиқарилмаганлиги туфайли бу қиймат суғориладиган 1 га ерда етиштирилган экинлар ялпи маҳсулдорлигининг ўртача қиймати асосида шартли равишда баҳоланган.

Жаҳон амалиётида ер солиғи ставкалари ўрта ҳисобда қарийб 5% қилиб белгиланади. Ўзбекистон шароити учун қишлоқ хўжалигида юзага келган иқтисодий аҳволни ҳисобга олиб ҳамда у ривожланишини рағбатлантириш мақсадида ер солиғи ставкалари ернинг баҳоланган қийматининг атиги 3% ҳажмида қабул қилинган. Ер солиғи қишлоқ хўжалигидаги асосий ишлаб чиқариш воситаси бўлган ердан оқилона фойдаланилишини рағбатлантириши керак, шу боис суғориладиган қишлоқ хўжалиги экинзорлари учун ставкалар уларнинг сифатига ёки бонитет балларига қараб тоифалар бўйича белгиланади.

Табий-иқлим зоналарига кўра солиқларни табақалаштириш мақсадида ставкалар маъмурий туманлар бўйича бир хилда берилмайди. Лалмикор ва яйлов ерлар бўйича ставкалар вертикал минтақалар бўйича берилади. Бу ерларнинг маҳсулдорлиги билан узвий боғлиқдир. Масалан, Тошкент шаҳри ҳудуди саноат ва бошқа ноқишлоқ хўжалик корхоналари ҳамда ташкилотлари учун ер участкасининг қаерда жойлашгани, муҳандислик коммуникациялари билан таъминланиш даражаси, меъморчилик ва бошқа хусусиятларига қараб 14 минтақага, ресубликанинг бошқа йирик ва катта шаҳарлари ҳудудлари 4 га, кичик шаҳарларники 3 га ва посёлкаларнинг ҳудудлари 2 зонага бўлинган.

Қишлоқ жойлар суғориладиган ва лалмикор-яйлов минтақаларига бўлинади. Бу минтақалар чегараларини шаҳар ва туманлар ҳокимликлари тасдиқлайди. Бухоро, Самарқанд ва Хива

шаҳарларида ер участкалари меъморчилик, тарих ва маданият ёдгорликлари яқинида жойлашган корхоналар, муассасалар ва ташкилотлардан ундириладиган ер солиғи ставкалари 1,5 баравар қўпаяди.

Солиқларни табақалаштириш мақсадида ер участкалари маъмурий ва саноат марказлари атрофида жойлашганига қараб қуйидаги оширилган коэффициентлар белгиланади: Тошкент атрофида 20 км.гача масофада - 1,3; Нукус ва вилоят марказлари атрофида 15 км.гача масофада - 1,2; туман марказлари атрофида (туман маъмурий чегаралари доирасида) 10 км.гача масофада - 1,15; бошқа шаҳарлар атрофида 5 км.гача масофада - 1,1. Ер участкаларигача бўлган масофа шаҳарлар маъмурий чегарасидан бошлаб белгиланади. Агар ер участкаси икки шаҳар яқинида жойлашган бўлса, функционал мақсадига қўра юқорироқ турувчи шаҳарга тааллуқли энг баланд коэффициент олинади.

Солиқ солинмайдиган ер участкаларига қуйидагилар киради:

а) шаҳарлар, шаҳар тиридаги иосёлкалар ва қишлоқ аҳоли истиқомат жойларидаги умумий фойдаланишда бўлган ерлар;

б) боғдорчилик-томорқа ширкатлари, жамоат гаражларининг умумий фойдаланишдаги ерлари;

в) табиатни муҳофаза қилишга мулжалланган ерлар, табиат ёдгорликлари, ўрмон ҳимоя экинлари;

г) соғломлаштириш мақсадларида фойдаланиладиган ерлар;

д) рекреация мақсадида фойдаланиладиган ерлар;

е) тарихий-маданий мақсадлар учун мулжалланган ерлар;

ж) сув фондига қарашли ерлар;

з) захира ерлар;

и) электр симлари, кабель симлари ўтказилган, подстанциялар ва улардаги иншоотлар жойлашган ерлар;

к) спорт иншоотлари, стадионлар, спорт майдончалари, ҳовузлар, техник спорт турлари объектлари ҳамда бошқа жисмоний тарбия-соғломлаштириш комплекслари жойлашган ерлар, дам олиш ҳамда оналар ва болаларни соғломлаштириш жойлари, ўқув-тренинг базалари, санаторий-курорт муассасалари ва дам олиш уйлари учун ажратилган ерлар;

л) умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари, умумий тармоқ темир йўллари ва улардаги иншоотлар, умумий фойдаланишдаги шаҳар электр транспорти ва метрополитен йўллари ўтган ерлар, жумладан метрополитен станциялари ва уларга тегишли иншоотлар қурилган ерлар;

м) лойиҳада кўзда тутилганидек, мелиоратив қурилиш ҳамда қишлоқ хўжалигини ўзлаштириш даврида ўзлаштириш ва суғо-

риш жараёнида бўлган ер участкалари (шу ишлар бошланган пайтдан эътиборан беш йилдан ошмайдиган муддат давомида);

н) иш олиб бориш даврида мелiorатив яхшилаш босқичида бўлган суғориладиган ерлар (шу ишлар бошланган пайтдан эътиборан кўпи билан уч йил мобайнида);

о) қишлоқ хўжалиги мақсадлари учун ажратилган ва ўрмон фонди ерлари, илмий ташкилотларнинг бевосита илмий ва ўқув мақсадларида фойдаланиладиган ерлари. Бундай ташкилотларга қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги соҳасидаги илмий-тадқиқот институтлари ва ўқув юрларининг тажриба, экспериментал ҳамда ўқув-тажриба хўжаликлари киради;

п) гидрометеорология ва гидрогеология станциялари ва кўприклар жойлашган ерлар, мол ҳайдаб утиладиган ерлар;

р) сув ўтказиш, сув тушлаш, тозалаш, канализация тармоқлари ва иншоотлари жойлашган ерлар ҳамда коммунал хўжалик объектлари қўрилган бошқа ерлар.

Ер солиғи ва ижара тўлови заминдорлик, ерга эгаллик қилиш ёки ундан фойдаланиш ҳуқуқини тасдиқловчи ёхуд унинг ўрнини босувчи бошқа ҳужжат асосида белгиланади ва ҳар бир ер участкаси бўйича алоҳида ҳисоблаб чиқилади. Юридик шахслар ер солиғини ҳар йилнинг 1 январидаги ҳолатига кўра, лекин 1 февралдан кечикмасдан мустақил равишда ҳисоблайдилар. Улар ер участкаси жойлашган ҳудудга қаровчи солиқ инспекциясига ер солиғи ҳисоб-китобини топирадилар. Ер солиғи суммаси қуйидаги формула бўйича белгиланади:

$$3H_n = \sum_{i=1}^n X_i \cdot C_i \cdot K_i;$$

бунда n - бир юридик ёки жисмоний шахс фойдаланадиган, турли мақсадлар учун мўлжалланган ер участкалари сони;

$3H$ - юридик ёки жисмоний шахсдан олиннадиган ер солиғи суммаси;

$\sum_{i=1}^n X_i$ - ерлар ҳисобини юритиш маълумотлари бўйича ер участкаси майдони;

C_i - тегишли мақсадларда фойдаланиладиган ер бўйича ер солиғи ставкаси;

K_i - ер солиғи ставкасини тузатиш коэффициенти.

Қўшимча ер ажратилиши натижасида ер майдони ҳажми ўзгарганда ер солиғи ер участкаси берилган ойдан кейинги ойдан бошлаб ҳисобланади. Ер участкаси олиб қўйилган (камайтирилган), сотиб олинган, сотилган ҳолларда солиқ ундириш ер участкаси тортиб олинган, сотиб олинган, сотилган ойдан бошлаб тўхтатилади (қисқартирилади).

§5. Акциз солиғи

Акциз - билвосита солиқ тури бўлиб, товар ёки хизмат нархи-га устама кўринишида ундирилади ва пировард истеъмолчи то-монидан туланади. Акцизлар давлатнинг солиққа доир умумий сиёсати таркибий қисми ҳисобланади ҳамда бюджет даромадини кўпайтириш, баъзи товарлар истеъмол қилиниши (тамаки, спир-тли ичимликлар), ишлаб чиқариш айрим турларининг табиатни муҳофаза қилишга салбий таъсири оқибатида юзага келадиган социал харажатлар ўрнини қоиланда, шунингдек автомобиль йўллари қуриш ва сақлаш харажатларини (автомобиль сотиб олиш солиғи, автомобиль ҳайдаш учун рухсатнома ва бошқа кўринишларда) қоплашда, ватанимиздаги ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлашда ва ҳоказолар учун қўлланилади.

Акцизлар ҳажми, қонда тариқасида, товар қиймати билан ҳам, уни ишлаб чиқариш учун қилинган меҳнат сарфи билан ҳам боғлиқ эмас, балки давлатнинг солиқ сиёсатига қараб белгилана-ди. Баъзи мамлакатларда истеъмол солиғи, яъни чакана савдода-ги ҳар бир харид учун солиқ, хизмат курсатиш соҳасида оборот солиғи, томошахоналардан ундириладиган солиқ ва бошқалар тобора кўпроқ ривожланмоқда.

- Ўзбекистон Республикасида акциз солиғи Ўзбекистон Респуб-ликсининг 1991 йил 15 февралда қабул қилинган “Корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлардан ундириладиган солиқлар туғри-сида”ги Қонунга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси қонунл-ари билан кейинчалик киритилган ва республика иқтисодиёти бозор муносабатларига ўтиши билан боғлиқ ўзгариш ва қўшимч-аларни ҳисобга олган ҳолда илк маротаба 1992 йилда жорий этилган эди.

Акциз суммаси билвосита солиқ кўринишида бюджетга ўтказ-иладиган (олинадиган) соф даромаднинг бир қисми бўлиб, у қўшимча қиймат солиғи солинадиган базада ҳисобга олинади.

Ўзлари ишлаб чиқарган ва акциз солиғи солинадиган товар-ларни сотувчи, мулкчиликнинг ҳар қандай шаклидаги корхона-лар, бирлашмалар ва ташкилотлар акция солиғи туловчилар ҳис-обланди.

Акциз солиғи туланидиган моллар рўйхатига кирган, лекин экспорт қилиш учун ишлаб чиқарилган товарлар (Европа иқти-содий ҳамжамияти мамлакатларидан ташқари); Қизил Ярм ой жамияти корхона ва ташкилотлари ўз устав вазифаларини ба-жаришда фойдаланиш учунгина ишлаб чиқарган товарлар; вино

ишлаб чиқариш учун республикадаги истеъмолчиларга вино материаллари етказиб бериш акциз солиғига тортилмайди.

Акциз суммаси дастлаб акциз олинадиган сотилган товарларнинг табиий ва қиймат қўрсаткичи асосида белгиланарди. Солиққа тортиладиган оборотни аниқлаш учун у акциз ставкаси маҳсулот бирлиги учун сўмда тасдиқланган товарлар бўйича (товарлар сотиш натурал ифодада), акциз ставкаси эркин сотув нархига нисбатан фоиз ҳисобида белгиланган товарлар бўйича (товарларни эркин сотув нархларида сотиш) қабул қилинарди.

• Акцизлар суммаси четга сотилган товарлар қиймати асосида туловчилар томонидан белгиланган ставкалар бўйича мустақил равишда белгиланади.

Масалан, 1993 йил ноябрь ойидан бошлаб вино-ароқ маҳсулотлари ва пиво бўйича акциз суммасини ҳисоблаб чиқиш тартиби ўзгартирилди. У энди ишлаб чиқариш, фойда чиқимларини ўз ичига олувчи сотув нархлари, акциз суммаси ва белгиланган ставка асосида ҳисоблана бошлади. Бу тартиб 1994 йил январь ойидан акциз солиғи солинадиган барча товарларга тааллуқли бўлиб қолди.

1995 йилда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 13 декабрдаги қарорига мувофиқ ароқ ва ликер-ароқ маҳсулотлари, узумдан тайёрланган вино, вино материаллари, коньяк, шамиань виноси, пиво, ичиладиган спирт, четдан келтириладиган барча турдаги спиртли ичимликлар ва тамаки маҳсулотлари, гиламлар ва машинада туқилган гилам маҳсулотлари, нефть маҳсулотлари (керосин, авиация керосинидан ташқари, бензин, дизель ёқилғиси), нефть ва газ конденсати, заргарлик буюмлари, қумуш қошиқ, пичоқ ва санчқилар, ўсимлик ёғи, пахта толаси, табиий чарм ва мўйна (ошланган), қорақул терилари акциз солиғига тортила бошланди.

Қуйида сотиш нархи ва акциз солиғини ҳисоблаб чиқишга мисол келтирилган (рақамлар ҳар бир буюм учун шартли равишда қабул қилинган):

- | | |
|---|-------|
| 1. Ишлаб чиқариш чиқимлари ва фойдани
ўз ичига олган улгуржи нарх, сўмда | 10-00 |
| 2. Акциз ставкаси, сотув нархига
нисбатан % ҳисобида | 65,0 |
| 3. Сотиш нархи, сўмда | |

$$\frac{(1\text{-сатр} \times 100)}{(100 - 2\text{-сатр})} = \frac{(10 \times 100)}{(100 - 65)} \quad 28-57$$

4. Акциз суммаси, сўмда (3-сатр - 1-сатр)

(3-сатр x 2-сатр)

ёки ----- 18-57

100

(28-57 x 65)

(28-57 - 10) ёки -----

100

Бозор муносабатлари ва нархлар эркин қўйилиши шароитида улуржи нархларни корхоналар мустақил белгилайди. Уларда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси тасдиқлаган “Маҳсулот (ишлар, хизматлар) таннархига кирувчи харажатлар ва маҳсулот сотиш (ишлар бажариш, хизматлар курсатиш) таркиби, молиявий натижалар шаклланиши тартиби тўғрисида Низом”га мувофиқ маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни сотиш билан боғлиқ барча харажатлар акс этади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига келтириладиган тамаки маҳсулотлари ва спиртли ичимликларга ҳам акциз солиғи солинади (келтириладиган пивога акциз солиғи солинмайди, чунки андоза шартларига кўра у спиртсиз кўпирувчи ичимлик ҳисобланади). Четдан келтириладиган тамаки маҳсулотларига акциз 1994 йил октябрь ойида, спиртли ичимликларга эса - 1995 йил январда жорий этилган.

Божхона хизматлари юқорида айтилган товарлардан акциз солиғини миллий валютада ундириб олади ва депозит ҳисобварақларига қўяди, бу маблағлар ҳар 10 кунда республика бюджетига ўтказиб турилади. Мулкчиликнинг барча шаклларига мансуб бўлган, республика ҳудудига акцизга тортиладиган товарлар олиб кирувчи корхоналар, ташкилотлар, муассасалар ҳамда энг кам иш ҳақининг 100 бараваридан кўп ҳажмда республикага акцизга тортиладиган товарлар олиб кирувчи жисмоний шахслар бу товарлар бўйича акциз солиғи туловчилар ҳисобланади.

Акциз солиғини ҳисоблаш учун
МИСОЛ

Товарлар	Ҳар бир товарнинг АҚШ долларидаги баҳоси	Ҳар 1000000 донаси учун фактура қиймати (сўмда)	Акциз ставкалари ва суммалари		
			оборот (сўмда)	ставка %	Сумма (сўмда)
Marlboro фильтрли сигаретлари		500000	1000000	50	500000

Эслатма: Ушбу мисолда 1 АҚШ доллари курси 25 сўм қилиб олинган.

Келтириладиган товарлар учун акцизлар божхона юк декларацияси расмийлаштирилгунга қадар ёки расмийлаштириш вақтида туланади. Зарурат туғилганда, божхона хизматлари бошлиқларининг қарорига қўра, акциз солиғини тулаш муддати 30 кунгача кечиктирилиши мумкин.

Республикада ишлаб чиқарилувчи товарлардан фарқли ўлароқ, четдан келтириладиган товарлар бўйича акцизларни ҳисоблашда божхона юк декларациясининг 42-устунида кўрсатилган, товар божхонада расмийлаштириладиган вақтда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки белгиланган курс бўйича товарнинг миллий валютага айлантирилган фактура қиймати асос қилиб олинади. Фактура қиймати товар қийматини, суғурта, юк ортиш, товарни тушириш ҳамда ташиш учун туловларни ўз ичига олади.

Ўзбекистон ҳудудига келтириладиган, акцизга тортиладиган товарлар бўйича акциз солиғи бошқа божхона туловлари билан бир вақтда туланади. Солиқ тулаш муддати ҳузиб берилган ҳоллар бундан мустасно.

Пул туловга қабул қилингани туғрисида банк белгиси қўйилган, тулдирилган декларация билан бирга тақдим этилган тулов топшириқномаси туловчи акцизни тулаганини тасдиқловчи ҳужжат бўлади.

Четдан келтириладиган товарлар бўйича акцизни ҳисоблаш учун солиққа тортиладиган оборот қўйидаги формула асосида аниқланади:

$$\frac{C \times 100}{(100 - A)}$$

Бунда:

C - фактура қиймати;

A - акциз ставкаси.

Акция суммаси қўйидаги формула бўйича белгиланади:

$$\frac{O \times A}{100}$$

Бунда:

O - солиққа тортиладиган оборот;

A - акциз ставкаси.

Туланиши керак бўлган акциз суммаси божхона юк декларациясида ва унга илова қилинган варақларда ҳисоблаб чиқилади.

§6. Фуқаролардан ундириладиган даромад солиғи

Умумий қоидалар. Фуқаролардан ундириладиган даромад солиғи - амалда жаҳоннинг барча мамлакатларида айниқса кент тарқалган солиқ тури. Ҳозирги вақтда мазкур солиқ аҳолининг деярли ҳамма қатламларини қамраб олувчи, энг яхши ишлаб чиқилган ва барқарор солиқдир.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида даромад солиғи “Ўзбекистон Республикаси фуқароларидан, чет эллик фуқаролардан ва фуқаролиги бўлмаган шахслардан даромад солиғи ундириш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни асосида ундирилади.

Ўзбекистон Республикасида доимий турар жойи бор, шунингдек бундай турар жойга эга бўлмаган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эллик фуқаролар ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахслар даромад солиғи туловчилар ҳисобланади.

Солиққа тортиш мақсадларида, Ўзбекистон Республикасида доимий турар жойи бўлган фуқаролар деганда календарь йили давомида 183 кундан ортиқ вақт Ўзбекистон Республикасида яшовчи фуқаролар тушунилади. Ўзбекистон Республикасида доимий турар жойи бўлган фуқаролар Ўзбекистон ҳудудида ҳамда Ўзбекистон Республикаси иқтисодий зонасида, шунингдек ундан ташқарида пул ёки натура тарзида олган даромадлар улардан даромад солиғи ундириш объекти ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида доимий турар жойи бўлмаган фуқаролар даромад солиғини фақат Ўзбекистон Республикасидаги манбалардан олинган даромадлар юзасидан тулайдилар.

Даромад солиғи фуқаролар барча тоифаларининг манфаатлари билан боғлиқ бўлиб, солиққа тортишнинг асосий қоидаларини ўзида айниқса тўла ифодалайди.

Чунончи, солиққа тортиш чоғида социал адолатни сақлаш мақсадида амалдаги солиқ қонунларида истисно тариқасида бир қанча имтиёзлар кўзда тутилган. Хусусан, ишсизлик нафақаси (Ўзбекистон Республикаси Қонунларида белгиланган ҳажмларда), давлат социал суғуртаси ва давлат социал таъминотига доир нафақалар, алиментлар, олий ўқув юртлари, ўрта махсус ва ҳунар-техника ўқув юртлари талабаларининг стипендиялари, ҳунар-техника билим юртлари пенсиялар, шунингдек пенсияга қўшимча туланидиган пуллар, фуқароларнинг хусусий мулкани сотишдан тушган суммалар, табиий офатлар, бошқа фавқулодда ҳодисалар муносабати билан бериладиган моддий ёрдам суммалари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон

Республикаси ҳукуматларининг қарорлари асосида шундай ёрдам кўрсатилганда ва бошқа ҳолларда туланадиган пуллар шулар жумласидандир.

Бундан ташқари, солиққа тортиладиган даромад фуқароларга туланиши керак бўлган, лекин уларнинг аризаларига кўра корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар томонидан хайрия ҳамда экология фондларига, шунингдек қисман ёки тула-туқис бюджетдан молияланувчи маданият, халқ таълими, соғлиқни сақлаш ҳамда социал таъминот корхоналари, муассасалари ва ташкилотларига ўтказиладиган сумма миқдориди камайтирилади. Ўзбекистон Республикасининг солиққа доир амалдаги қонунларида фуқаролардан даромад солиғи ундириш борасида солиқ тулашдан озод қилиш, солиқ ставкаларини камайтириш ёки фуқароларнинг айрим тоифалари учун солиқларнинг энг паст даражасини белгилаш кўринишидаги бир қанча имтиёзлар кўзда тутилган.

Фуқаролардан даромад солиғи ошиб борувчи (прогрессив) ставкалар бўйича ундирилади. Вертикал адолат қонидаси доирасида, даромади кам фуқаролардан солиқлар сердаромад фуқароларга нисбатан камроқ олинади. Бунда, даромад солиғининг шу муайян ставкаси учун солиқ қонунларида белгиланган даражадан ошадиган даромадлар юқорироқ ставкалар бўйича солиққа тортилади, даромад солиғи мураккаб прогрессив ставка бўйича ундирилади.

СССР даврида амал қилган қоидага кўра, даромад солиғи ҳар ойда, қайта ҳисоблашсиз чиқариларди.

Бозор иқтисодиёти шароитида, ва айниқса даромадлар ҳажмлари даврлар бўйича катта фарқ билан тақсимланадиган мавсумий тусдаги ишларни бажаришда, бундай ёндашув мақбул эмас. Сабаби, даромаднинг ўртача даражаси унча баланд бўлмаса-да, фуқаролар айрим даврларда кўпроқ солиқ солинадиган катта даромад олишлари мумкин. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикасида йил бошидан бошлаб якуни ўсиб борувчи даромад солиғи ҳисоб-китоби қабул қилинган. Ҳисоб-китоб қилишнинг бундай усули солиқларни ҳар ойда алоҳида ҳисоблаб чиқишдан мураккаброқ бўлса ҳам, туланадиган солиқ суммасини фуқароларнинг йиллик ўртача даромадига қараб текислаш имконини беради ҳамда солиққа тортишда горизонтал адолатни сақлашга кўмаклашади.

Солиққа тортиш мақсадида фуқароларнинг асосий иш жойидан ҳамда асосий бўлмаган иш жойидан ёки якка тартибдаги тадбиркорлик фаолиятидан олган даромадлари фарқланади.

Асосий иш жойидан даромад деганда, асосий иш (хизмат, ўқиш) жойи сифатида қабул қилинган, корхона, муассаса ёки

ташкilot билан меҳнатга оид ва унга тенглаштирилган муносабатлар ўрнатган фуқаролар календарь йили давомида фақат ана шу корхона, муассаса ёки ташкilotда олган иш ҳақи ва бошқа даромадлар тушунилади.

Меҳнат муносабатлари ва унга тенглаштирилган мажбуриятлар деганда, фуқаролар корхона, муассаса, ташкilot билан тузган меҳнат шартномаси (битими) асосида муайян мутахассислик, малака, лавозим бўйича ишлаши ёки кооперативга, деҳқон (фермер) хўжалигига, жамоат ёки диний ташкilotга, адвокатурага аъзолик муносабати билан, шунингдек хизмат ва ўқиш билан боғлиқ меҳнат фаолияти олиб бориши тушунилади.

Мазкур корхона, муассаса ва ташкilotдан олинган барча даромадлар ялпи даромадга киради.

Фуқароларнинг асосий иш (хизмат, ўқиш) жойидан бошқа корхона, муассаса, ташкilotлардан ёки тadbirkor сифатида рўйхатга олинган жисмоний шахслардан олган даромадлари, шу жумладан тadbirkorлик фаолиятидан оладиган даромадлари асосий иш жойидан ташқарида олинган даромадлар ҳисобланади.

Даромад солиғи фуқароларнинг календарь йили бошидан буён ёзилган ялпи даромади умумий суммасидан ҳар ойда ҳисобланади ва ушлаб қолинади. Tadbirkor сифатида рўйхатдан ўтган жисмоний шахслар ҳам улар фуқаролик-ҳуқуқий шартномаларга кўра бажарилган ишлар учун фуқароларга тулайдиган даромадлардан ундириладиган солиқларни аynи шу тартибда ҳисоблайдилар.

Фуқароларнинг илтимосига кўра корхоналар, муассасалар, ташкilotлар ва тadbirkor сифатида рўйхатга олинган жисмоний шахслар уларга ёзилган даромад ва ушлаб қолинган солиқ суммаси туғрисида маълумотнома беришга мажбурдирлар.

Фуқаролар асосий иш жойидан ташқарида олган даромадлардан Қонунда белгиланган солиқ солинмайдиган минимум суммаси чегириб ташланмайди.

Чет элдан келадиган тўловлардан, шунингдек меросхўрлар (ҳуқуқий ворислар)га муаллиф тулайдиган (ихтиролар, кашфиётлар ва саноат намуналарининг муаллифларидан ташқари) тўловлардан даромад солиғини Ўзбекистон Республикаси ҳудудида шу пулларни тўловчи ташкilot ушлаб қолади.

Асосий иш жойидан ташқарида даромад олган фуқаролар шундай даромад олинган йил тугагач, ана шу ва асосий иш жойидан олинган даромадлар туғрисидаги зарур маълумотларни декларацияга киритиб, уни ўзлари доимий яшайдиган жойга қаровчи солиқ органига белгиланган тартибда 1 апрелга қадар топширишлари шарт.

Корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва фуқароларга солиқ солинадиган даромад тулаган, тадбиркор сифатида рўйхатга олинган жисмоний шахслар ҳар йили 1 мартдан кечикмай ўз манзилларидаги қаровчи солиқ органига утган йил мобайнида фуқароларга туланган даромадлар ва улардан ушлаб қолинган солиқ суммалари қайд этилган, ана шу фуқаролар доимий яшайдиган манзиллар кўрсатилган маълумотларни белгиланган шаклда тақдим этишлари керак.

Бундай маълумотлар фуқароларга ҳар гал даромад туланганидан кейин жўнатилиши ҳам мумкин.

Бу маълумотларни солиқ органлари даромад олувчилар доимий яшайдиган жойдаги солиқ органларига юборадилар. Солиқ органлари фуқаролар йил давомида ўзлари олган даромадлар тўғрисида тақдим этган декларацияларни текшириш чоғида шу маълумотлардан фойдаланадилар.

Корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ҳамда тадбиркор сифатида рўйхатдан утган жисмоний шахслар фуқароларга муаллифлик ҳақи ҳамда нашр иуларини, фан, адабиёт ва санъат асарларини чиқарганлик ёки улардан бошқа шаклда фойдаланганлик учун ҳақни, муаллифларга кашфиётлар, ихтиролар ва саноат намуналари учун мукофотни тўлаётганларида, шунингдек йиллик ялпи даромад бўйича солиқни ҳисоблаётганларида ҳужжатлар билан тасдиқланган чиқимларни ҳисобга оладилар. Агар бу чиқимлар ҳужжатлар билан тасдиқланиши мумкин бўлмаса, улар Ўзбекистон Республикаси ҳукумати белгилаган тартибда ҳисобга олинади.

Даромадлар тўғрисида тақдим этилган декларация асосида солиқ тўлаш чоғида фуқароларнинг барча тоифаларини қонунга мувофиқ солиққа тортиш, солиқ органларининг ходимлари фуқаролар даромадлари ҳисоби юритилишини, улар қонуний йўл билан олинганини, декларация тўғри тузилгани ҳамда йиллик ялпи даромад бўйича солиқ тўғри туланганини амалда назорат қилиб туришлари асосий вазифа ҳисобланади.

Ҳисобот йили давомида асосий иш жойидан ташқарида даромад олувчи барча тоифадаги фуқаролар, яъни йил давомида икки ва ундан кўп манбадан даромад оладиган фуқаролар йиллик ялпи даромад тўғрисида декларация топширадилар. Шунингдек, ҳисобот йили давомида асосий иш жойи бўлмаган ва йил мобайнида бирон-бир даромад олган фуқаролар ҳам декларация топширадилар.

Йил давомида даромад олган юқоридаги шахслар 1 апрелдан кечикмай ўз доимий яшаш жойларига қаровчи солиқ органига

иловада курсатилган шаклда йиллик ялпи даромад туғрисида декларация топширишлари шарт. Ходимнинг меҳнат дафтарчаси сақланадиган ҳамда у меҳнат ва шунга тенглаштирилган бошқа муносабатлар урнатган корхона, муассаса ёки ташкилот унинг асосий иш жойи ҳисобланади.

Декларация бланкининг шакли “Ўзбекистон Республикаси фуқароларидан, чет эллик фуқаролардан ва фуқаролиги бўлмаган шахслардан даромад солиғи ундириш туғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини қўллаш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг N9 ва Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг N84 қарори билан 1994 йил 21 январда тасдиқланган йуриқномада берилган.

Йиллик ялпи даромад туғрисидаги декларация қўйидаги қоида асосида тузилган:

- декларациянинг I бўлимида фуқаролар йил давомида олган барча даромадлар, шу даромадларни олиш учун қилинган харажатлар, шунингдек бу даромадлар ёки бунақларни тулаш манбалари мазкур туловлар чоғида улардан ушлаб қолган солиқлар суммалари туғрисидаги маълумотлар берилади. Олинган даромадлар туғрисидаги маълумотлар даромад қаерда олинганига ҳамда бу даромад турига қараб, бўлимнинг тегишли жадвалига киритилади;

- II бўлимда даромадлар туғрисидаги декларацияни топширувчи фуқаро эга бўлган чегирмалар ҳуқуқи туғрисидаги маълумотлар берилади;

- декларациянинг III бўлимида солиққа тортилиши керак бўлган, ҳисобот йили давомида амалда олинган ялпи даромад туғрисидаги маълумотлар курсатилади ҳамда солиқ туловчи келаси йили олишни муължаллаётган солиққа тортиладиган даромад маълум қилинади;

- IV бўлимда йиллик ялпи даромаддан олинishi керак бўлган даромад солиғи ҳисоблаб чиқилади. Солиқ органига ўз йиллик ялпи даромади туғрисида декларация тақдим этаётган фуқаро ҳам, солиқ органи ҳам шундай ҳисоб-китобни чиқариши лозим.

Агар солиқ туловчи декларациянинг IV бўлимини тулдиришда солиқни нотўғри ҳисоблаган бўлса, солиқ органи солиқ туловчининг ушбу бўлимдаги маълумотларини эътиборга олмайди.

Айни пайтда солиқ органи ана шу бўлимда даромад солиғини ҳисоблаб чиқариши шарт. Қилинган ҳисоб-китоб солиқ туловчига шахсий ҳисобварақ очиш ҳамда тулов билдиришномаси ёзиб бериш учун асос бўлади.

Амалда олинган йиллик ялпи даромад бўйича даромад солиғи “Ўзбекистон Республикаси фуқароларидан, чет эллик фуқаролардан ва фуқаролиги бўлмаган шахслардан даромад солиғи ундириш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 8-моддасида курсатилган ставкалар бўйича ундирилади.

Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, декларациянинг I бўлими 1-банди 3-устуни, 2-банди 3-устуни, 3-банди 2-устуни, 4-банди 2-устуни ҳамда 4-банднинг 3 ва 4-устунларида туланган ёки олинган даромад эмас, балки ЁЗИЛГАН даромад суммаси курсатилиши лозим.

Бунинг учун ҳисобот йили охирида солиқ тўловчи ишлаган корхона, муассаса ёки ташкилот бухгалтериясига мурожаат қилиш ва улардан зарур маълумотларни сураш керак.

Ҳисобот йилида асосий иш жойидан ташқарида даромад олган солиқ тўловчи ҳам ўзи ишлаган корхона бухгалтериясига мурожаат қилиши лозим.

Шуни назарда этиш керакки, агар солиқ тўловчи ҳисобот йили давомида асосий иш жойини ўзгартирган бўлса, у янги ишга кирган корхона, муассаса ёки ташкилот бухгалтерияси, шу йили олинган даромадлар ва ушлаб қолинган солиқлар тўғрисида маълумотнома берилган тақдирда, йил бошидан буён олинган ялпи даромадни, жумладан аввалги иш жойида олинган даромадни курсатиши шарт.

Йиллик ялпи даромад тўғрисидаги декларация сиёҳли ёки шарикли ручкада тўлдирилиши ҳамда солиқ тўловчи томонидан имзоланиши керак. Декларациядаги бу маълумотларга киритилган, лекин солиқ тўловчининг имзоси билан тасдиқланмаган ўзгаришларлар инobatта олинмайди.

ЧЕТ ЭЛ ИНВЕСТИЦИЯЛАРИ ИШТИРОКИДАГИ КОРХОНАЛАРНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

§1. “Чет эл инвестициялари” тушунчаси ва уларнинг мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришдаги роли

Чет эл инвестициялари нима ва уларнинг давлат иқтисодий ривожини тезлаштиришдаги роли қандай? Investition (нем.) сўзи сармойани бирон-бир корхона, ишга узоқ муддатли “қуйиш”ни билдиради. Бундай маблағ йуналтиришни пул ифодасида, натурал-моддий кўринишда ҳамда интеллектуал мулкдан фойдаланиш ҳуқуқини бериш йўли билан амалга ошириш мумкин.

Чет эл инвестициялари - мамлакат иқтисодий ривожланишини тезлаштиришга ёрдам берувчи асосий омиллардан бири. Ҳатто АҚШ, Германия, Франция, Япония, Буюк Британия каби ва бошқа жуда ривожланган давлатлар ҳам чет эл сармойаси доимий жалб этиб турилишини ўз иқтисодий имкониятларини ўстириш, фуқаролар фаровонлигини оширишнинг зарур воситаси деб ҳисоблайдилар. Иқтисодиёти кучли ривожланиб бораётган мамлакатлар - Хитой, Жанубий Корея, Сингапур, Малайзия ва Шарқий Осиёдаги бошқа мамлакатлар тажрибаси ҳам чет эл инвестицияларининг фаоллаштирувчи таъсирини яққол исботламоқда. Уларнинг ҳукуматлари қулай инвестиция муҳитини вужудга келтирдилар, бу эса жуда тез натижа берди.

Иқтисодиёти утиш жараёнини бошидан кечираётгани мамлакатлар бозор иқтисодиётига утишида чет эл инвестициялари катта ёрдам бермоқда. Айни шу жиҳат бизда алоҳида қизиқиш уйғотади. Чет эл инвестициялари ёрдамида республикамиз иқтисодиёти олдидаги энг муҳим вазифалардан қайсиларини ҳал этиш мумкинлиги хусусида тўхталиб ўтайлик.

1. Қўшимча инвестиция сармойасини жалб этиш. Сармоя бозори республикамизда эндигина ривожланиб келмоқда. Шу боис у йирик лойиҳалар учун зарур ҳажмдаги сармойани етказиб бера олмайди. Бундан ташқари, маҳаллий бозорда топилмайдиган товарларни сотиб олиш учун зарур қаттиқ валюта ҳам етишмаё-

тир. Чет эл инвестициялари ана шу муаммоларнинг ҳар иккисини бир йўла ҳал этиш имконини беради, зеро улар ташқи сармоя манбаи бўлади. Маҳаллий сармоя бозорлари нисбатан кам ривожлангани ёки мамлакатнинг маҳаллий товарларни экспорт қилиш йўли билан чет элдан валюта келишини қўнайтириш қобилияти чет эллик инвестор (яъни, инвестиция ажратаётган омонатчи) учун тўсиқ бўла олмайди.

2. Илғор техникага эга бўлиш. Республикамиздаги кўпгина корхоналар эскириб қолган машина-ускуна ва технологиялардан фойдаланмоқда, бу эса меҳнат унумдорлигини анча камайтириб, сифатсизроқ товарлар ишлаб чиқарилишига олиб келаяпти. Бу уларнинг рақобатлашиш қобилиятига таъсир кўрсатаяпти, қаттиқ валюта ишлаб топиш имкониятларини камайтиряпти. Чет эл инвестициялари бу муаммони ҳал этиш имконини беради, чунки инвестиция товарларида илғор техника мужассамлашган, корхоналар эса янги технологиялардан фойдаланиши мумкин. Технологиядан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлиш учун қийматбаҳо чет эл валютаси сарфланиши керак. Инновация жараёнлари республика корхоналарида меҳнат унумдорлигини кескин ошириш имконини беради ва уларга инвестициялар йўналтирилишини рағбатлантиради.

3. Бошқарувнинг илғор усулларини эгаллаш. Чел эллик инвесторлар бошқарувнинг синовдан ўтган илғор усулларига эгалар. Улар шундай усулларни ўрганиш ва қўллаш имконини берадилар. Бундай тажрибани ўрганиш айниқса қўшма корхоналар барпо этиш, маҳаллий корхонани чет эллик инвесторлар хусусийлаштириши шароитида муҳим роль ўйнайди. Бундан ҳар икки томон манфаат кўради - чет эл инвестор фирмаси маҳаллий билим ва алоқалардан фойдаланади, маҳаллий корхоналар эса таклиф этилган усуллардан меҳнат унумдорлигини ошириш ва маҳсулот сифатини яхшилашда фойдаланадилар.

4. Жаҳон бозорига кириш имкониятларини кенгайтириш. Чет эллик инвесторлар тақсимлаш каналларига киришда ҳамда жаҳон бозорига товар сотиш борасида тажриба орттиришда ёрдам берадилар, бу эса республиканинг экспорт имкониятларини ривожлантиради ҳамда чет эл валютаси олишнинг ишончли манбаини яратади.

5. Хусусийлаштиришни тезлаштириш. Сармояларни бирлаштириш - бозорга ўтишнинг, хусусийлаштиришни муваффақиятли ўтказишнинг зарур шартларидан бири. Чет эллик инвесторлар корхонанинг иқтисодий имкониятларини таҳлил қила оладилар ва шу туфайли ёрдам беришлари мумкин бўлади. Бу ёрдам ташқи

фонд манбаларидан фойдаланишни тезлаштиради ҳамда агар давтавал активлар сотилса ва башарти ишлаб чиқаришни қайта ташкил этиш ва унинг тузилишини ўзгартириш учун инвестициялар талаб қилинса, сармояни таркиб топтириш учун асос бўлиб хизмат қилади. Чет эллик инвесторлар ишгироки янги хусусийлаштирилган корхоналар имкониятини ишга солиш орқали жараён самарадорлигини ошириши мумкин.

Чет эллик инвесторлар ўз сармояларини республикамиз иқтисодиётига йўналтиришни хоҳлашлари учун муайян шарт-шароит, қулай инвестиция муҳити, яъни хилма-хил сиёсий, иқтисодий ва социал шароитлар яратилиши керак. Буни амалга ошириш туфайли Ўзбекистонни чет эл инвестицияларини ишга солиш учун энг манфаатли жойга айлантириш имконияти яратилади.

Ўзбекистон қонунлари чет эл инвестицияларини жалб этиш учун қулай ҳуқуқий ва иқтисодий шарт-шароит яратади. Чунончи, “Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти 1992 йил 24 июлда чиқарган “Ўзбекистон Республикасида ташқи иқтисодий фаолиятни рағбатлантириш, чет эл инвестицияларини жалб этиш ва ҳимоялашга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармон қабул қилинган вақтдан бошлаб қўшма ва чет эл корхоналарини ташкил этиш ҳамда ривожлантириш билан боғлиқ кучли жараён бошланиб кетди. 1994 йил 5 майда Ўзбекистон Республикасининг “Чет эл инвестициялари ҳамда чет эллик инвесторлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни, шунингдек 1994 йил 23 августдаги Қонун қабул қилиниб, унда чет эллик инвесторлар ҳуқуқларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилиши, улар кенгайтирилиши натижасида мазкур жараён анча кучайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти “Иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк ҳимояланишини таъминлаш ва тадбиркорликни ривожлантиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида” 1994 йил 24 январда чиқарган Фармон инвесторлар учун қулай шарт-шароит яратиш ишига қўшилган муҳим ҳисса бўлди, иқтисодий ислохот, тадбиркорлик ва чет эл инвестициялари идоралараро кенгаши ташкил этилди; юқорида айтилган Фармонда савдо, хизмат кўрсатиш соҳаси объектларини, шунингдек улар жойлашган ер участкаларини танлов асосида жисмоний ва юридик шахсларга, жумладан чет эллик шахсларга хусусий мулк қилиб сотишга рухсат этилган.

Мазкур Фармоннинг тарихий аҳамиятини ортиқча баҳолаб юборишнинг сира иложи йўқ, чунки унда чет эл инвестицияла-

рини жалб этиш учун зарур деб таъкидланган барча шартлар ўз ифодасини топган. Ғарб оммавий ахборот воситалари ушбу Фармон хусусида катта шов-шув кутариб, собиқ СССРга кирган барча республикалар орасида Ўзбекистонда чет эл инвестицияларини жалб этиш учун энг қулай муҳит яратилганини таъкидладилар.

Республикадаги барқарор сиёсий ва иқтисодий вазият, пухта ўйланган сиёсат ҳамда Президент ва ҳукумат чет эл инвестициялари кириб келишини рағбатлантириш соҳасида аниқ мақсадни қўлаб иш олиб бораётгани, чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарни солиққа тортиш таркиби меъёрида эканлиги туфайли қўшма корхоналар, чет эл фирмалари, уларнинг шўба корхоналари, филиаллари ҳамда ваколатхоналари, тижорат фаолияти билан шуғулланувчи халқаро бирлашмалар барпо этиш жараёни ниҳоятда кучайди. Чунончи, 1995 йилда чет эл инвестициялари иштирокидаги 624 корхона рўйхатга олинди, иш бошлади. Жаҳондаги қарийб 60 мамлакат, жумладан энг ривожланган давлатлар уларнинг ҳаммуассислари бўлишди. Энг кўп қўшма корхоналар АҚШ (81 корхона) Туркия (77), Россия (53), Афғонистон (44), Покистон (39), Хитой (33), Буюк Британия (24), Германия (21), Италия (17) каби мамлакатлар билан тузилди. Бу корхоналар ходимлари сони 24549 кишига, чет эл инвестициялари ҳажми (устав фондидаги чет эл сармояси улуши) 514554,1 минг сўм ва 42375,4 минг АҚШ долларига етди. 1994 йилда мазкур корхоналар умумий ишлаб чиқариш ҳажми 1708095 минг сўмни ташкил этди, хусусан, бу сумманинг 1121786,5 минг сўми саноат тармоғи корхоналарига тўғри келади.

Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар ишлаб чиқариб, республикадан экспорт қилинган товарлар ҳажми 1995 йилда 172320,9 минг сўмни, 17644,0 минг долларни ташкил этди.

Чет эл сармоясини республика иқтисодиётига йўналтиришни манфаатли қилаётган иқтисодий шарт-шароит, хусусан давлатнинг чет эл инвестициялари борасидаги солиқ сиёсати тухталиб ўтамиз, чунки айни шу жиҳат хусусий мулкни ҳимоялашга доир давлат кафолатлари билан бир қаторда чет эл инвестиция компанияларини ниҳоятда қизиқтиради.

Чет эл сармоясини қўйиш интенвисиблигига солиқ тизими таъсирининг назарий асосини куриб чиқайлик, инвестиция оқимини кўпайтиришга қаратилган солиқ имтиёзлари ва рағбатлантириш чораларидан фойдаланувчи мамлакатлар тажрибасини таҳлил қилайлик. Қоидалар таҳлилини республика солиқ сиёсати ҳамда чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарга солиқ

ЧЕТ ЭЛ ИНВЕСТИЦИЯЛАРИ ИШГИРОКИДАГИ КОРХОНАЛАРНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

солиш механизми билан қиёслаб ўтказамиз. Мазкур механизм Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳамда Давлат солиқ қумитаси 1993 йил 7 январда тасдиқлаган “Чет эллик инвесторлар ишгирокидаги қўшма корхоналар даромадини ҳамда шу корхоналар ишгирокчилари даромадни тақсимлаш натижасида оладиган даромадларни солиққа тортиш тўғрисида”ги 9-йуриқномда белгилаб берилган.

Республикада амал қилаётган солиқ тизими чет эл инвестицияларини жалб этишга катта таъсир кўрсатмоқда. Солиқ сиёсатининг чет эл инвестициялари оқими суръатига таъсирини ўрганаётган халқаро ташкилотлар етакчи мутахассислари солиққа тортишнинг муайян тизими доирасида чет эл инвестицияларини жалб этишга қаратилган рағбатлантириш чоралари куп ҳолларда солиқ қонунларининг умумийроқ хусусиятларига нисбатан иккинчи даражали ўринда бўлиб қолаётганини исботладилар. Ўзбекистондаги солиқ шароитида бу хулосаларни қуйидагича талқин этиш мумкин: Ўзбекистон Республикаси солиқ тизими жаҳондаги ривожланган мамлакатлар солиқ тизимлари асосини ташкил этувчи солиқларнинг амалда барча турларини қамраб олади; уни қуриш қоидалари ҳам ўхшаш, бу ҳолат эса чет эл инвестицияларини жалб этиш учун йўл очиб беради. Ҳукуматнинг чет эл сармояси республикага кириб келишини рағбатлантиришга уриниши бошқа фаолият турларидан фарқли ўлароқ, қўшма тадбиркорликка берилаётган турли солиқ имтиёзлари кўринишида амалга ошаётганлиги ҳам бунга ёрдам бермоқда. Бундан ташқари, қуйидагиларни солиқ сиёсатининг инвесторлар учун қулай омиллари деб ҳисоблаш керак:

1. Солиқ оғирлиги даражаси. Солиқ оғирлигининг умумий даражаси, шакл-шубҳасиз мамлакатнинг чет эллик инвесторлар учун жозибадорлигига таъсир кўрсатади. Ушбу даража қўшма ва чет эл корхоналари тулайдиган барча солиқ турлари мажмуидан келиб чиқади. Агар республикамиздаги чет эл инвестициялари ишгирокида ташкил этилган корхоналарга солиқ солиш даражаси баҳоланса, қуйидагиларни таъкидлаш мумкин: у бошқа давлатлардагига нисбатан уртача ҳисобланади, яъни бир қанча давлатларда бундай корхоналарга тўғри келадиган солиқлар оғирлиги биздагидан пастроқ, бошқаларида, яъни хўжалик юритувчи барча субъектлар учун солиққа тортишнинг умумий тартиби кўзда тутилган давлатларда - юқорироқ.

Мамлакатларнинг чет эл инвесторлари учун жозибадорлигини аниқлаш чоғида улардаги солиққа тортиш тартибини қиёслашнинг ўзи камлик қилади, чунки, биринчидан, солиқ даромад-

лари кўпчилик ҳукумат харажатлари учун фондларнинг асосий манбаи ҳисобланади ва чиқим ҳамда даромадларни тенглаштиришда яққол кўзга ташланадиган ҳал этувчи роль ўйнайди. Чунончи, макроиқтисодий барқарорликни пасайтирадиган бюджет тақчиллигига олиб келувчи настроқ даромадлар инвестицияларни жалб этиш вазифасини ҳал қилишда салбий роль ўйнаши мумкин; иккинчидан, агар даромадлар чиқимларни камайтирадиган ҳамда даромад келтирувчи фаолият ривожланишида ёрдам берадиган мақсадларга сарфланса, чиқимлар солиққа тортишга кўрсатиладиган таъсирни самарали қойлайди. Соғлиқни сақлашга қилинадиган чиқимлар соғлиқни сақлаш хусусий тизими қийматини камайтириши ҳамда иш ҳақини оширишга доир талаблар пасайишига ёки корхоналарнинг касалликдан суғурта қилиш харажатларини камайтиришга олиб келиши мумкин. Мамлакат транспорти ва коммунал хизмат кўрсатиш тизими инфраструктурасини яхшилаш билан боғлиқ чиқимлар компаниялар чиқимларини камайтириши ва уларнинг фойдасини кўпайтириши мумкин. Шу боис, ИХТТ мамлакатлари тажрибаси ҳисобга олинса, иқтисодиётнинг солиққа тортиш умумий даражаси нисбий иқтисодий самарадорликдан далолат беради.

Чет эл инвестициялари ишгирокидаги корхоналар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларига кўра қандай солиқлар тўлаётганларини куриб чиқар эканмиз, шунини таъкидлаб ўтиш лозимки, улар юридик шахслардан ундириладиган амалдаги барча солиқ турларининг тўловчиларидир. Чет эл инвестициялари ишгирокидаги корхоналар билан республикадаги бошқа юридик шахсларни солиққа тортиш тартибидagi тафовут чет эл инвестициялари ишгирокидаги корхоналар ўзлари олган даромаддан тўлайдиган солиқдангина иборат, шу туфайли, башарти ушбу бобда чет эллик юридик шахсларни солиққа тортиш хусусиятлари куриб чиқилаётган экан, айни шу солиқ хусусида тўхталиб ўтамиз.

2. Чет эл инвестициялари ишгирокидаги корхоналар, чет эл фирмаларининг ваколатхоналари, филиаллари ҳамда шўъба корхоналари, шунингдек Ўзбекистон Республикасида фаолият кўрсатаётган чет эллик юридик шахслар учун солиққа тортиш объекти. Улар ҳисобот даври давомида олган ялпи даромад солиққа тортиш объекти ҳисобланади. Солиққа тортиш мақсадида ҳисоблаб чиқилган ялпи даромад маҳсулот (ишлар, хизматлар), бошқа моддий бойликларни сотиш ҳамда сотишдан ташқари операциялар натижасида олинган тушум суммасидан иборат бўлади.

ЧЕТ ЭЛ ИНВЕСТИЦИЯЛАРИ ИШТИРОКИДАГИ КОРХОНАЛАРНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

Корхоналарнинг чет эл валютасида олган даромадлари Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида олинган тушум билан бирга тула ҳажмда солиққа тортилади. Чет эл валютасида олинган даромадлар маблағлар валюта ҳисобварамига ёки корхона кассасига тушган вақт учун Ўзбекистон Республикаси Марказий банки белгиланган курс бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида қайта ҳисобланади.

Сотиб олинган товарлар билан савдо қилувчи ташкилотлар учун солиққа тортиш мақсадида сотувдан олинган даромад (тушум) деганда сотилган товарларнинг харид ва сотув нархлари орасидаги фарқ тушунилади. Воситачилик фаолиятидан (воситачилик ҳақи сифатида) даромад олувчи корхоналар учун, солиққа тортиш мақсадида, сотувдан олинган даромад деганда солиққа тортиладиган даврда амалга ошган барча битимлар юзасидан олинган воситачилик ҳақлари (фонизлар) тушунилади. Агар воситачилик ҳақи сифатида товарлар олинган бўлса, сотув даромадига шундай товарлар суммаси киритилади, агар улар суммаси белгиланмаган бўлса, мазкур товарлар қиймати биржадаги ўртача нархларда чиқарилади.

Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарни икки ёқлама солиққа тортишни бартараф этиш масалалари айниқса муҳим ва долзарбдир (IV бобга қаранг). Шунинг учун бу муаммо республикада ва чет элда олинган даромадлар бўйича солиқ ундириш чоғида қандай ҳал этилаётганини солиштириб кўрамиз.

Чет элдан олинган даромад (жумладан, акциялар, облигациялар, бошқа қимматли қоғозлар бўйича олинган даромад) суммаси Ўзбекистон Республикасида солиққа тортилиши керак бўлган даромад умумий суммасига ҳамда қилинган харажатларини, шу жумладан чет давлатда туланган солиқни ҳисоблаб таъминлашдан, тула ҳажмда қўшма корхона бухгалтерия балансига киритилади. Корхонанинг солиққа тортиладиган базасини белгилашда улар чет элда даромад олиш учун қилган харажатлар Ўзбекистон Республикаси қонуниларида белгиланган тартиб ва ҳажмларда ҳисоблаб таъминланади.

Қўшма корхона чет элда олган даромадидан чет давлатда туланган солиқ суммаси даромаддан ундириладиган солиқ ҳисобкитоби чиқарилаётганда ҳисобга олинади ва бюджетга ўтказилиши керак бўлган солиқ суммаси чет элда туланган солиқ суммасига камайдир. Чет давлат солиқ органи берган маълумотнома ёки тўлов билдиришномаси ёхуд чет элда солиқ туланганини тасдиқловчи бошқа ҳужжат бюджетга киритилиши керак бўлган солиқ суммасини чет элда туланган солиқ суммасига камайтириб ҳисоблаш учун асос бўлади. Бундай камайтириш суммаси чет элда олинган даромадлардан Ўзбекистон Республикаси қонуни-

арида шу туловчи учун белгиланган даромад солиғи ставкаси буйича Ўзбекистон Республикасида туланиши керак бўлган даромад солиғи суммасидан ошиб кетмаслиги лозим.

Агар чет эллик юридик шахс Ўзбекистон Республикасидан ташқарида ҳам фаолият олиб борадиган бўлса ва бунда Ўзбекистон Республикасидаги ваколатхона ёки бошқа таркибий бўлинма орқали у амалга ошираётган фаолиятдан келувчи даромадни аниқлаш имконини берадиган алоҳида ҳисоб юритмаса, солиққа тортиш учун даромад суммаси туловчи узининг бюджетга туловларини назорат қиладиган солиқ органи билан келишган даромадлар, чиқимлар қиёсий салмоғи ёки ходимлар миқдори буйича ҳисоб-китоб асосида белгиланиши мумкин.

Солиққа тортиладиган даромадни ҳисоблаб чиқаришга оид қабул қилинган усул етарлича ва салмоқли асослар мавжуд бўлгандагина ўзгартирилиши мумкин.

Агар чет эл фирмасининг ваколатхонаси фақат ўз фирмаси манфаатларини кўзлаб иш тутса, яъни фирма номидан шартномалар тузиб, бунда ўзбекистонлик юридик шахс токи у (маҳсулот, ишлар, хизматлар) Ўзбекистон Республикаси чегарасидан ўтунича маҳсулот (ишлар, хизматлар) эгаси бўлиб турса, ваколатхонанинг бундай фаолиятдан олган даромади солиққа тортиш мақсадида ҳисобга олинмайди.

Чет эллик юридик шахсларнинг Ўзбекистон Республикасида фаолият олиб борувчи ваколатхоналари (шўъба корхоналари, филиаллари ва бошқалар) икки марта солиққа тортилиши олдини олиш чоралари қурилмайди. Зарурат бўлса, солиқ органи чет эллик юридик шахс номига эркин шаклда маълумотнома бериб, унда ҳисобот йили даврида олинган даромадлар, қилинган харажатлар ва бюджетга ўтказиш учун ёзилган (туланган) солиқ суммасини кўрсатади.

§2. Солиқни ҳисоблаш тартиби ва тулаш муддатлари

Умумий солиқ оғирлигини белгилашда солиқлар ставкалари муҳим аҳамиятга эга. Чет мамлакатлардаги солиқ ставкалари даражаларини ўрганиб чиқиб, республикада солиқлар ставкалари ўртача даражада деб ҳисоблаш мумкин.

Республикада чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар учун даромад солиғи ставкалари чет эллик иштирокчининг устав фондидаги улушига қараб белгиланади. У чет эл сармойаси мамлакатимизга кириб келишини рағбатлантиришга йўналтирилган. Шу боис аввало устав фондига бадаллар киритиш тартибини қисқача кўриб чиқиш зарур.

ЧЕТ ЭЛ ИНВЕСТИЦИЯЛАРИ ИШТИРОКИДАГИ КОРХОНАЛАРНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

Корхонанинг устав фонди унинг муассислари бадаллари ҳисобидан вужудга келади. Бу фонд корхонанинг тадбиркорлик ва бошқа фаолиятдан тушган фойда, зарурат туғилганда эса муассисларнинг қўшимча бадаллари ҳисобига тўлдирилиши мумкин.

Муассислар бадал сифатида корхона устав фондига киритган мулк қиймати Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларига мувофиқ, интеллектуал мулк қиймати эса мустақил экспертлар комиссияси томонидан, қонунда белгиланган тартибда аниқланади. Чет эл сармоясини иштирокидаги корхонанинг устав фонди ҳажми 10 минг АҚШ долларидан кам бўлмаслиги керак.

Ҳар бир иштирокчи устав фондига бадал киритиши муддатлари, ҳажми ва тартиби таъсис ҳужжатларида кўзда тутилади. Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхона қатнашчилари улуши амалда бадал киритилганидан кейинги ойнинг 1-кундаги ҳолатга кўра бадал ҳисобига амалда қўйилган маблағлар нисбатига қараб, шартнома имзоланган вақтда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки белгилаган курсдан ошмайдиган нисбатда баҳоланади.

Бойликларни дастлаб ёки такроран қўшиш шаклидаги бирон бир ўзгариш уларнинг инвестиция сифатида таърифланишини ўзгартиролмайди.

Хуллас, устав фондидаги чет эл сармоясини 30% ва ундан кам бўлган корхоналарнинг, шунингдек устав фондидаги чет эл сармоясини 30% дан кўп бўлган, лекин ҳисобот даврида умумий устав фондининг 30% дан ортигини ташкил этувчи чет эл сармоясини киритилганини ҳужжатлар билан тасдиқламаган корхоналарнинг даромадлари 18% ставка бўйича солиққа тортилиши керак.

Ҳисобот даврида умумий устав фондининг 30% дан ортигини ташкил этувчи чет эл сармоясини миқдоридан амалда бадал киритган корхоналарнинг, шунингдек чет эллик юридик шахслар, чет эл фирмаларига қарашли ваколатхоналар, филиаллар ва шўба корхоналарининг даромадлари 10% ставка бўйича солиққа тортилади.

Чет эл фирмаларининг янги ташкил этилган корхоналари, ваколатхоналари, филиаллари ва шўба корхоналари (биржалар, тайёрлов, улгуржи таъминот-сотиш, воситачилик ва савдо-тижорат корхоналаридан ташқари) ўзлари ташкил этилган (рўйхатга олинган) вақтдан бошлаб биринчи йили белгиланган ставканинг 25% ва иккинчи йили 50% миқдоридан солиқ тўлайдилар.

Корхона ташкил этилган (рўйхатга олинган) вақтдан бошлаб 3 йиллик муддат тугамасидан туриб ўз фаолиятини тўхтатса, солиқ суммаси унинг фаолияти бутун даври учун белгиланган ставканинг тўлиқ ҳажмида ҳисобланади.

ЧЕТ ЭЛ ИНВЕСТИЦИЯЛАРИ ИШТИРОКИДАГИ КОРХОНАЛАРНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

1 январдан 31 декабргача бўлган давр барча корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар учун ҳисобот йили ҳисобланади.

1 октябрга қадар ташкил этилган ташкилотлар учун юридик шахс ҳуқуқлари газга булинган санадан 31 декабргача бўлган давр, 1 октябрдан кейин ташкил этилганлари учун тугаётган йил, шунингдек келаси йил 31 декабргача бўлган вақт ҳисобот йили ҳисобланади.

Акциялардан дивидендлар буйича даромадлар ҳамда бошқа корхоналарнинг устав фондига қўйилган бошқа даромадлар алоҳида ҳисобланади ва 15% ставка буйича солиққа тортилади.

Ўзбекистон Республикасидаги фаолият билан боғлиқ бўлмаган даромадлар олган чет эллик юридик шахслар дивидендлар, фоизлар, муаллифлик ҳуқуқлари ва лицензиялар, фрахт, ижара туловлари ва манбаи Ўзбекистон Республикасида бўлган ҳамда Ўзбекистон Республикасидаги фаолиятга дахли йуқ бошқа даромадлар буйича 20% (фрахтдан олинadиган даромадлар бунга кирмайди) ҳажмидаги солиқ ставкasi буйича даромад солиғи тулайдилар. Фақат Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида бошқа ставкалар кўзда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Устав фондида чет эл сармоясi иштирок этган қўшма корхоналар хорижий қатнашчиларининг даромадлари чет элга ўтказилаётганда, агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида бошқа нарса кўзда тутилмаган бўлса, ўтказиш суммасининг 10% миқдоридa солиққа тортилади.

Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхона чет эллик қатнашчининг даромаддаги улушини унинг чет элдаги банкда очилган ҳисобварағига ўтказаетганида солиқни шу корхонанинг ўзи ушлаб қолади. Солиқ ушлаб қолиниши ва бюджетта ўтказилиши учун даромад туловчи корхона жавоб беради.

Ваколатхона даромадни чет элга ўтказаетганида солиқни унинг ўзи тулайди. Солиқ бюджетта ўтказилиши учун шу ваколатхона жавоб беради.

Тадбиркорнинг ўз меҳнат мажбуриятларини бажаришдан олган шахсий даромадлари “Ўзбекистон Республикаси фуқароларидан, чет эллик фуқаролардан ва фуқаролиғи бўлмаган шахслардан ундириладиган даромад солиғи тўғрисида”ғи Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ солиққа тортилади. Солиқ ставкаларининг ҳажми, шунингдек солиқ имтиёзлари таркиби ҳамда бундай имтиёзлар бериш тартиби Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан келаси молия йили бюджетни тасдиқлаш вақтида аниқлаштирилиши мумкин.

Бироқ солиқ ставкаларининг ўзи узил-кесил солиқ оғирлигини белгилаб бера олмайди. Бунда солиқ базасини белгилаб бе-

рувчи аҳвол ҳамда фирмалар солиқ оғирлигини камайтириш учун қўраётган чоралар муҳимроқ аҳамиятта эга.

Жаҳондаги кўпгина мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, компанияни молиялаш ҳамда унинг солиқларини режалаштириш стратегиясини белгилаш чоғида солиқ ставкалари муҳим аҳамият касб этиши мумкин. Корпорациялар солиқ ставкаларидаги фарқларга қараб қуйидагича иш тутадилар: улар даромадларни камроқ солиқ солинадиган мамлакатлар юрисдикциясига, чиқимларни эса солиқ ставкаси юқори бўлган мамлакат юрисдикциясига йўналтирадилар. Бундай режалаштириш натижасида солиқ ставкаларининг юқорилиги доим ҳам кўпроқ солиқ даромадларига олиб келавермайди.

Жаҳон солиқ амалиётини ўрганиб чиқиб шуни таъкидлаш мумкинки, чет эл инвестицияларини муваффақиятли жалб этиш учун солиқ ставкалари халқаро меъёрлар доирасида қолиши, улардан кўпи билан 10-20% фарқ қилиши керак бўлади. Шу уринда Ўзбекистон Республикаси солиқ тартиби халқаро талабларга жавоб беришини таъкидлаб ўтиш жоиздир.

Солиққа тортиладиган даромадни калькуляция қилиш аҳамияти белгиланадиган солиқлар ставкалари ҳажмининг аҳамиятидан кам эмас. Бу тавсифлар турли компанияларнинг солиққа тортиш моделига жиддий таъсир кўрсатиши мумкин. Турли даромад ва харажатларни солиққа тортиш тартиби компания ўз фаолиятини қандай ташкил этишига ҳам таъсир кўрсатиши мумкин.

Минтақада (чет эллик инвесторларни қизиқтираётган объектда) ва жаҳоннинг турли мамлакатларида қўлланилаётган солиқ солиш тизимларидаги тафовут муҳим жиҳат ҳисобланади. Одатда бу тафовутлар давлат солиққа тортувчи ҳокимият ҳамда корхона эгаси бўлган, солиққа тортиш тизимидан корхонани назорат қилиш ва унинг ҳулқига таъсир кўрсатиш воситаси сифатида фойдаланилган социализм давридаги солиққа тортиш “бидъатлари” бўлган қондаларда учрайди. Корхонанинг энг муҳим харажатларига нисбатан мутлақо бошқа тартиб қўлланиларди. Солиқ тўловчи хусусий шахс бўладиган ҳолларда солиққа тортиш базасини белгилаш чоғида кўпгина саволлар туғилади. Чет эл сармоясини жалб этиш учун қулай шарт-шаронти бор мамлакатларнинг аксарияти, хусусан Ўзбекистон, ўзларининг солиққа тортиш тартибларини хусусий шўба фаолиятини солиққа тортиш тартиблари билан мувофиқлаштириш мақсадида унга катта ўзгартиришлар киритдилар.

Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар, уларнинг филиаллари ва шўба корхоналарини, шунингдек Ўзбекистон

Республикасида фаолият олиб бораётган чет эллик юридик шахслар, чет эл фирмаларининг ваколатхоналари, филиаллари ва шубба корхонларини солиққа тортиш мақсадида солиқ солинадиган база даромад солиғи тулангунича эришилган молиявий натижалар ҳамда солиқ солинадиган базага киритилувчи ("Маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби туғрисида Низом"нинг 1, 2 ва 3-иловаларига мувофиқ) чиқимлар суммаси сифатида белгиланади.

Даромадларга алоқаси бўлмаган солиқлар туғрисидаги масала худди даромад солиғи туғрисидаги масала сингари куп маротаба муҳокама қилинган. Фирма фойда олмаётган пайтда ҳам солиқ тулаши кераклиги, бу эса асосий харажатлар купайишига олиб келаётгани чет эл фирмаларини ташвишга солмоқда. Бундай солиқлар инвестициялашнинг дастлабки босқичида хатарни оширади. Социал суғуртага ажратмалар, божхона йиғимлари ёки инвестиция товарларига нисбатан қўлланиладиган умумий солиқлар жуда муҳим ҳисобланади. Улар инвестициялар қийматини оширади.

Бу муаммоларнинг Ўзбекистондаги инвестиция иқлимига таъсири ишчи кучининг нисбатан арзонлигига сабаб бўлаётган меҳнат ресурслари куплигини муайян даражада компенсациялайди. Шу сабабли социал суғурта фондига ва социал йўналишдаги бошқа фондларга ажратмалар унча куп эмас. Инвестиция товарларига нисбатан қўлланиладиган божхона йиғимлари йўқ.

Юқорида таъкидланганидек, солиққа тортишнинг муайян тизими доирасида чет эл инвестицияларини жалб этишга йўналтирилган рағбатлантириш чоралари купгина ҳолларда солиқ қонунларининг умумийроқ тавсифларига нисбатан иккинчи даражали аҳамият касб этади. Бироқ, уларнинг конкрет фирмалар фаолиятига таъсири анча катта, шу боис бу масала хусусида алоҳида тўхталиб ўтиш даркор.

Рағбатлантириш чораларидан фойдаланишга қарши одатдаги далил шундан иборатки, улар корхона иқтисодий фаолияти реал манзарасини бузиб кўрсатади. Рағбатлантириш чоралари солиқлар туланганидан кейинги даромад (фойда) модели улар тулангунича бўлган даромад (фойда) моделидан фарқланиб қолишига сабаб бўлади ва демак, бозорга хос бўлган ва самарали мувозанатни вужудга келтирадиган тақсимотдан фарқ қилувчи ресурслар тақсимланишига олиб келади. Одатда бу натижалар ривожланган бозор иқтисодиёти учун хос бўлиб, аксарият мамлакатларни рағбатлантириш чораларидан фойдаланишни қисқарттиришга мажбур қилган кучли далиллардан биридир.

Солиққа тортиш тизими ҳамда солиқлар туғри ҳисобланиши ва туланишини назорат қилиш тизими мураккаблашуви рағбатлантириш чоралари вужудга келтираётган энг жиддий муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Бундай мураккаблик бир қанча омиллар билан ифодаланади ва мамлакат зиммасига турли чиқимларни юклайди. Солиққа доир рағбатлантиришнинг мақбул чораларини баҳолашда ана шу чиқимларни ҳисобга олиш зарур.

Солиққа доир рағбатлантириш чораларини бир неча тоифага бўлиш мумкин:

- 1) солиқларни тулашдан вақтинча озод қилиш;
- 2) инвестициялар учун солиқ имтиёзлари;
- 3) солиқдан озод қилинган иқтисодий зоналар.

Булар хусусида батафсилроқ тўхталиб ўтамиз.

1. Солиқлар тулашдан вақтинча озод қилиш солиққа доир рағбатлантириш чораларининг типик шакли ҳисобланади; бундай имтиёз янги ташкил этилган фирмаларга нисбатан қўлланилади ва ишлаб турган корхоналарга берилмайди. Солиқларни тулашдан вақтинча озод қилиш шарофати билан фирмаларга мослашув тартиби деб аталувчи шароит яратиб берилади. Бундай шароит муддати давомида улар солиқларни тулашдан тула-тукис ёки қисман озод қилинадилар.

2. Сармояни инвестициялаш учун солиқ имтиёзлари ҳамда солиқ кредитлари инвестициялар билан боғлиқ чиқимлар ҳажмига асосланади. Улар мазкур актив учун рухсат этилган амортизация доирасидан ташқарига тааллуқлидир; солиқ имтиёзлари фирманинг солиқ солинадиган даромадини камайтириш учун қўлланилади. Солиқ кредити туланадиган солиқлар суммасини бевосита камайтириш мақсадида ишлатилади.

3. Солиқдан озод қилинган иқтисодий зоналар улар ҳудудида фаолият олиб борувчи корхоналар учун солиқ солишнинг алоҳида тартиби жорий этилган махсус минтақалардир. Бундай минтақаларда ишловчи фирмалар турли солиқ имтиёзларига эга бўладилар; бу рўйхатдан эркин ўтиш, баъзи қонуний чеклашлардан озод қилинган бўлиши мумкин; бундан бошқа имтиёзлар инвестицияланган сармоялардан ундирилувчи баъзи солиқ ва божлардан озод қилиш шаклида берилиши мумкин.

Республикадаги солиққа доир рағбатлантириш чораларининг юқорида айтилган турларига солиқ имтиёзларининг қуйидаги асосий турларини киритса бўлади:

солиққа тортиладиган базани инвестициялар харажатларининг, ишлаб чиқаришни конверсиялаш чиқимларининг 50% миқдоридан камайтириш;

ЧЕТ ЭЛ ИНВЕСТИЦИЯЛАРИ ИШГИРОКИДАГИ КОРХОНАЛАРНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

янги ташкил этилган корхоналардан даромад солиғини улар ташкил этилган пайтдан бошлаб дастлабки йили белгиланган ставканинг 25%, иккинчи йили - 50% миқдорда ундириш;

қўшма корхоналарнинг устав фондидаги чет эл сармояси улуши 30% дан ортиқ бўлса, улар даромадидан олинадиган солиқ ставкасини 10% гача камайтириш

Ўзбекистон Республикаси инвестиция дастурига киритилган лойиҳага ўз сармоясини йунатираётган чет эл инвестициялари ишгирокидаги корхоналарни ва чет эллик юридик шахсларни улар рўйхатга олинган вақтдан бошлаб беш йил муддатта даромад солиғи тулашдан озод қилиш. Халқ хўжалигининг устун тармоқларига тааллуқли бўлган, республика турмуш фаолиятининг долзарб муаммолари ҳал этилишини таъминловчи лойиҳалар ва уларнинг техник-иқтисодий тавсифномасини қамраб олувчи Ўзбекистон Республикаси инвестиция дастури республика Вазирлар Маҳкамаси томонидан ишлаб чиқилади ва эълон қилинади.

Қуйидаги корхоналар ташкил этилган (рўйхатга олинган) вақтидан бошлаб икки йил муддатта даромад солиғи тулашдан озод қилинадилар:

1. Устав фондидаги чет эл сармояси улуши 30% дан ошадиган чет эл инвестицияси ишгирокидаги корхоналар, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолият олиб боровчи, қишлоқ хўжалиғи маҳсулотлари (узум ва мевалардан тайёрланувчи винолар ҳамда кучли ичимликлардан ташқари) ишлаб чиқариш ва қайта ишлашга, халқ истеъмоли моллари ва қурилиш материаллари, тиббиёт ускуналари, қишлоқ хўжалиғи, енгил ва озиқ-овқат саноати учун машина ва ускуналар тайёрлашга, иккиламчи хом ашё ҳамда маънвий чиқиндиларни тулаш ва қайта ишлашга ихтисослашган чет эллик юридик шахслар, чет эл фирмаларининг ваколатхоналари, филиаллари, шўба корхоналари.

Ушбу имтиёз ҳуқуқидан фақат юқорида айтилган фаолият туридан олинган тушум улуши яъни даромад умумий ҳажмининг 50% дан кўпинчи ташкил этувчи корхоналар фойдаланиши мумкин. Имтиёз амал қиладиган давр мобайнида фаолиятдан олинган даромад улушининг юқорида айтилган кўрсаткичи 50%дан камайса, имтиёздан фойдаланиш тўхтатилади.

Ушбу имтиёзни қўллан учун корхона ўз фаолиятининг барча турлари бўйича олинадиган даромадлари ҳисобини алоҳида-алоҳида юритиши зарур.

2. Патентли ихтирони қўллаб, янги техника тайёрлаш учун махсус ташкил этилган янги ишлаб чиқаришдан даромад олувчи корхоналар, ишга туширилган вақтидан бошлаб.

3. Озиқ-овқат маҳсулотлари, халқ истеъмоли моллари, болалар учун товарлар, болалар озиқ-овқатлари ва дори-дармонлар ишлаб чиқариш ҳажмларини аввалги йилнинг шу давридагига нисбатан ошириш ҳисобига даромад олувчи корхоналар.

Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришга ихтисослашган, устав фондидаги чет эл сармояси улуши 50% дан ошадиган қўшма корхоналар рўйхатга олинган вақтидан бошлаб 5 йил муддатта юқорида айtilган солиқ туридан, ўз валюта тушумининг 30% ни Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига сотиш мажбуриятдан озод қилинадилар.

Патентли ихтироларни қўллаб, янги техника тайёрлайдиган корхоналар ёки шундай иш билан шуғулланувчи махсус янги ташкил этилган пехлар 2 йил мобайнида ўз валюта тушумининг 30%ни Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига мажбурий равишда сотишдан озод қилинадилар.

Бундан ташқари, даромад солиғи тўлаш чоғида чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар Ўзбекистон Республикаси юридик шахслари учун кўзда тутилган барча турдаги имтиёзлардан фойдаланадилар.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида молиявий-хўжалик (тижорат) фаолияти билан шуғулланувчи, банк муассасаларида ҳисоб-китоб varaғи бўлган чет эл инвестицияси иштирокидаги корхоналар, уларнинг ваколатхоналари, филиаллари ва шўба корхоналари йил давомида ҳар чоракда йиллик солиқ суммасининг 1/4 қисми миқдорида бунақ тўловлари тўлаб турадилар. Бу тўловлар 15 март, 15 июнь, 15 сентябрь ва 15 декабрдан кечикмаслиги зарур.

Бундай корхоналар, чет эл фирмаларининг ваколатхоналари, филиаллари ва шўба корхоналари ўзлари жойлашган манзилга қаровчи солиқ органларига йиллик бухгалтерия ҳисоботи ва балансини, шунингдек даромад солиғи суммасининг ҳисоб-китобини белгиланган шаклда ҳисобот йилидан кейинги 15 мартга қадар тақдим этиб турадилар.

Жорий йил учун бунақ тўловлари суммасини корхоналарнинг ўзлари ўтган йилги амалдаги даромадга қараб ёки жорий йилда олиниши кўтилаётган даромад асосида белгилайдилар. Корхоналар солиқнинг бунақ суммалари ҳисоб-китобини солиқ органига дастлабки тўлов муддатигача топширадилар.

Ўзбекистон Республикасида фаолият олиб боровчи чет эллик юридик шахслар, уларнинг ваколатхоналари, филиаллари ва шўба корхоналари ўзлари жойлашган манзилга қарашли солиқ органига ҳисобот йилидан кейинги 15 мартга қадар солиқ декларациясинигина белгиланган шаклда топширадилар.

ЧЕТ ЭЛ ИНВЕСТИЦИЯЛАРИ ИШТИРОКИДАГИ КОРХОНАЛАРНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

Йиллик ҳисоб-китоб бўйича солиқ йиллик бухгалтерия ҳисоботи (баланс ёки декларация) топшириш учун белгиланган кундан бошлаб 10 кун ичида, яъни 25 мартга қадар туланади.

Уз вақтида туланмаган солиқ суммаси бюджетдан қарздор бўлинган бутун вақт учун, кечикилган ҳар бир кун учун боқиманда суммасининг 0,2% миқдорига жарима қўшиб ундириб олинади (тулов кuni ҳам шу ҳисобга киради).

Ўзбекистон Республикаси билан тузилган халқаро битимга қўра солиқлардан тула ёки қисман озод қилинадиган чет эл инвестицияси иштирокидаги корхоналар қатнашчилари ёки чет эллик юридик шахслар мазкур шахснинг Ўзбекистон Республикаси билан солиқ масалалари юзасидан амал қилиб турган ҳукуматлараро (давлатлараро) битим тузган мамлакатдаги доимий манзилени расман тасдиқловчи ҳужжатни Давлат солиқ хизмати органларига тақдим этишлари шарт. Солиқ органларига бундай юридик шахсларнинг доимий манзилени тасдиқловчи ҳужжат бюджетга солиқ тулангунича ҳам, солиқ туланганидан кейин йил давомида ҳам тақдим этилиши мумкин. Солиқ бюджетга ўтказилганидан кейин орадан бир йил ўтгач топширилган аризалар куриб чиқиш учун қабул қилинмайди.

Чет эл инвестицияси иштирокидаги корхоналарни солиққа тортиш механизмини Ўзбекистонга чет эл сармоясини жалб этишга таъсир кўрсатувчи бошқа омиллар билан биргаликда куриб чиқишга яқун ясаб, хулоса чиқариш мумкинки, республикада чет эл инвестицияларини жалб этиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти бундан буён ҳам жаҳон иқтисодий тизимига қўшилиб бориши учун барча шарт-шаронтлар яратилган.

VII БОБ

СОЛИҚ ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУНЛАРНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ЮРИДИК ЖАВОБГАРЛИК

§1. Жамиятда қонунчилик ва қонунийлик

Солиқлар ҳар қандай давлат, жамият ва фуқаролар ҳаётида жуда катта роль ўйнайди. Солиқларни ўз вақтида ва тўғри тулаш - бозор иқтисодиёти ҳукм сурган мамлакатлардаги тадбиркорлар, барча фуқароларнинг гоят муҳим вазифаларидан биридир. Ҳатто черков ҳам унта қоидага “Солиқларни тулашдан бўйин товлама” деган яна бир қоидани қўшиш билан солиқ тўғрисидаги қонунчиликни ҳимоя қилиши тасодиф эмас.

Масалан, АҚШда Молия вазирлигининг Ички даромадлар бюроси деб аталган бошқармаси - солиқларни йиғиш учун жавобгар. Мамлакатда бу идорани қай мақомга солиб қарғамасинлар, барибир солиқ тулашга тўғри келади, акс ҳолда жарима ва хатто, қамоқ жазоси бор.

Ички даромадлар бюроси ҳар йили хусусий шахслардан 2 миллиард доллардан ортиқ жарима ҳамда туланмаган суммалардан фоизлар сифатида яна шунча пул йиғиб олади.

Ашаддий солиқ туламайдиганлар эса, жарима билан қутулиб кета олмайди. Буларга бир неча ойдан тортиб то бир неча йилгача қамоқ жазоси берилади. Чикаголик гангстерларнинг афсонавий бошлиғи Ал-Капоне солиқ туламаганлиги учун ҳам 11 йилга қамалди, чунки Федерал Тергов бюроси (ФТБ) ҳам, полиция ҳам бундан оғирроқ жиноятларини исботлаб бера олмади. Ҳозирги вақтгача гиёҳванд моддалар, фоҳишалик, рэкети ёрдамида пул ишлаб, табиийки, маълумотиномаларда ўз даромадларининг манбаини кўрсатмайдиган шахслар кўпинча солиқ тўғрисидаги қонунларни бузганлик учун қамоққа гунаҳли. Ҳар йили Ички даро-

мадлар бюроси 5 мингдан ортиқ ана шундай терговни тугаллаб, деярли яна шунчасини янгидан бошлайди, 2,5 мингдан ортиқ ҳукм чиқаради, шунинг ярмидан кўпроғи қамоқ жазосини назарда тутди...

Солиқ солишининг кўпгина соҳаларида Франция, “карвонбоши” дир.

Солиқ солиш масалаларига Наполеон Бонапарт қандай муносабатда бўлганлигини курсатувчи бир мисол келтираемиз.

У ўзининг бонапартча конституциясини ижод қилишдан олдин Франциянинг ҳар бир департаментида молия вазирлиги таркибига катта департамент ҳуқуқи билан кирадиган янги “солиқ ундириш дирекцияси” ташкил этиш ҳақида декрет чиқарган эди.

Ҳокимият тепасига келган куннинг эртасига эса ушбу вазирликка “молия даҳоси” - жуда тажрибали молия амалдори Эдуард Годенни бошлиқ қилиб қўйди.

Годен тез орада солиқ йиғишнинг мукамал тизимини ишлаб чиқди, энг муҳими солиқ ундириш дирекциясига кўпгина назоратчилар ва нозирларни тушлаб олди ва уларнинг ҳалоллигини шахсан ўзи текширди.

Булар қўлтигига чўт қистирган, бирон-бир “хуфиячи” енг ичидан пичоқ курсатса ҳушидан кетиб қоладиган қилтириқлар эмас, балки совуқ ва ўқотар (пистолет) қуроллар билан қуролланган девдек бақувват кишилар эди. Ҳар бир маҳаллий солиқ бўлимига ички қўшинлар ротаси бириктириб қўйиларди.

“Девлар”га яхши ҳақ тўлашарди (шу жумладан катта-катта мукофотлар - солиқ тўловчи яширган солиқ суммасидан фоиз), лекин “тушум”ни яширганлик ёки пора олганлик учун қаттиқ жазолашар, ҳатто отишга ҳукм қилишар эди. Нозирлар махсус мажбуриятга имзо чекар ва хазинага ҳиёнат қилмаслик ҳақида қасамёд қилар эдилар.

Шундан сўнг солиқ йиғиш тизими ишлаб кетди - икки йилдан кейиноқ хазина тезлик билан тўла бошлади.

Мунтазам солиқ тизимини яратиш бонапартчиларнинг ўз тартиботларини мустаҳкамлаш йўлидаги биринчи қадами эди.

Франциянинг ҳозирги солиқ сиёсати аниқ ижтимоий йўналishi билан ажралиб туради. Шу сабабли солиқлардан “қочини” - масалаи, Италиядаги каби Францияда ҳам спортнинг оқилопа тури дейиш муболаға бўлур эди. Лекин, айрим экспертларнинг айтишича, хазина ҳар йили фуқаролардан ушлаб миллиард франкни кам олмоқда. Равшанки, агар солиқ тўлашининг туғрилигини молия нозирлари ва текширувчиларнинг бутун бир армияси кузатиб турмаса эди, бу сумма анча кўп бўлар эди. Биз-

несчилар, кино юддузлари теварагида юз бераётган жанжаллар тез-тез газета ва журналлар саҳифасига чиқиб туради.

Масалан, солиқ хизматининг қиличи ҳатто телевидениенинг биринчи каналидаги кўнгилочар дастурларнинг энг машҳур бошловчиси Патрик Сабатъе бошига ҳам тушди. У бир неча миллион франк миқдорида жарима тулаш билан қутула олмай, балки ўзи севган ва жуда яхши ҳақ туланадиган ишидан ҳам маҳрум бўлди.

Бундай иш бошқа мамлакатларда ҳам қилинади.

Германиядаги майда ва ўрта тадбиркорлар “фирромлик қимматга тушади” деб ҳисоблаб, даромадларининг 53 фоизини ҳазинага беришади.

Бу ерда солиқлар - фақат иқтисодиётдагина эмас, балки сиёсатда ҳам нозик ва самарали воситадир.

Йил охирида ГФРнинг ҳар бир фуқароси солиқ маълумотномаси - кондуит тулдирди, уни биз қўлга олишдан қўрққан булардик. Шундан кейин ойлар давомида молия идораси билан ёзма ва оғзаки мулоқот бўлиб, баъзи нарсалар қўшимча туланади, баъзилари эса қайтариб берилди, аниқланади, қайта кўриб чиқилади.

Даромадларни солиқ тулашдан яшириш - анча мушкул иш. Ҳамма ҳисоб-китоблар банк орқали олиб борилди. Дуконларда ёки хизмат кўрсатувчи фирмаларда нақд пул билан ҳақ тулансада, ҳаммаси албатта, касса аппарати орқали ўтади, касса компютерида қолади. Маблағларни солиқ солишдан яшириб қолганлик учун жарима тулаш ёки қамоққа тушиш хавфи бор.

Немисларнинг айтишича, жиноят полицияси жиноятчилар учун қанчалик қўрқинчли бўлмасин, ГФР молия назорати солиқ тўловчилар учун ундан ҳам қўрқинчлироқ.

Мустақиллик йўлига ўтиб олган Ўзбекистон Республикаси янги жамият - демократик ҳуқуқий давлат қуришга киришди.

Давлат қурилишининг тамойилларини Президент И.А. Каримов аниқ таърифлаб берди ва изчиллик билан амалга оширилмоқда. И.А. Каримовнинг “Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида” деган китобида уқтирилганидек “Биз танлаб олган тараққиёт йўли конституцион асосга эга. Бу йўл Ўзбекистондаги барча аҳоли манфаатлари ҳар жиҳатдан мос тушади. Айнан шундай йўл ўзбекистонликларнинг муносиб турмуш кечирishi учун кафолат бўла олади, миллий анъаналар ва маданиятнинг ривожланишини, маънавий-ахлоқий қадриятларнинг қайта тикланишини таъминлайди”

Конституцияда: “Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларининг устунлиги сўзсиз тан олинади. Давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга

мувофиқ иш қўрадилар” (15-модда) деб ёзиб қўйилган. Шу муносабат билан “фуқаролар Конституция ва қонунларга риоя этишга, бошқа кишиларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилишга мажбурдилар” (48-модда)

Ўзбекистон жаҳондаги ривожланган мамлакатлар тажрибасига асосланиб ва ўзининг олға бориш йўли хусусиятларини ҳисобга олиб, мустақкам ҳуқуқий негизга, барқарор ижтимоий йўналтирилган иқтисодиётга, очиқ ташқи сиёсатга эга бўлган демократик жамият қуришни ўз олдига мақсад қилиб қўйди.

Жамиятда иқтисодий муносабатларни изчил суръатда ислоҳ қилиш йўлидан бориб, мустақил Ўзбекистон Республикаси қарор топтирилганлиги ҳуқуқий негизларни, шу жумладан солиқ қонунларини жорий этиш ва янгилашни талаб қилди.

Янгиланган қонунлар асосида молия, бюджет ва солиқ сиёсатини ишлаб чиқишда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги устуникка эгадир.

Солиқ ва божхона қонунларига риоя этилиши, фуқароларнинг иқтисодий ва мулкӣ ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида давлат назоратини амалга оширувчи марказий орган бўлган республика Давлат солиқ қўмитасига солиқ тизимини ривожлантириш ва такомиллаштиришга оид қонун лойиҳаларини таклиф этиш ҳуқуқи берилган.

Шунга мувофиқ у солиқ ва бож соҳасидаги бутун қонунчилик, жараённинг, қонунлар бажарилишини ҳуқуқий таъминлашнинг бевосита шитирокчисидир. Бу ҳол унинг ходимларини назарий ва амалий тайёрлашни, қонунчилик ва ҳуқуқнинг умумий назарияси ва асосларини ўзлаштириб олишни зарур қилиб қўймоқда.

Қонунчиликнинг моҳияти ва тамойиллари

1. Қонунчилик ҳуқуқ нормаларини ифода этиш ва мустақкамлаб қўйишнинг асосий шаклидир. Ўзбекистон Республикаси ўзининг қонунчилик фаолиятида халқаро қонунлар ва нормаларнинг устулигини қонунан мустақкамлаб қўйди. Унинг қонуний ҳужжатлари Ўзбекистон Республикасининг қонунларини, Президент фармонларини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларини ўз ичига олади. Ушбу ҳужжатлардаги нормалар жамиятнинг энг муҳим муносабатларини тартибга солади, ҳуқуқнинг бошқа шаклларига асос бўлади, шунингдек давлат бошқарувининг республика ва маҳаллий органлари чиқарадиган ҳужжатлар устидан прокурор назорати учун негиз бўлиб хизмат қилади.

Ҳуқуқ - давлат томонидан жорий этилган, республиканинг барча фуқаролари учун мажбурий бўлган норма (қоида)лар тизимидир. Ҳуқуқ жамиятнинг барча аъзолари манфаатларига жавоб берадиган

тартибларни жорий этишнинг асосий воситаси сифатида ижтимоий муносабатларни энг муҳим бошқарувчи бўлиб хизмат қилади.

Ҳуқуқ нормалари одамларнинг онглилиги, жамоатчилик фикри билан, шунингдек, жамият манфаатларини менсимай қону-нларни бузувчиларга нисбатан давлатнинг мажбур қилиш чора-ларини қўллаш билан таъминланади.

Ҳуқуқнинг моҳияти унинг Ўзбекистон Республикаси Консти-туциясида ва давлатнинг бошқа асосий қонуналарида мустаҳкам-лаб қўйилган энг муҳим тамойил ва қондаларида очиб берилади.

Қонунчилик давлатнинг асосий вазифаларини амалга оши-ришнинг муҳим воситаси бўлиб хизмат қилади. Улардан ҳужа-лик-ташкilotчилик вазифаларини амалга ошириш учун фойда-ланилади ва шу муносабат билан жамиятдаги мулкый муносаба-тларни, меҳнат муносабатларини тартибга солади.

Қонунчилик тизими давлат, ҳужалик ва ижтимоий-маданий фаолият соҳасидаги ижтимоий муносабатларнинг ҳамма турларини акс эттиради.

У ёки бу соҳани тартибга солувчи узаро боғланган қонунлар ва бошқа ҳужжатлар мажмуи қонунчилик соҳаси деб аталади. Қонунчиликнинг қуйидаги асосий соҳалари фарқланади:

а) Ўзбекистон Республикаси Конституциясидан, давлат ҳоким-ияти органларига сайлов, уларнинг ташкил этилиши ва фао-лияти, фуқаролик тўғрисидаги қонунлардан ҳамда ижтимоий ва давлат тузуми асосларини белгилайдиган, давлат ҳокимияти ор-ганларининг фаолиятини тартибга соладиган айрим бошқа қону-нлардан иборат бўлган конституциявий қонунлар; Конституция барча қонулар ва давлат ҳамда жамоат бирланмалари ва ташки-лотлари томонидан чиқариладиган бошқа юридик норматив ҳуж-жатларнинг асоси бўлиб хизмат қилади;

б) давлат бошқаруви органларининг ташкил этилиши тартибини ва фаолиятини тартибга солувчи қонунлар ва бошқа ҳужжатлардан иборат бўлган маъмурий қонунлар; қонунчиликнинг бу соҳаси дав-лат бошқарувиининг турли органлари ҳақидаги инзомларни, испиқ-болни белгилаш ҳамда халқ ҳужалиги, фан, маданиятини ва ижти-моий фаолиятининг барча бошқа турларини бошқарини соҳасидаги қонулар ва ҳукумат қарорларини ўз ичига олади;

в) бюджет ҳуқуқлари тўғрисидаги қонулардан, молия, пул ва кредит тизимини ташкил этиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи бошқа ҳужжатлардан иборат бўлган молия қонунари;

г) республиканинг Фуқаролик кодексидан ва фуқаролар, дав-лат ва жамоат ташкилотлари ўртасидаги мулкый муносабатларни ва улар билан боғлиқ бўлган шахсий ва номулкий (муаллифлик,

кашфийётчилик ва ҳ.к) муносабатларни тартибга солувчи бошқа бир қатор ҳужжатлардан иборат фуқаровий қонунлар;

д) Меҳнат қонунлари Кодексдан ва меҳнат муносабатларини, ижтимоий суғурга ва пенсия таъминотини тартибга солувчи бошқа ҳужжатлардан иборат бўлган меҳнат қонунлари;

е) Ўзбекистон Республикасининг Ер тўғрисидаги кодексдан ва ерга эгалик муносабатларини, ерни бошқариш ва ундан фойдаланишни тартибга соладиган бошқа ҳужжатлардан иборат бўлган ер тўғрисидаги қонунлар.

ж) республиканинг Оила ва никоҳ тўғрисидаги кодексдан ва никоҳга кириш ва уни бекор қилиш тартиби ва шартларини, оилада эр билан хотин, ота-оналар ва болалар, оиланинг бошқа аъзолари ўртасида вужудга келадиган муносабатларни тартибга солувчи бошқа ҳужжатлардан иборат оилага доир қонунлар;

з) республиканинг Жиноят кодексдан ва қандай ижтимоий хавфли қилмишлар жиноят эканлигини ва улар учун суд тайинлайдиган жазоларни белгилайдиган бошқа қонунлардан иборат жиноят қонунлари;

и) республикада суд тузилиши ва прокурор назорати тўғрисидаги қонунлар ҳамда судлар ва улар билан боғлиқ органларнинг, прокуратура органларининг ташкил этилиши, тузилиши ва ваколатлари, шунингдек одил судлов ҳамда прокурор назоратининг асосий қоидалари тўғрисидаги бошқа ҳужжатлар;

к) республиканинг Фуқаро процессуал кодексдан ва фуқаролик ишлари бўйича суд ишларини юритишни тартибга солувчи бошқа қонунлардан иборат фуқаровий суд ишларини юритиш тўғрисидаги қонунлар;

л) республика Жиноят-процессуал кодексдан ва жиноий ишларга доир суд ишлари тартибини йўлга қўювчи бошқа қонунлардан иборат бўлган жиноий суд ишларини юритиш тўғрисидаги қонунлар;

м) республиканинг Аҳлоқ тузатиш-меҳнат кодексдан ва жиноий жазони ижро этиш тартибини белгилайдиган бошқа қонунлардан иборат ахлоқ тузатиш-меҳнат қонунлари.

Қонунчиликнинг юқорида санаб ўтилган барча соҳалари жамиятда давлат томонидан бошқаришга муҳтож бўлган муносабатлар ҳуқуқий тартибга солишнинг таъминлайди.

Қонунчиликнинг мазкур соҳалари таркибида мустақил аҳамият касб этадиган кичик соҳалар ажратилади. Масалан, маъмурий қонунлар таркибида соғлиқни сақлаш, халқ таълимига оид қонунлар, мудофаа соҳасидаги ва бошқа қонунлар алоҳида ўрин тутади; ер тўғрисидаги қонунлар ривожланиши натижасида унинг таркибидан сув тўғрисидаги, тоғ-кон тўғрисидаги қонунлар каби тармоқлар ажралиб чиқди.

Республиканинг молия қонунчилигида солиқ ва бож қонунлари борган сари мустақил соҳага айланиб бормоқда.

Улар бир неча аосий тармоқларнинг нормаларини бирлаштирадиган комплекс соҳаларга мансубдир. Фан-техника тараққиётининг суръатлари жадаллашиб бораётган бир вақтда табиий муҳитдан оқилона фойдаланилишини таъминлаши керак бўлган табиатни қуриқлаш тўғрисидаги қонунларни ҳам комплекс соҳа, деб аташ мумкин. Пенсия ва нафақалар тўғрисидаги қонунлар ҳам мустақиллик касб этди ва ҳоказо.

Солиқ ва бож ҳақидаги қонунлар ривожда ҳам комплекслик аломатлари мавжуд бўлиб, улар бир вақтнинг ўзида маъмурий, молиявий, меҳнат, фуқаролик ва жинойт қонунларининг нормаларини ўз ичига олади.

Ҳуқуқ нормалари, норматив ҳужжатлар ва уларнинг амал қилиш чегаралари

Ҳуқуқ давлат белгилаган ёки у рухсат берган (маъқуллаган) нормалардан иборат бўлади. Ҳар қандай норма ҳулқ-атвор қондаларидан, яъни фуқаро ёки ташкилот у ёки бу вазиятларда: ишга кириш ва меҳнат мажбуриятларини бошқариш, истеъмол буюмларини харид қилиш ва улардан фойдаланиш пайтида, маъмурий низоларни ҳал қилиш, маҳсулот етказиб бериш, қурилиш олиб бориш ёки ўзга ҳужалик фаолияти ва ҳ.к. пайтида қандай иш тутиши мумкин ва зарурлиги тўғрисидаги кўрсатма, рухсат ёки буйруқлардан иборатдир.

Ҳар қандай жамиятда ҳуқуқ нормалари билан уйғун бўлган турли ҳулқ-атвор қондалари: ахлоқ ва маънавият нормалари, анъана ва одатлар, жамоат бирлашмалари ва ташкилотларининг фаолият нормалари амал қилади. Ушбу қондаларнинг ҳаммасидан ҳуқуқий нормалар шуниси билан ажралиб турадики, уларни давлат ёки унинг томонидан вакил қилинган муассаса ва ташкилотлар жорий этадилар. Давлат бутун халқ номидан жорий этган ҳуқуқлар ҳамма тааллуқли шахслар учун мажбурий бўлиб, давлатнинг мажбур қилиш чоралари бу ҳуқуқларни бузишдан ҳимоя қилади.

Айрим ҳуқуқ нормаларининг таркиби хилма-хил. Бироқ барча ҳуқуқий нормаларга умумий жиҳатлар ҳам ҳосдир.

Ҳар бир нормада ҳулқ-атвор қондаларига кўрсатма бўлади. Ҳулқ-атвор қондаларининг мазмуни ҳуқуқий норманинг диспозицияси деб аталади. Ҳуқуқ нормалари ғоят муҳим хилма-хил мuposабатларни (меҳнат, мулкӣ алоқалар, бошқарув ва ҳ.к.) тартибга солганлигидан, уларда ҳар бир норма қандай шартларда қўлланилиши аниқ кўрсатилади. Бундай шартлар гипотеза (таҳмин) дейилади. Қўйидаги кўрсатма мисол бўла олади: “Агар сотувчи сотилган нарсани харидорга тошширмасдан шартномани бузса (гипотеза), харидор сотилган нарсани ўзига тоширилишини

ва кўрилган зарарнинг ўрнини қоплашни талаб қилишга ҳақли..." (диспозиция).

Ниҳоят, ҳуқуқ нормасига риоя этилиши ҳуқуқий санкциялар деб аталадиган мажбур қилиш чоралари билан таъминланади. Жинойт, фуқаролик кодекси, бож кодекси ва бошқа кодексларда кuzда тугилган жазо чоралари, меҳнат кодексида белгиланган интизомий жазо чоралари, маъмурий жазо чоралари санкцияларга мисол бўла олади.

Қонун ёки бошқа норматив ҳужжатнинг ҳамма моддалари, бандларида ҳам ҳуқуқий норма таркибига кирувчи барча унсурлар булавермайди. Масалан, Жинойт кодексининг Махсус қисмидаги моддалар фақат жинойий қилмишнинг, шунингдек у бузилган тақдирда бериладиган жинойий жазо туринигина ўз ичига олади. Аксинча, фуқаролик, ер туғрисидаги меҳнат кодексларининг, никоҳ ва оила кодексларининг моддалари, қоида тариқасида, ҳулқ-атвор қондасининг ўзи ҳамда бу қоида амал қиладиган шарт-шароитни ўз ичига олади. Бу нормаларга санкциялар одатда мазкур кодексларнинг ёки бошқа ҳужжатларнинг махсус моддаларига ажратиб чиқарилган.

Ҳуқуқ нормалари ҳамма вақт умумий тусда бўлади, яъни улар алоҳида олинган аниқ бир ҳолга эмас, балки муносабат ёки ҳатти-ҳаракатларнинг у ёки бу турига (меҳнат муносабатлари, уй-жой биносини ижарага олиш, олиш-сотиш, ердан фойдаланиш ва шу кабилар) тааллуқли бўлади. Норма ана шуниси билан алоҳида юридик буйруқлар ёки ҳужжатлар (масалан, аниқ бир шахсни ишга қабул қилиш ҳақидаги буйруқ, суд ҳал қилув қарори ва шу кабилар)дан анча фарқ қилади. Якка тартибдаги ҳужжатлар ҳам аниқ шахслар ва ташкилотлар учун мажбурий ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқаради, лекин бу оқибатлар фақат ушбу муносабатлар қатнашчилари, аниқ бир корхонага ишга кираётган фуқарога, ўзига берилган топшириқни бажариши шарт бўлган корхонага ва шу кабиларга тааллуқли бўлади.

Умумий ҳулқ-атвор қондаларининг аҳамияти шундаки, улар якка шахслар учун давлат сиёсати ва жамиятнинг ҳамма аъзолари манфаатларига жавоб берадиган умумий чегаралар доирасини белгилашдан иборатдир. Шундай қилиб, ҳуқуқ нормалари жамиятдаги муносабатларни давлат томонидан тартибга солишнинг муҳим воситаси, ҳуқуқ-тартибот учун юридик базадир, чунки улар демократия тамойилларини аниқ амалга оширишга ёрдам беради.

Ҳуқуқ нормалари давлат органларининг ва давлат томонидан махсус ваколат берилган айрим жамоат бирлашмалари ва ташкилотларининг норматив ҳужжатларида ифодалангандир. Меъёрий

актлар жумласига қонунлар, ҳуқуқий нормалар, Президент фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, вазирлар ҳамда идоралар раҳбарларининг буйруқ ва йуриқномалари, давлат қўмиталари ва бошқа идораларнинг қарорлари, маҳаллий ҳокимиятларнинг қарорлари, касаба уюшмаларининг баъзи қарорлари, жамиятларнинг уставлари ва шу кабилар киради. Уларда мажбурий аҳамиятта эга бўлган ҳуқуқий нормаларнинг мазмуни баён этилади.

Ҳар бир фуқаро, мансабдор шахс, муассаса ёки корхона ходими норматив ҳужжатларга мурожаат қилиб, ўз ҳуқуқ ва бурчларининг мазмунини аниқлаб олиши, амалий ишида уларнинг талабларига риоя этиши мумкин.

Конституциявий қоидаларда турли органларнинг ҳужжатлари ўртасида давлат қурилиши тамойилларига мувофиқ бўлган узаро боғлиқлик жорий этилган. Мазкур узаро боғлиқлик норматив ҳужжатлар тизимининг бирлигини вужудга келтиради, бу бирлик конституцияга ва Олий Мажлис қабул қиладиган қонунларга асосланади, қўйи органларнинг юқори органларга бўйсунганини ҳисобга олади. Масалан, вазирликлар ва идораларнинг ҳужжатлари қонунлар, Президент фармонлари ва ҳукумат қарорлари асосида чиқарилади, маҳаллий онганларнинг ҳужжатлари қонунлар, фармонлар, ҳукумат ва марказий бошқарув органлари қарорлари асосида чиқарилади ва ҳ.к.

Жамиятдаги, ижтимоий гуруҳлар ва айрим фуқаролар ўртасидаги ҳуқуқ билан тартибга солинадиган муносабатлар гоят хилма-хилдир. Қонунни тўғри қўлланиш учун муайян муносабатлар ҳуқуқнинг қайси соҳаси ва айнан қандай нормалар билан тартибга солинишини аниқлаш зарур. Чунончи, меҳнат муносабатлари - меҳнат тўғрисидаги қонунлар, қурилиш соҳасидаги муносабатлар - капитал қурилиш қоидалари билан тартибга солинади.

Қўлланилиши керак бўлган нормаларни тўғри белгилаш учун турли масалаларга, қонунчилик соҳаларига доир ҳужжатлар ва айрим нормалар жамланган турли тўпламлар ва қонун мажмуаларидан фойдаланиш керак. Бунга “Меҳнат тўғрисидаги қонунлар” тўплами, “Ўзбекистон Республикасининг солиқ тўғрисидаги қонунлари” деган икки жилдлик тўплам мисол бўла олади.

Ниҳоят, ҳуқуқ нормаларини тўғри қўллаш учун норматив ҳужжатлар вақт, маконда амал қилишининг чегараларини ҳамда улар қандай шахслар доирасига тааллуқли эканлигини билиш зарур.

Норматив ҳужжатларнинг вақт бўйича амал қилиши, умумий қоида бўйича, улар кучга кирган пайдан бошланади. Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари улар матбуотда эълон қилинган кундан бошлаб, ҳукумат қарорлари - улар қабул қили-

нган пайдан бошлаб кучга киради. Хужжатларда уларнинг кучга кириш муддати алоҳида кўрсатилиши ҳам мумкин.

Норматив хужжатнинг амал қилиши уни қабул қилган орган томонидан навбатдаги хужжат қабул қилиниши ёки унинг амал қилиш муддати тамом бўлиши билан тўхтайди.

Айрим ҳолларда норматив хужжатларга орқага қайтиш кучи, яъни қонун чиқарилишидан олдин юз берган хатги-ҳаракатларга нисбатан қўлланиш имконияти берилади.

Норматив хужжатларнинг ҳудуд бўйича амал қилиши шундан иборатки, қонунлар ва республика органларининг бошқа норматив хужжатлари Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида, автоном республиканинг хужжатлари - Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида, маҳаллий органларнинг хужжатлари - вилоят, туман, шаҳарда амал қилади ва ҳоказо. Қонунда кўрсатилган айрим ҳолларда, масалан айрим битимларни тузиш, чет элдаги меросни олиш чоғида бошқа давлатнинг қонуни қўлланиши мумкин.

Қонунлар ва бошқа норматив хужжатлар Ўзбекистон Республикаси фуқароларига нисбатан унинг ҳудудида ҳам, ундан ташқарида ҳам амал қилади.

Халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш тамойилига асосланиб, Ўзбекистон Республикасининг қонунлари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида турган чет элликлар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга меҳнат соҳасида, мулкӣ, оилавий ва бошқа муносабатларда кенг ҳуқуқлар беради. Айни вақтда чет элликлар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар республика қонунларига риоя қилишлари шарт ва уларни бузганлик учун республика фуқаролари билан бир қаторда жавобгар бўладилар. Фақат айрим ҳуқуқлар (масалан, давлат ҳокимияти органларига сайловда овоз бериш ҳуқуқи) фақат республика фуқароларига тегишли бўлиши мумкин.

Халқаро ҳуқуққа мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг қонунлари чет мамлакатларнинг дипломатия вакилларига нисбатан жиноий ва маъмурий жавобгарликни қўллашга йўл қўяди.

Қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот. Қонунийлик - органлар ва мансабдор шахслар, фуқаролар, жамоат бирлашмалари ва ташкилотлар томонидан қонун ва бошқа ҳуқуқий хужжатларнинг оғишмай бажарилишидир. Ҳуқуқий тартибот (ҳуқуқ-тартибот) деганда ижтимоий ҳаётнинг нормал, қонунга мувофиқ кечиши, яъни ҳуқуқ асосида, қонуннинг ҳукмронлиги натижасида вужудга келтирилган тартиб тушунилади.

Қонун талабларидан чекиниш, қонунийликни бузиш ҳуқуқ-тартиботга, пировардида эса давлат томонидан қўриқланадиган

манфаатлар ва ўзаро муносабатларга тажовуз қилиш демакдир. Қонунийлик демократик давлат тузумининг асосидир. Бу барчанинг қонун олдида тенглиги, жамиятнинг ҳар қандай аъзоси, ижтимоий муносабатлар иштирокчисининг унга бир хил буйсуниши демакдир.

Ўзбекистон Конституциясига мувофиқ қонунийликнинг асосий жиҳатлари қуйидагилардан иборат.

Юридик ҳужжатлар тизимида қонунларнинг устунлиги, яъни ушбу ҳужжатларнинг қонунларга мувофиқ бўлиши; давлат бошқаруви органлари қонунлар асосида ва уларни бажариш юзасидан чиқарган қарорларнинг давлатнинг қўйи органлари ва мансабдор шахслар ҳужжатларидан устун бўлиши;

маҳаллий органлар марказий ҳокимият органларининг ҳужжатларини қатъиян бажариши, жойларда қонунларга мувофиқ бораётган оператив фаолиятта марказий органларнинг аралашшига йўл қўйилмаслиги;

фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини оғишмай амалга ошириш, давлат ва мансабдор шахслар томонидан фуқароларга нисбатан бирон-бир зуравонлик қилинишига йўл қўймаслик;

фуқароларнинг жамият, давлат ва бошқа фуқаролар олдидаги ўз ҳуқуқий бурчларини қаттиқ туриб бажаришлари.

Қонунийлик жамият нормал фаолиятининг асоси, мустақил давлатни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш вазифаларини муваффақиятли бажаришнинг зарур шarti ва ғоят муҳим шarti-дир. Унинг яшаши худди ана шунга боғлиқ, қонунийликнинг жамият ҳаётидаги реал роли худди ана шундан иборат. У ижтимоий муносабатдаги барча иштирокчиларнинг ҳаракат бирлигини, интизом ва ҳуқуқий тартибни таъминлайдики, буларсиз иқтисодиётни шакллантириш ва мустақкамлашни тасаввур этиб бўлмайди.

Демократизм қоидаларини (мансабдор шахсларнинг халқ томонидан назорат қилинишини ва ҳ.к.) бузиш қонунсизлик ва ўзбошимчаликка, фуқароларнинг демократик ҳуқуқлари камситилишига, уларнинг ташаббускорлиги ва фаоллиги пасайишига олиб келади. Лекин чинакам халқ ҳокимиятини қонунларнинг фуқаролар, уларнинг ташкилотлари ва бирлашмалари томонидан бир хил тушунилиши ва оғишмай бажарилишисиз ҳам тасаввур этиб бўлмайди. Демократиясиз қонунийлик йўқ, лекин қонунийликсиз демократия ҳам йўқ.

Қонунийликни мустақкамлашнинг асосий махсус воситалари ишонтириш, олдини олиш, қонунни бузувчиларга бевосита жамоат таъсири курсатиш, қонунийликнинг юридик кафолатларини такомиллаштиришдан иборатдир. Қонунийликни бузишларга

қарши курашда ҳуқуқ талабларини бажаришга давлат томонидан мажбур қилишдан ҳам зарур даражада фойдаланилади.

Юридик жавобгарлик - бу талабларнинг энг асосий ифодасидир. У тартиббузарларга нисбатан қонуний ҳуқуқий санкцияларни қўллашдан иборатдир. Жиноий жавобгарлик (жиноят содир этганлик учун), маъмурий, интизомий ва фуқаровий-ҳуқуқий жавобгарлик (маъмурий ҳуқуқбузарлик учун, хизматда ёки ишда интизомий ноҳуя ҳаракат, фуқаролик ҳуқуқбузарлиги) фарқланади.

§2. Солиқ тўғрисидаги қонушларни бузганлик учун юридик жавобгарлик тушунчаси. Унинг турлари

Юридик жавобгарлик - мураккаб ҳуқуқий ҳодиса бўлиб, унинг моҳияти, тушунчаси ва мазмуни ҳақида ҳуқуқ фанида узоқ ва жўшқин баҳслар бормоқда. Ушбу баҳсларнинг моҳиятига чуқурлашмаган ҳолда юридик жавобгарлик - жисмоний ёки юридик шахснинг ҳуқуқий норма санкциясида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир этганлик учун муайян шахсий ёки мулкый номақбул оқибатларни бошдан кечиришга мажбурлигидир.

Ҳуқуқшуносликда ҳуқуқнинг бирон-бир соҳасига мансубликка қараб, юридик жавобгарликнинг қуйидаги турларини фарқлаш одат бўлган: а) интизомий жавобгарлик; б) ёлланма меҳнат кишиларининг моддий жавобгарлиги; в) маъмурий; г) жиноий; д) фуқаровий-ҳуқуқий жавобгарлик.

Юридик жавобгарлик қуйидаги белгилари ва жиҳатлари билан ажралиб туради.

1. Юридик жавобгарлик давлат томонидан унинг ваколатли органлари орқали тегишли ҳуқуқий ҳужжатлар - асосан қонунлар, айрим ҳолларда эса - қонун асосидаги ҳужжатларни чиқариш йўли билан жорий этилади.

2. У вакил қилинган органлар ва мансабдор шахслар томонидан қаттиқ белгиланган процессуал тартибда қўлланилади.

3. Юридик жавобгарлик давлат томонидан мажбур қилишнинг бир тури бўлиб, жавобгарлик ҳуқуқий нормаларнинг санкциялари билан жорий этилишида ифодаланади ва давлат, унинг органлари ва мансабдор шахсларнинг ўз ҳукмини ўтказиши, мажбур қилиши воситасидагина амалга оширилиши мумкин. Айбдор ҳатто чиқарилган қарорни ихтиёрий суратда бажарган ёки ўзи келтирган зарарни тўлаган тақдирда ҳам давлат кўрган чораларнинг мажбурийлиги ўзгармайди.

4. Юридик жавобгарликка ҳуқуқбузарлик, яъни содир этганлик учун қонушларда, бошқа норматив ҳужжатларда у ёки бу жавобгарлик тури назарда тутилган айбли, қонунга хилоф ҳара-

кат ёки ҳаракатсизлик сабаб бўлади. Интизомий жавобгарликка интизомий ноҳуя ҳаракат, моддий жавобгарликка моддий зиён етказиш, маъмурий жавобгарликка маъмурий ҳуқуқ бузарлик, жиноий жавобгарликка жиноят, фуқаровий-ҳуқуқий жавобгарликка фуқаролик муомаласи соҳасидаги мулкый муносабатларга, шунингдек шахсий номулкый муносабатларга тажовуз қилувчи ҳуқуққа хилоф ҳаракатлар асос бўлади.

5. Юридик жавобгарлик ҳамма вақт қонунбузарга нисбатан муайян салбий оқибатлар келтириш билан боғлиқ бўлиб, салбий оқибатлар деганда ҳар қандай ноқулай натижа - масалан лицензия ёки эркинликдан маҳрум қилиш, жарима ёки ишдан бўшатишни ва ҳоказоларни тушунмоқ керак.

Солиқ тўғрисидаги қонунларни бузганлик учун солиқ тўловчилар (ҳужалик юритувчи субъектлар, уларнинг мансабдор шахслари, фуқаролар), ҳам давлат солиқ органлари (уларнинг мансабдор шахслари) ҳам юридик жавобгар бўлишлари мумкин. Бу ҳол Ўзбекистон Республикасининг Давлат солиқ органлари тўғрисидаги Низомда, Ўзбекистон Республикасининг Давлат солиқ қўмитаси тўғрисидаги Низомда, республиканинг айрим солиқ турлари тўғрисидаги қонунларда назарда тутилган.

Бироқ, юқорида айтилганлардан санаб ўтилган субъектлар жавобгарликнинг барча турларига жалб қилинадилар, деган маъно чиқмайди. Масалан, интизомий ва жиноий жавобгарлик субъектлари фақат жисмоний шахслар бўлиши мумкин. Маъмурий жавобгарлик субъекти фақат жисмоний шахслар (фуқаролар ва мансабдор шахслар)гина эмас, балки корхона, муассаса, ташкилотлар ҳам бўлиши мумкин деб айтиш учун ҳамма асослар мавжуд.

Солиқ тўғрисидаги қонунлар бузилиши муносабати билан интизомий, моддий ва фуқаровий-ҳуқуқий жавобгарлик масаласини ҳал қилиш чоғида тегишлича Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексини, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексини, баъзи бошқа қонун ҳужжатлари жорий қилган умумий ҳуқуқий тартибот амал қилишини назарда тутиш керак. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг давлат солиқ органлари тўғрисидаги Низомнинг 6-банди "в" кичик бандига мувофиқ мазкур органларга корхона, муассаса, ташкилот ва фуқаролар қонунсиз битимлардан ва қонунда белгиланмаган асослар бўйича олган маблағларини давлат даромадига ундирishi ҳақида тегишли судларга даъво билан мурожаат қилиш ҳуқуқи берилган. Бундай ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Хужалик процессуал кодексини ва Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг нормалари қўлланилиши керак.

Жисмоний шахсларнинг солиқ тўғрисидаги қонунларни бузганлик учун маъмурий ва жиноий жавобгарлик эса Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекс ва (МЖК) ва Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси (ЖК)нинг тегишли моддаларида назарда тутилган.

Маъмурий жавобгарлик - солиқ тўғрисидаги қонунларни бузганлик учун жавобгарликнинг ҳаммадан кўп қўлланиладиган туридир. Кўриб чиқиладиган мавзунга ана шу масаладан давом эттириш мақсадга мувофиқдир.

§3. Давлат солиқ органлари фаолиятида маъмурий жавобгарлик масалалари

Маъмурий жавобгарлик - юридик жавобгарлик тури бўлиб, вакил қилинган орган ёки мансабдор шахснинг қонунбузарлик қилган шахсга нисбатан маъмурий жазо чорасини қўллашда ифодаланади.

Маъмурий жавобгарлик умуман юридик жавобгарликка хос бўлган белгиларга эгадир (олдинги параграфга қаралсин). Шу билан бирга у бир қатор ўзинга хос белгиларга эга бўлиб, улар маъмурий жавобгарликни юридик жавобгарликнинг бошқа турларидан ажратишга туради. Давлат солиқ органлари кўриб чиқадиган қонунбузарлик учун маъмурий жавобгарликнинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ана шу белгиларнинг айримларини кўриб чиқамиз.

1. Маъмурий жавобгарлик жиноий жавобгарликдан фарқли ўлароқ фақат Ўзбекистон Республикасининг қонуни билангина эмас, балки Қорақалпоғистон Республикасининг қонуни, халқ депутатлари вилоят ва Тошкент шаҳар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг қарорлари билан (жамоат тартибини сақлаш масалалари, агар бу масалалар МЖК билан тартибга солинган бўлмаса, шунингдек табиий офатлар ва эпидемияларга қарши кураш масалаларида - МЖК 56-моддаси) белгиланади. Бу умумий қоида бўлиб, ундан жойлардаги давлат ҳокимияти органлари солиқ солиш масалаларида маъмурий жавобгарлик белгиланишига ҳақли эмаслиги келиб чиқади. Айни вақтда вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат ҳокимияти маҳаллий органлари 1993 йил 7 майда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг "Маҳаллий солиқлар ва йиғимлар тўғрисида"ги Қонуни 6-моддасига мувофиқ бир қатор маҳаллий солиқ ва йиғимларни жорий этишга ҳақли. Бундан ташқари жойлардаги мазкур давлат ҳокимияти органларига айрим савдо қоидаларини белгилаш ҳуқуқи берилган. Маҳаллий солиқлар ва

йигимлари, шунингдек савдога тааллуқли қоидаларни бузганлик учун аниқ жавобгарлик эса МЖКнинг тегишли моддаларида назарда тутилади.

Амалиётда маъмурий жавобгарликнинг айрим масалалари Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари билан ҳал қилинади. Масалан, Президентнинг 1995 йил 12 майдаги “Халқ ҳўжалигида ҳисоб-китоблар ўз вақтида ўтказилиши учун корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг масъулиятини ошириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонида солиқ органлари дебиторлик қарзи муддатида туланмаганлиги учун мулкчиликнинг ҳамма шаклларига мансуб корхона ва ташкилотларнинг раҳбарларига, шунингдек мазкур корхоналарнинг бош бухгалтерларига ва бундан ташқари, корхоналарнинг ҳисобварақларида тегишли маблағлари бўлгани ҳолда туловларни амалга оширишнинг белгиланган муддатларини бузган тижорат банклари филиалларининг раҳбарлари ва бош бухгалтерларига энг кам иш ҳақининг беш бараваридан то етти бараваригача миқдорда маъмурий жарима солиши белгилаб қўйилган.

2. Маъмурий ҳуқуқбузарлик, яъни шахсга, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига, мулкка, давлат ва жамоат тартибига, табиий муҳитга тажовуз қилувчи ғайриҳуқуқий, айбли (қасдан ёки эҳтиётсизлик орқасида) содир этилган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик маъмурий жавобгарлик учун амалий асос бўлади (МЖК 10-моддаси). Ушбу тарифда маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг умумий объекти кўрсатилган. Давлат солиқ органлари кўришга вакил қилинган ҳуқуқбузарлик объекти солиқ солиш, савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси, шунингдек тадбиркорлик соҳасидаги муносабатлардир.

Муайян шарт-шароитларда маъмурий ҳуқуқбузарлик жиноятга, яъни Жиноят кодекси томонидан жазо қўлаш хавфи билан тақиқлаб қўйилган (ЖК 14-моддасининг 1-қисми) айбли, ижтимоий хавфли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик)ка айланади. Агар маъмурий ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо бажарилган кундан бошлаб бир йил мобайнида такрор содир этилган бўлса, у жиноятга айланади. Масалан, савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини бузиш (МЖК 164-моддасининг 1-қисми) ана шундай қилмишлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилса, ЖК 189-моддаси 1-қисми бўйича жиноий жавобгарликка олиб келади.

Ўтказилган зиённинг миқдори ҳам маъмурий ҳуқуқбузарликни жиноятдан фарқлайдиган белги бўлиши мумкин. Масалан, фойдани (даромадни) ёки бошқа солиқ солиш объектларини қасдан яшириш, камайтириб кўрсатиш, шунингдек катта миқдордаги

белгиланган солиқлар, йиғимлар, божалар ёки бошқа тўловларни тулашдан қасддан бошқача буйин товлаш жиноий тартибда ЖК 184-моддаси 1-қисми бўйича жазоланади. Бу ўринда катта миқдор энг кам иш ҳақининг ун-утгиз баробарини ташкил этади. Сумма бундан кам бўлганида айбдор шахс МЖК 174-моддасининг 1-қисми бўйича маъмурий жавобгарликка тортилиши керак.

3. Маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жазолар назарда тутилган. Уларнинг баъзилари жиноий фуқаровий ва меҳнат ҳуқуқининг нормаларида белгиланган санкциялар билан бир хил номланишга эга, лекин миқдори ва қўлланиш тартиби билан ажралиб туради. Масалан, МЖК 25-моддасига мувофиқ, фуқароларга солинадиган жариманинг энг кўп миқдори энг кам иш ҳақининг беш бараваридан, мансабдор шахсларга эса - ун барабаридан ортиқ бўлиши мумкин эмас (умумий қоидага қўра). Жиноят кодексининг 44-моддасида жарима энг кам иш ҳақининг беш бараваридан юз бараваригача қилиб белгиланган. Меҳнат интизомини бузганлик учун корхона, муассаса, ташкилот маъмурияти ходимга уртача ойлик иш ҳақининг кўпи билан йиғирма фоизи миқдорида, меҳнат интизомини мунтазам бузганлик, узрли сабабларсиз прогул, ишга маст ҳолда, наркотик ёки токсик сархушлик ҳолатида келганлик учун кўпи билан 40 фоизи миқдорида жарима солиши мумкин.

Амалдаги қонунларга мувофиқ давлат солиқ органлари маъмурий жазо сифатида фақат жарима солишга ҳақли бўлиб, унинг миқдори маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган вақтдаги, давомли ҳуқуқбузарлик учун эса - у маълум бўлган пайтдаги энг кам ойлик иш ҳақига қараб белгиланади.

4. Маъмурий жазонинг қўлланилиши судланишга ва ишдан бўшатишга олиб бормади. Башарти, маъмурий жазога тортилган шахс шу жазони ўташ муддати тугаган кундан бошлаб бир йил мобайнида янги маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этмаган бўлса, мазкур шахс маъмурий жазога тортилмаган деб ҳисобланади (МЖК 37-моддаси).

Шуни назарда тутиш керакки, маъмурий жазо ҳуқуқбузарлик содир этилган кундан бошлаб, давом этаётган ҳуқуқбузарликлар учун эса, ҳуқуқбузарлик аниқланган кундан бошлаб икки ойдан кечиктирмай қўлланилиши мумкин. Озми-кўпми узоқ вақт мобайнида узлуксиз амалга ошириб келинаётган ҳуқуқбузарлик давом этаётган ҳуқуқбузарлик деб ҳисобланади. У ягона ҳуқуққа хилоф ҳаракатнинг ягона таркибини узлуксиз амалга ошириш билан ажралиб туради. Масалан, фойда (даромад) ёки солиқ солинадиган бошқа объектларнинг ҳисобини олиб бормаслик ёхуд бундай ҳисобни белгиланган тартибни бузган ҳолда олиб

бориш давом этаётган ҳуқуқбузарликдир (МЖК 175-моддасининг 1-қисми). Бунда икки ойлик муддатнинг утиши давлат солиқ ёки бошқа ваколатли органнинг мансабдор шахси ҳодисани аниқлаган кундан бошланади.

Маъмурий жавобгарликни юридик жавобгарликнинг бошқа турларидан ажратиб турадиган айрим фарқлар ана шулардан иборат бўлиб, давлат солиқ органларининг қонунларни қўллаш фаолиятида ҳисобга олиш зарур.

Ўзбекистон Республикасининг маъмурий ҳуқуқбузарликлар туғрисидаги 1985 йилги Кодекси (кейинчалик киритилган узғариш ва қўшимчалар билан) давлат солиқ органларининг ҳуқуқ доирасига тўртта модда буйича: дори-дармонлар ёки тиббиёт буюмларини сотиш тартибини бузганлик учун (167-модда 1-қисм); фойдани (даромадни) яшириш (камайтириб курсатиш) ёки солиқ солинадиган бошқа объектларни яшириш (ҳисобга олмаслик) ва касса операцияларини юритиш тартибини бузиш (175); тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш тартибини бузиш ёки тадбиркорлик фаолиятининг тақиқланган тури билан шуғулланиш (175 1); давлат солиқ органларининг қонуний талабларини бажармаслик (176) буйича маъмурий ҳуқуқбузарлик туғрисидаги ишларни куришни киритган эди.

Маъмурий жавобгарлик туғрисидаги янги Кодекс давлат солиқ органларига куриш учун ваколат берилган ишлар билан боғлиқ моддалар сонини еттигага етказиб кенгайтди. Унда тегишли ҳуқуқбузарликларнинг таркиби янгича таърифланди, айрим тоифадаги ишларни куриб чиқувчи органлар узгартирилди.

Давлат солиқ органларига куриб чиқиш учун ваколат берилган маъмурий ҳуқуқбузарлик объектларининг турлари: а) солиқ солиш; б) савдо ва хизмат курсатиш; в) тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги муносабатлардир. Шунга мувофиқ ҳолда давлат солиқ органлари куриб чиқадиغان маъмурий ҳуқуқбузарлик туғрисидаги ишларнинг учта гуруҳини ажратиш курсатиш мумкин.

Солиқ туғрисидаги қонуиларни бузганлик (МЖКнинг 174, 175-моддалари).

“Солиқлар ва бошқа туловлар тулашдан буйин товлаш” деб аталадиган 174-модда икки қисмдан иборат. 1-қисмда солиқ олинадиган фойдани (даромадни) ёки бошқа объектларни қасддан яширганлик (камайтириб курсатганлик) ёхуд солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий туловлар тулашдан қасддан буйин товлаганлик учун маъмурий жавобгарлик назарда тутилган.

Куриб чиқилаётган ҳуқуқбузарликнинг юридик таркибини таҳлил қилишга унингдан олдин шуни айтиш керакки, солиқ туғрисидаги қонунлар муттасил ривожланиб бормоқда. Вақти-вақти билан

солиқ солинадиган объектларнинг руйхати ўзгартирилмоқда ва тулдирилмоқда, солиқ ставкалари ўзгартирилмоқда. Солиқлар тизимининг ўзи ҳам ўзгармоқда - баъзилари жорий этилмоқда, бошқалари бекор қилинмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 30 ноябрдаги "Ўзбекистон Республикасида солиқларнинг рағбатлантирувчи ролини кучайтиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида"ги Фармони бунга мисолдир. Шу муносабат билан давлат солиқ органларининг мансабдор шахслари мазкур ўзгариш ва қўшимчаларни доимо диққат марказларида тутишлари, солиқ тўғрисидаги қонунларни бузиш ҳолларини баҳолашга доир аниқ масалаларни ҳал қилишда уларни ҳисобга олишлари керак. Солиқ солишдан озод қилишнинг амалдаги тартибини, солиқлар соҳасидаги импиезлар руйхатини билиш ҳам муҳимдир.

Холис қаралганида 174-модданинг 1-қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик солиқ ва бошқа мажбурий туловлар тарзида белгиланган суммаларни бюджетга ўтказиш учун асос бўлиб хизмат қиладиган расмий ҳужжатларда солиқ солинадиган объектлар тўғрисидаги маълумотларни акс эттирмаслик ёки тула акс эттирмасликда намоён бўлади.

Ушбу моддада яширилиши (камайтириб кўрсатилиши) натижасида маъмурий ҳуқуқбузарликнинг таркиби вужудга келадиган солиқ солиш объектининг тулиқ руйхати йўқ.

Кўриб чиқилаётган ҳолатда даромадлар деганда, масалан, хусусий мулк асосида фаолият олиб борадиган тадбиркорларнинг даромади, мол-мулкни ижарага беришдан келадиган тушумлар, қурилган зиённи тулаш тарзида олинган суммалар, корхонага қарашли акция, облигация ва бошқа қимматли қоғозлар бўйича дивидендлар ва ҳ.к. тушунилади. Бошқа туловлар деганда турли йиғимлар, шу жумладан руйхатга олиш ҳақи, божалар, пул-буюм лотереялари ўтказишдан келган даромадлар ва шу каби солиққа тортилмайдиган даромадлар тушунилади. Корхоналар айрим фондларга, шу жумладан Ижтимоий суғурта Фондига, аҳолининг иш билан бандлигига ёрдамлашувчи Давлат фондига, Республика валюта фондига, баъзи бошқа фондларга бадаллар тулашга ҳам мажбурдирлар.

Солиқ солишдан яшириладиган сумманинг миқдори (бу тушунчага йиғимлар, бажалар тулаш, бошқа туловларни тулаш ҳам киритилади) алоҳида аҳамиятга эга, чунки агар бу сумма энг кам иш ҳақининг ун бараваридан ошмаса, маъмурий жавобгарликка тортилади.

МЖК 174-моддасининг 1-қисми бўйича ҳуқуқбузарлик субъектлари фуқаролар ҳам, корхона, муассаса ва ташкилотларнинг мансабдор шахслари ҳам бўлиши мумкин. Мансабдор шахслар деганда

солиқ солиш соҳасида белгиланган қоидаларга риоя этиш вазифаси зиммасига юклатилган раҳбарлар, бош (катта) бухгалтерларни англамоқ керак. Бунда мулкнинг шакли, ҳужалик юритувчи субъектнинг кимга бўйсунishi ҳуқуқбузарликни баҳолаш учун аҳамиятга эга эмас. Шуни ҳам назарда тутиш керакки, бухгалтерия хизматига эга бўлмаган корхона, муассаса, ташкилотларда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисобот ишларини ихтисослашган ташкилот ёки тегишли мутахассис шартнома асосида олиб бориши мумкин.

Ушбу моддани қўллаш пайтида маъмурий жавобгарликка маъмурий ҳуқуқбазарлик содир этилган вақтда ун олти ёшга тулган ақли расо шахслар тортилиши ҳақидаги умумий қондани ҳисобга олиш керак (МЖК. 14, 20-моддалар). Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги ажнабий фуқаролар (иммунитетга эга бўлганларидан ташқари) ва фуқаролиги бўлмаган шахслар умумий асосларда маъмурий жавобгарликка тортилишлари лозим (МЖК 17-моддаси). Шундай қилиб, ажнабий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар МЖК 174-моддаси 1-қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик субъекти бўлишлари мумкин. Уни содир этиш фуқароларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса - беш бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

174-модданинг иккинчи қисмига мувофиқ энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдордаги жарима даромадлар тўғрисида декларация тақдим этишдан буйин товлаганлик, декларацияни ўз вақтида тақдим этмаслик ёки унда атайин нотўғри маълумотларни тақдим этганлик учун солинади.

Ўзбекистон Республикасининг қонунларида даромадлар тўғрисидаги декларацияларни муайян муддатларда фуқаролар ҳам, корхоналар ҳам солиқ органларига тақдим этиб туришлари назарда тутилган. Чунончи, республика Вазирлар Маҳкамасининг “Савдони эркинлаштириш ва истеъмол бозорини товарлар билан туладиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида корхоналар, улгуржи ва чакана савдо ташкилотлари, шу жумладан умумий овқатланиш корхоналари, ўз даромадлари тўғрисида ҳар ойда декларация (маълумотнома), топширадилар, деб белгилаб қўйилган.

174-модданинг 2-қисми ушбу қисмнинг диспозициясида санаб кўрсатилган уч ҳуқуқбузарлик:

а) даромадлар тўғрисида декларация тақдим этишдан буйин товлаш;

б) декларацияни ўз вақтида тақдим этмаслик;

в) декларацияда атайин нотўғри маълумотларни тақдим этиш ҳолларидан ҳар қандайи содир этилганида қўлланилади.

Биринчи ва учинчи ҳуқуқбузарлик ҳамма вақт атайин, иккинчиси - ҳам атайин, ҳам эҳтиётсизлик орқасида содир этилади.

Декларацияни ўз вақтида тақдим этмаслик декларация белгиланган муддат тамом булганидан кейин тақдим этилишида ифодаланади. Декларацияга атайин нотуғри маълумотларни киритиш ҳақиқий даромадларни камайтириб курсатадиган, мавжуд бўлмаган харажатларни курсатадиган ва ҳ.к. маълумотларни беришдан иборат бўлади.

Агар мазкур ҳуқуқбузарликлар солиқ солинадиган объектларни яшириш мақсадида қилинса, улар миқдорига қараб, МЖК 174-моддасининг 1-қисми билан, ёки ЖК 184-моддаси билан ҳам баҳоланиши керак.

174-модданинг 2-қисми буйича солиқ органларига тегишли декларацияларни тақдим этишга мажбур булган фуқаролар ҳам, мансабдор шахслар ҳам жавобгар буладилар.

“Солиқ солинадиган объектларнинг ҳисобини олиб бормаслик ёки касса операцияларини юритиш тартибини бузиш” деб аталадиган 175-модда уч қисмдан иборат. Ушбу модданинг 1-қисмида мувофиқ фойда (даромад) ёки солиқ солинадиган бошқа объектларнинг ҳисобини олиб бормаслик ёхуд бундай ҳисобни белгиланган тартибни бузган ҳолда олиб бориш, шунингдек солиқларни, бюджетга ва бюджетдан ташқари фоидаларга бошқа мажбурий туловларни ҳисоблаб чиқариш ва тулаш учун зарур булган солиқ ҳисоботларини, ҳисоб-китобларини ва бошқа ҳужжатларни тақдим этмаслик, ўз вақтида тақдим этмаслиги ёки белгиланмаган шаклда тақдим этиш, башарти бу ҳаракатлар туланиши лозим булган солиқ ёки бошқа туловларнинг миқдорини камайтиришга олиб келса, энг кам иш ҳақининг бир бароваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Кимга буйсунишидан ва мулк шаклидан қатъи назар юридик шахс булган корхоналар ва ташкилотлар (шу жумладан чет эл инвестицияси ёрдамида ташкил этилган корхоналар), шунингдек асосий фаолияти бюджет маблағлари ҳисобидан молиявий таъминланадиган муассаса ва ташкилотлар учун Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботининг ягона услубий (методологик) асослари Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи туғрисидаги Низом билан белгиланади. Ушбу Низом, шунингдек корхоналар молиявий-хужалик фаолияти бухгалтерия ҳисоботининг ҳисобварақлар режаси ҳам Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 26 мартдаги қарори билан тасдиқланган. Низомга мувофиқ Молия вазирлиги бухгалтерия ҳисоби ва ҳисобот буйича норматив ҳужжатларни ишлаб чиқади ва тасдиқлайди. Улар Ўзбекистон ҳудудидаги ҳамма корхоналар, муассасалар томонидан бажарилиши шарт.

Солиқ ҳисоботлари, ҳисоб-китобларининг ва солиқларни, бюджетта ва бюджетдан ташқари фондларга бошқа мажбурий туловларни ҳисоблаб чиқариш ва тулаш учун зарур бўлган бошқа ҳужжатларнинг шакллари, масалан, маҳсулот ишлаб чиқариш (ишлар бажариш, хизматлар курсатиш) ва уларни реализация қилиш бўйича амалга ошириладиган ва маҳсулот (ишлар, хизматлар) таннархига қўшиладиган харажатлар таркиби ва молиявий натижаларни чиқариш тартиби туғрисидаги 1995 йил 27 январдаги Низом, Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 1994 йил 22 декабрдаги “Корхоналар фойдаси (даромади)дан бюджетга олинadиган солиқни ҳисоблаб чиқариш тартиби туғрисида”ги йуриқномаси каби ҳужжатлар билан тасдиқланган.

Ўз фаолиятини юридик шахс ташкил этмасдан туриб амалга оширишни хоҳлаган хусусий тадбиркорга тикиб боғланган ва муҳр босиб тасдиқланган даромад ва харажатлар дафтари (даромад ва харажатлар декларацияси) берилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, МЖК 175-моддасининг 1-қисмида санаб утилган ҳуқуқбузарликлар, башарти бу ҳаракатлар туланиши лозим бўлган солиқ ёки бошқа туловларнинг миқдорини камайтиришга олиб келса, ушбу моддага мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади. Агар бундай оқибатлар юз бермаган бўлса, куриб чиқилаётган ҳуқуқбузарлик таркиби йуқ бўлади, айбдор мансабдор шахслар эса интизомий жавобгарликка тортилиши мумкин.

Агар худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, МЖК 175-моддасининг 2-қисмида назарда тутилган жавобгарлик қўлланилиб, энг кам иш ҳақинини уч бароваридан беш бароваригача миқдорда жарима солинади.

175-модданинг 3-қисми касса операцияларини юритиш тартибини ва тулов интизомини бузганлик учун мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишни назарда тутди.

Касса операциялари деганда корхона, муассаса ва ташкилотлар кассаларининг нақд пулларни қабул қилиш, сақлаш ва бериш билан боғлиқ операциялар тушунилади. Тегишли қондалар купроқ аҳоли ва кредит муассасалари билан пул ҳисоб-китобларига тааллуқли бўлади. Касса операцияларини юритиш тартибини бузишнинг энг куп тарқалган турлари касса тушумини белгиланган нормалардан ортикча сарфлаш, тушумни кредит муассасасига уз вақтида топширмаслик, кассадаги нақд пул қолдигини лимитдан ошириб юбориш, кредит муассасасидан олинган нақд пулларни ноурин сарфлаш, иш ҳақи, нафақалар, стипендиялар, пенсия ва мукофотлар тулаш учун олинган ва ишлатилмаган пул

маблағларини кредит муассасасига ўз вақтида қайтармаслик, нақд пул билан ҳисоб-китоб қилиш қоидаларини бузиш ва бошқалардан иборатдир.

Касса операцияларини юритиш тартибини бузганлик учун корхона, муассаса ва ташкилотларнинг раҳбарлари, бош (катта) бухгалтерлари, шартнома асосида ишлайдиган бухгалтерлари, молиявий бўлинмаларнинг раҳбарлари ва кассирлари жавобгар буладилар.

Тулов интизоми хужалик юритувчи субъектларниг ўз тулов мажбуриятлари буйича туловларнинг муддатлари ва тартибига аниқ риоя этишидан иборатдир.

Ушбу бобда тилга олинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 12 майдаги “Халқ хужалигида ҳисоб-китоблар ўз вақтида ўтказилиши учун корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг масъулиятини ошириш борасидаги чора-тадбирлар туғрисида”ги Фармони тулов интизоминини мустақкамлашга қаратилган. Фармонда мулкчиликнинг ҳамма шакллариغا мансуб хужалик юритувчи субъектларга етказиб берилаётган маҳсулот (бажарилаётган ишлар, хизматлар) қиймагининг камида 15%ини олдиндан туламасдан туриб, истеъмолчилар ва буютмачиларга маҳсулот сойтиш, ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатиш тақиқланган.

Етказиб берилган товарлар, кўрсатилган хизматлар ва бажарилган ишлар учун маблағларнинг товарлар амалда жунатилган, хизматлар, кўрсатилган, ишлар бажарилган кундан бошлаб олтимиш кун утганидан кейин келиб тушмаганлиги муддати ўтказиб юборилган дебиторлик қарзи дейилади.

Мудлати ўтказиб юборилган дебиторлик қарзининг мавжудлигини, туловга қобилиятсиз истеъмолчиларга маҳсулот етказиб бериш (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш)ни тулов интизомини бузиш деб ҳисоблаш мумкин. Корхоналарнинг ҳисобварақларида тегишли маблағлар була туриб, туловларни ўтказишнинг белгиланган муддатларига риоя этмасликни ҳам ана шундай тулов интизомини бузиш деб ҳисоблаш керак.

175-модданинг 3-қисми буйича ҳуқуқбузарлик субъектлари мулкнинг ҳамма шакллариغا мансуб корхона ва ташкилотларнинг, тижорат банклари филиалларининг раҳбарлари, шунингдек мазкур ташкилотларнинг бош бухгалтерлари булиши мумкин.

Савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги маъмурий ҳуқуқбузарликлар МЖКнинг 164,165, 168, 172-моддалари)

“Савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини бузиш” деб аталадиган 164-модда уч қисмдан иборат. 1-қисм савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини бузганлик учун жавобгарликни назарда тутди. Унинг юридик таркибини таҳлил қилишдан олдин шуни

курсатиб утиш керакки, МЖК қабул қилинишидан олдинроқ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1993 йил 10 декабрдаги “Савдо ва хизмат курсатиш соҳаси корхоналарида текширишларни тартибга солиш туғрисида”ги Фармони билан мазкур корхоналар фаолиятини, улар қайси идорага буйсунишидан ва мулк шаклиларидан қатъи назар, фақат республика Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Бош давлат солиқ бошқармаси (ҳозирги Давлат солиқ кумитаси) ва унинг ҳудудий булинмалари Ўзбекистон Молия вазирлигининг молия ва тафтиш органлари иштирокида текширилиши белгилаб қўйилган эди.

Бир-бирининг ишини такрорлашга ва параллелчиликка баърам бериш мақсадида маҳаллий бошқарув, давлат назорати, ички ишлар, соғлиқни сақлаш, стандартлаштириш, метрология, сертификатлаш органлари ўз республика ташкилотларидан аниқ текшириш топшириғи курсатилган ҳолда тегишли рухсатнома олмасдан туриб савдо ва хизмат курсатиш соҳаси корхоналарида текширув ўтказиши тақиқлаб қўйилди.

Фармонни бажариш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 1994 йил 11 февралдаги ўз қарори билан савдо ва хизмат курсатиш соҳаси корхоналари фаолиятини ҳар жиҳатдан текширишларни мувофиқлаштириш туғрисидаги Низомни тасдиқлади. Низомга мувофиқ бундай текширишлар ҳамма погоналардаги давлат солиқ органлари бошлиқлари ёки улар уринбосарларининг ёзма буйруги асосида амалга оширилади. Ўтказиладиган текширувларнинг асосий вазифаларидан бири қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатлар билан тасдиқланган савдо ҳамда хизмат курсатиш корхоналарининг иш низомлари ва қоидалари бажарилишини текширишдан иборатдир.

МЖК 164-моддасига ўхшаган модда аввал амал қилиб келган Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий ҳуқуқбузарлик туғрисидаги кодексига ҳам бўлиб, бу “Савдо (умумий овқатланиш) корхоналари (ташкilotлари) ходимларининг савдо қоидаларини бузиши” деб аталган 166-модда эди. Бироқ бу ҳуқуқбузарликларга доир ишлар маъмурий комиссиялар томонидан қурилар, бу ҳол эса ана шундай ноҳуя ҳаракатга тезкорлик билан ва самарали чора қуришга ёрдам бермас эди. Булар уртасидаги яна бир фарқ шундаки, МЖК 164-моддасининг 1-қисмида фақат савдо қилиш қоидаларинигина эмас, балки хизмат курсатиш қоидаларини ҳам бузганлик учун маъмурий жавобгарлик назарда тутилади.

164-модданин 1-қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик объекти ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинган аҳоли ва ташкилотларнинг товарлар ва хизматларга бўлган эҳтиёжларини қондириш тартибидан, шунингдек мулк шаклиларидан ҳамда қайси идорага

бўйсунушидан қатъи назар савдо ва хизмат курсатиш билан банд бўлган корхона ва шахслар хизматидан фойдаланадиган фуқаролар ҳамда ташкилотларнинг манфаатларидан иборатдир.

Ўзбекистонда савдо ва хизмат курсатиш хусусида, бу қисми ўз вақтида собиқ СССР Савдо вазирлиги ва бошқа иттифоқ органлари томонидан, шунингдек “Ўзбексавдо” давлат уюшмаси, Ўзбекбирлашув, Ўзмаишийуюшма, Алоқа вазирлиги ҳамда республиканинг ўз савдо ва хизмат курсатиш корхоналарига эга бўлган бошқа идоралари томонидан тасдиқланган купдан-куп қоидалар амал қилиб келмоқда. Айрим қоидалар Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикаси қонун чиқарувчи ҳамда ижро этувчи ҳокимияти органларининг ҳужжатларида, шунингдек халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ва ҳокимларнинг қарорларида ҳам бор. Чунончи, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Савдони эркинлаштириш ва истеъмол бозорини товарлар билар тулдириш чора-тадбирлари туғрисида”ги Қарорида кимга бўйсунушидан ва мулк шаклидан қатъи назар ҳамма савдо корхоналарида товарлар нархлар ва сотиш ҳажмини қайд этувчи савдо касса аппаратлари орқали сотилади, деб белгилаб қўйилган. Ушбу талабга риоя этмаслик МЖК 164-моддаси 1-қисмида курсатилганидек, савдо қилиш қоидаларини сўзсиз бузишдир.

Юқорида эслатиб утилган қоидалар савдо зали (хизмат курсатиш зали) ва ёрдамчи биноларни жойлаштириш, витриналарни жиҳозлаш, товарлар (овқатлар)ни сақлаш ва бериш, пул ҳисобкитоби, тарози-ўлчов асбобларини сақлаш ва улардан фойдаланиш, савдо ҳамда хизмат курсатиш корхоналарининг иш тартиби, нархномалар, таомномалар, шикоят ва таклиф дафтарининг мавжудлиги, умумий овқатланиш, маиший ва коммунал хизматнинг белгиланган разряд ва категорияларга мувофиқлигига ва ҳоказоларга тааллуқдир.

Майда чакана савдо тармоғи ишининг - доимий (палаткалар, киоскалар, савдо автоматлари) савдо жойлари таниб юриб сотиш кучма воситалари (аравалар, автодуконлар, фургонлар ва бошқалар) орқали савдо қилиш ва кутариб юриб сотишнинг (лоток, сават ва бошқалар) алоҳида қоидалари мавжуд.

Маъмурий ҳуқуқбузарликлар туғрисидаги кодекс товарларни оморлар, базалар, савдо (умумий овқатланиш) корхоналарининг ёрдамчи биноларидан сотишни, шунингдек товарларни харидордан яширишни савдо қоидаларини бузиш деб ҳисоблар эди. Амалдаги МЖКда бундай ёзув йук, лекин санаб утилган ҳаракатларни МЖК 164-моддасининг 1-қисмига мувофиқ савдо қоидаларини бузиш деб баҳолаш учун ҳамма асослар бор.

Савдо, хизмат курсатиш корхоналарида риоя қилиниши шарт бўлган қоидаларнинг ҳаммаси ҳам савдо ва хизмат курсатиш

қоидалари жумласига кирмайди. Масалан, ёнғинга қарши ва санитария қоидалари, меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари шулар жумласидан бўлиб, уларни бузганлик учун жавобгарлик МЖКнинг бошқа моддаларида назарда тутилган.

Таркиби МЖКнинг махсус моддаларида таърифланган ҳуқуқбузарликларга (харидорни ёки буюртмачини алдаш - 165-модда, молларни уларнинг сифатини ва ишлаб чиқариш маркасини тасдиқлайдиган ҳужжатларсиз сотиш - 166-модда, бозорларда савдо қилиш қоидаларини бузиш - 168-модда) 164-модданинг 1-қисми амал қилмайди.

164-модданинг 1-қисми бўйича савдо ва хизмат кўрсатиш корхоналарининг зиммасига тегишли қоидаларга рияз этиш вазифаси юклатилган ва бу қоидаларнинг бузилишига йўл қўйган ходимлари жавобгарлик субъекти бўлиши мумкин. Бунда мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан етти бараваригача, қолган ходимларга эса - бир баравардан беш бараваргача жарима солинади.

Давлат солиқ органлари дори-дармон воситалари ёки тиббий буюмлар ёхуд ёнилғи-мойлаш материаллари сотиш қоидаларини бузиш ҳақидаги ишларни ҳам курадилар (164-модданинг 3-банди).

Ўзбекистон Президентининг 1994 йил 14 июлдаги “Республикада дори-дармонларни сотишни тартибга солиш тўғрисида”ги Фармони билан мазкур воситалар ва тиббий буюмларни махсус рухсатномалар - дори-дармонлар сотиш учун лицензияларга эга бўлмаган жисмоний ва юридик шахсларнинг сотиши тақиқлаб қўйилди. Дори-дармонлар ва тиббий буюмларни сотишнинг республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги тасдиқлайдиган бошқа қоидаларини бузиш ҳам МЖК 164-моддаси 3-қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик таркибини ташкил этади.

Ёнилғи-мойлаш материалларини сотиш қоидалари “Ўзбекнефтегаз” Миллий корпорацияси томонидан ишлаб чиқилади. Ёнилғи-мойлаш материалларини сотиш қоидаларининг автомобилларга ёнилғи қўйиш шохобчаларидан ташқарида содир этилган ва айни вақтда МЖК 164-моддасининг 2-қисмига тўғри келмайдиган бузилиши ҳолларини 164-модданинг 3-қисми билан баҳоламоқ керак. Бундай ҳуқуқбузарликлар жумласига ёнилғи-мойлаш материалларини нефть омборларидан, транспорт воситаларидан, автомобиль корхоналари, шаҳар ташқарисидаги автомобиль йўлларида ва ҳ.к. сотишни киритиш мумкин.

164-модданинг 3-қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги баённомаларни давлат солиқ органлари, шунингдек

Ўзбекистон нефть маҳсулотлари билан таъминлаш давлат акциядорлар жамияти тизимининг (ёнилғи-мойлаш материалларини сотиш қоидаларини бузиш хусусида) ва ички ишлар органларининг ваколатга эга булган мансабдор шахслари (дори-дармонлар ва тиббиёт буюмларини сотиш қоидаларини бузиш хусусида) тузадилар.

Давлат солиқ органларининг тегишли ваколатга эга булган мансабдор шахслари 164-модданинг 2-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар, яъни ёнилғи-мойлаш материаллари билан, дори-дармон воситалари ёки тиббий буюмлари билан шаҳарларда белгиланмаган жойларда қўлда савдо қилиш туғрисида ҳам баён-номалар тузадилар. Бироқ, бу ҳуқуқбузарликларни давлат солиқ органларининг бошлиқлари ва уларнинг уринбосарлари эмас, балки маъмурий ишлар бўйича судьялар куриб чиқадиладар, чунки МЖК мусодарани (164-модданинг 2-қисми санкцияси бу маъмурий жазони жаримага қўшимча сифатида назарда тутати) қўллаш ҳуқуқини фақат уларга беради.

164-модданинг 3-қисми бўйича жавобгарлик масаласига келганда, бунда давлат солиқ органларининг бошлиқлари ва бошлиқ уринбосарлари фуқароларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса - етти бараваридан ўн бараваригача жарима солишга ҳақли.

МЖК 164-моддасида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлардан ҳар қандайини маъмурий жазо қўлаганидан кейин такроран содир этиш ЖК 189-моддаси бўйича жиноий жавобгарликка сабаб бўлади.

“Харидорни ёки буюртмачини алдаш” деб аталадиган 165-модда мулкчилик шаклидан қатъи назар, аҳолига товарлар сотишни амалга ошираётган ёки хизматлар курсатаётган корхоналарда, шунингдек савдо ёки хизматлар курсатиш соҳасида якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланаётган шахслар энг кам иш ҳақининг ундан бир қисмидан ошмаган миқдорда улчовдан, тарозидан, пулдан уриб қолганлиги ёхуд харидорни ёки буюртмачини ўзгача тарзда алдаганлиги учун жавобгарликни белгилайди.

Харидор ёки буюртмачини - умуман истеъмолчини - алдашнинг бевосита объекти деб савдо қилиш, хизматлар курсатиш тартибини ҳисоблаш керакки, шу тартибга мувофиқ товарлар тулиқ оғирликда ва тулиқ улчовда, тегишли сифат билан, белгиланган нархларда ва ҳисоб-китобларнинг туғрилигига амал қилган ҳолда сотилиши, хизматлар эса, бундан ташқари, прејскурантлар ва тарифлар бўйича курсатилиши керак. Пиrowардида истеъмолчи - фуқароларнинг моддий, баъзан эса эстетик эҳтиёжлари тажовуз объекти бўлади.

Товарлар, шу жумладан умумий овқатланиш корхоналарида таомлар, ишлар, хизматлар ҳам, савдо, умумий овқатланиш, маиший, коммунал ва бошқа хизмат корхоналарида, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи шахслар томонидан истеъмолчидан ортиқча олинган пуллар ҳам ҳуқуқбузарлик нарсаси бўлиши мумкин.

Харидорлар ва буюртмачиларни алдашнинг объектив томони МЖК 165-моддасининг диспозициясида қисман тўғридан-тўғри айтиб ўтилган турли ҳаракатларни қилишда ўлчовдан, тарозидан, пулдан уриб қолишда ёки бошқача йўл билан алдашда ифодаланади.

Ўлчовдан ва тарозидан уриб қолиш шунда ифодаланадики, харидор сотувчининг турли қинғир ишлари ва бошқа алдов ҳаракатлари натижасида ўзи ҳақини тўлаганига қараганда камроқ миқдорда товар олади. Бунинг усуллари жуда хилма-хил: нотўғри ўлчов асбобларидан (тарози, тошлар, қадоқ тошлар, мензуркалар, ўлчов идишлари, метрлар ва ҳ.к) фойдаланиш, ортиқча ўров қоғози ишлатиш, товарни тарозига ташлаб юбориш, ўлчаш чоғида газламани чузиш, товарни юқори навли товар баҳосида сотиш ва ҳ.к.

Лекин, агар дукон қадоқланган ҳолида олган товарларнинг оғирлиги нотўғри бўлса, бу товарларни сотаётган шахсларнинг ҳаракатида кўриб чиқиладиган ҳуқуқбузарлик таркиби йўқ. Товар дукон ходимлари томонидан қадоқланиб, улар тарозидан уриб қолган бўлсалар, у ҳолда 165-модда бўйича жавобгар бўладилар.

Пулдан уриб қолиш деганда истеъмолчиларни алдаб, улар товар (иш, хизмат) учун тўлашлари керак бўлганидан кўра кўпроқ пул олиб қолиш, хариднинг ёки ресторанда ҳуранда буюрган овқат ва ичимликларнинг умумий баҳосини атайлаб нотўғри ҳисоблаш, қайтмни керагидан кам бериш ва ҳ.к. тушунилади.

Харидорлар ва буюртмачиларни “узгача тарзда алдаш” деганда айбдорнинг истеъмолчилардан кўрсатилган хизмат ёки сотиб олинган товар қиймагидан ортиқча пул олишга қаратилган ҳар қандай ҳаракатлари (паст навли товарни юқори навли товар нархида сотиш, сохталаштирилган товарлар сотиш, амалда бажарилган ишларнинг мураккаблиги ва ҳажмини ошириб кўрсатиш, оддий буюртмани шошилинич буюртма қилиб расмийлаштириш ва ҳ.к.) тушунилади.

Ҳуқуқбузарлик содир бўлиши учун юқорида санаб ўтилган ҳаракатлардан биттасини қилиш етарли, ҳолбуки, амалиётда уларнинг хилма-хил қўшилиб кетиш ҳам учрайди, масалан харидорни сотувчи бир вақтнинг ўзида ҳам тарозидан, ҳам пулдан уради.

165-моддада назарда тутилган ҳуқуқбузарлик, гарчи истеъмолчига реал мулкий зиён етказилмаган бўлсада, алдамчи ҳаракатлар

содир этилган пайтдан бошлаб тугалланган деб топилади. Харидордан тарозидан ёки пулдан уриб қолишга уриниш юз берган, бироқ харидор сотувчининг алдашга ҳаракат қилаётганини фонитан ҳоллар тажовуз деб ҳисобланиши керак.

Харидорни (буюртмачини) алдаш жойи фақат юридик шахс бўлган савдо ёки хизмат курсатиш соҳаси корхоналаригина эмас, балки юридик шахс бўлмаган бошқа хужалик юритувчи субъектлар: купчилик дукон ва ресторанлар, дукончалар, ошхона, буфет, ателье, устахона ва шу кабилар ҳам бўлиши мумкин.

Харидор ва буюртмачиларни алдашнинг субъектив томони тўғридан-тўғри қасд қилиш шаклидаги айб билан ифодаланади. Истеъмолчидан, билмасдан ўлчовдан, тарозидан, пулдан уриб қолиш 165-модда буйича жавобгарликка сабаб бўла олмайди. Бундай ҳолларда савдо ёки хизмат курсатиш соҳаси ходими интизомий жавобгарликка тортилиши мумкин.

МЖКнинг 165-моддасида ушбу ҳуқуқбузарлик субъекти курсатилмаган. Шубҳасиз, бундай субъект сотувчи ёки вазифаси хизмат курсатиш ёки ишлар бажаришдан иборат бўлган шахслар (официант, ошпаз, кассир, сартарошлар, маиший техникани таъмирлаш усталари ва бошқалар) бўлади. Куриб чиқиляётган ҳуқуқбузарлик субъектлари товарларни сотиш, ишларни бажариш, хизмат курсатиш, истеъмолчилар билан ҳисоб-китоб қилиш ҳуқуқига эга бўлмаган, бироқ бундай ҳаракатларни маъмурият ёки бошқа ходимлар топшириғи билан қилган савдо корхоналари ва хизмат курсатиш соҳаси ходимлари (фаррошлар, дукон ишчилари ва ш.к.) бўлиши мумкин. Савдо ёки хизмат курсатиш соҳаси корхонаси билан меҳнат муносабатларида бўлмаган, лекин истеъмолчиларга хизмат курсатишга вақтинча йўл қўйилган шахслар (эр ёки хотин, болалар, қариндошлар, танишлар) МЖК 165-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни қилганлари тақдирда, улар ҳам ҳуқуқбузарлик субъекти бўладилар.

Айрим ҳолларда мансабдор шахс ҳам ҳуқуқбузарлик субъекти бўлиши мумкин. Масалан, дукон мудири қисқа вақт сотувчи ўрнида ишлайди, ресторан залининг мудири тиқилинч пайтда хурандаларга хизмат қилади. Бундай ҳолларда 165-моддада назарда тутилган белгилар мавжуд бўлса, бу шахслар маъмурий жавобгар бўладилар.

Мазкур субъектларнинг ҳаммасига қўлланиладиган санкция умумий бўлиб, унга энг кам иш ҳақининг икки бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солинади.

Харидор ёки буюртмачини энг кам иш ҳақининг ундан бир қисмидан бир бараваригача алдаш ЖК 187-моддасининг 1-қисми буйича жиноий жавобгарликка сабаб бўлади. Уша ҳаракатлар так-

роран ёки хавфли рецидивист томонидан анча миқдорда (ЖК 187-моддасининг 2-қисми), кўп миқдорда (ЖК 187-моддасининг 3-қисми) содир этилган бўлса, яна ҳам қаттиқроқ жазоланади.

Бозорларда савдо қилиш қондаларини бузиш МЖК 168-моддасига мувофиқ фуқароларга энг кам иш ҳақининг ундан бир қисми, мансабдор шахсларга эса - иккидан бир қисми миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Бозорларда савдо қилиш қондаларини жорий этиш Қорақалпоғистон Республикаси ва жойлардаги давлат ҳокимияти органларининг ҳуқуқ доирасига киради. Бозорларнинг асосий вазифаси аҳолининг қишлоқ хўжалик маҳсулотига бўлган эҳтиёжларини қондиришдан иборат. Фуқаролар озиқ-овқат маҳсулотларининг кўпчилигини бозордан сотиб олади. Лекин, у ерда мулкчиликнинг турли шаклларига мансуб корхоналар, шунингдек хусусий тадбиркорлар ҳам ишлаб чиқарадиган халқ истеъмоли товарлари ҳам сотилади. Бозорда савдо қилувчи ҳамма фуқаро ва ташкилотлар уқорида эслатиб ўтилган Қондаларга рноя қилишлари шарт.

Бозорларда, хусусан, қуйидаги ҳаракатларни қилишга рухсат берилмайди: касса патталарини ёки бир марта олинадиган йиғинми тулаганлик ёки хизматлар учун ҳақ тулаганлик туғрисидаги патталарни бозорда савдо қилаётган бошқа шахсларга бериш; савдо қилувчиларининг шахсий санитария кийимларидан ва ўзларига қарашли тарози-ўлчов асбобларидан фойдаланиш; савдо-харид корхоналари ходимларидан бошқа бозор ходимларининг ўзга ташкилотларга, деҳқон хўжаликлари ва фуқароларга қарашли қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотишлари; озиқ-овқат маҳсулотларининг яроқчилигини текширмасдан ва тегишли маълумотномасиз, шунингдек санитария-ветеринария қондаларини бузган ҳолда сотиш; сабзавот экишлари ва гулларнинг уруғларини уруғ текширувчи лабораториянинг ҳулосаси бўлмай туриб сотиш; аҳолининг герметик ёпилган консерваланган маҳсулотларни, гушт ва балиқ масаллиқларини, кремли қандолат маҳсулотларини, зарарли ёввойи ўтларнинг уруғлари аралашган дон ва крупа маҳсулотларини, доривор усимликларни, дала гулларини, қайта ишланган қузиқоринлар ва улардан тайёрланган маҳсулотларни сотишлари; ун беш ёшга етмаган усмирларнинг товарлар сотишлари.

Ана шу тақиқлашларни бузиш МЖК 168-моддаси бўйича жавобгарликка сабаб бўлади. Ўз фаолиятини бозор ҳудудида олиб бораётган савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарига савдо ва хизмат кўрсатишнинг умумий қондалари тааллуқли бўлади. Бу қондалар бузилган тақдирда айбдор шахслар МЖК 164, 165-моддалари бўйича ёки ЖКнинг тегишли моддалари бўйича жавобгарликка тортиладилар.

Бозорларда савдо қилиш қоидаларини бузиш фаол ҳаракатда ҳам, ҳаракатсизликда ҳам ифодаланиши мумкин, бозорларда товар ва маҳсулотни қонунсиз сотиш фақат тегишли ҳаракатлар йўли билан қилинади. Бозорларда санитария ва ветеринария қоидаларини бузиш эса ҳаракат тарзида ҳам, ҳаракатсизлик тарзида ҳам бўлиши мумкин.

Кўриб чиқилаётган ҳуқуқбузарликнинг субъектив томони қасддан қилиш шаклида ҳам, эҳтиётсизлик шаклида ҳам ифодаланиши мумкин. Масалан, бозорларда санитария қоидалари эҳтиётсизлик туфайли бузилиши мумкин.

Бозорларда савдо қилиш қоидаларини бузиш субъектлари:

- а) бозорларда савдо қилувчи фуқаролар;
- б) бозорларнинг ва бозорларда савдо қилаётган ташкилотларнинг мансабдор шахслари;
- в) бозорларнинг ва уларда савдо қилаётган ташкилотларнинг бошқа ходимлари бўлиши мумкин.

Мазкур мансабдор шахслар, биринчидан, узларининг ҳаракатлари ёки ҳаракатсизликлари билан бозорларда савдо қилиш қоидаларини бузганларида; иккинчидан, ушбу қоидаларга зид курсатмалар берганларида; учинчидан, узларига буйсунувчи шахслар мазкур қоидаларга риоя этишларини таъминлаш чораларини қурмаганликлари учун 168-модда буйича жавобгар бўладилар, чунки бозор дирекцияси савдо қилувчилар бозорларда савдо қилиш қоидаларига ва санитария қоидаларига риоя этишларини назорат қилишлари шарт.

“Ёнилғи-мойлаш материалларини қабул қилиш, ҳисобга олиш, сақлаш, бериш, олиш қоидаларини бузиш” деб аталадиган 172-модда ушбу ҳуқуқбузарлик учун санкция сифатида фуқароларга энг кам иш ҳақининг икки бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса - беш бараваридан ун бараваригача миқдорда жарима солишни назарда тутди.

Мазкур қоидаларни бузиш корхона, муассаса ва ташкилотларнинг нормал хужалик фаолиятини издан чиқаради, ёнилғи-мойлаш материаллари унумсиз сарфланишига, улардан ноурин фойдаланилишига, қонунсиз сотиш (бериш)га, узлаштириб юбориш ва уларнинг сифати бузилишига олиб келади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 9 мартдаги “Ёқилғи-энергетика ресурсларидан фойдаланиш қоидаларини бузганлиги учун иқтисодий жазоларни қўллаш туғрисида”ги қарори “Ёқилғи-мойлаш материалларини сотишни тартибга солиш туғрисида”ги 1994 йил 6 майдаги қарори каби меъёрий хужжатларда, “Ўзбекнефтгаз” Миллий корпорацияси ишлаб чиқадиган йуриқномаларда тегишли вазифа ва тақққлашлар ёзиб қўйилган.

МЖК 172-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик объекти ёнилғи-мойлаш материалларини қабул қилиб олиш, ҳисобга олиш, сақлаш, бериш, сотиб олиш бўйича белгиланган тартибдан иборатдир.

Турли марқадаги бензин, керосин, дизель ёнилғиси, трансмиссия мойлари, мойлаш ёғлари, ҳар хил қадоқланган нефть маҳсулотлари, консистент суркамалар, тормоз суюқлиги ва бошқалар ҳуқуқбузарлик нарсаси бўлади.

Ҳуқуқбузарликни 172-модда бўйича баҳолаш учун ушбу модданинг диспозициясида санаб утилган ҳаракатлардан ҳеч бўлмаганда биттасини қилиш kifоя.

Нефть маҳсулотларини истеъмолчиларга нефть омборларидан автоцистерналарга, ёнилғи қуйиш агрегатларига ва техникавий хизмат курсатиш агрегатларига қуйиб бериш фақат тақсимлаш жойлари ёки ёнилғи ва мой тақсимлаш агрегатлари орқали амалга оширилиши белгилаб қуйилган. Берилган нефть маҳсулотларининг миқдори нефть маҳсулотлари беришни ҳисобга олиш қайдномасига ёзиб қўйилади, унга олинган нефть маҳсулотлари учун ҳайдовчи имзо чекади, йўл варақасига эса нефть маҳсулотларини берган моддий жавобгар шахс имзо чекади.

Нефть маҳсулотларини нефть омборларидан қонунсиз равишда сотиш; нефть маҳсулотларини ишлаб чиқариш чиқимларига, табиий камайиш ҳисобига асоссиз ўчириб юбориш; нефть маҳсулотларини белгилаб қўйилган лимитлар, фондлар ва тақсимлаш режаларидан ортиқча сотиш; нефть маҳсулотларини етказиб берувчи ва сотувчи корхона ва ташкилотларнинг, шунингдек нефть маҳсулотларини ишлатувчиларнинг нефть маҳсулотлари сифатини бузиши; нефть маҳсулотларини етказиб берувчилардан шломбасиз ёки шломбаси бузилган вагон-цистерналарда қабул қилиб олиш ва ташиш; нефть маҳсулотларини етказиб берадиган корхона ва ташкилотларнинг автоцистерналарни шломбаламасдан нефть маҳсулотларини етказиб бериши ва сотиши; корхоналар ва ташкилотларнинг нефть маҳсулотларини қабул қилиб олиш, сақлаш ва бериш чоғида технология тартибларига риоя этмаслиги тақиқланади.

Ёнилғи-мойлаш материалларини қабул қилиб олиш, ҳисобга олиш, сақлаш, бериш, сотиб олишнинг автомобилларга ёнилғи қуйиш тармоқларининг ишлаш қоидаларида белгилаб қўйилган тартиби қуйидагиларни назарда тутлади:

Ҳар бир АЁҚТда Қоидаларда назарда тутилган ҳужжатлар, хусусан, резервуарларнинг паспортлари ва даражалаш жадваллари; нефть маҳсулотлари талонларини ҳисобга олиш ва нефть маҳсулотларини талонга бериш (давлат транспортга хизмат курсатувчи АЁҚТда) тартиби туғрисида йуриқнома; нефть маҳсулотларининг ҳамма турлари учун талонларнинг намуналари (давлат транспортга

хизмат курсатувчи АЁҚТда); патталар, сервис дафтарчаларининг намуналари (чет эллик транспорт воситаларининг эгаларига хизмат курсатувчи АЁҚТда); нефт маҳсулотлари чакана нархларининг прејскурантлари (нақд пулга нефт маҳсулотлари сотадиган АЁҚТда); смена ҳисоботи; қadoқланган нефт маҳсулотлари, автомобиллар эҳтиёт қисмларининг сотилишини ҳисобга олиш дафтари; ягона талонларга ва нақд пулга нефт маҳсулотлари сотиш аппаратлари билан ишлаш бўйича АЁҚТ операторлари учун йуриқнома (бундай аппаратларга эга булган АЁҚТда); нефт маҳсулотларини кредит карталари бўйича сотиш ва улар ҳақини тулаш тартиби тўғрисида йуриқнома (нефт маҳсулотларини кредит карталари бўйича сотадиган АЁҚТда); келтирилган нефт маҳсулотларини ҳисобга олиш дафтари; улчов асбобларини текшириш графиги бўлиши керак.

АЁҚТларда давлат юк автомобилларига, автобуслар, маршрут автомобиллари, такси ва бошқа транспорт воситаларига ёнилғи-мойлаш материаллари қуйиш белгиланган нусхадаги талонлар ва уларда курсатилган амал қилиш муддати мобайнида амалга оширилиши белгилаб қуйилган. Шахсий транспортга хизмат курсатиш учун алоҳида АЁҚТлар тайинланган бўлиб, уларда нефт маҳсулотлари нақд пулга берилади.

Нефт маҳсулотларини нақд пулга сотадиган АЁҚТда уларни талонларга бериш тақиқланган, нефт маҳсулотларини талонларга берадиган АЁҚТларда эса талонлар ва нефт маҳсулотларини, майда идишларга қadoқланганларидан ташқари, нақд пулга сотишга рухсат этилмайди.

Мулкчиликнинг ҳамма шаклига мансуб корхоналарнинг нефт маҳсулотларини четта - ташкилотларга ҳам, хусусий шахсларга ҳам сотишини, шунингдек бензин ва бошқа ёнилғи-мойлаш материалларини бошқа товар-моддий бойликларга алмашишини ҳам қонунсиз деб ҳисоблаш керак.

Кўриб чиқилаётган ҳуқуқбузарлик субъектларини икки гуруҳга бўлиш мумкин: а) ёнилғи-мойлаш материалларини қабул қилиш, ҳисобга олиб бориш, сақлаш ва бериш қоидаларини бузувчи шахслар; б) бу материалларни қонунсиз равишда сотиб олувчи шахслар.

Биринчи гуруҳга нефт базалари ва АЁҚТларнинг мансабдор шахслари ва ўзга моддий жавобгар ходимлари мансуб бўлиб, улар зиммасига тегишли қоидаларга риоя этилиши учун жавобгарлик юклатилган (булар АЁҚТларнинг бошлиқлари, усталари, операторлари ва ёнилғи қуядиган машиналарнинг ҳайдовчиларидир). Шу гуруҳга бензинни хусусий шахсларга сотаётган давлат транспорт воситаларининг ҳайдовчиларини ҳам киритиш мумкин.

Иккинчи гуруҳни мазкур материалларни қонунсиз равишда сотиб оладиган ҳар қандай шахслар - хусусий фуқаролар ҳам,

мулкчиликнинг ҳамма шакллариغا мансуб корхоналарга қарашли транспорт воситаларининг ҳайдовчилари ҳам ташкил этади.

Тадбиркорлик соҳасидаги маъмурий ҳуқуқбузарликлар. Бу соҳада давлат солиқ органлари фақат “Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш тартибини бузиш” деб аталадиган 176-модданинг 1-қисмига доир ишларни куришга вакил қилинган.

Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш тартиби Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 15 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик тўғрисида”ги Қонуни билан, Ўзбекистон Президентининг 1995 йил 5 январдаги “Хусусий тадбиркорликда ташаббус курсатиш ва уни рағбатлантириш тўғрисида”ги Фармони, 1995 йил 14 февралда тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида хусусий тадбиркорлик тўғрисидаги Низом, айрим бошқа норматив ҳужжатлар билан белгиланади.

Қонун тадбиркорларнинг иқтисодий ва юридик мустақиллигини кафолатлаб, уларнинг ҳуқуқларини белгилабгина қолмасдан, жавобгарликни ҳам жорий этади.

Тадбиркорлик ташкилотлари (фирмалар) ҳамда қонун рухсат этган тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истагини билдирган жисмоний шахслар туман, шаҳар, шаҳарлардаги туман ҳокимиятларида давлат руйхатидан утишлари керак. Бунда ўз фаолиятини юридик шахс ташкил этмасдан амалга оширмақчи бўлган хусусий тадбиркорга руйхатга олинганлик ҳақида гувоҳнома берилиб, унда асосий ва бошқа фаолият турлари курсатилади. Жисмоний шахслар, шу жумладан тула хужалик ширкати қатнашчилари, тадбиркорни руйхатга олиш тўғрисидаги гувоҳномада курсатилган фаолият турларинигина амалга оширишлари мумкин, холос. Акс ҳолда тадбиркор 176-модданинг 1-моддаси буйича маъмурий жавобгарликка тортилиши мумкин.

Давлат хизматчиларининг айрим тоифалари учун тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишда ҳуқуқни чеклашлар мавжуд. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 6 мартдаги “Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш тақиқланган мансабдор шахслар руйхати тўғрисида”ги қарорига мувофиқ бундай шахслар жумласига қуйидагилар киради: давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг, ҳуқуқли муҳофаза қилувчи органларнинг ходимлари, давлат банкларининг раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарлари, хизмат юзасидан пул белгилари ва пул (банк) ҳужжатларига бевосита алоқаси бўлган мансабдор шахслар; банк ҳужжатларини имзолаш ҳуқуқига эга бўлган давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарлари; давлат таъминот ва сотиш ташкилотларининг раҳбарлари; тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш

ёки бундай фаолиятни назорат қилиш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилиш вазифаси доирасига кирадиган давлат органларининг раҳбар ходимлари ва мутахассислари; чакана, улгуржи-чакана савдо, умумий овқатланиш давлат бирлашмалари ва корхоналари, трестларнинг раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарлари, бош мутахассислари, таркибий бўлинмаларнинг бошлиқлари, моддий жавобгар шахслар.

Борди-ю, санаб курсатилган шахслардан биронтаси эгаллаб турган лавозимини яшириб ёки рўйхатга олувчи органни шу лавозимидан хабардор қилмасдан бир вақтнинг ўзида тadbиркорлик фаолиятини амалга оширса, уни МЖК 176-моддаси 1-қисми бўйича жавобгарликка тортиш учун асос бўлади.

Хусусий тadbиркор ишлаб чиқарадиган буюмлар мажбурий равишда маркировка қилиниб, фирма белгиси ёки ишлаб чиқарувчининг фамилияси, буюм номи ёки рамзи, буюмни таърифлайдиган бошқа маълумотлар курсатилиши шарт. Бу талабни бажармаслик ҳам тadbиркорлик фаолияти билан шуғулланиш тартибини бузиш бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсатининг 1994 йил 18 апрелдаги қарори билан мулкчиликнинг ҳамма шаклларидаги корхоналар (ташкилотлар), шу жумладан чет эл корхоналари ва қўшма корхоналар фақат махсус рухсатномалар (лицензиялар) асосидагина шуғулланишга ҳақли булган фаолият турларининг рўйхати янги таҳрирда тасдиқланди. Лицензия беш йил муддатта берилади. Арз этувчининг асослантирилган илтимосига қўра лицензиянинг амал қилиши яна шунча муддатта узайтирилиши мумкин.

Лицензия, шунингдек хусусий тadbиркорни рўйхатга олиш ҳақидаги гувоҳнома муддати тамом булганидан кейин ҳам фаолиятни давом эттиришни МЖК 176-моддаси 1-қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик деб қарашга йўл қўйилади. Лицензия олиш учун тақдим этилган материалларда ҳақиқатга туғри келмайдиган маълумотлар булганлиги аниқланган ҳолларда ҳам мазкур ҳуқуқбузарлик юз беради.

Қўрилаётган ҳуқуқбузарлик субъектлари тadbиркорлик ташкилотларининг мансабдор шахслари, шунингдек яқка тартибдаги фаолият билан шуғулланадиган жисмоний шахслар булиши мумкин. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ҳам, чет эллик фуқаролар ҳам, шунингдек фуқаролиги булмаган шахслар ана шундай субъектлар бўладилар.

Тadbиркорлик фаолияти билан шуғулланишнинг белгиланган тартибини бузиш фуқароларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса - беш бараваридан етти бараваригача жарима солишга сабаб бўлади.

Ушбу ҳуқуқбузарликнинг хусусий ҳолати рўйхатдан ўтишдан бош тортган ҳолда савдо ёки воситачилик фаолиятини амалга оширишдан иборат бўлиб, бунинг учун жавобгарлик МЖК 176-моддаси 2-қисмида белгилаб қўйилган. Бундай ишларни давлат солиқ органлари эмас, балки маъмурий ишлар бўйича судьялар куриб чиқадилар.

Давлат солиқ органлари куриб чиқадиган ҳуқуқбузарликларга доир ишлар бўйича маъмурий жавобгарлик ана шулардан иборат. У жисмоний шахс бўлган ҳуқуқбузарларга нисбатан МЖК тегишли моддалари билан жорий этилган санкцияларни қўлландан иборат.

Солиқ тўғрисидаги қонун соҳаларида маъмурий ҳуқуқбузарликларга давлат солиқ органларининг қонуний талабларини бажармаслик ҳам киради. 1985 йилги Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги кодексда ушбу масалага махсус 176-модда бағишланган эди. Ҳозир амалда бўлган МЖКда бундай модда йўқ. Лекин бундай ҳуқуқбузарликни содир этишда айбдор бўлган шахслар жазосиз қолмасликлари керак. Улар МЖКнинг 198-моддаси бўйича жавобгар бўладилар. Бу моддада давлат солиқ органлари мансабдор шахсларининг қонуний талабларини бажармаганлик ёки хизмат вазифаларини бажаришига тўсқинлик қилганлик учун фуқароларга энг кам иш ҳақининг иккидан бир қисмидан бир бараваригача, мансабдор шахсларга эса - бир бараваридан икки бараваригача миқдорда жарима солиш назарда тутилган.

Худди шундай ҳуқуқбузарликни маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин содир этганлик фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса - уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Мазкур мансабдор шахслар маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар бошқа органлар (мансабдор шахслар) ихтиёрида бўладиган бошқа ҳолларда ҳам аниқланган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисида баённомалар тузишга ҳақли ва тузишлари шарт.

Бу уринда МЖК 280-моддасининг умумий қонидаси қўлланилиши керак. Бу моддага мувофиқ маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомани бузилиши маъмурий жавобгарликни келтириб чиқарадиган қондаларга риоя этилишини текшириш ва назорат қилиш қонун ҳужжати билан зиммасига юклатилган тегишли органнинг ваколатли мансабдор шахси тузади. Масалан, савдо ва хизмат курсатиш соҳаси корхоналарининг фаолиятини комплекс текширишларни уйғунлаштириш тўғрисидаги Низомга мувофиқ давлат солиқ органлари чет эл валютасидаги операцияларнинг қонунийлигини, товарларнинг сифат сертификатлари

ҳамда сотилаётган товарлар ҳамда кўрсатилаётган хизматларнинг келиб чиқишига доир ҳужжатларнинг мавжудлигини текширадилар. Бинобарин, давлат солиқ органларининг мансабдор шахсларига МЖК 171-моддасида (валюта операцияларини амалга ошириш тартибини бузиш) ва 166-моддасида (молларни уларнинг сифатини ва ишлаб чиқариш маркасини тасдиқлайдиган ҳужжатларсиз сотиш) назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар туғрисида баённомалар тузиш ваколати берилган.

Бундан ташқари, шахслар 164-модданинг 2-қисмида (ёнилғи-мойлаш материаллари билан, дори-дармон воситалари ёки тиббий буюмлар билан қўлда савдо қилиш ёхуд шаҳарларда белгиланмаган жойларда қўлда савдо қилиш), 166-моддасида (молларни уларнинг сифатини ва ишлаб чиқариш маркасини тасдиқлайдиган ҳужжатларсиз сотиш), 170-моддасида (валюта бойликларини қонунга хилоф равишда олиш ёки ўтказиш), 176-модданинг 2-қисмида (савдо ёки воситачилик фаолиятини рўйхатдан ўтказишдан бўйин товлаган ҳолда амалга ошириш), 198-моддасида (ҳокимият вакилининг қонуний талабларини бажармаслик ёки хизмат вазифаларини бажаришга тўсқинлик қилиш) назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликларни содир этганларида давлат солиқ органларининг мансабдор шахслари уларни маъмурий ўшлаб туришни қўллашлари мумкин.

Давлат солиқ органларининг мансабдор шахслари МЖК XXXI моддасининг қоидаларига мувофиқ маъмурий ҳуқуқбузарликларга доир ишларнинг юритилишини таъминлайдиган бошқа чораларни (шахсий тинтув ва ашёларни тинтиш, ашёлар ва ҳужжатларни олиб қўйиш) ҳам қўллашга ҳақлидирлар.

Шу билан бирга амалдаги қонун ҳужжатлари МЖК буйича маъмурий жазо чораларидан ташқари, солиқ туғрисидаги қонунларни бузганлик учун молиявий жазолар ва бошқа маъмурий мажбурлов чораларини ҳам қўллашни назарда тутати.

Молиявий жазоларнинг хусусияти шундаки, улар: а) суддан ташқари тартибда; б) фақат фуқароларга эмас, балки кўпроқ юридик шахсларга; в) маъмурий жазолар билан бир қаторда қўлланилади. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг давлат солиқ органлари туғрисидаги Низомнинг 7-банди, “а” кичик бандга мувофиқ барча поғонадаги солиқ органларининг бошлиқлари ва бошлиқ ўринбосарлари корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва фуқароларга нисбатан:

а) яширилган (камайтириб кўрсатилган) фойда (даромад)нинг бутун суммасини ёки бошқа яширилган (ҳисобга олинмаган) солиқ солиш объекти учун солиқ суммаси ва ўшанча суммада миқдордаги жаримани, бир йил давомида ҳуқуқбузарлик такрор

содир этилган тақдирда эса - яширилган (камайтириб курсатилган) фойда (даромад) суммасининг ҳаммасини ёки бошқа яширилган (ҳисобга олинмаган) солиқ солиш объекти учун солиқ суммаси ва икки барабар жаримани ундириш;

б) фойда (даромад) ҳисобга олинмаганлиги, булар белгиланган тартибни бузган ҳолда ҳисобга олиб борилганлиги, бузиб курсатилганлиги, шунингдек солиқ декларациялари, ҳисоботлар, ҳисоб-китоблар ва солиқларни ҳамда бюджетга ва бюджетдан ташқари фойзаларга бошқа мажбурий туловларни ҳисоблаш ва тулаш учун зарур бўлган ўзга ҳужжатлар тақдим этилмаганлиги, ўз вақтида тақдим этилмаганлиги ёки белгиланмаган шаклда тақдим этилганлиги учун корхона тулаши керак бўлган солиқлар ва бошқа мажбурий туловлар суммасидан 10% ундириш тарзида молиявий жазолар қўллаш ҳуқуқига эга.

Маъмурий мажбурловнинг бошқа чораларни жумласига солиқлар тўғрисидаги қонунлар бузилган тақдирда айрим фаолият турлари билан шуғулланиш ҳуқуқини берадиган лицензияни бекор қилишни киритиш мумкин. Лицензияни уни берган орган бекор қилади.

Юқорида санаб ўтилган молиявий жазоларни ва бошқа маъмурий мажбурлов чораларини маъмурий жавобгарлик чоралари деб ҳисоблаш мумкин, бироқ улар МЖК нормаларига мувофиқ қўлланиладиган маъмурий жазолардан фарқ қилади.

§4. Солиқлар тўғрисидаги қонушларни бузганлик учун жиноий жавобгарлик

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси (ЖПК) 38-моддаси 8-бандига мувофиқ давлат солиқ хизмати органлари солиққа доир қонун ҳужжатларини бузганлик билан боғлиқ ишлар бўйича суриштирув органлари ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг Давлат солиқ қўмитаси тўғрисидаги Низомда ҳам (7-банднинг “г” кичик банди) солиқ органларининг ваколатларига киритилган ҳуқуқбузарликлар юзасидан суриштирув олиб бориш ушбу органнинг бош вазифалари жумласига киритилган.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексида солиқлар тўғрисидаги қонунларни бузганлик учун жавобгарлик назарда тутилган битта модда бор. Бу “Солиқ ва бошқа туловларни тулашдан бўйин товлаш” деган 184-моддадир.

Ушбу модданинг биринчи қисмига мувофиқ, фойда (даромад) ёки солиқ туланадиган бошқа объектларни қасдан яшириш, камайтириб курсатиш, шунингдек давлат томонидан белгиланган солиқларни, йиғимларни, бож ёки боника туловларни тулашдан

қасддан буйин товлаш, башарти, туланмаган сумма анча миқдорни ташкил қилса, энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд мол-мулк мусодара қилиниб ёки мусодара қилинмай олти ойгача қамоқ билан жазоланади.

ЖКда анча миқдор деганда энг кам иш ҳақининг ун бараваридан уттиз бараваригача тушунилади. Борди-ю, бу сумма энг кам иш ҳақининг ун бараварига етмаса, у ҳолда айбдор МЖК 174-моддасининг 1-қисми буйича жавобгар булиши керак.

Агар 184-модданинг 1-қисмида назарда тutilган қилмишлар такроран ёки куп миқдорда содир этилган булса, энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан етмиш беш бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд мол-мулк мусодара қилиниб ёки мусодара қилинмай уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади (184-модданинг 2-қисми).

“Такроран” деган атама изоҳга муҳтож. ЖК 32-моддасига асосан 184-модданинг 1-қисмида айтиб утилган икки ёки бир неча жиноятни шахс турли вақтларда содир этган, аммо уларнинг бирортаси учун ҳам судланмаган булса, такроран жиноят содир этиш деб топилади. Угмишда солиқ солинадиган объектлар қасддан яширилганлиги, камайтириб курсатилганлиги ёки анча миқдордаги туловларни тулашдан бошқача тарзда буйин товланганлиги етарли даражада аниқланиши кифоя.

184-модданинг 2-қисмида айтилган анча миқдор энг кам иш ҳақининг уттиз бараваридан юз барваригача булган суммада ифодаланади.

Ниҳоят, худди шундай қилмишлар жуда куп миқдорда, яъни энг кам иш ҳақининг юз ва ундан куп баравари миқдорида содир этилган булса, энг кам ойлик иш ҳақининг етмиш беш бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима солишга ёки мол-мулк мусодара қилиниб ёки мусодара қилинмай уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилишга сабаб булади (184-модданинг 3-қисми).

Субъектив жиҳатдан ЖК 184-моддасида назарда тutilган қилмишлар фақат қасддан ва давлат белгилаган солиқ ва бошқа туловларни тулашдан буйин товлаш мақсадида содир этилган. Фойда (даромад) ёки солиқ солинадиган бошқа объектларни камайтириб курсатиш қасддан содир этилган булмаса, 184-модда буйича жиноят таркибини ташкил этмайди. Агар солиқ эҳтиётсизлик натижасида уз вақтида туланмаган булса, лекин солиқ солиш объектлари тегишли хужжатларда ишончли тарзда акс эттирилган булса, ушбу модда буйича жавобгарлик юз бермайди.

ЖК 184-моддасида назарда тutilган жиноятнинг субъектлари солиқ тулаши шарт булган ҳар қандай жисмоний шахслар - ху-

сусий фуқаролар, масъул ва бошқа мансабдор шахслар бўлиши мумкин.

Куриб чиқилаётган жиноятга ЖКнинг “Савдо ёки воситачилик фаолияти билан қонунга хилоф равишда шуғулланиш” деган 188-моддасида назарда тутилган қилмиш яқин туради. Ушбу моддага мувофиқ назорат қилинмайдиган фойда (даромад) олиш мақсадида белгиланган тартибда руйхатдан утишдан буйин товлаб, савдо ёки воситачилик фаолияти билан шуғулланиш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, уч йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд мол-мулк мусодара қилиниб, олти ойгача камоқ билан жазоланади (1-қисм).

Мазкур фаолият хавfli рецидивист томонидан, анча миқдорда, бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса, уч йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки мол-мулк мусодара қилиниб, уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазолашга сабаб бўлади (ЖК 188-моддасининг 2-қисми).

188-модданинг 2-қисмидаги хавfli рецидивист деганда илгари савдо ёки воситачилик фаолияти учун ҳукм қилинганидан кейин ҳам қасддан бундай фаолиятни амалга оширувчи шахсни тушунмоқ керак. Олдиндан тил бириктириш деганда жиноят содир қилиш ёки жинойий фаолият билан шуғулланиш тўғрисида шерик иштирокчиларнинг уларни амалга оширишдан олдин келишиб олиши тушунилади.

Агар қонунга хилоф савдо ёки воситачилик фаолияти анча миқдорда, уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, 188-модданинг 3-қисми қўлланилиши керак. Бу қисмнинг санкциясида мол-мулкни мусодара қилиб, уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум этиш назарда тутилади.

VIII БОБ

СОЛИҚ ИДОРАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

§1. Солиқ ва божхона идоралари тизими

Мустақил давлат иқтисодиётинини амал қилиши ва ривожланишининг янги шарт-шароитлари, бозорга утилиши солиққа тортишининг мутлақо янги тизимини талаб қилди, бу эса ўз навбатида, бундай тизимнинг бирмунча оптимал режимда амал қилишини таъминлайдиган механизмнинг янги тузилмасини тақозо этди.

Республикада ҳозирда амал қиладиган солиқ ва божхона идоралари тизими ўзининг муайян тарихига эга.

Солиқ идоралари собиқ СССРда 60-йилларда ҳам мавжуд эди ва уларнинг тузилмаси, табиийки, Ўзбекистон ҳудудида ҳам амал қиларди. Кейинчалик улар фаолияти тухтатиб қуйилди ва фақат 1990 йил 12 майда қабул қилинган “Давлат солиқ инспекцияларининг ҳуқуқлари, вазифалари ва масъулияти тўғрисида”ги СССР Қонунига мувофиқ 1990 йилнинг 1 июлидан бошлаб қайта тикланди. Бироқ бу тузилмалар молия органлари тизимида амал қилар эди.

Республикада улар фаолияти 1990 йилнинг охирида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги қошида Давлат молия-солиқ Бош бошқармасини ташкил қилиш тўғрисида”-ги қарори (1990 йил 17 декабрдаги 383-сонли) қабул қилинганидан сунг фаоллаша бошлади. Республика Олий Кенгаши 1991 йил 14 июнда “Ўзбекистон Республикасининг давлат солиқ идоралари тўғрисидаги Низом”ни тасдиқлаганидан сунг ва шу қарорга мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси 1991 йил 12 августда “Ўзбекистон Республикасининг давлат солиқ идоралари тўғрисида”ги 217-сонли қарорни қабул қилганидан кейин давлат назорати ва бошқарувининг мустақил тузилмаси сифатидаги солиқ идораларининг шаклланиши ва фаолият курсатишига асос солинди. Ана шу сана 1991 йилнинг 12 августи солиқ идоралари тизимида республиканинг мустақил давлат хизматининг вужудга келган куни сифатида белгиланган.

Вазирлар Маҳкамасининг курсатиб утилган қарорига биноан солиқ қонунларига риоя қилиниши, солиқлар ва бошқа мажбурий туловларнинг тулиқ, тугри ва уз вақтида утказилиши устидан назоратни такомиллаштириш, вазирликлар ва идораларнинг солиқ мажбуриятларини бажариш борасидаги масъулиятини кучайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги қошидаги Давлат молия-солиқ Бош бошқармаси, Ўзбекистон Республикаси Халқ назорати қўмитасининг хизматлари ва тузилмавий бўлинмалари ва Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг социалистик мулкни талон-тарож қилишларга қарши кураш бошқармаси негизда тегишли минтақавий, туманлар, шаҳарлар ва шаҳарлардаги туманлардаги тузилмаларга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат солиқ Бош бошқармаси ташкил қилинди.

Республика давлат бошқарувининг ушбу тузилмаси 1994 йилгача, Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли Фармонига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат солиқ Бош бошқармаси Ўзбекистон Республикасининг Давлат солиқ қўмитасига айлантирилгунгача фаолият курсатди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 18 январдаги “Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат солиқ Бош бошқармасини Ўзбекистон Республикасининг Давлат солиқ қўмитасига айлантириш тўғрисида”ги Фармонига мувофиқ қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 4 мартдаги “Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасини ташкил этиш ва унинг фаолияти масалалари тўғрисида”ги 114-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасининг Давлат солиқ қўмитаси тўғрисидаги Низом”да Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг мақоми, асосий вазифалари, функциялари, ваколатлари ва ташкилий асослари белгилаб берилган.

Вазирлар Маҳкамасининг ушбу қарориди “Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси солиқ ва бож сиёсатини амалга оширишни, шунингдек давлатнинг иқтисодий манфаатларини ва мулкний ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминловчи давлат назорати органи ҳисобланади”, деб белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг узига берилган ваколатлар доирасида қабул қилган қарорларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги барча вазирликлар, идоралар, маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органлари, мулкчилик шаклидан ва улар кимга буйсунишидан қатъи назар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, шунингдек фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурийдир.

Низомга мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг Давлат солиқ қўмитаси солиқ ва боғжона қонунларига риоя қилиш, давлатнинг иқтисодий ва мулкӣ ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат назоратининг марказий органи ҳисобланади, унинг тасарруфидаги Бош боғжона бошқармаси, Қорақалпоғистон Республикасининг Давлат солиқ бош бошқармаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармалари, туманлар, шаҳарлар ва шаҳарлардаги туманлар давлат солиқ инспекциялари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар боғжона хизматлари, боғжона постлари Ўзбекистон Республикаси солиқ ва боғжона идораларининг ягона тизимини ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Ўзбекистон Республикаси қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, халқаро ҳуқуқ меъёрларига, Ўзбекистон Республикасининг бошқа давлатлар билан битимлари ва шартномаларига, Ўзбекистон Республикасининг Давлат солиқ қўмитаси туғрисидаги Низомга амал қилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 4 мартдаги “Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасини ташкил этиш ва унинг фаолияти масалалари туғрисида”ги 114-сонли қарорига биноан шунингдек республика солиқ ва боғжона хизматлари тизимини бошқариш схемаси, Давлат солиқ қўмитаси марказий идораси, унинг Бош боғжона бошқармасининг тузилиши, ҳудудий солиқ бошқармалари ва боғжона хизматларининг намунавий тузилмаси, республика туманлари ва шаҳарларидаги солиқ инспекцияларининг намунавий тузилмаси ҳам тасдиқланди.

Республика солиқ тизимининг марказий идораси сифатидаги Давлат солиқ қўмитасига юкланган асосий вазифаларга мувофиқ равишда қуйидагилар унинг функциясига киради:

- солиқ идоралари ва боғжона хизматларининг бюджетга тушиши лозим бўлган солиқлар ва бошқа мажбурий туловларнинг келиб тушишини таъминлашга доир ишнни ташкил этиш;

- тасарруфидаги солиқ ва боғжона идораларининг ўз муддатида туланмаган солиқлар ва бошқа мажбурий туловларни ундириш борасидаги фаолиятини назорат қилиш;

- фойданинг (даромаднинг) ёки бошқа солиққа тортиш объектларининг қасддан яширилишини аниқлаш, солиқ ва боғжона қонунларини бузганликда айбдор бўлган шахсларни маъмурий ва жиноий жавобгарликка жалб қилиш мақсадида вилоятлардаги махсус тафтиш-назорат бўлинмалари ишнни ташкил этиш ва йўналтириш;

- давлат солиқ ва божхона идораларининг моддий-техника таъминотини амалга ошириш, уларга материаллар ва ускуналар учун ажратилган фондларнинг ижросини, уларнинг туғри сақланиши ва фойдаланишини назорат қилиш, ортиқча ва фойдаланилмаган материаллар ва маблағларнинг қайта тақсимланиши юзасидан чора-тадбирлар қабул қилиш;

- махсус солиқ ва божхона идораларини ривожлантириш ва моддий ёрдам жамғармаларининг туғри шакллантирилиши, тақсимланиши ва фойдаланилиши устидан назорат юритиш;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат солиқ ва божхона идораларининг кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш, тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга доир ишини ташкил қилиш;

- солиқ ва божхона идоралари ходимлари лавозимларининг малакага оид тавсифномаларини ишлаб чиқиш, раҳбарлар ва мутахассисларни аттестациядан ўтказишга, уларга белгиланган тартибда махсус шахсий унвонларни беришга доир ишларни ташкил этиш;

- солиқ идоралари ва божхона хизматларини, солиқ туловчиларни зарур йуриқномавий-усулий, меъёрий ҳужжатлар, босма иш қоғозлари билан таъминлаш ва ҳоказо.

Вилоят давлат солиқ бошқармаси солиқ қонунларига риоя қилинишини таъминлаш, давлатнинг иқтисодий ва мулкӣ ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат назоратининг худудий органи ҳисобланади.

Вилоят давлат солиқ бошқармаси Ўзбекистон Республикасининг Давлат солиқ қўмитаси туғрисидаги Низомнинг бажарилишини таъминлашда маҳаллий божхона идоралари билан баҳамжиҳат ҳаракат қилинишини амалга оширади.

Туманлардаги, шаҳарлардаги ва шаҳарлар туманларидаги давлат солиқ инспекциялари давлат солиқ бошқармаси тасарруфида бўлган ва у билан биргаликда солиқ идораларининг бир ягона тизимини ташкил этадиган идоралар ҳисобланади.

Давлат солиқ бошқармаси узининг фаолияти туғрисида фақат Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси олдида жавоб беради. Солиқ инспекцияси эса узининг бевосита раҳбари бўлган Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармалари олдида жавоб беради.

Давлат солиқ бошқармасининг тугатилиши ёки қайта ташкил қилиниши Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан, солиқ инспекциясининг тугатилиши ёки қайта ташкил қилиниши эса республика қонунларида белгиланган тар-

тибда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг қарорига биноан амалга оширилади.

Солиқ инспекцияси “ Ўзбекистон Республикасининг Давлат солиқ қўмитаси туғрисидаги Низом”га амал қилган ҳолда ушбу Низомнинг унинг ваколатларига тегишли талабларини тулиқ ҳажмда амалга оширади.

Туман (шаҳар) солиқ инспекцияси идорасининг тузилиши ва ходимлар сони Қорақалпоғистон Республикасининг Давлат солиқ бош қармаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат солиқ бош қармалари томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси белгилаган иш ҳақи фонди ва ходимлар сони доирасида тасдиқланади.

Бош қарувнинг тузилиши ҳар қандай тизимнинг самарали фаолият кўрсатишида муҳим аҳамият касб этади.

Бош қарувнинг ташкилий тузилиши деганда тизимнинг айна пайтда таркиб топган ва бош қарув мақсадларига мувофиқ келадиган бўғинлилиги, тизимнинг органлари уртасидаги алоқаларнинг шакллари тушунилади.

Республика солиқ идораларининг тузилиши бу уч даражали иерархия бўлиб, у марказий идорани (Давлат солиқ қўмитаси), вилоятлар, шу жумладан Қорақалпоғистон Республикаси солиқ бош қармаларини ва туманлар ҳамда шаҳарлардаги маҳаллий солиқ инспекцияларини ўз ичига олади. 1994 йилдан бери Давлат солиқ қўмитаси таркибига қирадиган Ўзбекистоннинг божхона хизмати ҳам ана шундай тамойиллар негизда қурилгандир.¹

Давлат бош қаруви органининг ташкилий тузилиши (ички тузилмаси) деганда эса унинг ҳуқуқий ва ташкилий жиҳатдан нисбатан мустақил ва алоҳида тусдаги бир-бирига ўзаро боғланган бўлинмаларининг уюшмаси тушунилади, уларнинг ҳар бири алоҳида тарзда ва барчаси биргаликда давлат қўмитаси ваколатларининг амалга оширилишини таъминлайди.

Органнинг тузилиши унга юкланган ваколатларнинг самарали тарзда бажарилишини, ҳар бир таркибий бўлинманинг ваколатлари ва масъулиятининг аниқ чегаралаб қуйилишини, ҳаммининг ягона бир бутун механизмнинг унсурлари сифатида келишилган ҳолда иш олиб боришини таъминлаши лозим.

¹ 1995 йилнинг ўрталарида ушбу тизимда 220 дан ортиқ солиқ инспекцияси фаолият кўрсатарди. солиқ ва божхона идоралари ходимларининг умумий сони 15,4 минг кишини ташкил этади. Бу унчалик кўп эмас. Таққослаш учун шундай мисоллар: божхона хизматлари ходимларининг умумий сони, масалан, Россияда 148 миллион кишилик аҳолига 200 минг нафарни ёки қарийб 1000 кишига 1 нафардан солиқ ходимини ташкил этади. Аҳолиси 23 миллион кишидан иборат бўлган Ўзбекистонда эса ҳар бир солиқ ходимига тўғри келадиган иш юки икки бараварни ташкил қилади.

Давлат қўмитасининг тузилмавий бўлинмалари, одатда, функционал асосда қуриладик, унинг моҳияти раҳбарликнинг мустақил функцияларга тақсимланиши ва ҳар бир ана шундай функцияни махсус тузилмавий бўлинманинг (бошқарма, бўлим, сектор, гуруҳ ва ҳоказо) амалга оширишидан иборатдир.

Раҳбарлик қилувчи бўғин (Давлат солиқ қўмитасининг раҳбарияти): Раис, унинг ўринбосарлари ва Ҳайъатдан иборат.

Раис давлат қўмитасига раҳбарлик қилади, ўзининг ўринбосарлари ўртасидаги вазифаларни тақсимлайди, давлат қўмитасига юкланган вазифа ва мажбуриятларнинг бажарилиши учун шахсан жавобгар бўлади. У ўзининг ўринбосарларининг, бош бошқармалар, бошқармалар ва бошқа бўлинмалар бошлиқларининг давлат қўмитаси фаолиятининг аниқ йўналишларига раҳбарлик қилиш борасидаги, шунингдек умуман олганда ушбу тизимдаги тегишли хизматлар ва идоралар иши учун масъулияти даражасини белгилайди.

Раис Давлат солиқ қўмитасининг ваколатлари доирасида ўз тасарруфидаги барча идораларнинг ижро қилиши мажбурий бўлган буйруқлар, йуриқномалар, қоидалар, низомлар чиқаради ва қўрсатмалар беради ва уларнинг бажарилишини текширади.

Солиқ идоралари айрим бўлинмаларининг вазифаларини, мажбуриятларини, ҳуқуқларини, иш шакли ва усулларини белгилаб берадиган қоидалар ва бошқа ҳужжатлар Раиснинг буйруқларига биноан тасдиқланади ва жорий қилинади.

Давлат солиқ қўмитасининг Раиси давлат қўмитасига юкланган вазифа ва функцияларнинг бажарилиши учун шахсан жавобгар бўлади, ўз ўринбосарлари, қўмитанинг мустақил таркибий бўлинмалари, тасарруфидаги давлат солиқ ва божхона идоралари бошлиқларининг масъулият даражасини белгилайди.

Давлат солиқ қўмитаси ўз ишини ушбу идоралар тизимида раҳбарлик қилишнинг барча масалаларини муҳокама қилиш ва ҳал этишда коллегияликни ва ягона раҳбарликни қўшиб олиб бориш асосида ташкил қилади, мансабдор шахсларнинг уларга ишониб топширилган иш участкасидаги ишларнинг аҳволи учун шахсий жавобгарлигини белгилаб қўяди.

Коллегиялик органни шакллантириш тартибида, раҳбарликнинг ташкил қилинишида, ваколатларнинг раҳбар бўғинлар ўртасида тақсимланишида, ишнинг ташкилий-ҳуқуқий шаклларида, иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим масалаларини ҳал этиш, умумий давлат назоратини амалга оширишга даъват қилинган қўмитанинг мураккаб ва кўп қиррали фаолиятига мувофиқ келадиган қарорларни қабул қилиш тартибида ўз аксини топади. Коллегиялик кўлаб бошқарув органлари билан боғлиқ бўлган умумий раҳбарлик масалаларини ҳал қилишда кўнгина кишилар-

нинг тажрибаси ва билимларидан кенг фойдаланиш имкониятини яратади. Бу жамоа тарзида муҳокама қилиш ва ижодий мунозара юритиш жараёнида мураккаб масалалар юзасидан туғри қарорлар қабул қилинишига имкон беради. Коллегиал тарздаги иш раиснинг ва Ҳайъат аъзоларининг топширилган иш участкаси учун шахсий жавобгарлиги билан бирга қушиб олиб борилади.

Ана шу мақсадда Давлат солиқ қўмитасида лавозимига кура Раис ва унинг уринбосарларидан, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлайдиган бошқа раҳбар ходимлардан иборат таркибдаги Ҳайъат ташкил қилинади.

Бош божхона бошқармасида, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармаларида кенгашлар деб аталадиган коллегиал органлар мавжуд.

Давлат солиқ қўмитасида солиқлар соҳасидаги қонунларнинг қўлланилишига доир мураккаб ва мунозарали масалаларни ҳал қилиш бўйича қарорларни тайёрлаш, солиқ тўловчиларга юксак малакали даражадаги маслаҳатлар бериш учун Маслаҳат-эксперт кенгаши тузилган.

Органларнинг бошқарувчилик фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари ва ҳажми уларнинг идораларининг тузилишида намоён бўлади. Давлат қўмитасининг умумий фаолиятининг натижалари куп жиҳатдан органнинг ички ташкил қилинишига, унинг алоҳида қисмларининг қурилишига, ваколатларнинг тақсимланишига, тузилмавий бўлинмалар ўзаро муносабатларининг тегишли равишда ташкил қилинганлигига боғлиқ бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси тузилишининг негизини қуйидагича учта тамойил ташкил этади.

Назорат-мувофиқлаштирувчи-тармоқли тамойил (савдо,хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарини назорат қилиш, умумий овқатланиш корхоналарини назорат қилиш бўлимларини ўз ичига оладиган савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарини назорат қилиш бошқармаси; деҳқончилик-саноат мажмуи корхоналарини тафтиш қилиш бўлими) назорат-мувофиқлаштирувчи-функционал тамойили (жисмоний шахсларни, юридик шахсларни солиққа тортиш бошқармалари) билан бирга қушиб олиб борилади.

Ниҳоят, тузилмавий бўлинмалар функционал бўлинмалар (улар орасида маблағ билан таъминлаш, бухгалтерлик ҳисоби ва ҳисоботи бўлими ва шу кабилар бор) ва марказий идорага хизмат кўрсатадиган бўлинмалар-котибият, Раис ҳузуридаги инспекция ва шу кабилар билан тулдирилади.

Давлат қўмитасининг тузилмавий бўлинмалари ушбу бошқарув органининг ишчи идораси ҳисобланади. Уларнинг фаолияти рангбаранг бўлиб, мазкур орган функцияларининг ўзига хос хусусиятларига боғлиқ бўлади. Бу бўлинмалар турли материалларни тайёр-

лайди, давлат қўмитасининг бошқарувига тааллуқли узга фаолиятни бажаради, шу жумладан мувофиқлаштириш тусидаги функцияларни бажаради, маслаҳатлар беради, фикр-мулоҳаза ва хулосалар тақдим этади, лойиҳаларнинг экспертизасини утказди, давлат қўмитаси ҳужжатларининг лойиҳаларини, юқори ҳокимият ва бошқарув органларига таклифларни тайёрлайди.

Шу муносабат билан уларнинг узлари ҳеч қандай курсатмаларни беришга ҳақли эмас. Улар фақат давлат қўмитасининг раиси ёки Ҳайъати тасдиқлаганидан сўнг ҳаётга татбиқ қилинадиган таклифларни, йуриқномалар, усулий курсатмалар ва бошқа меъёрий ҳужжатларнинг лойиҳаларини тайёрлашади. Улар шу билан бирга маслаҳатлашиш ва солиққа тортишнинг айрим муаммоларини, ушбу бўлинмалар ваколатига кирадиган бошқа масалаларни ишлаб чиқиш учун илмий-тадқиқотчилик институтлари, ташкilotлар, давлат бошқарувининг бошқа органларининг мутахассисларини жалб қилишлари, бошқармалар (булимлар) ваколатига кирадиган масалалар юзасидан кенгашлар чақириши ва утказиши, шундай кенгашларда қатнашиш учун вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар вакиллари таклиф этишлари, улардан мазкур бошқарма ва булимларнинг иши учун зарур барча материалларни олишлари мумкин.

Бошқармалар (булимлар) ҳақидаги низомларда давлат қўмитаси тузилмавий бўлинмаларининг узаро муносабатлари махсус тартибга солинади. Ҳар бир бошқарма (булим) бошқа бўлинмалар билан чамбарчас ҳамжиҳатликда ишлар экан улардан иш учун зарур материалларни олиши, шунингдек ўз навбатида уларга ҳам бундай материалларни бериши мумкин.

Ҳозирги пайтда давлат солиқ органлари солиқ қонунларининг бузилишларига доир ишлар бўйича суриштирув органлари ҳисобланади. Қонунчиликдаги бундай норма Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 14 июндаги Қонунига мувофиқ жорий қилинди ва Ўзбекистон Республикаси Жинойий-процессуал кодексининг "Суриштирув органлари" 38-моддасида мустаҳкамлаб қўйилди. Қонунчилик солиқлар соҳасидаги тергов бўлинмаларини суриштирув органлари қаторига киритади, бу уларнинг жинойий ишларни қўзғатиш ва ўз ваколатлари доирасида тергов ишлари утказиш ҳуқуқига эгаллигини англатади.

Юқорида курсатилганлардан маълум булганидек, солиқ хизматида нафақат маъмурий соҳада катта ваколатлар (айниқса, сўзсиз равишда жазолар ва жарималарни солиш ҳуқуқини ҳисобга олганда) мавжуд. Шунингдек солиқ хизмати солиқлар соҳасида жиноятлар қилинганида жинойий жавобгарликни таъминлаш имкониятига ҳам эга. Бунда, албатта, санкцияларни қўллаш механизми қонуннинг аниқ, зиддиятсиз қоидаларига асосланиши

лозим. Ҳар қандай нормани қўллаш самарадорлиги кўп жиҳатдан ана шу ҳолатга боғлиқдир.

Солиқ идораларининг ходимлари прокуратура, суд ва милиция ходимлари сингари давлат ҳокимиятининг вакиллари ҳисобланади ва унинг ҳимоясида бўлади, улар солиқ идоралари ваколатига киритилган ҳуқуқбузарликлар юзасидан оператив-қидирув тадбирларини ўтказиш, жиноят аломатлари мавжуд бўлган ҳолларда жиноий ва жиноий-процессуал кодекслар нормаларига амал қилган ҳолда жиноий ишлар қўзғатиш, суриштирув ўтказиш ҳуқуқига эгадирлар.

Шуни алоҳида таъкидламоқчимизки, солиқ идоралари қонуначиликка қатъий риоя қилган ҳолда ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига ҳеч қандай путур етказмасдан фақат солиқлар соҳасидаги жиноятларни аниқлаш мақсадида оператив-қидирув ишларини ўтказиш ваколатига эгадирлар. Бунда бошқа жиноятлар аломатлари аниқлангани ҳолда улар билан шуғулланиш ваколатига эга ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига тегишли ахборот берилади.

Давлат бошқаруви вазифаларининг мураккаблашганлиги ва солиқ органлари тизимининг фаолият курсатиши самарадорлигига талабларнинг ошганлиги уларнинг бошқарувчилик фаолиятига ҳисоблаш техникасининг жорий қилинишини тақозо этди. Бундай техника воситалари асосланган оптимал бошқарувчилик қарорларини ишлаб чиқиш ва самарали тарздаги назоратни юргизиш учун яқин вақтларгача такомиллаштиришнинг самарали воситаси сифатида қаралмаган ва бинобарин давлат бошқарувида жиддий таъсирга эга бўлмаган ахборотларни тобора ортиб бораётган ҳажмлар ҳамда суръатларда йиғиш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланишга имкон беради.

Ҳозирги пайтда Давлат солиқ қўмитаси анча кўп меҳнат талаб қиладиган жараёнларни автоматлаштириш, солиқ ва божхона ахборотларини қабул қилиш, қайта ишлаш, ўтказиш ва сақлаш; Ўзбекистон Республикасидаги солиқ туловчиларнинг бир хиллаштирилган кодларининг Ягона реестрини барпо этиш ва юритиш мақсадида солиқ ва божхона тушумлари, барча солиқ туловчилари, юридик ва jisмоний шахслар туғрисидаги маълумотларни ишлашнинг ягона автоматлаштирилган компьютер тизимини яратиш ва ундан фойдаланиш юзасидан муҳим ишларни олиб бормоқда.

Ҳамма минтақавий булинмаларда солиқ идораларини компьютерлаштириш Дастурининг назорат қилиниши ва ижро этилишини уюштирадиган тузилмалар ташкил қилинган. Бу 14 та компьютер маркази (ҳисоблаш техникаси ва дастурий таъминот билан жиҳозланган солиқ ахборотларини қабул қилиш, қайта ишлаш ва сақлаш марказлари) ва ҳар бири солиқ туловчилар ва солиқ хизматларининг ходимлари учун ўқув тузилмаларига эга ўқув-усулий марказлари бўлган 14 та сервис-марказлардир.

Декларациялар ва ҳисоботларни автоматлаштириш, қайта ишлаш негизидаги солиқ туловчиларни хабардор қилиш ва боғланган алоқа урнатиш тизими ишлаб чиқилмоқда. Солиқ туловчиларни рўйхатга олиш, уларнинг ҳар бирига бир хиллаштирилган (жунатувчилик) рақамларини бериш ва шу асосда уларнинг даромадларини солиққа тортиш базаси сифатида тулиқ ҳисобга олишнинг автоматлаштирилган тизими жорий этилмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, солиқ идоралари ҳам, давлат бошқарувининг бошқа барча идоралари сингари, асосий саъй-ҳаракатларини “ўзларининг”, ички ташкилий вазифаларини ҳал этишга эмас, балки ўзлари фаолият кўрсатаётган, назорат қилаётган ва мувофиқлаштираётган соҳада ижобий ўзгартишларни амалга ошириш мақсадига эришиш сари йуналтирадилар. Шу тариқа, солиқ идоралари тизимида бошқарувни илмий ташкил этишнинг асосий илмий мақсадлари ва мазмуни нафақат ички бошқарувнинг, балки аввало ташқи бошқарувнинг самарадорлигини оширишни кузлайди. Бинобарин, тегишли саъй-ҳаракатлар самарадорлигининг мезони ҳам солиқ идораларининг фаолият соҳасига боғлиқдир.

Юқорида айтилган йуналишларнинг ҳар бирини амалга ошириш давлат бошқаруви амалиётида жамланган илғор тажриба ва гоят хилма-хил илмий билимлардан кенг фойдаланишни тақозо этади. Солиқ идораларида бошқарувни ташкил этишда асосий ролни ҳуқуқ фанлари билан бир қаторда социология, психология, бошқарув фани уйнамоқда.

Вазифалар таркибини такомиллаштириш аввало солиқ идоралари ва улар таркибий бўлинмаларининг объектив зарур булган мақсадлари, вазифа ва функцияларини аниқлаш, низомлар ва бошқарувни тартибга солувчи турли ҳужжатларда хизмат вазифаларини белгилаш билан боғланган.

§2. Давлат солиқ идораларининг ваколатлари

Ваколат-компетенция (лотин тилида: *competentia* юритиш, қобилият, ҳуқуқ буйича тегишлилик) идоранинг ҳуқуқий ҳолатининг давлат органлари тизимидаги аҳамиятини белгилайдиган асосий унсур ҳисобланади. Бу сўз икки хил мазкур шахс муайян билимларга эга бўлган масалалар доираси ва ваколатлар (ҳуқуқ ва мажбуриятлар) доираси маъноларини англатади.

Бошқарув органларининг бугун фаолияти, барча ташкилий муносабатлари ва ҳуқуқий муносабатлари органнинг ўз ваколатларини амалга оширишининг натижаси бўлади. Идоранинг ваколатида бошқарувнинг иродавий мазмуни ҳаммадан кўпроқ намоён бўлади. Давлат ҳуқуқий нормаларни чиқариш йули билан бошқарув идорасининг ваколатини белгилар экан ушбу орган-

нинг ҳар қандай соҳадаги хатти-ҳаракатларининг чегараларини белгилаб беради.

Давлат солиқ идорасининг ваколатлари жорий қонунлар орқали шакллантирилади ва аниқлаштирилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 18 январдаги “Ўзбекистон Республикасининг Давлат солиқ Бош бошқармасини Ўзбекистон Республикасининг Давлат солиқ қўмитасига айлантириш тўғрисида”ги Фармони; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 4 мартдаги “Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасини ташкил этиш ва унинг фаолияти масалалари тўғрисида”ги 114-сонли қарори (7-илова) билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасининг Давлат солиқ қўмитаси тўғрисидаги Низом”; шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1991 йил 14 июндаги қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасининг давлат солиқ идоралари тўғрисидаги Низом”; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1991 йил 12 августдаги “Ўзбекистон Республикасининг давлат солиқ идоралари тўғрисида”ги 217-сонли қарори Давлат солиқ қўмитаси ва унинг идораларининг ваколатларини белгилаб берадиган асосий ҳужжатлар ҳисобланади.

Давлат солиқ қўмитаси тўғрисидаги Низом биринчи навбатда органнинг асосий вазифаларини, унинг функциялари ва ҳуқуқларини белгилайди.

Унинг узига хос фаолиятини тавсифлайдиган вазифалар қаторида қуйидаги вазифаларни кўрсатиш мумкин:

Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган солиқ ва божхона сиёсатини юритишда қатнашиш;

республиканинг солиқлар тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари, амалдаги божхона қонунларига риоя қилиниши, солиқлар, йиғимлар, божхона бошлари ва бошқа мажбурий туловларнинг тўғри, ҳисобланиши тулиқ ва уз вақтида туланиши устидан назорат юритиш;

бундай туловларнинг туловчиларини, солиққа тортиш объекларини, юридик ва жисмоний шахсларни тулиқ ва уз вақтида ҳисобга олиш;

солиқ ва божхона идораларининг ваколатларига тегишли қилиб қуйилган ҳуқуқбузарликлар юзасидан суриштирувни амалга ошириш;

солиқ ва божхона идоралари ходимларининг хавфсизлигини, уларнинг хизмат вазифаларини ижро этиши чоғида уларга нисбатан ҳуқуққа қарши тажовуз қилинишлардан ҳимоя қилиш, бундай ҳаракатларни ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан мувофиқлаштириб туриш; амалдаги қонунларнинг бузилишига оид материалларни, шунингдек айбдорларни жавобгарликка

жалб қилиш ҳақидаги масалани ҳал этиш давлат солиқ ва божхона идораларининг ваколатларига кирмайдиган ҳолларда тегишли материалларни тергов ва суд органларига бериш;

юрidik ва жисмоний шахсларнинг солиққа тортиш, божлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий туловларнинг ундирилиши, шунингдек божхона қондаларига риоя қилиниши масалалари бўйича шикоят ва аризаларини белгиланган тартибда куриб чиқиш;

юрidik ва жисмоний шахсларга улар солиқлар, божлар ва бошқа мажбурий туловларни ҳисоблаш, уларни уз вақтида тулаш ишлари юзасидан мурожаат қилишганида текин ёрдам курсатиш ва маслаҳатлар бериш; бюджет олдидаги мажбуриятларнинг бажарилиши тартиби ҳақидаги ахборотларни бериш.

Идоранинг ваколатларининг унсури сифатидаги унинг функцияси деганда қонунчиликда бошқарувчилик фаолиятининг алоҳида ва мустақил тусдаги бир қисми тушунилади. Бошқарув идорасининг мақомини белгилайдиган ҳужжатда унинг фаолиятининг мажбурий тарздаги бир йўналиши сифатида таъкидланган ва ифодаланган бошқарув идорасининг функцияси унинг ваколатларининг ҳуқуқий унсури бўлади. Давлат органининг айни шу функцияси мазкур бошқарув идорасининг нима қилиши лозимлигини курсатиб беради. Хусусан, юқорида айтиб утилган вазифаларга мувофиқ равишда Давлат солиқ қўмитаси куйидагиларни амалга оширади:

а) инвестиция фаолиятини солиқлар ва божхона воситасида тартибга солиш юзасидан чора-тадбирларни ишлаб чиқишда, солиқ ва божхона сиёсатини мувофиқлаштириш масалалари бўйича хорижий давлатлар билан ҳукуматлараро битимлар ва шартномаларни тайёрлаш ва имзолашда, иккиёқлама солиқ солинишини бартараф қилиш юзасидан Ҳукуматнинг топшириғига биноан ҳукуматлараро битимларни тасдиқлаш ва имзолашда иштирок этиш;

б) Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетларига солиқлар ва бошқа туловлар тушумларини таҳлил этиш ва кейинчалик бу туғрида Ҳукуматга ахборот бериш; бюджетга солиқлар, божлар ва бошқа туловларнинг келиб тушиши юзасидан олдиндан белгиланадиган курсаткичларни ишлаб чиқишда қатнашиш;

в) анча кўп меҳнат талаб қиладиган жараёнларни автоматлаштириш, солиқ ва божхона ахборотларини қабул қилиш, қайта ишлаш, утказиш ва сақлаш; республикадаги солиқ туловчиларнинг бир хиллаштирилган кодларининг Ягона реестрини барпо этиш ва юритиш мақсадида солиқ ва божхона тушумлари, солиқлар ва солиқ туловчилар туғрисидаги маълумотларни ишлашнинг ягона автоматлаштирилган компьютер тизимини яратиш;

г) кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш, хориждаги солиқ ва божхона хизматлари билан ҳамкорликни ривожлантириш;

д) тасарруфидаги солиқ ва божхона идораларининг мусодара қилинган ёки эгасиз мол-мулкларни, шунингдек мерос қилиш ҳуқуқига қўра давлатта утган мол-мулк ва ҳазиналарни ҳисобга олиш, баҳолаш ва сотишга доир ишини ташкил қилиш;

е) Ўзбекистон Республикасининг бошқа вазирликлари ва идоралари билан биргаликда солиқлар, божхона божлари ва бошқа туловларга оид қонунларнинг қўлланилиши масалалари бўйича меъёрий ҳужжатларни, солиқлар ва божхона қонунларига доир меъёрий ҳужжатлар тўпламларини тайёрлаш ва нашр этиш, солиқ идоралари ходимларини, солиқ туловчиларни қонунчилик ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан таъминлаш;

ж) солиқ ва божхона қонунларига доир ахборотларни нашр этиш, купайтириш ва тасарруфидаги идораларга етказиш, солиқ туловчиларни солиқлар, божларни туғри ҳисоблашга, ҳисоботлар ва декларацияларни тақдим этишга ургатиш, шунингдек маслаҳатчилик хизматларини курсатиш учун сервис-марказларни барпо этиш ва уларнинг ишини ташкил қилиш;

з) вилоятлардаги махсус тафтиш-назорат бўлинмаларининг фойданинг (даромаднинг) ёки бошқа солиққа тортиш объектларининг қасддан яширилишини аниқлаш, солиқ ва божхона қонунларини бузганликда айбдор бўлган шахсларни маъмурий ва жиноий жавобгарликка жалб қилиш соҳасидаги ишини ташкил этиш ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан солиқларга оид қонунларнинг бузилишларининг олдини олиш ва уларга барҳам бериш масалалари бўйича баҳамжиҳат ҳаракат қилишини ва ахборотлар билан алмашилиб туришни уюштириш.

Давлат қўмитасининг ҳуқуқлари бошқарув фаолияти ҳажми туғрисида тасаввур беради. Давлат идорасининг ҳуқуқлари - бирон-бир вазифани амалга ошириш мумкинлиги меъёрдир, унинг бурчи эса - мазкур вазифани тегишлича амалга ошириш меъёридир. Давлат идорасининг функцияси тегишлича хатти-ҳаракат меъёри сифатида бирон-бир бошқарув ҳаракатини курсатиш чоғида камроқ конкретлаштирилган бурчдан фарқ қилади, меъёрий тарзда умумий кўринишда ифодаланган бир қатор типик бурчларнинг умумлашгани сифатида қаралади.

Ҳуқуқлар билан мажбуриятлар уртасидаги фарқ уларни амалга оширишнинг узига хос хусусиятларида намоён бўлади. Ҳуқуқлар давлат органига у ёки бошқа масалаларни ҳал этишда танлаш эркинлигини беради. Мажбуриятлар органнинг фаолият юритишини қатъий тартибга солиб туради, уларни амалга ошириш шарт-шароитлари эса қонунда аниқ ифодаланган бўлиши лозим.

Шундай қилиб, бошқарув идораси фаолиятининг ҳар бир айтиб утилган унсури унинг ҳуқуқий мақомини тавсифлайди. Вазифалар фаолиятнинг умумий йўналишини ва унинг мақсадларини курсатади; функциялар идоранинг ушбу вазифаларни ижро этиш учун айтилган нима қилиши лозимлигини белгилайди, ҳуқуқлар унинг уз мажбуриятларини қандай ҳажмда бажариши мумкинлигини курсатади.

Давлат идорасининг ваколатларига функциялар ва ҳуқуққа эгаликлардан ташқари яна вазифаларнинг ҳам киритилиши шу билан боғлиқки, давлат идорасининг амалдаги фаолияти, одатда, унга биркитиб қўйилган ҳуқуқлар ва мажбуриятларга қараганда кенгроқ ҳажмга эгадир.

Хуллас, давлат идорасининг вазифалари, функциялари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари унинг ваколатларини ташкил этувчи унсуурлар ҳисобланади.

Назорат Давлат солиқ қўмитасининг давлат идораси сифатида фаолият курсатишини таъминлайдиган энг муҳим унсуур ҳисобланади. Назорат бу функция бўлиб, унинг мақсади бошқариладиган объектларнинг ҳақиқий ҳолати ва фаолиятининг муайян ҳолат, аҳволга мувофиқлигини (ёки номувофиқлигини) белгилаш сифатида таърифланади.

Айни идоралар устидан юритиладиган назорат алоҳида аҳамият касб этмоқдаки, бундай назорат давлат бошқаруви органлари, корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларнинг ишини объектив нуқтаи назардан текширишга ва улар фаолияти жараёнида мсёрий ҳужжатларнинг ижро қилинишини назорат қилишга даъват этилган.

Давлат қўмитаси кўпроқ ана шундай назоратнинг асосий ташкилий шаклларида бири ҳисобланади.

Барча давлат қўмиталарининг вазифаларни амалга оширишдаги функциялари ва махсус ҳуқуқлари ҳажми бир хил эмас, лекин умумий унсуурлар, функцияларнинг бир хилдаги тармоқлараро мазмуни уларнинг алоҳида давлат органлари сифатидаги аҳамияти ҳақида тасаввур беради ва қўмиталар учун умумий бўлган уларга бўйсунмайдиган давлат қўмиталари, вазирликлар ва бошқа бошқарув объектлари билан узаро муносабатлардаги ҳуқуқлар гуруҳини ажратиш курсатишга имкон беради. Бундай гуруҳ давлат қўмиталари ҳақидаги ҳамма низомларда, шу жумладан Давлат солиқ қўмитаси туғрисидаги Низомда ҳам махсус қайд қилиб қўйилади. Улар қўйидаги ҳуқуқларнинг мустаҳкамлаб қўйилишида ифодаланади:

илмий-тадқиқотчилик ва олий ўқув юртлари ходимларини айрим масалаларни ишлаб чиқишга, маслаҳатлар беришга, экспертлар утказишга жалб қилиш, ҳуқуқни муҳофаза қилиш

идоралари ходимларини, статистика, банк ва бошқа муассасаларнинг амалиётчи-мутахассисларини, шунингдек лойиҳа-қидирув ташкилотлари, аудиторлик хизматларини зарур ҳолларда амалий ёрдам курсатиш учун таклиф қилиш;

Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, идоралари, корхоналар, ташкилотлар ва муассасалардан назоратли вазифаларни бажариш учун зарур бўлган ҳисобот маълумотларини ва бошқа материалларни, маълумотномалар, маълумотлар, тушунтириш хатларини олиш, шундай идораларда, шу жумладан хорижлик инвесторлар, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, ажнабий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ҳам ишлайдиган корхоналарда, шунингдек алоҳида иш тартибига эга корхоналар ва ҳарбий қисмларда ўз ваколатлари доирасида текширишлар ўтказиш, шу жумладан солиқлар, божхона божлари ва йиғимлар, бюджетга ва бюджетдан ташқари жамғармаларга туланидиган бошқа мажбурий туловларнинг ҳисобланиши ва туланиши билан боғлиқ бўлган ҳужжатлар, декларациялар ва бошқа ҳужжатларни текшириш;

тегишли бошқарув органлари, корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар вакилларининг қумитанинг ваколатларига киритилган масалалар бўйича маълумотномалари ва ахборотларини эшитиш;

вужудга келадиган вазифаларни муҳокама қилиш учун давлат қумитаси амалга оширадиган масалалар юзасидан манфаатдор органлар билан келишган ҳолда конференциялар ва кенгашлар чақиритиш;

солиқ ва божхона қонунларини такомиллаштиришга доир таклифларни Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматига киритиш;

давлат ҳокимияти органларига қўйи ҳокимият идораларининг республикада амал қиладиган солиқ ва божхона қонунларига зид келадиган қарорларини бекор қилиш туғрисидаги таклифларни киритиш.

Давлат қумитаси бошқа ҳуқуқларининг ўзига хос хусусиятлари қуйидаги ҳуқуқларда акс этган:

корхоналар ва фуқаролардан фойда (даромад)нинг ёки бошқа солиққа тортиш объектларининг яширилиши (камайтириб курсатилиши) ҳақида далолат берадиган ҳужжатларни, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш тартибини бузувчи шахслардан эса рухсатномалар, патентлар ёки қайд гувоҳномаларини тортиб олиш; зарур бўлганида ҳужжатлар сақланадиган жойларни сургучлаб қуйиш, хомашё, ярим тайёр маҳсулотлар, буюмларнинг намуналарини, шунингдек ҳужжатларни тортиб олиш ва уларни

Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ равишда таҳлил этиш, экспертиза тадқиқотлари ўтказиш учун юбориш;

ўз ваколатларини амалга ошириш чоғида ҳар қандай корхоналарнинг фойда (даромад) олиш ёки солиққа тортиш объектларининг тутиб турилиши билан боғлиқ бўлган қерда жойлашганлигидан қатъи назар ҳар қандай биноларини қонунда белгиланган тартибда текшириб куриш;

корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, шу жумладан алоҳида иш тартибига эга корхоналар ва ҳарбий қисмлар, шунингдек фуқароларнинг фойдаланадиган экин майдонлари ва табиий бойликлар ҳажмларининг назоратли улчовларини амалга ошириш;

текширилаётган корхоналарнинг раҳбарлари ва бошқа мансабдор шахслари ва фуқаролардан текшириш пайтида аниқланган Ўзбекистон Республикасининг солиқлар ва бошқа мажбурий туловлари ҳақидаги қонунларининг бузилишларини бартараф этишни талаб қилиш, қўйилган талабларнинг бажарилишини назорат қилиш;

корхоналар ҳужжатлар асосидаги текширишларни ўтказишга ёки давлат солиқ идоралари ходимларининг даромадларни олишда фойдаланиладиган биноларни текширишига йўл қўймаган, давлат солиқ идораларига ва уларнинг мансабдор шахсларига солиқлар ва бошқа мажбурий туловларнинг ҳисобланиши ва туланиши билан боғлиқ бухгалтерлик ҳисоботлари, баланслар, ҳисоб-китоблар, декларациялар ва бошқа ҳужжатларни тақдим этмаган (ёки тақдим этишдан бош тортган) ҳолларда бундай корхоналарнинг банклардаги ва бошқа молия-кредит муассасаларидаги ҳисоб-китоб ва бошқа ҳисобварақлари буйича операцияларини тухтатиб қўйиш;

корхоналар ва фуқароларнинг солиқлар ва бошқа туловлар буйича қарзларини, шунингдек уларнинг ноқонуний битимлар асосида олган маблағларини ва қонунларда белгиланмаган бошқача асосларда олинган маблағларини давлат даромадига ундириб олишга доир даъволар билан судларга мурожаат қилиш;

корхоналар ва фуқароларга нисбатан солиқ ва божхона қонунларини бузганлиги учун белгиланган тартибда молиявий санкциялар ва маъмурий жарималарни қўллаш;

солиқ идораларининг ваколатларига тегишли қилиб қўйилган ҳуқуқбузарликлар юзасидан оператив-қидирув тадбирларини ўтказиш; Ўзбекистон Республикасининг жиноий ва жиноий-процессуал қонунлари нормаларига амал қилган ҳолда суриштирув ўтказиш;

Ваколатлар ҳақидаги масалалар Давлат солиқ қўмитаси тизимига кирадиган вилоятларнинг давлат солиқ бошқармалари, туманлар-

нинг давлат солиқ инспекциялари учун намунавий низомларда белгилаб қўйилган. Уларда ҳамма давлат инспекциялари учун умумий бўлган, ушбу инспекциялар ҳам тегишли бўлган ҳар қандай тармоқлараро бошқарув органларига хос бўлганидек улар учун ҳам хос бўлган қуйидагича ҳуқуқлар мустақкамлаб қўйилган:

назоратдаги объектларда текширишлар ўтказиш учун уларга ҳеч қандай тўсиқсиз бориш; назоратдаги объектларнинг муайян ҳаракатларни амалга ошириши учун уларга рухсатномалар бериш; зарур материалларни олиш ва улар юзасидан худосалар бериш; назоратчилик фаолиятига тааллуқли бўлган турли комиссиялар ишида иштирок этиш; назоратдаги объектларга ижро этилиши мажбурий тусдаги кўрсатмалар бериш ва ҳоказо.

Санаб ўтилган ҳуқуқлар давлат инспекцияларини уларга бўйсунмайдиган бошқарув тизимларида ҳам назорат қилиш имконияти билан таъминлайди.

Қўмитанинг ўз вазифаларини бажариш учун қўлайдиган энг муҳим воситалари ичида ҳуқуқ асосида тартибга солиш шакллари ажралиб туради. Бундай шаклларнинг қўмитанинг бошқарувчилик фаолиятининг мазмунини акс эттириши, унинг ўзига хос хусусиятларига тўлиқ миқдорда мувофиқ келиши зарурдир.

Давлат солиқ қўмитаси иштирокида вужудга келадиган муносабатларни ҳуқуқ асосида тартибга солиш шакллари бирмунча ранг-барангдир, бироқ қонунларда назарда тутилган турли шаклларда ҳуқуқий актларнинг тузилиши уларнинг ичидаги энг муҳимлари ҳисобланади.

Меъёрларни ишлаб чиқиш Давлат солиқ қўмитаси ҳақидаги Низомда махсус белгиланган асосий функциялардан биридир (бундай функция айни пайтда барча давлат қўмиталари учун умумий функция бўлиб ҳисобланади). Унда меъёрларни ишлаб чиқишга доир ваколатларнинг чегаралари, шунингдек унинг шакллари биргаликдаги акт, келишган ҳолда қабул қилинадиган акт, актни қабул қилиш учун фавқулодда ҳуқуқ ва, бундан ташқари, унинг тегишли бўлган органлар томонидан ижро этилиши мажбурий бўлган актларни чиқариш юзасидан ҳуқуқлари махсус тарзда айтиб ўтилган.

Давлат солиқ қўмитасининг ваколатларини белгилашга оид ҳуқуқий ҳужжатларда унинг айни қандай доирадаги масалалар бўйича шундай юридик кучга эга бўлган меъёрий ҳужжатларни қабул қилишга ҳақли эканлиги махсус айтиб ўтилади.

Давлат солиқ қўмитасининг меъёрларни ишлаб чиқишга доир ваколатлари ҳажмининг катталиги унинг фаолият соҳаси билан боғлиқдир ва тармоқлараро бошқарувчиликнинг асосий функ-

цияси ва уларнинг асосий фаолиятининг бунда бошқарувда ташкилий воситаларга нисбатан анча катта ҳажми эгаллайдиган ҳуқуқий шакли сифатида намоён булади. Бу борада давлат қўмиталари ўз идораларидан ташқарида ҳам ижро этилиши мажбурий бўлган тармоқлараро актларни чиқариши мумкин бўлган вазирликлардан фарқ қилади.

Бундай меъёрий ҳужжатларнинг мажбурийлигини ҳисобга олган ҳолда улар давлат қўмиталарининг бошқарувчиликка оид фаолиятини фармойишли амалга оширишининг моҳиятидан иборат булади.

Бироқ бундай меъёрлар ишлаб чиқиш уларнинг махсус функцияси ҳисобланмайди ва улар фаолиятининг тармоққа оид бошқарув билан боғлиқ бўлган асосий ҳуқуқий шакли бўлмайди.

Давлат қўмитаси туғрисидаги Низомда унинг идоралараро ҳуқуқий актларни чиқариш (тасдиқлаш) юзасидан фавқулодда ҳуқуқларга эгаллигининг мустаҳкамлаб қўйилиши унинг ўз функцияларини амалга оширишининг асосий кафолати бўлиб хизмат қилади. Шундай бир қизиқарли ҳолатни қайд қилиш керакки, агар вазирликлар ва идоралар таркибидаги давлат инспекциялари идоралар устидан назорат юритишни амалга ошириш жараёнида қайси идорага бўйсуннишдан қатъи назар давлат бошқаруви органлари, корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар, шунингдек фуқаролар учун бажарилиши мажбурий бўлган актлар (қоидалар, йуриқномалар, курсатмалар ва бошқа турдаги актлар) ни чиқариши мумкин бўлса, давлат солиқ инспекциялари бундай функцияга эга эмас, чунки улар туғрисидаги намунавий Низомда уларнинг ўзларига бўйсунмайдиган объектлар учун бажариллиши мажбурий бўлган актларни чиқариш бўйича ваколатлари назарда тутилмаган.

Давлат солиқ қўмитаси фаолиятидаги меъёрий ҳужжатларни чиқариш иши яна шу билан ҳам характерланадигани, кўпчилик ҳолларда бундай фаолият давлат бошқарувининг қайсидир бошқа бир органи билан биргаликда ёки у билан келишган ҳолда амалга оширилади. Ўзбекистон Республикасининг бошқа вазирликлари ва идоралари билан биргаликда белгиланган тартибда бюджетга ва бюджетдан ташқари жамғармаларга солиқлар, бошлар ва бошқа туловларнинг келиб тушишига доир қонунларнинг қўлланилишига тегишли масалалар юзасидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ижро этилиши мажбурий бўлган йуриқномалар ва бошқа меъёрий ҳужжатларни чиқаришига оид ҳуқуқи Давлат солиқ қўмитаси туғрисидаги Низомда назарда тутилган. Бу, бир томондан, бирон бир масалани ҳал этиш ва ҳуқуқий актни қабул қилишдан иборат фаолият ваколатлар доирасига киритилган ҳолатла-

ри буйича тенг бўлган маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар субъектлари, масалан, Давлат солиқ қўмитаси ва Молия вазирлигининг, Давлат солиқ қўмитаси ва Архитектура ва қурилиш Давлат қўмитасининг, Давлат солиқ қўмитаси ва Фан ва техника буйича Давлат қўмитасининг ва бошқаларнинг ҳаракатларини, иккинчи томондан бир томонлама кўрсатмалар берилиши шаклини истисно қиладиган вужудга келадиган муносабатларни тартибга солишнинг муайян усулини англатади.

Давлат солиқ қўмитаси вазирликлар ва идоралар учун мажбурий бўлган қарорларни қабул қилиши мумкин. Бундай ҳолида Низомда эмас, балки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 4 мартдаги “Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасини ташкил этиш ва унинг фаолияти масалалари тўғрисида”ги 114-сонли қарориди мустаҳкамлаб қўйилган. Қарорда қўмигага берилган ваколатлар доирасида қабул қилинадиган қарорларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида барча вазирликлар, идоралар, маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органлари, мулкчилик шаклидан ва қайси идорага бўйсунушидан қатъи назар корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, шунингдек фуқаролар учун мажбурий эканлиги белгилаб қўйилган.

Қўмитанинг назоратчилик ва мувофиқлаштирувчи-тартибга солувчилик фаолиятини амалга оширишида унинг билан ҳолатлари буйича тенг бўлган давлат бошқаруви органлари ўртасида вужудга келадиган муносабатларнинг алоҳида характерга эгаллиги давлат қўмиталарининг функциялари ва ҳуқуқларини, уларнинг ваколатларини тартибга солишнинг ўзига хос хусусиятларини тақозо этади.

§3. Давлат солиқ идораларининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви идоралари ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан баҳамжиҳат ҳаракати

Давлат солиқ идоралари ўз олдиларига қўйилган вазифаларни бажариш ва ўз функцияларини амалга ошириш давомида давлатнинг бошқа идоралари билан доимий ҳамкорлик қиладилар. Давлатнинг бошқа идоралари билан ўзаро муносабатларда аниқ-пушғалик солиқ идораларининг мазкур вазифа ва функцияларни қандай даражада бажаришини ҳам белгилаб беради.

Давлат идоралари тизими умумий ваколатли, функционал ва гармоқ идораларининг бир бутун ҳолда ўзаро ҳамкорлик қилувчи тизимини ифодалайди. Шу сабабли давлат солиқ идораларининг давлатнинг бошқа тузилмалари билан ўзаро алоқалари характе-

рини урганиш мустақил таҳлил ва доимий такомиллашиш объекти сифатида қаралиши керак. Солиқ идораларининг республика иқтисодиётига ҳуқуқий таъсирининг кулами кенглигини, мазкур идоралар иш шакллари ва фаолият мазмунининг ўзига хослигини ҳисобга олсак, ушбу муаммога катта эътибор бериш жуда муҳимлиги туғрисида хулоса келиб чиқади.

Солиқ қонунлари сўзсиз равишда узгартиришларга муҳтож бўлган бир шароитда давлатда таркиб топаётган солиқ вазияти, солиқларнинг туғри ҳисобланиши ва уларнинг бюджетга тулик миқдорда киритилиши, солиқ идораларини ташкил этиш пайтида улар олдига қўйилган мақсадларга эришилиши, солиқ туловчиларнинг ўзларининг муносабатлари, солиқ қонунларига риоя қилиниши куп жиҳатдан республикадаги солиқ ҳуқуқни муҳофаза қилиш, давлат ҳокимияти ва бошқарувининг бошқа органларининг мувофиқлаштирилган тарздаги, амалий, оператив равишдаги баҳамжиҳат ҳаракатига боғлиқ бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат солиқ қўмитаси давлат органлари билан биргаликда солиқ қонунларининг қўлланилиш амалиётини мунтазам тарзда таҳлил этади ва умумлаштирилади, улар асосида амалдаги меъёрий ҳужжатларга республикадаги иқтисодий вазиятнинг ривожланиши талаб қиладиган узгартиришлар ва қўшимчаларни киритиш юзасидан тегишли таклифларни тайёрлайди.

Давлат солиқ қўмитасининг иштирокида вужудга келадиган маъмурий-ҳуқуқий муносабатларни куриб чиқарканмиз, уларнинг ичида давлат қўмитаси назорат остидаги томон бўладиган ва Давлат солиқ қўмитаси тенг ҳуқуқли, давлат бошқарувининг мустақил субъекти сифатида намоён бўладиган муносабатларни ажратиб кўрсатиш мумкин.

Биринчи ҳолда бу Давлат солиқ қўмитаси билан ижрочилик ҳокимиятининг раҳбари Ўзбекистон Республикасининг Президенти, шунингдек ҳокимиятнинг олий вакиллик органи - Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва республика ижрочилик ҳокимияти органи - Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ўртасида вужудга келадиган муносабатлардир. Давлат солиқ қўмитасининг республикадаги давлат ва ижрочилик ҳокимияти раҳбари - Республика Президенти билан муносабатлари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси нормаларида белгилаб берилган.

Конституциянинг 89-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти айни вақтда Вазирлар Маҳкамасининг Раиси ҳисобланади, бунда у ўзига юкланган ваколатларга мувофиқ равишда ижро этувчи ҳокимият девонини тузади ва унга раҳбарлик қилади, республика олий ҳокимияти ва бошқарув органларининг

баҳамжиҳат ишлашини таъминлайди, Ўзбекистон Республикаси вазирликларини, давлат қўмиталарини ҳамда давлат бошқарувининг бошқа органларини тузади ва тугатади, шу масалаларга доир фармонларни Олий Мажлис тасдиғига киритади (Конституциянинг 93-моддаси 8-банди).

Президент, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аъзоларини лавозимларга тайинлайди ва бушатади (93-модданинг 9-банди), республика бошқарув органларининг қабул қилган ҳужжатларини тўхтатади ва бекор қилади (шу модданинг 13-банди), ниҳоят, Ўзбекистон Республикасининг қонунларини имзолайди (93-модданинг 14-банди).

Президентнинг республика Конституцияси ва қонунлари асосида ва уларни ижро этиш юзасидан чиқарадиган Фармонлари кўпинча директивалар ва аниқ вазифалардан иборат бўладики, бунда ҳукуматнинг ва Давлат солиқ қўмитасининг ҳаракатларининг уйғунлиги таъминланган бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси билан Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг ўзаро муносабатлари масаласига келганда қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин.

Бундай ҳуқуқий муносабатлар учун қуйидагилар белгиловчи омил ҳисобланади: биринчидан, Олий Мажлис Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ унинг ваколатларига киритилган ҳар қандай масалани, шу жумладан, масалан, солиқлар ва бошқа мажбурий туловларни жорий қилишга (Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 78-моддаси 8-банди) доир масалани ўзининг куриб чиқиши учун қабул қилишга ҳақлидир.

Иккинчидан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 78-моддаси 19-бандига ва “Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси туғрисида”ги Конституциявий Қонуннинг 4-моддаш 19 бандига мувофиқ Олий Мажлис Президентнинг вазирликлар, давлат қўмиталари ва давлат бошқарувининг бошқа органларини ташкил этиш ва тугатиш туғрисидаги Фармонларини тасдиқлайди. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг ижро этувчи ҳокимият органларининг тизимини ва ваколатларини белгилаш Олий Мажлиснинг фавқулодда ваколатларига киради (Конституциянинг 78-моддаси 4-банди).

Агар Республика Президенти давлат бошқаруви органларининг ҳужжатларига нисбатан уларни тўхтатиб қўйиш ёки бекор қилиш ҳуқуқига эга бўлса, Олий Мажлис бундай юридик ваколатларга эга эмас, бироқ “Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси туғрисида”ги Конституциявий Қонуннинг 11-моддасига мувофиқ у Республика Олий Мажлисининг қонунлари ва

бошқа ҳужжатларининг ижро қилиниши устидан назоратни амалга оширади ва, шубҳасиз, солиққа тортиш соҳасида амал қиладиган қонуний актларни назорат қилиш борасида бу иккала органнинг баҳамжиҳат ҳаракат қилмаслиги мумкин эмас.

Олий Мажлис ўзининг доимий амал қилувчи қўмиталари ва комиссиялари орқали Давлат солиқ қўмитасининг фаолиятига жиддий таъсир курсатиб туради.

Депутатларнинг сўров билан мурожаат қилиши ҳам давлат қўмигаси билан давлат ҳокимиятининг вакиллик органларининг баҳамжиҳат ҳаракатининг яна бир қирраси бўлиб хизмат қилади (12-“Депутат сурови” моддаси).

Олий Мажлис Вазирлар Маҳкамасининг ҳар қандай аъзосининг улар бошқарадиган орган фаолияти масалалари бўйича ҳисоботини эшитиш ва зарур бўлганида унинг истеъфоси ҳақидаги таклифни Республика Президентининг куриб чиқиши учун киритиш ҳуқуқига эгадир. Бу Олий Мажлиснинг давлат органлари фаолиятини назорат қилишининг амалий шаклидир.

Шундай қилиб, Давлат солиқ қўмитаси билан республика вакиллик ҳокимияти олий органининг баҳамжиҳат ҳаракати аввало Олий Мажлиснинг қонунчилик функцияларини амалга ошириши жараёнида намоён бўлади.

Давлат солиқ қўмитаси билан республика ҳукумати ўртасида жуда мустаҳкам узаро муносабатлар мавжуд.

Вазирлар Маҳкамаси - Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати республиканинг ижро этувчи ҳокимият органи ҳисобланади ва бутун давлат бошқаруви органлари тизимига уларнинг келишган тарздаги фаолиятини таъминлаган ҳолда раҳбарлик қилади. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида”ги Қонунининг 1-моддасига мувофиқ ҳукумат Ўзбекистон Республикасининг фаолият доирасига тегишли бўлган Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва у тўғрисидаги Қонунга биноан Маҳкаманинг ваколатларига кирадиган давлат ва ҳўжалик бошқарувининг ҳамма масалаларини ҳал этишга ҳақлидир.

Айнан Вазирлар Маҳкамаси вазирликлар ва давлат қўмиталарининг, идоралар ва давлат бошқарувининг бошқа органларининг фаолиятини мувофиқлаштириб туради ва йўналтиради, шунингдек вазирликлар, давлат қўмиталари тўғрисидаги тегишли Низомларни тасдиқлайди, яъни давлат органининг тузилишини ва унинг ваколатларини белгилайди. Қонуннинг ушбу нормалари бошқа барча давлат бошқаруви органлари сингари Давлат солиқ қўмитаси ҳам Вазирлар Маҳкамасига бўйсунлигини ва унинг олдида масъулиятли эканлигини билдиради.

Ҳукуматнинг Давлат солиқ қўмитасига бевосита раҳбарлик қилиши Давлат солиқ қўмитаси амал қиладиган меъёрий ҳужжатлар, умумий директивалар ёки аниқ (якка тартибдаги) курсатмалар чиқариши шакли орқали ҳам намоён бўлади (1994 йил 4 мартдаги 114-сонли қарорга мувофиқ тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Давлат солиқ қўмитаси туғрисидаги Низомнинг 6-бандига қаралсин).

Давлат солиқ қўмитасининг ҳужжатлари хусусида шуни айтиш мумкинки, агар улар амалдаги қонунларга зид бўладиган бўлса, ҳукумат уларни бекор қилиши мумкин (Қонуннинг 12-моддасининг иккинчи хатбошиси).

Вазирлар Маҳкамасининг Давлат солиқ қўмитасининг фаолияти устидан назоратни амалга оширишга доир функцияси “Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси туғрисида”ги Қонунда мустақамланган ва у одатда қўмита раҳбариятининг аниқ масалалар юзасидан ахборотларининг мунтазам равишда тинглаб турилиши орқали амалга оширилади.

Давлат солиқ қўмитаси солиқ ва божхона қонунларини такомиллаштиришга доир таклифларни белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматида киритиш бўйича тулиқ ҳуқуққа эгадир.

Давлат солиқ қўмитаси узига юклатилган асосий вазифаларга мувофиқ равишда шунингдек Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетларига солиқлар ва бошқа туловларнинг келиб тушишига доир топшириқларнинг бажарилиши натижаларини таҳлил этиш ва кейинчалик бу туғрида Вазирлар Маҳкамасига ахборот бериш функциясини ҳам ижро этади.

Давлат солиқ қўмитаси хорижий инвесторларнинг инвестиция фаолиятини солиқлар ва божхона воситасида тартибга солиш юзасидан чора-тадбирларни ишлаб чиқишда, солиқ ва божхона сиёсатини мувофиқлаштириш масалалари бўйича хорижий давлатлар билан ҳукуматлараро битимлар ва шартномаларни тайёрлаш ва имзолашда, иккиёқлама солиқ солинишини бартараф қилиш юзасидан Ҳукуматнинг топшириғига биноан ҳукуматлараро битимларни тасдиқлаш ва имзолашда иштирок этади.

Вакиллик ҳокимиятининг маҳаллий органлари давлат бошқаруви органлари билан турли йўналишлар бўйича баҳамжиҳат ҳаракат қиладилар.

Давлат солиқ идораларининг маҳаллий ҳокимият органлари билан баҳамжиҳат ҳаракати уларнинг Ўзбекистон Республикасида утказилаётган ягона солиқ сиёсатини амалга оширишда, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва шаҳарлар бюджетлари-

га солиқлар ва бошқа тўловларнинг келиб тушишини таъминлаш борасидаги топшириқларнинг бажарилиши натижаларини таҳлил этишда қатнашишида намоён бўлади.

Бунда назорат қилинадиган объектлар ҳамиша тегишли маҳаллий ҳокимият органининг ҳудудида жойлашган бўлади. Давлат солиқ инспекцияларининг тегишли маъмурий-ҳудудий бирликда марказлаштирилган идора усули ва қонунчилик режимида иш олиб бориши ҳам кўриб чиқиладиган органларнинг муносабатларини тавсифлаш учун муҳим аҳамиятга эгадир.

Баҳамжиҳат ҳаракатнинг айти шундай даражасида умумдавлат ва ҳудудий манфаатларнинг қўшиб олиб борилишининг, маҳаллий ҳокимият органи ҳудудларини комплекс тарзда ривожлантиришнинг турли хилдаги муаммолари вужудга келади. Уларнинг муваффақиятли тарзда ҳал этилиши ҳамкорликни, масалаларнинг биргаликда муҳокама қилинишини, вакиллик ҳокимияти маҳаллий органи вакилларининг иштирокини тақозо этади.

Бундай маҳаллий органи вакилларининг мустақил ҳаракатлари умуман давлатнинг солиқ сиёсатида зид бўлмаслиги лозим ва мумкин эмас. Аксинча, маҳаллий ҳокимиятларнинг мустақиллигининг кенгайтирилиши минтақавий (вилоят, шаҳар, туман) даражадаги иқтисодий муаммоларни давлат бюджетидан маблағларни жалб қилмасдан ҳал этишга имкон бериб, республика солиқ тизимининг кўпроқ манёврлар қилишига асос бўлади. Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашиларининг солиқ сиёсати жойлардаги солиқ механизмининг қайишқоқлигидан маҳаллий солиқлар ва йнгиимларнинг янги турларини жорий этиш, ставкаларни ошириш ёки пасайтириш, солиқ имтиёзларини қўллаш усулидан фойдаланиб, миллий иқтисодиётнинг барқарор ривожланишига ва давлат бюджетини тақчиллигининг камайишига кумаклашади.

Солиқ идораларининг ваколатлилиги ва касбий даражаларини ҳисобга олиб, уларга барча даражадаги вакиллик ҳокимияти органига қуйи ҳокимият идораларининг республикада амал қиладиган солиқ қонунларига зид келадиган қарорларини бекор қилиш туғрисидаги таклифларни киритишдек жуда муҳим ҳуқуқ берилади.

Давлат солиқ қўмитаси кундалик фаолият жараёнида давлат бошқарувининг бошқа органи билан тез-тез муносабатларга киришадигани, бундай муносабатлар давлат назоратининг ушбу марказий органи фаолияти тусини аниқ-равшан ажратиб кўрсатади. Бозор иқтисодиёти шароитида солиқлар унинг асосий тартибга солувчи омил бўлади. Ҳокимият ва бошқарувнинг деярли барча органи бу жиҳатни у ёки бу даражада ҳисобга олиши керак бўлади ва айнан шу ҳолат Давлат солиқ қўмитасининг

ушбу органлар билан куп турдаги муносабатларининг объектив зарурлигини белгилайди.

Шу жиҳатдан олганда давлат бошқарувининг Давлат солиқ қўмитаси ва Молия вазирлиги сингари органлар тизимининг баҳамжиҳат ҳаракати бирмунча ибратга лойиқдир.

Аввало мазкур органлар олдида турган вазифа ва мақсадларнинг умумийлигини таъкидлаб ўтиш керак бўлади.

Масалан, Молия вазирлиги молия тизими таркибига кирадиган органларни бошқариш жараёнида Ўзбекистон Республикаси молия тизими механизмининг яхлитлигини, бозор муносабатларининг шаклланиши ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш шароитида нархларни тартибга солишнинг иқтисодий усуларининг аҳамиятини кучайтиришни таъминлай бориб, давлатнинг молиявий, валюта, монополияга қарши ва нарх-наво сиёсатиға мувофиқ келадиган солиқ сиёсатини белгилайди.

Ўзбекистон Республикасининг солиқ ва молия органлари корхоналарнинг хорижий валютадаги маблағларининг мажбурий тартибда сотилиши лозим бўлган суммаларининг, шунингдек корхоналарнинг даромадлардан тулайдиган солиқларининг тулиқлиги, туғрилиги ва ўз вақтида амалга оширилиши устидан назоратни амалга оширадilar. Қайси идораға бўйсунишидан қатъи назар, савдо ва хизмат курсатиш корхоналарининг фаолиятини текширишлар фақат давлат солиқ идоралари томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг молия ва тафтиш органлари билан биргаликда амалга оширилади.

Солиқ идоралари билан республиканинг банк тизими ўртасида ғоят мустаҳкам ҳамкорлик қарор топган.

Улар ўтказиладиган валюта операцияларининг амалдаги қонунларға мувофиқлигини ва бунинг учун зарур рухсатномаларнинг мавжудлигини, резидентларнинг бюджетта солиқлар ва бошқа туловларни тулашға оид мажбуриятларини, шунингдек хорижий валютани Ўзбекистон Республикасининг Марказий банкига сотишға доир мажбуриятларини бажаришларини, валюта маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланилишини, хорижий валютадаги туловларнинг асослилигини, ниҳоят, валюта операциялари бўйича ҳисоб ва ҳисоботнинг тулиқлигини ва объективлигини биргаликда текширишади.

Ўзбекистон Республикасининг ҳамма банк муассасаларига солиқ бошқармалари ва инспекцияларининг тақдимномаларига биноан корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ҳисобварақларидан солиқлар ва бошқа мажбурий туловларға оид қарзлар суммасини муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун 0,2 фоиз миқдоридаги пеняни ҳисоблаган ҳолда, шунингдек Ўзбе-

кистон Республикасининг қонуний актларида назарда тутилган жарималар ва бошқа санкциялар суммасини биринчи навбатли тартибда (иш ҳақи ва унга тенглаштирилган туловлардан ташқари) ундириб олиш, фуқаролардан эса суд тартибда ундириб олиш ҳуқуқи берилган.

Банк ёки кредит муассасасининг айбига қура солиқ туловчининг тулов топшириқномаси ижро қилинмаган ҳолларда эса ушбу банк ёки кредит муассасасидан солиқ туловчининг ёки солиқ идорасининг топшириқномаси келиб тушган кундан кейинги учинчи кундан бошлаб тулов муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун солиқнинг туланмаган суммасининг 0,5 фоизи миқдориди белгиланган тартибда пеня ундириб олинади. Пенянинг ундирилиши банк ёки кредит муассасасини солиққа оид топшириқларни бажаришдан озод қилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси асосий вазифани Ўзбекистон Республикасининг қонунларига, амалдаги божхона қонунларига риоя қилиниши, давлат солиқлари, йиғимлар, божхона божлари ва бошқа мажбурий туловларнинг тўғри ҳисобланиши ва тулиқ ҳамда уз вақтида туланиши устидан назоратни амалга ошириш жараёнида республика ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари тизими билан купинча аниқ баҳамжиҳат ҳаракат қилиш зарурати пайдо бўлади.

Давлат солиқ идораларининг Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Бош Прокуратураси, Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати бўлинмалари ва уларнинг жойлардаги хизматлари билан амалий ҳамкорлиги уларда давлатнинг иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан қатор умумий вазифаларнинг мавжудлиги билан боғлиқдир. Уларнинг ҳар бири уз ваколатлари доирасида тегишли восита ва усуллар орқали иқтисодиётдаги жиноий вазият хусусида зарур ахборотларни йиғишни амалга оширади, уларни таҳлил қилади ва аниқланган ҳуқуқбузарликларга нисбатан чоралар қура бошлайди.

Республиканинг иқтисодий манфаатларини ва мулкий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, тадбиркорликни ривожлантириш, давлатнинг ягона солиқ ва божхона сиёсатини ўтказишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси, МХХ, ИИБ солиқ ва божхона қонунларига риоя қилиниши соҳасидаги жиноятларни зудлик билан ва оператив тергов қилишни ташкил этадилар.

Бундай чора-тадбирлар орасида Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси бажарадиган чора-тадбирларга катта аҳамият берилади, бу орган солиқ ва божхона идораларидан ҳуқуқни муҳ-

офаза қилиш органларига бериладиган материалларнинг куриб чиқиши устидан амалий назорат юритилишини таъминлаши ва ушбу материаллар юзасидан қўзғалиладиган жиноий ишлар бўйича текширувларнинг бориши, тулиқлиги, сифати ва муддатлари устидан катъий назорат юритиши, судларнинг бундай ишларни куриб чиқишида прокурорларнинг албатта ишгирок этишларини таъминлашлари лозим бўлади.

Эслатиб ўтилган хизматларнинг солиқлар соҳасидаги ҳуқуқбузарликларга қарши курашдаги куч-ғайратларини бирлаштириш уларнинг кучларини, воситалари ва техник имкониятларини бир жойга тушлаш, кўпроқ сондаги объектларни қидирув ишлари билан қамраб олиш, бу органлардан ҳар бирининг имкониятларидан яхшироқ фойдаланиш учун имконият яратади.

Бунда қуйидагилар асосий вазифалар ҳисобланади:

а) солиқ қонунларига риоя қилиниши, тегишли бюджетларга солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий туловларнинг туғри ҳисобланиши, тулиқ ва уз вақтида утказилиши устидан назоратнинг таъминланиши;

б) солиқлар соҳасидаги ҳуқуқбузарликларнинг огоҳлантирилиши, аниқланиши, очилиши ва тергов қилиниши;

в) солиқ жиноятларини содир қилган шахсларнинг маъмурий ёки жиноий жавобгарликка жалб қилиниши ва уларнинг давлатта етказган моддий зарарини тўла қоплашини таъминлаш;

г) солиқлар соҳасидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш;

д) солиқ идораларидаги порахўрлик фактларини аниқлаш ва уларга барҳам бериш, солиқ ва божхона идоралари ходимларига нисбатан қилинаётган жиноий ниятларни очиб ташлаш ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан биргаликда ҳаракат қилиб уларни бартараф этиш чора-тадбирларини қўллаш йули билан ушбу ходимлар фаолиятининг хавфсизлигини таъминлаш (бундай махсус вазифа солиқ идораларининг назорат-тафтиш бўлинмаларига юкланади);

е) солиқ ва божхона идоралари ходимларининг касбий малакаларини ошириш;

ж) иқтисодий соҳасидаги ҳуқуқбузарликларни огоҳлантириш ва уларга барҳам бериш масалалари юзасидан ахборотлар билан алмашиши, солиқ ва божхона қонунларини бузишлар ҳақидаги ахборотларни умумлаштириш ва таҳлил этиш.

Солиқ идораларининг раҳбарлари уз хизматлари ва бўлинмаларининг Ўзбекистон Республикасининг солиқ қонунларини бузишларни уз вақтида аниқлаш ва уларга барҳам беришга, шунингдек узаро манфаатли бўлган бошқа масалаларни ҳал этишга оид ҳаракатларини доимий равишда мувофиқлаштириб туришга

ри шарт. Шу мақсадларда ишчи гуруҳлари ташкил этилиши, келишилган ҳаракатлар учун манфаатдор бўлинмалар вакиллари-нинг мунтазам тарздаги учрашувлари утказилиши, энг муҳим муаммолар эса ҳайъатларнинг биргаликдаги йиғилишларида куриб чиқилиши мумкин.

Биргаликдаги ишлар буйича ягона далолатнома тузилади ва уни, бир томондан, ушбу текширишни утказган ходимлар, иккинчи томондан эса, текширилган корхона, муассаса, ташкилотнинг раҳбари ва бош ҳисобчиси ёки тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланадиган фуқаро имзолайди.

Республика солиқ идоралари солиқ ва божхона органларининг ваколатларига тегишли бўлган ҳуқуқбузарликлар буйича суриштирувни амалга оширади, амалдаги қонунларнинг бузилиши фактларига доир материалларни тергов ва суд органларига утказди, шунингдек айбдорларни жавобгарликка тортиш ҳақидаги масалани ҳал этиш давлат солиқ ва божхона идораларининг ваколатларига кирмайдиган ҳолларда солиқ ва божхона идораларининг ваколатларига киритилган ҳуқуқбузарликлар юзасидан Ўзбекистон Республикасининг жинойий ва жинойий-процессуал қонунларига амал қилган ҳолда зарур оператив-қидирув тадбирларини амалга оширади.

Халқ хўжалиги тармоқлари ва объектларидаги иқтисодий жиноятларни очишга ихтисослашган оператив ходимларнинг мунтазам тусдаги учрашувларини утказишда ҳуқуққа қарши фаолиятнинг олдини олиш, унга барҳам бериш ва жиноятларни очиш буйича куч-ғайратларни мувофиқлаштириш учун одатда солиқларни тулашдан буйин товлайдиган корхоналар, ташкилотлар, бирлашмалар ва бошқа юридик шахслар, кучалардаги савдогарларни аниқлаш юзасидан келишилган чора-тадбирлар ишлаб чиқилади. Айни шундай учрашувларда даромадлар (фойда) ни солиққа тортишдан яшириш фактларини аниқлаш учун оператив позициялар ташкил этилиши зарур бўлган жинойий ҳоллар мавжуд объектларнинг руйхати белгилаб олинishi мақсадга мувофиқдир.

Баҳамжиҳат ҳаракат қиладиган томонлар учун қизиқарли бўлган ахборотлар билан алмашилиш режали асосда ёки зарур бўлган ҳолларда ташкил қилинади. Ахборот билан алмашилиш ахборотнинг туси ва мазмунига қараб ёзма ёки оғзаки шаклда, ваколатли органнинг суровига биноан ёки томонлардан бирининг ташаббусига кура органнинг раҳбарияти даражасида амалга оширилади.

Солиқ идоралари тинтув ёки тортиб олишни утказиш ҳақидаги қарор мавжуд бўлганида молиявий ёки бошқа ҳужжатларнинг аниқланиши ва тортиб олинишида, ички ишлар органларининг оператив-қидирув фаолияти жараёнида олган материаллар юза-

сидан Ўзбекистон Республикасининг Жиноий-процессуал кодексининг 343-моддасига мувофиқ равишда терговчининг қидирув ва тергов ишларини амалга ошириш ҳақидаги топиширини ижро этиш тартибда молиявий-бухгалтерлик тадқиқотларининг ўтказилишида ёрдам кўрсатади.

Божхона хизматининг суриштирув органлари ҳам божхона қонунларига биноан уларнинг ваколатларига киритилган ишлар юзасидан оператив иш олиб борадилар. Қатор масалалар бўйича ушбу органлар манфаатлари бир-бирига мос келади.

Божхона идораларидаги ҳужжатларнинг айланишидан фойдаланиб, ҚҚСни тулашдан бўйин товлаш мақсадида ўз маҳсулотларини иқтисодий ҳамжамиятга аъзо бўлган давлатлардан ташқарига экспорт қилинган товарлар сифатида расмийлаштирган, аслида эса уларни мамлакат ичкарасида сотган солиқ тўловчиларни ва шу кабиларни аниқлаш имконияти пайдо бўлади.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ходимлари давлат солиқ идоралари ходимларига уларнинг хизмат вазифаларини ижро этишида кўмаклашишлари ва давлат солиқ идоралари ходимларининг ўзларига юкланган вазифаларни бажаришига тўқинлик қиладиган мансабдор шахслар ва айрим фуқароларнинг хатти-ҳаракатларига барҳам беришлари шарт.

Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 28 августдаги “Метрология тўғрисида”ги Қонуни нормасини солиқ идоралари билан давлатнинг бошқа органлари уртасидаги узаро муносабатлардаги янгилик сифатида куриб чиқиш зарур. Қонуннинг 14“Давлат метрология назоратининг соҳаси” моддасида давлат метрология назорати божхона ва солиқ операцияларининг ўтказилига ҳам тегишли бўлади, деб қайд қилинган.

Давлат солиқ идоралари савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарини мажмуий текширишларда, шунингдек таҳлиллар, тадқиқотлар, экспертизаларни ўтказишда нафақат савдо, хизмат кўрсатиш соҳаси, соғлиқни сақлаш мутахассисларини, шу билан бирга стандартлаштириш, метрология мутахассисларини ҳам жалб қиладилар.

Бунда, масалан, товарларнинг қалбакилаштирилганлиги ёки очиқдан-очиқ ёмон сифатли эканлиги маълум бўлса, унда солиқ идоралари уларни сотишдан олиб ташлаш учун дарҳол санитария-эпидиомология станцияларига хабар қилишлари шарт.

Давлат солиқ идоралари товарлар, ёниги, хомашё ва материалларнинг намуналарининг синовлари, таҳлилларини ўтказишни қайси идорага бўйсунушидан қатъи назар, илмий-тадқиқотчилик институтларига, лабораторияларга топшириш ҳуқуқига эгадир.

Давлат солиқ қўмитаси бошқа идоралар, масалан, Ўзбекистон Республикасининг Фан ва техника давлат қўмитаси билан бир-галикда ҳам келишилган ишларни амалга оширади.

Жумладан, ушбу давлат қўмитаси ва Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда 1994 йил 11 январдаги 10/2-83-сонли “Инновация ва илмий-тадқиқотчилик ишларига нисбатан қўшилган қиймат солиғига доир имтиёزلарни қўлланиш тартиби тўғрисида”ги ҳужжат ишлаб чиқилди, у инновация ва хужалик ҳисоби асосидаги илмий-тадқиқотчилик ишларининг қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган турларини уз ичига олади.

Муайян ишларнинг илмий-тадқиқотчилик ва инновация ишларининг қўшилган қиймат солиғини тулашдан озод қилиниши лозим бўлган турларига киритилишига доир тушунтиришларни, шунингдек бундай турларнинг рўйхатини Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат қўмитаси Ўзбекистон Республикасининг Давлат солиқ қўмитаси ва Молия вазирлиги билан келишилган тартибга мувофиқ равишда беради ва белгилайди.

Шунга ўхшаган ўзаро муносабатлар бошқа идоралар билан ҳам йулга қўйилган.

1-ИЛОВА

СОЛИҚ ОРГАНЛАРИДА ҚУЛЛАНИЛАДИГАН МЕҲНАТНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА БОШҚАРИШНИНГ УМУМИЙ ҚОИДАЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раҳбарлигидаги солиқ ва божхона органлари ягона тизими республика давлат бошқаруви тузилмасининг таркибий қисми ҳисобланади. Шунга мувофиқ мазкур бошқарув тузилмасининг асосий хусусиятлари, унинг қурилишига ва фаолиятига доир умумий қабул қилинган барча қоидалар, муайян хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда, солиқ ва божхона органлари ягона тизимига ҳам хосдир.

Шу тариқа мазкур хусусиятлар солиқ органлари ишини ташкил этишга асос қилиб олинган, бу эса уларни муфассалроқ кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлишини билдиради.

БОШҚАРУВ ТИЗИМИ - бошқарув органларида бирлашган мутахассислар, бошқаришда фойдаланиладиган ташкилий ва ҳисоблаш техникаси; белгиланган ҳамжиҳатлик усуллари ҳамда бошқарув ахбороти оқимлари тақозо этувчи бошқарув органлари орасидаги алоқалардан, ташкилий тизим олдида қўйилган мақсадларга эришиш учун бошқарув органлари уртасида тақсимланган вазифаларни бажариш учун зарур ҳужжатлар айланиши мажмуасидан иборат.

Халқ хўжалиги, ҳар бир вазирлик, маҳкама, бирлашма, корхона узаро тадрижий бўйсунуш муносабатида бўлган ташкилий (ишлаб чиқариш-хўжалик) тизим ҳисобланади. Ҳар бир таш-

килий тизимда икки кичик тизим: бошқарувчи тизим (бошқарув тизими) ва бошқарилувчи тизим (ишлаб чиқариш тизими) ёки “бошқарув субъекти” ва “бошқарув объекти” бор. Бошқарув тизимини шакллантириш қуйидаги мажбурий изчил босқичларни босиб ўтади.

1. Тизим мақсадларининг шаклланиши.

Ҳар бир ишлаб чиқариш-хўжалик тизими учун қуйидаги мақсадлар ҳосил: ишлаб чиқариш (мўлжалдаги кўрсаткичларга мувофиқ халқ хўжалигининг муайян маҳсулотларга бўлган эҳтиёжини қондириш); илмий-техникавий (янги техника, технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш, маҳсулотлар, ишлар, хизматлар сифатини ошириш); ташкилий-иқтисодий (самарадорликни ошириш); социал (жамоани ривожлантириш, шахсий, жамоавий ва ижтимоий манфаатлар оқилона уйғунлаштирилишига эришиш).

2. Мақсадларга эришиш жараёнини таҳлил қилиш ҳамда ишлаб чиқариш-хўжалик тизими таркибини белгилаш.

Мақсадларни белгилаш уларга эришишга доир жараёнларни ҳамда жараёнларда иштирок этувчи ташкилотлар (ёки бўлинмалар)ни бирлаштириш, яъни ишлаб чиқариш-хўжалик тизими таркибини белгилаш имконини беради. Бу эса ўз навбатида бошқарув тизими таркибини белгилаш учун имконият яратади.

3. Бошқарув тизими тузилишини ишлаб чиқиш.

Бошқарув тизимининг муайян таркиби ҳамда унинг унсурлари (элементлари) юзасидан қабул қилинган тадрижийлик асосида бошқарув тизими ташкилий тузилмаларининг маълум турларидан бири танланиб, унинг унсурлари ўртасида уларга тегишли ваколатлар, аниқ вазифалар, ҳуқуқ ва мажбуриятлар тақсимланади.

4. Бошқарув тегиологиясини ишлаб чиқиш

Мазкур босқичда қуйидаги вазифалар ҳал этилади: бутун бошқарув жараёнини амалга ошириш тегиологиясини белгилаш, қарорлар ишлаб чиқиш ва қабул қилиш, қарорлар бажарилишини ташкил этиш, қарорлар бажарилишининг боришини мувофиқлаштириб туриш ҳамда назорат қилиш, бошқарув усулларида фойдаланиш йўллариини ишлаб чиқиш, самарадорликни баҳолашнинг, хўжалик ҳисоби алоқаларини ташкил этиш ва бошқа ишларнинг тартибини белгилаш.

5. Алоқаларини, ахборот ўтиши ҳажмлари ва йўллариини белгилаш, ҳужжатлар айланиши тартибини ишлаб чиқиш

Бошқарувнинг маълум тузилиши ва технологияси асосида ҳисобда турадиган ҳужжатлар сони ва таркиби, ҳисоботлар тақдим этиш тартиби (қабул қилинаётган қарорлар шакллари, муддатлари, даражаси) белгиланади.

6. Ташкилий ва ҳисоблаш техникасини тавлаш ҳамда улардан фойдаланиш

7. Раҳбарларни ва бошқарув ходимларини танлаш ҳамда ўқитиш.

Ходимларни ўқитиш - бошқарув тизими самарали ишлашининг мажбурий шarti; бунда ўқувда эгаллаб турган лавозимидан қатъи назар, бошқарувда қатнашувчи барча шахслар иштирок этиши лозим.

Бошқарув тизимини шакллантиришга малакали ёндашиш учун шу билан боғлиқ барча тушунчаларни, таърифларни, ифодаларни билиш зарур, шу боис улардан баъзиларини изоҳлаб берамиз.

БОШҚАРУВ ХОДИМЛАРИ - булар касбга доир фаолияти тула ёки кўп жиҳатдан тизим ёки ташкилот ишларини бошқаришга доир вазифаларни бажариш билан боғлиқ булган ходимлар (хизматчилар); тизим ёки ташкилот фаолияти соҳасида давлатнинг иқтисодий ва ижтимоий сиёсатини юритувчи асосий кишилар; бошқарув тизимининг бош унсури.

Бошқарув ходимлари таркиби ходимларнинг қуйидаги тоифаларидан иборатдир: раҳбарлар, мутахассислар ва ёрдамчи ходимлар. Ушбу тоифаларни ажратиш уларнинг асосий бошқарув жараёнидаги - бошқарув қарорларини қабул қилиш ва амалга ошириш жараёнидаги роли билан боғлиқ.

Раҳбарлар қарорлар қабул қилиш, улар амалга оширилишига раҳбарлик қилиш ҳуқуқига эга ва бу ҳуқуқларни амалга оширишлари шарт. Маҳнат ҳуқуқига раҳбарлар фармойиш берувчи, назорат қилувчи ва интизомни текширувчи ҳамда муайян масъулият юкланган мансабдор шахслар сифатида тавсифланади.

Мутахассислар қарорларнинг вариантларини тайёрлайди ва уларни амалга оширишда иштирок этадилар.

Ёрдамчи ходимлар раҳбарлар ва мутахассислар фаолияти учун зарур хизматлар (ҳужжатлар, ахборот ва бошқаларга доир хизматлар) курсатиш билан шугулланади.

Бошқарув ходимлари касбларига кура, яъни улар ҳосил қилган махсус меҳнат куникмалари йиғиндисига қараб булинади.

Бошқарув тизимида иқтисодчилар, ҳуқуқшунослар, муҳандислар ва бошқалар ишлаши мумкин. Хусусан, раҳбарлар ҳам кўпинча алоҳида бир касб ходими ҳисобланади.

Касб мутахассисликлар бўйича бўлиниши мумкин. Мутахассислик мазкур касб доирасида муайян вазифаларни бажариш учун зарур бўладиган махсус билим ҳамда амалий кўникмалар билан тавсифланади. Чунончи, “иқтисодчи” касби доирасида кенг соҳа иқтисодчилари, математик-иқтисодчилар, муҳандис-иқтисодчилар ва бошқалар бор. Мутахассисликлар ходим касб тайёргарлигининг даражаси ва турларига кўра тавсифланадиган малака билан боғлиқдир.

Лавозим корхона ва муассасаларнинг таркибий кадр бирлиги ҳисобланади. Лавозим махсус хизмат вазифалари, мансабга доир ҳуқуқлар ва мажбурият доираси билан тавсифланади. Лавозимнинг номи бажариладиган иш ҳарактерига мос келиши керак.

Лавозимлар рўйхати махсус ҳуқуқий ҳужжат - халқ ҳўжалигини бошқариш органларида ишловчи хизматчилар лавозимларининг Ягона рўйхатида белгилаб қўйилган.

Ягона рўйхат хизматчиларнинг барча тоифаларини, шу жумладан сайланувчи ва тайинланувчи раҳбар ходимларни қамраб олган.

Барча хизматчилар уч гуруҳга бўлинади: раҳбарлар, хизматчилар ва техник ижрочилар. Раҳбарлар раҳбарлик қилиш объектларига қараб гуруҳлар бўйича таснифланади.

Лавозимларнинг 9 гуруҳи мавжуд. Шў жумладан раҳбарлар учун - иккита, мутахассислар учун - тўртта ва техник ижрочилар учун - иккита гуруҳ бор.

Ягона рўйхатга кирган ҳар бир лавозим бўйича лавозим тавсифлари мазмуни бошқа махсус ҳужжат - хизматчилар лавозимлари Малака билдиргичи (ХЛМБ) да белгилаб қўйилган. Ҳар бир лавозим бўйича тавсиф уч бўлимдан иборат: “Лавозим вазифалари”, “Билиши керак”, “Малакага доир талаблар”. Биринчи бўлимда мансабдор шахснинг вазифалари белгилаб қўйилган, иккинчи бўлимда лавозим вазифаларини бажариш учун қонунлар ва бошқа ҳўжатларни билиш зарурлиги таъкидланган, учинчи бўлимда муайян вазифаларни бажариш учун зарур бўлган умумий ва махсус тайёргарликнинг энг паст даражаси белгиланган.

Бошқарув тизими муваффақиятли ишлаши учун касблар, мутахассисликлар ва лавозимлар мутаносиблигини таъминлаш муҳимдир.

Лавозим малака талаблари лавозим йуриқномаларини ишлаб чиқиш учун асос бўлиб хизмат қилади. Лавозим йуриқномаси - ходимнинг лавозим вазифалари белгилаб қўйиладиган ҳужжат. Бошқарув органининг **Таркибий бўлинмалар** (бўлим, хизмат ва бошқалар) **туғрисидаги Низоми йуриқномаларни** ишлаб чиқишда асосий ҳужжатлардан бири ҳисобланади. Лавозим йуриқномалари раҳбарлар учун юқори органлар томонидан, бошқа ходимлар учун эса шу ташкилот раҳбари томонидан ишлаб чиқилади ва тасдиқланади.

Лавозим йуриқномаларини ишлаб чиқиш учун иш вақти сарфи туғрисидаги маълумотлар ва бошқа материаллардан фойдаланилади. Йуриқнома одатда турт бўлимдан иборат бўлиб, уларда қуйидагилар кўрсатилади: а) ишдан кўзланган мақсад ва вазифалар, мазкур лавозимда ишловчи ходимдан талаб қилинадиган малака, шунингдек уни бу лавозимга ким тайинлаши ва озод қилиши, у кимга ва ким унга бевосита бўйсунishi, у ўз амалий фаолиятида қандай асосий юридик ҳужжатларга амал қилиши белгилаб қўйилади; б) мазкур лавозим билан боғлиқ вазифаларнинг тулиқ рўйхати; в) ходимнинг ҳуқуқлари; г) зиммасига юклатилган вазифаларни бажармаганлик, шунингдек ўз вазифаларига лоқайд муносабатда бўлиши оқибатида корхонага (муассасага) етказилган моддий зарар учун ходимнинг шахсий жавобгарлиги.

Йуриқномалар илмий асосланган ҳолда ишлаб чиқилиши ва мунтазам равишда қайта кўриб турилиши бошқарув аппарати иши сифатини мунтазам ошириб бориш имконини беради.

Мазкур муассаса (корхона) ходимларининг белгиланган тартибда тасдиқланган рўйхати штатлар жадвали дейилади. **Штатлар жадвали** - меъёрий ҳужжат бўлиб, унда штатдаги лавозимларининг аниқ номлари, шунингдек лавозим маошларининг миқдори кўрсатилади. Штатлар жадвалининг асоси - бошқарув аппаратининг **намунавий тузилиши ҳамда бошқарув ходимлари миқдори меъёрларидир**. Ташкилот, бирлашма, корхона раҳбари шу ҳужжат асосида штатни тасдиқлайди. У молия органларида рўйхатдан ўтказилмайди.

Бошқарувнинг ташкилий тузилиши - ташкилотларни бошқариш тизимлари тузилишидир. Бошқарув тизимлари тузилиши

бошқарув тизими шакли бўлиб, у тизимда барқарор алоқалар бирлигини белгилаб беради, унинг бутлиги ва узига мослигини, яъни турли ички ва ташқи ўзгаришлар юз берганда ҳам асосий хусусиятлар сақлаб қолганини таъминлайди. Бошқарув тизимининг ҳамжиҳатликда ишлаши ҳамда улар уртасидаги алоқалар усуллари кўрсатади, тизим элементлари орасида юз бераётган жараёнлар тавсифи бўлиб хизмат қилади.

Тузилиш - ташкилотнинг боғловчи бўғини. У режалаштириш шакллариغا, иш тақсимотига таъсир қилади, ҳар бир бўлинма иши натижақдрлигини белгилаш имконини беради;

бошқарув технологиясига, бошқарув техник воситаларидан фойдаланиш усуллари ҳам таъсир утказади.

Бошқарувнинг ташкилий тузилиши унинг расмий ва норасмий томонлари мураккаб уйғунлигидан иборат. Расмий деганда бошқарув юқори органларининг йуриқномалари, буйруқлари, фармойишлари билан белгиланган тузилиш тушунилади. Ҳуқуқий меъёрлар унинг асоси бўлиб хизмат қилади; норасмий тузилиш жамоа аъзоларининг ўзаро муносабатлари, улар нуқтаи назарлари, мойилликлари ва бошқаларнинг бирлиги ва хилма-хиллиги асосида шаклланади.

Бошқарув тизими тузилишининг асосий элементлари - алоқалар ва бошқарув органларидир. Улар чизиқли (линейний), функционал, штабга оид, матричасимон, дастурий-мақсадли бўлиши мумкин. Улар изчил тарзда жойлашади ҳамда олий, ўрта ва қуйи даражали органлар бўлади.

Бошқарув тузилишида алоқалар қуйидагича бўлинади: Раҳбар ва тобеъ бўғинлар ўзаро муносабатларини ифодаловчи вертикал алоқалар; бошқарувнинг бир поғонасида турган, тенг ҳуқуқли бўғинларнинг ўзаро муносабатларини ифодаловчи горизонтал алоқалар; туғри ва муқобил алоқалар. Бошқарув органига бўйсинувчи қуйи органлар сони билан белгиланадиган бошқариш кулами тузилишнинг муҳим хусусияти ҳисобланади. Горизонтал алоқаларни тавсифлашда бошқарув жараёнида алоқа ўрнатиладиган бошқарув органлари умумий сони курсаткичи қўлланилади. Тузилишни таркиб топтирган элементлар уртасидаги алоқа турларига мувофиқ, тузилишларнинг бир неча тоифалари ажратилади.

Чизиқли тузилиш бошқарувнинг қуйи даражали органлари бевосита юқори даража раҳбарига бўйсунадиган бошқарув аппарати қурилиш натижасида вужудга келади.

Функционал тузилиш - бошқарув мураккаблашиб бориши ва ихтисослашиш ривожланиши натижасидир. У бошқарув аппаратида меҳнат тақсимотига асосланади, бунда ҳар бир функционал раҳбар ўз лавозими ваколати доирасига кирувчи фармойишлар бериш ҳуқуқига эга бўлади.

Штабга оид ёки чизиқли-функционал тузилиш чизиқли ва функционал бошқарув бирлашуви натижасида вужудга келади. Бунда функционал бўлинмалар қарорлар қабул қилиш ҳамда қуйи бўлинмаларга раҳбарлик қилиш ҳуқуқини йўқотади. **Матрицасимон тузилиш** алоҳида бўлинмалар, мувофиқлаштирувчи бўғинлар - дастурнинг бошқа барча иштирокчиларига ва функционал раҳбарларга таъсир ўтказиш ҳуқуқини олувчи дастурлар (мавзулар) раҳбарлари вужудга келтирилиши билан тавсифланади.

Дастурий-мақсадли тузилиш муайян дастур (лойиҳа) амалга ошириладиган вақт учун ташкилий тизим доирасида барпо этилади ҳамда тузилишнинг барча унсурлари дастур (лойиҳа) раҳбарига бевосита бўйсунди.

Бошқарув ташкилий тузилишни такомиллаштириш унинг расмий ва норасмий томонларини яхшилаш билан боғлиқ бўлади. Биринчи ҳолатда ҳуқуқий ҳужжатлар ёрдамида бошқарувнинг объектив белгиланган мақсадлари ва вазифаларига кўпроқ мос келадиган ташкилий бошқарув тузилишини лойиҳалаш ва мустаҳкамлаш кўзда тутилади.

Бошқарув ташкилий тузилиши турли график моделлар, таҳлилий таърифлар, рўйхатлар ва жадваллар кўринишида намоён этилади.

Ташкилий муносабатлар - жамоанинг аралаш бўғинлари ва иштирокчилари ўртасидаги тартибга солинган ўзаро муносабатлар, бошқарув муносабатларининг нисбатан ажралиб турадиган қисми. Ташкилий муносабатлар объектив мутаносибликлар ва боғлиқликларни ҳисобга олиб, ишлаб чиқариш кучларининг, шунингдек ишлаб чиқариш ва бошқариш муносабатларининг муайян шаклларини қайд этади ҳамда такомиллаштиради ва шу билан бирга уларни муайян тартибга солади ҳамда зарур тугаллик (бутлик) баҳш этади.

Ташкилий муносабатларга объектив алоқалар ва боғлиқликларнинг талаблари асос қилиб олинади, лекин амалда ҳар қандай ташкилий тузилиш бошқариш субъекти ёрдамида барпо этилади ва сақлаб турилади. Тузилиш ҳамда аралаш ишлаб

чиқаришдаги алоқалар қанчалик мураккаб ва жушқин булса, ташкилий муносабатлар бошқарув органларидан шунчалик кўи эътибор талаб қилади. Ташкилий муносабатлар вужудга келган меҳнат кооперациясида алоҳида жамоалар ва ҳар бир ходимнинг ўрни, вазифалари, мажбурият ва ҳуқуқларини, шунингдек улар ўртасидаги конкрет технологик, иқтисодий ва бошқарув алоқаларини акс эттиради ҳамда айни пайтда белгилаб беради. Ташкилий муносабатлар қаттиқ ва қотиб қолган бўлиши мумкин эмас, акс ҳолда улар ишлаб чиқариш тармоқларидаги, фан ва маданият соҳаларидаги таркибий силжишларга мос келмай қолади, самарадорлик ўсишига тўсқинлик қила бошлайди.

Бироқ, ишлаб чиқариш кучларини ривожлантиришдаги ички зиддиятларни фақат ташкилий тузилмани ўзгартириш ёки янги бошқарув органи барпо этиш йули билан ҳал этишга уриниб, қайта ташкил этишни суинистеъмол қилиб бўлмайди. Ташкилий муносабатларни такомиллаштириш ҳеч қачон энг асосий мақсад бўла олмайди. Бу - фаолият учун қулайроқ, тартиблироқ шароит яратиш воситаси, холос. Ташкилий алоқаларни ўзгартиришдан реал юқори самарага бундай ўзгаришлар ишлаб чиқариш ва бошқаришдаги сифат жиҳатидан таркибий ўзгаришларга бўлган объектив эҳтиёжларни акс эттирган тақдирдагина эришиш мумкин. Ташкилий тузилишлардаги ҳар қандай ўзгаришларни синчиклаб тайёрлаш, бундай ўзгаришдан кутилаётган реал социал- иқтисодий самарани атрофлича асослаш, ижобий натижа берадиган булсагина амалга ошириш зарур.

Бошқарув аппаратиини, биринчидан, давлат бошқаруви органлари тизими, фаолиятнинг у ёки бу соҳасида бошқарувни таъминловчи муассаса ва ташкилотлар жамлиги; иккинчидан, бирон бир муассаса ёки ташкилотнинг бошқарув билан боғлиқ ишларини бажарувчи ходимлари (раҳбарлар, мутахассислар, техник ижрочилар) жамлиги сифатида белгилаш мумкин.

Давлат номидан иш юритувчи, ўз ички тузилишига, ҳокимият ваколатларига, ҳужалик, маданий ва маъмурий жараёнларни жорий бошқариш учун зарур ваколат ҳамда воситаларга эга булган давлат ашпаратининг таркибий қисми - давлатнинг бошқарув органидир.

Ўзбекистон Республикаси давлат бошқаруви органлари тизими ўз ичига республика давлат ҳокимиятининг олий иж-

роня-фармойиш берувчи органларини олади. Булар - умумий ваколатларга эга органлар; тармоққа доир ва тармоқлараро ваколатларга эга бўлган давлат бошқаруви марказий органлари, яъни вазирликлар, давлат қўмиталари, бош бошқармалар ва бошқа маҳкамалар; давлат бошқаруви маҳаллий органлари - ҳокимликлар, уларнинг бўлимлари ва бошқармалари, шунингдек вазирликлар ва маҳкамаларнинг жойлардаги ҳокимликларга бўйсунмайдиган органлари.

Давлат бошқаруви органлари тизимидаги бошлангич бўғин - бирлашма (корхоналар), ташкилотлар бошқарув апарати хужалик бошқаруви апарати деб аталади ва бошқарув органлари - бошқарувга доир алоҳида вазифаларни бажариш ёки бошқарув жараёнини таъминлаш билан шуғулланувчи булинма ва хизматларда бирлашган ходимларни ўз ичига олади. Бошқарув апарати штатлар жадвали ва у ёки бу ходим (орган) бош бошқарув тузилиши доирасида бажариш керак бўлган вазифалар билан белгиланувчи касб-малака тавсифлари асосида ташкил этилади. Бошқарув апарати ходимларининг таркиби, улар кимга бўйсунishi, шунингдек уларнинг вазифалари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари тақсимоти бошқарув тизими ташкилий схема тузилишида белгилаб қўйилади.

Бошқарув апаратини такомиллаштириш ва уни сақлаш чиқимларини қисқартириш долзарб муаммолигича қолмоқда. Бу муаммо оқилона тузилмаларни жорий этиш, ходимлар ишини яхшироқ йўлга қўйиш, ҳужжатлар айланишини мукамаллаштириш, ҳисоблаш техникасини жорий этиш, ходимлар тайёргарлиги даражасини ошириш йўли билан ҳал этилади.

Ортиқча ва мувозий ишловчи бошқарув органларини йўқотиш, ташкилий ва ҳисоблаш техникаси воситаларини жорий этиш, бошқарув тузилишини ҳамда ишлар ташкил этилишини яхшилаш масалалари доимий равишда ҳал этиб борилиши зарур. Айни шу мақсадларда бошқарув ҳужжатлари зарур даражада бир хиллаштирилишини таъминлаш, унинг миқдорини камайтириш, ҳужжатлар айланишини яхшилаш, ҳисоботларни қисқартириш муҳимдир. Бошқарув вазифаларини бажариш раҳбар ходимлар, бошқарув апаратининг барча хизматчилари юксак даражада тайёргарликдан ўтишини кўзда тутади.

Бошқарув ходимлари билан ишлаш тизими ходимлар сиёсатини ишлаб чиқиш, ходимлар танлашни ташкил этиш ва хо-

димлар билан ишлашни режалаштириш, бошқарув ходимларини аттестациядан ўтказиб туриш ва ўқитиш кабиларни ўз ичига олади.

Бошқарув ходимлари билан ишлашга доир вазифалар ишлаб чиқариш ходимлари билан ишлаш вазифаларидан фарқланади.

Уларнинг биринчиси бошқарув жараёнининг бир қисми, иккинчиси эса, ишлаб чиқариш жараёнининг, яъни бошқариш объектининг иккинчи қисми ҳисобланади. Бошқарув ходимлари билан ишлашга доир вазифалар ходимлар билан ишлаш умумий сиёсати доирасидаги аниқ мақсадли тадбирлар тизими кўринишида амалга оширилади. Бу, хусусан, улар тузилишини шакллантириш, ҳужалик бошқаруви ходимларини танлаш ва ўқитиш; уларнинг меҳнатини ташкил этиш, иш услуги ва усулларини шакллантириш; улар фаолияти асосланишидаги ўзгаришларни аниқлаш ҳамда шундай асослар йўналишини белгилаш, ходимларни тарбиялаш кабилардан иборатдир.

Ходимлар сиёсати - ходимлар билан ишлашнинг бош йўналиши, унинг энг муҳим асослари йиғиндиси; ривожланиш истиқболларига мувофиқ ходимлар билан ишлашнинг узоқ муддатга мулжалланган асосий йўналиши.

Ходимлар билан ишлаш сиёсати жамиятни ривожлантиришнинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий вазифаларига мос бўлишига интилиш зарур.

Резерв учун ходимларни туплаш, шакллантириш, устириш ротациялаш ротация жой-жойига қўйиш, бушатиш кабилар ходимлар билан ишлаш тизимининг вазифаларидан эканини ҳисобга олиш лозим. Туплаш - илгари бошқариш билан шугулланмаган ходимларни бошқарув соҳасига жалб этиш. Резервни шакллантириш - ходимларни янги лавозимларни эгаллашга тайёрлаш ва уларни тарбиялаш. Ўстириш - ходимни янги, юқорироқ лавозимга тайинлаш. Ротация - ходимларни ўзлари гурган даражадаги янги лавозимларга ўтказиш (горизонтал буйича ҳаракатлантириш). Жой-жойига қўйиш ходимларни асосий иш участкаларига тақсимлаш.

Бушатиш - ходимнинг эгаллаб турган лавозимидаги ёки бошқарув тизимидаги хизматини тугаллаш маъноларини билдиради.

Бошқарув жамоасини шакллантириш ходимлар билан ишлашнинг муҳим бўғини ҳисобланади. Шу орқали ходимлар ти-

зими ишлашининг барча шартларини тайёрлаш ниҳоясига етади. Ходимлар билан ишлашни режалаштириш - бошқарув тизимидаги энг кам ривожланган соҳалардан бири, лекин ходимлар билан ишлаш мазмунининг ўзи, ходимлар корпусини шакллантиришга доир тадбирлар узоқ муддатли бўлиши, ходимларни тайёрлаш ва улар малакасини ошириш билан боғлиқ харажатлар ҳажми тобора ўсиб бораётганлиги режали ёндашув кучайтирилишини талаб қилмоқда. Ходимларни танлаш ва жой-жойига қўйиш билан амалда шуғулланувчи органлар режалаштириш субъектлари бўладилар. Ходимлар билан ишлашни режалаштириш мантиқи ходимлар билан ишлаш мантиқига мос келади. Дастлаб бошқарув ходимлари штатлари таркибида юз бериши мумкин бўлган ўзгаришлар ишлаб чиқилиши зарур. Шундан сунг потенциал вакансиялар туғрисидаги маълумотлар олиниши мумкин. Олдиндан айтиш (прогноз)нинг ана шу уч тури - энг мураккаб иш.

Шундан кейин буш жойларга ходим олиш ва ходимларни ротациялаш режалари ишлаб чиқилади. Ана шу ҳолат ички ва ташқи манбалардан ходимлар олиш йўллари ҳамда шакллари-ни белгилаш имконини беради. Бу режанинг асосий қисми - ходимлар резерви билан ишлаш.

Бошқарув ходимлари мунтазам ўқувини ташкил этиш (ходимларни ротациялаш давомидаги ўқув режалари, умумий ва оператив резерв малакасини ошириш, ўқитиш режалари) ходимлар билан ишлашни режалаштиришнинг алоҳида бўғинидир.

Яқунловчи бўғин - якка тартибда режалаштириш, ҳар бир ходим хизмат юзасидан юқорироқ лавозимга ўтказилишининг ўзига хос режалари. Умумий режалардан ташқари хусусий режалар ҳам ишлаб чиқилади: аттестациялар ўтказиш, ёш ходимлардан фойдаланиш ҳамда уларни тайёрлаш ва ҳоказолар.

Бошқарув тизимида маъсулият - бошқарув тизимининг энг асосий қисмларидан бири. Иқтисодиётни бошқариш, хусусан, маъсулиятнинг узаро боғлиқ шаклларига гаянади; унда юридик ва маъмурий жавобгарлик фаол роль уйнайди. Зеро буларнинг амал қилиши иқтисодий маъсулият билан узвий боғлиқдир. Юридик жавобгарлик ҳужалик фаолиятини тартибга солувчи ҳуқуқий меъёрлар асосида қурилади, иқтисодий жавобгарлик иқтисодий воситалардан фойдаланишга асосланади. Иқтисодий жавобгарликнинг амал қилиш доираси унинг бошқа шак-

ларига нисбатан анча кенг. У бошқаларидан фарқли улароқ, ҳар бир ходимга тегишли булиб қолмасдан, шу билан бирга жамоалар, корхоналар ва бирлашмаларга ҳам тааллуқли булади.

Иқтисодий жавобгарлик тизимини такомиллаштириш икки асосий йўналишни ўз ичига олади: бу - хужалик барча буғинларининг сифатли иш натижалари учун жавобгарлигини изчиллик билан кучайтириш ҳамда рағбатлантириш ва иқтисодий жавобгарлик тизимлари орасидаги узаро алоқани янада мустаҳкамлаш.

Уларнинг ҳар бири иккинчи тизим ҳаракатлари билан қўллаб-қувватлаб турилган тақдирдагина ўз вазифаларини самарали бажариши мумкин.

Бошқарув тизимини такомиллаштиришнинг амалда барча йўналишлари жавобгарликни мустаҳкамлаш билан боглиқ. Ҳар қандай ташкилий бошқарув тузилмаси самарали ва бехато амал қилувчи масъулият бўлсагина, ўз вазифаларини бемалол бажариши мумкин.

Бошқарув ходимларининг ўқуви - халқ хужалигини бошқариш соҳасидаги назарий ва илғор тажрибани урганиш. Моҳир бошқарув ходимини тайёрлаш мураккаб иш булиб, амалда унинг бутун фаолияти жараёнида давом этаверади. У ташкилий ўқув, мустақил ўқиш, иш вақтидаги таҳсилни ўз ичига олади.

Ташкилий ўқув икки турдан иборат: ходимлар тайёрлаш ва улар малакасини ошириш. Бошқарув ходимларини тайёрлаш - у ёки бу лавозимда иш бошлашдан олдин ўқитишдир. Бошқарув ходимлари малакасини ошириш бир неча йиллардан буён муайян лавозимда ишлаётган кишилар маҳоратини ошириш мақсадида олиб борилади.

Билим беришгина эмас, шу билан бирга бошқариш маҳоратини, қуникмаларини, санъатини ривожлантиришга хизмат қиладиган ўқитиш усуллари малака оширишда алоҳида роль ўйнайди. Бундай усуллар фаол усул деб номланади.

Ўқитишнинг фаол усулларини икки гуруҳга булиш мумкин: илғор тажрибани узлаштириш ҳамда маҳорат ва қуникмаларни ривожлантириш. Биринчи гуруҳга илғор корхоналар, бирлашмалар, вазирликлар ва маҳкамаларда тажриба урганиш киради. Тажриба урганиш ўқув жараёнига қушилади, курс ишлари, лойиҳалар тайёрлашда фойдаланилади; корхоналарга бориб

Ўтказиладиган амалий машғулотлар ҳам шу гуруҳга киради. Иккинчи гуруҳга ишлаб чиқариш вазифаларини таҳлил қилиш ва ҳал этиш, ҳужжатларни ўрганиш, амалий ўйинлар ва бошқа усуллар киради.

Малака ошириш ўқув жараёнида ўқитишнинг фаол усуллари қўллаш одатдаги лекциялар, семинар машғулотлари каби ҳаммага маълум анъанавий таҳсил усулларини истисно этмайди. Лекин машғулотлар ўтказишнинг анъанавий усуллари ҳам билиш-фикрлаш фаолиятини жадаллаштирувчи усулларни қамраб олиши, ўқув жараёнини амалий вазифаларга яқинлаштириши лозим.

Хизмат фаолияти, турдош муассаса ва ташкилотларга ташрифлар, юқори ташкилотларнинг мутахассислари билан масалаларни муҳокама қилиш, янги билим ва тажриба орттириш учун барча имкониятлардан фойдаланиш бошқарув ходимларини шакллантиришда алоҳида роль ўйнайди.

Аппарат ишини ташкил этишда ходимлар доимий ҳамжиҳатликда ишлайдиган хизматларда қисқа муддатли тажриба ўрганиш, вақтинча “горизонтал бўйича” ҳаракатлантириш (масалан, таътил даврида бошқа хизматдаги лавозимга ўтказиш) амалиётини кенгроқ қўллаш керак бўлади.

Бироқ ўз устида мустақил ишлаш малака оширишнинг умумий асоси эканлигича қолади. Ўз маълумотини ошириш ишини ўзини ўзи тарбиялашдан, шахснинг маънавий ривожланиши жараёнидан ажратиб бўлмайди.

Бошқарув фаолияти самарадорлиги - унинг пировард натижаси билан бунинг учун сарфланган ёки фойдаланилган ресурслар ҳажми ўртасидаги нисбат. Бошқарув фаолияти фойдали самарасини шакллантириш ва амалга ошириш баъзан бир неча йилга чўзиладиган узоқ муддатли жараёнدير.

Бошқарув самарадорлигини баҳолаш ишлаб чиқариш унумдорлигини баҳолашга нисбатан анча мураккаб. Бошқарув жараёнини алоҳида босқич ва операцияларга бўлиш, бунда бошқарув органи билан унинг алоҳида бўғинлари эришган ўзаро боғлиқ оралиқ (локал) ва пировард натижаларни ажратиб кўрсатиш мумкин.

Оралиқ натижалар ҳам ўз аҳамиятига кўра бир хил эмас. Уларнинг асосийлари - конкрет қарор ва режаларда ўз ифодасини топган умумлашма фикрлар, янги ғоялар, тамойиллар. Бундан ташқари, бошқарувнинг ҳар бир бўғини ёки мутахас-

сис ишланмалар, меъерий ва маълумот материаллари тайёрлайди. Бу оралиқ натижаларни ёрдамчи натижалар деб аташ мумкин. Бироқ уларнинг сифати куп жиҳатдан бутун бошқарув натижадорлигига боғлиқ булиб, таҳлил қилиниши ва баҳола-ниши лозим.

Бошқарув фаолияти самарадорлигининг умумлаштирувчи баҳоси бошқариладиган объект (корхона, тармоқ, минтақа) ишининг пировард натижаларини билдиради. Ўз вақтида қарор қабул қилиниши, мувозанатли режа ишлаб чиқиши мумкин, лекин бу юқори самарадорликни таъминламайди - улардан ташқари, белгиланган мақсадларга мумкин қадар кам-роқ чиқим билан эришиш учун жамоага таъсир утказишнинг ташкилий, назорат, рағбатлантирувчи ва тарбиявий чоралари ҳам курилиши зарур.

Гарчи, бошқарув қарори ёки режаси жами ходимлар фао-лияти фойдали самарасига эришиш учун жуда муҳим булса-да, у ҳали фақат дастлабки қадам холос. Табиийки, агар қабул қилинган режа ёки қарор яхши асосланмаган, ресурслар билан таъминланмаган булса, юқори самарадорликдан умид қилиб булмайди. Лекин яхши режа ёки қарор кейинги босқичларда ташкилий ишлар даражаси пастлиги оқибатида бажарилмай қолиши мумкин.

Айрим мезонлар ҳамжиҳатлиги ролини диалектик тушуниш нуқтаи назаридан туриб айтиш мумкинки, бошқарув самара-дорлигини таҳлил қилиш ва баҳолашнинг икки асосий усули бор. Биринчиси - самарадорликни мақсадга эришиш даражаси ёки муддатларига қараб баҳолаш булиб, у объектив омилларга ва қуйилган вазифага боғлиқдир. Бу эса мазкур бошқарув органи (раҳбари) ҳаракатларининг сифати ва самарадорлигини тавсифлайди. Агар белгиланган мақсадга эришилган, қуйилган вазифа муддатида бажарилган булса, демак бошқарув самарали ишлаган.

Иккинчи усул олинган фойдали натижаларни бошқарила-диган объектнинг ресурсларга доир имкониятлари билан таққ-ослашдан, мазкур меҳнат жамоасининг имкониятлари қай да-ражада амалга оширилаётганини аниқлашдан иборат. Ушбу корхона, алоҳида тармоқ, минтақа ёки мамлакат барча ресур-сларидан, алоҳида турдаги хом ашёдан ходимларни қанчалик тула фойдаланилаётгани аниқланади. Шундай нуқтаи назардан олганда бошқарув сифатига берилладиган энг юқори баҳо - бу

ҳар бир ходимнинг қобилиятларидан, хом ашё материаллари ва ишлаб чиқариш аппаратининг барча фойдали хусусиятларидан тўла-тўқис фойдаланишдир.

Гарчи ҳар икки усул бир-бирига ўхшаш бўлса-да, улар ифодасининг конкрет шакллари - кўрсаткичлар фарқ қилади.

Иш унумдорлиги даражаси, асосий ишлаб чиқариш фондларидан, ходимлардан, хом ашёдан, энергия ва бошқа ресурслардан фойдаланиш жадаллиги даражаси иқтисодиётни бошқариш органлари иши сифати ва натижадорлигини баҳолашда энг муҳим меъзонлар бўлиб қолади. Мазкур жамоа имкониятларини амалга ошириш даражасини, яъни унинг иши тиғизлиги, паст натижалардан юқорироқ шировард натижалар сари ҳаракатланиш динамикаси даражасини фарқлаш зарур. Бу, самарадорлик мутлақ даражасини тафсиловчи кўрсаткичлар биринчи гуруҳи қўлланишини кўзда тутади. Бунга олинган фойдали натижани фойдаланилган (ёки банд қилинган) ресурслар билан солиштириш орқали эришилади. Кўрсаткичлар иккинчи гуруҳи ёрдамида динамика, яъни конкрет ҳисобот ёки режа даври давомидаги ҳаракатланиш самарадорлиги даражаси ўзгариши ўлчанади.

Бошқарув тизимида раҳбарларгина эмас, мутахассислар, шунингдек ёрдамчи ходимлар ҳам банд бўлгани туфайли улар ишининг конкрет натижаларини - бошқарув аппарати муайян бўлинмалари айрим операциялар ёки функцияларни бажариши самарадорлигини баҳолаш зарурати келиб чиқади. Натижакорлик, аниқлик, оперативлик, ижро муддати каби кўрсаткичлар биринчи ўринда туради.

Бошқарув фаолияти конкрет натижаларини бошқарувнинг ҳар бир бўғинидаги харажатлар билан таққослаш унинг фаолияти унумдорлигини анча аниқ баҳолаш имконини беради.

Ходимларни аттестациядан ўтказиш - бошқарув ходимларига уларнинг амалий ва шахсий сифатлари, фаолиятида эришган натижаларга қараб баҳо бериш. Аттестация корхона ва ташкилотлар раҳбар ходимлари ва бошқа мутахассисларини аттестациядан ўтказиш Тартиби туғрисидаги низом асосида амалга оширилади. Ушбу ҳужжатда ходимларга мунтазам равишда баҳо бериб бориш қойдаси, бу иш даврийлиги, баҳолаш субъектлари (аттестация комиссиялари), уни ўтказиш тартиби, шунингдек натижаларни аттестация қилинган ходимга маълум қилиш қойдаси ва бошқалар расман белгилаб қўйилган.

Ходимлар билан олиб бориладиган ишларнинг ходимларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, уларнинг моддий ва маънавий рағбатлантирилишини ташкил этиш, малакасини ошириш каби ва бошқа муаммоларни ҳал этишда бошқарув ходимларини баҳолаш зарур бўлади. Агар бутун ходимлар билан олиб бориладиган ишлар бошқарув ходимлари мунтазам равишда объектив баҳоланиб турилишига таянадиган бўлса, бу иш анча самарали бўлади.

Бошқарувнинг барча ходимларини баҳолашга умумий ёндашув мавжуд бўлиб, унга қўра ходимларнинг уч асосий тоифаси (раҳбарлар, мутахассислар, ёрдамчи ходимлар) ҳамда баҳолаш мақсадлари (ходимларни танлаш, рағбатлантиришни ташкил этиш ва бошқалар) бўйича вариантлар ишлаб чиқилади.

Бошқарув ходимларини баҳолаш шахсий меҳнат натижаларини ҳамда сифатни баҳолашни ўз ичига олади.

Шахсий меҳнат натижаларини баҳолаш икки турга бўлиниши мумкин: бевосита (миқдор ва сифатга қараб) ва билвосита. Меҳнатни ҳажмига қараб бевосита баҳолаш бирон ахборотни сақлаб қолиш билан боғлиқ бўлмаган ишларни бажарувчи ходимлар тоифасига, яъни ёрдамчи ходимларга (машинисткалар, иш юритувчилар ва ҳоказо) нисбатангина қўлланилиши мумкин.

Ахборот билан боғлиқ ишларни бажарувчи ходим меҳнати натижаларини баҳолаш учун шахсий меҳнат натижаларини сифат бўйича баҳолаш усулидан фойдаланилади, хусусан тошшириқ тулиқ, ўз вақтида бажарилиши ва бошқалар баҳоланади.

Меҳнатни билвосита баҳолаш ходим бошқарув аппарати ва бошқарилаётган объект иши якунларига қўшган улушини баҳолашдан иборатдир. Билвосита баҳолашнинг қийин томони ҳам бор, зеро бунда таҳлил этилаётган у ёки бу давр якунлари бошқарув аппарати иши натижаларини қисман акс эттиради холос. Бу якунлардан кўпроқ аввалги даврлар натижаларини билиш мумкин. Шу боис у ёки бу бошқарув қарорлари ўзоқ вақт мобайнида ишлаб чиқариш билан боғлиқ ёки бошқа жараёнга кўрсатадиган таъсир тақсимланишини ҳисобга олувчи тузатиш коэффициентлари жорий этилади.

Мутахассислар фаолиятини тавсифлаш учун бошқарув меҳнати мураккаблигига қараб баҳоланади. Қўйидагиларни унинг элементлари сифатида ажратиш кўрсатиш мумкин: меҳнат мазмунини ташкил этувчи вазифалар; бажарилаётган ишлар хил-

ма-хиллиги ва комплекслилиги; иш мустақил бажарилиши даражаси; раҳбарлик қўлами ва мураккаблиги; қўшимча масъулият характери ва даражаси; ижодий вазифалар ҳажми.

Ходим шахсига баҳо бериш куплаб (баъзи ҳолларда унлаб) сифатларни ўз ичига олади. Бу эса баҳолашни жуда мураккаблаштириб юборади. Шу боис билимлар (маҳорат, феъл-атвор хусусиятлари)ни бошқариш меъзонлари ҳамда раҳбарлик объекти (тармоқ, корхона ва бошқалар) нуқтан назаридан ажратиб олиш мақсадга мувофиқдир. Сифатларни бундай конкретлаштириш ходимларни ишчанлик сифатларига қараб баҳолашнинг амалда синалган қондасига асосланади ва уни ривожлантиради.

Ходимни баҳолаш учун маълумот олишнинг тестлар, анкеталар, тавсифномалар (таърифловчи эркин тавсифнома; айрим назарий меъзонлар бўйича тавсифнома; ходимни бошқа реал ходимлар билан таққослаш орқали бериладиган тавсифнома ва ҳоказо) каби усуллар эътиборга лойиқдир.

Ходим бошқа реал ходимлар билан қиёсланадиган усуллар афзалроқ ҳисобланади.

Баҳолаш маълумотларини шаклга солиш энг мураккаб мумамодир. Шаклларни тўлдиришга механик ёндашув, ахборотнинг автоматлаштирилган тизимларига асосий эътибор бериш, берилган баҳо объективлигини таъкидлаш ходимлар билан ишлашни яхшилаш ўрнига уни ёмонлаштириши мумкин.

Ходимларни баҳолаш чоғида унинг конкрет мақсадларини ҳисобга олиб, жойни танлаш керак бўлади. Агар мукофотлаш туғрисидаги масала ҳал этилаётган бўлса, баҳолаш ўрни мукофотлаш туғрисидаги масалани ким ҳал этишига қараб танлашни лозим. Башарти гап ходимларни танлаш ҳақида борса, у ҳолда баҳолаш ушбу ходимни ишга олиш туғрисида қарор қабул қилинган ва уни бушатиш, бошқа лавозимга утказиш каби ва бошқа қарорлар қабул қилиниши мумкин булган жойда амалга оширилиши зарур. Баҳолаш жойини танлаш баҳолашнинг мумкин қадар малакали утказилишини таъминлаши керак. Бундан ташқари, баҳолаш билан ким шуғулланиши ҳам белгилаб қўйилиши лозим. Ходимларнинг ишчанлик фазилатларини махсус комиссиялар баҳолаши кенг тарқалган. Бевосита бошлиқ жорий баҳолаш комиссиясига, юқори турувчи раҳбар эса уч-беш йилда бир марта утказиладиган истиқбол учун баҳолаш ишига бошчилик қилиши лозим.

Баҳолаш иши ходимларни аттестациядан ўтказишнинг конкрет тизимлари кўринишида ташкилий-ҳуқуқий жиҳатдан мустақамланади.

Инсоннинг ижодий сифатлари (қобилиятлари)ни энг самарали баҳолаш

28 турдаги сифат (қобилият)ни олти балли тизим бўйича баҳолашда ижодий шахс сифатлари тўғрисида 85 ажнабий олим ва ишлаб чиқариш ташкилотчилари билан ўтказилган сураб билиш натижалари. Қуйидаги фаолиятлар энг кўп балли олди:

муаммони ҳал этишнинг одатдаги усулларидан воз кечиб янги, ўзига хос усулларини излаш (6,4);

бевосита берилган вазифанигина эмас, истиқболни ҳам мулжаллаш (6,3);

муаммодаги асосий ўзаро алоқадорликлар моҳиятини англаб олиш (6,1);

ўзгача иш олиб бориш учун элементларни қайта ташкил этишнинг янги вариантини топиш (5,6);

объектдан янгича фойдаланиш учун унинг ҳаракат йўналишини ўзгартириш (5,5);

бир неча хил вариантни олдиндан кўриш ва энг самаралисини танлай билиш (5,0);

бир манзарали моделдан шу образнинг ўзидаги бошқасига ўтиш (4,8);

бошқалар ҳеч қандай муаммо қолмади, деб ўйлаган жойда муаммо борлигини сезиш (4,70);

оқибатларни олдиндан билиш (4,5)¹ ва ҳоказо.

Баҳолашнинг бундай меъзонлари жуда умумий. Шунинг учун ҳам конкрет ҳолатларда улардан фойдаланиб бўлмайди. Шу боис одатда бошқарувда ишловчи кишиларнинг ижодий қобилиятларини баҳолаш учун махсус тадқиқотлар ўтказишга тўғри келади.

Бошқарувни такомиллаштириш - бу, ташкилотни ўзгариб бораётган шароитга узлуксиз равишда мослаштириб туриш, унинг фаолиятини объектив шарт-шароитга мослаштириб бориш.

Фаолият мундарижасига қуйидагилар киради: ишлаб турган бошқарув тизимларини уларнинг ижобий томонлари ҳамда ҳал

1 (қаралсин. К.К.Платонов "Проблемы способности". 167 б.)

этилиши керак бўлган муаммоларини аниқлаш мақсадида тадқиқ этиш; камчиликларни бартараф этишга доир таклифлар ишлаб чиқиш; бошқарув тизимларини ўзгартириш юзасидан изчил амалий иш олиб бориш.

Бошқарувни такомиллаштириш билан турли мутахассислар шуғулланадилар. Булар: иқтисодчилар, тизим лойиҳачилари, социологлар, математиклар, ҳуқуқшунослар, психологлар ва бевосита бошқариш фаолияти билан шуғулланмайдиган бошқа шахслар. Улар функционал раҳбарлар билан яқин алоқада иш-лашлари, бу ишга мазкур бошқарув тизимининг биринчи раҳбари бошчилик қилиши керак.

Бошқарув тизимини марказлаштирилмаган тартибда такомиллаштириб бўлмайди. Бошқарув тизими ажралмас бир бутунликда олиб қаралган тақдирдагина у оқилона ташкил этилиши мумкин. Уни қисмларга булиб, айрим томонлари ёки алоҳида вазифаларигагина эътиборни қаратиб, таҳлил қилиш ва такомиллаштиришнинг иложи йўқ. Бошқарув жараёни бутун ташкилий ишларни қамраб олади, кўп ҳолларда хатти-ҳаракатлар тарзига, анъаналарга, яъни фақат ушбу бошқарув тизимининг олий даражасидагина ҳал этилиши мумкин бўлган муаммоларга тааллуқли бўлади. Ташкилот фаолияти учун жавоб берувчи раҳбар вазифаларини куйидагича ифодалаш мумкин: бошқарувни такомиллаштириш ишларининг ташаббускори бўлиш; бу ишни бажаришга қодир кишиларни топиш; улар фаолиятини ташкил этиш; бошқарувни такомиллаштириш соҳасида қарорлар қабул қилиш; иш натижалари учун жавоб бериш.

Бошқарувни такомиллаштириш иши ниҳоятда амалий тусда бўлиб, пировард натижада бошқарув назарияси, прогнозлаш, молиялаш соҳасидаги энг яхши ғоя ва ишланмалар ҳам бошқарувни такомиллаштириш жараёнида бошқарув амалиётига айланмагунича фақат ғоя бўлиб қолаверади.

И-ИЛОВА

**ИҚТИСОДИЙ, МОЛИЯВИЙ
ВА ЮРИДИК АТАМАЛАРНИНГ
ҚИСҚАЧА ЛУҒАТИ**

А

АВАНС, БУНАК (ЗАКОЛАТ, БАЙ ПУЛИ) - узаро олди-берди (қарз олиш-қарз бериш) шаклларида бири; бунда пул ва моддий бойликлар бўлғуси ҳисоб-китоб ёки туловлар ҳисобига берилади. А. туловлари солиқнинг айрим турлари (даромад солиғи, корхоналар мулкидан олинадиган солиқ ва ҳ.к.) ни ундиришда қўллан-илади; бунда солиқнинг амалдаги миқдорига биноан йил чораги, ярим йил, 9 ой, йил учун қилинадиган қайта ҳисоб-китоблар ҳам кузда тугилади.

АЙЛАНМА КАПИТАЛ - нақд пул, қисқа муддатли фойдаланишда бўлган қимматли қозғошлар, моддий-ишлаб чиқариш захиралари, қисқа муддатли дебиторлик қарзлари миқдори, фаол воситалар (жорий активлар)нинг қисқа муддатли мажбуриятларга қараганда ортиқ бўлиши тарзида қаралиши мумкин.

АЙЛАНМА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ФОНДЛАРИ - маҳсулот тайёрлашга сарф этиладиган меҳнат предметлари. Улар ҳар бир ишлаб чиқариш циклида тулиқ истеъмол этилади, ўз қийматини бир ишлаб чиқариш цикли давомида тайёр маҳсулотга тулиқ ўтказишади. Бу фондлар ишлаб чиқариш захираларига ва ишлаб чиқариши жараёнига тортилган меҳнат предметларига бўлинади.

АЙЛАНМА ВОСИТАЛАР - пул шаклида ифодаланган айланма ишлаб чиқариш фондлари ва муомала фондларининг йиғиндисиди.

АКТИВ - 1) юридик шахсга тегишли мулкый ҳуқуқлар (мулклар) мажмуи; асосий маблағлар, номоддий активлар, моддий ишлаб чиқариш захиралари, пул маблағлари, молиявий маблағлар, шунингдек бошқа жисмоний ва юридик шахсларга тегишли пул талабномалари (акси - пассив) кўринишда бўлади; 2) корхона бухгалтерлик балансининг чап томони; ҳисобот йилининг боши ва охири учун ҳужалик воситаларининг таркиби, жойлаштирилиши ва фойдаланилиши (пул ҳисобида) бўйича иқтисодий гуруҳланишини ўз ичига олади.

АКЦЕПТ - 1) етказиб берилган маҳсулот, курсатилган хизмат, бажарилган иш учун ҳужалик юритувчи субъектлар орасида нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилиш шаклларида бири; ҳаридорнинг маҳсулот (иш, хизмат) учун ҳақ тулашга розилигини олишни кузда тутати; 2) туловчининг ўтказма векселни курсат

тилган муддатда тулаш мажбуриятини олиши; 3) иккинчи томон таклиф қилган шартларда шартнома (битим) тузишга розилик.

АКЦИЗ - билвосита солинадиган солиқ тури. Товар нархига ёки курсатилган хизмат ҳақиға қўшимча сифатида ундирилади ва охириги истеъмолчи томонидан туланади.

Ўзбекистон Республикасида А. солинадиган товарлар рўйхати ва унинг ставкаларини Вазирлар Маҳкамаси белгилайди.

Акциядорлик жамияти юридик ва жисмоний шахсларнинг келишувига мувофиқ хужалик фаолиятини амалга ошириш мақсадида пул маблағларини бирлаштириш асосида тузилган ҳамда акциялар чиқарадиган ва сотадиган ташкилот.

Ёпиқ ва очиқ а.ж. булади. Ёпиқ а.ж. акциялари фақат шу жамиятлар таъсисчилари орасида тарқатилади, очиқ а.ж. акциялар эса шу жамиятларга аъзо бўлишни хоҳлаган ҳар қандай харидорга сотилиши мумкин.

АКЦИЯ - акциядорлик жамияти маблағига ҳисса қўшганликни тасдиқловчи ва дивиденд куринишида фойда олиш ҳуқуқини берувчи қимматли қоғоз. Акцияда курсатилган пул миқдори акциянинг номинал қиймати, акциянинг бозорда сотиладиган баҳоси эса акция курси деб аталади. Акция курси у буйича олинадиган дивидендга бевосита боғлиқ, фоиз нормасига эса тескари тарзда боғлиқ булади.

АМОРТИЗАЦИЯ - асосий ишлаб чиқариш фондларининг аста-секин эскириш (тузиш) жараёни ҳамда кейинчалик асосий фондларни тулиқ тиклаш учун уларнинг қийматини ишлаб чиқариладиган маҳсулот ёки курсатиладиган хизмат таннархига қўшиш.

АМОРТИЗАЦИЯ АЖРАТМАЛАРИ - асосий ишлаб чиқариш воситалари қиймагининг меҳнат жараёнида янги яратилган маҳсулотга кучирилган қисмининг пул ифодаси (нархи).

АМОРТИЗАЦИЯ ФОНДИ - қорхонанинг пул фонди. Тайёрланган маҳсулотни сотиш мобайнида тушган фойда ҳисобига барпо қилинади. Асосий фондларнинг эскириш қиймати тайёрланадиган маҳсулот таннархига қўшилади. А. ф. миқдори асосий фондлар қийматига, таркибига, структурасига ва амортизация ажратмалари нормаларига боғлиқ булади.

АМОРТИЗАЦИЯ НОРМАСИ (МЕЪЁРИ) - йиллик амортизация пулининг асосий фондлар баланс қийматига нисбатан гавсифлайдиган коэффициент.

АСОСИЙ ВОСИТАЛАР (ФОНДЛАР) - меҳнат воситалари, моддий-техника базаси, корхоналар улардан фойдаланиб ишлаб чиқариш жараёнини амалга оширади. Бинолар, иншоотлар, узатиш қурилмалари ва машина жиҳозла, транспорт воситалари, ишлаб чиқариш асбоб-анжомлари, хўжалик буюмлари ва ашёлари асосий воситаларга киради. Асосий воситалар узининг табиий шаклини сақлаган ҳолда жуда кўп ишлаб чиқариш циклида иштирок этади, уларнинг қиймати тайёрланадиган маҳсулотга қисм-қисм бўлиб, амортизация даражасига қараб ўтади. Асосий воситалар асосий ишлаб чиқариш ва ноиншлаб чиқариш фойдаларига бўлинади.

АСОСИЙ ВОСИТАЛАРНИНГ ЭСКИРИШИ - қ. Амортизация фонди. Солиқ солиш мақсадларида капитал маблағларга оид ҳақиқий харажатлар (уларнинг миқдори солиқ солинадиган фойдани камайтириш учун қўйилгунга қадар) А.в.ф. миқдорига камайтирилади; бу миқдор тўлиқ тиклашга кетадиган амортизация нормалари бўйича ҳисобланади. Эскириш маблағ билан таъминлашнинг барча манбалари ҳисобидан сотиб олинган, шунингдек, сотиб олиш ҳуқуқи билан ижарага олинган ва ишга туширилган асосий воситалар (шў жумладан, захирадаги жиҳозлар) ҳисобига қўшилади.

АСОСИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ФАОЛИЯТИНИНГ МОЛИЯВИЙ ЯКУНЛАРИ - яши молиявий яқунлар ва умумий харажатларни ташкил этадиган маҳсулотни сотиш, харажатларни маъмурий харажатлар, бошқа операцион кирим ва чиқимлар суммаси ўртасидаги фарқ.

АСОСИЙ КАПИТАЛ - моддий бойликлар (асосий фондлар ва ер), молиявий қўйилмалар (сарфлар), номоддий активлар миқдори (қиймати).

АСОСЛАНГАН МАЪЛУМОТЛАР - солиқ органларининг солиқ назоратини бажаришлари учун ҳажм жиҳатдан етарли бўлган ва ҳолис, тўғри, ишончли ҳисобланган маълумотлар.

АЙИРБОШЛАНУВЧАНЛИК, КОНВЕРТИРЛАНУВЧАНЛИК - молиявий амалларнинг барча турларида миллий валютанинг чет эл валютасига исталган шаклдаги чекланмаган миқдорда эркин айирбошланиш хусусияти.

АҲОЛИНИНГ РЕАЛ ДАРОМАДЛАРИ - аҳоли томонидан миллий даромаднинг моддий бойликларни истеъмол этиш ва жамғаришга, маънавий эҳтиёжларни қондиришга ишлатилган қисми.

Солиқ солинадиган даромаддан чиқариш солиқ солинадиган даромад миқдорини ҳисоблашда даромадларнинг айрим турларини чиқариб ташлаш. Солиқ солиш амалиётида имтиёзларнинг бир тури сифатида қаралади. Масалан, давлат заёмларини рақобатбардош қилиш мақсадида ютуқлар ва заёмларни бекор қилишда олинган пуллар солиқ солинадиган умумий даромад таркибига қўшилмайди, яъни улардан солиқ олинмайди.

АСОСИЙ ФОИЗЛАРНИНГ ЭСКИРИШИ - асосий фоизлар унсурларининг моддий тузилиши, ишлаб чиқариш истеъмоли жараёнида ва табиат ҳодисалари таъсирида истеъмол қийматини аста-секин йўқотиши.

АУДИТ - ҳужалик юритиш шакллари ҳар хил бўлган корхоналарда бухгалтерлик ҳисоби ва молиявий ҳисоботнинг олиб борилиши ҳамда мулкни уларнинг тўғрилиги ва амалдаги қонунларга мослиги нуқтаи назаридан текшириш жараёни.

АУКЦИОН, КИМОШДИ САВДОСИ - товарлар, мулкни очиқ савдо (кимошди савдоси) орқали сотиш усули; бунда товарлар ва мулк намуналари олдиндан кўриш учун қўйилади. А.да товарлар ёки мулк энг юқори нархни таклиф қилган харидорга сотилган ҳисобланади. А.нинг икки шакли бор:

1) харидор товар ёки мулкни сотиб олишга рози бўлгунга қадар дастлабки (энг арзон) нархни ошириб бориш; 2) харидор товар ёки мулкни сотиб олишга розилик бергунга қадар дастлабки (энг қиммат) нархни пасайтириб бориш. Аукциондан юридик шахс кўрган фойдага махсус солиқ солинади ва солиқ солиш базасини ҳисоблашда у ҳисобга олинмайди.

АҲОЛИНИНГ ПУЛ ДАРОМАДЛАРИ - аҳолидан ундирилдиган даромад солиғини, маҳаллий солиқларни, йиғим ва бошқа солиқларни тулаш манбаи. Пул даромадлари - аҳоли шахсий даромадларининг асосий шакли бўлиб, уларнинг ихтиёрига иш ҳақи, деҳқонлар (фермерлар) меҳнатига туланадиган ҳақ, қишлоқ ҳужалиги маҳсулотларини сотишдан, хизмат кўрсатишдан тушадиган даромад, пенсия, нафақа, стипендиялар тулашдан тушадиган пул ва ҳ.к. шаклида ўтади.

Б

БАНК - омонатчиларнинг пул маблағларини йиғиш билан бирга молиявий ва кредит (қарз бериш) амалларини ҳам бажа-

радиган махсус муассаса. Ўз пул маблағларини самарали жойлаштиришини хоҳловчи юридик ва жисмоний шахслар билан шу пул маблағларига муҳтож юридик ва жисмоний шахслар орасида воситачилик вазифасини ўтайди. Б. вазифалари жумласига пулларни фоиз остида қабул қилиш, таъминот учун қарзлар (кредитлар) бериш, векселларни ҳисобга олиш, қимматли қогозларни сотиб олиш ва сотиш, пул ўтказиш ва ҳар хил пул топшириқларини бажариш киради. Ўзбекистон Республикасида банклар ўз фаолиятида “Банклар ва банк фаолияти” Қонунига асосланади.

БАНКРОТЛИК, СИНИШ - пул тўламаслик натижасида корхонанинг мажбурий тугатилиши. Банкротлик (синиш)нинг бево-сита ифодаси корхонанинг ўз қарздорлик мажбуриятларини тўлаш (векселни муддатида тўлаш, банк қарзларини узиш ва ҳ.к.) имконияти йўқлиги ҳисобланади; бу эса корхонанинг мажбурий тугатилишига, кредиторларнинг талабларини қондириш учун унинг мулклари сотилишига олиб келади.

Маблағларни сўзсиз ҳисобдан чиқариш кредит муассасасида маблағларни эгасининг розилигисиз ҳисобдан чиқариб олиш усули. Маблағларни сўзсиз ундириш ҳуқуқидан солиқ инспекцияси идоралари бюджетга тўловларни ундириш мақсадида фойдаланади.

Баланс моддаларини инвентаризациялаш бухгалтерлик баланси моддаларининг реаллигини текшириш; бунда баланс маълумотлари бойликларни хатлаш натижалари ва ҳисобларга солиштириб курилади.

Б.м.и. нинг иқтисодий аҳамияти ҳисоб ва ҳисоблардан ҳужаликдаги бойликлар ва ҳисобларнинг ҳақиқий аҳволи тўғри акс этанлигини, мулкнинг бутлигини ва молиявий интизомга риоя қилинаётганлигини назорат қилишдан иборат.

БЕВОСИТА ХАРАЖАТЛАР - айрим маҳсулот турлари (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш билан бевосита боғлиқ бўлган ва уларнинг таннархига бевосита киритиладиган харажатлар.

БИЛВОСИТА СОЛИҚ - солиқ тўловчининг даромадига қараб белгиланадиган тўғри солиқдан фарқли равишда товар ва хизматлар учун нарх ёки товарга қўшимча сифатида белгиланадиган солиқ.

БИР МАРТА ОЛИНАДИГАН ЙИҒИМ ПУЛИ, ПАТТА ПУЛИ - тўғри солиқ тури, бозорлар, ярмаркалар ва бошқа мах-

сус ажратилган жойларда савдо-сотиқ қиладиган жисмоний шахслардан ундирилади.

БЕЛГИЛАБ ҚЎЙИЛГАН ВАЛЮТА КУРСИ - эркин ошириш ёки пасайтиришга йўл қўйилмайдиган валюта курси.

БИЗНЕС-ДАСТУР - тадбиркорлик фаолиятининг йўналишини белгилайдиган ҳамда келгусида ривожланишидан кутиладиган асосий молиявий натижаларни аниқлайдиган ҳужжат. Б.=д.да яқин йиллардаги кутиладиган савдо-сотиқ ҳажми, савдо-сотиқдан тушадиган фойда, ишлаб чиқариш харажатлари, ишга қўйилган маблағларнинг самарадорлиги, қарзларни қайтариш муддатлари ҳақидаги маълумотлар келтирилади.

БИРИНЧИ ГАЛДАГИ ҚАРЗЛАР - банкрот жисмоний ёки юридик шахснинг биринчи навбатда узиши лозим булган қарзлари.

БОЗОР - 1) товарлар ишлаб чиқариш, айирбошлаш ва уларни тақсимлаш, шунингдек пул маблағлари ҳаракати жараёнида вужудга келадиган иқтисодий муносабатлар тизими. Бозор учун харидор ва сотувчиларни танлашда, нархларни белгилашда, ресурс манбаларини шакллантириш ва улардан фойдаланишда субъектлар эркинлигига хос хусусият. Давлатнинг урни эса билвосита, мувоzanатловчи макроиқтисодий мутаносибликни таъминлашга қаратилган тартибга солиш тадбирларини белгилаш ва уни амалга ошириш билан чекланади. 2) товарлар ва капиталларни эркин муомаласи, шунингдек иш кучи, ишлаб чиқаришнинг бошқа омиллари ҳаракати соҳаси. Товарлар, хизматлар, капиталлар, иш кучи, гоёлар, ахборотлар ва бошқаларнинг бозорлари бор.

БОЗОР МЕХАНИЗМИНИНГ БУЗИЛИШИ - бозор механизмнинг ресурслар жамият эҳтиёжларига энг яхши даражада мувофиқ қилиб тақсимланиши таъминлашга қодир булмаслиги.

БОЙ БЕРИЛГАН ФОЙДА (НАФ) - ўзига етказилган зарар ёки ўзи кредитор булган мажбуриятларнинг бажарилмаслиги натижасида ҳуқуқларининг бузилиши оқибатида шахс ололмай қолган даромад ёки бошқа неъмат. Одатда олинмаган фойдани ташкил этади ва зарарнинг таркибий қисми сифатида қопланиши лозим.

БОЖХОНА ДЕКЛАРАЦИЯСИ - давлат чегараси орқали олиб утилаётган товарлар, шахсий буюмлар ва бошқа нарсалар туғри-сида божхона назорати учун зарур маълумотлардан иборат ариза.

БОЖХОНА ТАЛАБНОМАСИ - жисмоний ёки юридик шахснинг божхона орқали расмийлаштиришни ўтказиш буйича оғза-

ки ёки ёзма ҳолда берган илтимоси. Талабнома билан бирга божхона органлари талаб этадиган маълумотларни хабар қилиш ёки ҳужжатларни тақдим этиш лозим.

БОЖХОНА ҚИЙМАТИ - тариф ставкалари буйича божхона божини ҳисоблаш учун асос бўлган товар нархи. Тариф ставкаси нархга нисбатан фоиз ҳисобида белгиланади.

БОЖХОНА ТЕКШИРУВИ - божхона органлари томонидан давлат чегарасидан ўтаётган юклар ва транспорт воситаларини амалда текшириб қуриш.

БОЖХОНА НАЗОРАТИ - божхона органларининг жисмоний ёки юридик шахс томонидан давлат чегарасидан юк, транспорт воситалари, валюта ва валюта бойликларини олиб кириш, олиб кетиш, олиб ўтиш тартиби белгиланган қонун ва қоидаларга риоя этилишини таъминлашга қаратилган фаолияти.

БОЖХОНА ЙИГИМЛАРИ - меъёрий ҳужжатларга қўра божхона органлари жисмоний ёки юридик шахслардан ундирадиган пул туловлари

БОЖХОНА - республика чегараси орқали ўтказиладиган, жами келтириладиган ва чиқариладиган товарларни назорат қил- адиган давлат муассасаси, қўлдаги юклар, почта жунатмалари ва жами юклар, шу жумладан олиб ўтиладиган (транзит) юклар ҳам назорат қилинади.

БЮДЖЕТ - 1) давлат даромадлари ва харажатларининг маълум муддатга мулжалланган қонуний тартибда тасдиқланган рўйхати; 2) давлат, муассаса, ташкилот, фуқароларнинг қўтиладиган даромадлари ва харажатлари тахминий ҳисоби. Давлат Б.и даромадларининг асосий манбалари солиқлар ҳамда давлатнинг ташқи иқтисодий фаолиятдан тушадиган даромадлар ҳисобланади.

БЮДЖЕТ ТИЗИМИ - давлатнинг барча бюджетлари (шу жумладан, маъмурий-ҳуқуқий бирликлар бюджетлари) мажмуи. Ўзбекистон Республикаси Б.т.га Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар, қишлоқ ва қўрғон кенгашлари бюджетлари киради.

БЮДЖЕТ ЕТИШМОВЧИЛИГИ - давлат бюджетининг харажатлари даромадларидан ортиқ бўлиши. Инфляция, харажатларнинг самарасиз структураси, кредит-пул сиёсати, бюджет интизомига риоя қилишининг бузилиши Б.е.га сабаб бўлиши мумкин. Б.е.нинг асосий манбалари - нарх-навонинг ошиши, аҳоли маблағларини қарзга олиш орқали жалб қилиш ва ҳ.к.

БЮДЖЕТГА ТЎЛОВЛАР - жисмоний ва юридик шахслар учун қонунлар билан белгиланган солиқлар, мажбурий бадаллар, ажратмалар тизими. Бундай тўловлар ҳисобидан Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетининг даромадлари шаклланади.

В

ВАЛЮТА - 1) мамлакатнинг пул бирлиги ва унинг тоифаси (тилла, кумуш, қоғоз пуллар), шунингдек, хорижий давлатларнинг пул белгилари; 2) халқаро ҳисоб-китобларда ишлатиладиган қоғоз пуллар, тангалар, векселлар, чеклар.

ВАЛЮТА БОЙЛИКЛАРИ - а) чет эл валютаси); б) чет эл валютасидаги қимматли қоғозлар (чеклар, векселлар, аккредитивлар ва ҳ.к.) фонд бойликлари (акциялар, облигациялар) ва ҳ.к. чет валютасида ифодаланган қарз мажбуриятлари; в) қимматбаҳо металлар: олтин, кумуш, платина ва платина гуруҳида металлар (палладий, иридий, радий, рутений ва осмий) - исталган қуринишда ва ҳолатда (заргарлик ва бошқа маиший буюмлари, шунингдек, бундай буюмлар парчалари бундан мустасно); г) табиий қимматбаҳо тошлар: олмослар, рубинлар, зумрадлар, сапфирлар ва александрийлар - ҳомаки ва ишлов берилган қуринишда, шунингдек, марварид (бундай тошлардан ясалган заргарлик буюмлари ва уларнинг парчалари бундан мустасно).

Қимматбаҳо металлардан ва табиий қимматбаҳо тошлардан ясалган буюмларни заргарлик буюмларига ва бошқа маиший буюмларга ҳамда уларнинг парчалари жумласига киритиш тартиби ва шартлари Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан белгиланади.

ВАЛЮТА БИРЖАСИ, ВАЛЮТА БОЗОРИ - миллий валюталарнинг уюшган бозори; унда талаб ва таклиф таъсирида бозорда валюталар орасида ўрнатиладиган қиймат (курс) нисбатидан келиб чиққан ҳолда миллий валюталар савдоси уюштирилади.

ВАЛЮТА КУРСИ - турли мамлакатларнинг пул валюталари орасидаги нисбат; В.к. сотиб олиш имкони ва бошқа жиҳатлар билан белгиланади. Ўзбекистон Республикасида В.к. Ўзбекистон Республикаси валюта биржасида аниқланади. Бу биржада чет эл валютасида амаллар бажариш ҳуқуқига эга булган бир қатор банклар ишгирок этади. В.к. дан божхона тўловлари миқдорини аниқлашда ва бошқа мақсадларда фойдаланилади.

ВАЛЮТА ОПЕРАЦИЯЛАРИ - чет эл банкнотлари, хазина билетлари, тангалари ва чет эл валютасида тулаш ёзилган тулов ҳужжатлари (чеклар, векселлар, телеграф ва почта жунатмалари, аккредитивлар ва шунга ўхшашлар) олди-сотдиси буйича келишувлар.

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ - Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятининг ижро этувчи ва фармойишлар чиқарувчи олий органи. Унинг мажлисларида бюджетни тайёрлаш ва бажариш, давлат бюджет фондларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш масалалари; янги солиқлар ўрнатиш ва солиқ солиш ҳамда давлат боғлари ставкаларини ўзгартириш, айрим солиқларни бекор қилиш таклифлари куриб чиқилади.

В.М. ўз фаолиятида “Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида” 1993 й. 06.05 даги 818-сонли Қонунга амал қилади.

Д

ДАВЛАТ МУЛКИ - ҳукуматга тегишли мулк (ер ва маблағ).

ДАВЛАТ СОЛИҚ ХИЗМАТИ - давлатнинг солиқ тизими амалга оширилишини, солиқ туловларининг бюджетга ўз вақтида тунишини ҳисоблаш ва ҳ.к ни назорат қиладиган ягона поғона-ма-поғона тарзидаги тузилма.

Д.С.Х. ўз таркибига Давлат солиқ кўмитасини, Қорақалпоғистон Республикаси Давлат солиқ бошқармасини, вилоятлар ва Тошкент ш. давлат солиқ бошқармаларини; туман, шаҳар ва шаҳарлардаги туман давлат солиқ инспекциялари олади. Уларнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

- солиқлар тўғрисидаги қонунларга риоя этилишини назорат қилиш;

- солиқ туловчиларнинг ва бюджетга туловларнинг ўз вақтида ва тўлиқ ҳисобга олиншини таъминлаш;

- туловчиларнинг солиқларни ҳисоблаш ва тулаш билан боғлиқ бўлган ҳужжатлар (солиқ декларациялари)ни ўз вақтида топширишларини назорат қилиш, солиқ солинадиган база ва солиқларни ҳисоблаш жиҳатдан ҳужжатларнинг тўғрилигини текшириш;

- солиққа доир қонунларнинг бузилишини аниқлаш ҳамда жиноий ва мажбурий жавобгарлик кузда тутилган аниқланган

далилларга доир ҳужжатларни ҳуқуқни ҳимоя қилиш органларига топшириш, шунингдек, солиққа доир қонунлар бузилганлиги учун қўлланилган молиявий чораларнинг туғрилигини текшириш ва ҳ.к. Ўзбекистон Республикасининг давлат солиқ идоралари ҳақидаги Низомга мувофиқ юқорида айтилганларнинг барчаси Д.С.Х. ҳуқуқ доирасига киради.

ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ (ДСҚ) - солиқ ва бож сиёсатини амалга ошириш соҳасида давлат назоратини амалга оширадиган, шунингдек, давлатнинг иқтисодий манфаатларини ва мулкний ҳуқуқларини ҳимоя қиладиган идора.

ДСҚнинг ўз ҳуқуқ доирасида қабул қилган қарорлари Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги барча вазирликлар, идоралар, маҳаллий ҳокимият органлари ҳамда мулкчилик шаклидан ва кимга бўйсунушидан қатъи назар, бошқармалар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, шунингдек, фуқаролар учун бажариш мажбурийдир.

ДСҚ ўз фаолиятини Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 4 мартдаги 114-сонли қарори билан тасдиқланган Низомга мувофиқ амалга оширади.

ДАРОМАДЛАР ҲАҚИДАГИ МАЪЛУМОТ - солиқ туловчининг даромадлари ва қилган харажатлари ҳақидаги курсаткичларнинг туғрилигини ақс эттирувчи маълумот хабарлар мажмуи.

Туғри маълумотларни солиқ инспекторлари ўз текширувлари ва оператив-қидирув ишлари натижасида оладилар.

ДАЪВО - қарзни узиш, зарарни қоплаш, жаримани тулаш, етказиб берилган маҳсулотдаги, сотилган нарсалардаги бажарилган иш, курсатилган хизматдаги камчиликларни бартараф этиш туғрисидаги талаб.

ДАЪВО - бузилган ёки баҳсли ҳуқуқларни ҳимоя қилиш учун судга ёки арбитраж (ҳакамлар суди)га мурожаат қилиш.

Даъвогарнинг жавобгарга талаблари, масалан, етказилган зарарни ундириш, талаби қонунга ёки шартномада кўзда тутилган ҳолатларда эса жарима, пеня тулаш ҳақидаги талаблари даъво предмети бўлиши мумкин.

ДАЪВО НАРҲИ - суд ёки арбитражда даъвогар қўйган мулкний талабларнинг пулдаги ифодаси.

ДЕБИТОР ҚАРЗДОРЛИК - бирор юридик ёки жисмоний шахснинг муайян корхона, фирма, ташкилотдан қарзлари йиғиндиси.

Д.қ.нинг нормал (нормативлар чегарасида, муддатлар доирасида) ва муддати ўтган хиллари булади. Ундирилмаган қарз зинга утказилади. Д.қ.дан фарқли равишда муддати ўпан солиқ туловлари боқиманда деб аталади.

ДЕВАЛЪВАЦИЯ - давлат томонидан пул бирлигининг металл ифодасини қонун йўли билан камайтириш ёки олтин паритетини узгартириш йўли билан бирор мамлакатнинг валюта курсини бошқа мамлакатнинг валюта курсига нисбатан пасайтириш.

ДЕКЛАРАНТЛАР - божхона муассасаларига товарлар ва мулкни декларация қилиб берувчи корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлар.

ДЕПОЗИТ - корхоналар кредит муассасаларига қўядиган ва улардан маълум мақсадларда фойдаланадиган маблағ.

Д.га ушбулар киради: 1) кредит муассасаларига сақлаш учун қўйиладиган ва омонатчилар ундан маълум фоиз фойда оладиган пул маблағлари; 2) сақлаш учун қўйиладиган қимматли қоғозлар; 3) даъво талабларини таъминлаш учун суд ва маъмурий муассасаларга бериладиган пул маблағлари ва ҳ.к.

ДЕФЛЯЦИЯ - ортиқча пул массасини мақсадга мувофиқ равишда нисбий қисқартириш; солиқларни ошириш, ҳисоб ставкасини кўпайтириш, давлат қимматли қоғозларни сотиш ва ҳ.к. йўли билан ҳукумат томонидан утказилади.

ДИВИДЕНД - ширкат фойдасининг акциядорлар ўртасида акциялар сони бўйича тақсимланадиган қисми. Имгнэзли акциялар эгаларига туланадиган Д.йиллик ҳисобда қатъий ҳисобланади, оддий акциялар эгаларига туланадиган Д. (оддий Д.) ширкатнинг молиявий аҳволига боғлиқ бўлади.

ДИЛЕР - уз номидан ва уз ҳисобига воситачилик савдо амаллари билан шуғулланадиган юридик ёки жисмоний шахс. Товарларни утказиш тизимида Д. уз фаолиятида охириги истеъмолчиларга яқинлаштирилган (яна қ.Маклер).

ДИСТРИБЬЮТОР - чакана фирмалар ва дуконларга, шунингдек, саноат корхоналарига, кооперативларга, устакхоналарга охириги истеъмол учун сотиш мақсадида маҳсулотларни сотиб олиш билан шуғулланадиган мустақил улгуржи воситаси. У бир йўла маҳсулотни утказиш ва уни ишлаб чиқаришда истеъмолга тайёрлашга доир хизматларни ҳам курсатади.

ДЕБЕТ - бухгалтерлик ҳисобининг чап томони, Бухгалтерлик ҳисобининг иқтисодий мазмуни ва тузилишига кўра Д. бўйича амаллар ёзуви ҳар хил мазмунга эга; актив ҳисобларда улар ҳисоб

объектларининг ортиб боришини, пассив ҳисобларда пасайиб боришини билдиради.

ДЕҲҚОН (ФЕРМЕР) ХУЖАЛИГИНИНГ ДАРОМАД СОЛИҚИ - тўғри солиқ тури, деҳқон хўжалигининг соф даромадидан ундирилади.

ДОТАЦИЯ - қайтармаслик шарти билан бериладиган давлат нафақаси. Бюджет Д. си пастдаги бюджетнинг харажатлари даромадларидан ортиб кетган ҳолларда юқоридаги бюджет маблағларидан уларга нафақа бериш билан ифодаланади; айрим корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга бериладиган Д. ҳам булади; бундай Д. уларнинг хўжалик фаолиятидаги планли зиёнларини қоплаш учун ишлатилади.

Солиқлар тўлашдан кейинги даромад солиқ туловлари чиқариб ташлангандан кейин қолган даромад; у шахсий истеъмол учун фойдаланилиши ёки корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг манфаатларига мувофиқ тақсимланиши мумкин.

Е

ЕР ОСТИ БОЙЛИКЛАРИДАН Фойдаланилганлик солиқи - Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фойдали қазилмаларни қазиб олишни амалга оширадиган жисмоний ва юридик шахслар ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун ёки ер ости бойликларидан узга тартибда фойдаланганлик учун тулов. Қўшилган қиймат солиғи ва акциз солиғи чегириб ташланган улгуржи нархларнинг бир қисми ҳисобланади.

ЕР СОЛИҚИ - ерга туланадиган ҳақ, жисмоний ёки юридик шахснинг мулки, эгаллиги ва фойдаланишида булган ер майдони бирлиги учун белгиланган мажбурий йиғим (тулов). Ишлаб чиқариш харажатларига қўшилади.

Ж

ЖАРИМА - қонун ёки шартнома билан белгиланган ҳолларда ва тартибда қўлланиладиган моддий таъсир курсатиш чораси, пул ундириш билан жазолаш.

ЖАМҒАРМА, ФОИЗ - 1) махсус мақсадларда йиғиладиган моддий бойликлар, пул воситалари; Унинг асосий белгиси - аниқ

мақсадли йўналиш ва мунтазам ажратмалар йўли билан барпо этишда қатъий белгиланган тизим.

2) фуқаролар ёки корхоналарнинг муайян гуруҳларига моддий ёрдам кўрсатадиган ташкилот.

ЖИСМОНИЙ ШАХС - фуқаролик ҳуқуқи субъекти булган фуқаро.

ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР МУЛКИ СОЛИҒИ - туғри солиқ тури, фуқаролар (жисмоний шахслар) мулки булган иморатлар, иншоотлар, биноларнинг инвентаризация (хатлаш) қийматининг (унинг алоҳида қисми) бир қисмини ташкил этади.

ЖОРИЙ ҲИСОБ ВАРАҒИ - 1) пул маблағларини сақлаш ва нақд пулсиз ҳисоб-китобларни ўтказиш учун кредит муассасасида ташкилот, мансабдор шахс ёки фуқаро номига расмийлаштириладиган махсус ҳисоб ҳужжати.

3

ЗАРАР, ХУЖАЛИК ЗАРАРИ - корхона кўрган турли зиённинг пул шаклидаги ифодаси. Харажатлар даромадларга қараганда ортиб кетган ҳолларда юз беради.

И

ИЖАРА - ердан, табиий бойликлардан, корхоналар ва бошқа мулкий мажмуалардан, шунингдек хужалик фаолиятини ёки бошқа фаолиятни мустақил амалга ошириш учун ижарачига зарар булган мулкка шартнома асосида вақтинчалик эғалик қилиш ва улардан фойдаланиш.

ИЖАРА КОРХОНА - ижара шартномаси асосида ишлайдиган корхона; ижара шартномасига кўра ишлаб чиқариш воситалари ижара берувчи маълум ҳақ эвазига вақтинчалик фойдаланиш учун олинади.

ИМПОРТ КВОТАСИ - маълум даврда четдан келтирилиши мумкин булган товарларни чеклаш.

ИМТИЁЗЛАР - бирор субъект фойдасига умумий қоидалардан, амалдаги қонунлардан чекинишлар.

ИМПОРТ - 1) сотиш ёки фойдаланиш учун чет эллардан хорижий товарлар (ишлар, хизматлар)ни мамлакатга олиб келиш; капитал И.и - мамлакатга чет эллардан капитал (мблағ) кириб

келиши; 3) келтирилган товарларнинг умумий миқдори ёки қиймати.

ИМПОРТ “ОЛТИН НУҚТАСИ” - халқаро олтин стандарти амал қилаётган шароитларда чет эл валютасининг бундан паст нархларда сотиб олиб бўлмайдиган курси (қиймати); бундай мамлакатда туловларни амалга ошириш учун унга олтин жунатиш керак.

ИМПОРТ БИТИМИ - товарлар (хизматлар) сотиб олинганда муайян мамлакатнинг айрим шахслари, фирмалари ва ҳукуматида чет эл валютаси миқдори камайдиган битим.

КОРХОНА (ФИРМА) МУЛКИ - солиқ солиш, мулк солиғи ундириш объекти, корхона балансидаги асосий фондлар мажмуининг қиймат орқали ифодаланиши.

ИНВЕНТАРИЗАЦИЯ, ХАТЛАШ - тафтишнинг бир усули; тафтиш қилинаётган ташкилотда натура ҳолидаги воситалар ҳақиқатан мавжуд бўлиб, бухгалтерлик ҳисоби маълумотларига мос келишини текшириш, шунингдек мулкнинг бутунлигини аниқлаш учун фойдаланилади.

ИНВЕНТАРИЗАЦИЯ - тадбиркорлик ва фаолият объектларига қўйиладиган мулккий ёки сарфланган ақлий (интеллектуал) бойликлар; улар даромад келтиради ва ижтимоий самарага эришишга ёрдам беради.

ИНДЕКСАЦИЯ - 1) бирор иктисодий омил (ташқи савдо ҳажми, товарлар нархи. ва ҳ.к.)нинг изчил ўзгаришларини ифодаловчи рақамли кўрсаткич-индексни урнатиш, киритиш); пул даромадларини нархларнинг ўсиш суръати, яъни инфляция билан мослаштириш - қ.Инфляция.

ИНСПЕКЦИЯ - солиқ ажратмалари соҳасидаги ишларнинг аҳволини жойларнинг ўзида вақти-вақти билан текшириб туриш.

Иш ҳақи ва нархларнинг инфляцион спирали нархларнинг ошишини келтириб чиқарадиган иш ҳақи ставкаларининг ошиши; нархларнинг ошиши эса, ўз навбатида яна иш ҳақи ва нархларнинг ошишига олиб боради.

ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ ИНФЛЯЦИОН ПАСАЙИШИ - қ.Стагфляция.

ИНФЛЯЦИЯ - товарлар ва хизматлар нархлари даражасининг доимий ўсиши натижасида қоғоз пулларнинг эмиссияга учраши (босиб чиқарилиши). И.фониз ставкаларига, молия бозорларига, инвесторларнинг даромадларига, фирмаларнинг лойиҳаларига, капитал маблағларга, яъни бутун молия муҳитига таъсир қилади.

И.нинг бир мамлакатда юз берадиган локал (чекланган) ва мамлакатлар гуруҳини ва бутун минтақани қамраб оладиган дунёвий турлари бўлади.

И. нархлар доимо, лекин секин ошадиган сурилма ва нархлар тез, сакраб-сакраб ошадиган сакрама хилларга ҳам бўлинади.

И. индекси (курсаткичи) солиқ солинадиган базани аниқлашда ҳисобга олинади.

Чиқимларнинг кўпайиши билан боғлиқ инфляция иш ҳақи ва хом ашё нархлари ошиши натижасида умумий таклифнинг камайиши туфайли келиб чиқадиган ҳамда ишлаб чиқариш реал ҳажмининг қисқариши ва бандликнинг камайиши (ишсизликнинг ошиши)га сабаб бўладиган инфляция.

ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК, АҚЛИЙ МУЛК - ижодий фаолият маҳсуллари - адабий, бадий, илмий асарлар, артистларнинг ижрочилик фаолияти, ёзилган овозлар, радио-телевидение эшиттириш ва курсатувлари, ихтиролар, фойдали моделлар, саноат намуналари, товар белгилари ва бошқалардан тижорат мақсадларда фойдаланиш учун танҳо ҳуқуқлар. Бу мулк ижодий фаолият маҳсуллари яратувчининг шахсий ҳуқуқларини (муаллифлик ҳуқуқини) қамрамайди, балки фақат улардан тижорат мақсадларида фойдаланиш ҳуқуқлари билан алоқадор.

ИНФРАСТРУКТУРА - бутун иқтисодиёт учун - фуқаролар ва фирмаларнинг фойдаланиш давлат томонидан таъминланадиган капитал иншоотлар (автомагистраллар, кўприклар, шаҳар транспорт тизимлари, сув тозалаш иншоотлари, сув билан таъминлаш тизимлари, аэропортлар ва ҳ.к.), фирмалар учун - маҳсулотлар ишлаб чиқаришга зарур бўлган, лекин ўз кучлари билан яратиш жуда қимматга тушадиган, шу сабабли давлат томонидан ёки бошқа фирмалар томонидан таъминланадиган хизматлар ва иншоотлар (сув таъминоти, электр энергияси, ишлаб чиқариш чиқиндиларини олиб кетиш, юкларни ташиш ва ҳ.к.).

ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ АСОСИЙ ВОСИТАЛАРИ (АСОСИЙ ФОИЗЛАР)НИ ҚАЙТА БАҲОЛАШ - асосий воситаларнинг тикланиш қийматини аниқлаш мақсадида уларнинг баланс қийматини қайта ҳисоблаш.

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ОМИЛЛАРИ - ишлаб чиқариш ресурслари. Табиат ресурслари, одам ресурсларини капитал ва тадбиркорлик қобилиятини ўз ичига олади.

ИШСИЗЛИК НАФАҚАСИ - ижтимоий суғурта тури, ўзига иш топиш имкониятига эга бўлмаган ходимларга белгиланган даромадни таъминлайди.

ИШ ҲАҚИ, МАОШ, ОЙЛИК - ходимларнинг ҳаёт кечириш маблағлари фондининг асосий қисми, меҳнат учун моддий тақдирлаш шакли. И.ҳ. нинг номинал ва реал турлари бўлади. Номинал И.ҳ пул шаклида ифодаланади, реал И.ҳ чакана нархларнинг айни пайтдаги даражасида шу маблағга эришиш мумкин бўлган фаровонлик ва хизматлар йиғиндисини ташкил этади.

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ХАРАЖАТЛАРИ - маҳсулот ишлаб чиқариш учун сарфланадиган харажатлар (чиқимлар) йиғиндиси. Ижтимоий ва соф ишлаб чиқариш, харажатларига бўлинади. Ижтимоий харажатлар қўлланилаётган ишлаб чиқариш воситаларида моддийлаштирилган барча олдинги меҳнат харажатлари ҳамда ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланиладиган жонли меҳнат харажатлари йиғиндисидан иборат; бошқача айтганда, бу маҳсулот тайёрлаш учун жамоат қилган харажатлардир. Бу харажатлар маҳсулот қиймати (сарфланган ишлаб чиқариш воситалари қиймати қушув янги яратилган қиймат)ни ташкил қилади. Корхона харажатлари ишлаб чиқарилган маҳсулот таннархини ҳосил қилади ва бухгалтерлик ҳисобида ишлаб чиқариш харажатлари кўринишида ўз аксини топади.

Корхоналарнинг асосий воситаларни тугатишдаги харажатлари корхоналарнинг биноларни бузиш, машина ва жиҳозларни қисмларга ажратиш, майдонларни тозалаш (масалан, гўнкаларни кавлаб олиш ва ҳ.к.) билан боғлиқ харажатлар.

ИЖТИМОЙ МУҲОҒАЗА - қонунлар билан мустақамланган ва жамият ҳар бир аъзосининг муносиб ҳаёт даражасини таъминлайдиган ҳукукий, иқтисодий, ижтимоий кафолатлар мажмуи.

ИШ ҲАҚИ СОЛИҒИ - фуқароларда ундириладиган солиқ. Капиталистик мамлакатлардаги солиқ амалиётида қўлланилади. Ўзбекистон Республикасида фуқаролардан даромад солиғи ундирилади.

ИҚТИСОДИЙ ВАЗИФА - давлатнинг иқтисодийётни рағбатлантириш ва ривожлантиришда солиқлардан фойдаланиши. Солиқ ставкалари, имтиёзлари, жазоларини қўллаган, солиққа тортиш шартларини ўзгартирган ҳолда давлат муайян ишлаб чиқариш, корхоналар, илмий-техника прогрессини жадал ривожлантириш учун шароитлар яратади.

ЙИҒИМЛАР - корхоналар ва жисмоний шахслардан давлат органлари кўрсатган хизмат учун олинadиган мажбурий бир марталик туловлар. Масалан, Давлат автомобиль назорати йиғими, ўлчов асбобларини текшириш ва тамғалаш йиғими, бозорларда патта пули ва бошқалар.

К

КАДАСТР - 1) давлат иқтисодиётининг муҳим (ресурс ҳосил қиладиган унсурлари туғрисидаги тартибга солинган маълумотлар мажмуи) расмий томонидан тузилади. Ер К.м - ерларнинг табиий, ҳужалик ва ҳуқуқий ҳолати ва ҳ.к. ҳақидаги ишончли маълумотлар йиғиндиси муҳим ҳисобланади; 2) солиқ солинадиган объектларни рўйхатга олиш ва баҳолаш.

КАПИТАЛ - қўшимча товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш мақсадида яратиладиган, узоқ фойдаланиш учун мўлжалланган ресурслар; 2) инсон эҳтиёжларини бевосита қондирмайдиган товарлар; 3) инвестиция товарлари; 4) ишлаб чиқариш воситалари; 5) ишга доир амалларга ҳақ тулаш учун ишлатиладиган пул.

КАРТЕЛЬ - нархларни қатъийлаштириш ва маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини чеклаш йўли билан фойдани ҳамкорликда қўпайтирадиган ишлаб чиқарувчилар гуруҳи.

КАССА ИНТИЗОМИ - корхоналар, муассасалар, ташкилотларда нақд пулларни қабул қилиш, бериш ва сақлашга доир белгиланган қоидаларга риоя қилиш. Банк муассасалари ва молия органлари бирор мақсадга йўналтирилган пул маблағларини олиш ва улардан фойдаланиш тартибини мунтазам текшириб турадилар.

КАССАДАГИ НАҚД ПУЛ - банклар уз сейф ва кассаларида сақлайдиган пул.

КАССА РЕЖАЛАШТИРУВЧИ - молиявий режалаштиришнинг бир қисми, маълум давр мобайнида барча тушум манбалари ва нақд маблағларни сарфлашни ҳисоблаш жараёни.

КЛИРИНГ - товарлар, қимматли қоғозлар ва хизматлар учун нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилишнинг узаро талабларни ҳисобга олишга асосланган тизими.

КОММАНДИТ ЖАМИЯТ - шерикларнинг шахсий иштирокида капитал маблағлар қўшиш йўли билан амалга ошириладиган корхоналар ташкил қилиш шакли.

КОМПАНИЯ - 1) жамият, бирлашма, ширкат ва ҳ.к.; 2) фойда олиш мақсадида бирлашиб, муайян ва юридик шахсни шакллантирадиган ва компания номидан иш юритадиган шахслар уюшмаси.

КОНГЛОМЕРАТ - корхоналарни монополистик бирлаштириш шаклиларидан бири; одатда, иқтисодиётнинг бир-бири би-

лан технологик жиҳатдан боғланмаган турли тармоқларида амал қилади.

КОНСАЛТИНГ - ишлаб чиқарувчилар, сотувчилар ва харидорларга иқтисодий фаолиятнинг кенг куламли масалалари, шу жумладан ташқи иқтисодий соҳадаги масалалар юзасидан маслаҳат, тавсиялар бериш.

КОНТРОЛИНГ - чет элларда корхоналарнинг хўжалик фаолиятини ҳисобга олиш, назорат ва таҳлил қилиш назарияси ва амалиётини ривожлантиришдаги янги йўналишлардан бири.

КОНЦЕРН - монополистик бирлашмасининг бир шакли; мулк ва назоратнинг бирлиги, ишгирокчи корхона орасида технологик ва ишлаб чиқариш алоқаларининг мавжудлиги билан ифодаланади.

КООПЕРАТИВ - мулкка жамоа тарзида эгалик қилиш, маблағларнинг умумийлиги, мустақиллик, ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш, аъзоларнинг моддий манфаатдорлиги асосида биргаликда иқтисодий фаолият юритиш учун ихтиёрий равишда бирлашган фуқароларнинг ташкилий жиҳатдан расмийлаштирилган жамоат ташкилоти. К. турлари - ишлаб чиқариш, матлубот, мол сотадиган, таъминотчи, кредит, хунармандчилик ва ҳ.к.

КОРПОРАЦИЯ - 1) махсус давлат қонунига мувофиқ тузиладиган корхона; 2) юридик жиҳатдан мустақил объект статуси (ҳолати)ни олган фирма; унда мулк қисмлар (улуш, бадал, акциялар)га бўлинган ва ҳар бир шерикнинг масъулияти унинг корхонага қўшган улуши доирасида чекланган бўлади.

КОРХОНАЛАР (ФИРМА) БАЛАНСИ - бухгалтерлик ҳисоботининг муҳим шакли; корхонанинг маълум санага мулжалланган маблағи таркиби, жойлаштирилиши, манбалари ва вазифасини ифодалайди.

КОРХОНАЛАР, БИРЛАШМАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАР ДАРОМАД СОЛИҒИ - турри солиқ тури, корхоналарнинг ялпи даромадидан моддий ва унга тенглаштирилган харажатлар ҳамда мажбурий туловлар чегириб ташланганидан кейин ажратмалар куринишида ундирилади.

КОРХОНА МОЛИЯСИ - иқтисодий муносабатлар, асосий фоизлар ва айланма воситаларни шакллантириш ва улардан фойдаланиш, маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш, пул жамғармаларини ҳосил қилиш, тақсимлаш ва улардан фойдаланиш жараёнида пайдо бўлади.

КОРХОНА МУЛКИ СОЛИҒИ - туғри солиқнинг бир тури, асосий ишлаб чиқариш фондлари қийматидан ажратмалар куришида туланади.

КОРХОНАНИНГ ЯЛПИ ДАРОМАДИ - маҳсулотни (ишлар, хизматларни), бошқа моддий бойликларни сотишдан ҳамда маҳсулотлар сотишдан бошқа амаллар натижаларидан курилган фойда маблағи.

КОТИРОВКА - амалдаги нормаларга ва одатланилган тартибларга мувофиқ биржада чет эл валюталари, қимматли қоғозлар ёки товарларнинг нархларига курс (қиймат) белгилаш.

КРЕДИТ - пул маблағлари, товарлар ва бошқа бойликларни ўзга шахсга келишилган устама (фоиз) тулаб қайтариш шарти билан маълум муддатга қарзга бериш. К.нинг асосий турлари - банк кредит ва тижорат кредити.

КРЕДИТ ХАТАРИ - қарздорнинг туловлар ва мажбуриятлар бўйича қарзини белгиланган муддатда қайтармаслик эҳтимоли.

КУЧМАС МУЛК - ер ва бошқа табиий мулклар, ерда тикланган ва ер билан бевосита боғлиқ булган ҳар қандай ўзга мулк (бинолар, иншоотлар ва бошқалар), шунингдек ерда булган мулккий ҳуқуқ.

Л

ЛИЗИНГ - машиналар, жиҳозлар, транспорт воситалари, ишлаб чиқариш иншоотларини узоқ муддатта ижарага олиш.

ЛИКВИДЛИК - ўз қарз мажбуриятларининг вақтида бажарилишини таъминлаш қобилияти.

ЛИСТИНГ - қимматли қоғозларни биржага қўйиш; биржада рўйхатдан ўтказилгандан сўнг уларнинг савдо-сотиғига оид ҳаракатларни бажариш мумкин.

ЛИЦЕНЗИЯ, РУХСАТНОМА - 1) ваколатли давлат органи ташқи савдо ҳаракатларини олиб бориш учун берадиган рухсатнома; мамлакатлар ёки мамлакатлар гуруҳи, айрим товарлар турлари бўйича алоқаларни ривожлантириш ёки чеклаш учун берилади; 2) ихтиродан ёки бошқа техникавий ютуқдан фойдаланиш учун бериладиган рухсатнома; лицензия шартномаси асосида, суд қарорига ёки ваколатли давлат органининг маъмурий қарорига кўра берилади; 3) ҳаракатлар (операциялар) ни бажариш учун бериладиган рухсатнома.

ЛОТЕРЕЯ - лотереялар сотиш ва олинган фойданинг бир қисmini буюм ёки пул ютуқлари тарзида қайтариш йўли билан аҳолининг пул маблағларини ихтиёрий равишда жалб қилиш (қарз олиш) шакли.

М

МАКЛЕР - фонд товар биржаларида битимлар тузишда воситачилик қилувчи шахс, даллол. Мижозларнинг топшириғига биноан ва уларнинг ҳисобига ҳаракат қилади.

МАРКЕТИНГ - бозорни, харидорнинг реал талаблари ва эҳтиёжларини урганиб чиқиб, фирманинг товарларни ишлаб чиқиш, тайёрлаш ва сотиш ёки турли хизматлар кўрсатишга доир фаолитини бошқаришнинг мажмуавий тизими; ўхшаш буюмлар ёки ўхшаш талаблар бозорини олдиндан билиш учун урганиш натижаларига асосланиш.

МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ШИРКАТ - тадбиркорлик мақсадларида бирлашган шахслар уюшмаси. Ширкат устав фонди иштирокчилар (жисмоний ёки юридик шахслар)нинг маблағлари ҳисобига ташкил этилади, улар ширкат мажбуриятлари бўйича фақат ўз ҳиссалари доирасида жавоб берадилар.

МАСЪУЛИЯТСИЗЛИК - мансаб билан боғлиқ жиноятларнинг бир гури. Мансабдор шахснинг ўз хизмат вазифасига кирадиган бирон-бир ҳаракатни бажармасликда ёки лозим даражада бажармасликда, ишга совуққонлик ва ноҳалол муносабатда бўлиш натижасида давлат, ижтимоий ва шахсий манфаатларга жиддий зарар етказишда намоён бўлади.

МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТЛАР - давлатларнинг маъмурий-ҳудудий birlikлари бюджетлари мажмуи; маҳаллий ҳокимият ва бошқа органлари ихтиёрида бўлади.

МАҲАЛЛИЙ МОЛИЯ - иқтисодий муносабатлар, маҳаллий бошқарув органлари уларига юклатилган вазифаларга мувофиқ маҳаллий молия воситасида миллий даромаднинг бир қисmini ишга солади, тақсимлайди ва фойдаланади.

МАҲАЛЛИЙ СОЛИҚЛАР - Ўзбекистон Республикаси қонунлари, давлат ҳокимиятининг маҳаллий органлари қарорлари билан ўрнатилган ва минтақанинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши учун улар ўз ваколатлари доирасида фойдаланадиган солиқлар. М.с. жумласига: жисмоний шахсларнинг мулк со-

лиғи, ер солиғи, курорт зонаси ишлаб чиқариш объектлари қуриш учун олинадиган солиқ, реклама солиғи, транспорт воситалари эгаларидан олинадиган солиқ, курорт йиғими, савдо ҳуқуқи йиғими, вино-арақ маҳсулотлари билан савдо қилиш ҳуқуқини берадиган лицензия йиғими, маҳаллий аукционлар ва лотереялар ўтказиш ҳуқуқини берадиган лицензия йиғими; тадбиркорлик билан шуғулланадиган жисмоний шахсларни руйхатга олиш йиғими ва ҳ.к.

МАҲСУЛОТНИНГ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТАННАРХИ - ишлаб чиқариш ёки маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)ни қайта ишлаш жараёнида фойдаланиладиган) табиат ресурслари, хом ашё, материаллар, ёқилғи, энергия, асосий фойзалар, меҳнат ресурслари, шунингдек ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган бошқа харажатларни қиймат жиҳатидан баҳолаш.

МАҲСУЛОТ ТАННАРХИ - корхонанинг маҳсулот (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ва уни сотиш билан боғлиқ харажатларнинг пул ифодаси. Харажатлар таркибига қараб якка товар, технологик, цех буйича, ишлаб чиқариш, тудик, ўртача тармоқ таннархлари бор.

МАҲСУЛОТЛАР СОТИШДАН ОЛИНГАН СОФ ТУШУМ - маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни сотишдан олинган тушумнинг бир қисми, умумий тушумдан қушилган қиймат солиғи, актсизлар, қайтарилган товарлар ва нарх ташламаларини чегириб аниқланади.

МИЛЛИЙ БОЙЛИК - бутун тараққиёт давомида жамият томонидан жамғарилган, меҳнат билан яратилган жами моддий бойликлар, шунингдек ҳўжалик муомаласига киритилган табиат ресурслари.

МИЛЛИЙ ДАРОМАД - мамлакат иқтисодиётида муайян давр давомида янгидан яратилган қиймат, яъни ижтимоий маҳсулотнинг уни ишлаб чиқариш учун моддий сарфлар (қошлаг фонд)и чегириб ташланганидан кейин қоладиган қисми.

МОДДИЙ ХАРАЖАТЛАР - сотилган маҳсулот таннархини калькуляция қилишда ҳисобга олинган ва туланган сарф-харажатлар; улар қуйидагиларга қилиниши мумкин: четдан сотиб олиниб, айна корхонада ишлов бериладиган ва қайта ишланадиган хом ашё ва материалларга, корхона эҳтиёжлари учун фойдаланиш мақсадида харид қилинадиган материалларга маҳсулот таннархига қушиладиган арзон ва тез етилувчан нарсаларга харид қилинадиган комплекташ буюмлари ва чала маҳсулотлар-

га, бошқа корхоналарга бажариладиган ишлаб чиқаришга доир ишлар ва хизматларга; четдан сотиб олиниб, технологик мақсадларга сарфланадиган ёнилғи, электр энергияси ва бошқа нарсаларга.

МОЛИЯ - пул воситалари жамғармаларини барпо этиш ва улардан фойдаланиш жараёнидаги иқтисодий муносабатлар, бу воситалар кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришга билвосита таъсир курсатади.

МОЛИЯВИЙ САРФЛАР - узоқ муддатли дебиторлик қарзи, ўз акциялари, бошқа фирмаларга қўйилган маблағлар суммаси миқдори.

МОЛИЯ ИНТИЗОМИ - корхоналар томонидан қонунлар ва уларнинг асосида қабул қилинган қайдаларга мувофиқ жорий этилган ўзларининг бюджет, кредит ва бошқа молиявий мажбуриятларини аниқ ва ўз вақтида бажарилиши.

МОЛИЯ СИЁСАТИ - иқтисодий сиёсатнинг таркибий қисми, давлатнинг ўз вазифалари ва фаолиятини амалга ошириш учун молияни ташкил этиш ва ундан фойдаланиш бўйича тадбирлари йиғиндиси; Молия ресурсларини сафарбар этиш, уларни аҳоли гуруҳлари, миллий иқтисодиёт тармоқлари, мамлакат минтақалари ўртасида тақсимлаш шакл ва усуллари тизимида ифода этилади, молияга оид қонунларда, давлат даромадлари ва харажатлари таркибида акс этади.

МОЛИЯ ҲУҚУҚИ - давлатнинг молиявий фаолияти жараёнида шаклланадиган ижтимоий муносабатларни тартибга солидиган ҳуқуқий нормалар мажмуи.

МОЛ-МУЛКНИ МУСОДАРА ЭТИШ, МОЛ-МУЛКНИ УЗГАЛАР ИХТИЁРИГА УТКАЗИШ - 1) бир шахсга тегишли мол-мулкни ўзга шахсга мулк қилиб бериш; 2) мулкдорнинг ўз мулкни тасарруф этишдаги қонуний ҳуқуқларини амалга ошириш усулларида бири, бунда мулк муайян ҳақ бадалига (масалан, сотиш) ёки текин (масалан, қадя қилиш) берилиши мумкин.

МОНОПОЛИЯ - 1) ишлаб чиқариш, ҳунармандчилик билан шуғулланиш ҳуқуқи ва ҳ.к. ҳуқуқларга бир шахснинг маълум шахслар гуруҳининг ёки давлатнинг ягона ҳуқумронлиги; бирор нарсага ягона ҳуқумронлик қилиш ҳуқуқи; 2) ишлаб чиқариш ва капиталнинг тулланиб бориши асосида вужудга келадиган йирик корхоналар бирлашмаси (картел, синдикат, трест, конперн, консорциум, конгломерат); ҳужаликнинг бирор тармоғида ҳуқумрон-

лик ўрнатиш ва энг юқори фойда олиш мақсадида ишлаб чиқаришнинг салмоқли улушини ва (ёки) бирор товар савдосини ўз қулида ушлаб туради.

МУМКИН ҚАДАР ҚУЛАЙЛИК - халқаро (асосли совдо) шартномаларда қўлланиладиган тамойил. Унга кура аҳдлашувчи томонларнинг ҳар бири ўзи бошқа ҳар қандай учинчи давлатта, унинг жисмоний ва юридик шахсларига берган ёки берадиган имтиёзлар, афзалликлар ва енгилликларни бошқа давлатта, унинг жисмоний ва юридик шахсларига бериш мажбуриятини олади.

МУАССИСЛИК ФОЙДАСИ - акциядорлар жамияти муассислари акциялар сотилишидан олинган сумма билан корхонага сарфланган ҳақиқий капитал уртасидаги фарқ кўринишида оладиган даромад.

МУЛК СОЛИҒИ (МОЛ-МУЛК СОЛИҒИ) - капиталистик мамлакатларнинг солиқ амалиётида фирмалар, уй хужаликлари эгалик қиладиган мулк (капитал, ер, акциялар, облигациялар ва бошқа активлар) қиймати солиғи тарзида ундирилади.

МУЛҚДОРНИНГ ДАРОМАДИ - ширкатланмаган фирма эгасининг соф даромади.

МУОМАЛА ФОНДЛАРИ - 1) корхоналарнинг муомала жараёнига хизмат кўрсатишда фойдаланадиган воситалари; Корхона айланма воситаларининг бир қисми - истеъмолчига жўнатилган, аммо ҳали ҳақи олинмаган тайёр маҳсулот; сотишга мўлжалланган ва омборда бўлган тайёр маҳсулот; 2) банкдаги ҳисоб varaғида ва корхона кассасидаги пул воситалари ҳамда ҳисоб-китоблардаги воситалар.

Н

НАЗОРАТ, КОНТРОЛ - бошқарувдаги мустақил функция (вазифа); объектнинг ишлаш жараёни қабул қилинган бошқарув қарорларига мос келишини кузатиш ва текшириш тизимини ўз ичига олади ҳамда белгиланган мақсадлардан чалғиш ҳолларини аниқлашга, зарур бўлганда тузатиш тадбирларини куришга имкон беради.

НАРХ, БАҲО - товар қиймати ёки сотилган (етказиб берилган) маҳсулот, бажарилган иш, кўрсатилган хизматлар учун тўловлар ўтказиш мажбуриятларининг пулдаги ифодаси.

НАРХЛАР ИНДЕКСИ - “бозор савати” яъни истеъмол товарлари бозор йиғиндиси нархларининг ўзгариш динамикаси курсаткичи; маҳсулот номинал ҳажми (даромад)ни маҳсулот реал ҳажм (даромад)га айланиб ҳисоблашда фойдаланилади.

НАРХГА ҚУШИМЧА, НАРХГА УСТАМА - харидорнинг алоҳида талаблари (товар сифатини яхшилаш, қўшимча хизматлар курсатиш, туловларни кечиктириш ва бошқалар)га қараб белгиладиган қўшимча ҳақ.

Нарх ташламаси (сйлов) келишув шартлари ва жорий бозор ҳолати ўзгаришларига қараб сотувчи харидорга берадиган нарх ташламаси (нархни арзонлаштириш).

НЕТТО-СТАВКА - суғурта тарифларининг асосий қисми, суғурта қопламалари тулаш учун ресурсларни барпо этишга хизмат қилади.

НЕУСТОЙКА, АЙБОНА, БУРДСИЗЛИК ТУЛОВИ - мажбуриятлар (шартномалар, қонунлар) бажарилишини таъминлаш усулларида бири, қарздор уз мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармагани учун кредиторга тулайдиган пул суммасидан иборат.

НОМОДДИЙ АКТИВЛАР - ердан, сув ва бошқа табиий бойликлардан, бинолар, иншоотлар жиҳозлардан фойдаланиш ҳуқуқи, шунингдек корхоналар (қўшма корхоналар, ҳиссадорлик (акциядорлик) жамиятлари, масъулияти чекланган жамиятлар ва ҳ.к.) иштирокчилари корхонанинг Устав сармоясидаги бадаллари ҳисобига қўшилган ва корхона фаолияти жараёнида орттирган мулкӣ (шу жумладан, ихтиролардан, ноу - хаудан фойдаланиш) ҳуқуқлари.

Н.А. буйича эскириш (амортизация) катталиги корхонанинг таъсис ҳужжатларида белгиланган тартибда аниқланади.

Номинал қиймат, ёзилган қиймат, ёзма қиймат мамлакат пул бирлиги (сум, тийин, доллар, цент ва бошқалар)да ифода этилган пул (пул белгилари) устига ёзиб қўйилган қиймат.

НОРМАТИВ (МЕЪЁРИЙ) ҲУЖЖАТ - давлатнинг ваколатли органи қабул қиладиган расмий ёзма ҳужжат; ҳуқуқ нормаларини жорий этади, ўзгартиради ёки бекор қилади.

НОТАРИФ ТЎСИҚЛАР, НОТАРИФ ЧЕКЛАШЛАР - давлатлар томонидан мамлакатга товар келтириш ва чиқаришни тартибга солиш мақсадларида қўлланиладиган маъмурий ва иқтисодий (молиявий, кредит ва бошқа) тадбирлар тизими.

НОУ-ХАУ - техникавий ёки ўзга вазифани ҳал этиш учун зарур бўлган билим, тажриба, нозик ечимлар, ишлаб чиқариш сирӣ.



ОБЛИГАЦИЯ - қимматли қоғоз, ўз эгаси томонидан пул воситалари тулангани гувоҳномаси бўлиб, курсатилган муддатда белгиланган фоиз (агар чиқариш шартларида ўзга нарса назарда тутилмаган бўлса) тулаш билан унинг номинал қийматини қайтариш мажбуриятини тасдиқлайди. О. ихтиёрий асосларда тарқатилади.



“ПАРТИЗАН” ФИРМА, ТАСОДИФИЙ ФИРМА - иқтисодий фойда олиш мумкин бўлганда бозорга тез кириб келадиган, фойда олиш мумкин бўлмай қолганда бозорни тарк этадиган фирма.

ПАССИВ - бухгалтерлик баланснинг унги томони, корхонанинг манбаи ва мақсадларига кура гуруҳлаштирилган воситаларини молиялаш манбаларини акс эттиради.

ПАТЕНТ - 1) ваколатли давлат органлари ихтирочига унинг муаллифлигини ва ихтирога алоҳида ҳуқуқларини тасдиқлаб берадиган гувоҳнома; 2) бирон бир ҳуқуқ ёки имтиёз, масалан, савдо-сотиқ ёки ҳунармандчилик билан шуғулланишга рухсат берадиган ҳужжат.

ПАУМАЛ ТЎЛОВИ - лицензия битими предметдан фойдаланиш ҳуқуқи учун бир йўла тўлов. Одатда лицензиядан фойдаланиб иқтисодий самара (фойда) олишга қадар туланади. Паумал тўлови ўз моҳияти билан лицензиянинг амалдаги нархига тенг келади.

ПЕНЯ - айбона (неустока)нинг кўринишларидан бири, молия ва тўлов интизомини бузувчиларга, шунингдек шартнома бўйича олган мажбуриятларини бажариш муддатини кечиктириб юборганларга қарши пул жаримаси шаклида қўлланиладиган жазо чораси. Кечиктирилган мажбуриятлар пул суммасидан фоиз кўринишида жорий этилади ва кечиктирилган ҳар бир кун бўйича ҳисобланади.

ПОШЛИНА - муайян хизмат турлари учун ундириладиган пул йиғими.

Солиққа тортиш предмети солиқ ундиришга асос бўладиган амалдаги (юридик бўлмаган тавсиф белгиларига эга бўлади. Масалан, ер майдони - ерга солиқ солиш предметидир.

ПРОГРЕССИВ СОЛИҚ СОЛИШ, ОРТИБ БОРУВЧИ МЕЪЁРЛАРДА СОЛИҚҚА ТОРТИШ - солиққа тортиш тизими бўлиб, унга кўра солиқ туловчининг даромади, кўпайиб бориши меъёрига қараб солиқ ставкалари ортиб боради.

ПРОПОРЦИОНАЛ СОЛИҚ СОЛИШ СТАВКАЛАРИ, МУТАНОСИБ СОЛИҚҚА ТОРТИШ СТАВКАЛАРИ - солиққа тортиш тизими, бунда солиқ ставкалари солиқ туловчининг даромади миқдоридан қатъи назар, унинг даромадига ягона фойзларда белгиланади.

ПУЛ - 1) товарлар оламида табиий равишда ажраладиган алоҳида товар; товарлар алмашишида қийматнинг умумий эквиваленти (ўлчови) вазифасини ўтайди; 2) товарлар ишлаб чиқаришда сарфланган меҳнатнинг ягона билвосита ўлчови. Пулнинг моҳияти унинг вазифаларида намоён бўлади. Пулнинг тулов воситаси, муомала воситаси ва тўплаш воситаси сифатидаги вазифалари солиқлар ундириш билан боғлиқ. Одатда солиқлар пул шаклида ундирилади.

ПУЛ БОЗОРИ - 3 йилгача муддатда қоплаш шarti билан ўтказиладиган қимматбаҳо қоғозлар бозори. Унда асосий товар ҳукуматнинг қоғоз пуллари ҳисобланади.

Пул воситалари ҳаракати туғрисида ҳисобот қорхонанинг хўжалик, инвестиция ва молиявий фаолияти жараёнида актив ва мажбуриятлари (мулки)даги жами ўзгаришларни, айниқса айланма капитални тавсифловчи ҳисобварақлар (счётлар) бўйича (пул воситалари, олиш учун счётлар, ишлаб чиқариш захиралари ва тулов учун счётлар) ўзгаришларни акс эттирадиган ҳисобот.

ПУЛ ИСЛОҲОТИ - пул тизимини тўлиқ ёки қисман ўзгариш пул муомаласини тартибга солиш ва мустақамлаш мақсадида давлат томонидан ўтказилади.

ПУЛ ТИЗИМИ - мамлакатда пул муомаласини ташкил қилиш шакли. Унинг асосий унсурлари пул бирлиги, нархлар кўлами, пул турлари, пул муомаласини тартибга солиб турадиган давлат аппарати органлари ҳисобланади.

Р

РАҚОБАТ, КОНКУРЕНЦИЯ - 1) бирор соҳада яхши натижага эришиш мақсадида курашиш, рақобатлашиш; 2) товар ишлаб чиқарувчиларнинг бир-бирлари билан товарларни фойдалироқ шартларда ишлаб чиқариш ва сотиш учун, энг юқори фойда олиш учун курашиши; 3) хўжалик субъектларининг товар бозорида мусобақалаша олиши; бунда улардан ҳеч бири ушбу бозорда бир турдаги товарларни сотишига умумий шартларига сезиларли таъсир утказа олмайди.

РЕАЛ СОЛИҚЛАР - солиқ туловчининг кўчмас мулкига (ер, уй-жой, қимматли қоғозлар ва бошқалар) туғри солиқларнинг бир тури. Одатда улар маҳаллий солиқ ҳисобланади.

РЕВАЛЬВАЦИЯ - бошқа мамлакатларнинг валюталари ҳамда халқаро ҳисоб пул бирликларига нисбатан валюта курсининг оширилиши.

Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланадиган жисмоний шахслардан рўйхатга олиш йиғими - ваколатли органлар бирон бир турдаги тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш имконияти масаласини ижобий ҳал этиб, қарор қабул қилганда, жисмоний шахслардан олинадиган бир марталик мажбурий тулов. Рўйхатга олиш йиғими тулаганидан кейин жисмоний шахсга унинг тадбиркор тарзида давлат рўйхатидан ўтганлиги ҳақида гувоҳнома берилади.

РЕГРЕСС - бир жисмоний ёки юридик шахс томонидан иккинчи қарздор шахсга тақдим этиладиган туланган суммани қайтариб бериш талаби. Вексель бўйича норозилик билдиришда қўлланилади.

РЕГРЕССИВ СОЛИҚ СОЛИШ - солиққа тортиш тизими, бунда паст даромадлардан катта даромадларга қараганда юқори-роқ ставкаларда солиқ ундирилади.

РЕЗЕРВ КАПИТАЛ, ЗАҲИРА КАПИТАЛ, ҚЎР КАПИТАЛ - акциядорлар жамиятининг ўз капиталига кирадиган ва фойдадан ажратмалар ҳисобига ташкил этиладиган капитали. Акциядорлар жамияти умумий капиталининг бир қисмини ташкил этади.

РЕЗИДЕНТ - шу мамлакатда доимий туриш жойига эга бўлган шахс (солиқ ҳуқуқига доир атама).

Маҳсулот сотишдан ташқари ҳаражатлардан олинган якун - даромадларга кирадиган мулкни ижарага беришдан олинадиган

тушумлар, олинган жарималар ва айбнома (неустойка)лар, облигациялардан даромадлар, қарзга берилган маблағлардан олинган фоизлар ва бошқа тушумларнинг умумий миқдори. Солиқ ундириш мақсадларида ҳисобга олинадиган сотишдан ташқари ҳаракатлар якунларига акциялар бўйича дивидендлар ва бошқа корхоналар устав фондига қўйилган капиталдан олинган бошқа даромадлар кирмайди.

РЕНТА - мулкдорнинг пул воситаларини қарзга бериш, шунингдек ер майдонини ёки бошқа мулкни ижарага беришдан оладиган доимий даромади. Р. мулкдорнинг шахсан тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ эмас.

РЕНТАБЕЛЛИК, ФОЙДАДОРЛИК - макроиқтисодиёт ва микроиқтисодиёт даражасида ишлаб чиқариш самарадорлигининг асосий кўрсаткичларидан бири. Ишлаб чиқариш жараёнида ва маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)ни сотишда воситаларнинг қайтими меъёрини ва улардан фойдаланиш даражасини кўрсатади.

РЕФАКЦИЯ - сифати шартномалар, стандартлар ёки техник шартларда назарда тутилган даражадан паст бўлган товарлар массасидан ёки улжуржи нархлардан ташлама; к) катта миқдорда юк жўнатувчига тарифдан ташлама алоҳида битим бўйича келишилади.

РОЯЛТИ - 1) лицензияларга оид битимларга кўра лицензиат (юридик ёки жисмоний шахс) лицензиар (патент эгаси)га тулайдиган ҳақ; 2) ер ости бойликларини қазиб олиш ҳуқуқи учун тўлов, шу жумладан концессия шартномаларига мувофиқ фойдаланувчи (концессионер) ер ёки қазилма бойлик (кон) эгасига тулайдиган ижара ҳақи.

С

САВДОДАГИ ТАРИФЛАР ТЎҒРИСИДА БОШ БИТИМ (ГАТТ) - 23 давлат (шу жумладан АҚШ) орасида 1947 йилда тузилган битим; унда шу давлатлардан ҳар қайсиси бир-бирига тенг ва камситилмаган савдо тартибини яратиш, кўп томонлама шартномалар асосида тарифларни қисқартириш ва вақти келиб импорт квоталарни бартараф қилишга розилик билдирган.

САВДОЛАШУВ, САВДО-СОТИҚ - товарлар олди-сотдиси, буюртмаларни жойлаштириш, пудрат ишларини бажаришга бе-

ришнинг танлов усули, харидор бир қанча етказиб берувчи (пудратчи)лар таклифларини (тендерларни) жалб этиш йули билан улардан энг маъқулини танлайди ва шартнома тузади.

САВДО УЙИ - ташқи савдо ташкилотининг бир тури. Кўп номдаги товарлар ва хизматлар бўйича экспорт-импорт операцияларини бажаради, ишлаб чиқариш, илмий-техника ҳамкорлиги соҳаларида халқаро кооперацияни ташкил этади, кредит-молия операциялари ва бошқа ташқи иқтисодий алоқаларда иштирок этади.

САВДО ҚИЛУВЧИ КОРХОНАЛАРНИНГ ЯЛПИ ДАРОМАД СОЛИҒИ - тўғри солиқ тури, савдо қилувчи ташкилотнинг ялпи даромадидан ажратмалар кўринишида ундирилади. Сотиладиган товарларнинг сотиб олинган ва сотилган қийматлари ўртасидаги фарқ ва сотиш билан боғлиқ бўлмаган ҳаражатлар бўйича сальдо (фарқ)дан иборат.

САЛЬДО - 1) муайян санада бухгалтерия ҳисобварақ (счёт)ларининг қолдиғи. 2) ўзаро ҳисоб-китобларда сальдо - муайян давр учун туловлар ва тушумлар нисбати якуни, яънисий ҳисоб варағида қайд этилади, дебетли (тушумга қараганда) туловлар пул миқдори кўп бўлганда) ва кредитли (аксинча нисбат бўлганда) бўлиши мумкин.

САНИРАЛАШ, САНАЦИЯ - 1) йирик корхоналар, банкларнинг банкротликка учрашини бартараф этиши ҳамда молиявий соғломлаштириш учун давлат ва бошқа банклар ёрдамида кўриладиган тадбирлар тизими. 2) балансни ислоҳ қилиш, яъни фойдани тақсимлаш ҳисоб-китоблари тасдиқланганидан кейин фойданинг ҳисобот йилига тегишли қисми суммасини ёпиш, ҳисобдан чиқариш.

САНКЦИЯ - 1) ҳуқуқий маънода - бирон бир ҳужжатни юқори идораларда тасдиқлаш. Бу ҳужжатга ҳуқуқий куч беради. 2) ҳуқуқий маънода - қонун моддасининг қонун бузилганда келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатлари кўрсатиладиган ҳуқуқ нормаси қисми. 3) халқаро ҳуқуқда - халқаро шартномаларни бузган давлатга нисбатан таъсир чоралари. 4) маъқуллаш, рухсат этиш.

САНОАТ МУЛКИ - интеллектуал мулкнинг ишлаб чиқариш ва тижорат фаолиятига тааллуқли тури. (патентлар, ихтиролар, саноат намуналар, товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари). Ноу-хау саноат мулкига кирмайди, унга оид ҳуқуқий таркиблар лицензия шартномалари билан белгиланади.

СИНДИКАТ - корхоналар бирлашмаси шакли. Синдикат таркибига кирган корхоналар хўжалик ва юридик мустақиллигини сақлаб қоладилар, аммо мустақил тижорат фаолияти (масаласи, товарларни сотиш, хом ашёни мустақил харид қилиш)дан маҳрум бўлади.

Сирғалувчи фоиз ставкаси (меъёри) ўрта муддатли ва узоқ муддатли кредитлар бўйича фоиз ставкаси, унинг миқдори жами муддат учун олдиндан белгилаб қўйилмайди, балки кредитор ва қарздор ўртасида ўзаро келишилган муддатларда кредит бозоридаги вазиятнинг ўзгаришига қараб қайта қўриб чиқилади.

СИРҒАЛУВЧИ ВАЛЮТА КУРСИ - чет эл пулига булган талаб ва тақлиф билан белгиланадиган валюта курси, бу курс эркин кўтарилиши ёки пасайиши мумкин.

СОЛИҚ - давлат томонидан хўжалик юритувчи субъектлар ва фуқаролардан мажбурий (зўрлик билан) Қонуний тартибда белгиланган ставкалар бўйича, солиқ тўловчининг бундан бiron бир муайян манфаат қўриши билан бевосита боғланмаган тарзда ундириладиган пул йиғими.

Ҳозирги босқичда солиқлар воситасида давлат даромадининг асосий қисми ҳосил қилинади. Бозор муносабатларининг шаклланиши даврида солиқлар корхоналарнинг иқтисодий фаолиятини тартибга солишнинг билвосита қуроли ҳисобланади.

СОЛИҚЛАРДАН БЎЙИН ТОВЛАШ - жисмоний ёки юридик шахснинг ўз даромади ва мулкнинг бир қисмини солиққа тортишдан атайлаб яшириши.

СОЛИҚ ВАЗИФАСИ (ФУНКЦИЯСИ) - амалиётда солиқ моҳиятининг намоён бўлиши, унинг хоссаларини ифодалаш усули. Ушбу иқтисодий категориянинг давлат даромадларининг қийматли тақсимоти ва қайта тақсимоти қуроли тарзда қай тарзда хизмат қилишини кўрсатиб беради.

СОЛИҚ ДЕКЛАРАЦИЯСИ - солиқ тўловчи юридик ва жисмоний шахсларнинг даромадлари ва мулки миқдори ҳақидаги маълумотлар акс эттирилган ҳужжат. Солиқ идорасига қонунларда белгиланган тартиб ва муддатларда топширилади.

СОЛИҚ ИМТИЁЗЛАРИ - қуйидаги мақсадларда солиқ солишнинг умумий қоидаларидан чекиниш: 1) солиқ тўловчининг солиқ мажбуриятлари миқдорини камайтириш мақсадида; 2) солиқ тўлаш муддатини тузиш ёки солиқни бир неча муддатда тўлаш мақсадида. Бекор қилиш, чегириш, солиқ кредити шаклида амалга оширилади.

СОЛИҚ ИНСПЕКЦИЯСИНИНГ ТЕКШИРУВ ДАЛОЛАТ-НОМАСИ (АКТИ) - даромадлар, чиқимлар, пул ҳисоб-китоблари, ҳисоботлар, декларациялар ҳисобини юритишда солиқлар ва бюджетга тушадиган бошқа туловлар ҳақидаги қонунларнинг бузилганлиги аниқланган далиллар, шунингдек бу ва бундан бошқа ҳужжатларни солиқ идораларига топшириш тартиби бузилганлиги далиллари баён қилинадиган ҳужжат.

СОЛИҚ КУЛАМИ - солиққа тортиладиган предмети солиқ солиш бирликларида ифодаланишнинг имкони бўлмаган ҳолларда солиқ солиш предмети ўлчаш учун хизмат қиладиган физикавий тафсилот унсури, турли имкониятлар ичидан зарурини ўлчаш кўрсаткичи. Масалан, автотранспорт воситасининг эгасидан ундириладиган солиқнинг кулами автомобиль двигателининг қуввати ҳисобланади.

СОЛИҚ НАЗОРАТИ - бирламчи маълумотларни, бухгалтерия дафтарларини, режалар, сметалар, декларацияларни ҳамда солиқни ҳисоблаш ва тулаш билан боғлиқ бўлган бошқа ҳужжатларни тадқиқ қилиш усуллари мажмуи, тиждорат сирини ўз ичига олган ҳужжатлар бундан мустасно. Махфийлик, конфиденциаллик - солиқ инспектори ўз фаолияти мобайнида аниқлаган маълумотлар ёки далилларни учинчи шахсга маълум қила олмаслиги; уларни маълум қилиш унинг қонуний бурчи бўлган ёки бунга мижоз розилик берган ҳоллар бундан мустасно. Унинг бу маълумотлар ва далилларни ўз фойдаси бошқа шахснинг фойдасига ёки мижознинг зиёнига фойдаланишга ҳам ҳаққи йўқ.

СОЛИҚ ОЛИНМАЙДИГАН МИНИМУМ - солиқ объектининг солиққа тортиладиган тулиқ озод қилинадиган энг кичик қисми.

СОЛИҚ СОЛИШ БАЗАСИ - солиқ солишнинг солиқ ставкаси жорий қилинадиган предмети ёки предметининг бир қисми. С.с.б деганда кўпинча солиқ ундирилиши лозим бўлган пул, мулк ёки шахслар доираси тушунилади.

С.с.б. солиқ солиш предмети миқдорий ифодалаш учун хизмат қилади. Солиқ солиш қонун-қондасини ишлаб чиқаришдаги нозик муаммолардан бири - С.с.б.ни шакллантиришнинг тартибини аниқ белгилаб олиш.

СОЛИҚ СОЛИШ ВАЗИФАЛАРИ - равнақи ижтимоий фаровонлик ва социал неъматлар бериш ҳамда аҳолига кўнгилдагидек хизмат кўрсатиш, бойликлар ва даромадларни қайта тақсимлаш,

иқтисодий фаолиятга таъсир қилиш ёки уни бошқариш учун давлат даромадига муайян ҳажмда маблағ тушиб туришини таъминлаш.

СОЛИҚ СОЛИШ БИРЛИГИ - солиқ солиш кулами бирлиги, солиқ базасини миқдор жиҳатдан ифодалаш учун қўлланилади. Масалан, бензинга акциялар белгилашда солиқ солиш бирлиги сифатида турли давлатларда литр, галлон, баррель ва ҳ.к. дан фойдаланилади.

СОЛИҚ СТАВКАСИ - солиққа тортиладиган бирлик ҳисобига туғри келадиган солиқ меъёри. Қатъий, прогрессив, регрессив, пропорционал (мутаносиб) солиқ ставкалари мавжуд.

СОЛИҚ УНСУРЛАРИ - давлатнинг қонун ҳужжатлари билан белгиланадиган солиқ предмети, объекти, базаси, субъекти; уларнинг ижтимоий-иқтисодий моҳиятини акс эттиради.

СОЛИҚЛАРНИ ТАСНИФЛАШ - солиқ олиш ва ҳисоблаш усуллари, уларнинг қийматини, қўлланиладиган ставкаларни, солиқ имтиёзларини ҳисобга олган ҳолда солиқларни гуруҳлаш.

СОЛИҚЛАРНИ ТУЛАШ МУДДАТИ - у ёки бу солиқ буйича туловларни бюджетга тулаш санаси. Норматив ҳужжатлар билан белгилаб қўйилади. Тулаш муддати муайян давр курунишида жорий қилиниши мумкин, масалан, ҳар куни, ҳар ўн кунда, ҳар ойда, кварталда, ҳар йили каби.

СОЛИҚЛАРНИ ҚАЙТАРИШ - солиқ идораларининг 1) ортиқча ўтказилган маблағларни; 2) солиқ миқдорини ҳисоблашда ва аванс туловларини амалга оширишда йўл қўйилган хатолар сабабли ортиқча ҳисобланган ва бюджетга ўтказилган маблағларни эгасига қайтариб ўтказиши.

СОЛИҚ СОҲИБИ, СОЛИҚ ТУЛОВЧИ - зиммасида солиқ юки бўлган шахс.

СОЛИҚҚА ТОРТИЛАДИГАН ДАРОМАДЛАР - юридик ёки жисмоний шахсларнинг солиқ олинishi лозим бўлган ялпи даромаднинг бир қисми

Солиққа тортиш объекти жисмоний ёки юридик шахснинг қонун билан белгиланган солиқ тулаш мажбуриятини (товар (хизмат)ларни сотиш буйича муомалага киритиши, хориждан товар келтириш, мулкка эгалик қилиш, даромад олиш ва бошқалар) пайдо этадиган ҳолатлар, ишлар (амаллар, ҳаракатлар, ҳодисалар, ҳолатлар). Солиққа тортиш объектини солиққа тортиш предметида фарқлаш лозим.

СОТИЛГАН (ЎТКАЗИЛГАН) МАҲСУЛОТНИНГ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТАННАРХИ - иш ҳақи ва материаллар учун бевосита сарфланган харажатлар, қўшимча ишлаб чиқариш харажатларидан иборат бўлган ишлаб чиқариш чиқимлари миқдори.

СОЛИҚ БАЗАСИ, СОЛИҚ МАНБАИ - 1) солиқ ставкалари қўлланиладиган ва солиққа тортиладиган нарса ёки нарсанинг бир қисми; 2) солиқ ундирилиши лозим бўлган пул, мол-мулк ва кишилар доираси. Солиқ базаси солиқни ҳисоблаш учун ғоят зарур, солиққа тортиладиган манбаларни миқдорий ифодалаш учун хизмат қилади. Солиқларнинг турларини ишлаб чиқишда энг муҳим муаммолардан бири - солиқ базасини шакллантириш тартибини аниқ белгилашдир.

СОЛИҚ ЭСЛАТМАСИ - хизмат кўрсатиш буйича ташқи савдо контрактлари, шартномаларида ёки кредит битимларида қўлланиладиган қўшимча шартлардан бири, бу эслатмада ҳар бир томон ушбу шартнома ёки контракт буйича ўз мамлакати ҳудудида тўланиши лозим бўлган жами солиқ ва йиғимларни ўз ҳисобидан тўлаши зарурлиги белгилаб қўйилади.

СОЛИҚ СИЁСАТИ - солиқлар соҳасида давлат олиб борадиган тадбирлар тизими; давлат молия сиёсатининг таркибий қисмини ташкил этади.

СОЛИҚ ТИЗИМИ - қонун чиқарувчи ҳокимият томонидан белгиланган солиқлар, уларни тузиш ва ундириш усуллари, таъмоийллари мажмуи. С.т. қуйидаги элемент (унсур)ларни ўз ичига олади: солиқлар ва йиғимлар рўйхати, уларнинг таснифи, солиқ ҳуқуқи; солиққа тортишни бошқариш; солиқ ундириш усуллари ва уни назорат қилиш.

Мамлакатнинг солиқ қонунлари (қонунчилиги) - солиқ турлари, уларни ҳисоблаш ва тегишли давлат органларига бериш қоидалари белгиланган Кодекс (қонунлар тўплами).

СОЛИҚ ҲУҚУҚИ - 1) муайян давлатда солиқ турлари, уларни ундириш тартиби ва солиқ мажбуриятларининг юзага келиши, узгариши, тухтатилиши билан боғлиқ муносабатларни тартибга соладиган юридик нормалар мажмуи; 2) молия ҳуқуқи институти (муносабатлари).

СОЛИҚ ОКЛАДИ - солиқ субъекти томонидан бир объектдан туланадиган солиқ миқдори.

СОЛИҚ ДАВРИ - солиқ базасининг шаклланиш жараёни яқунланадиган, солиқ мажбуриятлари миқдори ва тўлов муддатлари узил-кесил аниқланадиган муддат.

СОЛИҚ ХАРАЖАТЛАРИ - солиқ сиёсатини таҳлил этиш усули, қонун билан белгиланган солиқ имтиёзларини ва солиқ ундириш билан боғлиқ харажатларни ҳисоблашдан иборат.

СОЛИҚ САНКЦИЯЛАРИ - солиқ органлари томонидан солиққа тортиш туғрисида амалдаги қонунларга риоя қилмайдиган солиқ туловчилар ва мансабдор шахсларга давлат йули билан иқтисодий ва маъмурий таъсир утказиш қуроли; фойда, даромадларни яширганлик учун; солиқ пулини ўз вақтида туламаганлик учун; фойда (даромад) ҳисобини олиб бормаганлик учун; солиқ органларига ҳисоботлар, ҳисоб-китоблар ва бошқаларни ўз вақтида тақдим этмаганлик учун ундириладиган жарима ва пенялардан иборат.

СОЛИҚ АППАРАТИ, СОЛИҚ МАҲКАМАСИ, СОЛИҚ ДЕВОНИ - давлат бошқарувининг таркибий қисми, солиқ қонунларининг ижроси, солиқ туловчининг фаолияти билан бирга солиқлар ва солиқдан ташқари туловларни солиш ва ундиришга раҳбарлик ва назоратни олиб боради. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, унинг ҳудудий бўлинмалари, божхона хизмати органлари **С.а.**га киради.

СОЛИҚ СУБЪЕКТИ - солиқ тулаш мажбурияти юкланган жисмоний ёки юридик шахс.

СОТИШДАН КҮРИЛАДИГАН ЯЛПИ ФОЙДА - маҳсулот сотишдан курилган соф фойда билан сотилган маҳсулот таннарихи орасида тафовут.

СОТИШДАН КҮРИЛАДИГАН ЯЛПИ МОЛИЯВИЙ НАТИЖА - маҳсулот сотишдан курилган соф фойда билан ишлаб чиқариш қиймати орасида тафовут.

СОТИШДАН КҮРИЛГАН ФОЙДА - жунатилган маҳсулот, бажарилган иш ва курсатилган хизматлар учун туланган ва ҳисоб-китоб ҳужжатлари курсатилган пул маблағлари миқдори.

СОХТА КАПИТАЛ - қимматли қоғозлардан иборат бўлган ва ўз эгасига дивиденд ёки фоиз олиш ҳуқуқини берадиган капитал. Қайта ишлаб чиқариш жараёнида иштирок этмаслиги билан ҳақиқий капиталдан фарқ қилади.

СОФ ФОЙДА - молиявий фаолиятнинг умумий баҳоловчи курсаткичи, умумий молиявий натижалардан фойда (даромад) солиғини айириб аниқланади.

СОФ КАПИТАЛ САРФЛАР - ялпи капитал сарфлар билан амортизация ажратмалари уртасидаги фарқ.

СОФ МОДДИЙ МАҲСУЛОТ - муайян мамлакат фуқаролари бошқа хорижий мамлакатлар фуқароларига тулаган фоиз ва дивидендлар чегириб ташлангандан кейин қилган ялпи миллий маҳсулот.

СТАВКА - белгиланган ҳақ меъёри

СТАГФЛЯЦИЯ - мамлакат иқтисодиётининг инфляция билан иқтисодий турғунлик бирикуви ҳолатида бўлиши.

СУБВЕКЦИЯ - давлат томонидан маҳаллий ҳақимият органларига бериладиган иул нафақаси. Маълум бир аниқ тадбирни молиялаш учун берилиши ва мақсадли фойдаланиш бузилган ҳолларда қайтариб олинishi билан дотациядан фарқ қилади.

СУБСИДИЯ - давлат томонидан юридик ва жисмоний шахсларга, маҳаллий ҳақимият органларига, бошқа давлатларга давлат ёки маҳаллий бюджет, шунингдек махсус фондлар ҳисобидан пул ёки натура шаклида бериладиган нафақа.

СУВ УЧУН ТҶЛОВ - ишлаб чиқариш-техника эҳтиёжлари учун сувдан фойдаланадиган корхоналар тўлайдиган солиқ. Истеъмол этилган оқар ва ер ости қувурлари ҳажмидан келиб чиққан ҳолда фойдаланилган сувнинг ҳар 1 м³ учун белгиланган ставкалар бўйича ҳисобланади.

Т

ТАБИЙ МОНОПОЛИЯ - фақат битта фирма бутун бозорни таъминланган ҳолдагина узоқ муддатли ўртача чиқим энг кам буладиган тармоқ.

ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ БИЛАН ШУҒУЛЛАНДИГАН ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРДА РҶЙХАТГА ОЛИШ ЙИҒИМИ - ваколатли органлар бирон бир турдаги тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш имконияти масаласини ижобий ҳал этиб, қарор қабул қилганда, жисмоний шахслардан олинадиган бир марталик мажбурий тўлов. Рўйхатга олиш йиғими тўланганидан кейин жисмоний шахсга унинг тадбиркор тарзида давлат рўйхатидан ўтганлиги ҳақида гувоҳнома берилади.

Тадбиркорлик эркинлиги, корхоналар ва шахсларнинг узоқ хоҳиши бўйича товарлар ишлаб чиқариш учун иқтисодий ресурслардан фойдаланиш ва ишлаб чиқарилган товарлар (ишлар, хизматлар)ни бозорда ўзи белгилаган нархларда сотишдаги эркин ҳуқуқлари.

ТАЛАБ ИНФЛЯЦИЯСИ - умумий талаб (эҳтиёж)нинг ортishi натижасида юз берадиган инфляция.

ТАЛОН-ТАРОЖ, ЎФИРЛИК - ғаразли мақсадларда бегона мулккий ноқонуний йуллар билан уз эгалигига олиши ёки бу мулкни уз манфаатлари ёки бошқа шахслар манфаати йулида тасарруф этиши

ТАЙЁР МАҲСУЛОТЛАР - 1) қайта сотиш, қайта ишлаш ёки келгусида ишлов бериш (шу йил мобайнида) учун эмас, балки охирги фойдаланиш учун сотиб олинган маҳсулотлар; 2) муайян соҳада тулиқ технологик циклдан утган ва белгиланган андоза ёки техник шартларга мос келадиган қилиб ишлаб чиқарилган маҳсулот.

ТАКСА, ҚАТЪИЙ БАҲО - давлат ёки узини узини бошқариш органлари томонидан аниқ белгилаб қуйилган товарлар нархи ёки меҳнат ва хизмат ҳақи миқдори.

ТАРИФ - жисмоний ёки юридик шахсга курсатиладиган турли ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш хизматлари учун тулов ставкалари тизими.

ТАРИФ ТУСИҚЛАРИ - турли мамлакатларда муайян товарларни мамлакапта киритиш ёки ундан чиқаришни қийинлангирадиган божхона тарифлари тизими, аксарият ҳолларда рақибларга нисбатан таҳқирлаш мақсадларини кузлайди.

Ташлама, сийлов тузилган контрактларга кўра сотишга мўлжалланган товар (хизмат) бошланғич (базавий) нархини камайтириш.

ТИЖОРАТ СИРИ - ҳужалик юритиш субъектининг атайлаб сир тутиладиган иқтисодий манфаатлари ҳамда рақобат манфаатлари ва ҳужалик юритиш объектининг иқтисодий хавфсизлигига бўлиши мумкин булган таҳдидлар нуқтан назаридан этилиши талаб қиладиган ишлаб чиқариш-ҳужалик, бошқариш, илмий-техника, молиявий фаолиятининг турли қирралари ва соҳалари ҳақидаги маълумотлар.

ТОВАР - бозорда сотиладиган маҳсулот, олди-сотди объекти.

ТОВАР БЕЛГИСИ - саноат ёки савдо корхоналари томонидан товарга ёки товар урамасига тушпирилдиган белги (рамз). Товарни ва уни ишлаб чиқарувчи (сотувчи)ни бошқалар ёки ажратиб курсатиш учун қўлланилади. Сифат кафолати ва реклама вазифаларини бажаради. Саноат мулки ва номоддий актив ҳисобланади.

ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИ ЭГАЛАРИДАН ОЛИНАДИГАН СОЛИҚ - туғри маҳаллий солиқларнинг бир тури, юридик

ёки жисмоний шахс эгалик қиладиган транспорт воситасининг қуввати бирлигига қараб ундирилади.

ТРАНСФЕРТ - 1) чет эл валютаси ёки олтинни бир мамлакатдан бошқасига бериш; 2) бир шахснинг қимматли қоғозларга эгалик ҳуқуқини иккинчи шахсга бериш, одатда ўтказиш ёзуви (индоссамент) билан расмийлаштирилади.

ТРАНСФЕРТ ТУЛОВЛАРИ - ўтказма туловлар, давлат бюджет воситаларини қайта тақсимлаш шаклиларидан бири (хусусий тadbиркорларга субсидиялар, давлат қарзлари бўйича фойиз туловлари, ижтимоий эҳтиёжларга давлат томонидан туланадиган пул маблағлари).

ТРЕСТ - корхоналар бирлашмаси шакли, унинг таркибига кирган корхоналар ягона бошқарувга бўйсунган ҳолда тижорат ва ишлаб чиқариш мустақиллигини йўқотади.

ТУЛИҚ ШИРКАТ - тadbиркорлик фаолиятини амалга ошириш ва фойда олиш мақсадларида бирлашган шахсларнинг уюшмаси. Тулиқ ширкат мажбуриятлари бўйича унинг ишпирокчилари тулиқ (чегараланмаган) умумий жавобгар, яъни фақат қўшган капитали билан бирга ўзининг жами мулки билан жавобгар бўлади.

ТУЛОВ ТАЛАБНОМАЛАРИ БИЛАН ҲИСОБ-КИТОБЛАР - нақд пулсиз ҳисоб-китоблар шакли, бунда пулни олувчи ўзига хизмат курсатадиган банкка банк орқали муайян суммани тулаш тўғрисида туловчига талаб ёзилган инкассо ҳисоб-китоб ҳужжати тақдим этади. Туловчи тулов талабномасида курсатилган пулни тулаганидан кейин воситалар олувчи ҳисоб варағига ёзиб (киритиб) қўйилади.

ТУЛОВ ТОПШИРИҚНОМАСИ - ҳисоб-китоб ҳужжати, туловчининг ўз ҳисоб варағидан олувчи ҳисоб варағига муайян пул миқдорини ўтказиш бўйича банкка берган топшириғидан иборат.

ТУЛОВ ТАЛАБНОМАСИ - ҳисоб-китоб ҳужжати, акцепт бўйича ҳисоб-китоб қилишда қўлланилади. Пул маблағларини олувчининг ўзига муайян пул миқдорини банк орқали тулаши ҳақида туловчига берган талабидан иборат.

ТУЛОВГА ҚОБИЛЛИК - жисмоний ёки юридик шахснинг ўз молиявий мажбуриятларини уларнинг тушумига қараб ўз вақтида бажариш имконияти. Қарзларни тулаш, олинган маҳсулотлар, курсатилган хизматлар, бажарилган ишлар ҳақини тулаш учун етарли бўлган ўз маблағи ёки қарзга олинган маблағларнинг нақдлиги билан белгиланади.

ТУП (ЮК, ТОВАРЛАР)ГА ДЕКЛАРАЦИЯ - чегара орқали олиб утиладиган юк ҳақида божхона органлари учун зарур маъмуриятлар акс эттирилган ҳужжат.

ТУҒРИ СОЛИҚЛАР - давлат томонидан солиқ туловчининг бевосита даромади ёки мол-мулкидан ундириладиган солиқлар.

У

УЙ ХУЖАЛИГИ - бир ёки бир неча кишидан иборат иқтисодий бирлик; у иқтисодиётни ресурслар билан таъминлайди ва улар учун олинган пулдан инсоннинг моддий эҳтиёжларини қондирувчи товарларни сотиб олиш ва хизматларга тулаш учун фойдаланади.

УЛГУРЖИ НАРХ - катта, тупи билан сотиладиган товарлар нархи.

УМУМХУЖАЛИК ФАОЛИЯТИ ФОЙДАСИ - асосий фаолият фойдаси, дивидендлар ва фонслар буйича даромадлар, олиш фоизлари (фоизлар буйича дебиторлик қарзлари), чет эл валютаси билан утказилган операциялардаги олинган даромадлар (бу операциялар буйича қурилган зарар чегириб ташланади), қимматли қозғаларга қўйилган инвестицияларни қайта баҳолашдан олинган даромадлар (қайта баҳолашдан қурилган зарар чиқариб ташланади) нинг алгебраик йиғиндисидан фоизлар буйича харажатларни чегириб ташлаш йули билан аниқланади.

УМУМХУЖАЛИК ФАОЛИЯТИНИНГ МОЛИЯВИЙ ЯКУНЛАРИ - корхонанинг асосий ишлаб чиқариш фаолиятидан олинган молиявий натижа ва молиявий фаолият натижалари курсаткичлари йиғиндиси.

УМУМИЙ ХАРАЖАТЛАР, НОИШЛАБ ЧИҚАРИШ ХАРАЖАТЛАРИ - бевосита ишлаб чиқариш жараёнига алоқадор бўлмаган чиқим ва сарфлар; уларга бошқарув, маҳсулотни сотиш билан боғлиқ, умумхужалик даражасидаги бошқа харажатлар кирadi.

Устав капитали, устав фонди, устав сармояси корхонанинг асосий ва айланма воситалари манбаи. Корхоналар ташкил этиш давлат ажратадиган воситалар, муассасалар ва иштирокчиларнинг ҳиссалари, меҳнат жамоаси аъзоларининг мулки, пай бадаллари ҳисобидан вужудга келади. Устав капитали миқдори корхона

устаида курсатилади ва корхона балансининг пассивида, Устав капиталига тенг бўлган асосий ва айланма воситалар қиймати балансининг активида курсатилади.

УСТАМА - 1) сотувчи (етказиб берувчи) харидорнинг қушимча талабларига розилик билдириб ва уларни бажарган ҳолларда контрактларда назарда тутилдиган товар (хизматлар)нинг базавий нархиға қушиладиган қушимча ҳақ; 2) товарлар улгуржи фирманинг база ва омборларидан сотилганда товар нархи устиға қўйилдиган устама пул (савдо устамаси), харажатларни қоплаш ва муайян уртача фойда куриш учун қўлланилади.

Ф

Фойда ва зарар ҳисоб варағи - муайян муддат давомида фирма даромадлари, харажатлари ва солиқларининг жамланган ифодаси.

Фойда солиғи - корхона фойдасидан амалдаги қонунлар билан белгиланган ставкалар бўйича бюджетта ундирилдиган солиқ.

Фирма - товарлар ишлаб чиқарадиган ёки хизмат курсатидиган ташкилот.

Фирма номи - ўзининг ишлаб чиқариш ёки савдо-сотиқ фаолиятида муайян ном ёки исм билан иш курадиган тадбиркор (якка шахс ёки жамоа).

“Франко” нарх - транспорт харажатларини қоплаш тартибини эътиборга олиб белгиланган улгуржи нархлар. Харажатлар курсатилган манзилға қадар етказиб берувчи томонидан қопланади.

Френчайс - хусусий бизнес билан шуғулланиш ҳуқуқини берадиган лицензия.

Форфейтинг - савдо операцияларини кредитлашнинг ўзига хос шакли, товарлар, векселлар сотувчисидан шу товарларни акцептлаган харидор томонидан сотиб олиниши. Ф. шартларига қўра сотувға харидорға қўйган ўз талабларини кредит муассасига йўллайди.

Фонд биржаси, фонд бозори - қимматли қогозлар савдоси ташкил қилиш шакли; олдиндан белгиланган қоидалар бўйича мунтазам равишда ўтказиб турилади. Ф-б-да ҳиссадорлик ширкатларининг акциялари, облигациялари ва давлат қарз облигацияларининг савдо-сотиғи амалға оширилади.

ФУҚАРОЛАРДАН, ЧЕТ ЭЛ ФУҚАРОЛАРИДАН ВА ФУҚАРОЛИГИ БУЛМАГАН ШАХСЛАРДАН ОЛИНАДИГАН ДАРОМАД СОЛИҚИ - тўғри прогрессив (ортиб борувчи) солиқ тури, бундай солиқ жисмоний шахсларнинг даромадидан қонуналар билан белгиланган тартибда пул ёки натура шаклида ундирилади.

Х

ХАЗИНА ВАЗИФАСИ - давлатнинг бюджет тизими ва бюджетдан ташқари фойзаларда тупланадиган молиявий ресурслари (хазинаси)ни шакллантириш мақсадларида солиқлар ундириш.

ХАЗИНА СИЁСАТИ - ҳукумат юритадиган молия сиёсатининг таркибий қисми, ҳукуматнинг солиқларни жорий этиш ва воситаларни сарфлаш ҳуқуқларидан фойдаланиши.

ХАЗИНА ТАРИФИ - импорт солиғи, давлат томонидан пул ресурслари киримини қупайтириш мақсадларида қўлланилади.

ХАЛҚАРО СОЛИҚ МУНОСАБАТЛАРИ - солиқ юридикцияси (солиққа доир қонунларнинг қўлланиш соҳалари) чегараларини ўзаро тартибга солиб туриш юзасидан мамлакатлар орасида олиб бориладиган муносабатлар.

ХАЛҚАРО СОЛИҚ БИТИМЛАРИ - турли мамлакатлар орасида солиқ солиш масалаларини тартибга солиб туриш мақсадида тузиладиган шартномалар.

ХАЛҚАРО ТИКЛАШ ВА ТАРАҚҚИЁТ БАНКИ (ХТТБ - МБРР) - 150 давлатни қамраб олган банк; ривожланаётган мамлакатларнинг ривожланиши учун уларга қарз беради, қарз берилишини кафолатлайди.

ХАЛҚАРО ВАЛЮТА ФОНДИ (ХВФ-МВФ)- тулов балансида вақтинчалик етишмовчилик бўлган мамлакатларга чет эл валютасида қарз бериш ва валюта курсларини бир меъёردа тутиб туриш тадбирларини қўриш учун иккинчи жаҳон уруши тугаши арафасида (1944 й.) тузилган давлатлараро халқаро валюта-кредит ташкилот; 167 мамлакат, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси ҳам ХВФга аъзо (1992 й. 27 апрелда қабул қилинган).

ХАРАЖАТЛАР СМЕТАСИ - маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ва сотиш бўйича корхонанинг келгусидаги режали харажатларини харажатларнинг иқтисодий турдош моддалари бўйича гуруҳларга бўлиш. Сметада тугалланмаган ишлаб чиқа-

риш қолдиғидаги ўзгаришлар, муайян календарь давр учун капитал қурилиш харажатлари ва бошқалар ҳисобга олинади.

ХОЛДИНГ - тадбиркорликнинг бир қуриниши, турли компаниялар фаолияти устидан назорат ўрнатиш ва дивиденд олиш мақсадларида уларнинг акциялари назорат мажмуасини сотиб олишдан иборат.

ХУСУСИЙ МУЛК - 1) тула эғалик, тасарруф ва фойдаланиш ҳуқуқи билан ҳар қандай жисмоний ёки юридик шахсга тегишли бўлган кучар ва кучмас мулк. 2) жисмоний ёки юридик шахснинг ер капитал, бошқа активларни сотиб олиш, эғалик қилиш, назорат қилиш, фойдаланиш, сотиш, васият қилиш ҳуқуқи; 3) моддий бойликларни ўзлаштиришнинг тарихан юзага келган муайян ижтимоий шакли.

Ч

ЧАРТЛАР - нархларни ҳисобга олиш ва олдиндан тахминлаш учун қўлланиладиган жадвал (чизма)

ЧЕК - қимматбаҳо қоғоз тури, белгиланган шаклдаги пул ҳужжати, чек берувчининг чекни тақдим этганга унда кўрсатилган суммани тўлаш ҳақида кредит муассасаси (банк)га берган қатъий буйруғини ифода этади.

ЧЕК ДАФТАРЧАСИ - дафтарча қилинган чеклар мажмуи.

ЧЕКЛАНМАГАН МАСЪУЛИЯТ - корхона эғаси корхонанинг зарар ва қарзлари учун жавобгарликни тўлиқ ўз зиммасига олиш ҳақидаги талаб.

ЧЕТДАН БОЖ КЕЛТИРИШ БОЖИ - импорт товарлардан давлат ундирадиган божхона тўловчи (божи).

Ш

ШАҲСИЙ СОЛИҚЛАР - тўғри солиқ солишнинг муҳим шакли; бунда солиқ тўловчининг даромадига солинадиган солиқ берилган имтиёзларни ҳисобга олган ҳолда олинади. Жисмоний шахслардан даромад солиғи, мерос ва совға солиғи, бир галлик йиғим, транспорт воситасининг эғасидан олиннадиган солиқ, мулк солиғи ва ҳ.к. солиқлар шаклида олинади.

ШАХСИЙ ИСТЕЪМОЛ ХАРАЖАТЛАРИ - солиқ тўловчи (уй хўжалигида) истеъмол товарларига ҳамда узоқ муддат ва қисқа муддатда фойдаланиладиган хизматларга қиладиган харажатлари. Солиқ солиш базасини ҳисоблашда бундай харажатлар чиқариб ташланмайди.

Э

ЭГАСИЗ МУЛК - эгаси бўлмаган ёки эгаси номаълум бўлган, эгаси шу ҳудуддан чиқиб кетган ёки турар жойи номаълум бўлган мулк. Э.м. давлат ихтиёрига ўтказилади, уни сотишдан тушган пул бюджетга топирилади.

Жамоатчилик жойларидан топиб олинган пул маблағлари; давво муддати ўтиб кетган қимматбаҳо нарсалар, буюмлар э.м. жумласига киради. Эгасиз бўлган ёки эгаси унга эгалик ҳуқуқини йўқотган валюта, табиий ҳолдаги ёки буюм шаклидаги қимматбаҳо тошлар ва асл металллар ҳам э.м. ҳисобланади. Транспорт ташкилотларидан муддатида талаб қилиб олинмаган юклар, товар-моддий бойликлар, муддати ўтиб кетган тарқатилмаган почта жўнатмалари, давлат идоралари мусодара қилган, эгасига қайтарилмайдиган мулк Э.м. жумласига киради.

ЭКСПОРТ - 1) сотиш ёки бошқа мамлакатларда фойдаланиш мақсадларида мамлакатда товар чиқариш; 2) капитал экспорти - фойда олиш мақсадларида капитални хорижий мамлакатда жойлаштириш; 3) чиқарилган товарларнинг умумий миқдори ёки қиймати.

ЭКСПОРТ ИМКОНИЯТИ, ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИ - муайян мамлакат саноати, жами ижтимоий ишлаб чиқаришнинг ташқи бозор учун зарур миқдордаги рақобатбардош товарлар ишлаб чиқариш қиймати.

ЭМИССИЯ - муомалага пул ва қимматбаҳо қоғозлар чиқариш.

ЭНГ КАМ ИШ ҲАҚИ - иш берувчилар қонуний асосларда ходимга белгиланган давр учун тўлайдиган энг паст иш ҳақи (унинг ставкаси).

ЭРКИН ВАЛЮТА КУРСИ - чет эл пулларига бўлган талаб ва таклифлар билан белгиланадиган ҳамда эркин кўтарилиши ва пасайиши мумкин бўлган валюта курси.

ЭРКИН ЗОНА, ЭРКИН ҲУДУД - давлат ҳудудининг алоҳида ажратилган қисми, мамлакат божхона ҳудудидан ташқарида деб ҳисобланади ва шу сабабли бу ҳудудда солиқ олиш буйича алоҳида имтиёзли тартиб амал қилади, унга келтириладиган товарлар божхона туловларидан озод қилинади ва божхона назоратидан утказилмайди.

Ю

ЮРИДИК ШАХС - ўзига юклатилган вазифаларни бажаришда гражданлик ҳуқуқи ва мажбуриятларининг мустақил субъекти сифатида ўз номидан иш курадиган ҳар қандай мулкчилик шаклидаги муассаса, корхона ёки ташкилот. Юридик шахс белгилари: 1) ўз таркибига кирадиган ва ўзгариб туриши мумкин бўлган айрим шахсларга боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуд бўлиши; 2) ўз иштирокчилари мулкидан алоҳида бўлган мулкнинг бўлиши; 3) мулкни сотиб олиш, ундан фойдаланиш, тасарруф этиш ҳуқуқи, шунингдек қонун йул қуядиган бошқа ҳаракатларни ўз номидан амалга ошириш; 4) ўз номидан судда ва турли хужалик судларида даъвогар ва жавобгар бўлиш ҳуқуқи; 5) мустақил ва мулкий масъулият. Банк муассасаларида ҳисоб ва жорий варақларига, ўз номи ёзилган муҳрга эга бўлади.

Я

ЯККА ЭГАЛИК - бир шахс эгалик қиладиган ва бошқарадиган ширкатланмаган фирма.

ЯЛПИ МАҲСУЛОТ - корхона фаолиятининг умумлаштирувчи кўрсаткичи; маълум даврда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажмини ифодалайди.

ЯЛПИ МИЛЛИЙ МАҲСУЛОТ (ЯММ) - мамлакат ичида ҳам, ундан ташқарида ҳам яратилган тугал товарлар ва кўрсатилган хизматларнинг умумий қиймати.

Ў

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ - қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширадиган олий давлат вакиллик органи. Олий Мажлис ваколатига Вазирлар Маҳкамасининг тақдимига биноан республика бюджетини қабул этиш ва унинг ижросини назорат қилиш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни жорий қилиш ҳам киради.

Олий Мажлиснинг фаоллиги Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси туғрисида” Конституциявий Қонуни билан белгиланади.

ЎРТАЧА СОЛИҚ СТАВКАСИ - солиққа тортилган умумий даромад миқдорига бўлинган жами туланадиган солиқ суммаси, яъни солиқ туланадиган жами даромаднинг солиқ ставкаси.

Қ

ҚАРЗ МАБЛАҒЛАР - корхонага вақтинчалик фойдаланиш учун бериладиган пул маблағлари ёки товар моддий бойликлар. Бириктирилган даромадлар - тулиқ ёки қисман (қатъий нормаларда) бевосита республика бюджетига ёки маҳаллий бюджетларга тушадиган даромадлар. Бу даромадларнинг бюджетлар бўйича (бириктириб) қўйилиши республиканинг Давлат бюджети туғрисидаги қонун билан, маҳаллий ҳокимият органларининг бюджетлар ҳақидаги қарорлар билан белгиланади.

ҚАРЗГА ОЛИНГАН ВОСИТАЛАР - асли корхонага тегишли бўлмай, вақтинча унинг тасарруфида турган ва узиники каби ишлатиладиган пул воситалари. Қарз воситалар қайтариб бериш ва ҳақ тўлаш шарти билан муайян муддатта берилади.

ҚАЙТА ТАҚСИМОТ ВАЗИФАСИ - жисмоний ва юридик шахслар даромадларини қайта тақсимлашда солиқлардан фойдаланиш, ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва давлатнинг ижтимоий мақсадларини амалга оширишга хизмат қилади.

ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР - умумий белгиларга эга бўлган пул ёки товар ҳужжатлари, уларда ифода этилган мулкий ҳуқуқ-

лар - муайян пул суммасини олиш, акциядорлар жамиятида фойда ҳиссасини олиш, товар ва бошқаларни олиш кабиларни амалга ошириш учун тақдим этилиши зарур.

ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БИЛАН ОПЕРАЦИЯЛАР СОЛИҚИ - 1) қимматли қоғозлар билан ўтказилган операциялар бўйича келишув-шартномаларнинг амалдаги миқдорининг бир қисми. 2) Эмиссия проспектини рўйхатдан ўтказишда эмитент тулайдиган йиғим.

ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАРНИНГ НОМИНАЛ (ЎЗИЛГАН) ҚИЙМАТИ - қимматли қоғозларда ифода этилган ўзма қиймат. Одатда қимматли қоғозларнинг талаб ва таклиф таъсирида шаклланадиган амалдаги бозор нархларидан фарқ қилади.

ҚУШ СОЛИҚ СОЛИШ - 1) солиқ туловчи ва солиқ солиш объекти турли давлатларнинг юридикциясига тобелити туфайли улардаги турли давлатларда бир вақтнинг ўзида ҳар хил солиқлар ундирилиши. Манфаатдор давлатлар уртасида тузилган типавой конвенцияларга қўра мамлакатлар солиқ солиш объектининг туриш жойи тамойилидан келиб чиққан ҳолда солиқ солинадиган даромадларни тақсимлаш ҳақида келишиб олишади; 2) корхоналарнинг соф даромади (фойдаси) ва ундан туланадиган дивиденд фуқароларнинг шахсий даромадига айланганда уларга солиқ солиш.

ҚУШ ҲИСОБ - оралиқ буюмлар қийматини янги миллий маҳсулот (ЯММ) таркибига киритиш; бир хил товар ёки хизматнинг ўзига бир мартадан қўп ҳисобга олиш.

ҚУШИМЧА ТУЛОВЛАР - ходим иш ҳақидан ташқари (иш берувчидан оладиган пул маблағи; шу жумлага пенсия, тиббий суғурта нафақаси, касаллик туфайли олинадиган навбатдаги таътиллар учун ҳақ ва ҳ.к ҳам киради.

ҚАТЪИЙ НАРХ - шартнома тузилган пайтда белгиланадиган ва унинг амал қилиш муддати давомида ўзгармай қоладиган нарх.

ҚУШИЛГАН ҚИЙМАТ СОЛИҒИ (ҚҚС) - товарлар, ишлар, хизматларни сотиш жараёнида янгидан яратилган қиймат бўйича соф даромаднинг бир қисмини бюджетга олиш йўллари билан бири. ҚҚС бўйича табақалаштирилган тулов муддатлари белгиланган.

ҚУШИМЧА ҲАРАЖАТЛАР - асосий ишлаб чиқаришга қўшимча хизматлар ва уни бошқариш билан боғлиқ чиқимлар. Асосий харажатлар каби маҳсулот таннархига қўшилади.

Х

ҲИСОБОТ ДАВРИ - яқунларни (охирги ёки оралиқ) ҳисоб-китоб қилиш, ҳисоботни тузиш ва уни солиқ органига тақдим этиш муддати.

ҲИСОБ-КИТОБ ҲУЖЖАТЛАРИ - корхоналарнинг жунатилган (юкланган) товар-моддий бойликлар, бажарилган ишлар, курсатилган хизматлар учун, шунингдек бошқа туловларга нақд пулсиз тартибда пул маблағларини ўтказиш бўйича ёзма ҳолда расмийлаштирилган талабномаси ёки топшириқномаси.

ҲИСОБ ВАРАҚАСИ - узининг айланма воситаларига ва мустақил балансига эга бўлган корхоналарнинг пул воситаларини сақлаш ва ҳисоб-китобларни амалга ошириши учун банк томонидан очиладиган қайднома. Ҳисоб варақасини очиш тартибини банклар белгилайди.

ҲИСОБ ФОИЗИ (СТАВКАСИ) - банклар томонидан векселлар, қимматли қоғозлар, купонлар, облигациялар, шунингдек бошқа қарз мажбуриятларини тулов муддатларига қадар қабул қилиб (ҳисобга олиб) пул билан аванслгани учун олинадиган ҳақ.

МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
I-боб. СОЛИҚҚА ТОРТИШНИНГ МАКРО ВА МИКРОИҚТИСОДИЙ ЖИҲАТЛАРИ.....	7
1. Ўзбекистон Республикасининг бюджет тизими.....	7
2. Солиқларнинг таърифи.....	14
3. Солиқларнинг функциялари.....	15
4. Солиққа тортиш.....	23
5. Солиқ юкининг тақсимланиши.....	30
6. Солиқ сиёсатининг макроиқтисодий самараси.....	35
II-боб. ЎЗБЕКИСТОНДА СОЛИҚЛАР ТАРИХИ.....	39
III-боб. СОЛИҚ ТИЗИМИ: УМУМИЙ ТУШУНЧАЛАР ВА АТАМАЛАР.....	66
1. Солиқ элементлари.....	66
2. Солиқларнинг таснифланиши.....	85
IV-боб. ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАРНИНГ СОЛИҚ ТИЗИМЛАРИ ВА ХАЛҚАРО СОЛИҚ МУНОСАБАТЛАРИ.....	91
1. Жаҳоннинг ривожланган мамлакатлардаги солиқ тизими модели.....	91
2. Хорижий мамлакатларда шахсий даромад солиғи.....	93
3. Иш ҳақидан ундириладиган солиқ.....	102
4. Компанияларнинг солиққа тортилиши.....	103
5. Қушилган қиймат солиғи.....	108
6. Халқаро солиқ битимлари ва икки ёқлама солиққа тортиш.....	111
V-боб. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОЛИҚ ТИЗИМИ.....	119
1. Фойда солиғи.....	119
2. Қушилган қиймат солиғи.....	128
3. Транспорт воситалари эгаларидан олинадиган солиқ.....	135
4. Ер солиғи.....	136
5. Акциз солиғи.....	142
6. Фуқаролардан ундириладиган даромад солиғи.....	146
VI-боб. ЧЕТ ЭЛ ИНВЕСТИЦИЯЛАРИ ИШТИРОҚИДАГИ КОРХОНАЛАРИ СОЛИҚҚА ТОРТИШ ХУСУСИЯТЛАРИНИ.....	152
1. “Чет эл инвестициялари” тушунчаси ва уларнинг мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришдаги роли.....	152

2. Солиқни ҳисоблаш тартиби ва тулаш муддатлари.....	159
VII-боб. СОЛИҚ ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУНЛАРНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ЮРИДИК ЖАВОБГАРЛИК.....	168
1. Жамиятда қонунчилик ва қонунийлик.....	168
2. Солиқ тўғрисидаги қонунларни бузганлик учун юридик жавобгарлик тушунчаси. Унинг турлари.....	179
3. Давлат солиқ органлари фаолиятида маъмурий жавобгарлик масалалари.....	181
4. Солиқлар тўғрисидаги қонунларни бузганлик учун жиноий жавобгарлик.....	204
VIII-боб. СОЛИҚ ИДОРАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ.....	207
1. Солиқ ва божхона идоралари тизими.....	207
2. Давлат солиқ идораларининг ваколатлари.....	216
3. Давлат солиқ идораларининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан баҳамжиҳат ҳаракати.....	225
I-илова. СОЛИҚ ОРГАНЛАРИДА ҚўЛЛАНИЛАДИГАН МЕҲНАТНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА БОШҚАРИШНИНГ УМУМИЙ ҚОИДАЛАРИ.....	237
II-илова. ИҚТИСОДИЙ, МОЛИЯВИЙ ВА ЮРИДИК АТАМАЛАРНИНГ ҚИСҚАЧА ЛУҒАТИ.....	256

Давлат солиқ қўмитаси

Ш.К.ГАТАУЛИН

Солиқлар ва солиққа тортиш

Ўқув қўлланмаси

Рус тилидан таржима қилинди

Ҳажми 19 босма тобоқ Формати 84x108 1/32 Тиражи 5000 нусха

Тошкент ш., Мустақиллик майдони, 2

“Тошполиграфкомбинат” ИЖ да босилди

Буюртма № Д-7263

